ISSN 2091-5659

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТЎПЛАМИ

СОБРАНИЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

№ 25

2026 йил 22 - 27 июнь

Расмий нашр

Официальное издание

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари жойлаштирилади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ БЎЛИМ

608. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 22 июндаги ЎРҚ-1154-сон Қонуни

609. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга, коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 22 июндаги ЎРҚ-1155-сон Қонуни

ИККИНЧИ БЎЛИМ

610. «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 23 июндаги ПФ-115-сон Фармони

611. «Маҳалла бошқарувини самарали ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 24 июндаги ПФ-116-сон Фармони

612. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 25 июндаги ПФ-119-сон Фармони

613. «Саратон касалликларининг олдини олиш, эрта аниқлаш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 24 июндаги ПҚ-238-сон қарори

614. «Аҳолига паллиатив тиббий хизматлар кўрсатишни такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 24 июндаги ПҚ-239-сон қарори

УЧИНЧИ БЎЛИМ

615. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 22 июндаги 317-сон қарори

616. «Мактабгача таълим йўналиши бўйича халқаро тажриба асосида бакалаврлар тайёрлаш тизимини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 24 июндаги 321-сон қарори

617. «Умумий ўрта таълим ташкилотларининг олий малака тоифасига эга ўқитувчиларини педагогика соҳасида магистратурага ўқишга мақсадли қабул қилиш тизимини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 24 июндаги 322-сон қарори

618. «Синов лабораторияларининг техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 24 июндаги 323-сон қарори

619. «Товарларни халқаро тан олинадиган ҳужжатлар асосида эркин муомалага чиқаришда ваколатли давлат органларининг электрон тасдиғини олиш амалиётини жорий этиш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 24 июндаги 324-сон қарори

620. «Саноат хавфсизлиги соҳасидаги давлат хизматлари кўрсатилишини ва соҳани рақамлаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 25 июндаги 325-сон қарори

621. «Енгил алангаланувчи ва портловчи кимёвий моддалар билан муомала қилиш хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 25 июндаги 326-сон қарори

622. «Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 25 июндаги 327-сон қарори

623. «Табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар мониторинги ва прогнозлаш ягона тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 25 июндаги 328-сон қарори

624. «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида рақамлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 26 июндаги 329-сон қарори

625. «Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва аҳоли ҳаёт маромини таъминлаш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 26 июндаги 330-сон қарори

626. «Атом энергияси соҳасида билим ва малакалар минтақавий марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 26 июндаги 334-сон қарори

627. «Ўзбекистон Республикасида прекурсорларнинг муомаласи билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш ва узлуксиз назоратни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 26 июндаги 337-сон қарори

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

628. “Havo transportida yo‘lovchi va bagaj tashish qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Transport vazirligi huzuridagi Fuqaro aviatsiyasi agentligi direktorining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 25-iyun ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2238-5-son)*

629. “O‘zbekiston Respublikasida trenerlik faoliyati to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi sport vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 25-iyun ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2247-4-son)*

630. “Sport federatsiyalari (uyushmalari) reyestrini shakllantirish, yuritish, reyestrdan chiqarish va undan ma’lumotlar taqdim etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi sport vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 25-iyun ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2939-2-son)*

631. “Кўчмас мулкни оммавий баҳолаш услубиётини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги директорининг буйруғи *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 25 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3858-сон)*

632. “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги тиббий-ижтимоий муассасаларнинг айрим лавозимлари учун меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директорининг буйруғи *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 25 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3859-сон)*

633. “Qimmatli qog‘ozlar bilan repo bitimlarini amalga oshirish to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi direktorining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 25-iyun ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3860-son)*

634. “Raqobat sohasidagi vakolatli davlat organining tadbirkorlik subyektlarida tekshiruvlar o‘tkazish borasidagi faoliyatida “Xavfni tahlil etish” elektron tizimini joriy etish to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 26-iyun ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3861-son)*

635. “Yer qa’rini geologik o‘rganishda foydali qazilmalar hamda mineral xomashyoni qazib olish sohasida nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi tog‘-kon sanoati va geologiya vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 26-iyun ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3862-son)*

636. “Arxiv ishi va ish yuritish talablari bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 26-iyun ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3863-son)*

637. “Intellektual mulk sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 26-iyun ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3864-son)*

638. “Qishloq xo‘jaligi sohasidagi qonunchilik talablariga rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi boshlig‘ining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 26-iyun ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3865-son)*

639. “Nodavlat ta’lim xizmatlarini ko‘rsatish sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 26-iyun ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3866-son)*

640. “Kinematografiya sohasidagi vakolatli davlat organining tadbirkorlik subyektlarida tekshiruvlar o‘tkazish borasidagi faoliyatida “Xavfni tahlil etish” elektron tizimini joriy etish to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 26-iyun ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3867-son)*

641. “Tarkibida giyohvandlik moddasi bo‘lgan o‘simlikni yetishtirish faoliyati ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligi vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 27-iyun ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3868-son)*

642. “Ёқилғи-энергия ресурсларини ишлаб чиқариш (қазиб олиш), қайта ишлаш, узатиш (ташиш), тақсимлаш ва истеъмол қилиш соҳасидаги талабларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда «Хавфни таҳлил қилиш» электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефт маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси бошлиғининг буйруғи *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3869-сон)*

643. “Давлат ташқи аудити ва молиявий назоратни амалга оширишда «Хавфни таҳлил қилиш» электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раисининг буйруғи *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3870-сон)*

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИ

QMMB: 03/26/1154/0618-son
23.06.2026-y.

25 (1253)-сон
608-модда

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING
QONUNI

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил 9 сентябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2026 йил 8 апрелда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришга, рақамли хизматларда тўловларни амалга ошириш ва тўлов ҳужжатларига сифатли ҳамда хавфсиз ишлов бериш билан боғлиқ молиявий технологиялар жорий этилишини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши унинг қоидалари бир хил қўлланилиши учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларини унга мувофиқлаштириш заруриятини келтириб чиқарди.

Бундан ташқари электрон тижорат соҳаси субъектларининг фаолияти самарадорлигини ошириш, ушбу соҳада тартибга солишни кучайтириш, фуқаролар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат томонидан самарали назоратни таъминлаш зарурияти ортиб бормоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ваколатли давлат органининг назорат вазифаларини кенгайтиришни, суғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчилари фаолиятини тартибга солишни назарда тутувчи, электрон тижорат операторлари фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида ваколатли давлат органини хабардор қилиш тартибини жорий этишни, шунингдек мазкур фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилмаганлик учун жавобгарликни белгиловчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

QMMB: 03/26/1154/0618-son
23.06.2026-y.

Мазкур Қонун суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш орқали суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ва суғурта хизматлари истеъмолчилари учун қулай шарт-шароитлар яратишга, электрон тижорат соҳасини такомиллаштиришга, электрон тижорат операторлари фаолияти устидан самарали назоратни йўлга қўйишга ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган 863–XII-сонли **Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 6, 247-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 350-модда; 2012 йил, № 9/2, 246-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда; 2021 йил, № 4, 293-модда, 4-сонга илова; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 10, 1073-модда; 2025 йил, № 2, 188-модда) **110-моддасининг иккинчи қисмидаги** «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта суммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11–12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 217, 218-моддалар, № 4, 340-модда, № 5,

464-модда, № 6, 570, 577-моддалар, № 11, 1061, 1062-моддалар; 2023 йил, № 10, 795-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 2, 111, 114-моддалар, № 6, 530-модда, № 9, 960-модда, № 11, 1193-модда; 2025 йил, № 2, 188, 194-моддалар, № 3, 370-модда, № 4, 519, 520, 522-моддалар, № 6, 730-модда, № 8, 968-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **423-модданинг биринчи қисмидаги** «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта суммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **915-модданинг биринчи қисмидаги** «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта суммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **918-модданинг тўртинчи қисмидаги** «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта суммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **921-модданинг**:

биринчи қисмидаги «шартномада шартлашилган пулни (суғурта пулини)» деган сўзлар «шартномада шартлашилган суғурта суммаси доирасида суғурта тўловини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «суғурта пулини» деган сўзлар «суғурта тўловини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **923-модданинг учинчи қисмидаги** «суғурта пулининг» деган сўзлар «суғурта суммасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **926-модданинг иккинчи қисмидаги** «суғурта пулини» деган сўзлар «суғурта тўловини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **927-модданинг**:

биринчи қисмидаги «ёзма» деган сўз «ёзма ёки электрон» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «(шаҳодатномаси, сертификати, квитанцияси)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **929-модда**:

биринчи қисмининг:

тўртинчи хатбошисидаги «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта суммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошисидаги «суғурта пулидан» деган сўзлар «суғурта суммасидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта суммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **934-модда**:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**934-модда. Суғурта суммаси**»;

биринчи қисмидаги «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта суммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта суммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «суғурта пулини» деган сўзлар «суғурта суммасини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **936-modданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини суғурталаш шартномасида суғурта суммаси суғурта қийматидан кам қилиб белгиланган бўлса, суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берганида суғурта қилдирувчига (наф олувчига) у кўрган зарарни суғурта суммасининг суғурта қийматига бўлган нисбатига мутаносиб равишда қоплаши шарт»;

11) **937-модданинг биринчи қисмидаги** «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта суммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **938-модданинг**:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар суғурта шартномасида кўрсатилган мол-мулк ёки тадбиркорлик хавфининг суғурта суммаси суғурта қийматидан ортиқ бўлса, шартнома суғурта суммасининг суғурта қийматидан ортиқ бўлган қисмида ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди»;

учинчи қисмидаги «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта суммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар суғурта шартномасидаги суғурта суммасини ошириб юбориш суғурта қилдирувчи томонидан алдашнинг оқибати бўлса, суғурталовчи шартномани ҳақиқий эмас деб топишни ва ўзига етказилган зарар унинг суғурта қилдирувчидан олган суғурта мукофоти суммасидан ортиқ миқдорда қопланишини талаб қилишга ҳақли»;

13) **939-модданинг**:

биринчи қисмидаги «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта суммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта суммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **940-модданинг иккинчи қисмидаги** «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта суммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **941-модданинг биринчи қисмидаги** «суғурта пулини» деган сўзлар «суғурта тўловини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **942-модданинг**:

иккинчи қисмидаги «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта суммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта тўлови» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **945-модданинг иккинчи қисмидаги** «суғурта пулини» деган сўзлар «суғурта тўловини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **952-модданинг иккинчи қисмидаги** «суғурта пулидан» деган сўзлар «суғурта суммасидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) **953-модданинг**:

биринчи қисмидаги «суғурта пулини» деган сўзлар «суғурта тўловини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «суғурта пулини» деган сўзлар «суғурта тўловини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

QMMB: 03/26/1154/0618-son
23.06.2026-y.

20) **954-модда**:

номидаги «**суғурта пулини**» деган сўзлар «**суғурта тўловини**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «суғурта пулини» деган сўзлар «суғурта тўловини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) **955-модда**:

номидаги «**суғурта пулини**» деган сўзлар «**суғурта тўловини**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «суғурта пулини» деган сўзлар «суғурта тўловини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта тўловини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суғурталовчининг суғурта товонини ёки суғурта тўловини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори суғурта қилдирувчига (наф олувчига) улар суғурта товонини ёки суғурта тўловини тўлашни сўраб мурожаат этганидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши ва рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим»;

учинчи қисмидаги «суғурта пулини» деган сўзлар «суғурта тўловини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) **956-модданинг**:

номидаги «**суғурта пулини тўлаш**» деган сўзлар «**суғурта тўлови**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта тўлови» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта тўлови» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23) **958-модданинг матнидаги** «суғурта пулининг» деган сўзлар «суғурта суммасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) **959-модданинг**:

биринчи қисмидаги «суғурта пулини» деган сўзлар «суғурта тўловини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг иккинчи жумласидаги «суғурта қилдирувчи» деган сўзлар «қайта суғурта қилдирувчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «суғурта пулини» деган сўзлар «суғурта тўловини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

25) **992-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ихтиёрий ёки мажбурий суғурта тартибида жабрланувчи фойдасига ўз жавобгарлигини суғурталаган юридик шахс ёки фуқаро етказилган зарарни тўлиқ қоплаш учун суғурта товони (суғурта тўлови) етишмаган тақдирда, суғурта товони (суғурта тўлови) ва зарарнинг ҳақиқий миқдори ўртасидаги фарқни тўлайди».

QMMB: 03/26/1154/0618-son
23.06.2026-y.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган **«Давлат солиқ хизмати тўғрисида»**ги 474-I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 232-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9–10, 182-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 312-модда, № 12, 415-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 474-модда; 2010 йил, № 9, 336-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 166-модда, № 5, 267-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 215-модда) **14-моддасига** қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**14-модда. Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахслари ва ходимларини ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларини муҳофаза қилиш**»;

иккинчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари, шунингдек ходимлари қонунда белгиланган тартибда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурталаниши лозим».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган **«Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–155-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 4, 191-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 4, 99-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2020 йил, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 803-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда; 2023 йил, № 1, 2-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда; 2025 йил, № 2, 188-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг**:

саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**суғурта суммаси** – муайян сумма бўлиб, суғурталовчи суғурта товонини (суғурта тўловини) суғурта шартномаси бўйича ушбу сумма доирасида тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади»;

ўн биринчи хатбошисидаги «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта суммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

QMMB: 03/26/1154/0618-son
23.06.2026-y.

2) **5-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчининг ва (ёки) мажбурий суғурта шартномасида кўрсатилган транспорт воситаси бошқа эгасининг, шунингдек транспорт воситасидан фойдаланувчиларнинг сони чекланмаган ҳолда фойдаланишдаги бошқа эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги суғурталаниши мумкин»;

3) **15-модда**:

иккинчи қисмидаги «шунингдек махсус давлат белгисини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суғурта полиси қонунчиликка мувофиқ расмийлаштирилади»;

тўртинчи қисми чиқариб ташлансин;

бешинчи ва **олтинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

тўртинчи қисмининг саккизинчи хатбошисидаги «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта суммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суғурта полисининг намунаси, шунингдек йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарноманинг намунаси ҳамда уни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

4) қуйидаги мазмундаги **16^1-модда** билан тўлдирилсин:

«16^1-модда. Транспорт воситасидан чекланмаган тарзда фойдаланишда мажбурий суғурта қилиш

Транспорт воситасининг эгаси транспорт воситасининг сони чекланмаган ҳайдовчилар томонидан бошқарилишида уларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш мақсадида мажбурий суғурта шартномасини тузишга ҳақлидир.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича ҳайдовчилар сони чекланмаган ҳолда фойдаланиш шарти билан расмийлаштирилган суғурта шартномасида транспорт воситасининг мулкдори ва унинг яқин қариндошлари, транспорт воситасининг эгаси кўрсатилмайди. Бунда уларнинг фуқаролик жавобгарлиги суғурта қилинган ҳисобланади»;

5) **19-модданинг учинчи қисмидаги** «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта суммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **20^2-модда**:

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ҳайдовчиларнинг танловига кўра айбдор тарафнинг суғурталовчисидан суғурта товонини олиш мақсадида суғурта ҳодисасини тўғридан-тўғри ҳал этиш тўғрисидаги ариза ўрнига суғурта товонини тўлаш ҳақидаги ариза расмийлаштирилиб, айбдор тарафнинг суғурталовчисига мурожаат қилиниши мумкин. Бунда ариза айбдор тарафнинг суғурталовчиси томонидан кўриб чиқилиши лозим»;

учинчи – ўнинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи – ўн биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

тўққизинчи қисмидаги «ушбу модданинг еттинчи қисмида» деган сўзлар «ушбу модданинг саккизинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **22-модданинг**:

биринчи қисмидаги «суғурта пулининг» деган сўзлар «суғурта суммасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «суғурта пулининг» деган сўзлар «суғурта суммасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи қисмидаги «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта суммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **23-модданинг**:

биринчи қисмидаги «суғурта пулидан» деган сўзлар «суғурта суммасидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи қисмидаги «суғурта товони миқдоридан» деган сўзлар «суғурта суммаси миқдоридан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги ёки уни тўлаш ҳақидаги қарори ариза берувчи суғурта товонини тўлаш тўғрисида ёзма ёки электрон шаклда мурожаат этганидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай чиқарилиши ҳамда ариза берувчига хабар қилиниши керак. Товон тўлаш рад этилганда, қарорда рад этишнинг асослантирилган сабаблари кўрсатилиши лозим»;

ўн тўртинчи қисмидаги «банк фоизининг ҳисоб ставкасидан» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **24-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Зарар етказган шахснинг ёки жабрланувчининг қасди оқибатида зарар етказилгани суд тартибида аниқланади»;

10) **26-модданинг**:

биринчи қисми «имкони бўлмаган тақдирда суғурталовчи» деган сўзлардан кейин «жабрланувчи ёки транспорт воситасининг эгаси» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

еттинчи қисмидаги «банк фоизининг ҳисоб ставкасидан» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **32-модданинг**:

учинчи қисмидаги «суғурта пулининг» деган сўзлар «суғурта суммасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суғурталовчилар томонидан календарь муддатларда тўланадиган бадалларни тўлаш календарь муддатларда тўланган бадаллар суммаси мажбурий суғурта шартномалари бўйича жами суғурта суммасидан келиб чиқиб, махсус ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда Тўловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан белгиланган миқдорга етганда тўхтатилади. Мажбурий суғурта шартномалари бўйича жами

QMMB: 03/26/1154/0618-son
23.06.2026-y.

суғурта суммасининг миқдори ўзгарганда, суғурталовчи томонидан Тўловларни кафолатлаш жамғармасига календарь муддатларда тўланган бадаллар суммаси қайтадан ҳисоб-китоб қилиниши керак».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 16 апрелда қабул қилинган **«Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–210-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 4, 137-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 5, 464-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **4-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қонунчиликда ҳаёти ва соғлиғи давлат томонидан мажбурий суғурта қилиниши белгиланган шахсларнинг бир вақтнинг ўзида бюджет маблағлари ҳисобидан иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталаниши тақиқланади»;

2) **6-модданинг**:

иккинчи қисмидаги «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта суммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «ёзма шаклдаги» деган сўзлар «ёзма ёки электрон шаклдаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **10-модда**:

номидаги «**суғурта пули**» деган сўзлар «**суғурта суммаси**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта суммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиш муддати давомида йиллик иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда, бу шартноманинг суғурта суммаси ва суғурта мукофоти қисмига ушбу шартномага ёзма равишда қўшимча келишув тузиш орқали ўзгартишлар киритилади. Бунда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофотини қайта ҳисоб-китоб қилиш мазкур шартнома тузилган санада амалда бўлган суғурта тарифи бўйича, қолган суғурта даври ва суғурта суммасига мутаносиб равишда амалга оширилади»;

учинчи қисмидаги «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта суммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **11-модданинг биринчи қисмидаги** «суғурта пулини» деган сўзлар «суғурта суммасини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **12-модданинг иккинчи қисмидаги** «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта суммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

QMMB: 03/26/1154/0618-son
23.06.2026-y.

6) **13-модда**:

биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «ёзма шаклдаги» деган сўзлар «ёзма ёки электрон шаклдаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «нотариал тартибда» деган сўзлар «қонунчиликда белгиланган тартибда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **14-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бир йилдан ортиқ муддат учун тўловни назарда тутса, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товони суғурталовчи томонидан уч томонлама аннуитетлар шартномаси шартлари бўйича аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига тўланади. Бунда суғурталовчи, иш берувчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи ўртасида аннуитет шартномаси тузилиши ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича ҳисобланган суғурта товонидан фақат аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта мукофотини тўлаш учун фойдаланиши шарт. Агар иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича ҳисобланган суғурта товони суммаси аннуитетлар шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта мукофоти миқдоридан кам бўлса, фарқ иш берувчи ҳисобидан қўшимча тўланиши керак»;

8) **15-модда**:

иккинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта суммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Аннуитетлар шартномаси суғурталовчи, иш берувчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи ўртасида тузилади. Аннуитетлар шартномасини тузиш учун иш берувчининг аризаси асос бўлади»;

9) **16-модданинг**:

номидаги «суғурта пули» деган сўзлар «**суғурта суммаси**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта суммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «иш берувчи томонидан» деган сўзлар «суғурталовчи томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **5-боб** қуйидаги мазмундаги **23[1]-модда** билан тўлдирилсин:

«23[1]-модда. Мажбурий суғурта бўйича мажбуриятнинг иш берувчилар томонидан бажарилишини назорат қилиш

Ушбу Қонунда белгиланган мажбурий суғурта бўйича мажбуриятнинг иш берувчилар томонидан бажарилишини назорат қилиш меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади».

QMMB: 03/26/1154/0618-son
23.06.2026-y.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 майда қабул қилинган **«Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–386-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 5, 179-модда; 2018 йил, № 7, 433-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 10, 981-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **3-модданинг еттинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**суғурта суммаси** – муайян сумма бўлиб, суғурталовчи суғурта товонини (суғурта тўловини) суғурта шартномаси бўйича ушбу сумма доирасида тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади»;

2) **4-модданинг иккинчи қисмидаги** «суғурта пулидан» деган сўзлар «суғурта суммасидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **6-модда**:

иккинчи қисмидаги «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта суммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «ёзма шаклдаги» деган сўзлар «ёзма ёки электрон шаклдаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта суммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **8-модда**:

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси (бундан буён матнда суғурта полиси деб юритилади) қонунчиликка мувофиқ ва ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасига киритилган транспорт воситаларининг сонига тенг нусхаларда расмийлаштирилади»;

учинчи қисмининг еттинчи хатбошисидаги «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта суммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суғурта полисининг намунаси ва уни тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

бешинчи ва **олтинчи қисмлари** чиқариб ташлансин;

5) **9-модда**:

номидаги «**суғурта пули**» деган сўзлар «**суғурта суммаси**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта суммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиши даврида ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товони (бундан буён матнда суғурта товони деб юритилади) суғурталовчи томонидан тўланса, суғурта суммаси тўланган суғурта товони суммаси миқдорида камайтирилади. Бунда суғурта суммасини тиклаш учун ташувчи тўланган суғурта товони суммасига ҳамда мазкур шартноманинг қолган амал қилиш муддатига мутаносиб суғурта мукофотини

QMMB: 03/26/1154/0618-son
23.06.2026-y.

суғурталовчининг тегишли билдиришномаси олинганидан кейин етти иш куни ичида қўшимча равишда тўлаши шарт»;

6) **11-модданинг биринчи қисмидаги** «суғурта пулини» деган сўзлар «суғурта суммасини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **12-модда**:

биринчи қисмидаги «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта суммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмининг иккинчи жумласидаги «суғурта пули» деган сўзлар «суғурта суммаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **13-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «ёзма шаклдаги» деган сўзлар «ёзма ёки электрон шаклдаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **14-модда**:

биринчи қисмининг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш ҳақидаги ёки тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори ташувчи суғурта товонини тўлаш талаби кўрсатилган ёзма ёки электрон шаклдаги ариза билан мурожаат этганидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай чиқарилиши ҳамда ташувчига хабар қилиниши керак»;

учинчи қисмидаги «банк фоизининг ҳисоб ставкасидан» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «ёзма» деган сўз «ёзма ёки электрон шаклдаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «ёзма» деган сўз «ёзма ёки электрон шаклдаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **16-модда иккинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «ёзма шаклда» деган сўзлар «ёзма ёки электрон шаклда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган **«Давлат божи тўғрисида»**ги ЎРҚ–600-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 186-модда, № 4, 265, 269-моддалар, № 6, 444, 445-моддалар, № 7, 538-модда, № 9, 710-модда; 2024 йил, № 1, 5, 6, 7-моддалар, № 2, 101, 105, 107, 108, 111, 112-моддалар, № 7, 628-модда, № 8, 819, 823, 831-моддалар, № 9, 958-модда, № 10, 1076, 1079-моддалар, № 11, 1191-модда, № 12, 1279, 1280, 1285-моддалар; 2025 йил, № 1, 4, 6-моддалар, № 2, 188, 189, 195, 197-моддалар, № 4, 519, 520-моддалар, № 5, 648-модда, № 7, 828-модда, № 8, 968, 971-моддалар) **11-моддасининг 10-бандидаги** «суғурта пулига» деган сўзлар «суғурта тўловига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

QMMB: 03/26/1154/0618-son
23.06.2026-y.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлда қабул қилинган **«Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»**ги ЎРҚ–701-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 661-модда; 2022 йил, № 4, 340-модда, № 5, 465-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 185-модда, № 7, 533-модда, № 9, 710-модда, № 11, 921, 923-моддалар; 2024 йил, № 1, 5, 7-моддалар, № 2, 105, 112-моддалар, № 7, 628-модда, № 8, 819-модда, № 9, 957, 958-моддалар; 2025 йил, № 1, 3, 6-моддалар, № 2, 189, 197-моддалар, № 3, 376-модда, № 4, 519, 520, 521-моддалар, № 5, 644, 645-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **3-илова** қуйидаги мазмундаги **38 – 43-позициялар** билан тўлдирилсин:

«

38.	Электрон тижорат операторлари фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабарнома	Электрон савдо платформаси оператори фаолияти; буюртмалар агрегатори оператори фаолияти; рақамли стриминг хизмати оператори фаолияти.	Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
39.	Қайта суғурта брокери фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабарнома	Қайта суғурта брокерининг воситачилик фаолияти	Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
40.	Суғурта сюрвейери фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабарнома	Суғурта сюрвейери фаолияти	Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
41.	Аджастер фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабарнома	Аджастер фаолияти	Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги

QMMB: 03/26/1154/0618-son
23.06.2026-y.

42.	Актуар ташкилот фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабарнома	Актуар ташкилот фаолияти	Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
43.	Ассистанс фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабарнома	Ассистанс фаолияти	Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги

»;

2) **4-илованинг III бўлими** қуйидаги мазмундаги **31-позиция** билан тўлдирилсин:

«

31.	Электрон тижорат операторлари фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабарнома	20

».

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 ноябрда қабул қилинган **«Суғурта фаолияти тўғрисида»**ги ЎРҚ–730-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 11, 1062-модда; 2025 йил, № 4, 519-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг бешинчи хатбошисидаги** «суғурта қилдирувчи» деган сўзлар «суғурта қилдирувчи (наф олувчи)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **5-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқаётган транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган суғурта ташкилоти номидан тузиш бўйича воситачилик фаолиятини ваколатли давлат органининг тегишли суғурта класси кўрсатилган лицензиясига эга бўлган, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган суғурталовчилар амалга ошириши мумкин»;

3) **6-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан» деган сўзлар «қонунчиликда» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) **7-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Мажбурий суғурта объекти бир вақтнинг ўзида бир хил турдаги бир нечта мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталаниши мумкин эмас. Бунда фақат дастлабки тузилган мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта объектига етказилган зарар қопланади»;

5) **14-модданинг учинчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«суғурта агенти жисмоний шахснинг ёки юридик шахс раҳбарининг ёхуд ходимининг малакасини ўз маблағлари ҳисобидан ошириши»;

QMMB: 03/26/1154/0618-son
23.06.2026-y.

ўн иккинчи хатбошиси ўн учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

6) **16-модда**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қайта суғурта брокери ўз фаолиятини ваколатли давлат органини хабардор қилган ҳолда бошлайди ва тугатади. Қайта суғурта брокерининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятининг талаблари ва шартлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланади»;

иккинчи ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

7) **17-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«суғуртанинг (қайта суғуртанинг) ҳар қандай тури бўйича воситачилик фаолиятини ваколатлари доирасида амалга ошириш, бундан қонунчиликда белгиланган ҳоллар мустасно»;

8) **18-модда**:

биринчи қисмидаги «ташкил этишга доир фаолиятни амалга оширувчи» деган сўзлар «ташкил этишга доир фаолиятни воситачилик ҳақи эвазига амалга оширувчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суғурта агенти бир вақтнинг ўзида суғурталовчининг бошқарув ва назорат органлари аъзолари ҳамда раҳбарлари, шунингдек ходими сифатида иш юритиши мумкин эмас»;

учинчи қисмидаги «суғурталовчилар билан тузилган топшириқ шартномалари» деган сўзлар «суғурталовчилар билан қонунчиликда белгиланган тартибда тузилган топшириқ шартномалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«юридик шахс бўлган суғурта агентлари суғурта қилдирувчи сифатида иштирок этадиган суғурта шартномаларида суғурта агенти сифатида иш юритишига;

суғурта агентининг қонунчилик билан белгиланган вазифаларини бошқа ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома асосида амалга оширишига»;

учинчи хатбошиси бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Инсофсиз суғурта агентларининг реестри ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда юритилади»;

9) **19-модда**:

биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«суғурталовчи томонидан берилган ваколатлар доирасида суғуртанинг ҳар қандай тури, шу жумладан мажбурий суғурта турлари

QMMB: 03/26/1154/0618-son
23.06.2026-y.

бўйича ҳам воситачилик фаолиятини амалга ошириш, бундан қонунчиликда белгиланган ҳоллар мустасно»;

учинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «(суғурта суммасини)» деган сўзлар «(суғурта тўловини)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **20-модда**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Аджастер ўз фаолиятини ваколатли давлат органини хабардор қилган ҳолда бошлайди ва тугатади. Аджастернинг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятининг талаблари ва шартлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланади»;

иккинчи – бешинчи қисмлари тегишинча **учинчи – олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

11) **22-модда**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Актуар ташкилот ўз фаолиятини ваколатли давлат органини хабардор қилган ҳолда бошлайди ва тугатади. Актуар ташкилотнинг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятининг талаблари ва шартлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланади»;

иккинчи – саккизинчи қисмлари тегишинча **учинчи – тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

12) **24-модда**:

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суғурта сюрвейери ўз фаолиятини ваколатли давлат органини хабардор қилган ҳолда бошлайди ва тугатади. Суғурта сюрвейерининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятининг талаблари ва шартлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланади»;

учинчи – олтинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи – еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

13) **26-модда**:

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ассистанс ўз фаолиятини ваколатли давлат органини хабардор қилган ҳолда бошлайди ва тугатади. Ассистанснинг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятининг талаблари ва шартлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланади»;

учинчи ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

14) қуйидаги мазмундаги **33[1]-модда** билан тўлдирилсин:

«**33[1]-модда. Суғурта полиси**

Суғурта шартномасига ёки суғурта қоидаларига асосан белгиланган суғурта мукофотининг тўланганлигини ва суғурталовчининг суғуртага оид мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи ҳужжат суғурта полиси ҳисобланади.

QMMB: 03/26/1154/0618-son
23.06.2026-y.

Суғурта мукофоти тўланмасдан суғурта полиси берилган ҳолларда суғурталовчи суғуртага оид мажбуриятлар бажарилишини тўлиқ таъминлаши лозим»;

15) **35-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг), суғурта брокерларининг ҳамда улар алоҳида бўлинмалари раҳбарларининг ва бош бухгалтерларининг малака талабларига мувофиқлигини аниқлаш тартиби ваколатли давлат органи томонидан белгиланади»;

16) **36-модданинг**:

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«суғуртага оид қонунчилик ҳужжатлари бўйича етарлича билимга ва ижобий ишчанлик обрўсига эга бўлиши»;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) ва суғурта брокерининг бош бухгалтери «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган талабларга ҳамда бухгалтерия ва суғуртага оид қонунчилик ҳужжатлари бўйича етарлича билимга ва ижобий ишчанлик обрўсига эга бўлишга доир талабларга мувофиқ бўлиши керак»;

17) **38-модда**:

биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «ҳамда уларнинг алоҳида бўлинмаларининг устав фондининг (устав капиталининг)» деган сўзлар «устав фондида (устав капиталида)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) ва суғурта брокерининг устав фондида (устав капиталида) анча улушга эга бўлган мулкдорларига ҳамда бенефициарларига қўйиладиган талабларни амалга ошириш механизми, шунингдек суғурталовчи (қайта суғурталовчи) ва суғурта брокери устав фондининг (устав капиталининг) анча улуши миқдори қонунчилик ҳужжатларида белгиланади»;

18) **44-модда**:

номидаги «лицензиясининг амал қилишини тугатишнинг» деган сўзлар «**лицензияси бекор бўлишининг**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «Лицензиянинг амал қилиши тугатилган кундан» деган сўзлар «Лицензия бекор қилинган кундан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модданинг биринчи – бешинчи қисмларида белгиланган қоидалар суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) аризасига биноан лицензия бекор бўлиши ҳолларига нисбатан, шунингдек суғурталовчи (қайта суғурталовчи) таъсисчиларининг ёхуд таъсис ҳужжатларида шунга

QMMB: 03/26/1154/0618-son
23.06.2026-y.

ваколат берилган ушбу суғурталовчи (қайта суғурталовчи) бошқарув органининг қарорига кўра қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда татбиқ этилмайди»;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) лицензиясини ихтиёрий бекор қилишга оид, шунингдек суғурталовчи (қайта суғурталовчи) таъсисчиларининг ёхуд таъсис ҳужжатларида шунга ваколат берилган ушбу суғурталовчи (қайта суғурталовчи) бошқарув органининг қарорига кўра қайта ташкил этиш ёки тугатиш муносабати билан лицензияни бекор қилишга оид аризаларни тақдим этиш ҳамда кўриб чиқиш тартиби ваколатли давлат органи томонидан белгиланади»;

19) **47-модданинг**:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суғурта фаолиятини лицензиялаш, рухсат бериш, хабардор қилиш, тартибга солиш ҳамда пруденциал назорат бўйича ваколатларни амалга оширувчи ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади»;

иккинчи қисми:

тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялайди, қайта суғурта брокери, суғурта сюрвейери, аджастер, актуар ташкилот ва ассистанс фаолияти юзасидан хабардор қилиш тартиб-таомилларини амалга оширади ҳамда уларнинг реестрини юритади»;

ўнинчи хатбошисидаги «тўхтатиб туради» деган сўзлар «тўхтатиб туради, бекор қилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **ўн тўртинчи – ўн еттинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«суғурта агентлари фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди;

суғурталовчиларга нисбатан чоралар ва санкцияларни қўллаш тартибини белгилайди;

суғурта хизматларини электрон шаклда кўрсатиш тартибини белгилайди;

ўз ваколатларини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни давлат органлари ва ташкилотларидан сўраб олади»;

ўн тўртинчи – ўн саккизинчи хатбошилари тегишинча **ўн саккизинчи – йигирма иккинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

йигирма биринчи хатбошисидаги «қонунчиликда белгиланган» деган сўзлар «назорат қилиш вазифаларига оид» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми «иш юритишга ҳақли эмас» деган сўзлардан кейин «бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

QMMB: 03/26/1154/0618-son
23.06.2026-y.

20) қуйидаги мазмундаги **51[1]-модда** билан тўлдирилсин:

«51[1]-модда. Суғурталовчи фойдасининг тақсимланишини чеклаш

Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) фойдани қуйидаги ҳолларда тақсимлашга ҳақли эмас:

пруденциал нормативлар белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда ёки улар мазкур тақсимлаш оқибатида бузилганда;

тўловга қобилиятсиз бўлганда ёки мазкур тақсимлаш оқибатида тўловга қобилиятсизлик аломатлари юзага келганда»;

21) **53-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ваколатли давлат органи суғурта (қайта суғурта) ташкилотига, суғурта брокерига, илгари уларга назорат тарзида жавоб қайтариш чора-тадбирлари қўлланилганидан қатъи назар, қуйидаги чоралар ва санкцияларни қўллашга ҳақли:

аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш, шу жумладан суғурта хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларининг бузилишига олиб келувчи сабабларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатма беришга;

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги учун жарималар қўллашга;

лицензиянинг амал қилишини ўн кунгача муддатга тўхтатиб туришга;

агар лицензиат лицензия беришга доир қарор қабул қилинганлиги ҳақида билдиришнома юборилган (топширилган) пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида ваколатли давлат органига лицензия берганлик учун давлат божини тўламаган бўлса, лицензия беришга доир қарорни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга;

суғурта портфелини бошқа суғурта ташкилотларига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишга»;

22) **54-модданинг «а» банди**:

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«суғурта полисларини қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирмаслик»;

учинчи хатбошиси тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

23) **61-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ваколатли давлат органи ўз ваколатларини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни давлат органлари ва ташкилотларидан сўраб олади ҳамда ўзи олган ахборотга нисбатан махфийликка риоя этиши шарт, бундан қонунга мувофиқ ахборотнинг ошкор қилинишига йўл қўйиладиган ҳоллар мустасно»;

QMMB: 03/26/1154/0618-son
23.06.2026-y.

24) **62-модда**:

бешинчи қисми «давлат ижрочиларига» деган сўзлардан кейин «шунингдек қонунчиликка риоя этилиши юзасидан назорат қилиш мақсадида ваколатли давлат органига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ваколатли давлат органи барча суғурта шартномаларини рўйхатга олувчи ва суғурта полисларини расмийлаштирувчи Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида суғурта сирини ташкил этувчи маълумотларни тўплаш, сақлаш ва қайта ишлашни амалга оширади»;

еттинчи, **саккизинчи** ва **тўққизинчи қисмлари** тегишинча **саккизинчи**, **тўққизинчи** ва **ўнинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

25) **63-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суғурта хизматларини кўрсатиш жараёнида суғурта хизматлари истеъмолчиларига суғурталовчи томонидан қуйидагилар ҳақида ҳаққоний ва тўлиқ ахборот тақдим этилиши шарт:

суғурталовчи (ошкора ахборотни) ва унинг суғурта агенти ҳақида (воситачи иштироки мавжуд бўлганда);

суғурта хизмати, унинг нархи (суғурта мукофоти), суғурта мукофотини қайтариб бериш шартлари, суғурта хизматининг истеъмолчи учун афзалликлари ва камчиликлари ҳақида;

суғурта билан ҳимояланган таваккалчиликлар, суғурта ҳодисаси ҳисобланадиган ва ҳисобланмайдиган (истисно) ҳолатлар, суғурта товони (суғурта тўлови) миқдори, суғурталовчи ва суғурта хизматлари истеъмолчиларининг мажбуриятлари ҳамда уларни бажармаслик оқибатлари ва суғурта даъволарини ҳал этиш тартиби ҳақида».

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелда қабул қилинган **«Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»**ги ЎРҚ–763-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 4, 338-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 1, 5-модда, № 8, 823-модда, № 10, 1073-модда; 2025 йил, № 2, 181, 191, 194-моддалар, № 6, 730-модда) **184-моддасининг учинчи қисмидаги** «суғурта товони (суғурта пули)» деган сўзлар «суғурта товони (суғурта тўлови)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

QMMB: 03/26/1154/0618-son
23.06.2026-y.

13-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонуннинг 8-моддаси ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри,
2026 йил 22 июнь
№ ЎРҚ–1154

QMMB: 03/26/1155/0616-son
23.06.2026-y.

25 (1253)-son
609-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING
QONUNI

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга, коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2026 йил 25 майда қабул қилинган
Сенат томонидан 2026 йил 13 июнда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, давлат бошқарувида самарали ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилиб, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган тизим шакллантирилди.

Бироқ кўрилаётган тизимли чораларга қарамай, бир қатор соҳаларда коррупция ҳолатлари юқорилигича сақланиб қолаётганлиги коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини ошириш, коррупцияга оид жиноятлар содир этганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек ёшларни коррупцияга нисбатан муросасизлик руҳида тарбиялаш заруриятини юзага келтирмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик ва жазо чораларини кучайтиришга, Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий ва ҳудудий кенгашлар, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятининг самарадорлигини янада оширишга, коррупцияга оид жиноятларнинг аниқ рўйхатини белгилашга, коррупция ҳақида хабар берган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлашга, давлат харидларини амалга оширишда коррупциявий омилларни қисқартиришга, шунингдек ёшларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат шакллантирилишини ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

QMMB: 03/26/1155/0616-son
23.06.2026-y.

Мазкур Қонун коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга, коррупцияга қарши курашиш орқали фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 319-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 111-модда, № 3, 245-модда, № 8, 818-модда, № 9, 954, 964-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1079, 1083-моддалар, № 11, 988-модда, № 12, 1280, 1287-моддалар; 2025 йил, № 2, 196-модда, № 3, 376, 377-моддалар, № 5, 643, 647-моддалар, № 8, 968-модда, № 9, 1042-модда, № 10, 1156-модда, № 11, 1236-модда; 2026 йил, № 1, 5-модда, № 3, 249, 250, 253-моддалар, № 4, 353, 354, 361-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **73-modданинг тўртинчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги «**в**[1]» **банд** билан тўлдирилсин:

«в[1]) ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганлик, шунингдек фирибгарлик учун ҳукм қилинган ва содир этган жинояти туфайли етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопламаган шахсга»;

«**г**» **банди** «Ўзбекистон Республикасига, тинчликка ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят содир этганлик» деган сўзлардан кейин «такроран ёки хавфли рецидивист томонидан ёхуд жуда кўп миқдорда пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилганлик» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **167-модда**:

иккинчи қисми диспозициясининг «в» ва «г» **бандлари** қуйидаги мазмундаги «**в**» **банд** билан алмаштирилсин:

«в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса»;

учинчи қисми диспозициясининг «г» **банди** қуйидаги мазмундаги «**г**» ва «**д**» **бандлар** билан алмаштирилсин:

«г) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб;

д) мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса»;

3) **168-модда**:

учинчи қисми:

диспозициясининг «в» ва «г» **бандлари** қуйидаги мазмундаги «**в**» **банд** билан алмаштирилсин:

«в) ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса»;

санкциясидаги «муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисми:

диспозициясининг «в» **банди** қуйидаги мазмундаги «**в**» ва «**г**» **бандлар** билан алмаштирилсин:

«в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

г) хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган бўлса»;

санкцияси «жарима ёки» деган сўзлардан кейин «муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **192[10]-модда**:

биринчи қисмининг санкцияси «бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилгача озодликни чеклаш ёхуд бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисмининг санкцияси «бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилгача озодликни чеклаш ёхуд бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **192[11]-модда иккинчи қисми диспозициясининг** «б» **банди** қуйидаги мазмундаги «**б**» ва «**в**» **бандлар** билан алмаштирилсин:

«б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

в) ғаразгўйлик ниятларида содир этилган бўлса»;

6) **205-модда иккинчи қисми диспозициясининг** «б» **банди** қуйидаги мазмундаги «**б**» ва «**в**» **бандлар** билан алмаштирилсин:

«б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;

в) ғаразгўйлик ниятларида содир этилган бўлса»;

7) **206-модда иккинчи қисми диспозициясининг** «б» **банди** қуйидаги мазмундаги «**б**» ва «**в**» **бандлар** билан алмаштирилсин:

«б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;

в) ғаразгўйлик ниятларида содир этилган бўлса»;

8) **208-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ҳокимият ҳаракатсизлиги ғаразгўйлик ниятларида содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

9) **209-модда**:

биринчи қисмининг диспозициясидаги «ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми диспозициясининг «**б**» **банди** қуйидаги мазмундаги «**б**» ва «**в**» **бандлар** билан алмаштирилсин:

«б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;

в) ғаразгўйлик ниятларида содир этилган бўлса»;

10) **213-модда**:

биринчи қисмининг санкцияси «икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилгача озодликни чеклаш ёхуд бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар «бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **214-модда**:

биринчи қисмининг санкцияси «икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилгача озодликни чеклаш ёхуд бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар «бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **301-модда иккинчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўша қилмишлар:

а) баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиб;

б) ғаразгўйлик ниятларида содир этилган бўлса»;

QMMB: 03/26/1155/0616-son
23.06.2026-y.

13) **Саккизинчи бўлим** қуйидаги мазмундаги **атама** билан тўлдирилсин:

«**Коррупцияга оид жиноятлар** – 1) ушбу Кодекс 167-моддаси учинчи қисмининг «д» бандида, 168-моддаси тўртинчи қисмининг «г» бандида, 192^{9}, 192^{10}-моддаларида, 192^{11}-моддаси иккинчи қисмининг «в» бандида, 205-моддаси иккинчи қисмининг «в» бандида, 206-моддаси иккинчи қисмининг «в» бандида, 208-моддасининг иккинчи қисмида, 209-моддаси иккинчи қисмининг «в» бандида, 210, 211, 212, 213, 214, 214^{1}, 214^{2}-моддаларида ва 301-моддаси иккинчи қисмининг «б» бандида назарда тутилган жиноятлар;

2) ушбу Кодекснинг 243-моддасида назарда тутилган жиноят, агар мазкур жиноят коррупцияга оид жиноятларни содир этиш натижасида олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12,

QMMB: 03/26/1155/0616-son
23.06.2026-y.

336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 6, 575-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185-моддалар, № 4, 265, 269-моддалар, № 5, 319-модда, № 9, 713-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 115-модда, № 9, 964-модда, № 10, 1070, 1073, 1077, 1083-моддалар, № 12, 1280, 1286, 1292-моддалар; 2025 йил, № 1, 8-модда, № 2, 196, 201-моддалар, № 3, 376-модда, № 6, 727-модда, № 8, 968, 969-моддалар, № 9, 1042-модда; 2026 йил, № 1, 5-модда, № 4, 353, 354-моддалар) **270-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатиб ўтилган шахсларни ҳимоя қилиш учун хавфсизлик чораларини қўллаш асослари ва тартиби қонун билан белгиланади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335,

QMMB: 03/26/1155/0616-son
23.06.2026-y.

339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар, № 7, 629-модда, № 8, 826, 829, 831-моддалар, № 9, 954, 964, 965-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1078, 1083, 1084-моддалар, № 11, 1187, 1188, 1189-моддалар, № 12, 1279, 1280, 1282, 1286, 1287-моддалар; 2025 йил, № 1, 5, 8-моддалар, № 2, 187, 188, 196, 198, 201-моддалар, № 3, 368, 376-моддалар, № 4, 517, 521-моддалар, № 5, 643, 644-моддалар, № 6, 729-модда, № 7, 828, 829, 832-моддалар, № 8, 968, 971-моддалар, № 11, 1233, 1236, 1237-моддалар, № 12, 1322, 1327, 1328, 1329-моддалар; 2026 йил, № 1, 2, 6-моддалар, № 2, 131, 133-моддалар, № 3, 249, 250, 253-моддалар, № 4, 351, 353, 354, 355, 356, 359, 361, 364-моддалар) **175^{8}-моддаси** қуйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Давлат хариди предметининг бошланғич нархи ва унинг ўртача бозор нархи ўртасида йўл қўйиладиган тафовутнинг энг кўп миқдорига нисбатан белгиланган талабни бузиш, бундан талон-торож қилиш ҳоллари мустасно, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

QMMB: 03/26/1155/0616-son
23.06.2026-y.

Ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган **«Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»**ги ЎРҚ–406-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 271-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 1, 5-модда; 2024 йил, № 9, 964-модда; 2025 йил, № 12, 1329-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **5-модданинг еттинчи хатбошиси** «уларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **12^1-модда биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошиси** «экстремизмнинг ёт ғояларига қарши иммунитетни мустаҳкамлаш» деган сўзлардан кейин «ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган **«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–419-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда; 2023 йил, № 8, 629-модда; 2024 йил, № 6, 530-модда; 2025 йил, № 2, 201-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **2-бобнинг номидаги «органлар ҳамда ташкилотлар»** деган сўзлар «**органлар, ташкилотлар ҳамда тузилмалар**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **7-модданинг**:

номидаги «**давлат органлари**» деган сўзлар «**давлат органлари ва тузилмалари**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисми:

биринчи хатбошисидаги «давлат органлари» деган сўзлар «давлат органлари ва тузилмалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«давлат органлари ва ташкилотларининг, давлат иштирокидаги корхоналарнинг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари (бундан буён матнда давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари деб юритилади)»;

учинчи – еттинчи хатбошилари тегишинча **тўртинчи – саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

QMMB: 03/26/1155/0616-son
23.06.2026-y.

3) **8-модда**:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**8-модда. Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаши**»;

биринчи қисмидаги «ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш» деган сўзлар «ташкилотларнинг фаолиятини ҳуқуқий-услубий жиҳатдан мувофиқлаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Миллий кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади ва Миллий кенгаш раисидан, раиси ўринбосаридан ҳамда аъзоларидан ташкил топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг раиси Миллий кенгаш раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Миллий кенгаш раисининг ўринбосари ҳисобланади»;

учинчи ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

тўртинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш» деган сўзлар «ташкилотларнинг фаолиятини ҳуқуқий-услубий жиҳатдан мувофиқлаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **олтинчи**, **еттинчи** ва **саккизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Кенгаш фаолиятининг асосий ташкилий шакли Кенгаш мажлисидир. Кенгаш ўз ваколатлари жумласига кирадиган масалаларни, қоида тариқасида, ҳар чоракда ўз мажлисида кўриб боради.

Кенгаш мажлиси аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этган тақдирда, ваколатли ҳисобланади.

Кенгаш мажлисларида қабул қилинадиган қарорларнинг бажарилиши давлат органлари ва ташкилотлари учун мажбурийдир»;

4) **8[1]-модда**:

қуйидаги мазмундаги **биринчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини шакллантириш ҳамда амалга ошириш, давлат органларининг, оммавий ахборот воситаларининг, фуқаролик жамияти институтларининг ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини ташкил этиш, шунингдек мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик бўйича махсус ваколатли орган ҳисобланади»;

биринчи ва **иккинчи қисмлари** тегишинча **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

иккинчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этишга ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган дастурларни шакллантириш ва амалга оширишда бевосита иштирок этади;

мамлакатдаги коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилади, шунингдек коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган соҳаларни ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлайди»;

учинчи – ўн учинчи хатбошилари тегишинча **бешинчи – ўн бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

ўн тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«вазирликлар ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини таҳлилий ва ҳуқуқий-услубий жиҳатдан мувофиқлаштиради, давлат органларининг, оммавий ахборот воситаларининг, фуқаролик жамияти институтларининг ҳамда бошқа нодавлат сектор вакилларининг ушбу масалалар бўйича самарали ҳамкорлигини ташкил этади»;

қуйидаги мазмундаги **ўн олтинчи – йигирма биринчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«коррупциянинг олдини олишга қаратилган тадбирларга фуқаролик жамияти институтларининг вакилларини фаол жалб этиш учун зарур шарт-шароитлар яратади, коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш ва жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича улар билан ижтимоий шериклик дастурларини ишлаб чиқади ҳамда биргаликда амалга оширади;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига оид ахборотни тарқатиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишни ташкил этиш орқали жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари самарали фаолият кўрсатишини ҳамда коррупцияга қарши курашишга доир бошқа воситалар жорий этилишини мониторинг қилиб боради;

давлат хизматига ҳалоллик стандартларини жорий этишга ҳамда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этишга кўмаклашади, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш чораларини кўради;

QMMB: 03/26/1155/0616-son
23.06.2026-y.

давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини, шунингдек манфаатлар тўқнашувини декларациялаш тизимини ишлаб чиқади ҳамда унинг самарали ишлашини ташкил этади»;

5) қуйидаги мазмундаги **8^2** ва **8^3-моддалар** билан тўлдирилсин:

«8^2-модда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгашлари

Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгашлар (бундан буён матнда ҳудудий кенгашлар деб юритилади) ташкил этилади.

Ҳудудий кенгашлар давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудий тузилмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатларидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакилларидан иборат таркибда Миллий кенгаш қарори билан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари раислари ҳудудий кенгашларнинг раислари ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари котибиятлари тегишли ҳудудий кенгашларнинг ишчи органидир.

Ҳудудий кенгашларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг жойларда амалга оширилишини ташкил этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари ҳудудий тузилмаларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини ҳуқуқий-услубий жиҳатдан мувофиқлаштириш ва уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш;

давлат органлари ва ташкилотлари ҳудудий тузилмалари раҳбарларининг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати ҳамда келгусида режалаштирилган чора-тадбирлар юзасидан ахборотини эшитиш;

ҳудудда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини таъминлаш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳолати, муайян бир соҳа ёки ҳудуд бўйича коррупцияга қарши курашишга доир чора-тадбирлар дастурини аҳолининг коррупцияни идрок этиш даражасидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ҳудуддаги коррупцияга оид хавф-хатар юқори бўлган объектларда коррупциявий омилларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларидан, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга

QMMB: 03/26/1155/0616-son
23.06.2026-y.

оширувчи давлат органларининг, назорат қилувчи органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва бошқа ташкилотларнинг вакилларидан иборат таркибда ишчи гуруҳлар тузган ҳолда ўрганиш ва бартараф этиш чораларини кўриш;

коррупциянинг олдини олишга қаратилган вазифаларнинг ижросини таъминлашда сусткашлик ва масъулиятсизликка йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўриш бўйича таклифлар киритиш;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш, ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш ва Миллий кенгашга киритиш.

Ҳудудий кенгаш фаолиятининг асосий ташкилий шакли унинг мажлисидир. Ҳудудий кенгаш ўз ваколатлари жумласига кирадиган масалаларни, қоида тариқасида, ҳар чоракда ўз мажлисида кўриб боради.

Ҳудудий кенгаш мажлиси аъзоларнинг ярмидан кўпи иштирок этган тақдирда, ваколатли деб ҳисобланади.

Ҳудудий кенгаш мажлисларида қабул қилинадиган қарорларнинг бажарилиши ҳудуддаги давлат органлари ва ташкилотлари учун мажбурийдир.

8³-модда. Давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари

Давлат органлари ва ташкилотларида коррупция ҳолатларига ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқни муҳофаза қилишга доир айрим вазифаларга эга бўлган лавозим, хизмат ва (ёки) бўлинмадан иборат комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари қонунчиликда белгиланган тартибда ташкил этилади.

Давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари:

давлат органи ва ташкилоти тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича ички сиёсат амалга оширилиши ҳамда ушбу соҳадаги фаолият мувофиқлаштирилишида бевосита иштирок этади;

давлат органи ва ташкилоти фаолиятида коррупция ҳолатларининг олдини олишга қаратилган самарали механизмлар ҳамда назорат тизими жорий этилишини таъминлайди;

давлат органи ва ташкилоти тизимида қонунга риоя этиш, унга нисбатан ҳурмат руҳини мустаҳкамлаш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат муҳитини яратиш ва бу борада аҳолининг ижобий фикрини шакллантириш чораларини кўради;

давлат органи ва ташкилоти тизимида коррупцияга қарши курашиш вазифасини амалга оширувчи, бюджет маблағлари айланмасини назорат қилувчи бўлинмаларнинг ҳамда шахсий хавфсизлик бўлинмаларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

QMMB: 03/26/1155/0616-son
23.06.2026-y.

коррупцияга оид хавф-хатарларни тизимли таҳлил қилиш ва баҳолаш, бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш бўйича зарур чораларни ишлаб чиқади ҳамда уларнинг ижросини ташкил этади;

давлат органи ва ташкилоти тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни такомиллаштириб бориш чораларини кўради;

давлат органи ва ташкилоти фаолиятида шаффофликни таъминлаш, аффилланганлик ҳамда манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг олдини олишга қаратилган коррупцияга қарши назорат тизимини амалга оширади;

давлат органи ва ташкилотида коррупция ҳолатлари ҳамда уларнинг олдини олиш юзасидан белгиланган тартибда текширувлар ўтказилишини ҳамда қатъий жавобгарлик чоралари кўрилишини ташкил этади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

Давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари қонунчиликка мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

Давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат органи ва ташкилоти тизимидаги ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот ҳамда маълумотлар базаларидан фойдаланиш;

давлат органи ва ташкилотида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон яратувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш;

давлат органи ва ташкилоти тизимида коррупцияга қарши чораларни ҳамда назорат тадбирларини мустақил ёки ишчи гуруҳ тузган ҳолда ташкил этиш;

коррупцияга қарши курашиш борасида тезкор-қидирув, терговга қадар текширув ва тергов органлари билан ҳамкорлик қилиш, уларни белгиланган тартибда жалб этиш чораларини кўриш;

коррупциявий омилларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва коррупция ҳолатларига чек қўйиш мақсадида шахсларнинг хатти-ҳаракатларини, ҳодисаларни ҳамда жараёнларни бевосита ёки билвосита кузатиш ва қайд этиш;

ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан, фуқаролардан маълумотларни ҳамда бошқа зарур ҳужжатларни ва материалларни сўраш ва олиш;

ваколатини амалга ошириш доирасида зарурат туғилганда тегишли ҳужжат ва материаллар билан танишиш мақсадида давлат органи ва ташкилотининг объектларига тўсқинликсиз кириш;

давлат органи ва ташкилоти тизимида аниқланган коррупция ҳолатлари бўйича юқори турувчи комплаенс хизматларини тўғридан-тўғри мустақил равишда хабардор қилиш;

давлат органи ва ташкилоти тизимида коррупция ҳолатларини аниқлаш ҳамда уларга чек қўйиш мақсадида муайян шахслар билан белгиланган тартибда ноошкора ҳамкорлик ўрнатиш;

давлат органи ва ташкилоти тизимида аниқланган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик фактлари бўйича тўпланган материалларни қонуний чора кўриш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёки бевосита уларнинг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларига тақдим этиш;

давлат органи ва ташкилоти тизимида қонун бузилиши ҳолларининг олдини олиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар ва ушбу ҳолларни бартараф этиш юзасидан тақдимномалар киритиш.

Давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари қонунчиликда белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

Давлат органи ва ташкилоти биринчи раҳбарларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлари аломатлари аниқланганда ёки жиноий гуруҳ фаолиятига раҳнамолик қилаётган деб ҳисоблаш учун етарли асослар мавжуд бўлганда уларнинг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат бўйича ўринбосари юқори турувчи комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат хизмати билан келишган ҳолда тегишли ҳужжатлар ва маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тўғридан-тўғри тақдим этиш, шунингдек кадрлар масаласи ва молиявий харажатлар бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳуқуқини вақтинча тўхтатиш ёки тегишли раҳбарни ёхуд ходимни вазифасини бажаришдан вақтинча четлатиш борасида таклиф киритиш ваколатига эга бўлади.

Давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Комплаенс хизмати мувофиқлаштириб боради»;

6) **19-модданинг биринчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи** ва **ўн учинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«давлат органларида ходимларнинг коррупцияга қарши барқарорлик даражасини диагностикадан ўтказиш;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ўзининг коррупцияга оид хавф-хатар даражаси юқори бўлган вазифалари ва функцияларини аниқлаш, коррупцияга оид хавф-хатар юқори бўлган лавозимлар рўйхатини шакллантириш ҳамда коррупцияга оид хавф-хатарни бартараф этиш чораларини кўриш»;

ўн иккинчи хатбошиси ўн тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

QMMB: 03/26/1155/0616-son
23.06.2026-y.

7) қуйидаги мазмундаги **19[1]** ва **19[2]-моддалар** билан тўлдирилсин:

«19[1]-модда. Коррупцияга оид хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш

Давлат органлари ва ташкилотлари ўзининг коррупцияга оид хавф-хатар даражаси юқори бўлган вазифалари ҳамда функцияларини аниқлайди, коррупцияга оид хавф-хатар юқори бўлган лавозимлар рўйхатини шакллантиради ва коррупцияга оид хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича аниқ ва тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқади, шунингдек аниқланган хавф-хатарларни минималлаштириш мақсадида мажбурий равишда коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш ишларини амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш ишларини амалга оширишда давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида коррупцияга оид хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услубиёти Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

19[2]-модда. Коррупцияга оид хавф-хатарлар харитасини шакллантириш

Давлат органлари ва ташкилотлари, ҳудудлар ва соҳалар кесимида коррупция даражасини аниқлаш ва уни минималлаштириш мақсадида коррупцияга оид хавф-хатарлар харитаси шакллантирилади.

Коррупцияга оид хавф-хатарлар харитаси коррупцияга оид жиноятчилик статистикаси, коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили, аҳолининг коррупцияга бўлган муносабати (ижтимоий сўров натижалари), коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсатнинг самарадорлигига доир маълумотлар, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг ахбороти асосида шакллантирилади.

Коррупцияга оид хавф-хатарлар харитаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан юритилади»;

8) **27-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик натижасида тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш қонунда белгиланган тартибда, ваколатли давлат органининг, манфаатдор шахснинг аризасига асосан суд томонидан амалга оширилади»;

9) қуйидаги мазмундаги **27[1]-модда** билан тўлдирилсин:

«27[1]-модда. Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг электрон реестри

Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахслар Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган

QMMB: 03/26/1155/0616-son
23.06.2026-y.

шахсларнинг электрон реестрига (бундан буён матнда электрон реестр деб юритилади) киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан айблов ҳукми (ажрим) қонуний кучга кирган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида электрон реестрга шахс ҳақидаги маълумотларни киритади.

Электрон реестрда коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахслар тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида белгиланган судланганлик муддати давомида сақланади.

Электрон реестрга киритилган шахсларга нисбатан қуйидаги чекловлар белгиланади:

давлат хизматига кириш ва давлат мукофотлари билан тақдирланиш;

сайланадиган ва алоҳида тартибда тайинланадиган лавозимларга номзодининг кўрсатилиши;

давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари ҳамда идоралараро коллегиал органларнинг аъзоси бўлиш;

ўзи таъсис этган ва (ёки) устав фондидаги (устав капиталидаги) улушининг 50 фоизидан кўпроқ қисмига ўзи эгалик қиладиган тадбиркорлик субъектларининг давлат харидларида ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда иштирокчи (ижрочи) сифатида қатнашиш;

давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотларда ва давлат таълим муассасаларида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритиш.

Электрон реестр Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда юритилади.

Электрон реестрдан маълумот олиш тартиби, коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларни Электрон реестрдан чиқариш асослари ва тартиби, шунингдек давлат органларининг Электрон реестрни юритиш борасидаги ҳамкорлиги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади»;

10) **28-модда**:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи**, **олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ўзи меҳнат фаолиятини олиб бораётган давлат органида коррупцияга оид жиноят тўғрисида асосли хабар берган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигини олдиндан хабардор этмаган ҳолда икки йил давомида интизомий жазо чораларини қўллашга йўл қўйилмайди.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар қилувчи шахсларни рағбатлантириш давлат томонидан кафолатланади.

Рағбатлантириш бир марталик пул мукофоти, ташаккурнома, эсдалик совғаси шаклида ёки қонунчиликда тақиқланмаган бошқа шаклларда амалга оширилиши мумкин»;

QMMB: 03/26/1155/0616-son
23.06.2026-y.

бешинчи ва **олтинчи қисмлари** тегишинча **саккизинчи** ва **тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

11) қуйидаги мазмундаги **28[1]-модда** билан тўлдирилсин:

«28[1]-модда. Давлат органлари ва ташкилотлари комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимларининг хавфсизлик кафолатлари

Давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимлари давлат ҳимоясидадир.

Давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимларининг турар жойига ёки хизмат хонасига, фойдаланадиган транспортига кириш, уларни кўздан кечириш, уларда тинтув ўтказиш ёки улардан ашёни олиш, уларнинг телефондаги сўзлашувларини эшитиш, ходимларни кўздан кечириш ва уларни шахсий тинтув қилиш, шунингдек уларнинг хат-хабарларини, уларга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ёхуд олиш фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ёзма рухсати билан, белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимини, шу жумладан у билан меҳнат шартномаси тугатилганидан ёки хизматдан бўшатилганидан кейин икки йил ичида собиқ ходимини гувоҳ ёки гумон қилинувчи сифатида сўроқ қилишга, уларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга ва ушлаб туришга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори хабардор этилган ҳолда, белгиланган тартибда йўл қўйилади.

Давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимларига нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимлари қонунчиликда белгиланган тартибда ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинади».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 июлда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида»**ги ЎРҚ–546-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 7, 384-модда, № 9, 588-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 803, 804-моддалар, № 12, 1198-модда; 2023 йил, № 4, 272-модда, № 7, 539-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 109-модда; 2025 йил, № 12, 1327-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **4-модданинг ўн тўртинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

QMMB: 03/26/1155/0616-son
23.06.2026-y.

2) **12-модданинг биринчи** ва **иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳисоб палатасининг раиси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати маъқуллаганидан кейин лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади»;

3) **29[1]-модда** чиқариб ташлансин;

4) **30-модданинг ўн саккизинчи хатбошисидаги** «шунингдек коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тизимининг жорий этилишига ҳамда самарали фаолият кўрсатишига доир чоралар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **33-модданинг иккинчи қисмидаги** «шунингдек коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тизимининг жорий этилишига ва самарали фаолият кўрсатишига доир чоралар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги кейинги назорат жараёнида аниқланган тақдирда» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 декабрда қабул қилинган **«Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»**ги ЎРҚ–595-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 889-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 4, 290-модда, № 10, 968-модда; 2023 йил, № 3, 185-модда; 2024 йил, № 9, 958-модда; 2025 йил, № 12, 1329-модда; 2026 йил, № 2, 132-модда) **29-моддасининг иккинчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«болаларда ҳалоллик туйғусини шакллантиришни, уларни қонунларга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялашни»;

бешинчи, олтинчи ва **еттинчи хатбошилар** тегишинча **олтинчи, еттинчи** ва **саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган **«Таълим тўғрисида»**ги ЎРҚ–637-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 9, 538-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 1, 101-модда, № 9, 958, 964-моддалар, № 11, 1188-модда; 2025 йил, № 2, 188-модда, № 10, 1155-модда, № 12, 1329-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартириш киритилсин:

1) **14[1]-модданинг учинчи қисми** «бошқарув тартибига қарши жиноятларни» деган сўзлардан кейин «коррупцияга оид жиноятларни» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

QMMB: 03/26/1155/0616-son
23.06.2026-y.

2) **26-modданинг иккинчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини инобатга олган ҳолда таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбияга, мутахассисларни касбий жиҳатдан тайёрлаш сифатини оширишга, таълим дастурларини доимий равишда такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади»;

ўн иккинчи – йигирма олтинчи хатбошилари тегишинча **ўн учинчи – йигирма еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелда қабул қилинган **«Давлат харидлари тўғрисида»**ги ЎРҚ–684-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 289-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда, № 12, 1288-модда; 2025 йил, № 2, 188-модда, № 4, 519-модда, № 6, 730-модда; 2026 йил, № 3, 255-модда, № 4, 364-модда) **33-моддаси** қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Давлат буюртмачиси давлат харидларида сотиб олинадиган товарлар ва хизматларнинг нархи ҳамда уларнинг ўртача бозор нархи ўртасидаги тафовутнинг энг кўп йўл қўйиладиган аниқ чегарасига нисбатан белгиланган талабларга амал қилиши лозим.

Давлат харидларида сотиб олинадиган товарлар ва хизматларнинг нархи ҳамда уларнинг ўртача бозор нархи ўртасидаги тафовутнинг энг кўп йўл қўйиладиган аниқ чегарасини белгилаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади».

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ушбу Қонуннинг 9-моддасида назарда тутилган Давлат харидларида сотиб олинадиган товарлар ва хизматларнинг ўртача бозор нархини ўрганиш ва аниқлаш ҳамда уларнинг бошланғич нархи ва ўртача бозор нархи ўртасидаги тафовутнинг энг кўп йўл қўйиладиган аниқ чегарасини, шунингдек нархларнинг шакллантирилиши юзасидан назорат ўрнатиш тартибини ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойлик муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

QMMB: 03/26/1155/0616-son
23.06.2026-y.

12-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри,
2026 йил 22 июнь
№ ЎРҚ–1155

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ

QMMB: 06/26/115/0619-son
23.06.2026-y.

25 (1253)-сон
610-модда

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2026 yil «_23_» __июнь__ _ПФ–115_-son

Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш, фуқароларнинг даромадларини изчил ошириб бориш сиёсатини давом эттириш ҳамда уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида **қарор қиламан**:

I. Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш

1. **2026 йил 1 июлдан** бошлаб пенсиялар ва нафақалар ҳамда Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга болалар нафақалари ва моддий ёрдам тўловлари миқдорлари **7 фоизга оширилсин**. Бунда:

(а) ёшга доир энг кам пенсия миқдори – **ойига 983 000 сўм**;

(б) ногиронлик пенсияларининг энг кам миқдори – **ойига 1 083 000 сўм**;

(в) Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга болалар нафақасининг ҳар ойлик миқдори:

(i) 3 ёшгача бўлган битта кичик фарзанди учун – **386 000 сўм**, 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган битта фарзанди учун – **295 000 сўм**;

(ii) оиланинг иккинчи фарзанди учун қўшимча – **177 000 сўм**;

(iii) оиланинг учинчи ва ундан кейинги ҳар бир фарзанди учун қўшимча – **118 000 сўм**;

(г) Ижтимоий реестрга киритилган оилалар учун моддий ёрдамнинг ойлик миқдори – **450 000 сўм** этиб;

(д) фуқароларга тўланадиган бошқа пенсиялар ва нафақалар миқдорлари **иловага** мувофиқ белгилансин.

2. 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ва стипендиялар миқдори **7 фоизга оширилсин**.

II. Базавий миқдорларни белгилаш

3. Қуйидагилар:

(а) 2026 йил 1 июлдан бошлаб пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори – **ойига 504 000 сўм**;

(б) 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб:

(i) меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори – **ойига 1 360 000 сўм**;

(ii) базавий ҳисоблаш миқдори – **440 000 сўм** этиб белгилансин.

III. Молиявий ресурслар

4. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдори оширилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплансин.

IV. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

5. Иш берувчиларга иш ҳақи миқдорини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорини меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги билан биргаликда ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти, мақсади ва вазифалари ҳамда ундан кутилаётган натижалар оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилишини таъминласин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш учун масъул ва шахсан жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий ҳимоя бўйича маслаҳатчиси – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори М.П. Оллоёров белгилансин.

8. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 06/26/115/0619-son
23.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 23 июндаги ПФ–115-сон Фармонига
илова

2026 йил 1 июлдан бошлаб фуқароларга тўланадиган бошқа пенсиялар ва нафақалар миқдорлари

1. Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори – ойига **1 083 000 сўм**.
2. Меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ва болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа миқдори – ойига **1 083 000 сўм**.
3. 1941 – 1945 йиллардаги уруш оқибатида ногирон бўлган шахслар ва унинг қатнашчилари, шунингдек, фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни инобатга олган ҳолда – ойига **4 775 000 сўм**.
4. Белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан (983 000 сўмдан) 1 083 000 сўмгача пенсия олувчиларнинг ёшга доир пенсиялари миқдори – ойига **1 083 000 сўм**.
5. Зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги фуқароларга бериладиган нафақа миқдори – ойига **878 000 сўм**.
6. Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда – ойига **878 000 сўм**.
7. Ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вакилига бериладиган нафақа миқдори – ойига **878 000 сўм**.
8. Боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори – ойига **878 000 сўм** этиб белгиланади ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун – **290 000 сўм**дан қўшилади.
9. Боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори – ойига **878 000 сўм** этиб белгиланади ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўланади.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

25 (1253)-сон
611-модда

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
FARMONI

2026 yil « 24 » июнь ПФ–116 -son

Маҳалла бошқарувини самарали ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

2026 йил – “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши муносабати билан маҳалла институти янада мустақил ва халқчил тузилмага, жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айланишига кўмаклашиш, унинг жамиятдаги нуфузи ва ролини кучайтириш, шунингдек, фаолиятини рақамлаштириш мақсадида **қарор қиламан**:

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар ушбу Фармоннинг **асосий мақсадлари** этиб белгилансин:

(а) “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”да маҳалла институтининг жамиятдаги ролини янада ошириш ҳамда “маҳалла еттилиги” фаолиятини самарали ташкил этиш;

(б) ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, маҳаллаларни ишсизлик, камбағаллик, жиноятчилик ва оилавий ажримдан холи ҳудудга айлантириш;

(в) маҳаллалар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш имкониятларини ошириш;

(г) маҳалла билан давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг узвий ҳамкорлигини таъминлаш;

(д) маҳаллаларда аҳоли муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва ҳал этишнинг **маҳалла – туман (шаҳар) – вилоят – республика** тизимини такомиллаштириш орқали "маҳалла еттилиги", маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, вазирлик ва идораларнинг масъулиятини янада ошириш.

II. Маҳалла бошқарувини самарали ташкил этиш

2. Қуйидагилар:

(а) "Маҳалла еттилиги" аъзоларининг асосий ва ҳамкорликдаги вазифалари **1-илова**га мувофиқ;

(б) Маҳалла фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича "йўл харитаси" **2-илова**га мувофиқ тасдиқлансин.

3. Маҳалла фаолиятини ривожлантириш бўйича **республика комиссияси** **3-илова**га мувофиқ таркибда ташкил этилсин ва унинг **асосий вазифалари** этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) "маҳалла еттилиги" аъзолари фаолиятини самарали ташкил этиш, уларга ўз вазифаларини лозим даражада амалга ошириши учун услубий кўмаклашиш;

(б) маҳаллаларда аҳоли муаммолари билан маҳалла – туман (шаҳар) – вилоят – республика тамойили асосида ишлаш самарадорлигини ошириш;

(в) маҳаллаларда аҳоли муаммоларини ҳал қилиш юзасидан идоралараро ҳамкорликни таъминлаш.

4. 2026 йил 1 июлдан бошлаб "маҳалла еттилиги" фаолиятини самарали ташкил этишнинг қуйидаги тартиби жорий этилсин:

(а) Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг (кейинги ўринларда – Уюшма) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимларига маҳаллалардаги муаммоларни тизимли таҳлил қилиш, масъул идоралар ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўналишларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ҳудудий дастурларни тайёрлаш ҳамда ижросини назорат қилишда иштирок этиш ҳуқуқи берилади;

(б) маҳаллабай ишлашга масъул бўлган мазкур Фармонга **3-иловада** келтирилган вазирлик ва идораларда амалдаги штат бирликлари доирасида:

(i) вазирлик ва идора раҳбарининг бир нафар ўринбосари Уюшма билан ўзаро ҳамкорликда ишлаш учун масъул этиб белгиланади;

(ii) иш ҳажмидан келиб чиқиб, маҳаллабай ишлаш бўйича масъул таркибий бўлинма ташкил этилади ёки масъул ходим белгиланади ҳамда уларнинг Уюшма билан самарали ҳамкорлик тизими йўлга қўйилади.

5. Белгилансинки, маҳаллада яшовчи биринчи маротаба ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган фуқароларга уларнинг оилавий шароитидан келиб чиқиб, фуқаролар йиғини кенгашининг коллегиал қарори асосида шахсга нисбатан енгиллик бериш тўғрисида қилинган мурожаат суд-тергов органлари томонидан қаноатлантирилган ҳолларда:

(а) “маҳалла еттилиги” кафилликка олинган шахсни қайта тарбиялаш, зарур ҳолларда, касбга ўргатиш, бандлигини таъминлаш, таълимга йўналтиришга масъул бўлади;

(б) кафилликка олинган шахс 3 йил давомида жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этмаса, “маҳалла еттилиги”нинг шахсни тарбиялашда фаоллик кўрсатган аъзосини Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўшимча рағбатлантириш чоралари кўрилади.

6. Уюшманинг туман (шаҳар) бўлими бошлиқларига “маҳалла еттилиги” фаолиятига аралашганлик, уларни хизмат вазифалари билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этганлик учун туман (шаҳар) ҳокимларига тақдимномалар киритиш ваколати берилсин.

III. Маҳаллалар фаолиятини рақамлаштириш ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш

7. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Адлия вазирлиги ва Рақамли технологиялар вазирлиги **2026 йил 1 ноябрга қадар** “маҳалла еттилиги” фаолиятига масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда “Рақамли маҳалла” электрон платформаси (кейинги ўринларда – Платформа)да қуйидаги имкониятларни яратсин:

(а) 4-иловада кўрсатилган вазирлик ва идораларнинг тегишли **ахборот тизимларини Платформа билан ўзаро интеграция қилиш**;

(б) сунъий интеллект ёрдамида Платформага киритилган мурожаатлар ҳамда аҳоли томонидан кўтарилган муаммоларни саралаш, ижрочиларга тақсимлаш ва белгиланган тартибда ижросини назорат қилиш;

(в) маҳаллаларни **инфратузилма**, **тадбиркорлик**, **камбағаллик**, **ишсизлик**, **жиноятчилик**, **низоли оилалар**, **аҳоли мурожаатлари** кўрсаткичлари асосида **“қизил”**, **“сариқ”**, **“яшил”** тоифаларга ажратиш ҳамда юзага келган муаммоларнинг бартараф этилганлиги ҳолатини мониторинг қилиш;

(г) маҳалла раиси томонидан “маҳалла еттилиги” аъзоларига ҳақ тўлаш учун тўлдириладиган ҳужжат (табель)ни шакллантириш ҳамда улар фаолиятини KPI асосида баҳолашни йўлга қўйиш.

8. Белгилансинки, Платформага киритилган муаммоларнинг ҳал этилиши ҳолати:

(а) ҳар ойда камида бир маротаба туман (шаҳар) ҳокимлари раислигида туман (шаҳар) маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашларида;

(б) ҳар чоракда камида бир маротаба Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари раислигида ҳудудий маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашларида;

(в) ҳар ярим йилда камида бир маротаба Ўзбекистон Республикаси Бош вазири раислигида Республика маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашида мутасадди вазирлик ва идоралар, ташкилотлар раҳбарлари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар иштирокида танқидий муҳокама қилиб борилади.

9. Уюшманинг Маҳаллалар фаолиятини рағбатлантириш жамғармасига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан 2026 йилдан бошлаб ҳар йили 200 миллиард сўм маблағ ажратилсин ва ушбу маблағлар **5-илова**га мувофиқ тасдиқланган йўналишларга сарфлансин.

10. Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси:

(а) маблағларини шакллантиришнинг қўшимча манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

(i) 2026 йил 1 июлдан маҳалла ҳудудида санитария қоидаларини бузганлик ва ноқонуний қурилиш учун ундирилган жарималарнинг **10 фоизи**;

(ii) 2027 йил 1 январдан жисмоний шахслардан олинадиган **мол-мулк** ва **ер солиғи** бўйича ундирилган маблағларнинг (нотурар жойлар бўйича ундириладиган мол-мулк ва ер солиғи бундан мустасно) **15 фоизи;**

(iii) маҳалладаги ҳудуди **5 минг** метр квадратгача бўлган давлат кўчмас мулк объектларини ҳоким ёрдамчисининг онлайн буюртманомасига асосан тўғридан-тўғри электрон онлайн аукцион савдолари орқали сотишдан тушадиган маблағлар, баҳолаш ва сотиш харажатлари чегирилган ҳолда;

(б) маблағларини сарфлаш бўйича қўшимча йўналишлар **6-илова**га мувофиқ тасдиқлансин;

(в) маблағларининг 10 фоизи “оғир” тоифадаги ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишда ортда қолаётган маҳаллаларни ривожлантириш учун Уюшманинг Маҳаллалар фаолиятини рағбатлантириш жамғармасига ўтказиб борилсин.

11. Белгилансинки, **2026 йил 1 июлдан**:

(а) маҳалла биноларининг бўш турган хоналари “E-auksion” электрон савдо платформасида электрон онлайн аукцион орқали ижарага берилади;

(б) биноларни ижарага беришдан тушган маблағлар маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш ва ривожлантиришга йўналтирилади.

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПҚ–4602-сон қарори талаблари асосида ўз хизмат биноларига эга бўлмаган ҳамда “маҳалла еттилиги” аъзолари учун етарли хоналар мавжуд бўлмаган маҳаллаларга (зарур ҳолларда ер майдони ажратиб) давлат-хусусий шериклик шартлари асосида замонавий маҳалла марказлари биноларини барпо этишда Уюшманинг тегишли туман (шаҳар) бўлими давлат шериги ҳисобланади.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига **7-илова**га мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари **8-иловага** мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

IV. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

15. Ушбу Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси К.К. Куранбаев белгилансин.

16. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — **Ш. Мирзиёев**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 24 июндаги ПФ–116-сон Фармонига
1-илова

“Маҳалла еттилиги” аъзоларининг асосий ва ҳамкорликдаги вазифалари

1-бўлим. “Маҳалла еттилиги” аъзоларининг асосий вазифалари

I. Маҳалла раиси учун тавсия этиладиган асосий вазифалар

1. Маҳаллада фаолият юритувчи ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика ва солиқ инспекторлари, ижтимоий ходим фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда маҳаллани ҳар томонлама ривожлантиради.

2. “Маҳалла еттилиги” томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни ва янгиликларни оилаларга етказиш чораларини кўради.

3. Аҳолининг ҳуқуқий онги, маънавияти ва дунёқарашини оширишга қаратилган тарғибот тадбирларни ташкил этади.

4. Ҳар ойда оммавий ҳашарлар уюштиради, кўчалар, хонадонлар, қабристонлар, зиёратгоҳлар, кўп қаватли уйлар, йўлакчалар, ариқ (зовур)лар ва ижтимоий объектларнинг тозалиги ва ободлигини таъминлайди.

5. Аҳолининг жамият ва маҳалла ҳаётида фаол иштирокини таъминлайди.

6. Фуқаролар йиғини кенгашида ҳар ойда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг амалга оширилган ишлар бўйича ахбороти эшитилишини ташкил қилади ҳамда муаммоларнинг бартараф этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатади.

7. Ҳар ойда камида бир маротаба маҳаллада ҳал этилмаган муаммоларни туман (шаҳар) ҳокимига киритади.

8. Аҳоли билан мулоқотлар, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали чиқишларда амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот беради.

9. Ҳар чоракда туман (шаҳар) халқ депутатлари кенгашида амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот беради.

10. Маҳаллани камбағаллик, ишсизлик, жиноят, ажрим, тазйиқ ва зўравонлик, гиёҳвандликдан холи ҳудудга айлантириш ҳамда маҳалла инфратузилмасини яхшилашга “маҳалла еттилиги” ҳамда мутасадди ташкилот ва идоралар ходимлари ҳамда куч-воситаларини сафарбар этади.

11. Ҳар ҳафтада камида бир маротаба маҳалла сервис компаниялари ва кўп квартирали уйларни бошқарувчи ташкилот, бошқарувчи ёки ширкатлар фаолиятини ўрганади, назорат қилади.

12. Ҳар ҳафтада бир маротаба “маҳалла еттилиги”, маҳалла банкири, соғлиқни сақлаш ва таълим муассасаси раҳбарлари, кўп квартирали уйларни бошқарувчи ташкилот, бошқарувчи ёки ширкат бошқаруви раисининг ҳисоботини эшитади.

13. Уйма-уй юриш орқали, ўтказилган суҳбатлар, келиб тушган мурожаатлар натижасида аниқланган муаммоларни, аҳолининг таклиф ва шикоятларини кўриб чиқади, “маҳалла еттилиги” ҳамда тегишли ташкилотларни жалб қилган ҳолда ҳал этиш чорасини кўради.

14. Тўй, оилавий тантана, маърака ва маросимларни исрофгарчиликсиз ихчам ўтказиш чораларини кўради.

15. Маҳалладаги вазият ва талабдан келиб чиқиб, ҳар ойда эҳтиёжманд оилаларнинг хонадонида ташаббускор қўни-қўшниларни жалб этган ҳолда таъмирлаш ишларини ташкил этади.

16. “Яшил макон” доирасида баҳор ва куз мавсумида кўчалар, хонадонларга мевали, манзарали дарахт ва бута кўчатлари экишни ва парваришлашни, маҳалла боғларини ташкил қилишни таъминлайди.

17. Аҳолини оммавий спортга жалб қилади ҳамда “саломатлик йўлаклари”ни барпо қилиш орқали жисмоний фаоллигини оширишни таъминлайди.

18. Камбағал оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз кексалар ва бошқа эҳтиёжманд аҳолига ажратилаётган бюджет маблағлари ва бошқа маблағларни мақсадли ва манзилли йўналтириш чораларини кўради.

19. Аҳолининг коммунал хизматлар, электр, сув, газ таъминоти билан боғлиқ муаммоларини ташкилотлар ва идоралар билан биргаликда ҳал қилади.

20. Маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш бўйича йиллик дастурларни ишлаб чиқади.

21. Оилавий поликлиникалар томонидан аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилишини ташкил қилади.

22. Ҳар ҳафтада бир маротаба таълим муассасаларида ўқувчиларнинг давомати ва хулқ-атворини ўрганади, мактаб – ота-она – маҳалла ҳамкорлигини самарали ташкил қилади.

23. Тазйиқ ва зўравонлик, эрта никоҳ, эрта туғуруқ ҳолатларининг олдини олиш ҳамда низоли оилаларни яраштириш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга оширади.

24. Аҳолига экологик маданиятни тарғиб қилади, атроф-муҳитни ифлослантирувчи омилларга қарши профилактик ишларни олиб боради.

25. Гиёҳвандлик, одам савдоси, мажбурий меҳнат, киберхавфсизликка оид жиноятларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот тадбирларини ташкил қилади.

26. Маҳаллада волонтёрлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича умумий мувофиқлаштириш ишларини амалга оширади.

II. Ҳоким ёрдамчисининг асосий вазифалари

1. Маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни хонадонбай ўрганиб, маҳаллаларда мавжуд захира ва имкониятларни ҳар томонлама таҳлил қилади, маҳаллани иқтисодий ривожлантириш бизнес режасини ишлаб чиқади ва маҳалла кенгаши йиғилишида тасдиқлаб, унда назарда тутилган

мақсадли кўрсаткичларга эришиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширади.

2. Маҳалладаги корхоналарда бўш иш ўринларини аниқлаб, ишсиз ва камбағал оила аъзолари бандлигини таъминлаш чораларини кўради.

3. Доимий даромад манбаига эга бўлмаган ишсиз аҳолини касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш чораларини кўради.

4. Ташқи меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш чораларини кўради.

5. Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кредит, ссуда ва субсидиялар ажратилишида кўмаклашади. Ажратилган ресурслар самарадорлигини мониторинг қилади ҳамда ажратилган кредитларнинг ўз вақтида қайтарилишига кўмаклашади.

6. Ижара ҳуқуқи асосида аҳолига ажратилган ер майдонларида “Бир контур – бир маҳсулот” тамойили асосида экин экилишини ташкил этишга кўмаклашади ҳамда экилган экинлар ва етиштирилган маҳсулотлар *(йилига 3 марта: асосий, такрорий ва тўқсонбости)* ҳисобини юритади.

7. Маҳалладаги аҳоли томорқаларида “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида даромадли экинлар экишга кўмаклашади ҳамда экилган экинлар ва етиштирилган маҳсулотлар *(йилига 3 марта: асосий, такрорий ва тўқсонбости)* ҳисобини юритади.

8. Кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича микролойиҳалар манзилли дастурини шакллантиради ва лойиҳаларни амалга оширишга тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳал этишга кўмаклашади.

9. Тадбиркорларга маҳаллаларда ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки хизматлар бозорини (шу жумладан, электрон савдо платформалари орқали) топиш жараёнларида кўмаклашади.

10. Маҳаллада паст қувватда ишлаётган ва фаолияти тўхтатилган корхоналар фаолиятини тиклашга кўмаклашади.

11. Маҳалладаги бўш турган бино-иншоотлар ва ер майдонларини аниқлаб, уларни белгиланган тартибда аукцион савдоларига чиқариш чораларини кўради.

12. Тадбиркорлар томонидан аукционда сотиб олиниб, қурилиш ишлари бошланмаган объектларни аниқлаб, лойиҳа бошланишига кўмак кўрсатади ҳамда қурилиши якунига етказилмаган лойиҳалар бўйича мониторинг ўтказиб, ишга туширишга кўмаклашади.

13. Маҳалладаги камбағал оилаларнинг ҳар бири учун индивидуал дастур ишлаб чиқади ва уларнинг даромадини ошириш чора-тадбирларини белгилайди.

14. Маҳаллада яшил энергияга ўтиш бўйича ишларни ташкил этади ҳамда аҳоли ўртасида яшил энергия афзалликлари бўйича тарғибот тадбирларини олиб боради.

III. Хотин-қизлар фаолининг асосий вазифалари

1. Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга ҳуқуқий тушунчалар бериш ва зарур ҳолларда тегишли ташкилотларга йўналтириш ишларини ташкил этади.

2. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, таълим имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашади, уларни маънавий-маърифий тадбирларга жалб этади.

3. “Аёллар маслаҳат кенгаши” жамоатчилик тузилмалари билан яқин ҳамкорликда “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар билан манзилли ишларни амалга оширади.

4. Хотин-қизларни касб ва тадбиркорликка ўргатиш ишларини ташкил этади, уларнинг тадбиркорлик ғояларини амалга ошириш, улар фаолиятига кредит, субсидия ва бошқа ёрдам чораларини жалб қилиш бўйича маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорлик қилади.

5. Оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит соғломлигига таъсир кўрсатаётган омиллар, нотинч, низоли ҳамда ажрим ёқасига келиб қолган

оилаларни профилактика қилиш, тўй ва бошқа оилавий маросимларни ихчам ўтказиш, миллий қадриятларни ва урф-одатларни тарғиб қилиш, миллатлараро дўстона муносабатларни яратиш ва сақлаш чораларини кўради.

6. Оилалар ва хотин-қизлар даромадларини оширишга кўмаклашади.

7. Оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатишни ташкил этади, меҳнат миграциясидан қайтган, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган хотин-қизларга консультатив ёрдам бериш чораларини кўради.

8. Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш бўйича профилактик тадбирларни амалга оширади, тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларга белгиланган тартибда ёрдам кўрсатилишини ташкил этади.

9. Яқин қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳнинг олдини олиш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мақсадли чора-тадбирларни амалга оширади.

10. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга кўмаклашади, хотин-қизларни тиббий кўриклардан ўтишга, спорт ва соғломлаштириш тадбирларига жалб этади.

IV. Ёшлар етакчисининг асосий вазифалари

1. Ёшларнинг ўзига бўлган ишончини ошириш, жамият учун фойдали ва умуммиллий манфаатларга хизмат қилишга қаратилган лойиҳаларни маҳалла даражасида амалга оширади.

2. Ёшларнинг шахсий ривожланишига, уларнинг иқтидори ва истеъдодини рўёбга чиқаришга қаратилган тадбирларни ташкил этади, “Беш ташаббус олимпиадаси”ни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилади.

3. Меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларнинг тадбиркорлик кўникмалари ва ўз тақдири учун масъулият ҳиссини кучайтириш орқали бандлигига кўмаклашади.

4. "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларга кўрсатиладиган ёрдамнинг ижтимоий ҳамкорлик тамойилига асосланишини таъминлайди.

V. Профилактика инспекторининг асосий вазифалари

1. Бириктирилган маҳалла ҳудудида ваколатли давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолияти натижаларини умумлаштириш ва ягона ахборот-таҳлил тизимига киритилишини таъминлайди.

2. Бириктирилган маҳалла ҳудудидаги криминоген вазиятни мунтазам равишда ўрганиб бориш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш бўйича қонунчиликда белгиланган чора-тадбирларни амалга оширади.

3. Бириктирилган маҳалла ҳудудида аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус ва виктимологик профилактикасини амалга оширади.

4. Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни белгиланган тартибда профилактик ҳисобга ва маъмурий назоратга олиш, улар билан якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий мослаштириш ишларини индивидуал дастур тузган ҳолда ташкил этади.

5. Ёшлар, айниқса, уларнинг уюшмаган қисми билан манзилли тарбиявий ва профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш орқали улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олади.

6. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан, вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологларга кўмаклашади.

7. Вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, терроризм, экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ишларни бевосита амалга оширади.

8. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ҳимоя ордерини бериш ва ҳимоя ордери талабларининг ижроси устидан назоратни амалга оширади.

9. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ тегишли маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

10. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилади, уларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқади.

11. Ваколатли давлат органлари ва ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда бириктирилган маҳалла ҳудудида ҳар бир оилани бевосита жойида ўрганган ҳолда фуқароларнинг жамоат хавфсизлигига оид ва ҳуқуқбузарликларга сабаб бўлиши мумкин бўлган муаммолари ва норозиликларини аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича зарур чораларни кўради.

12. Бириктирилган маҳалла ҳудудида паспорт режими қоидаларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширади.

13. Тажовузкор руҳий касаллар, спиртли ичимликка ружу қўйганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларига кўмаклашади.

14. Пробация назоратидагиларнинг хулқ-атворини назорат қилишда, ўрнатилган чекловларга риоя этишини текширишда, шунингдек, янги жиноят содир этишининг олдини олишда пробация инспекторларига кўмаклашади.

15. Бириктирилган маҳалла ҳудудида жамоат тартибини сақлашга доир чора-тадбирларни амалга оширади, “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль

гуруҳлари фаолиятини ташкил этади, фуқароларни уларнинг розилиги билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда кўмаклашишга жалб этади.

16. Давлат органлари, жамоат ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф қилиш ҳамда маҳалладаги мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этиш бўйича тақдимномалар киритади.

17. Бириктирилган маҳалла ҳудудида фуқаролар ва юридик шахслар томонидан фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дориларини сақлаш қоидаларига риоя этилишини назорат қилишга кўмаклашади.

18. Бириктирилган маҳалла ҳудудида тақиқланган ташкилотлар ҳамда террорчилик, экстремистик ва бошқа ғайриқонуний ва бузғунчилик йўналишидаги гуруҳлар фаолиятига алоқадор шахсларни аниқлашга кўмаклашади.

19. ОИВ/ОИТС тарқалишининг барвақт олдини олиш, ахлоқсизлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ҳамда фоҳишахоналарнинг сақланишига чек қўйишга кўмаклашади.

20. Доимий яшаш жойини узоқ муддатга тарк этган шахсларни аниқлайди ва ҳисобини юритади, уларнинг чет элда бўлиш жойлари ва муддатларини аниқлаш юзасидан қариндошлари билан мунтазам иш олиб боради, узоқ муддат мобайнида чет элда бўлиб қайтган шахслар билан профилактик ишларни амалга оширади.

21. Жиноятларни аниқлаш ва фош этиш ҳамда суриштирув, тергов ва суд органларидан яшириниб юрган, жазодан бўйин товлаётган, бедарак йўқолган шахсларни ҳамда қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда бошқа шахсларни қидириш, шунингдек, шахси номаълум мурдаларнинг шахсини аниқлаш бўйича тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади.

22. Шахсни мажбурий келтириш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажримини белгиланган тартибда ижро этади.

VI. Ижтимоий ходимнинг асосий вазифалари

1. Оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар ва оилаларга (кейинги ўринларда — ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли) бевосита маҳалла даражасида комплекс ёндашув асосида профессионал ижтимоий хизматлар кўрсатади.

2. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг эҳтиёжлари ва мавжуд имкониятларини баҳолаш орқали уларга индивидуал тартибда ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш режаларини (кейинги ўринларда — индивидуал ижтимоий хизматлар режаси) ишлаб чиқади.

3. Индивидуал ижтимоий хизматлар режасига мувофиқ ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатилишини ташкил қилади, шунингдек, зарур ҳолларда, индивидуал ижтимоий хизматлар режасига тегишли тузатишлар киритиб боради.

4. Ички ресурсларни, шу жумладан, ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича кўнгиллиларни (қариндошлар, қўни-қўшнилар, волонтёрлар) ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатишга жалб қилади ҳамда уларнинг мазкур соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштиради.

5. Аҳолига давлат томонидан кафолатланган ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар тўғрисида, шунингдек, аҳолининг мазкур хизматларни олишга бўлган ҳуқуқлари бўйича тушунтириш беради.

VII. Солиқ инспекторининг асосий вазифалари

1. Солиқ тўловчиларга солиқ хизматларини кўрсатади.

2. Маҳалладаги солиқ тўловчиларни тўлиқ хатловдан ўтказади.

3. Рўйхатдан ўтмаган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қонунийлаштириш чораларини кўради.

4. Вақтинча молиявий қийинчиликка дуч келган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тиклашга кўмаклашади.

5. Солиқ тўловчиларга солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва унинг ижтимоий аҳамияти, жорий этилган имтиёз ва преференциялар, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чоралари тўғрисида тушунтиради ҳамда солиқ тўлаш маданиятини юксалтириш бўйича тегишли тарғибот ишларини амалга оширади.

6. Маҳалла ҳудудида жойлашган ва солиқ инспекторига бириктирилган корхоналарда ишлаётган ходимларнинг барчаси солиқ ҳисоботларида мавжудлигини ўрганади ва қонуний фаолият юритишини назорат қилади.

7. Жисмоний шахсларнинг эгалигидаги яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари бошқа шахсларга ижарага берилган ҳолатларда ижара шартномаси тузганлигини ўрганади, назорат қилади ва ҳисобланган солиқлар ундирилишини таъминлайди.

8. Жисмоний шахсларнинг эгалигида бўлган кўчмас мулк ва ер участкалари бўйича ҳар йили 1 мартдан кечиктирмай солиқ суммаси ва уни тўлаш муддатлари кўрсатилган тўлов хабарномаларини тарқатади.

9. Солиқ тўловчилар томонидан юборилган мурожаатларни ўрганади ва қонунда белгиланган тартибда ижросини таъминлайди.

10. Банк айланмалари билан солиқ тўловчи томонидан топширилган ҳисобот ўртасидаги тафовут бўйича солиқ тўловчилардан қайта ҳисоботларни талаб қилиб олади ва бюджетга қўшимча манба жалб қилади.

11. “Маҳалла еттилиги” билан бирга аҳолини ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш ишларини амалга оширади.

12. Якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар фаолиятини йириклаштириш чораларини кўрди.

13. Белгиланган солиқ турлари бўйича бюджетга тегишли маблағларни ундириш ва маҳалла бюджетининг даромадини ошириш чораларини кўради.

2-бўлим. “Маҳалла еттилиги” аъзоларининг ўзаро ҳамкорликдаги вазифалари

1. Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик эътиборига етказади, маҳаллада қонунчилик ҳужжатларининг ижроси таъминланишида, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ўрганишда фуқаролар йиғини кенгашига кўмаклашади ҳамда унинг фаолиятида фаол иштирок этади.

2. Маҳаллани камбағаллик, ишсизлик, жиноят ва ажримдан холи ҳудудга айлантириш бўйича “маҳалла еттилиги”нинг куч ва воситаларини ягона ёндашув асосида сафарбар этади.

3. Жисмоний шахсларга “Саховат ва кўмак”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” жамғармалари, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш бўйича коллегиал қарор қабул қилади.

4. Оғир аҳволга тушиб қолган ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг муаммоларини бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади.

5. Маҳаллада уйма-уй юриш орқали, ўтказилган суҳбатлар, келиб тушган мурожаатлар натижасида аниқланган муаммоларни, аҳолининг таклиф ва шикоятларини кўриб чиқади ва тегишли ташкилотлар билан биргаликда аҳоли муаммоларини ҳал этиш чорасини кўради.

6. Аниқланган аҳоли муаммолари ҳамда уларнинг ҳал этилиши ҳақидаги маълумотларни “Рақамли маҳалла” электрон платформасига киритиб боради.

7. Маҳаллада аҳолининг кайфиятига салбий таъсир қилаётган тизимли муаммоларни бартараф этиш бўйича ҳар ойда камида бир маротаба туман (шаҳар) ҳокимларига коллегиал мурожаат киритиб боради.

8. Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятига доир масалалар юзасидан фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда иштирок этади, шунингдек, уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат органлари ва ташкилотларига тегишли таклифлар киритади.

9. Маҳаллада волонтёрлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш ҳамда аҳоли, айниқса, ёшлар ва нуронийларни жалб қилган ҳолда ижтимоий лойиҳаларни оммалаштириш чораларини кўради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 24 июндаги ПФ–116-сон Фармонига
2-илова

Маҳалла фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
I. Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш				
1.	“Маҳалла еттилиги” аъзоларининг маҳаллаларда ваколатларини такрорловчи ёки ортиқча вазифаларини хатловдан ўтказиш ҳамда ўзаро **ҳамкорликдаги иш фаолияти** самарадорлигини ошириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.	1. “Маҳалла еттилиги” аъзоларига юклатилган вазифаларни тўлиқ хатловдан ўтказиш. 2. “Маҳалла еттилиги”нинг ўзаро ҳамкорликда ишлаш механизмлари ҳамда уларнинг коллегиал масъулияти ва жавобгарлиги доирасини аниқ белгилаш ҳамда фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизимини жорий этишни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш. 3. Ҳукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил июль 2026 йил август 2026 йил сентябрь	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
2.	“**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида**”ги Ўзбекистон Республикасининг **янги таҳрирдаги** қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш.	1. Соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш. 2. Қонун лойиҳасини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил октябрь 2026 йил декабрь	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Адлия вазирлиги, Марказий сайлов комиссияси *(келишув асосида)*
II. Ташкилий чора-тадбирлар				
3.	Маҳаллаларда аҳоли муаммолари билан ишлашда депутатлар ролини янада кучайтириш.	1. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашлари депутатларининг маҳаллаларда аҳоли билан ҳар ойда учрашув ўтказиш жадвалини ишлаб чиқиш. 2. Депутатларнинг маҳаллаларда аҳоли билан учрашувларини ташкил этиш.	2026 йил июль	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси *(келишув асосида)*, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси,

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		3. Мавжуд муаммоларни ҳал этиш ҳамда муддат талаб этадиган масалалар бўйича узоқ ва яқин муддатга мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш.	Тасдиқланган жадвал асосида	халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туман ва шаҳарлар кенгашлари, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
4.	Маҳалла фуқаролар йиғинлари кенгаши йиғилишларида маҳалладаги давлат таълим ва соғлиқни сақлаш ташкилотлари раҳбарлари *(республика ва вилоят даражасидаги ташкилотлар бундан мустасно)*, “маҳалла еттилиги” аъзолари ҳамда маҳалла банкирининг амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботини эшитиш амалиётини такомиллаштириш.	1. Маҳалла фуқаролар йиғинлари кенгаши йиғилишларида маҳалладаги: атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини; “маҳалла еттилиги” аъзолари ҳамда маҳалла банкирининг ўз вазифаларидан келиб чиқиб амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиб бориш. 2. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси маҳалладаги давлат органлари ва ташкилотлари томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни Вазирлар Маҳкамасига киритиб боради.	2026 йил сентябрдан бошлаб ҳар ойнинг биринчи ўн кунлигида 2026 йил августдан Ҳар чоракда	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги “Маҳалла еттилиги”га масъул вазирлик ва идоралар Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
5.	“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини маҳаллаларда юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш.	1. Маҳаллаларда иқлим ва ҳудуд тупроқ унумдорлигидан келиб чиқиб, дарахт кўчатларини экиш жойларини белгилаш. 2. Баҳор ҳамда куз мавсумларида мевали ва манзарали ҳамда бута кўчатларини экиш ишларини ташкил қилиш. 3. Кўчатларни доимий парваришлаш учун масъул ташкилотлар, кўчабоши ва хонадон эгаларини бириктириш.	Ҳар йили март-октябрь Доимий Доимий	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
6.	**Маҳалла раислари рейтингини** эълон қилиб бориш тизимини йўлга қўйиш.	1. Маҳалла раисларининг фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлар (индикаторлар) тизимини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Маҳалла раислари фаолиятини баҳолаш, мониторинг қилиш ва таҳлил этиш. 3. Фаолияти энг намунали ҳамда кўрсаткичлари паст бўлган маҳалла раислари рўйхатини шакллантириш. 4. ТОП-100 талик маҳаллалар рейтингини “Маҳалла” газетаси ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.	2026 йил июль Ҳар чоракда	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Бошқарув самарадорлиги агентлиги
7.	Маҳаллаларда **ижтимоий, маънавий-маърифий муҳитни янада соғломлаштириш** мақсадида аҳоли ўртасида тарғибот тадбирларини ташкил этиш.	Маҳаллаларда: “Юрт тинчлиги ва тараққиётига менинг ҳиссам”, “Мақсад, бурч ва масъулият”, “Яшаш бахти”; “Оила – муқаддас даргоҳ”, “Оила – меҳр-оқибат бешиги”, “Маънавият оиладан бошланади”; “Соғлом турмуш тарафдоримиз!”; “Дунё ва дин одоби”, “Оммавий маданият”нинг ҳалокатли таъсири”, “Жаҳолатга қарши маърифат”; “Менинг маҳаллам маиший коррупциядан холи маҳалла” сингари маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш.	2026 йил июлдан бошлаб доимий	Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси
8.	**Ижро этувчи ҳокимият органлари** раҳбарларининг аҳоли муаммоларини ҳал этиш бўйича **маҳаллаларда амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботини эшитиш** тизимини йўлга қўйиш.	1. Ижро этувчи ҳокимият органларининг маҳаллалар билан ҳамкорликда аҳоли муаммоларини ўрганиш ва **“тезкор инфратузилма диагностикаси”**ни амалга ошириш. 2. Амалга оширилган ишлар бўйича ахборот, соҳадаги тизимли муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича таклифлар бериш: - ҳар чоракда – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашида;	2026 йил 1 август 2026 йил 15 август 2026 йил давомида	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		- ҳар ойда – Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларида.		
9.	Маҳаллаларда аҳоли кайфияти, муаммоларни ҳал этиш даражаси ҳамда “маҳалла еттилиги” фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича **онлайн социологик сўровларни** тизимли равишда ташкил этиш амалиётини жорий этиш.	1. Маҳаллаларда аҳоли ўртасида **онлайн** социологик сўров ўтказиш бўйича қўшма қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Социологик сўров натижаларини таҳлил қилиш асосида маҳаллаларни “қизил”, “сариқ” ва “яшил” тоифаларга ажратиш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш.	2026 йил июль Ҳар чоракда	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази
10.	“Маҳалла еттилиги” аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириб бориш, илғор тажрибаларни оммалаштириш чора-тадбирларини кўриш.	1. Янги қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларини “маҳалла еттилиги” аъзоларига тезкор етказиш чораларини кўриш. 2. “Маҳалла” газетаси, “Маҳалла кўзгуси” журнали, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ахборот тармоқлари орқали қонунчилик ҳужжатлари мазмун-моҳияти содда ва халқчил тилда ёритиб борилишини таъминлаш. 3. Ҳар ҳафтада икки маротаба ҳудудлардаги “маҳалла еттилиги”нинг илғор тажрибаларини ёритиш.	2026 йил июль-август Доимий	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, “Mahalla davriy nashrlari” МЧЖ
11.	Маҳаллаларда оилалар ўртасида **китобхонликни кенг тарғиб қилиш** тизимини яратиш.	1. “Биз – китобхон оиламиз!” шиори остида танловларни ўтказиш бўйича қўшма қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Қўшма қарор талабларидан келиб чиқиб танловларни ўтказиш. 3. Маҳаллаларда “Китобхонлик – келажак кафолати”, “Ёш китобхон”, “Оилавий китобхонлик – азалий қадрият” сингари китобхонлик тадбирларини ўтказиш.	2026 йил июль 2026 йил август Доимий	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
12.	Маҳалла бошқарувини самарали ташкил этиш ва унинг фаолиятини рақамлаштиришга оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини тушунтириш бўйича туман ва шаҳарларда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва “маҳалла еттилиги” аъзолари учун ўқув семинарларини ташкил этиш.	1. Ўқув семинарларини ўтказиш режа-графиги ва тарғибот материаллар лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш. 2. Туман ва шаҳарлар кесимида тасдиқланган график асосида ўқув семинарларини ўтказиш.	2026 йил июль 2026 йил давомида	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Рақамли технологиялар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
13.	Миллий урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларни кенг тарғиб этиш мақсадида **“Маҳалла – қадриятлар маскани”** ҳафталигини ташкил этиш.	1. Ҳафталикни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Ҳафталик доирасида миллий урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларни тарғиб этувчи маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, кўргазмали дарсларни ташкил этиш.	2026 йил июль	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги
14.	Хотин-қизлар ва болаларга нисбатан **тазйиқ ва зўравонликдан** ҳимоя қилишда маҳалланинг ролини ошириш.	1. Маҳаллалардаги Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси фаолиятини таҳлил қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Маҳаллада тазйиқ ва зўравонликнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш. 3. Тазйиқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларнинг зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш ва ижтимоий реабилитация қилиш чораларини кўриш.	2026 йил июль Ҳар ойда	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
15.	**Эрта никоҳ** ва **эрта туғуруқ**ларнинг олдини олиш ҳамда оилавий ажрим ва **ажрим ёқасидаги оилалар билан индивидуал ишлаш амалиётини** йўлга қўйиш.	1. Ижобий тажрибага эришган ёки аксинча кўрсаткичлари салбий бўлган маҳаллалар амалиётини таҳлил қилиш орқали тегишли муаммоларни ҳал қилиш механизмларини жорий этиш бўйича ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда уни вазирлик ва идоралар билан келишиш. 2. Келишилган ҳужжат лойиҳасини қўшма қарор билан тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш.	2026 йил август	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
16.	Маҳаллаларда ёшлар ўртасида гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши тарғибот ҳамда тарбиявий-профилактик тадбирларни ўтказиш.	1. Маҳаллаларда уюшмаган ёшлар билан “Гиёҳвандлик – умр заволи” мавзусида тарғибот тадбирларини ташкил этиш. 2. Гиёҳвандлик ва наркожиноятларни аниқлашда жамоатчилик имкониятларидан самарали фойдаланиш. 3. “Наркожиноятлардан холи маҳалла” тамойили остида спорт мусобақалари ва кўнгилочар тадбирларни ташкил этиш.	2026 йил ҳар ойда Доимий Ҳар чоракда	Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги
17.	“**Маҳалла раиси билан ёшлар мулоқоти**” учрашувларини ташкил этиш.	1. Маҳалла раиси ва ёшлар мулоқот учрашуви жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқланган жадваллар асосида учрашувларни маҳаллаларда, айниқса, энг чекка, олис ҳудудларда ўтказиш. 2. Учрашувларда ёшлар томонидан билдирилган таклифлар ва муаммоларни тизимлаштириш, уларни ҳал этиш.	2026 йил июль ойидан бошлаб доимий	Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
18.	Маҳаллаларда жиноятларнинг **барвақт олдини олиш**да жамоатчилик имкониятларидан **кенг фойдаланиш**.	1. Маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизимига киритилган ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга маҳалла жамоатчилик вакилларини бириктириш. 2. Содир этилган ҳуқуқбузарликларни кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш орқали таъсирчан тарғибот тадбирларини амалга ошириш.	2026 йил июнь Доимий	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ички ишлар вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		3. Жиноятчиликдан холи маҳаллалар ижобий тажрибасини оммалаштириш.	Ҳар чоракда	
19.	**“Обод хонадон”, “Обод кўча”** ва **“Обод маҳалла”** кўрик-танловини ўтказиш.	1. Кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш низоми ва ташкилий қўмита таркибини тасдиқлаш. 2. Танловни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш. 3. Кўрик-танлов ғолибларини идоравий ва давлат мукофотларига тавсия этиш.	2026 йил июль Режа-график асосида	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
20.	Аҳоли учун қулай шароит яратиш, ҳудудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ҳамда коммунал хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш учун **маҳалла билан бошқарув сервис компаниясининг узвий ҳамкорлигини таъминлаш.**	1. “Рақамли маҳалла” платформасида “аҳоли муаммолари” модули билан “Менинг уйим” платформаси “аҳоли мурожаати” модулини интеграция қилиш. 2. Платформага келиб тушган мурожаатларни тизимли ҳал этиш ҳамда аҳоли билан ишлаш фаолияти қониқарсиз бўлган бошқарув сервис компанияларига нисбатан чора кўриш бўйича қўшма қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2026 йил июль 2026 йил август	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Адлия вазирлиги
21.	Маҳаллаларда **тозалик ва озодалик ойлиги** доирасида ҳашарларни юқори савияда ташкил этиш.	1. Ҳар бир маҳаллада амалга оширадиган “ойлик” манзилли режаларини ишлаб чиқиш ҳамда кўтаринки руҳда ўтказилишини ташкил этиш. 2. Ҳашарлар самарадорлигини ошириш учун маҳалла фаоллари ва кўча (уй) бошилардан иборат мониторинг гуруҳини ташкил қилиш.	Ҳар ойда	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
22.	Оилалар ўртасида никоҳ шартномасини тузишда рағбатлантириш амалиётини қонунчиликка киритиш бўйича таклиф ишлаб чиқиш.	1. Манфаатдор вазирлик ва идоралардан иборат ишчи гуруҳ тузиш. 2. Хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва амалиётда қўлланадиган самарали моделларни таҳлил қилиш.	2026 йил июль 2026 йил август	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Адлия вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		3. Қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил сентябрь	
23.	Маҳаллаларда одам савдоси, мажбурий меҳнат ва коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғибот тадбирларини ташкил этиш.	1. Маҳаллаларда тарғибот гуруҳлари фаолиятини йўлга қўйиш. 2. Тарғибот материалларини ишлаб чиқиш ва маҳаллаларга етказиш. 3. Тарғибот тадбирларини амалга ошириш.	2026 йил июль Йил давомида	Ички ишлар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари
24.	**Ўз хизмат биносига эга бўлмаган**, авария ҳолатидаги, шунингдек, реконструкция ва капитал таъмирга муҳтож маҳалла биноларида қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш.	1. Ўз хизмат биносига эга бўлмаган, авария ҳолатидаги, шунингдек, биноси реконструкция ва капитал таъмирга муҳтож маҳаллалар рўйхатларини шакллантириш. 2. Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан 1800 та маҳалла биноларини жорий таъмирлаш. 3. Авария ҳолатидаги, шунингдек, реконструкция ва капитал таъмирга муҳтож маҳалла биноларида қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш.	2026 йил июль 2026–2027 йилларда	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
25.	Маҳалла биноларини **қайта тикланувчи энергия манбалари** қурилмалари асосида модернизация қилиш.	1500 та маҳалла биноларига қуёш панелини ўрнатиш.	2026 йил давомида	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
				Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) ҳокимликлари
26.	Маҳаллалар моддий-техника базасини яхшилаш чораларини кўриш.	**2 078 та** маҳаллани компьютер, **2 005 та** маҳаллани принтер ҳамда **3 296 та** маҳаллани мебель жиҳозлари билан таъминлаш.	2026 йил давомида	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
27.	Маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш, шунингдек, тунги ёритиш чироқлари ва кузатув камераларини ўрнатиш.	1. Маҳалла ҳудудидаги кўчалар, жамоат жойларига ёритиш чироқларини ўрнатиш. 2. Маҳаллаларнинг кириш-чиқиш жойларига босқичма-босқич юзни ва транспорт воситаларини таниб олувчи камераларни ўрнатиш. 3. Кўп қаватли уйларнинг йўлакларидаги кириш эшикларида замонавий домофон воситаларини ўрнатиш.	2026 йил давомида	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
28.	Аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий онги, маънавияти ва дунёқарашини оширишга қаратилган маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш.	1. Маънавий-маърифий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Аҳоли ўртасида мутасадди ташкилотлар ва идораларни жалб қилган ҳолда учрашувлар, давра суҳбатлари ва маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш.	2026 йил июль Доимий	Республика Маънавият ва маърифат маркази, Адлия вазирлиги, Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
29.	Аҳоли ўртасида тўйлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш.	1. Зиёлилар ва маҳаллалардаги обрўли нуронийлар иштирокида тарғибот гуруҳларини шакллантириш. 2. Аҳоли ўртасида тўйлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимларни ихчам ва тартибли ўтказиш бўйича тарғибот тадбирларини ўтказиш.	Доимий	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, “Нуроний” жамғармаси, Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси,

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
				Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар
30.	Марказий шаҳарлардаги хонадонлар сони 1 000 тагача бўлган маҳаллалар фаолиятини ташкилий ва молиявий жиҳатдан такомиллаштириш.	1. Амалдаги маҳаллалар бошқарув тизимининг самарадорлигини ўрганиш. 2. Белгиланган талабларга жавоб бермайдиган маҳаллаларни бирлаштириш, уларни ихчамлаштириш бўйича таклифларни тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил ноябрь	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
31.	Маҳаллаларда бўш турган бино-иншоотлардан самарали фойдаланиш.	1. Маҳаллаларда бўш турган бино-иншоотлар рўйхатини шакллантириш. 2. Шакллантирилган бўш турган бино-иншоотларнинг рўйхатини фуқаролар эътиборига ҳавола этиш учун маҳалла биноларида қулай жойга илиб қўйиш. 3. Хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилган ҳолда аҳоли учун зарур бўлган хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва бошқа тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш.	2026 йил давомида	Давлат активларини бошқариш агентлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимликлари
32.	Маҳаллаларнинг чегараларини тасдиқлаш ҳамда чегаралар чизмасини ҳар бир маҳалла биноларига ўрнатиш.	1. Кадастр агентлиги томонидан тақдим этилган кадастр ҳужжатлари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашларида маҳаллаларнинг чегараларини тасдиқлаш. 2. Маҳаллалар чегаралари чизмасини ҳар бир маҳалла биноларига ўрнатиш.	2026 йил июль	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимликлари, Кадастр агентлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
33.	Маҳаллаларнинг номларини қонунчилик талабларига мувофиқ қайтадан кўриб чиқиш.	1. География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар билан барча (жумладан, бир хил номда юритиладиган, номлари талабга жавоб бермайдиган) маҳаллаларнинг номларини қонунчилик талабларига мувофиқ қайтадан кўриб чиқиш. 2. Маҳаллаларнинг номлари "Рақамли маҳалла" платформаси маҳалланинг ягона реестри модули орқали юритилишини амалга ошириш.	2026 йил июль Доимий	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимликлари, Кадастр агентлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
34.	Маҳаллаларнинг кадастр бўйича тўлиқ қайтадан бўлинишини ҳамда янги кадастр рақамларини шакллантириш учун "UzKAD" тизимига тузатишлар киритиш.	1. Маҳаллалар чегараларидаги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда маҳаллаларни кадастр бўйича тўлиқ қайтадан хатловдан ўтказиш. 2. Маҳаллаларнинг янги кадастр рақамларини шакллантириш учун "UzKAD" тизимига тузатишлар киритиш.	2026 йил июль 2026 йил август	Кадастр агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимликлари, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
35.	Маҳаллаларда нуронийлар томонидан амалга оширилаётган ишларни янада такомиллаштириш.	1. Маҳаллаларда "Бир нуроний ўн ёшга масъул" тамойилини қарор топтириш учун йўналтирилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш. 2. Маҳаллаларда катта ҳаётий тажрибага эга бўлган обрў-эътиборли уч нафар фаол нуронийнинг ҳар бирига бештадан камбағал оилаларни бириктириш орқали уларни камбағалликдан чиқаришга кўмаклашишини таъминлаш.	2026 йил июль 2026 йил август	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, "Нуроний" жамғармаси

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		3. Оилаларни камбағалликдан чиқариш ҳамда ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда нуронийларнинг билим ва бой ҳаётий тажрибасидан фойдаланган ҳолда муҳокамалар ўтказиб бориш.	Ҳар ойда	
36.	Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда кекса ёшдаги фуқаролар имкониятидан фойдаланиш.	1. Ҳар бир маҳаллада Нуронийлар ва ота-оналар кенгашини ташкил этиш. 2. Фаол нуронийлар ва “маҳалла еттилиги” аъзолари билан ҳамкорликда оилаларнинг ижтимоий-маънавий муҳити ва ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашда яқиндан ёрдам бериш тизимини йўлга қўйиш. 3. Фаол нуронийларни рағбатлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	2026 йил июль Доимий Ҳар ойда	“Нуроний жамғармаси, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимликлари
37.	Уюшманинг қисқа рақами орқали келиб тушаётган мурожаатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш.	1. Мурожаатларни қабул қилиш ва йўналтиришни рақамлаштириш учун “Рақамли маҳалла” платформасида колл-марказ модулини яратиш. 2. “Unicon soft” МЧЖ дастурий таъминоти билан “Рақамли маҳалла” модулини интеграция қилиш. 3. Мурожаатларни масъулларга онлайн йўналтириш ва ижросини мониторинг қилиш.	2026 йил июль 2026 йил август Доимий	Рақамли технологиялар вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
III. Маҳаллалар фаолиятини рақамлаштириш				
38.	Маҳалла фуқаролар йиғинлари кенгашларида қарорлар қабул қилиш ва овоз бериш жараёнларини рақамлаштириш.	1. “Рақамли маҳалла” платформасида маҳалла фуқаролар йиғинлари кенгашлари қарорларини қабул қилиш ва овоз бериш жараёнларини қамраб олган алоҳида модул ишлаб чиқиш.	2026 йил октябрь	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Рақамли технологиялар вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		2. Маҳалла фуқаролар йиғинлари кенгашлари қарорлари модулини тегишли вазирлик ва идоралар ахборот тизимларига интеграция қилиш.	2026 йил октябрь	
39.	**“Маҳалла еттилиги”** фаолиятига оид маълумотларни **“Рақамли маҳалла”** платформасида акс эттириш, аҳоли муаммоларини **хонадонбай** ўрганиш ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан уларнинг ҳал этилишини **онлайн назорат қилиш** тартибини жорий этиш.	1. Вазирлик ва идораларнинг электрон тизимларидаги платформа ва бошқа маълумотлардан “Рақамли маҳалла” платформасига тўлиқ интеграция қилиниши зарур бўлган маълумотлар рўйхатини шакллантириш. 2. Шакллантирилган рўйхат асосида маълумотларни босқичма-босқич интеграция қилиш ишларини амалга ошириш. 3. **“Маҳалла еттилиги”** аъзолари томонидан **ҳар бир хонадон кесимида** муаммоларни режа-графикка асосан ўрганиб бориш, аниқланган муаммолар **“Рақамли маҳалла”** электрон платформасига киритилишини таъминлаш. 4. Муаммоларни тегишлилиги бўйича **“Рақамли маҳалла”** электрон платформасида **сунъий интеллект орқали** тегишли вазирлик ва идораларга тақсимлаш имкониятини яратиш, улар ҳал қилинмагунга қадар ижро ҳолатини назоратга олиш механизмларини жорий этиш.	2026 йил июль 2026 йил сентябрь-ноябрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Солиқ қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
40.	Уюшма тизимидаги ходимлар ҳамда **“маҳалла еттилиги”** вакилларини доимий ўқитиш, ижтимоий-сиёсий билим ва кўникмалари, малакасини ошириш мақсадида “Рақамли маҳалла” платформасида масофавий ўқитиш тизимини йўлга қўйиш.	1. Мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда мутахассислик ҳамда шахсий ривожланиш онлайн курсларини (*маъруза ва видеоролик кўринишида*) ишлаб чиқиш ва платформага жойлаш. 2. Ҳар чорак якуни билан Уюшма тизимидаги ходимлар ҳамда **“маҳалла еттилиги”** вакилларининг малака оширишларини ташкил этиш ва ўқув натижаларига кўра ходимлар рейтингини юритиш.	2026 йил июль-август 2026 йил августдан бошлаб доимий	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Адлия вазирлиги, Бошқарув самарадорлиги агентлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси,

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
				Ёшлар ишлари агентлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Солиқ қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
41.	Уюшма тизимидаги ходимлар ҳамда маҳалла раисларини ўқитиш, малакасини ошириш ва хорижий давлатларда стажировка ўташларини ташкил этиш.	1. Ўқитиш ва малака ошириш дастурини ишлаб чиқиш. 2. Уюшма тизимидаги ходимлар ва маҳалла раисларини босқичма-босқич ўқитиш.	2026 йил июль Режа-график асосида	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Бошқарув самарадорлиги агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
42.	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ходимларни бошқаришга оид фаолиятини рақамлаштириш мақсадида **“HR Mahalla” тизимини жорий этиш.**	1. **“Рақамли маҳалла”** платформасида **“HR Mahalla”** модулини ишлаб чиқиш. 2. Тизимни ЯММТ ва “UzAsbo” тизими билан интеграция қилиш чораларини кўриш. 3. Тизимда ходимларнинг ягона базаси ҳамда захира кадрлар банкини яратиш.	2026 йил август 2026 йил октябрь 2026 йил ноябрь	Бошқарув самарадорлиги агентлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Солиқ қўмитаси

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
43.	“Маҳалла еттилиги” аъзоларини **шахсий-профессионал диагностикадан ўтказиш** амалиётини жорий этиш.	1. “Маҳалла еттилиги” аъзоларини шахсий-профессионал диагностикадан ўтказиш методикасини ишлаб чиқиш. 2. “Маҳалла еттилиги” аъзоларини диагностикадан ўтказиш натижаларини “Рақамли маҳалла” платформасига узатиб бориш тизимини йўлга қўйиш. 3.“Маҳалла еттилиги” аъзоларининг шахсий-профессионал диагностикаси натижаларига кўра маҳалладаги “маҳалла еттилиги” вакилларидан иборат **салоҳиятли кадрлар захирасини шакллантириш.**	2026 йил июнь Доимий Ҳар чоракда	Бошқарув самарадорлиги агентлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Солиқ қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
44.	Аҳолининг статистик кўрсаткичларини инсон омилисиз юритиш механизмини жорий этиш.	Аҳолига оид статистик кўрсаткичлар “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали реал вақт режимида олинишини таъминлаш.	2026 йил июль	Рақамли технологиялар вазирлиги, Статистика қўмитаси, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
45.	Маҳалла жамғармалари даромадлари ва харажатларини шакллантириш, “маҳалла еттилиги”нинг электрон давоматини (табель) “UzAsbo” электрон тизими билан интеграция қилиш.	1. Платформада шаклланадиган электрон давомат (табель) ҳужжати асосида “маҳалла еттилиги” аъзоларининг ойлик иш ҳақи ҳисобланишини таъминлаш чораларини кўриш. 2. Маҳалла жамғармаси даромадлари ва харажатларини ҳамда “маҳалла еттилиги” давоматини “UzAsbo” электрон тизимига интеграция қилиш.	2026 йил октябрь	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
46.	Аҳолини кибержиноятларнинг шакллари ва уларни содир этиш усуллари тўғрисида огоҳлантириш.	1. Аҳолини кибержиноятларнинг шакллари ва уларни содир этиш усуллари тўғрисида огоҳлантириш мақсадида тарғибот материалларини тайёрлаш. 2. Кибертаҳдидлардан ҳимояланиш ҳамда ахборот технологиялари соҳасида саводхонликни ошириш бўйича “маҳалла еттилиги” аъзоларининг билим ва кўникмаларини ошириб бориш. 3. Ёшларнинг виртуал зўравонлик, маълумотлар сохталаштирилиши (фейк контент) ва уларнинг ижтимоий таъсирига оид таҳдидлар тўғрисида хабардорлик даражасини ошириш.	2026 йил июль 2026 йил июль-август Доимий	Ички ишлар вазирлиги, Рақамли технологиялари вазирлиги, “Киберхавфсизлик маркази” ДМ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимликлари
47.	Маҳаллаларда “хорижга иш – маҳалладан” тамойили асосида чет элда ишлаш истагида бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш, хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини ташкил этиш чораларини кўриш.	1. Чет элда ишлаш истагида бўлган фуқаролар рўйхатини маҳаллалар кесимида шакллантириш. 2. Европа стандартлари асосида касб ва тилга ўргатиш ишларини ташкил қилиш. 3. Хорижда бўлиб турган фуқаролар билан яқин қариндошлари орқали боғланиш, қийин аҳволга тушиб қолган, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз ёки маблағсиз қолган фуқароларга ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш.	2026 йил июль Доимий Ҳар ойда	Миграция агентлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимликлари
48.	Меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар бандлигини таъминлаш.	1. “Маҳалла еттилиги” томонидан меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларни хатловдан ўтказиш, оилавий шароитини, турмуш даражасини ўрганиш. 2. Меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларнинг касбий малакасини ошириш ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш орқали бандлигини таъминлаш.	2026 йил июнь Доимий	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар,

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		3. Маҳаллаларда давра суҳбатлари, учрашувлар ва бошқа тарғибот тадбирлари ўтказиш орқали улар онгига фаол, соғлом турмуш тарзини сингдириш бўйича профилактик тадбирлар ташкил этиш.	Ҳар ойда	Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимликлари
IV. Маҳалла тизимини ривожлантиришда халқаро ҳамкорликни кучайтириш				
49.	Маҳалла тизимини модел сифатида кенг тарғиб қилиш мақсадида “Маҳалла элчиси” жамоатчилик лавозимини жорий этиш.	1. Хорижда фаолият юритаётган ватандошлар, ўзбек диаспораси етакчилари орасида “Маҳалла элчиси” жамоатчилик лавозимини жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Хорижда фаолият юритаётган ватандошлар, ўзбек диаспораси етакчилари тажрибасини АҚШ, Германия, Корея Республикасида ўтказиш.	2026 йил июль 2026 йил сентябрь	“Ватандошлар” жамоат фонди, Ташқи ишлар вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
50.	“Маҳалла” атамасини ЮНЕСКОнинг номоддий бойликлар рўйхатига киритиш чораларини кўриш.	1. “Маҳалла” атамасини ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритиш бўйича ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Туркия Республикаси билан ҳамкорликда “Маҳалла” истилоҳини ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритиш бўйича музокаралар ўтказиш.	2026 йил август 2026 йил сентябрь	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, Ташқи ишлар вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 24 июндаги ПФ–116-сон Фармонига
3-илова

Маҳалла фаолиятини ривожлантириш бўйича республика комиссияси ТАРКИБИ

1.	К. Куранбаев	–	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси, *Комиссия раиси*
2.	Р. Джураев	–	ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, *Комиссия раиси ўринбосари*
3.	С. Турдиев	–	“Нуроний” жамғармаси республика бошқаруви раиси, *Комиссия раиси ўринбосари*
4.	Ф. Қосимов	–	Вазирлар Маҳкамаси департамент раҳбари
5.	О. Фазилкаримов	–	иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари
6.	М. Аллакулиев	–	адлия вазири ўринбосари
7.	Н. Фазилов	–	Марказий банк раиси ўринбосари
8.	С. Бобоқулов	–	камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ўринбосари
9.	С. Абдуллаев	–	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори ўринбосари
10.	Ж. Абдиев	–	Солиқ қўмитаси раиси ўринбосари
11.	У. Абдуллаева	–	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
12.	Ф. Аблаяров	–	Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари
13.	Н. Хусанов	–	Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари
14.	М. Якубов	–	“Ҳудудгазтаъминот” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари
15.	Б. Исломов	–	“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари
16.	Т. Хайдаров	–	“Ўзсувтаъминот” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари
17.	К. Собиров	–	Ўзбекистон фермерлари кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

18. О. Ҳасанов – Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари

19. *Лавозими бўйича* – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари

Изоҳ: *Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 24 июндаги ПФ–116-сон Фармонига
4-илова

“Рақамли маҳалла” платформаси билан тегишли ахборот тизимлари ўзаро интеграция қилинадиган вазирлик ва идораларнинг РЎЙХАТИ

Т/р	Вазирлик ва идоралар
1.	Олий суд
2.	Марказий банк
3.	Адлия вазирлиги
4.	Ички ишлар вазирлиги
5.	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
6.	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги
7.	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
8.	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
9.	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
10.	Маданият вазирлиги
11.	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
12.	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
13.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
14.	Спорт вазирлиги
15.	Сув хўжалиги вазирлиги
16.	Транспорт вазирлиги
17.	Рақамли технологиялар вазирлиги
18.	Божхона қўмитаси
19.	Солиқ қўмитаси
20.	Туризм қўмитаси
21.	Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси
22.	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси
23.	Миллий статистика қўмитаси
24.	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
25.	Кадастр агентлиги
26.	Миграция агентлиги

Т/р	Вазирлик ва идоралар
27.	Ёшлар ишлари агентлиги
28.	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
29.	Мажбурий ижро бюроси
30.	“Эл-юрт умиди” жамғармаси
31.	Пенсия жамғармаси
32.	Республика Маънавият ва маърифат маркази
33.	“Ўзсувтаъминот” АЖ
34.	“Ҳудудгазтаъминот” АЖ
35.	“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 24 июндаги ПФ–116-сон Фармонига
5-илова

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ҳар йили Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг Маҳаллалар фаолиятини рағбатлантириш жамғармасига ажратиладиган 200 миллиард сўм миқдоридаги маблағларнинг сарфланиш ЙЎНАЛИШЛАРИ

1. Ижтимоий реестрга киритилган оилалар аъзоларининг ишлаш иштиёқини ва ташаббускорлигини оширишга қаратилган “**Фаровон ҳаётга илк қадам**”, “**Ишонч**” лойиҳалари ва “**Маърифат орқали камбағалликни қисқартириш**” дастурини амалга ошириш.

2. Тўйлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимлар ўтказилишини тартибга солишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш.

3. Тазйиқ ва зўравонлик ҳамда гиёҳвандликнинг олдини олиш, экологик маданиятни тарғиб қилишга қаратилган тадбирларни ташкил қилиш.

4. Соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш доирасида болалар ва спорт майдончаларини ташкил этиш.

5. Ўз хизмат биносига эга бўлмаган маҳаллаларга хизмат биноларини қуриш ва жиҳозлаш.

6. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси тизимидаги ходимларни ўқитиш, хорижий давлатларда стажировка ўташ ва хизмат сафарлари ҳамда бошқа тадбирларда иштирок этиш харажатларини қоплаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 24 июндаги ПФ–116-сон Фармонига
6-илова

Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси маблағларининг сарфланиши бўйича ҚЎШИМЧА ЙЎНАЛИШЛАР

1. Маҳаллалар томонидан миллий қадриятларни тарғиб қилиш, шунингдек, ҳар бир маҳаллада соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштиришга қаратилган тарғибот тадбирларини ўтказиш.

2. Маҳалла ҳудудидаги ички йўлларни шағаллаштириш ва у билан боғлиқ харажатларни (ёқилғи-мойлаш материаллари) қоплаш.

3. Пиёдалар йўлакчаларини барпо этиш ва таъмирлаш.

4. Тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш.

5. Маҳалла фуқаролар йиғини биносини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш.

6. Маҳалла ҳудудида маҳалла боғларини ташкил қилиш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида мева ва манзарали дарахт кўчатлари, буталар ва гул кўчатлари харид қилиш, экиш ва парваришлаш.

7. Маҳалла ҳудудини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ҳамда оммавий ҳашарлар ўтказиш учун зарур бўлган товар (иш, хизмат)лар харид қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 24 июндаги ПФ–116-сон Фармонига
7-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–81-сон Фармонининг 17-банди тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“маҳаллада фаолият юритувчи ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика ва солиқ инспекторлари, ижтимоий ходимни рағбатлантириш ёки уларга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жазо чораларини қўллаш бўйича мазкур ходимларнинг иш берувчиларига кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш”.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–209-сон Фармонида:

(а) 3-бандниng учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Уюшма раиси мақоми, тиббий, транспорт ва маиший таъминоти шароитлари бўйича Бош вазир ўринбосарига, Уюшма раисининг ўринбосарлари вазир ўринбосарига тенглаштирилади”;

(б) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Маҳалланинг жамият ҳаётидаги ўрнини ошириш ҳамда соҳада бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори жамоатчилик асосида фаолият юритадиган “маҳалла еттилиги”ни ташкил қилади”;

(в) 7-бандниng “а” кичик бандида:

(i) иккинчи хатбошидаги “10” рақами “15” рақами билан алмаштирилсин;

(ii) қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“маҳалла ҳудудида санитария қоидаларини бузганлик ва ноқонуний қурилиш учун ундирилган жарималарнинг 10 фоизи”;

(iii) тўртинчи–олтинчи хатбошилар тегишинча бешинчи–еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

(iv) бешинчи хатбошидаги “2 000” рақами “5 000” рақами билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–4602-сон қарорида:

(а) 9-бандниг биринчи хатбошисидаги “Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 10-бандда:

(i) учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“комплекслар биноларини қуриш учун зарур ер участкалари туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан тегишли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги аҳоли билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (кейинги ўринларда – Уюшма) маъқуллагандан сўнг танлаб олинади ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда ажратилади”;

(ii) бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“инвесторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, комплекслар биноларига инвесторнинг ўзига тегишли туташ объектларда (хоналарда) амалга оширилиши мумкин бўлган фаолият турлари ва йўналишлари, шунингдек, давлат-хусусий шерикликнинг бошқа шартлари Уюшма томонидан ишлаб чиқиладиган намунавий шакллар бўйича инвестор, давлат шериги ҳамда тегишли маҳалла фуқаролар йиғини ўртасида тузиладиган уч томонлама келишувда акс эттирилади. Комплексларни қуриш учун берилган ер майдонларида кўп қаватли уй-жойлар қуриш тақиқланади”;

(в) 11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“11. Уюшманинг туман (шаҳар) бўлимларига комплекслардаги фойдаланилмаётган хоналарни “E-auksion” электрон савдо

платформасида электрон онлайн аукцион орқали ижарага беришдан тушаётган маблағларни Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасига ўтказган ҳолда маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш ва ривожлантиришга йўналтириш учун сарфлаш ҳуқуқи берилсин".

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги "Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–402-сон қарорида:

(а) 2-бандниng учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Республика кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман (шаҳар) маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашлари жамоатчилик асосида фаолият юритади, ишчи органи тегишлича Уюшма ва унинг ҳудудий бўлимлари ҳисобланади";

(б) 1-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг

ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ

";

(в) 2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**Республика маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгаши**
ТАРКИБИ

1.	А.Н. Арипов	– Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, *Республика кенгаши раиси*
2.	Ғ.Ғ. Мирзаев	– Ўзбекистон Республикаси Президентининг кадрлар бўйича маслаҳатчиси, *Республика кенгаши раисининг биринчи ўринбосари*
3.	К.К. Куранбаев	– Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси, *Республика кенгаши раиси ўринбосари*
4.	М.П. Оллоёров	– Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий ҳимоя бўйича маслаҳатчиси – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори
5.	З.Б. Махкамова	– Бош вазир ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси
6.	А.А. Ташпулатов	– ички ишлар вазири
7.	Б.Э. Захидов	– камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири
8.	А.З. Саъдуллаев	– Ёшлар ишлари агентлиги директори
9.	Ф.Ж. Пулатов	– Солиқ қўмитаси раиси
10.	О.А. Мирзаев	– Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши раисининг биринчи ўринбосари
11.	Д.Х. Аллаев	– Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси ўринбосари, *Республика кенгаши масъул котиби*

Изоҳ: Республика кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади”;

(г) 3-иловада:

(i) 8-бандда:

иккинчи хатбошидаги “10” рақами “15” рақами билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“маҳалла ҳудудида санитария қоидаларини бузганлик ва ноқонуний қурилиш учун ундирилган жарималарнинг 10 фоизи”;

тўртинчи–ўнинчи хатбошилар тегишлича бешинчи–ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

олтинчи хатбошидаги “2 000” рақами “5 000” рақами билан алмаштирилсин;

(ii) 11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“11. Жамғарма маблағлари қуйидаги йўналишларга сарфланади:

маҳалла ҳудудидаги ички йўллар, ёритиш тизими, электр энергияси ҳамда табиий газ тармоқлари, ичимлик ва оқава сув тизимини таъмирлаш ва тиклаш;

маҳалла ҳудудидаги ички йўлларни шағаллаштириш, таъмирлаш ва тиклаш билан боғлиқ харажатлар (ёқилғи-мойлаш материаллари);

пиёдалар йўлакчаларини барпо этиш ва таъмирлаш;

тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш;

маҳалла фуқаролар йиғини биносини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш;

маҳалла ҳудудида спорт майдони, нуронийлар чойхонаси, ёшлар маркази, болалар майдончаси, кутубхона, маданият марказини қуриш, мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда уларни тегишлича инвентарь, мебель, компьютер техникаси ва бошқа ускуналар билан жиҳозлаш;

маҳаллалар томонидан миллий қадриятларни тарғиб қилиш, шунингдек, ҳар бир маҳаллада соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштиришга қаратилган тарғибот тадбирларини ўтказиш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож ва Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга моддий кўмаклашиш ҳамда уларнинг турар жойларини таъмирлаш ва жиҳозлаш;

маҳалла ҳудудида маҳалла боғларини ташкил қилиш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида мева ва манзарали дарахт кўчатлари, буталар ва гул кўчатлари харид қилиш, экиш ва парваришлаш;

маҳалла ҳудудини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ҳамда оммавий ҳашарлар ўтказиш учун зарур бўлган товар (иш, хизмат)лар харид қилиш;

зарур ҳолларда маҳаллалар фаолиятини жорий таъминлаш (коммунал тўловлар, канцелярия моллари, рақамлаштириш харажатлари ва бошқалар);

Республика маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашининг қарорига асосан Жамғарма маблағларининг 10 фоизини Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг Маҳаллалар фаолиятини рағбатлантириш жамғармасига ўтказиш”.

Изоҳ: Ушбу илованинг:

2-банди “в” кичик бандининг учинчи хатбошиси ҳамда 4-банди “г” кичик бандининг тўртинчи хатбошиси 2026 йил 1 июлдан;

2-банди “в” кичик бандининг иккинчи хатбошиси ҳамда 4-банди “г” кичик бандининг учинчи хатбошиси 2027 йил 1 январдан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 24 июндаги ПФ–116-сон Фармонига
8-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–209-сон Фармонига 1–4-иловалар.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–402-сон қарорининг 9-банди.

QMMB: 06/26/119/0624-son
25.06.2026-y.

25 (1253)-сон
612-модда

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
FARMONI

2026 yil « 25 » июнь ПФ–119 -son

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ҳудудларда алоҳида танлаб олинган туманлар ва маҳаллалар инфратузилмасини жадал ривожлантириш орқали тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида **қарор қиламан:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига **иловага мувофиқ** қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.
2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 25 июндаги ПФ–119-сон Фармонига
илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги “Республика ҳудудларида тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–54-сон Фармонининг **3-бандида:**

(а) қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ танлаб олинган оғир тоифадаги туманларни комплекс ривожлантириш дастурларига ҳамда “оғир” маҳаллаларнинг “ислоҳот дастури”га киритилган ижтимоий ва тадбиркорлик инфратузилмаси лойиҳаларини амалга ошириш”;

(б) бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 февралдаги “2026 йилда ҳудудларни янгича ёндашувлар асосида ривожлантириш орқали аҳоли даромадини ошириш, барқарор иш ўринларини яратиш ҳамда камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–49-сон қарорида:

(а) 4-банддаги “903” рақами “915” рақами билан алмаштирилсин;

(б) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**7.** Белгилансинки:

(а) ҳар бир “оғир” маҳалланинг “ислоҳот дастури”ни молиялаштириш мақсадида тегишли маҳаллий бюджетдан

QMMB: 06/26/119/0624-son
25.06.2026-y.

ажратилган ҳар **1 млрд сўм** учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан **2 млрд сўм** маблағ ажратилади.

Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимларига “ислоҳот дастури”ни молиялаштириш учун маҳаллий бюджет маблағлари билан бир қаторда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги **Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармалари** маблағларидан фойдаланишга рухсат берилади;

(б) “ислоҳот дастури”ни амалга ошириш доирасида туман (шаҳар) ҳокимлиги, маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимлари ўртасида камбағалликни қисқартиришга қаратилган **ижтимоий шартнома** тузилади.

Бунда халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашлари томонидан ижтимоий шартномалар ижроси устидан жамоатчилик назорати амалга оширилади”;

(в) қуйидаги мазмундаги 15^1-банд билан тўлдирилсин:

“15^1. Туман (шаҳар) ҳокимларининг рақамли технологиялар ва сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш бўйича маслаҳатчиси зиммасига маҳаллаларда амалга оширилаётган тадбиркорлик лойиҳалари доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (хизматлар, ишлар) тўғрисидаги маълумотларни **электрон савдо платформаларига жойлаштириш** орқали уларнинг реализациясига кўмак бериш бўйича қўшимча вазифа юклансин”;

(г) 18-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимларига Дастурларни молиялаштириш учун маҳаллий бюджет маблағлари билан бир қаторда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармалари маблағларидан фойдаланишга рухсат берилади”;

(д) 20-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“20. Белгилансинки, 2026 йил 1 мартдан бошлаб оғир тоифадаги туманларда, 2026 йил 1 июлдан бошлаб “оғир” маҳаллаларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар йиллик 12 фоиз ставкада ажратиб борилади”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги 485-сон қарори билан тасдиқланган Кўчма савдони амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 49-банди иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“электр энергияси ва газ таъминоти билан автоном қурилмалар орқали ёки тадбиркорлик субъектининг эгаллаган майдони ва фаолият туридан келиб чиқиб, алоҳида шартнома асосида қўшни объект орқали белгиланган тартибда электр энергияси тармоғига уланиш ҳисобига таъминланади”.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 июндаги 290-сон қарори билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларининг тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-банди қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ танлаб олинган оғир тоифадаги туманларни комплекс ривожлантириш дастурларига ҳамда “оғир” маҳаллаларнинг “ислоҳот дастури”га

киритилган ижтимоий ва тадбиркорлик инфратузилмаси лойиҳаларини амалга оширишни молиялаштириш”.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 8 апрелдаги 151-сон қарори билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармалари маблағларини шакллантириш манбалари ва сарфлаш йўналишлари қуйидаги мазмундаги 25-банд билан тўлдирилсин:

“25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ танлаб олинган оғир тоифадаги туманларни комплекс ривожлантириш дастурларига ҳамда “оғир” маҳаллаларнинг “ислоҳот дастури”га киритилган ижтимоий ва тадбиркорлик инфратузилмаси лойиҳаларини амалга ошириш”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

QMMB: 07/26/238/0623-son
25.06.2026-y.

25 (1253)-сон
613-модда

Кўчирма

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 yil « 24 » июнь № ПҚ–238

Саратон касалликларининг олдини олиш, эрта аниқлаш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида

Республикада саратон касалликларини эрта аниқлаш, ташхислаш ва даволаш тизимини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, аҳолига кўрсатиладиган онкологик тиббий хизматлар сифати ва самарадорлигини ошириш, соҳа мутахассисларининг билим ва кўникмаларини ривожлантириш ҳамда тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар саратон касалликларига қарши курашишнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) аҳолини энг кўп учрайдиган (бачадон бўйни, кўкрак бези, йўғон ичак, ошқозон, простата бези ва ўпка) саратон касалликлари бўйича мақсадли тиббий текширувлар билан қамраб олиш кўрсаткичини **камида 60 фоизга** етказиш;

(б) аҳоли ўртасида энг кўп учрайдиган саратон касалликларини **биринчи-иккинчи босқичларда** аниқлаш даражасини **30 фоиздан 40 фоизгача** ошириш;

(в) аҳоли ўртасида энг кўп учрайдиган саратон касалликларини **учинчи-тўртинчи босқичларда** аниқлаш даражасини **65 фоиздан 55 фоизга** камайтириш;

(г) энг кўп учрайдиган саратон касалликларига чалинган беморлар орасида 5 йиллик умр кўриш давомийлиги кўрсаткичини **35 фоиздан камида 45 фоизга** ошириш;

(д) ҳар 100 минг нафар аҳоли ўртасида энг кўп учрайдиган саратон касалликлари туфайли ўлимларни **5,1** кўрсаткичдан **3,7 га** қисқартириш;

(ж) саратон касалликларига чалинган барча беморларни замонавий технологиялар ёрдамида ташхислаш ва даволаш билан **тўлиқ қамраб олиш**.

II. Саратонга қарши курашиш миллий дастури

2. 2027 йил 1 январдан бошлаб Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва халқаро экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган Саратонга қарши курашиш миллий дастури (кейинги ўринларда – Дастур) асосида аҳоли ўртасида ошқозон, йўғон ичак (колоректал), ўпка ва простата бези саратони касалликларини эрта аниқлаш ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари 1-иловага мувофиқ ҳудудларда босқичма-босқич амалга оширилсин.

3. Қуйидагилар Дастурнинг **устувор вазифалари** этиб белгилансин:

(а) аҳолининг саратон касалликлари хавф омиллари, дастлабки белгилари ва олдини олиш усуллари тўғрисидаги хабардорлигини ошириш;

(б) саратон касалликларининг олдини олиш, эрта аниқлаш, ташхислаш ва даволаш тизимини қуйидагилар орқали такомиллаштириш:

(i) бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тиббиёт ходимларининг онкологик ҳушёрлигини ошириш, саратон касалликларининг дастлабки белгиларини аниқлаш ва беморларни йўналтириш бўйича малакасини мустаҳкамлаш;

(ii) халқаро тавсияларга мувофиқ клиник қўлланмаларни қабул қилиш, онкология йўналишида мультидисциплинар жамоавий ёндашув (“Multidisciplinary Tumor Board”) тамойилини жорий этиш;

(iii) аҳоли ўртасида энг кўп учрайдиган саратон касалликлари бўйича эрта ташхислаш дастурларини ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич жорий этиш, шунингдек, тезкор ташхислаш йўналишларини ("Rapid Diagnostic Pathway") татбиқ этиш;

(в) қуйидагилар ҳисобига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва ўлим ҳолатларини камайтириш:

(i) нур терапияси хизматини модернизация қилиш, жумладан, кобальт қурилмаларини замонавий чизиқли тезлаткичларга босқичма-босқич алмаштириш ва юқори дозали брахитерапия имкониятларини кенгайтириш;

(ii) Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда – Марказ) ва унинг ҳудудий филиаллари диагностик инфратузилмасини мустаҳкамлаш, жумладан, патоморфология лабораторияларини модернизация қилиш ва ҳудудлараро молекуляр-генетик диагностика марказларини ташкил этиш;

(iii) Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларига мувофиқ ўсмага қарши дори воситаларини **уч гуруҳли таснифлаш тизимини** жорий этиш ҳамда биринчи гуруҳ (зарурий) дори воситалари билан узлуксиз таъминлашни давлат томонидан кафолатлаш;

(iv) онкология соҳасида тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш, ўқув жараёнида симуляцион технологияларни кенгайтириш ҳамда илмий фаолиятни такомиллаштириш.

4. Белгилансинки, аҳоли ўртасида энг кўп учрайдиган саратон касалликларини эрта аниқлашнинг янги дастурлари доирасида:

(а) халқаро клиник қўлланмалар, стандарт операцион муолажалар, беморлар маршрутлари ҳамда саволномалар ўтказиш амалиётга жорий этилади;

(б) бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ҳамда ҳудудлардаги марказий лабораториялар ошқозон, колоректал ҳамда простата бези саратонини эрта аниқлаш учун тест тўпламлари, реактив, реагентлар ва сарфлов материаллари билан таъминланади.

III. Онкология хизматини ташкил этиш ва бошқариш

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2027 йил 1 январдан бошлаб** беморлар сони, бир беморга талаб этиладиган кунлик миқдор, даволаш курсининг давомийлиги, мавжуд захира ҳамда демографик ҳолатни инобатга олган ҳолда саратонолди ва саратон касалликларига чалинган беморларни ташхислаш ва даволаш учун зарур бўлган дори ва сарфлов воситалари, реактив ва реагентлар ҳамда тиббий жиҳозлар БМТнинг тараққиёт дастури билан ҳамкорликда харид қилинади ҳамда ҳудудларга етказиб берилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 ноябрдаги ПҚ–402-сон қарори билан тасдиқланган 2025–2030 йилларда бачадон бўйни ва кўкрак бези саратонини назорат қилиш дастури доирасида реактив ва реагентларни бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда харид қилиниши мумкин.

6. Ушбу қарор билан белгиланган мақсад ва устувор вазифаларга эришиш учун қуйидагилар:

(а) Саратонга қарши курашиш **миллий дастури** 2-иловага мувофиқ;

(б) Саратонга қарши курашиш миллий дастурини амалга ошириш юзасидан комплекс **чора-тадбирлар режаси** 3-иловага мувофиқ;

(в) Саратонга қарши курашиш миллий дастурини амалга оширишнинг **мақсадли кўрсаткичлари** 4-иловага мувофиқ;

(г) Саратонга қарши курашиш миллий дастурини амалга ошириш учун республика онкология муассасаларини зарур тиббий **жиҳозлар билан таъминлашнинг манзилли тақсимоти** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Белгилаб қўйилсинки, **2027 йил 1 январдан бошлаб** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари доирасида саратон касалликларига чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатишда қуйидаги хизматлар харажатлари Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан қопланади:

(а) саратон касалликларини эрта аниқлаш ва уларнинг олдини олишда ўтказиладиган лаборатор ва инструментал диагностик текширувлар;

(б) саратон касалликларини ташхислаш ва уларнинг босқичини аниқлаш. Бунда молекуляр-генетик ташхис усулларининг рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади, уларни қоплаш қийматини белгилаш ва тўловларни амалга ошириш тартиби Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилади;

(в) жарроҳлик амалиётлари;

(г) медикаментоз (биринчи гуруҳдаги (базавий) ўсмага қарши, гормонал ҳамда қўллаб-қувватловчи терапияда қўлланадиган дори воситалари) ва нур терапияси;

(д) паллиатив ёрдам;

(ж) реабилитация ва диспансер кузатуви бўйича хизматлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 ноябрдаги ПҚ–402-сон қарорига асосан ташкил этилган Саратон касаллиги назорати соҳасидаги лойиҳаларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг (кейинги ўринларда – Кенгаш) қўшимча вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) саратон касалликларини назорат қилишга қаратилган лойиҳаларни (кейинги ўринларда – лойиҳалар) мувофиқлаштириш;

(б) онкология соҳасининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш, соҳани ривожлантириш йўналишлари ва энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини (KPI) белгилаш ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш бўйича “йўл хариталари”ни тасдиқлаш;

(в) лойиҳалар иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларни барча босқичларда қўллаб-қувватлаш ишларини ташкил этиш;

(г) лойиҳаларни молиялаштириш, инфратузилма ва тартибга солиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, тизимли масалалар юзасидан қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

(д) онкология соҳасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини таҳлил қилиш мақсадида чораклик йиғилишлар ўтказиб бориш;

(ж) Дастурнинг амалга оширилиши ва мақсадли кўрсаткичларга эришилиши юзасидан ҳар йили таҳлилий ҳисоботларни жамоатчиликка эълон қилиб бориш;

(з) Кенгаш томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ Марказда фойдаланиш учун:

(i) Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган хорижда тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат берилган, шу жумладан, мувофиқлик декларациясига эга бўлган энг янги онкологик, гематологик, иммунологик, оғриқ қолдирувчи дори воситалари, ҳамроҳ ва қўллаб-қувватловчи терапия препаратлари, тиббий жиҳозларни (кейинги ўринларда — фармацевтика маҳсулотларини) тан олиш тартибида давлат рўйхатидан ўтказиш;

(ii) фармацевтика маҳсулотларини айрим кўрсаткичлари бўйича сифат назорати ҳамда идентификация орқали ўрнатилган тартибда сертификатлаш шарти билан республикага олиб кириш.

9. Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Ноинфекцион касалликларга қарши курашиш жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин.

10. Белгилансинки, Жамғарма маблағлари:

(а) 2027 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги манбалар ҳисобидан **шакллантирилади**:

(i) таркибида шакар ёки бошқа ширинлаштирувчи ёки хушбўйлаштирувчи моддалар мавжуд бўлган газланган ва газланмаган ичимликлар, таркибида картошка ёки унинг таъмини берувчи қўшимчалар бўлган маҳсулотлар (чипслар),

тамаки, алкоголь ва пиво маҳсулотлари ҳамда энергетик ва тетиклаштирувчи ичимликларга белгиланган акциз солиғидан тушумларнинг **50 фоизи**;

(ii) халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг грантлари, ихтиёрий ёрдам ҳамда техник кўмак маблағлари;

(iii) жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

(iv) Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини тижорат банкларининг депозитларига ва бошқа молиявий воситаларга жойлаштиришдан тушган даромадларнинг **50 фоизи**;

(v) қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

(б) қуйидаги мақсадлар учун **сарфланади**:

(i) саратон ва орфан касалликларига чалинган беморларни ўз вақтида ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилиш, уларга республикада ҳамда хорижий давлатларда тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий ва молиявий ёрдам бериш, уларни даволашда зарур дори воситалари ва тиббий жиҳозлар билан бепул таъминлаш;

(ii) тиббиёт муассасаларини дори ва сарфлов воситалари, реактив ва реагентлар ҳамда тиббий жиҳозлар билан таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

(iii) саратон ва орфан касалликларини даволаш билан шуғулланувчи тиббиёт муассасаларининг ташкилий, илмий, таълим ва даволаш фаолиятига етакчи хорижий тиббиёт ва илмий-тадқиқот муассасаларидан экспертларни жалб қилиш;

(iv) саратон ва орфан касалликларига чалинган беморларга ўз вақтида ҳамда сифатли ёрдам кўрсатишга қаратилган бошқа чора-тадбирларни молиялаштириш;

(в) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очилган махсус шахсий ғазна ҳисобварағида жамланади;

(г) Кенгаш қарори асосида сарфланади.

11. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда эҳтиёжга кўра Жамғармага қўшимча манбаларни шакллантириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб борсин.

IV. Тиббиёт ходимларининг билим ва кўникмаларини ошириш

12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

(а) тиббий таълим муассасалари билан биргаликда оила саломатлиги бўйича махсус ўқув дастури доирасида тиббиёт бригадалари ходимлари аҳоли ўртасида энг кўп учрайдиган саратон касалликларини эрта босқичларда аниқлаш юзасидан мақсадли тиббий текширувлардан ўтказиш бўйича малака оширишларини;

(б) "Ўзбекистонда саратон касалликларини эрта аниқлаш миллий дастури" (National Early Detection Program for Cancer in Uzbekistan) грант лойиҳаси доирасида Гарвард университети афилланган клиникалари (Harvard University Affiliated Hospitals Dana Farber Cancer Institute) экспертларини жалб қилган ҳолда:

(i) туман (шаҳар) марказий шифохоналари шифокор-эндоскопистлари гастроскопия ва колоноскопияни ўтказиш бўйича;

(ii) соҳа мутахассислари кўкрак бези, бачадон бўйни, ошқозон ва простата бези саратони касалликларини эрта босқичларда аниқлаш бўйича ўқитилишини таъминласин.

13. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 майдаги "2025–2030 йилларда болалар саратонига қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–186-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган Болалар саратони бўйича халқаро академик хаб Дастур доирасида онкология соҳасида илм-фанни ривожлантиришнинг илмий базаси сифатида фаолият юритади.

V. Рақамлаштириш

14. Рақамли технологиялар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

(а) уч ой муддатда аҳоли ўртасида саратон касалликларини эрта аниқлаш ҳамда саратон касалликларига чалинган беморларни ташхислаш, даволаш, диспансер кузатувига олиш ҳамда йўналтириш жараёнларини ўз ичига олган беморлар рақамли маршрутини жорий қилиш бўйича техник топшириқ ишлаб чиқиб, тасдиқласин;

(б) 2026 йил якунига қадар "Cancer-регистр" ахборот тизимини саратон касалликларини ҳисобга олиш бўйича халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштирсин, шунингдек, сунъий интеллект технологиялари асосида қарор қабул қилишни қўллаб-қувватловчи замонавий рақамли воситаларни жорий этсин;

(в) 2027 йил якунига қадар “Электрон соғлиқни сақлаш” ахборот тизимида саратон касалликларига чалинган беморларни рўйхатга олиш, ташхислаш, даволаш, диспансер кузатуви ҳамда йўналтириш жараёнларини қамраб олган беморларнинг рақамлаштирилган маршрутини алоҳида модул сифатида ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин.

VI. Қарорда белгиланган тадбирларни молиялаштириш

15. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Дастурда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун Жамғармага **2027 йилда** қўшимча **1,7 триллион сўм** маблағ ажратилишини таъминласин. Бунда Дастурда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар **2028 йилдан бошлаб** ҳар йили Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади ва нархлар ўзгаришига қараб индексация қилиб борилади.

16. Белгилаб қўйилсинки, Дастур доирасида саратон касалликларини эрта босқичларда аниқлаш ва уларнинг олдини олиш юзасидан ишлаб чиқилган ўқув дастурлари асосида тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш билан боғлиқ харажатлар, шу жумладан, хорижий экспертларни жалб қилиш харажатлари Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси ҳамда Давлат бюджетидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

VII. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

17. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

(а) икки ой муддатда:

(i) Дастурни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари асосида халқаро стандартларга мувофиқ шаклда тасдиқласин ҳамда вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирсин;

(ii) ўсмага қарши дори воситалари таъминоти ва логистикасини мувофиқлаштириш бўйича техник гуруҳни ташкил этсин;

(б) уч ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи саратонни эрта аниқлаш бўйича аҳолини тиббий кўриклардан ўтишга жалб қилиш чора-тадбирлари дастурини тасдиқласин:

(i) оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда саратон касалликларининг хавф омиллари, эрта аломатлари ва тиббий кўрикларнинг аҳамияти тўғрисида тарғибот ишларини тизимли ташкил этиш;

(ii) мақсадли ёш гуруҳларига кирувчи фуқароларни тиббий кўрикларга чақириш (СМС хабарномалар, мобил илова, сунъий интеллект воситалари ва бошқалар);

(iii) тиббиёт бригадалари ходимлари ва маҳалла фаолларини жалб қилган ҳолда аҳоли, айниқса, олис ва чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи фуқаролар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш;

(iv) ҳар йили **4 февраль – Бутунжаҳон саратонга қарши курашиш куни** муносабати билан саратон касалликларининг олдини олиш ва эрта босқичларда аниқлаш бўйича аҳолининг саводхонлигини оширишга қаратилган оммавий тадбирлар ўтказиш;

(в) 2026 йил якунига қадар:

(i) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда саратон касалликларига чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатишда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмларини тасдиқласин;

(ii) таргет ва иммунотерапия, шунингдек, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қайта малакаланган биосимилярлар клиник қўлланмаларга босқичма-босқич киритилишини таъминласин;

(iii) Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларига мувофиқ уч босқичли устуворлик таснифи асосида ўсмага қарши дори воситалари рўйхатини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

(iv) халқаро стандартлар асосида онкология соҳасида стандартлаштириш ҳужжатлари, шу жумладан, саратон касалликларига чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби, клиник қўлланмалар, беморларнинг клиник маршрутлари ҳамда стандарт операцион муолажаларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

(г) 2027 йил якунига қадар дори ва сарфлов воситаларининг захирасини рақамли прогноз қилиш ва бошқаришни, ҳудудлар кесимида энг мақбул тарзда тақсимот қилишни ҳамда ўсмага қарши дори воситалари кўп йиллик шартномалар асосида харид қилинишини йўлга қўйсин;

(д) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда Дастурни амалга ошириш натижалари, шунингдек, халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажриба асосида саратон касалликларига чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатишда Давлат бюджетидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари камида **ҳар уч йилда бир маротаба** қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

18. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **икки ой муддатда** мазкур қарорнинг 10-банди “а” кичик бандининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган тушумларни Жамғармага автоматик равишда ўтказиш имкониятини яратсин.

19. Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги Дастур амалга оширилиши бўйича мониторинг олиб борсин ҳамда унинг самарадорлиги юзасидан Кенгашга таклифлар киритиб борсин.

20. Рақамли технологиялар вазирлиги ҳар йили Дастурда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ жараёнлар бошланишидан аввал фуқароларни хабардор қилиш мақсадида махсус бепул СМС хабарномалар юборилишини таъминласин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 6-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

22. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири Э.Э. Адилов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

23. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/238/0623-son
25.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 24 июндаги ПҚ–238-сон қарорига
1-илова

Саратонга қарши курашиш миллий дастурини ҳудудлар кесимида амалга ошириш муддатлари

Т/р	Ҳудуд номи	Муддати
2027 йил		
1.	Самарқанд вилояти	01.01.2027 йил
2028 йил		
2.	Тошкент шаҳри	01.01.2028 йил
3.	Андижон вилояти	01.06.2028 йил
4.	Наманган вилояти	01.06.2028 йил
5.	Фарғона вилояти	01.06.2028 йил
2029 йил		
6.	Бухоро вилояти	01.01.2029 йил
7.	Хоразм вилояти	01.01.2029 йил
8.	Навоий вилояти	01.01.2029 йил
9.	Қашқадарё вилояти	01.06.2029 йил
10.	Сурхондарё вилояти	01.06.2029 йил
2030 йил		
11.	Қорақалпоғистон Республикаси	01.01.2030 йил
12.	Жиззах вилояти	01.06.2030 йил
13.	Сирдарё вилояти	01.06.2030 йил
14.	Тошкент вилояти	01.06.2030 йил

Изоҳ: *Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда мазкур муддатларга ўзгартириш киритилиши мумкин.*

QMMB: 07/26/238/0623-son
25.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 24 июндаги ПҚ–238-сон қарорига
2-илова

Саратонга қарши курашиш миллий ДАСТУРИ

Саратонга қарши қарши курашиш миллий дастури (кейинги ўринларда – Дастур) Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), Халқаро саратонни ўрганиш агентлиги (IARC), Европа тиббий онкология жамияти (ESMO) тавсиялари ва халқаро экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган бўлиб, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, саратон касалликлари профилактикасини жадаллаштириш, хавфли ўсмаларни барвақт аниқлаш ва ўлим даражасини камайтириш мақсадида тайёрланган.

1. Дастур **2027 йил 1 январдан бошлаб дастлаб** Самарқанд вилоятида, **2028 йилдан** эса босқичма-босқич бошқа ҳудудларда амалга оширилади.

2. Дастур доирасида саратон касалликларини барвақт аниқлаш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

(а) бачадон бўйни ва кўкрак бези саратонини эрта аниқлаш тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 ноябрдаги “Аёллар орасида онкологик касалликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–402-сон қарори билан белгиланган тартиб ва шартлар асосида амалга оширилади;

(б) йўғон ичак (колоректал), ошқозон, простата бези ва **ўпка саратонини** эрта аниқлаш бўйича тиббиёт бригадалари ходимлари томонидан халқаро тавсиялар асосида аҳолини мақсадли текширувлардан ўтказиш тизими йўлга қўйилади;

(в) ошқозон саратонини эрта аниқлаш ва олдини олиш (50 – 75 ёшдаги эркак ва аёллар) бўйича:

(i) биринчи босқичда – саволнома ўтказиш натижасида оилавий шифокор томонидан аниқланган хавф гуруҳига мансуб аҳоли ўртасида H. pyloriни аниқлаш уреаз тести ўтказилади;

(ii) иккинчи босқичда – H. pylori бўйича мусбат натижа олинган тақдирда, эзофагогастродуоденоскопия (ЭГДС) ўтказилади, атрофиясиз H. pylori-мусбат беморларда эрадикацион терапия тайинланади ва икки йилдан сўнг ЭГДС такроран ўтказилади;

(iii) учинчи босқичда – шубҳали участкалардан биопсия олинади ва юқори даражали дисплазия ёки ошқозон саратонининг дастлабки босқичи аниқланганда бемор онкология хизматларини кўрсатувчи муассасага йўналтирилади;

(г) колоректал саратонни эрта аниқлаш (50 – 75 ёшдаги эркак ва аёллар) бўйича:

(i) биринчи босқичда – саволнома ўтказиш натижасида оилавий шифокор томонидан аниқланган хавф гуруҳига мансуб аҳоли ўртасида ҳар икки йилда бир маротаба нажасда яширин қонни аниқлашнинг иммунокимёвий тести (FIT-тест) ўтказилади;

(ii) иккинчи босқичда – FIT-тести натижаси мусбат бўлганда колоноскопия ўтказилади;

(iii) учинчи босқичда – саратонолди ва (ёки) ўсма аниқланган тақдирда, полипэктомия ва биопсия амалга оширилади ҳамда хавфли ўсмага шубҳа бўлганда бемор онкология хизматларини кўрсатувчи муассасага йўналтирилади;

(д) ўпка саратонини эрта аниқлаш (50 – 75 ёшдаги эркак ва аёллар) бўйича:

(i) биринчи босқичда – оилавий шифокор томонидан саволнома ўтказилади;

(ii) иккинчи босқичда – юқори хавф гуруҳидаги шахсларга йилига бир марта кўкрак қафаси аъзоларининг компьютер томографияси ўтказилади ҳамда текширув якуни бўйича Lung-RADS шкаласига мувофиқ хулоса тузилади;

(iii) учинчи босқичда – Lung-RADS шкаласи бўйича саратонолди ва (ёки) хавфли ўсмага шубҳа бўлганда бемор онкология хизматларини кўрсатувчи муассасага йўналтирилади;

(ж) простата бези саратонини эрта аниқлаш (45 – 80 ёшдаги эркаклар) бўйича:

(i) биринчи босқичда – умумий простата-специфик антиген (PSA) миқдори аниқланади;

(ii) иккинчи босқичда – простата-специфик антиген миқдори юқори бўлганда бемор онкология хизматларини кўрсатувчи муассасага йўналтирилади;

(iii) учинчи босқичда – шубҳали зоналарда УТТ-биопсия ўтказилади ва простата бези саратони морфологик тасдиқланганда беморга тасдиқланган клиник қўлланмаларга мувофиқ даволаш чоралари кўрилади.

3. Мазкур Дастур доирасида беморларни йўналтиришнинг қуйидаги меъёрий муддатлари белгиланади:

(а) биринчи босқич натижасига кўра иккинчи босқичга йўналтириш – **14 кундан кечиктирмай**;

(б) учинчи босқич – тасдиқловчи диагностика тугалланиши – патология аниқланган кундан эътиборан **30 кундан кечиктирмай**;

(в) хавфли ўсмага шубҳа бўлганда онкология хизматларини кўрсатувчи муассасада дастлабки текширув – **10 кундан кечиктирмай**;

(г) морфологик верификациядан сўнг ўсмага қарши даволашни бошлаш – **30 кундан кечиктирмай**.

4. Қуйидаги тиббиёт ходимлари халқаро экспертларни жалб этган ҳолда босқичма-босқич ўқитилади:

(а) тиббиёт бригадалари ходимлари – мазкур дастурнинг 2-бандида назарда тутилган 4 та нозология бўйича хавф омилларини баҳолаш, беморларни стратификациялаш ва дастлабки скрининг тестларини ўтказиш бўйича;

(б) шифокор-эндоскопистлар – ЭГДС ва колоноскопия, Сидней протоколи асосида биопсия ва полипэктомияни амалга ошириш бўйича;

(в) шифокор-рентгенологлар (МСКТ-шифокорлари) – ўпка саратонини аниқлаш (Lung-RADS-тизими) ва простата бези саратонини аниқлаш (PI-RADS-тизими) бўйича;

(г) шифокор-онколог ва патоморфологлар – текширув натижаларини верификация қилиш, хавф гуруҳини аниқлаш ва беморларни клиник қўлланмалар асосида йўналтириш бўйича.

5. Дастур доирасида саратон касалликларини эрта босқичларда аниқлаш, ташхислаш ва даволаш жараёнлари қуйидаги тартибда амалга оширилади:

(а) тиббиёт бригадалари ходимлари саратон касалликларини эрта босқичларда аниқлаш юзасидан беморни мақсадли тиббий текширувлардан ўтказади ҳамда йўлланма асосида тегишли тор соҳа мутахассисига йўналтиради;

(б) беморда саратонолди ва саратон касаллиги тасдиқлангунига қадар ташхислаш ва даволаш тадбирлари тегишинча шифокор-уролог, шифокор-эндоскопист, шифокор-гастроэнтеролог (абдоминал жарроҳ), шифокор-колопроктолог ва шифокор-пульмонолог (торакал жарроҳ) томонидан ўтказилади;

(в) беморда саратон касаллиги тасдиқланганда медикаментоз даволаш тадбирлари (кимё, нур, таргет ва иммун терапия ҳамда қўллаб-қувватловчи терапия) шифокор-онкологлар томонидан ўтказилади.

6. Дастур доирасида дастлабки босқичларда бачадон бўйни, кўкрак бези, йўғон ичак, ошқозон, простата бези ва ўпка саратони касалликларига чалинган беморларни ташхислаш ва даволашда Европа тиббий онкология жамияти (ESMO) клиник тавсиялари асосида ишлаб чиқилган клиник қўлланмалар жорий этилади, кейинчалик эришилган натижалар ва мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг таклифига кўра Саратон касаллиги назорати соҳасидаги лойиҳаларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштирувчи кенгаш қарори асосида бошқа саратон касалликлари турлари ҳам босқичма-босқич қамраб олинади.

7. Соғлиқни сақлаш вазирига саратон касалликларига қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар натижалари асосида Дастурга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилади.

QMMB: 07/26/238/0623-son
25.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 24 июндаги ПҚ–238-сон қарорига
3-илова

Саратонга қарши курашиш миллий дастурини амалга ошириш юзасидан
КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
1.	Аҳоли ўртасида энг кўп учрайдиган саратон касалликлари бўйича тиббий ёрдамни стандартлаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш.	1. Колоректал, ошқозон, ўпка ва простата бези саратони касалликлари бўйича клиник қўлланмалар, стандарт операцион муолажалар ва беморлар маршрутини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Тиббиёт бригадалари ходимлари учун саратон касалликларини эрта аниқлаш саволномасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Аҳоли ўртасида энг кўп учрайдиган саратон касалликларини эрта аниқлаш бўйича тавсияларни тиббиёт олий таълим муассасалари ўқув дастурлари ва УТТ (узлуксиз тиббий таълим) тизимига барча тоифадаги мутахассислар учун киритиш. 4. Эрта аниқлаш самарадорлигини баҳолаш учун мониторинг, аудит ва йиллик самарадорликни баҳолашни ўз ичига олган сифат тизимини жорий этиш.	2026 йил ноябрь 2027 йилдан бошлаб	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
2.	Простата бези саратонини эрта аниқлаш дастурини жорий этиш.	1. Самарқанд вилояти тиббиёт ходимларини простата бези саратонини эрта аниқлаш бўйича саволнома, беморлар маршрутлари, простата безидан биопсия олиш бўйича ўқитиш. 2. Миллий дастурга мувофиқ республиканинг қолган ҳудудларидаги тиббиёт ходимларини простата бези саратонини эрта аниқлаш бўйича саволнома, беморлар маршрутлари, простата безидан биопсия олиш бўйича ўқитиш.	2026 йил октябрдан бошлаб 2027 йил сентябрдан бошлаб режа-графикка мувофиқ	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		3. Простата бези саратонини эрта аниқлаш дастурини жорий этиш учун Самарқанд вилояти марказий лабораторияни **PSA-тести реактив** ва **реагентлари** билан таъминлаш. 4. Соғлиқни сақлаш ахборот тизимига простата бези саратони эрта аниқлаш модулини киритиш, KPI кўрсаткичларини жорий этиш.	2027 йилдан бошлаб		
3.	Колоректал саратонини эрта аниқлаш дастурини жорий этиш.	1. Самарқанд вилояти тиббиёт ходимларини колоректал саратонини эрта аниқлаш бўйича саволнома, беморлар маршрутлари, колоноскопияни ўтказиш бўйича ўқитиш. 2. Миллий дастурга мувофиқ республиканинг қолган ҳудудларидаги тиббиёт ходимларини колоректал саратонини эрта аниқлаш бўйича саволнома, беморлар маршрутлари, колоноскопияни ўтказиш бўйича ўқитиш. 3. Колоректал саратонини эрта аниқлаш дастурини жорий этиш учун Самарқанд вилояти марказий лабораторияни **FIT-тести анализатори** ҳамда **зарур реактив** ва **реагентлар** билан таъминлаш. 4. Соғлиқни сақлаш ахборот тизимига колоректал саратонини эрта аниқлаш модулини киритиш, KPI кўрсаткичларини жорий этиш.	2026 йил октябрдан бошлаб 2027 йил сентябрдан бошлаб режа-графикка мувофиқ 2027 йилдан бошлаб	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги
4.	Ошқозон саратонини эрта аниқлаш дастурини жорий этиш.	1. Самарқанд вилояти тиббиёт ходимларини ошқозон саратонини эрта аниқлаш бўйича саволнома, беморлар маршрутлари, эндоскопияни ўтказиш бўйича ўқитиш.	2026 йил октябрдан бошлаб	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		2. Миллий дастурга мувофиқ республиканинг қолган ҳудудларидаги тиббиёт ходимларини ошқозон саратонини эрта аниқлаш бўйича саволнома, беморлар маршрутлари, эндоскопияни ўтказиш бўйича ўқитиш. 3. Ошқозон саратонини эрта аниқлаш дастурини жорий этиш учун Самарқанд вилояти мақсадли аҳоли сонидан келиб чиқиб H.pylori аниқлаш учун **уреаза тестлари** билан таъминлаш. 4. Соғлиқни сақлаш ахборот тизимига ошқозон саратонини эрта аниқлаш модулини киритиш, KPI кўрсаткичларини жорий этиш.	2027 йил сентябрдан бошлаб режа-графикка мувофиқ 2027 йилдан бошлаб		
5.	Ўпка саратонини эрта аниқлаш дастурини жорий қилиш.	1. Самарқанд вилояти тиббиёт ходимларини ўпка саратонини эрта аниқлаш бўйича саволнома, беморлар маршрутлари бўйича ўқитиш. 2. Миллий дастурга мувофиқ республиканинг қолган ҳудудларидаги тиббиёт ходимларини ўпка саратонини эрта аниқлаш бўйича саволнома, беморлар маршрутлари бўйича ўқитиш. 3. Соғлиқни сақлаш ахборот тизимига ўпка саратонини эрта аниқлаш модулини киритиш, KPI кўрсаткичларини жорий этиш.	2026 йил октябрдан бошлаб 2027 йил сентябрь режа-графикка мувофиқ 2027 йилдан бошлаб	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
6.	Патоморфологик лабораториялар самарадорлиги, сифати ва инфратузилмасини ошириш.	1. Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг (кейинги ўринларда – Марказ) барча ҳудудий филиалларида гистопатологик лабораторияларни модернизация қилиш.	2027–2030 йиллар	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси,

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		Бунда: марказлашган тартибда препаратларни автоматик бўяш станциялари, гистоскан, камерали эксперт синф микроскоплари ҳамда тезкор биопсия таҳлили учун криостатлар харид қилиш; янги ускуналарда ишлаш тартибини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва ходимларни ўқитиш. 2. Иммуногистокимёвий текшируви учун реагентларни марказлаштирилган тартибда харид қилиш. 3. Сифат назорати стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 4. Сифат назорати учун **3 та** ҳудудий филиалларда (Андижон, Бухоро ва Самарқанд) ҳудудлараро референт патологоанатомик ва молекуляр диагностик лабораториялар ташкил этиш. 5. Патоморфология амалиётини тўлиқ рақамлаштириш. Бунда барча текширилган препаратларни PACS ва LIS тизими орқали юклаш. 6. Сифатни таъминлаш тизими ва лабораторияларни ташқи баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш.			Рақамли технологиялар вазирлиги
7.	Молекуляр диагностика лабораторияларини ривожлантириш.	1. Марказда молекуляр тадқиқотларнинг тўлиқ спектри билан референт лабораторияни ишга тушириш (ПЗР, NGS, FISH, биомаркер панеллари). 2. In-vitro диагностика бўйича асосий усулларнинг рўйхатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Молекуляр тест текширувларини ўтказиш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш. 4. Кадрлар захирасини тайёрлаш, узлуксиз тиббий таълим дастурларини ишга тушириш ва халқаро малака оширишни йўлга қўйиш. 5. Марказнинг Андижон, Бухоро ва Самарқанд ҳудудий филиалларида муҳим базис молекуляр текширувларни бажариш учун референт лабораторияни ишга тушириш.	2027–2030 йиллар	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
8.	Эндоскопик диагностика имкониятларини кенгайтириш ва модернизация қилиш.	1. Эндоскопик ускуналар инвентаризацияси ҳамда кадрлар таъминоти ва имкониятларини таҳлил қилиш. 2. Ошқозон-ичак тракти (юқори ва қуйи бўлимлар) саратонларини аниқлаш ҳамда эндоскопик бронхоскопияни ўтказиш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш. 3. Марказнинг барча ҳудудий филиалларини замонавий эндоскопик тизимлар билан жиҳозлаш ва замонавий эндоскопик диагностика (хромоэндоскопия каби) ва биопсия усулларининг стандартларини жорий этиш. 4. Эндоскопия йўналиши бўйича мутахассисларни илғор диагностика ва кам инвазив амалиёт усуллари бўйича маҳаллий ва чет эл клиникаларида ўқитишни йўлга қўйиш. 5. Эндоскопик ҳисоботларни рақамлаштириш ва уларни шифохона IT тизимлари ҳамда “Cancer” регистр билан интеграция қилиш.	2026 йил октябрь 2026–2027 йиллар 2026–2030 йиллар 2028–2030 йиллар 2028–2030 йиллар	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги
9.	Қўриқчи лимфа тугуни биопсияси хизматларини кенгайтириш.	1. Қўриқчи лимфа тугуни биопсиясини ўтказиш бўйича клиник қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Тасдиқланган клиник қўлланмалар бўйича ўқув тренинглар ташкил қилиш. 3. Марказнинг Андижон, Бухоро ва Самарқанд ҳудудий филиалларида қўриқчи лимфа тугуни биопсиясини тажриба-синов тариқасида жорий этиш. Бунда Марказнинг ҳудудий филиалларига зарур жиҳозлар, гамма-зондлар, бўёқлар, радиофармацевтик препаратлар харид қилинади. 4. Қўриқчи лимфа тугуни биопсияси натижаларини “Cancer” регистр билан интеграция қилиш.	2026 йил ноябрь 2027–2028 йиллар 2027–2028 йиллар 2027–2030 йиллар	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		5. Қўриқчи лимфа тугуни биопсияси тажриба-синовини унинг ижобий натижаларига кўра ҳудудларга босқичма-босқич кенгайтириш. Бунда орган-сақловчи юқори технологик ва пластик жарроҳлик амалиётлари улуши кенгайтирилади.			
10.	PACS ва LIS тизимларини йўлга қўйиш.	1. Рақамли технологиялар бўйича техник гуруҳ тузиш. 2. Марказнинг барча ҳудудий филиалларини PACS ва LIS тизимларига улаш ва уларнинг тиббий электрон тизимга интеграциясини таъминлаш. 3. Телеконсультацияларни янги шаклда жорий этиш.	2026 йил ноябрь 2027–2030 йиллар 2027 йилдан бошлаб	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги
11.	Диагностика учун барқарор молиялаштириш ва харидларни таъминлаш.	1. Марказ тузилмасида саратон диагностикаси учун харидлар бўйича бўлинма ташкил этиш. 2. Асосий сарфлов материаллари ва реагентларга эҳтиёжни аниқлаш ва прогноз қилиш учун рақамли алгоритм жорий этиш. 3. Сервис ва сарфлов материаллари учун алоҳида бюджет қаторларини ажратиш. Бунда: сарфлов материаллари узлуксизлигини таъминлаш; ускуна харидига сервис шартномаларини киритиш.	2026 йил декабрь 2026–2027 йиллар	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси
12.	Нур терапияси хизматининг ўз вақтида ва сифатли кўрсатилишини таъминлаш.	1. Нур терапиясини ривожлантириш бўйича ўрта муддатли режа (“йўл харитаси”)ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, бунда соҳадаги фаолиятни мувофиқлаштириш учун радиотерапия (радиацион онкология) бўйича техник ишчи гуруҳни ташкил этиш.	2027–2028 йиллар	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		2. Радиотерапия хизматининг амалдаги ҳолати бўйича комплекс таҳлил ўтказиш, жумладан, инфратузилма, ускуналар парки, кадрлар салоҳияти, бемор оқими ва кутиш муддатлари ҳамда ҳудудлар кесимида эҳтиёжларни аниқлаш.	2028–2030 йиллар		
		3. Марказнинг Андижон, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳудудий филиалларидаги кобальт қурилмаларини ишга тушириш муддатлари ва молиялаштириш манбаларини белгиланган ҳолда босқичма-босқич чизиқли тезлаткичларга (LINAC) алмаштириш.	2027–2029 йиллар		
		4. Марказ ва унинг ҳудудий филиалларида радиотерапия сифати ва хавфсизлиги бўйича QA/QC (quality assurance/quality control) тизимини жорий этиш, шу жумладан дозиметрия назорати, ускуналар калибровкаси, даврий аудит ва ҳужжатлаштиришнинг ягона тартибини тасдиқлаш.			
		5. Радиацион онкология, тиббий физика ва радиотерапия ҳамширалиги бўйича кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурларини кенгайтириш, штат меъёрлари ва малака талабларига мувофиқ равишда кенгайтириш.			
		6. Халқаро малака ошириш ва узлуксиз тиббий таълим механизмини йўлга қўйиш, жумладан, ҳамкор ташкилотлар билан қўшма тренинглар, стажировкалар ва масофавий ўқув курслар ташкил этиш.			
		7. Марказ ҳамда унинг Бухоро вилояти филиалида “Киберпичоқ” (CyberKnife) комплекси ўрнатилишини таъминлаш.			
		8. Марказнинг Бухоро вилояти филиали учун КТ-симулятор харид қилиниши ва ишга туширилишини таъминлаш.			

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
13.	Амалдаги нур терапияси жиҳозлари инфратузилмасини яхшилаш.	1. Марказ ва унинг ҳудудий филиалларида мавжуд кобальт қурилмалари ҳамда брахитерапия ускуналарининг радионуклид манбаларини босқичма-босқич алмаштиришни таъминлаш, жумладан: 2027 йилда – Марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Андижон вилояти филиалларида; 2028 йилда – Марказнинг Қашқадарё, Сирдарё ва Фарғона вилоятлари филиалларида; 2029 йилда – Марказнинг Навоий, Хоразм ва Сурхондарё вилоятлари филиалларида. 2. Радионуклид манбаларини алмаштириш жараёнини халқаро радиация хавфсизлиги талабларига мувофиқ амалга ошириш, жумладан, эски манбаларни чиқариш, ташиш ва утилизация қилиш ишларини ваколатли ташкилотлар иштирокида таъминлаш. 3. Марказ ва унинг барча филиалларида мавжуд КТ симулятор ускуналарининг найчаларини босқичма босқич янгилаш чораларини кўриш, бунда ускуналарнинг ишлаш давомийлиги, тасвир сифати ва радиация юкламасини оптималлаштиришни инобатга олиш. 4. Манба ва КТ симулятор найчаларини алмаштириш ишлари даврида нур терапияси хизматининг узлуксизлигини таъминлаш, беморларни қайта йўналтириш ва вақтинчалик логистика механизмларини ишлаб чиқиш. 5. Янгиланган ускуналар бўйича қабул қилиш, калибровка ва сифат назорати (QA/QC) ишларини мажбурий тарзда ўтказиш, натижаларини белгиланган тартибда расмийлаштириш. 6. Ускуналар янгиланиши билан боғлиқ равишда тиббий физиклар, радиацион онкологлар ва муҳандис-техник ходимлар учун қисқа қайта тайёрлаш ва инструктаж тадбирларини ташкил этиш.	2027–2030 йиллар	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
14.	Кимёвий препаратларни хавфсиз тайёрлаш учун махсус хоналарни ташкил этиш.	1. Марказ филиалларида ЖССТ талабларига мувофиқ ҳаво алмашинуви, босим ва чиқариш тизимлари (вентиляция)ни жорий этиш. 2. Автоматлаштирилган ва ярим автоматлаштирилган бирлаштириш (compound) тизимларини ишга тушириш. 3. Хавфсизлик ва эксплуатация бўйича қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Бунда фармацевтлар ва ҳамшираларни цитотоксик препаратлар билан хавфсиз ишлаш бўйича ўқитиш ва сертификатлаш.	2026–2028 йиллар 2027–2028 йиллар	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
15.	Саратондан даволанишни якунлаган шахслар (survivorship care) учун реабилитацияни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш.	1. Онкореабилитациянинг миллий модели ва маршрутларини ишлаб чиқиш. 2. Саратондан даволанишни якунлаган беморлар учун қўллаб-қувватлаш дастурларини ишга тушириш (психологик ёрдам, турмуш тарзи, мослашув). 3. Марказ ва унинг ҳудудий филиалларида мавжуд штатлар доирасида реабилитация хизматини ташкил этиш. 4. Ҳаёт сифати ва асоратлар мониторингини жорий этиш.	2027–2028 йиллар 2028–2030 йиллар 2030 йилдан бошлаб	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
16.	Онкологик ёрдам кўрсатишда бемор маршрутини (йўналтириш тизимини) такомиллаштириш ва узлуксиз кузатувни таъминлаш.	1. Саратон касалликларини йўналтириш тизимини такомиллаштириш ва осонлаштириш. Бунда 6 та дастлаб устувор нозологияларни биринчи кўриб чиқиш, “Cancer” регистр билан боғланган электрон модулини такомиллаштириш. Босқичма-босқич қолган саратон турлари бўйича маршрутларни қайта кўриб чиқиш ва заруриятга кўра такомиллаштириш хамда тасдиқлаш. 2. Сунъий интеллект ёрдамида хавф даражаси бўйича саралаш алгоритмларини жорий қилиш.	2027–2028 йиллар	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
17.	Жаҳон тажрибаларини ўрганган холда янги даволаш (ESMO, NCCN) стандартларини тасдиқлаш ва уни амалиётга жорий қилиш.	1. Халқаро даволаш (ESMO/NCCN) стандартларини ўрганиб, Ўзбекистон шароити ва имкониятларига мослаштирилган ресурсларга мослаштирилган қўлланмалар (Resource Adapted Clinical Guidelines) ишлаб чиқиш мақсадида техник гуруҳни ташкил этиш. 2. Барча саратон турлари бўйича клиник қўлланмаларни қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш: ҳар бир қўлланмада саратонга қарши дори воситалар қуйидаги 3 та тоифада белгилаш: I тоифа – Саратонга қарши муҳим дори воситалари миллий рўйхати: ЖССТнинг “WHO List of Essential Anticancer Drugs” рўйхатига асосланган; II тоифа – Клиник тадқиқотлар рўйхати: фақат клиник тадқиқотлар доирасида; III тоифа – Индивидуаллаштирилган терапия учун қўшимча дори воситалари рўйхати: NGS ва бошқа молекуляр-генетик текширишлар натижасига асосланган дорилар. 3. Даволаш ва кузатиш алгоритмларини стандартлаштириш. Бунда клиник қўлланмаларда даволаш алгоритмлари, дозалар, дозалаш жадвали, қўллаб-қувватловчи терапия, кузатиш муддатлари ва KPIларни белгилаш. 4. Марказ ва унинг ҳудудий филиалларида онкологлар, кимётерапевтлар ва ҳамшираларнинг учун янги стандартлар бўйича ўқув ва сертификация дастурларини жорий этиш. 5. Узоқ муддатли инфузион даволаш учун марказий веноз порт-системаларини қўллашни клиник қўлланмаларга киритиш, порт орқали инфузия, асоратларнинг олдини олиш ва инфекция назорати бўйича ягона стандарт операцион муолажани тасдиқлаш.	2026 йил декабрь 2026–2028 йиллар 2026–2027 йиллар	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		6. Онкология соҳасида энг кўп қўлланиладиган тиббий аралашувлар бўйича стандарт операцион муолажаларни ишлаб чиқиш.			
18.	Марказ ҳузуридаги узлуксиз таълим марказининг замонавий ўқув биноси ва инфратузилмасини ташкил этиш орқали соҳа кадрлари салоҳиятини мустаҳкамлаш.	1. Марказ ҳузурида симуляцион амалиёт ўташ ва илмий тадқиқотларни ўтказиш учун бино қуриш: лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; марказ ҳудудида виварий ва илмий лаборатория қурилиши учун ажратилган бино ўрнида ўқув-клиник бинони лойиҳалаш ва барпо этиш; бино таркибида замонавий виварий, илмий лабораторияларни, симуляцион заллар, радиацион онкология ва рақамли патология бўлимларини ташкил этиш. 2. Бошқарув ва экспертлик тизимини жорий қилиш йўналишида тиббий, радиацион ва жарроҳлик онкологияси йўналишларида таълим, клиника ва илм-фан интеграциясини мувофиқлаштирувчи эксперт гуруҳларини шакллантириш. 3. Халқаро ҳамкорлик ва аккредитация йўналишида Франциянинг Gustave Roussy институти билан қўшма тадқиқотлар ва кадрлар алмашинувини йўлга қўйиш.	2027–2030 йиллар	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
19.	Саратон касалликларига чалинган беморларни даволашда мультидисциплинар консилиум (МДК) қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш.	1. Марказ ва унинг ҳудудий филиалларида “консилиум” моделини мажбурий мультидисциплинар жамоа моделига алмаштириш. Бунда мультидисциплинар жамоавий ёндашув (Multidisciplinary Tumor Board) консилиумларини ўтказиш тартибини тасдиқлаш. 2. “Multidisciplinary Tumor Board” консилиуми стандартлари ва стандарт операцион муолажаларини ишлаб чиқиш ва онкология муассасаларда жорий қилиш.	2027–2028 йиллар	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
20.	Кам инвазив ва орган сақловчи онкожарроҳлик амалиётларини кенгайтириш.	1. Марказга роботлаштирилган тизимни харид қилиш ва татбиқ қилиш. Бунда минимал инвазив жарроҳлар бригадаларини тайёрлаш. 2. Барча филиалларга кам инвазив амалиётлар учун замонавий лапароскопик устунлар харид қилиш. 3. Кам инвазив жарроҳлик амалиётлари учун, жумладан, робот тизими учун бир марталик асбоб-ускуналар ва сарф материалларини молиялаштириш ва марказлаштирилган ҳолда харид қилиш амалиётини жорий этиш. 4. Жарроҳларни босқичма-босқич тайёрлаш (филиаллардан 1–2 нафар, марказдан 4–5 нафар шифокорни хорижда малака ошириш дастурларига кўра қайта тайёрлаш).	2027–2028 йиллар 2027-2030 йиллар	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
21.	Тизимли (кимётерапевтик, таргет ва иммунотерапевтик) даволаш учун дори воситалари билан узлуксиз таъминлаш.	1. Саратонга қарши дори воситаларини хариди, логистикаси ва мониторинги бўйича техник гуруҳ ташкил этиш. 2. ЖССТ тавсияларига таянган ҳолда дори воситаларини 3 гуруҳга ажратиш ва устуворлик тамойилига мувофиқ, амалда 1-тоифадаги дори воситаларининг хариди доимий таъминланишини йўлга қўйиш. 3. Захираларни прогноз қилиш ва бошқариш учун алгоритм ва рақамли тизимни жорий этиш. Бунда қиммат дори воситалари учун кўп йиллик ҳадли шартномаларни қўллаш ва халқаро ҳамкорларни қўшма молиялаштиришга жалб этиш. 4. Марказ ва унинг филиалларида клиник онкофармацевтлар фаолиятини йўлга қўйиш. 5. ЖССТ томонидан тасдиқланган биосимиляр (биоаналоглар) дори воситаларини қўллашни жорий этиш ва кенгайтириш	2026 йил октябрь 2027–2028 йиллар	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
22.	Марказ ҳудудий филиаллари инфратузилмасини такомиллаштириш.	1. Барча филиалларда операцион, анестезиология ва реанимация бўлимларининг инфратузилмаларини баҳолаш ва янгилаш. Бунда: эскирган анестезиологик аппаратлар ва мониторларни алмаштириш; реанимацияни ЎСВ/кардиомонитор ва замонавий мониторлар билан жиҳозлаш; операцион лампа ва электр бошқарувли операцион столлар; замонавий электрохирургик тизимларни харид қилиш ва жорий этиш. 2. Техника хавфсизлиги стандартларини жорий этиш ва ускуналарни ҳар йили мажбурий текширувдан ўтказиш.	2026–2030 йиллар 2027 йилдан бошлаб	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
23.	Онкологик муассасаларда замонавий менежмент бошқарувини таъминлаш.	Онкологик муассасаларда замонавий менежментни жорий этиш: халқаро стандартлар: бошқарувга ISO ва бошқа сифат стандартларини татбиқ этиш; профессионал бошқарув: раҳбар кадрларни соғлиқни сақлаш менежменти (MBA/MHA) бўйича ўқитиш; сервис сифати: беморга йўналтирилган хизмат кўрсатиш ва сервис аутсорсингини ривожлантириш; молиявий назорат: даволаш харажатларини оптималлаштириш ва шаффоф харид тизимини йўлга қўйиш.	2028–2029 йиллар	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
24.	Миллий дастурни амалга ошириш ва саратон касалликларини рўйхатга олиш миллий тизимини мустаҳкамлаш.	1. “Cancer” регистр ахборот тизими регистраторлари лавозим йўриқномасини ишлаб чиқиш ва мутахассислик классификаторига киритиш. 2. Марказнинг ҳудудий филиалларида “Cancer” регистрнинг ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш ҳамда Миллий дастурни мувофиқлаштириш учун ҳар бирида **6 тадан** штат бирлигини ажратиш.	2026–2027 йиллар 2027 йилдан бошлаб	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		3. “Cancer” регистр ахборот тизими регистраторлари учун онкологик касалликларни рўйхатга олиш бўйича ўқув курслари ва сайёр тренингларни жорий этиш. 4. Нодавлат тиббиёт муассасаларида аниқланган ва даволанган хавфли ўсмалар билан оғриган беморлар тўғрисидаги маълумотларни мажбурий равишда “Cancer” регистр ахборот тизимига тақдим этиш.			
25.	Миллий дастурни амалга ошириш учун самарали бошқарув, мониторинг ва эксперт гуруҳларини ташкил қилиш.	1. Бошқарув ва мониторинг бўйича Ишчи гуруҳни ташкил этиш. 2. Ишчи гуруҳ Миллий дастурнинг ижроси устидан назоратни таъминлаш, устувор йўналишларни белгилаш ҳамда фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича масъул этиб белгилаш. 3. Лойиҳани амалга ошириш бўйича эксперт-маслаҳат гуруҳини ташкил қилиш. Бунда гуруҳ Миллий дастурнинг техник жиҳатларини илмий-таҳлилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ихтисослашган йўналишлар бўйича эксперт хулосаларини тайёрлаш ва тегишли техник ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширади. 4. Марказнинг ҳудудий филиалларида “Саратон касалликлари олдини олиш бўлинмаси”ни ташкил қилиш.	2027–2028 йиллар	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
26.	“Cancer” регистр ахборот тизимини такомиллаштириш.	1. “Cancer” регистр ахборот тизими таркибида онкология хизмати учун зарур бўлган барча ахборот тизимлари билан интеграциялаш. 2. Марказда барча бўғинлар, тиббиёт ходимлари ва беморлар ўртасида тезкор алоқа, хизмат самарадорлиги мониторинги ҳамда бошқарув панеллари орқали вертикал ва горизонтал интеграцияни таъминловчи ягона ситуацион ва колл-марказ фаолиятини йўлга қўйиш. 3. Сунъий интеллект асосида клиник қўлланмаларга асосан ишлаш мувофиқлигини назорат қилиш моделини ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва жорий қилиш.	2027–2028 йиллар	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		4. Сунъий интеллект асосида саратон касалликларини эрта ташхислаш ва клиник қарорларни қўллаб-қувватлаш учун диагностик таҳлил моделларини (жумладан, тиббий тасвирлар ва рақамли гистология бўйича) ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.			

QMMB: 07/26/238/0623-son
25.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 24 июндаги ПҚ–238-сон қарорига
4-илова

Саратонга қарши курашиш миллий дастурини амалга оширишнинг МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	Самарадорлик кўрсаткичлари	2026 йил	2027 йил	2028 йил	2029 йил	2030 йил	2031 йил	2032 йил	2033 йил	2034 йил	2035 йил
1.	**Аҳоли ўртасида энг кўп учрайдиган саратон касалликларини биринчи-иккинчи босқичларда аниқлаш улуши** *(фоизда)*	**30,0**	**31,0**	**32,0**	**33,0**	**34,0**	**36,0**	**37,0**	**38,0**	**39,0**	**40,0**
1.1.	Бачадон бўйни саратонини эрта босқичларда аниқлаш улуши *(фоизда)*	17,0	18,0	18,0	19,0	19,0	20,0	20,0	21,0	21,0	22,0
1.2.	Кўкрак бези саратонини эрта босқичларда аниқлаш улуши *(фоизда)*	58,0	59,0	61,0	62,0	63,0	65,0	66,0	67,0	69,0	70,0
1.3.	Ошқозон саратонини эрта босқичларда аниқлаш улуши *(фоизда)*	27,0	28,0	29,0	30,0	31,0	31,0	32,0	33,0	34,0	35,0
1.4.	Колоректал саратонни эрта босқичларда аниқлаш улуши *(фоизда)*	37,0	38,0	39,0	40,0	41,0	41,0	42,0	43,0	44,0	45,0
1.5.	Ўпка саратонини эрта босқичларда аниқлаш улуши *(фоизда)*	19,0	20,0	20,0	21,0	22,0	22,0	23,0	24,0	24,0	25,0
1.6.	Простата бези саратонини эрта босқичларда аниқлаш улуши *(фоизда)*	30,0	31,0	32,0	32,0	33,0	34,0	35,0	35,0	36,0	37,0
2.	**Аҳоли ўртасида энг кўп учрайдиган саратон касалликларини учинчи-тўртинчи босқичларда аниқлаш улуши** *(фоизда)*	**65,0**	**64,0**	**63,0**	**62,0**	**61,0**	**59,0**	**58,0**	**57,0**	**56,0**	**55,0**
2.1.	Бачадон бўйни саратонини кечки босқичларда аниқлаш улуши *(фоизда)*	24,0	23,0	23,0	22,0	22,0	21,0	21,0	20,0	20,0	19,0
2.2.	Кўкрак бези саратонини кечки босқичларда аниқлаш улуши *(фоизда)*	28,0	27,0	27,0	26,0	25,0	25,0	24,0	23,0	23,0	22,0
2.3.	Ошқозон саратонини кечки босқичларда аниқлаш улуши *(фоизда)*	71,0	69,0	67,0	66,0	64,0	62,0	60,0	59,0	57,0	55,0
2.4.	Колоректал саратонни кечки босқичларда аниқлаш улуши *(фоизда)*	60,0	59,0	58,0	57,0	56,0	54,0	53,0	52,0	51,0	50,0

QMMB: 07/26/238/0623-son
25.06.2026-y.

Т/р	Самарадорлик кўрсаткичлари	2026 йил	2027 йил	2028 йил	2029 йил	2030 йил	2031 йил	2032 йил	2033 йил	2034 йил	2035 йил
2.5.	Ўпка саратонини кечки босқичларда аниқлаш улуши *(фоизда)*	78,0	77,0	77,0	76,0	75,0	75,0	74,0	73,0	73,0	72,0
2.6.	Простата бези саратонини кечки босқичларда аниқлаш улуши *(фоизда)*	68,0	67,0	65,0	64,0	62,0	61,0	59,0	58,0	56,0	55,0
3.	**Энг кўп учрайдиган саратон касалликларига чалинган беморлар орасида 5 йиллик умр кўриш давомийлиги кўрсаткичи** *(фоизда)*	**35,0**	**36,0**	**37,0**	**38,0**	**39,0**	**41,0**	**42,0**	**43,0**	**44,0**	**45,0**
3.1.	Бачадон бўйни саратонида 5 йиллик умр давомийлиги *(фоизда)*	55,0	56,0	58,0	59,0	61,0	62,0	64,0	65,0	67,0	68,0
3.2.	Кўкрак бези саратонида 5 йиллик умр давомийлиги *(фоизда)*	62,0	63,0	65,0	66,0	68,0	69,0	71,0	72,0	74,0	75,0
3.3.	Ошқозон саратонида 5 йиллик умр давомийлиги *(фоизда)*	20,0	21,0	23,0	24,0	25,0	27,0	28,0	29,0	31,0	32,0
3.4.	Колоректал саратонида 5 йиллик умр давомийлиги *(фоизда)*	35,0	37,0	39,0	41,0	43,0	44,0	46,0	48,0	50,0	52,0
3.5.	Ўпка саратонида 5 йиллик умр давомийлиги *(фоизда)*	12,0	13,0	14,0	14,0	15,0	16,0	17,0	17,0	18,0	19,0
3.6.	Простата бези саратонида 5 йиллик умр давомийлиги *(фоизда)*	55,0	57,0	59,0	61,0	63,0	64,0	66,0	68,0	70,0	72,0
4.	**Ҳар 100 минг нафар аҳоли ўртасида энг кўп учрайдиган саратон касалликлари туфайли ўлим кўрсаткичи**	**5,1**	**4,9**	**4,8**	**4,6**	**4,5**	**4,3**	**4,2**	**4,0**	**3,9**	**3,7**
4.1.	Ҳар 100 минг нафар аёл ўртасида бачадон бўйни саратони туфайли ўлим кўрсаткичи	5,4	5,2	5,0	4,8	4,6	4,5	4,3	4,1	3,9	3,7
4.2.	Ҳар 100 минг нафар аёл ўртасида кўкрак бези саратони туфайли ўлим кўрсаткичи	11,2	10,8	10,5	10,1	9,8	9,4	9,1	8,7	8,4	8,0
4.3.	Ҳар 100 минг нафар аҳоли ўртасида ошқозон саратони туфайли ўлим кўрсаткичи	4,4	4,3	4,2	4,1	4,0	3,9	3,8	3,7	3,6	3,5
4.4.	Ҳар 100 минг нафар аҳоли ўртасида колоректал саратон туфайли ўлим кўрсаткичи	3,6	3,5	3,4	3,3	3,2	3,1	3,0	2,9	2,8	2,7
4.5.	Ҳар 100 минг нафар аҳоли ўртасида ўпка саратони туфайли ўлим кўрсаткичи	3,7	3,6	3,5	3,5	3,4	3,3	3,2	3,2	3,1	3,0

QMMB: 07/26/238/0623-son
25.06.2026-y.

T/p	Самарадорлик кўрсаткичлари	2026 йил	2027 йил	2028 йил	2029 йил	2030 йил	2031 йил	2032 йил	2033 йил	2034 йил	2035 йил
4.6.	Ҳар 100 минг нафар эркак ўртасида простата бези саратони туфайли ўлим кўрсаткичи	2,6	2,5	2,4	2,3	2,2	2,1	2,0	1,9	1,8	1,7
5.	**Хавфли ўсма касаллиги билан 5 йиллик умр давомийлигини ошириш** *(фоизда)*	**41,0**	**41,8**	**42,5**	**45**	**47,5**	**48,8**	**50,1**	**51,4**	**52,7**	**54,0**
6.	**Барча хавфли ўсма аниқланган беморларни даволаш билан тўлиқ қамраб олиш** *(фоизда)*	**93,0**	**94,0**	**96,0**	**98,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**

QMMB: 07/26/238/0623-son
25.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 24 июндаги ПҚ–238-сон қарорига
5-илова

Саратонга қарши курашиш миллий дастурини амалга ошириш учун республика онкология муассасаларини зарур тиббий жиҳозлар билан таъминлашнинг
МАНЗИЛЛИ ТАҚСИМОТИ

Т/р	Тиббий асбоб-ускуна номи	ЖАМИ	РИО ва РИАТМ	ҚҚР филиали	Андижон вилояти филиали	Бухоро вилояти филиали	Жиззах вилояти филиали	Қашқадарё вилояти филиали	Навоий вилояти филиали	Наманган вилояти филиали	Сурхондарё вилояти филиали	Сирдарё вилояти филиали	Тошкент вилояти филиали	Фарғона вилояти филиали	Хоразм вилояти филиали	Қўқон шаҳри филиали	Самарқанд вилояти филиали
2027 йил																	
1.	Эндоскопик устун	16	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	2
2.	Эндоскопик гастроскоп	32	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	4
3.	Эндоскопик колоноскоп	32	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	4
4.	Эндоскопик бронхоскоп	32	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	4
5.	Дезинфекция учун машина	16	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	2
6.	Видеоларингоскоп тўплам	40	5	3	3	3	2	2	2	3	2	2	2	3	3	2	3
7.	Портатив кислород концентратори	24	–	2	2	2	1	1	1	2	1	1	3	2	2	1	3
8.	Ўпка сунъий вентиляцияси (ИВЛ) аппарати	40	–	4	4	4	2	2	2	4	2	2	2	3	3	2	4
9.	Операция хонаси лампаси	30	–	2	2	3	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	3
10.	Замонавий электрожарроҳлик ускунаси	27	3	2	3	2	1	1	1	2	1	1	2	2	2	1	3
11.	Патоморфологик препаратларни автоматлаштирилган бўяш учун аппарат	15	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
12.	Гистоскан	16	2	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
13.	Кўпфункционал операция хонаси учун стол	56	–	5	5	5	3	3	3	5	3	3	3	5	5	3	5
14.	Эксперт синфдаги камералик микроскоп	16	2	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
15.	Микротўлқинли аблятор	3	1	–	1	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	1

QMMB: 07/26/238/0623-son
25.06.2026-y

Т/р	Тиббий асбоб-ускуна номи	ЖАМИ	РИО ва РИАТМ	ҚҚР филиали	Андижон вилояти филиали	Бухоро вилояти филиали	Жиззах вилояти филиали	Қашқадарё вилояти филиали	Навоий вилояти филиали	Наманган вилояти филиали	Сурхондарё вилояти филиали	Сирдарё вилояти филиали	Тошкент вилояти филиали	Фарғона вилояти филиали	Хоразм вилояти филиали	Қўқон шаҳри филиали	Самарқанд вилояти филиали
16.	Микротўлқинли абляторлар учун антенна	3	1	–	1	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	1
17.	Автоматик трепан биопсия учун (core biopsy gun)	60	4	4	4	4	4	4	4	4	4	4	4	4	4	4	4
18.	Автоматик трепанлар учун игна	20 000															
19.	КТ симулятор	1	–	–	–	1	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–
2028 йил																	
20.	CPAP аппарати	59	3	5	5	5	3	3	3	5	3	3	3	5	5	3	5
21.	Бемор монитори	56	–	5	5	5	3	3	3	5	3	3	3	5	5	3	5
22.	Реанимацион стол	56	–	5	5	5	3	3	3	5	3	3	3	5	5	3	5
23.	Мобил рентген	6	1	–	1	1	–	–	–	–	–	–	–	1	1	–	1
24.	Шприц-инфузион насос	56	5	4	4	4	3	3	3	4	3	3	3	4	5	3	5
25.	Жарроҳлик аспиратори	56	–	5	5	5	3	3	3	5	3	3	3	5	5	3	5
26.	Замонавий анестезиологик (наркоз) аппарати	30	–	2	3	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	3
27.	Лапароскопик устун	16	2	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
28.	Роботлаштирилган тизим	1	1	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–
29.	Эксперт синфдаги УТТ ускунаси	22	3	2	2	2	1	1	1	2	1	1	1	1	1	1	2
30.	FISH-ускунаси	4	1	–	1	1	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	1
31.	NGS-платформа	1	1	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–
32.	Чизиқли тезлаткич (LINAC)	3	–	–	1	1	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	1
33.	Криостат	9	–	1	1	1	1	–	–	–	1	–	1	1	–	1	1
34.	Биохавфсизлик жавони (Class II Type B2)	15	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
2029 йил																	
35.	ПЭТ-КТ	1	–	–	–	1	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–
36.	ПЗР тизими	6	–	–	2	2	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	2
37.	Гамма-зонд (SLNB-биопсия учун)	16	2	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1

QMMB: 07/26/238/0623-son
25.06.2026-y.

Т/р	Тиббий асбоб-ускуна номи	ЖАМИ	РИО ва РИАТМ	ҚҚР филиали	Андижон вилояти филиали	Бухоро вилояти филиали	Жиззах вилояти филиали	Қашқадарё вилояти филиали	Навоий вилояти филиали	Наманган вилояти филиали	Сурхондарё вилояти филиали	Сирдарё вилояти филиали	Тошкент вилояти филиали	Фарғона вилояти филиали	Хоразм вилояти филиали	Қўқон шаҳри филиали	Самарқанд вилояти филиали
2030 йил																	
38.	КТ 128 кесимлик	9	–	–	1	1	–	–	1	1	1	1	–	–	1	1	1
39.	МРТ (≥1,5 Т)	7	–	1	1	–	1	1	–	1	–	–	–	1	1	–	–
40.	Портатив УТТ ускунаси	16	2	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1

Изоҳ:

**) Соғлиқни сақлаш вазирлигига лойиҳа доирасида тақсимланмаган маблағларни эҳтиёждан келиб чиқиб қайта тақсимлаш ваколати берилади.*

***) Миллий дастурни амалга ошириш жараёнида, заруратга кўра, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рўйхатга ўзгартиришлар киритилиши мумкин.*

****) Автоматик трепанлар учун игналар ҳудудларда саратон касалликлари тарқалишини ҳисобга олган ҳолда тақсимланади.*

QMMB: 07/26/238/0623-son
25.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 24 июндаги ПҚ–238-сон қарорига
6-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 июлдаги “Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–5169-сон қарорида:

(а) 3-бандниг тўртинчи хатбошиси “2022/2023 ўқув йилидан” сўзлари “2028/2029 ўқув йилидан” сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 4-иловада:

(i) 3-позицияда “Амалга ошириш муддатлари” устунидаги “2022/2023 ўқув йили” ва “Доимий равишда” сўзлари тегишлича “2028/2029 ўқув йили” ва “2027 йил якунига қадар” сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) 5-позицияда “Амалга ошириш муддатлари” устунидаги “2022/2023 ўқув йили” сўзлари “2028/2029 ўқув йили” сўзлари билан алмаштирилсин;

(iii) 8-позицияда “Амалга ошириш муддатлари” устунидаги “2022/2023 ўқув йили” сўзлари “2028/2029 ўқув йили” сўзлари билан алмаштирилсин;

(iv) 9-позицияда “Амалга ошириш муддатлари” устунидаги “2022/2023 ўқув йилидан бошлаб” сўзлари “2028/2029 ўқув йилидан бошлаб” сўзлари билан алмаштирилсин;

(v) 11-позицияда “Амалга ошириш муддатлари” устунидаги “2022 йил 1 декабрь”, “2022–2023 йиллар давомида белгиланган муддатларда” ва “Мунтазам равишда” сўзлари тегишлича “2027 йил 1 декабрь”, “2027-2028 йиллар давомида белгиланган

муддатларда” ва “2027 йил якунига қадар” сўзлари билан алмаштирилсин;

(vi) 12-позицияда “Амалга ошириш муддатлари” устунидаги тегишли келишикдаги “2022/2023 ўқув йили” сўзлари тегишли келишикдаги “2027/2028 ўқув йили” сўзлари билан алмаштирилсин;

(vii) 17-позицияда “Амалга ошириш муддатлари” устунидаги “2022 йил якунига қадар” сўзлари “2027 йил якунига қадар” сўзлари билан алмаштирилсин;

(viii) 18-позицияда “Амалга ошириш муддатлари” устунидаги “2022/2023 ўқув йили” сўзлари “2028/2029 ўқув йили” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 апрелдаги “Самарқанд давлат тиббиёт университетини ташкил этиш ва соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ–188-сон қарорида:

(a) 7-бандниng учинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошлари билан алмаштирилсин:

“Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд вилояти филиали янги бинога кўчирилиши муносабати билан ушбу филиалнинг бўшайдиган Самарқанд шаҳар, Махдуми Аъзам кўчаси, 18-уй манзилида жойлашган биноси Университетга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул берилади. Бунда:

ушбу бинода реконструкция ва жиҳозлаш ишларини олиб бориш мақсадида бажарилаётган лойиҳалаш ишлари тўхтатилиб, Университет томонидан халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд вилояти филиалининг фаолият кўрсатмаётган биноси, Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда қурилаётган болалар онкогематология бўлими негизида замонавий кўп тармоқли клиника концепцияси ва лойиҳаси ишлаб чиқилади;

QMMB: 07/26/238/0623-son
25.06.2026-y.

концепцияни ишлаб чиқиш ва лойиҳалаш ишларини амалга ошириш билан боғлик харажатлар Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади";

(б) 8-бандда:

(i) иккинчи хатбошидаги "жиҳозлаш учун" сўзларидан кейин "зарур маблағларни назарда тутсин" сўзлари билан тўлдирилсин;

(ii) учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

(в) 1-илованинг 19-позицияси чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 майдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–140-сон қарорига 3-илованинг 5-позицияси чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги "Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–162-сон қарорига 1-илованинг 11, 20, 21, 22 ва 24-позициялари чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 январдаги "Фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–14-сон қарорида 4-банди тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 9 февралдаги "Қашқадарё вилоятида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–67-сон қарорида:

а) 2-бандда:

(i) учинчи хатбошидаги "мувофиқ" сўзидан кейин "тасдиқлансин" сўзи билан тўлдирилсин;

(ii) тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

(б) 1-иловада:

(i) 1-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"

1.	Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида буйрак трансплантацияси амалиётларини жорий этиш.	1. 32 нафар малакали мутахассислардан иборат гуруҳни Россия, Беларусь, Ҳиндистон давлатлари ва республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида малака оширишини таъминлаш. 2. Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари мутахассислари ва чет эллик мутахассислар иштирокида мастер-класслар ташкил этиш. 3. Буйрак трансплантацияси амалиётларини вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида мустақил йўлга қўйиш.	2024 — 2026 йиллар	Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э. Адилов), Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (М. Азимов)

"

(ii) 15-позицияда:

"Амалга ошириш муддатлари" устунидаги "2024–2026 йиллар" сўзлари "2026–2028 йиллар" сўзлари билан алмаштирилсин;

"масъул ижрочилар" устунидаги "Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров)" сўзлари "Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э. Адилов)" сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 майдаги "Онкологик, гематологик ва иммунологик касалликларга чалинган болаларга тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–183-сон қарорига 4-иловада:

(а) 9-позиция "Ижро муддати" устунидаги "2024–2026 йиллар" сўзлари "2024–2027 йиллар" сўзлари билан алмаштирилсин;

QMMB: 07/26/238/0623-son
25.06.2026-y.

(б) изоҳ қисми қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Соғлиқни сақлаш вазирлигига дастурда белгиланган қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиш, лойиҳаларга ўзгартириш киритиш ва тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш дастурларига тузатишлар киритиш ҳуқуқи берилади".

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 29 майдаги "Таркибий ислоҳотларни амалга оширишда экспертлик кўмаги самарадорлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–198-сон қарори 3-бандининг ўн тўртинчи хатбошисидаги "Марказий банкка" сўзлари "Марказий банк, тиббиёт муассасалари ҳамда тиббиёт ва фармацевтика соҳасида кадрлар тайёрловчи таълим муассасаларига" сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 августдаги "Ўзбекистон Республикасида 2024 – 2030 йилларда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–308-сон қарорида:

(а) 1-илованинг 4-позицияси чиқариб ташлансин;

(б) 2-иловада:

(i) 9-позициянинг "Лойиҳа битимини имзолаш муддати" устунидаги "2025 йил" сўзлари "2027 йил" сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) 12-позицияси чиқариб ташлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 ноябрдаги "Аёллар орасида онкологик касалликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–402-сон қарорида:

(а) 4-бандниг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Кенгашга аҳоли ўртасида энг кўп учрайдиган (бачадон бўйни, кўкрак бези, йўғон ичак, ошқозон, простата бези ва ўпка) саратон касалликларини эрта аниқлашда ўтказиладиган лаборатор ва инструментал диагностик текширувлар билан қамраб олинадиган

аҳоли ёшини молиялаштириш манбалари асосида мустақил белгилаш ваколати берилади”;

(б) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

саратон касалликларини назорат қилишга қаратилган лойиҳаларни (кейинги ўринларда – лойиҳалар) мувофиқлаштириш;

лойиҳалар доирасида фақат синовдан ўтган тестлар, фармацевтика маҳсулотлари ҳамда вакциналар, далилларга асосланган диагностика ва даволаш усуллари қўлланишини назорат қилиш;

Дастурга оид харидларни амалга оширишда, маблағлар ва тиббий ускуналарни тақсимлашда, қарор қабул қилишда Кенгаш аъзоларида манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, жамоат саломатлиги этикасига асосланиб қарорлар қабул қилиш;

аҳоли ўртасида энг кўп учрайдиган (бачадон бўйни, кўкрак бези, йўғон ичак, ошқозон, простата бези ва ўпка) саратон касалликларини эрта аниқлашда ўтказиладиган лаборатор ва инструментал диагностик текширувлар билан қамраб олинадиган аҳоли ёшини соғлиқни сақлаш бўйича халқаро ташкилотлар тавсияларига мувофиқ қайта кўриб чиқиш ҳамда аниқ молиялаштириш манбаларидан келиб чиқиб белгилаш;

онкология соҳасининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш, соҳани ривожлантириш йўналишлари ва энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини (KPI) белгилаш ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш бўйича “йўл хариталари”ни тасдиқлаш;

лойиҳалар иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларни барча босқичларда қўллаб-қувватлаш ишларини ташкил этиш;

лойиҳаларни молиялаштириш, инфратузилма ва тартибга солиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, тизимли масалалар юзасидан қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

онкология соҳасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини таҳлил қилиш мақсадида чораклик йиғилишлар ўтказиб бориш;

Дастурнинг амалга оширилиши ва мақсадли кўрсаткичларга эришилиши юзасидан ҳар йили таҳлилий ҳисоботларни жамоатчиликка эълон қилиб бориш;

лойиҳаларнинг натижаси ҳақидаги маълумотларни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилишини таъминлаш";

(в) 2-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 22 ноябрдаги ПҚ–402-сон қарорига
2-илова

Саратон касаллиги назорати соҳасидаги лойиҳаларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштирувчи кенгаш
ТАРКИБИ

Э.Э.Адилов	–	соғлиқни сақлаш вазири, *Кенгаш раиси*
Лавозими бўйича (келишув асосида)	–	Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси
Лавозими бўйича (келишув асосида)	–	Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси
О.С.Имамов	–	соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари
О.Р. Фазилкаримов	–	иқтисодиёт ва молия вазирининг ўринбосари
А.Ф.Умарова	–	Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги масъул ходими

Д.Ж.Аниёзова	–	Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги масъул ходими
Н.С.Надирханова	–	Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази директори
С.Кая	–	Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори
Д.Ш.Полатова	–	Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт маркази директори
М.С.Исламов	–	Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази директори
А.А.Абдукаюмов	–	Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори
Ш.Т.Мухтаров	–	Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази директори
С.И.Исмаилов	–	Академик В. Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори
М.А.Саидов	–	Миллий тиббиёт маркази директори
З.Ш.Эрматов	–	Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ижро этувчи директори
Э.Э.Гимранов	–	“Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор – “UZINFOCOM” МЧЖ директори
Лавозими бўйича (келишув асосида)	–	Ўзбекистон Врачлар ассоциацияси, Ўзбекистон акушер-гинекологлар ассоциацияси, Ўзбекистон онкологлар ассоциацияси, Ўзбекистон урологлар илмий жамияти, ЖССТ, ЮНФПА ва бошқа хорижий ташкилотлар вакиллари

Лавозими бўйича (келишув асосида)	–	Нодавлат тиббиёт ташкилотлари вакиллари
Лавозими бўйича	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш департаменти бошлиғи, *Кенгаш котиби*

Изоҳлар:

**) Кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.*

***) Кенгаш раисига зарур ҳолларда Кенгаш таркибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилади".*

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 29 ноябрдаги "Тиббиёт муассасаларини фармацевтика маҳсулотлари ва тиббий жиҳозлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–408-сон қарори 2-бандининг "г" кичик бандида:

(а) иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

(б) учинчи – бешинчи хатбошилар тегишинча иккинчи – тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

(в) тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ушбу бандда назарда тутилган талаблар давлат захирасидан чиқарилган, танқислик рўйхатига киритилган ҳамда соғлиқни сақлаш вазирининг алоҳида кўрсатмасидаги дори воситаларини харид қилиш учун татбиқ этилмайди".

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 22 апрелдаги "Тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–149-сон қарорининг 7-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 майдаги “2025–2030 йилларда болалар саратонига қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–186-сон қарорида:

(а) 12-банд қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ушбу бандда назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун Академик хабга халқаро таълим ташкилотлар, хорижий ва маҳаллий экспертларни Академик хабнинг фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобидан тўғридан-тўғри шартномалар асосида жалб қилиш ҳуқуқи берилади”;

(б) 21-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

21. “Соғлиқни сақлаш вазирлигига Лойиҳа амалга оширилишига ва бошқа ҳудудларда босқичма-босқич жорий этилишига қараб Стратегия параметрларига, шунингдек, қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиш, лойиҳаларга ўзгартириш киритиш ва тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш дастурларига тузатишлар киритиш ҳуқуқи берилсин”;

(в) 1-илованинг 18 позицияси “Амалга ошириш механизми” устуни 2 ва 3-бандларидаги “30 – 80 ўринли” сўзлари “110 ўрингача” сўзлари билан алмаштирилсин;

(г) 3-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 19 майдаги ПҚ-186-сонли қарорига
3-илова

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари учун қўшимча биноларни қуриш режаси

Т/р	Ҳудудлар	Бино қуввати (шифо ўрни)			
		Жами	2025 йил	2026 йил	2027 йил
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	80			80
2.	Андижон вилояти	80		80	
3.	Бухоро вилояти	40			40
4.	Жиззах вилояти	30			30
5.	Навоий вилояти	30			30
6.	Наманган вилояти	50			50

QMMB: 07/26/238/0623-son
25.06.2026-y.

7.	Самарқанд вилояти	80	80		
8.	Сирдарё вилояти	30			30
9.	Тошкент вилояти	50			50
10.	Фарғона вилояти	50			50
11.	Хоразм вилояти	40		40	
ЖАМИ		**560**	**80**	**120**	**360**

Изоҳлар:

Қўшимча биноларни қуриш 2025 — 2027 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида қурилаётган онкогематология бўлимлари лойиҳалари халқаро стандартлар талабларига мослаштирилади.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 19 июндаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 382-сон қарорига 2-илованинг “III Амбулатор шароитда аҳоли (беморлар)га бериладиган дори воситалари” бўлими қуйидаги мазмундаги 19-кичик бўлим билан тўлдирилсин:

“

19. Холиномиметик ва антихолинестераз воситалар		
69.	Пиридостигмина бромид	Таблетка 60 мг

”

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 ноябрдаги “Дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги ҳамда Тиббий жиҳозларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 738-сон қарорида:

(a) 1-иловада:

(i) 14-бандниng “д” кичик банди учинчи хатбошисидан “ҳар бир ишлаб чиқарувчининг дори моддаси (субстанцияси)дан ишлаб чиқарилган намуналар,” сўзлари чиқариб ташлансин;

(ii) 18-бандниng биринчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан” сўзларидан кейин “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Савдо-саноат палатаси билан келишилган ҳолда” сўзлари билан тўлдирилсин;

(iii) 22-банд “а” кичик бандида:

тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Адлия вазирлигининг “Саноат мулки муҳофазаси портали”дан фойдаланган ҳолда интеллектуал мулк объектларига (товар белгиси ва саноат намунасига) бўлган ҳуқуқларга риоя этилганлигини текшириш ва (ёки) ўрганиш”;

бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

олтинчи – ўн бешинчи хатбошилар тегишинча бешинчи – ўн тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

(iv) 3-иловада:

1.10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1.10. Ишлаб чиқариш ҳужжатлари:

ишлаб чиқаришнинг барча босқичларидаги ишлаб чиқариш майдончалари (фаол модда (субстанция) ишлаб чиқариш босқичи бундан мустасно) учун Ўзбекистон Республикасининг “Зарур ишлаб чиқариш амалиёти – GMP” миллий стандарти талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги сертификат (мавжуд бўлганда);

хорижий ишлаб чиқарувчилар учун дори воситаси ишлаб чиқарилаётган объектга нисбатан тегишли хорижий давлат(лар)нинг ваколатли органи ёки бошқа ваколатли орган (ЖССТ рўйхатига киритилган (WLA) ёки Global Benchmarking Tool бўйича етукликнинг 4-даражасидаги (Maturity Level 4) тартибга солувчи органлар) томонидан ўтказилган “Зарур ишлаб чиқариш амалиёти – GMP” инспекцияси натижаларини тасдиқловчи ҳужжатлар (ишлаб чиқаришнинг барча босқичларидаги ишлаб чиқариш майдончалари учун, фаол модда (субстанция) ишлаб чиқариш босқичи бундан мустасно). Бунда сертификат билан бирга сўнгги инспекция ҳисоботининг тўлиқ нусхаси ҳам илова қилинади. Ушбу ҳисоботда

аниқланган камчиликлар, уларни бартараф этиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар (CAPA) ҳамда қайта кўриб чиқиш натижалари ва якуний хулоса келтирилган бўлиши лозим;

ишлаб чиқаришнинг барча босқичларидаги ишлаб чиқариш майдончалари (фаол модда (субстанция) ишлаб чиқариш босқичи бундан мустасно) учун улар жойлашган давлатлардаги ваколатли органлар томонидан дори воситаларини ишлаб чиқаришга берилган лицензия.";

1.15-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

"1.15. Дори воситаларида қўлланилган интеллектуал мулк объектларига (товар белгилари ва саноат намуналари) бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи муҳофаза ҳужжати (гувоҳнома, патент ва уларга илова) ёки улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома (мавжуд бўлганда)";

(б) 2-иловада:

(i) 13-бандниг биринчи хатбошисидаги "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан" сўзларидан кейин "Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Савдо-саноат палатаси билан келишилган ҳолда" сўзлари билан тўлдирилсин;

(ii) 16-банд учинчи хатбошисидаги "мувофиқлиги юзасидан" сўзларидан кейин "сертификатлаштириш ёки" сўзлари билан тўлдирилсин;

(iii) 17-бандда:

"а" кичик бандда:

учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Адлия вазирлигининг "Саноат мулки муҳофазаси портали"дан фойдаланган ҳолда интеллектуал мулк объектларига (товар белгиси ва саноат намунасига) бўлган ҳуқуқларга риоя этилганлигини текширилади ва (ёки) ўрганилади";

тўртинчи хатбошидан “ҳамда тиббий жиҳозларда ИМОга бўлган ҳуқуқларга риоя этилганлиги юзасидан ўрганиш” сўзлари чиқариб ташлансин;

“д” кичик бандда:

иккинчи хатбошидан “ва белгиланган тартибда сертификатлаштирилади” сўзлари чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбошидан “Бунда рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган тиббий жиҳоз ишлаб чиқарилган даврда ушбу тиббий жиҳоз ишлаб чиқариш шароитларининг «ISO: 13485» халқаро стандарти билан уйғунлаштирилган Ўзбекистон Республикасининг миллий стандарти талабларига мувофиқлиги юзасидан инспекцияси ўтказилган бўлиши лозим” жумласи чиқариб ташлансин;

(iv) 3-иловада:

8-позициянинг “Ҳужжатлар” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Тиббий жиҳозда қўлланилган интеллектуал мулк объектларига (товар белгилари ва саноат намуналари) бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи муҳофаза ҳужжати (гувоҳнома, патент ва уларга илова) ёки улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома (мавжуд бўлганда)”;

(ii) изоҳ қисмидаги “ҳужжатларда айрим маълумотларни асослаган ҳолда киритмаслиги” сўзлари “айрим талаб этиладиган ҳужжатлар ёки улардаги маълумотлар мавжуд бўлмаган тақдирда, ушбу ҳолатни асослаб берувчи расмий хат (асосланган тушунтириш хати) орқали тақдим этиши” сўзлари билан алмаштирилсин.

QMMB: 07/26/239/0631-son
26.06.2026-y.

25 (1253)-son
614-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 yil «24» июнь №ПҚ–239

Аҳолига паллиатив тиббий хизматлар кўрсатишни такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

Оғир касалликларга чалинган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, уларга оғриқни камайтириш, касаллик белгиларини назорат қилиш ҳамда узлуксиз комплекс тиббий-ижтимоий, психологик ва парвариш ёрдамини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, паллиатив тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар мазкур қарорнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) паллиатив тиббий ёрдамини кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини шакллантириш ҳамда аҳоли учун ушбу хизматларнинг қамровини **2030 йилга қадар камида 80 фоизга** етказиш;

(б) паллиатив ёрдамга муҳтож шахслар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш ҳамда манзилли тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини шакллантириш;

(в) оғир касалликларга чалинган беморларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш;

(г) паллиатив ёрдам соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш;

(д) оғир касалликларнинг кечки босқичларида бўлган беморларга уй шароитида тиббий хизмат кўрсатиш механизмларини жорий этиш, **стационар тиббиёт муассасалари юкламасини** камайтириш ҳамда тиббий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш.

II. Аҳолига паллиатив тиббий хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш

2. 2026 йил 1 октябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) республикада паллиатив тиббий ёрдам кўрсатишнинг ягона тизими тиббий ва ижтимоий хизматлар интеграцияси асосида ташкил этилади;

(б) паллиатив тиббий ёрдамга муҳтож шахсларни аниқлаш, хизмат олиш учун йўллаш, ҳисобга олиш ва уларга хизмат кўрсатиш жараёнлари электрон ахборот тизими орқали амалга оширилади;

(в) мобил паллиатив бригадалар фаолияти йўлга қўйилади ҳамда улар орқали уй шароитида тиббий ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш таъминланади;

(г) стационар шароитдаги паллиатив тиббий ёрдам ушбу хизматларни кўрсатувчи давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари ҳамда хоспислар томонидан тақдим этилади;

(д) паллиатив тиббий ёрдамини кўрсатишда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) “сифатли тиббий хизматлар” тамойиллари, жумладан, самарадорлик, хавфсизлик, тенглик, интеграция ва ресурслардан оқилона фойдаланиш мезонлари асосида миллий сифат индикаторлари жорий этилади;

(ж) аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ҳудудларда хоспис муассасалари босқичма-босқич ташкил қилинади.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

(а) Тошкент шаҳар ҳудудлараро хосписини (кейинги ўринларда – Методологик марказ) республикада паллиатив тиббий ёрдам кўрсатишни методологик бошқариш, бошқа ҳудудларда хоспис ишини ташкил қилишга масъул муассаса этиб белгилаш;

(б) **2026 йил 1 октябрдан бошлаб** дастлаб Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманида паллиатив тиббий ёрдам кўрсатишнинг янги тизими – онкологик касаллиги сабабли паллиатив тиббий ёрдамга муҳтож шахсларга хизмат кўрсатувчи мобил паллиатив бригадаларни ажратилган бюджет маблағлари ва штат бирликлари доирасида ташкил қилиш ва ушбу амалиётни босқичма-босқич бошқа ҳудудларда жорий қилиш;

(в) Самарқанд вилоятида оғир ва даволаб бўлмайдиган касалликларга чалинган болалар учун хоспис шаклида паллиатив тиббий ёрдам кўрсатиш марказини (кейинги ўринларда – **Болалар учун хоспис маркази**) ҳамда ушбу марказда тажриба-синов тариқасида стационар ва мобил паллиатив ёрдам бригадаларини ташкил этиш;

(г) Болалар учун хоспис марказига **2030 йил 1 январгача** бўлган муддатга ваколатли органларда мажбурий сертификатлаш тартиботларидан ўтишдан, шунингдек, объектларни қуриш ва жиҳозлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган ускуналар, бутловчи буюмлар, деталлар, эҳтиёт қисмлар ва материаллар божхона тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этиш.

4. Белгилансинки, аҳолига мобил паллиатив тиббий хизматлар кўрсатишда:

(а) **2027–2028 йилларда** қолган ҳудудларда мобил паллиатив бригадаларни ташкил қилиш режа-графиги, паллиатив ёрдамга муҳтожликни аниқлаш тартиби Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Агентлик ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади;

(б) паллиатив ёрдамга муҳтож шахслар ҳисобини юритиш, ушбу ёрдамни кўрсатиш хизматларига йўналтириш ва хизмат кўрсатиш жараёнлари электрон ахборот тизимида юритилади;

(в) мобил паллиатив бригадалар томонидан паллиатив ва хоспис ёрдамига муҳтож шахслар яшаш манзилларида беморнинг ҳолати баҳоланади ҳамда индивидуал режа асосида ёрдам кўрсатилади;

(г) беморнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар, жумладан, ноинъекцион шаклидаги дори воситалари билан реимбурсация дастури асосида таъминланади;

(д) ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз ёки ёлғиз яшовчи кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга кучли таъсир қилувчи дори воситалари яшаш жойига етказиб берилади;

(ж) паллиатив ёрдамга муҳтож электрон ахборот тизимида қайд этилган беморларга тиббий-ижтимоий экспертиза комиссияси томонидан қўшимча тиббий текширув ва кўрикларсиз ногиронлик белгиланади;

(з) Агентлик томонидан:

(i) уй шароитида паллиатив ёрдамга муҳтож шахслар ётоқ ҳолатдаги функционал каравот ва махсус матраслар билан ваучер тизими асосида таъминланади;

(ii) маҳалла даражасида паллиатив ёрдам кўрсатиш тизимини йўлга қўйишда ваучер асосида паллиатив ёрдамга муҳтож шахсларни уй шароитида қараб туриш ва парвариш хизматидан фойдаланиш имконияти яратилади;

(и) паллиатив ёрдам кўрсатишнинг янги тизими жорий этиладиган ҳудудлар рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Агентлик ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади. Бунда мобил паллиатив ва хоспис ёрдами кўрсатиладиган касалликлар турларини ҳам босқичма-босқич кенгайтириб бориш инобатга олинади.

5. Белгилансинки:

(а) Методологик марказ юридик шахс мақомига эга бўлган тиббиёт муассасаси ҳисобланади;

(б) 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб Методологик марказда:

(i) паллиатив ёрдамга муҳтож шахсларнинг оила аъзолари учун Оилани қўллаб-қувватлаш хизмати йўлга қўйилади;

(ii) паллиатив ёрдамга муҳтож шахслар ва уларнинг яқинлари учун "Паллиатив парвариш қоидалари" махсус ўқув-амалий машғулотлар ташкил этилади;

(в) 2027 йил 1 январдан бошлаб Оилани қўллаб-қувватлаш хизмати ҳудудлараро хосписларда йўлга қўйилади;

(г) паллиатив ёрдам доирасида кўрсатиладиган тиббий хизматлар Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Кузатув кенгаши томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ мазкур Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

(д) Болалар учун хоспис маркази:

(i) оғир ва даволаб бўлмайдиган касалликларга чалинган болаларга стационар ва мобил шаклларда паллиатив ёрдам кўрсатувчи Агентлик ҳузуридаги алоҳида юридик шахс мақомига эга бўлган давлат муассасаси ҳисобланади;

(ii) 2026 йил 1 июлдан бошлаб ўз фаолиятини бошлайди;

(ж) Болалар учун хоспис марказида тиббий фаолиятни методик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда назорат қилиш, тиббиёт ходимларининг тоифасини белгилаш ва малакасини ошириш, гиёҳвандлик воситалари ҳамда психотроп моддалар сақланиши устидан назорат Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади. Бунда Болалар учун хоспис марказининг бош врачи бир вақтнинг ўзида Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокорининг паллиатив ёрдам бўйича ўринбосари ҳисобланади ҳамда соғлиқни сақлаш вазири билан келишган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

(з) Болалар учун хоспис маркази қўшимча молиявий кўмак ва хоспис хизмати бўйича амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳомийлик ва хайрия маблағларини жамғарадиган нодавлат нотижорат ташкилотини таъсис этиши ҳамда унга Агентлик ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ижтимоий буюртмалар берилиши мумкин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) нодавлат тиббиёт ташкилотларига паллиатив ёрдамни кўрсатишга рухсат этилади. Бунда улар томонидан Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан тиббий хизматлар хариди бўйича ўрнатилган тартибда шартнома тузилади ва кўрсатилган тиббий хизматга кўра молиялаштирилади;

(б) паллиатив ёрдамга муҳтож шахс яшаш манзилидан қатъи назар, паллиатив ёрдам учун ажратилган шифо ўринга экстерриториал тамойили асосида бепул жойлаштирилади ҳамда унга кўрсатилган хизматлар Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

(в) катталар ва болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларида бир нафардан паллиатив ёрдам шифокори лавозими учун қўшимча штат бирликлари ажратилади.

7. 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб беморларга паллиатив ёрдамни кўрсатишда иштирок этувчи тиббиёт ходимлари ойлик лавозим маошларига қуйидаги миқдорларда қўшимча устамалар тўланади. Бунда:

(а) туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиника ҳамда марказий шифохоналарнинг онколог шифокори ва ўрта тиббиёт ходими, катталар ва болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг паллиатив ёрдам шифокори ҳамда хоспис муассасаларининг шифокор ва ўрта тиббиёт ходимларига:

(i) фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI)га эришганлиги учун лавозим маошининг 100 фоизигача;

(ii) паллиатив ёрдам бўйича махсус ўқув дастури асосида ташкил этиладиган курснинг барча босқичларини муваффақиятли тугатган тиббиёт ходимлари учун курс якуни бўйича бериладиган сертификатга мувофиқ ойлик лавозим маошининг 50 фоизи. Бунда курс якунлангандан **уч ой муддатдан** сўнг иш жойида бориб баҳоланганда курсда ўргатилган паллиатив ёрдам тамойилларини амалиётга тўлиқ жорий этган мутахассисларга ушбу устама миқдори 100 фоизга етказилади;

(iii) Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими муассасаларида Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳамда тиббиёт муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, Агентлик тизими муассасаларида Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан рағбатлантирилади;

(б) хоспис муассасалари ходимларига лавозим маошининг 100 фоизи.

8. Қуйидагилар:

(а) Аҳолига паллиатив тиббий хизматлар кўрсатишни ташкиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар дастури **1-иловага** мувофиқ;

(б) Паллиатив тиббий ёрдам кўрсатувчи ташкилотларни ташкил этиш режаси **2-иловага** мувофиқ;

(в) Паллиатив тиббий ёрдам кўрсатишни ривожлантиришда "Сифатли тиббий хизматлар" индикаторлари **3-иловага** мувофиқ;

(г) "E-palliative" ахборот тизимига интеграция қилинадиган ахборот тизимлари (базалари) рўйхати **4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

III. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги **2026 йил 1 октябрга қадар**:

(а) паллиатив тиббий ёрдам кўрсатувчи бино-иншоотлар ҳамда уларни жиҳозлашга бўлган талаблар, шунингдек, мобил паллиатив бригадалар учун зарур тиббий жиҳозлар рўйхатини тасдиқласин;

(б) Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда паллиатив ва хоспис ёрдамига муҳтож шахсларни идентификация қилиш, ҳисобини юритиш, хизматларга йўналтириш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини, хизмат кўрсатишда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ҳисобини юритиш имконини берувчи электрон ахборот тизимини амалиётга жорий қилсин;

(в) Ички ишлар вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги билан биргаликда паллиатив ёрдамга муҳтожларга гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар, жумладан, ноинъекцион шаклидаги дори воситаларини буюриш, яшаш жойига етказиб бериш, сақлаш, реализация қилиш, бериш, ҳисобга олиш ва йўқ қилиш, фойдаланиш назоратини олиб бориш тартиби тасдиқланишини ва жараёнларнинг электрон ахборот тизимида юритилишини таъминласин;

(г) Агентлик билан биргаликда Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ва Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан мобил паллиатив бригадалар, шунингдек, паллиатив тиббий ёрдам кўрсатишда иштирок этувчи мутахассисларни Методологик марказда махсус ўқув дастури асосида тайёрлашни бошласин;

(д) Дин ишлари бўйича қўмита билан биргаликда паллиатив ёрдамга муҳтож шахсларнинг маънавий ва руҳий ҳолатини қўллаб-қувватлаш мақсадида муассасаларда диний соҳада билим ва малакага эга ходимлар ташрифини ташкил этиш, улар томонидан бемор ва унинг оила аъзоларига инсонпарварлик, маънавий таълимот ва руҳий тасаллига оид хизматлар кўрсатиш режасини тасдиқласин ҳамда ижросини амалга оширсин;

(ж) Методологик марказнинг ташкилий тузилмаси, низоми ва вазифаларини тасдиқласин ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин;

(з) Агентлик билан биргаликда паллиатив тиббий ёрдам кўрсатишда мобил паллиатив бригадаларни ташкил қилиш, муҳтожликни аниқлаш, беморлар, шу жумладан, бемор болаларни уйда парвариш қилиш, паллиатив тиббий ёрдамини кўрсатиш тартибини тасдиқласин;

(и) Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан биргаликда паллиатив ёрдам доирасида кўрсатиладиган тиббий хизматларни Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан харид қилиш орқали молиялаштириш тартибини ишлаб чиқсин ва Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланишини таъминласин.

10. Белгилаб қўйилсинки, аҳолига паллиатив тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш, беморлар реестрини юритиш мақсадида электрон ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича:

(а) 2026 йил учун Давлат бюджети маблағлари, халқаро молия институтлари грант маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

(б) қуйидагилар масъул ҳисобланади:

(i) Соғлиқни сақлаш вазирлиги – буюртмачи, тизим функционаллиги ва методологик раҳбарлик қилишга;

(ii) Агентлик – ижтимоий хизмат ва ёрдамларни, шунингдек, ваучер асосида хизмат кўрсатиш механизмлари билан интеграция қилишга;

(iii) Рақамли технологиялар вазирлиги – ахборот тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш, интеграция ва эксплуатация қилишга;

(в) Соғлиқни сақлаш вазирлиги **уч ой муддатда** паллиатив тиббий ёрдам бўйича махсус ўқув курсини муваффақиятли тугатган тиббиёт ходимлари фаолиятини иш жойида бориб ўрганиш орқали курсда ўргатилган паллиатив ёрдам тамойилларини амалиётга тўлиқ жорий этилганлигини баҳолаш тартибини ишлаб чиқсин;

(г) Соғлиқни сақлаш вазирлиги Агентлик билан биргаликда **2026 йил якунига қадар:**

(i) нодавлат тиббиёт ташкилотларида паллиатив тиббий ёрдамни ташкил этишга қўйиладиган талабларни тасдиқлаш чораларини кўрсин;

(ii) паллиатив тиббий ёрдам кўрсатишда нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатилган хизматлар харидини Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси орқали амалга ошириш тизимини йўлга қўйсин.

11. 2026 йил 1 августдан бошлаб Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида қуйидаги мақсадлар учун хосписларнинг шахсий ғазна ҳисобварақлари очилсин:

(а) жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий хайриялари;

(б) давлат, хорижий ва халқаро ташкилотлар, чет эл давлатлари ажратадиган грантлар;

(в) фандрайзинг механизмлари орқали келиб тушган маблағлар;

(г) қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан келиб тушган маблағлар.

Бунда белгилаб қўйилсинки, ушбу маблағлар беморларга паллиатив парвариш хизматларини ташкил қилиш, хосписда бемор эҳтиёжига мос шарт-шароитларни яратиш, мобил паллиатив ёрдам бригадаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш, хоспис инфратузилмасини сақлаш ва таъмирлаш, тиббиёт ходимлари малакасини ошириш, шу жумладан, хоспис ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга сарфланади.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари:

(а) 2027 йил 1 январга қадар хоспислар, шунингдек, мобил паллиатив бригадалар ташкил этиладиган туман (шаҳар) марказий шифохоналари ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларда автотранспорт воситалари мавжудлиги юзасидан хатлов ўтказсин;

(б) 2028 йил якунига қадар хатлов натижаси ҳамда фаолияти жорий этилган мобил паллиатив бригадаларни автотранспорт воситаси билан таъминласин.

13. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур қарорни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш мақсадида:

(а) 2026 йилда Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туманида мобил паллиатив бригадаларини ташкил қилиш ҳамда бошқа тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағларни республика бюджети параметрларида хосписларни ташкил ташкил этиш назарда тутилган маблағлар ҳисобидан ажратсин;

(б) 2027 йилдан бошлаб мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун ҳар йили зарур маблағларни Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори М.П. Оллоёров ҳамда соғлиқни сақлаш вазири Э.Э. Адилов белгилансин.

15. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/239/0631-son
26.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 24 июндаги ПҚ– 239-сон қарорига
1-илова

QMMB: 07/26/239/0631-son
26.06.2026-y.

Аҳолига паллиатив тиббий хизматлар кўрсатишни ташкиллаштириш юзасидан
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари ва шакли	Муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
1.	Паллиатив ёрдамни кўрсатишда мобил паллиатив бригадаларни ташкил қилиш, муҳтожликни аниқлаш, беморларни уйда парвариш қилиш, **паллиатив ёрдамни кўрсатиш тартибини белгилаш**.	1. Тартиб лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Тартиб лойиҳасини келишиш ва тасдиқлаш.	2026 йил октябрь	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
2.	**Хоспислар** фаолиятини такомиллаштириш.	1. Халқаро тажриба асосида хосписларнинг намунавий низоми ва намунавий штат бирликларини қайта ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Бунда хосписларда ижтимоий ходим, психолог ҳамда ҳар бир клиник бўлим учун бўлим мудири ва катта ҳамшира лавозимини қўшимча киритиш назарда тутилади. 2. Тошкент шаҳар ҳудудлараро хосписининг низоми ва штат бирликларини тасдиқлаш.	2026 йил август	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
3.	Катталар ва болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг **штат бирликларини** қайта кўриб чиқиш.	Катталар ва болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг намунавий штат бирликларини қайта тасдиқлаш. Бунда ушбу муассасаларнинг ҳар бирида паллиатив ёрдам шифокори лавозими учун қўшимча 1 та штат бирлиги, жами 28 та штат бирлигини ажратиш назарда тутилади.	2027 йил январь	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги

QMMB: 07/26/239/0631-son
26.06.2026-y.

QMMB: 07/26/239/0631-son
26.06.2026-y.

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари ва шакли	Муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
4.	Паллиатив ёрдам кўрсатувчи ходимлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш (**KPI**) тартибини жорий этиш.	1. Паллиатив ёрдам кўрсатувчи ходимлар фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Фаолият самарадорлиги кўрсаткичлари (KPI)га эришганлиги учун лавозим маошининг 100 фоизигача ҳар ойлик қўшимча устамалар тўланишини жорий этиш.	2026 йил сентябрь	Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари, тиббиёт муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари, Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
5.	Паллиатив ёрдам кўрсатишга бўлган **талабларни белгилаш**.	1. Хоспислар хоналарининг сони ва майдони, жиҳозланадиган тиббий ускуналар рўйхатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Мобил бригадалар учун зарур тиббий жиҳозлар рўйхатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Нодавлат тиббиёт ташкилотларида паллиатив ёрдамни ташкил этишга қўйиладиган талабларни тасдиқлаш.	2026 йил октябрь 2026 йил декабрь	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
6.	Паллиатив ёрдамга муҳтож бўлган беморлар учун **гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва алоҳида таъсир қилувчи моддалар,**	1. Паллиатив ёрдамга муҳтожларга гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва алоҳида таъсир қилувчи моддалар, жумладан, ноинъекцион шаклидаги дори воситаларни буюриш, яшаш жойига етказиб бериш, сақлаш, реализация қилиш, бериш,	2026 йил сентябрь	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Наркотиклар ва ўқотар

QMMB: 07/26/239/0631-son
26.06.2026-y.

QMMB: 07/26/239/0631-son
26.06.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари ва шакли	Муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
	жумладан, ноинъекцион шаклидаги дори воситалардан фойдаланиш устидан **назоратни ўрнатиш**.	ҳисобга олиш ва йўқ қилиш, фойдаланиш назоратини олиб бориш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Паллиатив ёрдам амалиётида фойдаланиладиган дори воситалари рўйхатига паллиатив ёрдам хизмати эҳтиёжларидан келиб чиқиб, паллиатив ёрдам соҳасидаги дори воситаларини, шу жумладан, ноинъекцион шаклдаги дори воситаларини ва даволаш стандартларини ҳамда жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўзгартириш киритиш.	2027 йил январь		қурилларни назорат қилиш агентлиги
7.	Паллиатив ёрдамга муҳтожларни гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар, жумладан, ноинъекцион шаклидаги дори воситалар **билан таъминлаш**.	Паллиатив ёрдамга муҳтожларни гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар, жумладан, ноинъекцион шаклидаги дори воситалар билан таъминлашда харид қилиш, етказиб бериш ва реализация қилиш жараёнларига кенг бозор механизмларини жорий қилиш.	2026 йил декабрь	–	Тиббиёт ва фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, Наркотиклар ва ўқотар қурилларни назорат қилиш агентлиги
8.	**E-Palliative** ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш.	1. Паллиатив ёрдамга муҳтожларни идентификация қилиш, ҳисобини юритиш, хизматларга йўналтириш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини, хизмат кўрсатишда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ҳисобини юритиш имконини берувчи E-Palliative ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш. 2. Ахборот тизимини DMED Ягона тиббий АТ	2026 йил октябрь	Давлат бюджети маблағлари, халқаро молия институтлари грант маблағлари, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар *(2,2 млрд сўм)*	Рақамли технологиялар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги

QMMB: 07/26/239/0631-son
26.06.2026-y.

QMMB: 07/26/239/0631-son
26.06.2026-y.

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари ва шакли	Муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
		ҳамда “Cancer-registr” ахборот модули билан интеграция қилиш.			
9.	Мобил бригадалар, шунингдек, паллиатив ёрдам кўрсатишда иштирок этувчи мутахассисларни **махсус ўқув курсида қайта тайёрлаш**.	1. Қайта тайёрлаш бўйича ўқув дастурлари ҳамда қайта ўқитиш графигини ишлаб чиқиш. 2. Тошкент шаҳар ҳудудлараро хосписда махсус ўқув дастури асосида мутахассисларни қайта тайёрлашни бошлаш. 3. Махсус ўқув курсини тугатган тиббиёт ходимлари фаолиятини ўрганиш ва паллиатив ёрдам тамойилларини амалиётга жорий этилганлигини баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2026 йил сентябрь 2026 йил ноябрь	Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари, Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
10.	**Давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари** томонидан кўрсатилган паллиатив ёрдам учун сарфланган маблағларнинг Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси маблағлари ҳисобидан **молиялаштириш тизимини йўлга қўйиш**.	1. Амбулатор ва стационар шароитда кўрсатиладиган паллиатив ёрдамнинг базавий нархларини тасдиқлаш. 2. Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан ўрнатилган тартибда шартнома тузган давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларининг хизматларини молиялаштириш.	2026 йил октябрь 2026 йил декабрь	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси
11.	Паллиатив ёрдамга муҳтож шахсларга ёрдам кўрсатиш учун уларнинг **яқинларини ўргатиш** бўйича махсус ўқув қўлланма, видеороликлар ва тарқатма материалларни жамоатчиликка	1. Паллиатив ёрдамга муҳтож шахсларга ёрдам кўрсатиш учун уларнинг яқинларини ўргатиш бўйича махсус ўқув қўлланма, видеороликлар ва тарқатма материалларни ишлаб чиқиш. 2. Ишлаб чиқилган махсус ўқув қўлланма, видеороликлар ва тарқатма материалларни	2026 йил октябрь	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги

QMMB: 07/26/239/0631-son
26.06.2026-y.

QMMB: 07/26/239/0631-son
26.06.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари ва шакли	Муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
	етказиш.	ижтимоий тармоқларга жойлаштириш ҳамда паллиатив ёрдамга муҳтож шахсларнинг яқин қариндошларига етказиш чораларини кўриш.			
12.	Уй шароитида паллиатив ёрдамни оладиган муҳтож шахсларни **зарур жиҳозлар билан таъминлаш**.	Уй шароитида паллиатив ёрдамни оладиган муҳтож шахсларни функционал каравот ва махсус матраслар билан ваучер тизими асосида белгиланган тартибда таъминлашни йўлга қўйиш.	2026 йил октябрь	–	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
13.	**Самарқанд вилоятида** тажриба-синов тариқасида оғир ва даволаб бўлмайдиган касалликларга чалинган болалар учун **хоспис шаклида** паллиатив ёрдам кўрсатиш марказини ташкил этиш.	1. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузурида оғир ва даволаб бўлмайдиган касалликларга чалинган болалар учун паллиатив ёрдам кўрсатиш мақсадида **Болалар учун хоспис марказини** (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этиш. Бунда: Марказ Самарқанд вилояти Реабилитация марказига эга давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти ҳудудида ташкил этилади; Марказ гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни лицензия асосида сақлаш, реализация қилиш, бериш ва йўқ қилиш фаолиятини амалга оширади; Марказ томонидан паллиатив ёрдам стационар ва мобил шаклларда кўрсатилади; Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда Марказнинг вақтинчалик низоми тасдиқланади; Марказ учун махсус жиҳозланган автомобиллар харид қилинади; Марказга гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва алоҳида тоифадаги кучли таъсир	2026 йил июль 2026–2027 йиллар	Давлат бюджети маблағлари, Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги

QMMB: 07/26/239/0631-son
26.06.2026-y.

QMMB: 07/26/239/0631-son
26.06.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари ва шакли	Муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
		қилувчи моддалар, жумладан, ноинъекцион шаклдаги дори воситаларини лицензия асосида буюриш, яшаш жойига етказиб бериш, сақлаш, реализация қилиш, бериш, ҳисобга олиш ва йўқ қилишга рухсат берилади; халқаро экспертларни жалб қилиш ҳамда хорижий давлатлар хоспислари фаолиятини бориб ўрганиш орқали Марказ ходимларининг малакаси оширилади ва ўқитилади. 2. Марказнинг штат бирликларини Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқлаш. 3. Самарқанд вилояти Реабилитация марказига эга давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти ҳудудида Марказ фаолиятини ташкил этиш учун янги бино қуриш ва жиҳозлаш. Бунда буюртмачи сифатида Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси” ДУКга бош лойиҳачи ва бош пудратчини давлат харидларининг “таклиф сўрови” тартиб-таомили орқали танлашга рухсат берилади.	2026 йил июль 2026 йил октябрь		
14.	**Тошкент шаҳар ҳудудлараро хосписга** туташ ҳудудда беморлар учун кўнгилочар сайилгоҳ ва боғ ташкил қилиш.	1. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, “Маърифат” маҳалла фуқаролар йиғини, Қорамурт кўчасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси томонидан қурилаётган Тошкент шаҳар ҳудудлараро хосписга туташ ҳудудда зарур инфратузилмани шакллантириш мақсадида 2,5 гектар ер майдонини амалдаги	2026 йил август	–	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги

QMMB: 07/26/239/0631-son
26.06.2026-y.

QMMB: 07/26/239/0631-son
26.06.2026-y.

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари ва шакли	Муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
		қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратиш чораларини кўриш. 2. Тошкент шаҳар ҳудудлараро хоспис фаолиятини самарали ташкил этиш, унга туташ ҳудуддан мақсадли фойдаланиш ҳамда зарур инфратузилмани шакллантириш чораларини кўриш.			
15.	Халқаро тажриба асосида **“Паллиатив парвариш қоидалари”** ўқув амалий курслари бўйича мобил паллиатив бригада ҳамда хоспис ходимларини тайёрлаш.	1. “Паллиатив парвариш қоидалари” бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш. 2. Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг филиалларида ҳамда хосписларда нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда мобил паллиатив бригада ҳамда хоспис ходимларининг малакасини ошириш.	2026 йил август 2026 йил декабрь	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
16.	**Паллиатив хизмат** кўламини кенгайтириш.	Давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида паллиатив хизматларни йўлга қўйиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил декабрь	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги

QMMB: 07/26/239/0631-son
26.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 24 июндаги ПҚ–239-сон қарорига
2-илова

QMMB: 07/26/239/0631-son
26.06.2026-y.

Паллиатив тиббий ёрдам кўрсатувчи ташкилотларни ташкил этиш режаси

Т/р	Хоспис ташкил этиладиган ҳудуд	Хизмат кўрсатиладиган ҳудуд	Қуввати (ўринлар сони)	Ташкил этиш тури	Ташкил этиш даври
1	Самарқанд вилояти (болалар учун)	Самарқанд вилояти	20	янгидан ташкил этиш	2026
2	Қашқадарё вилояти	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари	50	янгидан ташкил этиш	2027
3	Фарғона вилояти	Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари	50	янгидан ташкил этиш	2026-2027
4	Хоразм вилояти	Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси	30	янги бино ва иншоотлар қуриш	2027
5	Бухоро вилояти	Бухоро ва Навоий вилоятлари	50	янгидан ташкил этиш	2028
Жами			**200**		

QMMB: 07/26/239/0631-son
26.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 24 июндаги ПҚ–239-сон қарорига
3-илова

QMMB: 07/26/239/0631-son
26.06.2026-y.

Паллиатив тиббий ёрдам кўрсатишни ривожлантиришда “Сифатли тиббий хизматлар” индикаторлари

Баҳолаш индикаторлари	Баҳолаш формуласи	Баҳолаш даврийлиги	Йиллар			
			2027	2028	2029	2030
Паллиатив ёрдам қамрови	Хизмат олганлар / ҳисобланган эҳтиёж × 100	ҳар йили	≥5%	≥12%	≥65%	≥80%
Бирламчи баҳолашнинг ўз вақтида ўтказилиши	≤72 соатда баҳоланганлар / янги беморлар × 100	ҳар йили	≥20%	≥40%	≥80%	≥90%
Индивидуал парвариш режаси мавжудлиги	Режага эга беморлар / фаол беморлар × 100	ҳар йили	≥35%	≥65%	≥85%	≥95%
Оғриқни стандартлаштирилган шкала бўйича баҳолаш	NRS/VAS/PAINAD бўйича баҳоланганлар / фаол беморлар × 100	ҳар йили	≥40%	≥70%	≥85%	≥95%
Кучли оғриқни назорат қилиш самарадорлиги	72 соатда оғриқ ≥30% камайганлар / оғриғи ≥7 бўлган беморлар × 100	ҳар йили	≥30%	≥55%	≥70%	≥80%
Жами истеъмол қилинган OME (мг)/аҳоли сони	OME мг / аҳоли сони	ҳар йили	≥0.10 mg/capita	≥0.20 mg/capita	≥0.30 mg/capita	≥0.6 mg/capita
Мобил бригадаларнинг уйга ташрифларини амалга ошириш	Амалга оширилган ташрифлар / режалаштирилган ташрифлар × 100	ҳар йили	≥20%	≥50%	≥70%	≥90%
Ҳаётнинг сўнгги 30 кунидаги шошилинч госпитализациялар	Госпитализация қилинганлар / вафот этган беморлар × 100	ҳар йили	базавий баҳолаш	−5%	−15%	−30%
Ижтимоий баҳолаш ва йўналтириш	Ижтимоий баҳоланган беморлар / фаол беморлар × 100	ҳар йили	≥35%	≥65%	≥80%	≥90%

QMMB: 07/26/239/0631-son
26.06.2026-y.

QMMB: 07/26/239/0631-son
26.06.2026-y.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ёки ваучер тайинлаш	Ёрдам олганлар / муҳтож деб топилганлар × 100	ҳар йили	≥25%	≥55%	≥70%	≥85%
Оила аъзоларининг парваришдан қониқиши	Ижобий баҳолар улуши × 100	ҳар йили	≥55%	≥70%	≥80%	≥85%
Кадрлар тайёрлаш режаси бажарилиши	Ўқитилган мутахассислар / режа × 100	ҳар йили	≥45%	≥70%	≥85%	≥90%
Фаол паллиатив хизматга эга ҳудудлар улуши	Хоспис ва мобил бригадаси мавжуд ҳудудлар сони	ҳар йили	6	14	14	14

Изоҳ:
OME – Oral Morphine Equivalent (перорал морфин эквиваленти).
NRS/VAS/PAINAD – оғриқни баҳолаш шкалалари.

QMMB: 07/26/239/0631-son
26.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 24 июндаги ПҚ–239-сон қарорига
4-илова

“E-palliative” ахборот тизимига интеграция қилинадиган ахборот тизимлари (базалари) РЎЙХАТИ

Ташкилот номи	Ахборот платформа (база)
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги	“Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими
Адлия вазирлиги	ФҲДЁ АТ
Соғлиқни сақлаш вазирлиги	“Cancer-registr” ахборот модули
	DMED Ягона тиббий АТ
	Эндокрин патологияли беморларнинг электрон маълумотлар базаси
	Неврологик касалликлар ва унинг асоратлари билан оғриган беморларнинг ягона электрон базаси
	“Мушак атрофияси ташхиси қўйилган болалар реестри ва сарфлаш материаллари мониторинги” АТ
	“NARKO-PSIXUZ” АТ
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги	“Ягона миллий меҳнат тизими” АТ
Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси	“MedRefer” АТ ва “MedExpress” АТ

Изоҳ: *DMED Ягона тиббий АТ ва “Cancer-registr” ахборот модулига интеграция қилиш жараёни 2026 йил 1 сентябрга қадар якунланади.*

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

QMMB: 09/26/317/0617-son
23.06.2026-y.

25 (1253)-сон
615-модда

Кўчирма

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 22 » iyun № 317 Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 18-моддасига мувофиқ, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **1-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **2-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI * UMUMIY BO‘LIM 1

QMMB: 09/26/317/0617-son
23.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 22 ” июндаги 317-сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Кўкдумалоқ нефтгазконденсати конини, Мингбулоқ нефть конини ўзлаштиришни, Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманидаги нефтни қайта ишлаш заводининг ҳамда Газли – Нукус газ қувури қурилишини тезлаштириш тўғрисида” 1993 йил 3 августдаги 389-сон қарорининг 6-банди бешинчи хатбошисидаги “темир йўл объектлари” сўзлари “темир йўл транспорти объектлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 30 июндаги 152-сон қарори билан тасдиқланган Темир йўллар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. ТЙДК – бу темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари, уларнинг географик жойлашуви, ерни, уларнинг чегаралари, ажратилган минтақа, муҳофаза зоналари, ҳуқуқий мақоми, миқдор ва сифат тавсифлари ва иқтисодий баҳолаш тўғрисидаги янгиланиб туриладиган ишончли ахборот тизими”;

б) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Мавжуд бўлган ва фойдаланишга қабул қилинган темир йўллар, ажратилган минтақа, муҳофаза зоналари, темир йўл станциялари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган темир йўл транспорти инфратузилмаларининг бошқа объектлари ТЙДК объектлари ҳисобланади”;

в) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. ТЙДК республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари тўғрисидаги ишончли кадастр ахборотлари билан таъминлаш учун мўлжалланган”;

г) 7-банднинг иккинчи хатбошиси, 8 – 11 ва 13, 20, 21-бандлар, 25-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари, 26-банддаги тегишли келишикдаги “темир йўл” сўзлари “темир йўл транспорти инфратузилмаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 15-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Корпоратив муносабатлар департаментининг темир йўллар давлат кадастри бўлими (кейинги ўринларда – ТЙДКБ);

Инфратузилма оператори ва умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналарининг кадастр бўлинмалари томонидан амалга оширилади”;

е) 18 ва 19-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“18. Инфратузилма оператори ва умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналарининг кадастр бўлинмалари:

темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларининг миқдор ва сифат ҳолатидаги жорий ўзгаришлар, уларнинг атроф муҳитга таъсири, экологик-иқтисодий баҳолаш тўғрисидаги ахборотларни тўплайди ва тизимлаштиради;

темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари кадастр дафтарларини юритади, маълумотлар базасини тўлдиради ва уларни тизимлаштириш ва темир йўллар давлат кадастрининг автоматлаштирилган геоахборот тизимига киритиш учун ТЙДКБга беради;

темир йўл транспорти инфратузилмасининг янги объектларини ҳисобга қўяди, улар тўғрисидаги ҳисобга олиш ва баҳолаш маълумотларини тўплайди.

19. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тизимидан ташқарида мавжуд бўлган темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларининг эгалари (фойдаланувчилари) “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг ТЙДКБга кадастр объектларининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор тавсифлари ва баҳоланиши, шунингдек, улар ҳолатининг жорий ўзгаришлари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши шарт”;

ж) 22-бандда:

биринчи хатбоши “Темир йўл” сўзларидан кейин “транспорти инфратузилмаси” сўзлари билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбошидаги “Давлат солиқ қўмитаси” сўзлари “Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 23-бандда:

биринчи хатбошидаги “темир йўлларнинг” сўзлари “темир йўл транспорти инфратузилмасининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши “Темир йўл” сўзларидан кейин “транспорти инфратузилмаси” сўзлари билан тўлдирилсин;

и) 24-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“24. Темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларининг миқдор ва сифат тавсифлари ҳисобга қўйилиши уларнинг иқтисодий, технологик ва экологик белгилар бўйича таснифланишини ўз ичига олади, уларнинг таркиби ТЙДКБни юритиш бўйича норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

Темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш учун Ўзбекистон Республикаси Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан келишув бўйича “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти томонидан техник параметрлар ва кадастр ахборотларини тақдим этиш форматлари ишлаб чиқилади.

QMMB: 09/26/317/0617-son
23.06.2026-y.

Ҳужжатлар билан расмийлаштирилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган ҳисобга олиш ахбороти инфратузилма операторининг (умумий фойдаланиладиган темир йўл транспорти корхонасининг) электрон кадастр дафтарига киритилади ва ТЙДКнинг автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилади”;

к) Низомга илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Темир йўллар давлат кадастрини юритиш
СХЕМАСИ

QMMB: 09/26/317/0617-son
23.06.2026-y.

Изоҳ. *Стрелкалар билан кадастр ахборотининг ҳаракат йўналишлари кўрсатилган.*

1. "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти тизимида ва "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти тизимидан ташқарида мавжуд бўлган темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари эгалари/фойдаланувчилари темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари бўйича кадастр ахборотларини умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналарининг кадастр бўлинмаларига тақдим этадилар.

2. Инфратузилма операторининг, умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналарининг кадастр бўлинмалари ушбу объектларнинг эгалари ва фойдаланувчиларидан темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари бўйича кадастр ахборотларини тўплайдилар, ўз ҳудудлари доирасида темир йўл объектлари бўйича ахборотни "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ Корпоратив муносабатлар департаментининг темир йўллар давлат кадастри бўлимига (ТЙДКБ) тақдим этадилар.

3. "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ Корпоратив муносабатлар департаментининг ТЙДКБ давлат ер кадастридан ҳамда бинолар ва иншоотлар давлат кадастридан ер участкалари, бинолар ва иншоотлар тўғрисидаги ахборотни олади.

4. "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ Корпоратив муносабатлар департаментининг ТЙДКБ темир йўл объекти ТЙДКга киритилгандан кейин кадастр ахборотларини Ўзбекистон Республикаси Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ДКЯТнинг маълумотлар базасига беради.

5. "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ Корпоратив алоқалар департаментининг ТЙДКБ сўров бўйича Ўзбекистон Республикаси Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг ДКЯТ маълумотлар базасидан темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари бўйича ахборот олиши мумкин.

6. "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ Корпоратив муносабатлар департаментининг темир йўллар давлат кадастри бўлими темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари бўйича зарур ахборотни умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналари кадастр бўлинмаларига юборади.

7. ДКЯТдан фойдаланувчилар сўров бўйича темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари бўйича кадастр ахборотларини олишлари мумкин".

3. Вазирлар Маҳкамасининг "Темир йўл транспорти ходимлари интизоми тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" 2014 йил 17 январдаги 8-сон қарорида:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ўзбекистон Республикасининг "Темир йўл транспорти тўғрисида"ги Қонуни 36-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:";

б) иловада:

1 – 5-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"1. Темир йўл транспорти Ўзбекистон Республикасининг транспорт тизимига киради ҳамда умумий фойдаланишдаги ҳамда умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўл транспортидан иборат бўлиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг темир йўлда ташишга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган.

Поездлар ҳаракати ва манёвр ишлари хавфсизлигини, ташиладиган багаж, юк багажи, юкни, почта ва курьерлик жўнатмаларининг сақланишини, шунингдек, йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солувчи вазиятларнинг олдини олиш мақсадида темир йўл транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ходимларидан ишда уйғунлик, юксак уюшқоқлик ва меҳнат мажбуриятларини бенуқсон бажариш талаб этилади.

Темир йўл транспортида интизомнинг бузилиши одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига, поездлар ҳаракати ва манёвр ишларининг хавфсизлигига, ташиладиган багаж, юк багажи, юкни, почта ва курьерлик жўнатмаларининг сақланишига хавф туғдиради, шунингдек, шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига олиб келади.

2. Ушбу Низом меҳнат қонунчилигига асосланиб, темир йўл транспорти ходимлари томонидан интизомга риоя қилишнинг алоҳида шартларини ва бундай шартлар бузилган тақдирда, интизомий жазо қўллаш тартибини белгилайди.

3. Ушбу Низом умумий фойдаланишдаги ва умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўл транспорти ходимларига татбиқ этилади. Поездлар ҳаракати билан бевосита боғлиқ бўлган ва темир йўлда ташишлар хавфсизлигини таъминлайдиган темир йўл транспорти ходимлари лавозимларининг, шунингдек, меҳнат шартномаси касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилмасдан бекор қилинадиган ходимлар тоифаларининг рўйхати иш берувчи томонидан касаба уюшмаси ташкилоти ёки ходимларнинг вакиллик органи билан келишилган ҳолда қабул қилинадиган Ички меҳнат тартиби қоидаларида, жамоа шартномасида белгиланади.

4. Темир йўл транспорти ходимларининг интизоми улар томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартиб, қоидалар ва нормаларга риоя қилишдан, темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотлари раҳбарларининг (кейинги ўринларда – раҳбарлар) буйруқлари (фармойишлари), шунингдек, меҳнат шартномаларида (контрактларда) ва лавозим йўриқномаларида назарда тутилган мажбуриятларни бажаришдан иборат.

5. Темир йўл транспорти ходимлари қуйидагиларга мажбурдир:

а) темир йўл транспортининг барқарор ва самарали ишлашини, темир йўл транспорти инфратузилмасининг яхлитлиги ва узлуксиз ишлашини, ташишлар хавфсизлигини таъминлаш, йўловчилар, багаж, юк багажи, юклар, почта ва курьерлик жўнатмалари ўз вақтида етказилишини таъминлаш, поездлар ҳаракати жадвалларига риоя қилиш, ҳаракатдаги темир йўл таркибининг бекор туриб қолишини қисқартириш, илғор технологияларни ва менежментнинг замонавий усулларини кенг жорий этиш;

б) темир йўл транспорти объектларини, шунингдек, темир йўл транспортининг асбоб-ускуналари, материаллари ва техник воситаларини асраш, ташилаётган багаж, юк багажи, юклар, почта ва курьерлик жўнатмаларининг сақланишини таъминлаш, уларнинг талон-торож қилиниши, йўқотилиши ва яроқсиз ҳолга келиб қолишининг олдини олиш ва барҳам бериш чораларини кўриш;

в) темир йўл транспортидан хавфсиз фойдаланиш, ёнғин ва экологик хавфсизлик, меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилиш;

г) йўловчилар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уларга хизмат кўрсатишнинг юксак маданиятини таъминлаш, темир йўл транспортида кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш;

д) ушбу Низом талабларини билиш ва бажариш”;

6-бандниng “а” ва “б” кичик бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а) поездлар ҳаракати ва манёвр ишлари хавфсизлигини ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор берган ҳолда ўзига бўйсунувчилар ишини тўғри ташкил этиш, буйруқларни (фармойишлар) аниқ бериш, уларнинг аниқ ва ўз вақтида бажаришни текшириш, илғор технологиялар ва бошқарувнинг замонавий усуллари кенг жорий этилишини таъминлаш;

б) темир йўл транспорти инфратузилмаси фаолият кўрсатишининг яхлитлиги ва узлуксизлигини, темир йўл транспортининг барқарор ва самарали ишлашини, ташишлар хавфсизлигини, кўрсатилаётган транспорт хизматлари сифатини оширишни, тежамкорлик режимига риоя қилинишини таъминлаш, молиявий интизомга ва шартнома мажбуриятларини бажариш, моддий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш, ташиладиган багаж, юк багажи, юклар, почта ва курьерлик жўнатмалари сақланиши, шунингдек, уларнинг йўқотилиши, яроқсиз ҳолга келиши ва талон-торож қилинишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш”;

8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Темир йўл транспорти ходимлари меҳнат мажбуриятларини намунали бажаргани, иш сифати яхшиланган, меҳнат унумдорлигини оширган, новаторлик, ташаббус кўрсатганлиги, ташиладиган юк багажи, юклар, почта ва курьерлик жўнатмалари сақланиши таъминланганлиги, ишониб топширилган бошқа мол-мулкка эҳтиёт билан муносабатда бўлгани, темир йўл транспортида узоқ вақт ва нуқсонсиз ишлагани учун рағбатлантириладилар”;

13-бандниng биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“13. Ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилгани учун иш берувчи унга нисбатан интизомий жазо қўллаш ҳуқуқига эга”;

14-бандниng иккинчи хатбошисидаги “корхона, муассаса ва ташкилотнинг” сўзлари “темир йўл транспорти корхонаси ва ташкилотининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

15-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“15. Ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилгани учун унга нисбатан интизомий жазоларнинг қуйидаги турлари қўлланилади:”;

бешинчи хатбошидаги “монёвр” сўзи “манёвр” сўзи билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги “амалдаги қонунчиликка” сўзлари “қонунчилик ҳужжатларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“16. Ходимнинг меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган ўз меҳнат мажбуриятларини бир марта қўпол равишда бузилиши рўйхати тегишли темир йўл транспорти корхона, ташкилотнинг Ички меҳнат тартиби қоидаларида белгиланади.

Раҳбарнинг меҳнат мажбуриятлари мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишда бузилгани учун ходим билан тузилган меҳнат шартномасини тўхтатишга розилик бериш тўғрисидаги тақдимномасини касаба уюшмаси қўмитаси ўн кун муддатда кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисида ёзма шаклда маълум қилади";

18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"18. Иш берувчининг ходимга нисбатан интизомий жазо чорасини қўллаш тўғрисидаги буйруғи сабаблари кўрсатилган ҳолда буйруқ қабул қилинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида ходимга имзо қўйдириб эълон қилинади, бунда ходимнинг ишда бўлмаган вақти ҳисобга олинмайди. Ходим ўзига нисбатан қўлланилган интизомий жазо чораси ҳақидаги буйруқ билан танишиб, имзолашни рад этган тақдирда, ушбу ҳолатда ҳозир бўлган гувоҳлар – тегишли темир йўл транспорти корхонаси, ташкилоти ходимлари томонидан имзоланган далолатнома тузилади. Бундай ҳолда ходим буйруқ билан танишган ҳисобланади";

20 ва 21-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"20. Интизомий жазонинг қўлланиши интизомий қилмиш, айбли ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этган ходимни қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа жавобгарликдан озод қилмайди.

21. Интизомий жазо устидан якка тартибдаги меҳнат низоларини кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда шикоят қилиш мумкин. Интизомий жазолар масалалари бўйича ходимларнинг меҳнат низолари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ меҳнат низолари бўйича комиссиялар ва судлар томонидан кўриб чиқилади.

Ходим меҳнат низоси ҳал этилиши учун ўз танловига кўра меҳнат низолари бўйича комиссияга ёки бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Иш берувчининг темир йўл транспорти ходимига нисбатан интизомий жазо қўлланиши тўғрисидаги буйруғи устидан шикоят қилиш интизомий жазонинг ижро этилишини тўхтатмайди".

4. Вазирлар Маҳкамасининг "Табиатдан фойдаланиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида" 2018 йил 31 мартдаги 255-сон қарорида:

а) 2-банднинг иккинчи хатбошисидаги "Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилишга" сўзлари "Сувдан махсус фойдаланишга" сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-иловада:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Сувдан махсус фойдаланишга рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ";

3 ва 4-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB: 09/26/317/0617-son
23.06.2026-y.

“3. Сувдан махсус фойдаланиш учун рухсатнома олмасдан табиий ва ерости сувларидан фойдаланиш тақиқланади.

4. Рухсатнома бериш жараёнини амалга оширишда:

а) ер усти табиий сув объектларидан сув олишда – Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг ҳудудий органлари Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари билан;

б) ер ости, минерал ва термал сувларни олишда – Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг тегишли органлари Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг ҳудудий органлари билан ўзларининг идоравий мансублигига қарашли рухсатномани келишган ҳолда тайёрлайди ва беради”;

19-бандниng биринчи хатбошисидаги “Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш” сўзлари “Сувдан махсус фойдаланиш” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илованинг илова белгиси ва номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Сувдан махсус фойдаланишга рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига 1-илова

Сувдан махсус фойдаланишга рухсатнома бериш СХЕМАСИ”;

2-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Сувдан махсус фойдаланишга рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига 2-илова

Сувдан махсус фойдаланишга рухсатнома бериш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун СЎРОВНОМА

I. (жисмоний) Ариза берувчи — жисмоний шахс тўғрисида маълумот:

1. Ф.И.О.:	
2. Паспортга (идентификацияловчи ID-картага) оид маълумотлар (серия ва рақам):	
3. Манзил:	
4. Кадастр иши рақами ва рўйхатга олинган санаси:	
5. Ариза берувчининг маълумотлари (телефон, электрон почта ва бошқалар):	боғланиш учун

II. (юридик) Ариза берувчи — юридик шахс тўғрисида маълумот:

1. Тўлиқ номи:	
2. Ташкилий-ҳуқуқий шакли:	
3. Реквизитлари (СТИР, МФО, ИФУТ, ҳисобрақами):	
4. Фаолият тури:	

QMMB: 09/26/317/0617-son
23.06.2026-y.

5. Ариза берувчининг юридик манзили (индекс, манзил):	
6. Кадастр иши рақами ва рўйхатга олинган санаси:	
7. Ариза берувчининг маълумотлари (телефон, электрон почта ва бошқалар):	боғланиш учун

III. Сувдан махсус фойдаланиш манбаи ҳақида маълумот:

1. Сув манбаи:	табиий ер усти сув объектлари
	табиий ер ости сув объектлари
2. Сувдан фойдаланиш мақсади:	хўжалик-ичимлик ва даволаш-соғломлаштириш
	саноат ва ишлаб чиқариш-техник
	қишлоқ хўжалиги
	зах қочириш
	балнеологик
	энергетика (гидроэнергетика ва иссиқлик энергетикаси)
	баликчилик
	қадоқлаш, шахтадан сув чиқариш ва шу кабилар
3. Жами сув олиш миқдори. минг.м^3/йил	

”;

3а-илованинг илова белгиси ва номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Сувдан махсус фойдаланишга рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига 3а-илова

Саноат, коммунал, транспорт ва бошқа ноқишлоқ хўжалиги мақсадларида сув объектларидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан сувдан махсус фойдаланишга рухсатнома олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар РЎЙХАТИ”;

3б-илованинг илова белгиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Сувдан махсус фойдаланишга рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига 3б-илова”;

3в-илованинг илова белгиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Сувдан махсус фойдаланишга рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига 3в-илова”;

3г-илованинг илова белгиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Сувдан махсус фойдаланишга рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига 3г-илова”;

QMMB: 09/26/317/0617-son
23.06.2026-y.

3д-илованинг илова белгиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Сувдан махсус фойдаланишга рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига 3д-илова”;

3е-илованинг илова белгиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Сувдан махсус фойдаланишга рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига 3е-илова”;

3ж-илованинг илова белгиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Сувдан махсус фойдаланишга рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига 3ж-илова”;

3з-илованинг илова белгиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Сувдан махсус фойдаланишга рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига 3з-илова”.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги 489-сон қарори билан тасдиқланган Қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Қишлоқ хўжалиги товарларини ишлаб чиқарувчиларига (пахта ва ғалла бундан мустасно) солиқнинг салбий фарқ суммаси уч кун муддатда автоматлаштирилган тарзда ушбу Низомга 1^2-иловада келтирилган схемага мувофиқ қопланади (қайтарилади)”;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 32-бандда:

қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“ўз фаолиятини кичик тадбиркорлик субъектидан ўрта ёки йирик тоифага, ўрта тадбиркорлик субъектидан йирик тоифага йириклаштирган тадбиркорлик субъектларига – тегишли тоифага ўтган санадан эътиборан бир йил давомида. Бунда мазкур тартиб тадбиркорлик субъектларининг фаолияти давомида бир маротаба қўлланади. Ушбу хатбошининг қоидалари тегишли тоифага ўтганидан кейин қайта ташкил этилган субъектнинг ҳуқуқий ворисига (ҳуқуқий ворисларига) нисбатан татбиқ этилмайди”;

саккизинчи – ўн биринчи хатбошилар тегишлича тўққизинчи – ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

QMMB: 09/26/317/0617-son
23.06.2026-y.

в) қуйидаги мазмундаги 1^2-илова билан тўлдирилсин:

“Қўшилган қиймат солиғи суммаси
ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
1^2-илова

Қишлоқ хўжалиги товарларини ишлаб чиқарувчилар учун қўшилган қиймат солиғининг ўрни қопланиши лозим бўлган суммани солиқ тўловчининг банк ҳисобварағига қайтариш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Солиқ тўловчи (ариза берувчи)	Ҳисобга олинган жойдаги солиқ органларига шахсий кабинети орқали ариза тақдим этади.	Заруратга кўра
2-босқич	Солиқ органи	Аризада кўрсатилган суммадан солиқ органлари маълумотлар базасида қўшилган қиймат солиғи бўйича аниқланган тафовут суммалари чегирилади.	Бир кун мобайнида
3-босқич	Солиқ органи	Қўшилган қиймат солиғини қайтаришда хулосаларни автоматик равишда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасига юборади.	Бир кун мобайнида
4-босқич	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитаси	Давлат бюджети маблағлари доирасида автоматик тарзда солиқ суммасини солиқ тўловчининг банк ҳисобварағига ўтказади.	Шу куннинг ўзида

”.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Осиё тараққиёт банки иштирокидаги “Қаттиқ маиший чиқиндиларни барқарор бошқариш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 25 ноябрдаги 748-сон қарорида:

а) 1-бандда:

учинчи хатбошидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг” (кейинги ўринларда – Экология вазирлиги)” сўзлари “Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг (кейинги ўринларда – Экология қўмитаси)” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги “6” ва “2025” рақамлари тегишлича “7” ва “2026” рақамлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Экология вазирлиги” сўзлари “Экология қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-бандда:

иккинчи хатбошидаги “Экология вазирлиги” сўзлари “Экология қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги” сўзлари “Экология қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 5-бандда:

биринчи, тўртинчи, олтинчи ва саккизинчи хатбошилардаги тегишли келишикдаги “Экология вазирлиги” сўзлари тегишли келишикдаги “Экология қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги “экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири” сўзлари “экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 7 ва 10-бандлардаги “экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири” сўзлари “экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси” сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомга 11-иловада:

а) 5-позиция учинчи устунининг “б” кичик бандидаги “ҳаракатланувчи таркибнинг” сўзлари “ҳаракатдаги темир йўл таркибининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 9-позициянинг учинчи устунида:

“а”, “б” ва “з” кичик бандлардаги “темир йўл транспортининг ҳаракатланувчи таркиби” сўзлари “ҳаракатдаги темир йўл таркиби” сўзлари билан алмаштирилсин;

“в” кичик банддаги “темир йўл ҳаракатланувчи таркиби” сўзлари “ҳаракатдаги темир йўл таркиби” сўзлари билан алмаштирилсин;

“г” кичик банддаги “ҳаракатланувчи таркибни” сўзлари “ҳаракатдаги темир йўл таркибини” сўзлари билан алмаштирилсин;

“д” кичик банддаги “ҳаракатланувчи таркибнинг” сўзлари “ҳаракатдаги темир йўл таркибининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

“е” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“е) ҳаракатдаги темир йўл таркибнинг хизмат муддати узайтирилгани тўғрисидаги зарур ҳужжатларнинг, янги сотиб олинган ҳаракатдаги темир йўл таркиби учун сертификатларнинг, умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўлларнинг техник паспорти ҳамда умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўлда хизмат кўрсатиш, ҳаракатни ташкил этиш ва манёвр ишларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномаларнинг мавжуд бўлиши”;

QMMB: 09/26/317/0617-son
23.06.2026-y.

“з” кичик банддаги “темир йўл транспортининг ҳаракатланувчи” сўзлари “ҳаракатдаги темир йўл” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 12-позициянинг учинчи устунидаги “ҳаракатланувчи таркиб” сўзлари “ҳаракатдаги темир йўл таркиби” сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрдаги 537-сон қарори билан тасдиқланган Фойдаланишга топшириладиган ҳаракатдаги темир йўл таркиби хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламентда:

а) 2-банд ва 3-бандниng биринчи хатбошисидаги “идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларида” сўзлари “умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўлларда” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-бандда:

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўллар** – юкни жўнатувчиларга (жўнатувчиларга) ва юкни олувчиларга (олувчиларга) шартнома шартлари асосида хизмат кўрсатиш ёки эгалик қилувчининг ўз эҳтиёжлари учун технологик ишларни бажаришга мўлжалланган умумий фойдаланишдаги темир йўлларга бевосита ёки бошқа темир йўл шохобча йўллари орқали туташадиган шохобча темир йўллар, шунингдек, умумий фойдаланишдаги темир йўлларга туташмайдиган темир йўллар”;

йигирма олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**умумий фойдаланишдаги темир йўллар** – умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти соҳасидаги ваколатли ташкилотга ва унинг бўлинмаларига тегишли бўлган, поездларни ўтказиш, қабул қилиш ва жўнатиш, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини қабул қилиш ҳамда бериш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш бўйича тегишли операцияларни, манёвр ишларини бажариш учун очиқ бўлган, ажратилган минтақа доирасида перегонлар, темир йўл станциялари, разъездлар, қувиб ўтиш пунктлари жойлашган темир йўллар”;

в) 9-бандниng “ч” кичик бандидаги “идораларга қарашли темир йўл шохобча йўллари” сўзлари “умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўллар” сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 9 мартдаги 99-сон қарори билан тасдиқланган Халқаро брендлар товарларининг айрим турларини бренд эгалари ёки уларнинг ваколатли етказиб берувчилари (расмий дистрибьюторлар, дилерлар, ишлаб чиқарувчиларнинг савдо вакиллари ва уларнинг дистрибьюторлари, лицензиатлари) билан тузилган тўғридан-тўғри шартнома асосида импорт қилувчилар реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-бандда:

учинчи хатбоши “чакана савдо тармоқларида” сўзларидан кейин “ёки электрон савдо майдончаларида” сўзлари билан тўлдирилсин;

QMMB: 09/26/317/0617-son
23.06.2026-y.

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“**чакана савдо тармоқлари** – маҳсулотларни бевосита якуний истеъмолчига шахсий фойдаланиш учун сотиш мақсадида ташкил этилган марказлаштирилган бошқарув, ягона логистика, ассортимент ва маркетинг тизимига эга бўлган дўконлар, савдо нуқталари ва электрон савдо майдончалари мажмуаси;

электрон савдо майдончаси – товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдисини масофадан туриб амалга ошириш имконини берувчи ахборот тизими”;

б) 6-бандда:

саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўққизинчи – ўн иккинчи хатбошилар тегишлича саккизинчи – ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

саккизинчи хатбоши “чакана савдо тармоғида” сўзларидан кейин “ёки электрон савдо майдончаларида” сўзлари билан тўлдирилсин;

в) 11-банднинг еттинчи хатбошиси “чакана савдо тармоғида” сўзларидан кейин “ёки электрон савдо майдончаларида” сўзлари билан тўлдирилсин;

г) 2-илованинг ўнинчи позицияси “чакана савдо тармоғида” сўзларидан кейин “ёки электрон савдо майдончаларида” сўзлари билан тўлдирилсин;

д) 2а-илованинг йигирманчи позицияси “чакана савдо тармоғида” сўзларидан кейин “ёки электрон савдо майдончаларида” сўзлари билан тўлдирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 18 мартдаги 116-сон қарори билан тасдиқланган Мунтазам автобус йўналишида йўловчи ташишни брутто-шартнома асосида ташкил этиш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 33-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда брутто-шартномада бюджет маблағлари ҳисобидан назарда тутилган маблағларнинг 35 фоизи ташувчиларнинг ёқилғи-энергетика харажатларини қоплаш учун тегишли ҳар ойнинг 5-санасига қадар (кейинги ўринда – аванс маблағлари) молиялаштирилади. Ташувчилар ёқилғи-энергетика маҳсулотларини етказиб берувчилар билан тузилган шартномаларга асосан аванс маблағлари келиб тушган куннинг ўзида ёқилғи-энергетика маҳсулотларини харид қилиш учун олдиндан тўловларни амалга оширади”.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 17 апрелдаги 159-сон қарори билан тасдиқланган Темир йўл вокзалларида (станцияларида) йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг қўл юки ва багажини кўздан кечириш, уларнинг темир йўл вокзалларида (станцияларида) бўлиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**багаж** – йўловчига тегишли бўлган, багаж вагонида ташиш учун йўл ҳужжати (чипта) бўйича қабул қилинадиган буюмлар”;

ўн тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**қўл юки** – йўловчининг вазн ва ўлчовлар бўйича чекловлар мавжуд бўлган, ўзи билан йўловчилар вагонида тўловсиз олиб юрадиган шахсий буюмлари”;

б) 3-банднинг “в” кичик бандидаги “йўловчилар ташиш поездлари” сўзлари “йўловчи поездлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 7-банднинг “в” кичик банди, 36-банднинг “и” кичик бандидаги “йўловчилар ташиш поездларида” сўзлари “йўловчи поездларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) иловада:

номидаги “йўловчилар ташиш поездларида” сўзлари “йўловчи поездларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

биринчи хатбошидаги “Йўловчилар ташиш поездларида” сўзлари “Йўловчи поездларида” сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 28 сентябрдаги 504-сон қарори билан тасдиқланган Транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандида:

олтинчи хатбошидаги “ҳамда ҳаракат таркибини мустақил бошқариш ҳуқуқини беради” сўзлари чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“метрополитен, шунингдек, умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналари ва ўзининг умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўлларига эга юридик шахслар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолиятини амалга оширади”.

13. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 15 декабрдаги 668-сон қарорида:

а) 2-банднинг “б” кичик банди биринчи – учинчи хатбошилари, 3-банднинг иккинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошилари “темир йўл таркиби ва” сўзларидан кейин “темир йўл транспорти” сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 1-иловада:

9-бандда:

еттинчи хатбоши “темир йўл таркиби ҳамда” сўзларидан кейин “темир йўл транспорти” сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“тортиш ҳаракатдаги темир йўл таркибини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома беради”;

10-бандда:

1-кичик банднинг “в” кичик бандида:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларига эга бўлган ёки улардан фойдаланувчи хўжалик бошқаруви ҳамда ижро этувчи ҳокимият органлари, тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида темир йўл транспорти соҳасида фаолиятни амалга оширувчи жисмоний ва юридик шахслар, уларнинг бўлинмалари (кейинги ўринларда – темир йўл транспорти субъектлари) томонидан умумий фойдаланишдаги темир йўлларда, метрополитенда ва умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўлларида темир йўл транспорти соҳасидаги юк ва йўловчилар ташиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши юзасидан давлат назоратини амалга оширади”;

учинчи ва бешинчи хатбошилардаги “инфратузилмаси” сўзи “темир йўл транспорти инфратузилмаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

6-кичик банднинг биринчи – бешинчи хатбошиларидаги “инфратузилмаси” сўзи “темир йўл транспорти инфратузилмаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 7-кичик банд билан тўлдирилсин:

“*7) тортиш ҳаракатдаги темир йўл таркибини бошқариш ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома бериш соҳасида*:

белгиланган тартибга тортиш ҳаракатдаги темир йўл таркибини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома беради”;

12-банднинг “в” кичик банди иккинчи ва ўнинчи хатбошиларидаги “инфратузилмаси” сўзи “темир йўл транспорти инфратузилмаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-иловада:

номи ва 1-банд “темир йўл таркиби ва” сўзларидан кейин “темир йўл транспорти” сўзлари билан тўлдирилсин;

2-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**ариза берувчи** – умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти ҳамда ўз фаолиятини умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти тизимига кирмайдиган умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўлларда амалга оширувчи, гувоҳнома олиш учун тегишли ҳужжатларни тақдим этувчи ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларининг эгаси;

давлат рўйхатидан ўтказиш ҳаракатлари – ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, рўйхатдан қайта ўтказиш ва уларни рўйхатдан чиқариш, шунингдек, техник кўрикдан ўтказиш, уларга гувоҳнома бериш, ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ахборот тизимига (кейинги ўринларда – Ахборот тизими) маълумотларни киритиш ва ягона реестрини юритиш”;

QMMB: 09/26/317/0617-son
23.06.2026-y.

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар “темир йўл таркиби ва” сўзларидан кейин “темир йўл транспорти” сўзлари билан тўлдирилсин;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**ҳаракатдаги темир йўл таркиби** – локомотивлар, тортиш локомотивининг юк, багаж, йўловчи ташиш вагонлари ва моторвагонли ҳаракатдаги таркиб, шунингдек, ташишларнинг амалга оширилишини ва темир йўл транспортининг фаолият кўрсатишини таъминлаш учун мўлжалланган бошқа транспорт воситалари”;

саккизинчи – ўн биринчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**темир йўл транспорти инфратузилмаси** – технологик мажмуа бўлиб, ушбу мажмуа фаолиятини таъминловчи темир йўлларни, темир йўл станцияларини, электр таъминоти қурилмаларини, алоқа тармоқларини, сигнализация, марказлаштириш ва блоклаш тизимларини, ахборот мажмуаларини, ҳаракатни бошқариш тизимини, бинолар, иншоотлар, қурилмалар, жиҳозлар ва ускуналарни ўз ичига олади;

темир йўл транспорти инфратузилмаси объекти – темир йўл транспорти инфратузилмаси қуйи тизимларининг таркибий қисми ёки унинг қуйи тизимларининг таркибий қисмлари тўплами;

темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларининг эгаси – мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларига, жумладан, транспорт ишларини бажариш ва темир йўл транспорти хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ қурилмалар, бино ва иншоотлар ҳамда бошқа объектларга эгалик қилувчи, жисмоний (якка тартибдаги тадбиркор) ёки юридик шахс;

ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини модернизация қилиш – ҳаракатдаги мавжуд темир йўл таркиби ва темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини унинг таркибий қисмларини янада такомиллашганларига алмаштириш орқали техник-иқтисодий тавсифларни яхшилашга қаратилган ишлар мажмуи”;

ўн учинчи – ўн олтинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш** – ҳаракатдаги темир йўл таркиби ҳамда темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини доимий ҳисобга олиш, ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларининг рўйхатдан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома бериш ҳамда ягона реестрни шакллантириш;

ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини қайта давлат рўйхатидан ўтказиш – тегишли ҳуқуқий асослар бўлганда, ҳаракатдаги темир йўл таркиби ҳамда темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларининг давлат рўйхатидан ўтгани тўғрисидаги ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

QMMB: 09/26/317/0617-son
23.06.2026-y.

умумий фойдаланишдаги темир йўллар – умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти соҳасидаги ваколатли ташкилотга ва унинг бўлинмаларига тегишли бўлган, поездларни ўтказиш, қабул қилиш ва жўнатиш, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини қабул қилиш ҳамда бериш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш бўйича тегишли операцияларни, манёвр ишларини бажариш учун очиқ бўлган, ажратилган минтақа доирасида перегонлар, темир йўл станциялари, разъездлар, қувиб ўтиш пунктлари жойлашган темир йўллар;

умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўллар – юкни жўнатувчиларга (жўнатувчиларга) ва юкни олувчиларга (олувчиларга) шартнома шартлари асосида хизмат кўрсатиш ёки эгалик қилувчининг ўз эҳтиёжлари учун технологик ишларни бажаришга мўлжалланган умумий фойдаланишдаги темир йўлларга бевосита ёки бошқа темир йўл шохобча йўллари орқали туташадиган шохобча темир йўллар, шунингдек, умумий фойдаланишдаги темир йўлларга туташмайдиган темир йўллар";

3-банддаги "инфратузилмаси" сўзи "темир йўл транспорти инфратузилмаси" сўзлари билан алмаштирилсин;

28-бандниng тўртинчи хатбошисидаги "темир йўл шохобча йўлларини" сўзлари "умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўлларни" сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловада:

илова белгиси "темир йўл таркиби ва" сўзларидан кейин "темир йўл транспорти" сўзлари билан тўлдирилсин;

матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB: 09/26/317/0617-son
23.06.2026-y.

“Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъуллар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
I. Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш			
1-босқич	Ариза берувчи	1. Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда – ЯИДХП) рўйхатдан ўтади ва мурожаат қилади. 2. Электрон шаклдаги аризани унга илова қилинадиган ҳужжатларнинг электрон шаклини юклаган ҳолда тўлдиради ва тасдиқлайди. 3. Давлат хизматларидан фойдаланиш учун белгиланган миқдордаги йиғимни тўлайди.	Хоҳишига кўра
2-босқич	ЯИДХП	Аризани Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекциясига (кейинги ўринларда – Транспорт назорати инспекцияси) юборади.	Автоматик равишда
3-босқич	Транспорт назорати инспекцияси	1. Келиб тушган ариза ва илова қилинган ҳужжатларнинг тўғри ва тўлиқ тўлдирилгани ҳамда тўловларнинг тўланганини текширади. 2. Транспорт назорати инспекцияси ходимлари жойига чиққан ҳолда, ҳаракатдаги темир йўл таркиби ёки темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларининг техник кўрикдан ўтказиш орқали тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотлар тўғрилигини ўрганиб чиқиб, унинг натижалари асосида ҳаракатдаги темир йўл таркибнинг ёки темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини техник ҳолатини кўрикдан ўтказиш далолатномаси ҳамда уларни рўйхатдан ўтказиш ёки	Ҳужжатлар қабул қилинган кунда 15 иш куни ичида

QMMB: 09/26/317/0617-son
23.06.2026-y.

		рўйхатдан ўтказишни рад этиш бўйича хулоса тайёрлайди. 3. Аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисида QR-код (матрик штрихли код) қўйилган тегишли гувоҳномани ёки рўйхатдан ўтказиш рад этилгани ҳақидаги билдиришномани ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига юборади.	

II. Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини давлат рўйхатидан қайта ўтказиш

1-босқич	Ариза берувчи	1. ЯИДХПда рўйхатдан ўтади ва мурожаат қилади. 2. Электрон шаклдаги аризани унга илова қилинадиган ҳужжатларнинг электрон шаклини юклаган ҳолда тўлдиради ва тасдиқлайди. 3. Давлат хизматларидан фойдаланиш учун белгиланган миқдордаги йиғимни тўлайди.	Хоҳишига кўра
2-босқич	ЯИДХП	Аризани Транспорт назорати инспекциясига юборади.	Автоматик равишда

QMMB: 09/26/317/0617-son
23.06.2026-y.

3-босқич	Транспорт назорати инспекцияси	1. Келиб тушган ариза ва илова қилинган ҳужжатларнинг тўғри ва тўлиқ тўлдирилгани ҳамда тўловларнинг тўланганини текширади. 2. Аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари қайта давлат рўйхатидан ўтказилгани ёки ўтказиш рад этилгани ҳақидаги маълумотлар ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига юборади.	Ҳужжатлар қабул қилинган кунда 10 иш куни ичида

III. Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини давлат рўйхатидан чиқариш

1-босқич	Ариза берувчи	1. ЯИДХПда рўйхатдан ўтади ва мурожаат қилади. 2. Электрон шаклдаги аризани унга илова қилинадиган ҳужжатларнинг электрон шаклини юклаган ҳолда тўлдиради ва тасдиқлайди.	Хоҳишига кўра
2-босқич	ЯИДХП	Аризани Транспорт назорати инспекциясига юборади.	Автоматик равишда
3-босқич	Транспорт назорати инспекцияси	1. Келиб тушган ариза ва илова қилинган ҳужжатларнинг тўғри ва тўлиқ тўлдирилганини текширади. 2. Аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари давлат рўйхатидан чиқарилгани ёки давлат рўйхатидан чиқариш рад этилгани ҳақидаги маълумотларни ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига юборади.	Ҳужжатлар қабул қилинган кунда 5 иш куни ичида

”.

QMMB: 09/26/317/0617-son
23.06.2026-y.

2-иловада:

илова белгиси “темир йўл таркиби ва” сўзларидан кейин “темир йўл транспорти” сўзлари билан тўлдирилсин;

матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

_____ (сана) _____ (рақам)

Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун
АРИЗА

I. Ариза берувчи тўғрисида маълумот:

Ҳаракатдаги темир йўл таркибини рўйхатдан ўтказиш (рўйхатдан қайта ўтказиш, рўйхатдан чиқариш) учун	
1. Тўлиқ номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли: *(юридик шахслар учун)*	
Ф.И.О. *(жисмоний шахслар учун)*	
2. Манзили, телефон рақами, электрон почтаси:	
3. Реквизитлари (СТИР, банк коди, ҳисобварағи*): (юридик шахслар учун)*	
4. Эгалик ҳуқуқи *(хусусий мулк, бошқа мулкий ҳуқуқлар, ижара шартномалари ва бошқалар)*	
5. Ҳаракатдаги темир йўл таркибнинг тури	
6. Ҳаракатдаги темир йўл таркибининг жойлашган жойи	
7. Ҳаракатдаги темир йўл таркибини рўйхатдан ўтказиш *(рўйхатдан қайта ўтказиш, рўйхатдан чиқариш ва бошқалар)* учун асос	
Темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини рўйхатдан ўтказиш (рўйхатдан қайта ўтказиш, рўйхатдан чиқариш) учун	
1. Тўлиқ номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли: *(юридик шахслар учун)*	
Ф.И.О. *(жисмоний шахслар учун)*	
2. Манзили, телефон рақами, электрон почтаси:	
3. Реквизитлари (СТИР, банк коди, ҳисобварағи): *(юридик шахслар учун)*	
4. Эгалик ҳуқуқи (хусусий мулк, бошқа мулкий ҳуқуқлар, ижара шартномалари ва бошқалар)	

QMMB: 09/26/317/0617-son
23.06.2026-y.

5. Темир йўл транспорти инфратузилмаси объекти жойлашган темир йўл станцияси ёки перегони	
6. Темир йўл инфратузилмаси транспорти объектини рўйхатдан ўтказиш *(рўйхатдан қайта ўтказиш, рўйхатдан чиқариш ва бошқалар)* учун асос	

II. Аризага илова:

Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш (*рўйхатдан қайта ўтказиш, рўйхатдан чиқариш*) учун зарур бўлган ҳужжатларнинг электрон шакли:*	

**) Хизмат туридан келиб чиқиб, ҳужжатлар рўйхати ва улар ҳақидаги маълумот автоматик тарзда белгиланади.*

Ариза берувчининг
электрон рақамли имзоси";

3-илованинг илова белгиси "темир йўл таркиби ва" сўзларидан кейин "темир йўл транспорти" сўзлари билан тўлдирилсин;

4-иловада:

илова белгиси "темир йўл таркиби ва" сўзларидан кейин "темир йўл транспорти" сўзлари билан тўлдирилсин;

матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB: 09/26/317/0617-son
23.06.2026-y.

“O‘zbekiston Respublikasi Transport vazirligi huzuridagi Transport nazorati inspeksiyasi

Инспекция по надзору в сфере транспорта при Министерстве транспорта Республики Узбекистан

Guvohnoma / Свидетельство

Temir yo‘l transporti infratuzilmasi obyektini davlat ro‘yxatidan o‘tkazish to‘g‘risida / о государственной регистрации объекта инфраструктуры железнодорожного транспорта

Transport nazorati inspeksiyasi davlat reyestridan ro‘yxatdan o‘tgan / Зарегистрировано в Государственном реестре Инспекции по надзору в сфере транспорта

20 ___-y. “___” _____ ____-son

Mazkur guvohnoma / Настоящее свидетельство выдано

_____

_____

_____

(yuridik shaxs va obyektning nomi / наименование юридического лица и объекта)

berilgan va temir yo‘l transporti infratuzilmasi obyektining davlat ro‘yxatidan o‘tganligini tasdiqlaydi / и подтверждает государственную регистрацию объекта инфраструктуры железнодорожного транспорта

Ushbu Guvohnoma qonunchilik hujjatlarida nazarda tutilgan barcha hollarda qo‘llaniladi hamda temir yo‘l transporti infratuzilmasi obyektining egasini tasdiqlovchi hujjat bilan birgalikda taqdim etiladi va unda keltirilgan ma’lumotlar o‘zgarganida almashtirilishi shart bo‘ladi / Настоящее Свидетельство применяется во всех предусмотренных законодательством случаях и предъявляется вместе с документом, удостоверяющим владельца объекта инфраструктуры железнодорожного транспорта, и подлежит замене в случае изменения приведенных в нем сведений.

20____-yil “____”_____

QR-код (матрик штрихли код)

”;

QMMB: 09/26/317/0617-son
23.06.2026-y.

5-иловада:

илова белгиси “темир йўл таркиби ва” сўзларидан кейин “темир йўл транспорти” сўзлари билан тўлдирилсин;

номидаги “Тортувчи ҳаракатдаги таркибнинг (локомотивлар, моторвагон ҳаракатдаги таркиби)” сўзлари “Тортиш ҳаракатдаги темир йўл таркибининг (локомотивлар, моторвагонли ҳаракатдаги таркиб)” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Юк ва йўловчи вагонлар рўйхати” бўлимининг жадвалидаги “Жойлашган бекат” сўзлари “Жойлашган темир йўл станцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

6-иловада:

илова белгиси “темир йўл таркиби ва” сўзларидан кейин “темир йўл транспорти” сўзлари билан тўлдирилсин;

матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари
РЎЙХАТИ

Т/р	**Темир йўл транспорти инфратузилмаси объекти***	**Рўйхатга олинадиган темир йўл транспорти инфратузилмаси объекти техник паспортида кўрсатиладиган маълумотлар**
1.	**Темир йўл станцияси**	**1. Йўл хўжалиги бўйича:** темир йўллар (асосий, темир йўл станция йўллари, бошқа йўллар); стрелкали ўтказгичлар; темир йўл кесишмалари; габарит назорат қурилмалари; сунъий иншоотлар, жумладан: *дренаж, деформацияга қарши, ҳимоя ва мустаҳкамловчи иншоотлар, сув ўтказувчи қувурлар;* *темир йўл кўприги, туннеллар;* *темир йўл орқали пиёдалар ўтиш жойлари, кўприги, туннеллари.* **2. Алоқа ва сигналлаштириш хўжалиги бўйича:** сигналлаштириш марказлаштириш қурилмалари; темир йўл кесишмалари қурилмалари; алоқа қурилмалари; марказлашган стрелкали ўтказгичлар; бошқарув пульт қурилмалари. **3. Электр таъминоти хўжалиги бўйича:** контакт тармоғи; трансформаторлар; трансформатор подстанциялари; тортиш подстанцияси; электр узатиш тармоғи; бошқарув тизим қурилмалари. **4. Локомотив хўжалиги бўйича:**
2.	**Умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўли**	

QMMB: 09/26/317/0617-son
23.06.2026-y.

		локомотив таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш пункти. **5. Вагон хўжалиги:** техник хизмат кўрсатиш пунктлари. **6. Йўловчи ташиш хўжалиги:** йўловчи платформалари; йўловчиларга хизмат кўрсатиш бино ва иншоотлари. **7. Юк ташиш хўжалиги:** темир йўл станцияси синфи (класс); тўхташ пункти; юк ортиш ва тушириш майдонлари, контейнер майдонлари ($м^2$); юк сақлаш майдони ($м^2$); саралаш тепаликлари; юк платформалари; ювиш ва буғлаш станциялари; вагонларни ювиш ва дезинфекциялаш пунктлари; вагонларни юк ортишга тайёрлаш пунктлари.
3.	**Перегондаги темир йўллар**	**1. Йўл хўжалиги бўйича:** темир йўллар; стрелкали ўтказгичлар; темир йўл кесишмаси; сунъий иншоотлар, жумладан: *дренаж, деформацияга қарши, ҳимоя ва мустаҳкамловчи иншоотлар, сув ўтказувчи қувурлар;* *темир йўл кўприги, туннеллар;* *темир йўл орқали пиёдалар ўтиш жойлари, кўприги, туннеллари.* **2. Алоқа ва сигналлаштириш хўжалиги бўйича:** алоқа қурилмалари; сигналлаштириш марказлаштириш қурилмалари; темир йўл кесишмалари қурилмалари; ҳаракатдаги таркиблар буксаларини масофадан назорат қилиш қурилмаси; габарит назорат қурилмалари; ҳаракатдаги таркиблар издан чиқишини назорат қилувчи қурилмалар. **3. Электр таъминоти хўжалиги бўйича:** контакт тармоғи; электр узатиш тармоғи; трансформаторлар; секциялаш постлари. **4. Йўловчи ташиш хўжалиги:** йўловчи платформалари; йўловчиларга хизмат кўрсатиш бино ва иншоотлари (касса); тўхташ пункти.

**) Ҳар бир темир йўл транспорти инфратузилмаси объектини давлат рўйхатидан ўтказиш учун йиғим ундирилади.*

Рўйхатга олинадиган темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари сони, узунлиги, ишлаб чиқарилган ёки қурилган йили, хизмат қилиш муддати, тури, фойдаланишга топширилган санаси кўрсатилган ҳолда тақдим этилади";

QMMB: 09/26/317/0617-son
23.06.2026-y.

г) 3-илованинг 5-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 9 февралдаги 79-сон қарорида:

а) 5-бандниng “в” кичик бандида:

иккинчи хатбошидаги “сув истеъмолчисига” сўзлари “сувдан фойдаланувчига” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “сув истеъмолчиларига” сўзлари “сувдан фойдаланувчиларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг 6-банди иккинчи ва еттинчи хатбошилари, 7-бандининг учинчи хатбошиси ва 9-бандниng саккизинчи хатбошисидаги тегишли келишикдаги “сув истеъмолчилари” сўзлари тегишли келишикдаги “сувдан фойдаланувчилар” сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 сентябрдаги 616-сон қарори билан тасдиқланган Ажратилган минтақа ва муҳофаза зоналари чегараларида темир йўл транспорти ерларининг ўлчамини белгилаш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандида:

иккинчи ва учинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**ажратилган минтақа** – темир йўлларга туташган, темир йўллар билан банд бўлган ёки бундай йўлларни жойлаштириш учун мўлжалланган, шунингдек, темир йўл станцияларини, сув чиқариш ва мустаҳкамлаш қурилмаларини, темир йўллар бўйлаб ҳимоя чизиқларини, алоқа линияларини, электр таъминоти қурилмаларини, ҳарбий юкларни ортиш ва тушириш жойларини, ишлаб чиқаришга оид ва бошқа биноларни, иморатлар, иншоотлар ва темир йўл транспортининг бошқа объектларини жойлаштириш учун мўлжалланган ер участкалари;

муҳофаза зоналари – ажратилган минтақага икки томондан туташган ҳудудлар белгиланади, темир йўл транспорти ходимлари, йўловчилар, ҳайвонлар хавфсизлигини, шунингдек, темир йўл станцияларидан, темир йўллардан, электр таъминоти ва алоқа линияларидан фойдаланишда хавфсизликни, темир йўл транспорти иншоотлари, қурилмалари ва бошқа объектларининг, шу жумладан, силжувчи тупроқли ҳудудларда ва қум уюмлари, ер кўчиши, ер чўкиши, сув оқизиб кетиши, сел олиши ва табиий хусусиятдаги бошқа хавфли таъсирларга мойил бўлган ҳудудларда жойлашган объектларнинг бут сақланиши, мустаҳкамлиги ва бардошлилигини таъминлаш мақсадида ўрнатилган ҳудудлар”;

бешинчи хатбошидаги “умумий фойдаланишдаги” сўзлари чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбошидаги “объектларидан фойдаланишни, уларнинг” сўзлари “объектларининг фойдаланилишини,” сўзлари билан алмаштирилсин.

QMMB: 09/26/317/0617-son
23.06.2026-y.

16. Вазирлар Маҳкамасининг “Темир йўл транспорти соҳасида давлат томонидан тартибга солинадиган ва бозор тамойиллари асосида кўрсатиладиган хизматлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” 2024 йил 18 декабрдаги 851-сон қарорида:

а) 2-бандниng иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги “Темир йўл” сўзлари “Умумий фойдаланишдаги темир йўл” сўзлари билан алмаштирилсин:

б) 1-илованиng матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти соҳасида давлат томонидан тартибга солинадиган хизматлар РЎЙХАТИ

Т/р	Хизматлар номи
1.	Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортида йўловчиларни ташиш:
	почта ва курьерлик жўнатмаларини умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти орқали ташиш;
	ички қатновларда йўловчиларни ташиш, йўловчиларни юқори тезликдаги ва тезюрар поездларда ташиш бундан мустасно;
	шаҳар атрофида қатновчи йўловчи поездларида йўловчиларни ташиш.
2.	Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси (йўл хўжалиги, темир йўл юк станциялари, электр таъминоти қурилмалари, алоқа тармоқлари, сигнализация, марказлаштириш ва блоклаш тизимлари, ахборот мажмуаларини, ҳаракатни бошқариш тизими фаолиятини таъминлаш) хизматлари:
	йўловчиларни ички қатновларда ташиш учун;
	ички қатновларда юкларни ташиш учун.
3.	Локомотивларни умумий фойдаланишдаги темир йўлларда тақдим этиш:
	ички қатновларда юкларни ташиш учун;
	Ички қатновларда йўловчиларни (юқори тезликдаги поездлардан ташқари) ташиш учун.

”;

в) 2-илованиng матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти соҳасида бозор тамойиллари асосида кўрсатиладиган хизматлар РЎЙХАТИ

Т/р	Хизматлар номи
1.	**Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортида йўловчиларни ташиш:**
	юқори тезликдаги поездларда йўловчиларни ташиш;
	халқаро қатновларда йўловчиларни ташиш;
	тезюрар поездларда йўловчиларни ташиш.
2.	**Йўловчиларни ташишда кўрсатиладиган қўшимча хизматлар:**
	барча йўналишларда йўл ҳужжатларини расмийлаштириш;
	йўл давомида овқатланиш (кетринг);

	йўловчининг хоҳишига биноан бўш ўрин мавжуд бўлганда вагоннинг синфини ўзгартириш.
3.	**Темир йўл вокзалларда йўловчилар ва кузатувчиларга кўрсатиладиган хизматлар:**
	темир йўл вокзаллари ва йўловчи поездларда реклама хизмати;
	багаж ва юк багажини қадоқлаш ҳамда сақлаш;
	“VIP” залдан фойдаланиш;
	“IP” залдан фойдаланиш;
	“бизнес” залдан фойдаланиш;
	“комфорт” залдан фойдаланиш;
	“яшил йўлак” хизматидан фойдаланиш
	дам олиш хонасидан фойдаланиш;
	планшетда электрон кутубхона тақдим этиш;
	йўловчининг қўл юки, багаж ва юк багажини ташиш;
	темир йўл вокзаллари ҳудудидаги биноларни ижарага бериш;
	темир йўл вокзалларда газета ва журналлар сотиш;
	йўловчининг қўл юки, багаж ва юк багажини сақлаш;
	йўл ҳужжатларини (чипталарни) уйга етказиб бериш;
	йўл давомида қадоқланган сув, қаҳва тақдим этиш;
	массаж креслосини тақдим этиш;
	сартарошхона ва бошқа маиший хизматларни кўрсатиш;
	йўл ҳужжатларисиз (чиптасиз) жисмоний шахсларга ҳожатхона хизматини кўрсатиш;
	багаж ва юк багаж ташиш.
4.	**Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортида юкларни ташиш:**
	юк вагонларини тақдим этиш;
	контейнерларни тақдим этиш;
	халқаро (импорт, экспорт ва транзит) қатновларда юк ташиш.
5.	**Юкларни ортиш ва тушириш ҳамда ташиш жараёнларида кўрсатиладиган қўшимча хизматлар:**
	мижознинг буюртмасига кўра МДҲ, Грузия, Латвия, Литва, Эстония ва учинчи давлатлар темир йўллари маъмуриятлари билан алоҳида шартларда экспорт ва импорт юкларни ташиш;
	мижознинг буюртмасига кўра давлат ичида алоҳида шартларда юкларни ташиш;
	мижознинг буюртмасига кўра вагоннинг эски ташиш ҳужжатлари бўйича манзилини ўзгартириш;
	мижознинг буюртмасига кўра вагоннинг янги ташиш ҳужжатлари бўйича манзилини ўзгартириш;
	мижознинг буюртмасига кўра вагонни йўлда ушлаб қолиш (манзилини ўзгартириш);
	мижознинг буюртмасига кўра халқаро ва ички қатновларда юк ортиш учун инвентарь вагонларга қўшимча режани ажратиш;
	мижознинг буюртмасига кўра халқаро ва ички қатновларда шахсий ва ижарага олинган вагонларни юклаш учун қўшимча режани ажратиш;
	мижознинг буюртмасига кўра бўш шахсий ва ижарага олинган вагонни жўнатиш учун қўшимча режага рухсатномани расмийлаштириш;
	барча темир йўл маъмуриятларига инвентарь паркига тегишли катта ҳажмли вагонларни танлаш ва улар билан таъминлаб бериш (29XXXXXX рақамланган ёпиқ вагонлардан ташқари), (барча темир йўлларни хатловдан

	ўтказиш) вагонларга эгалик қилувчи мамлакатга шошилинч қайтаришда бўшлигини текшириш;
	юк жўнатувчининг буюртмасига кўра барча темир йўл маъмуриятининг (29XXXXXXX) рақамли инвентарь паркига тегишли катта ҳажмли вагонни танлаш ва таъминлаш;
	мижознинг буюртмасига кўра юклаш ва тушириш темир йўл станциясига бириктирилган темир йўл инвентарь вагонларида юкларни ташиш;
	юкларни ташиш учун қабул қилинганда ва топширишда юк эгаларининг буюртмасига кўра темир йўл вагон тарозиларида ёки умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўллар эгаси эгаси тарозисида юкнинг вазнини ўлчаш ва текшириш;
	вагонларни юк жўнатувчилар воситасида юклаш пайтида уларнинг буюртмасига кўра уларнинг ҳисобидан вагонни темир йўл тамғалаш мосламалари ёрдамида тамғалаш, тамға ўрнатиш ва станцияларда ёпиқ турдаги вагонларни бурама сим билан боғлаш;
	умумий фойдаланиш жойларида, темир йўл ходимлари иштирокида ва (транспорт) воситаларида юк ортиш-тушириш операциялари ҳамда тегишли қўшимча хизматлар кўрсатиш (қадоқланган юклар, оғир вазнли юклар, сочма юклар, ёғоч, металл ва металл буюмлар);
	мижознинг буюртмасига кўра вагон ёки контейнер юкланган вагонларни улар томонидан кўрсатилган куннинг маълум вақтларида юклаш ва тушириш учун қўйиб бериш;
	вагон ва контейнерни мижознинг буюртмасига кўра етказиб бериш муддати тугашидан олдин қидириш;
	мижознинг буюртмасига кўра вагонларни тушириш ва бошқа мақсадлар учун темир йўл локомотивидан сиқилган ҳаво етказиб бериш;
	мижознинг буюртмасига кўра вагонларни тушириш ва бошқа мақсадлар учун темир йўл станция қурилмаларидан (компрессор) сиқилган ҳаво етказиб бериш;
	юк жўнатувчиларнинг буюртмасига кўра юкларни юклаш бўйича ўн кунлик талабномаларни муддатидан олдин бажариш учун вагонлар билан таъминлаш;
	ташиш режаси кўрсатилган вагон турини, юк турини, жўнатиш темир йўл станциясини ва темир йўл станция манзили юк ташувчининг буюртмасига кўра ўзгартириш (локомотив харажатлари билан бирга);
	юк жўнатувчининг буюртмасига кўра вагонлар ва контейнерларни юк ортиш учун тайёрлаш;
	юк жўнатувчининг буюртмасига кўра амалдаги қоидаларда техник ортиш меъёри кўрсатилмаган юклар учун техник меъёрларни ишлаб чиқиш ва ўрнатиш;
	юк жўнатувчининг буюртмасига кўра амалдаги қоидаларда кўрсатилмаган юклар учун юкларни ортиш ва мустаҳкамлаш схемасини ишлаб чиқиш;
	вагонларни тозалаш ва юк туширилгандан кейин деталлар (реквезит)ни олиб ташлаш;
	мижознинг буюртмасига кўра кўрсатиладиган қўшимча хизматлар (юкларни мустаҳкамлаш, панелларни (шчит) ўрнатиш ва олиб ташлаш, эшик тўсиқлари, қадоқлаш);
	мижознинг буюртмасига кўра темир йўл мутахассисининг жойларга чиқиб келиши;
	юк декларациясини мижознинг буюртмасига асосан тўлдириш;

	мижознинг буюртмасига кўра қўшимча режага мувофиқ МДҲ, Грузия, Латвия, Литва ва Эстония ҳамда учинчи мамлакатларга экспорт ташишларни (АС Месплан электрон дастури орқали) бўйича мувофиқлаштириш;
	мижознинг буюртмасига кўра қўшимча режага мувофиқ МДҲ, Грузия, Латвия, Литва ва Эстония ҳамда учинчи мамлакатлардан импорт ташишларни (АС Месплан электрон дастури орқали) мувофиқлаштириш;
	умумий фойдаланишда бўлмаган жойларга юклаш ва тушириш учун юборилган вагонларга бўр белгиларини қўйиш;
	умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти билан вагонларни бериш ва қайтариб олиш учун шартномаси йўқ, ўз умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўлига эга бўлмаган мижознинг буюртмасига кўра умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўлга вагонларни бериш ва қайтариб олиш;
	контрагент мижознинг буюртмасига кўра умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўлининг ортиш ва тушириш жойига қўйиб бериш учун вагон танлаш ва ажратиш;
	мижознинг буюртмасига кўра битта вагон(лар)ни бир умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўлидан иккинчи умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўлига темир йўл станцияси ичида ташишларни ташкил этиш;
	мижознинг буюртмасига кўра умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортига тааллуқли бўлмаган корхоналарга тегишли тарози асбобларини режали ва режадан ташқари техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва назорат текширувларини бажариш;
	умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўлнинг йўл ўтиш жойларида жойлашган йўл ўтказгичларини (стрелка) (марказлаштирилган) умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти кучлари ва воситалари билан техник хизмат кўрсатиш;
	умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўлнинг йўл ўтиш жойларида жойлашган умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти кучлари ва воситалари билан, марказлаштирилмаган (қўлда) стрелка йўл ўтказгичлари техник хизмат кўрсатиш (бир маротаба бериш учун ва алоҳида битта олиш учун);
	умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўлда жойлашган темир йўл кесишмасидаги шлагбаум, дарвозаларни очиш ва ёпиш хизматини кўрсатиш (вагонларни бир маротаба бериш учун ва алоҳида бир маротаба қайтариб олиш учун);
	мижознинг буюртмасига кўра жўнаш ва келиш вақтини мувофиқлаштирган ҳолда юкларни ҳалқали маршрутларда ташиш;
	мижознинг буюртмасига кўра юк операциялари учун очиқ бўлмаган темир йўл станцияларида вагонларни бериш ва қайтариб олиш;
	поезд локомотиви ёрдамида вагонларни умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўлларга бериш ва қайтариб олиш;
	мижознинг буюртмасига кўра юк жўнатувчилар (юкни олувчилар)нинг шахсий ва ижарага олинган вагонларини умумий фойдаланишдаги темир йўлларига жойлаштириш;
	мижознинг буюртмасига кўра темир йўл станциясидан 0,5 км дан узоқроқда жойлашган юк омборларида ёки бошқа умумий фойдаланиш жойларида юклаш ёки тушириш учун вагонларни етказиб бериш ва қайтариб олиш;
	юкларни вагонларда бепул сақлаш учун белгиланган меъёрлардан ортиқ миқдорда сақлаш;

	юк эгасининг буюртмасига кўра темир йўл станцияси ортиш ва тушириш йўлларида манёвр ишларини бажариш;
	юкларни кўриқлаш хизмати;
	ташувлардан сўнг ювилиши шарт бўлган юклардан бўшаган вагонларни ювиш хизмати учун;
	ташиш ва бошқа ҳужжатларини ишлаб чиқариш учун сарф-харажатларга асосан ташиш ҳужжатларини иккинчи маротаба тақдим этиш;
	мижознинг буюртмасига кўра юкни темир йўл станциядан юкни олувчининг омборига ва юк жўнатувчининг омборидан темир йўл станциясигача умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортининг автомобиль транспорти орқали ёки бошқа ташкилотлар томонидан шартнома асосида юкларни етказиб бериш;
	мижознинг буюртмасига кўра божхона органлари ва экспедиторлик ташкилотлари учун ташиш шартлари ва тўловлари тўғрисида маълумот бериш;
	рўйхатга олиш картасининг иккинчи нусхасини тўлдириш ва юк ташиш режасини бажариш;
	юк жўнатувчи учун контейнер ва вагонларга хавфли белгилар чизилган трафаретни ёпиштириш;
	юк жўнатувчи ва юкни олувчиларга тегишли ҳужжатлар нусхаларини иккинчи маротаба тақдим этиш;
	юк жўнатувчи ва юкни олувчилар буюртмасига кўра юкларни автомобиль ёки тиркама (ярим тиркамали) боғлаб қўйиш (ажратиш);
	мижознинг буюртмасига кўра ташиш ҳужжатини тўлдириш (СМГС, ГУ-29, ГУ-29б);
	юклар келгани тўғрисида иккинчи маротаба хабар бериш (телефон, телеграф, қўлда етказиб бериш орқали);
	юкни олувчига уларнинг буюртмасига кўра юкларни қадоқлаш, ўраш, боғлаш ва тузатиш;
	юкни олувчи ва юк жўнатувчининг буюртмасига кўра умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортига хабар бериш. Юкни олувчини аниқлаштириш, товарларни ташиш учун талабномани ўзгартириш, манзилини ўзгартириш (шахсий эҳтиёжлар учун ишлатиладиган товарлар бундан мустасно);
	Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон линияси иштирокида Тожикистонга/Тожикистондан ташишда;
	конвенцион тақиқда туриб қолган хусусий ва ижарадаги бўш вагонларни вагон эгасига қайтаришда;
	божхона терминаллари ва контейнер майдончалари хизматлари (юкларни ортиш ва тушириш);
	шартнома бўйича Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг хусусий (ижарага олинган) вагонларига хизмат кўрсатиш;
	Қирғизистондан Афғонистонга юкларни цистерна вагонда ташиш;
	Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар вагонларда контейнерларни Афғонистонга ташиш;
	Тожикистон, Туркманистон, Афғонистонга транзит юкларни ташишда божхона кўригидан (уй-рўзғор буюмларини ташишдан ташқари) ўтказиш;
	Афғонистондан экспорт қилинадиган товарларни божхона кўригидан ўтказиш пайтида юклаш-тушириш хизматлари;

QMMB: 09/26/317/0617-son
23.06.2026-y.

	Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг хусусий, ижарага олинган вагонларини қайтариш;
	“транзит декларация”ни расмийлаштириш учун божхона органларига электрон шаклда маълумотларни жўнатиш;
	Термиз-порт темир йўл станциясида халқаро ташувларни ташкил этишда Ўзбекистон Республикасининг норезидент мижозларига темир йўл станция хизматларини кўрсатиш;
	Афғонистондан Ғалаба ва Термиз чегара ўтиш темир йўл станциялари орқали юкланган вагон ёки контейнерда ташишда юк хатини расмийлаштириш;
	Термиз логистика марказида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзитда олиб ўтиладиган (Ғалаба чегара темир йўл станцияси орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган) тижорат юкларини божхона кўригидан ўтказишда юклаш-тушириш операциялари ва у билан боғлиқ бошқа операцияларни амалга ошириш.
6.	**Вагонларни умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўлларга бериш ва қайтариб олиш хизматлари:**
	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасарруфидаги локомотивда ушбу жамиятга тегишли бўлмаган умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўлларга;
	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасарруфидаги локомотивда ушбу жамиятга тегишли умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўлларга;
	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасарруфида бўлмаган локомотивда ушбу жамиятга тегишли умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўлларга.
7.	**“Ўзтемирйўлконтейнер” АЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар (логистика марказларида ортиш-тушириш ишлари):**
	универсал контейнерларни;
	қадоқланган юкларни;
	оғир юкларни;
	сочилувчан юкларни;
	ёғоч-тахта юкларни;
	металл ва металл буюм юкларни;
	дон маҳсулотлари ва сабзавотларни.
	Тижорат операциялари учун хизматлар:
	ўрта тоннажли контейнерларни бир маротаба жўнатиш учун юклаш режасини ажратиш;
	Тошкент, Сергели, Чуқурсой логистика марказларида катта тоннажли контейнерларни бир маротаба жўнатиш учун юклаш режасини ажратиш;
	вагонни ёки контейнерни “Ўзтемирйўлконтейнер” АЖ айланма (тўқима) темир муҳрлар билан муҳрлаш;
	юкларни катта ва ўрта тоннали контейнерларга юклаш қоидалари бўйича юк жўнатувчиларга маслаҳат бериш;
	юкни олувчиларни Тошкент, Сергели, Чуқурсой логистика марказларида ташқари юк келгани ҳақида телефон орқали хабардор қилиш;
	Тошкент, Сергели, Чуқурсой логистика марказларида юк келгани ҳақида юкни олувчиларни телеграф ва оғзаки орқали хабардор қилиш;
	логистика марказларида 20 ва 40 футли контейнерни сақлаш;
	омборхоналарда (божхона омборларидан ташқари) қадоқланган юкни сақлаш;
	“Ўзтемирйўлконтейнер” АЖ ходимлари томонидан битта вагони тозалаш;
	контейнер майдонларида уй-рўзғор буюмларига мўлжалланган контейнерлар эшик қисмларини ўраш (қадоқлаш).

QMMB: 09/26/317/0617-son
23.06.2026-y.

8.	**“Темирйўлкарго”АЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар:**
	вагонлардан фойдаланиш;
	вагонни юк ортиш ва тушириш жойи (фронти)га қўйиш;
	юкларни тушириш учун вагонни баланд йўлга қўйиш;
	автотранспорт воситасини юк билан кириб чиқиш;
	бўш автотранспортни юк ортиш учун кириб чиқиш;
	кранда юк ортиш ва тушириш;
	юкни очиқ омборда сақлаш хизмати;
	юкни ёпиқ омборда сақлаш хизмати;
	юкни хусусий вагонда сақлаш;
	юкни автотранспортда сақлаш;
	тарози хизматидан фойдаланиш;
	транспорт-экспедиторлик хизматлари.

Изоҳ. *Ушбу қарорга 1 ва 3-иловаларга киритилмаган хизмат турлари бозор тамойиллари асосида кўрсатилади*”;

г) 3-иловада:

номидаги “Темир йўл” сўзлари “Умумий фойдаланишдаги темир йўл” сўзлари билан алмаштирилсин;

6-позициянинг “Хизматлар номи” устунидаги “Ногиронлар учун” сўзлари “Ногиронлиги бўлган шахслар учун ўриндиқли” сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 30 июндаги 401-сон қарори билан тасдиқланган Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-банди учинчи хатбошисидаги “сув истеъмолчилари” сўзлари “сувдан фойдаланувчилар” сўзлари билан алмаштирилсин.

QMMB: 09/26/317/0617-son
23.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 22 ” июндаги 317-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат-акционерлик компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида” 1994 йил 14 ноябрдаги 551-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат сув кадастрини ишлаб чиқиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 1998 йил 7 январдаги 11-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик компаниясини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида” 2001 йил 3 мартдаги 108-сон қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акционерлик компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида” 1994 йил 14 ноябрдаги 551-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2001 йил 26 июндаги 268-сон қарори.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат-акциядорлик компаниясини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида” 2001 йил 3 мартдаги 108-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида” 2005 йил 22 сентябрдаги 213-сон қарори.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисида” 2010 йил 10 ноябрдаги ПҚ–1432-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджетдан ташқари таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2010 йил 10 декабрдаги 291-сон қарори)” 2011 йил 18 февралдаги 42-сон қарорига 1-илованинг 3-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасини таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси этиб қайта ташкил этиш тўғрисида” 2011 йил 21 ноябрдаги ПҚ–1645-сон қарори)” 2012 йил 3 февралдаги 30-сон қарорига илованинг 4-банди.

QMMB: 09/26/317/0617-son
23.06.2026-y.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Техник жиҳатдан фойдаланишда темир йўл транспорти хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида” 2012 йил 4 июлдаги 192-сон қарори.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 16 июлдаги ПФ–4453-сон Фармони)” 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сон қарорига 2-илованинг 27-банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2013 йил 19 мартдаги 82-сон қарори.

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Ер ости сувларидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 27 июндаги 430-сон қарорига 3-илованинг 3-банди.

12. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 21 апрелдаги ПФ–5024-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ–2915-сон қарори)” 2017 йил 14 ноябрдаги 915-сон қарорига 1-илованинг 44-банди.

13. Вазирлар Маҳкамасининг “Халқаро сифат стандартлари ва фойдаланиш хавфсизлигига жавоб берадиган темир йўл маҳсулотини ишлаб чиқаришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 22 мартдаги 211-сон қарори.

14. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 11 апрелдаги ПФ–5409-сон Фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ–3672-сон қарори)” 2018 йил 9 октябрдаги 813-сон қарорига илованинг 2-банди.

15. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 15 мартдаги ПФ–5690-сон Фармони)” 2019 йил 21 октябрдаги 886-сон қарорига илованинг 7-банди.

QMMB: 09/26/317/0617-son
23.06.2026-y.

16. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 11 декабрдаги 981-сон қарори.

17. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон Фармони)” 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорига илованинг 121-банди.

18. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва сувни етказиб бериш бўйича харажатларни қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 22 майдаги 310-сон қарорига 4-илова.

19. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 1 февралдаги ПФ–5647-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 6 мартдаги ПҚ–4230-сон қарори)” 2020 йил 8 майдаги 271-сон қарорига 1-илованинг 21 ва 52-бандлари.

20. Вазирлар Маҳкамасининг “Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 3 апрелдаги 174-сон қарори.

21. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2021 йил 10 апрелдаги 200-сон қарорига 3-илованинг 3-банди.

22. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 24 февралдаги ПҚ–5006-сон қарори)” 2021 йил 29 ноябрдаги 721-сон қарорига илованинг 10-банди.

23. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сон Қонуни)” 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 7, 302, 744 ва 1018-бандлари.

QMMB: 09/26/317/0617-son
23.06.2026-y.

24. Вазирлар Маҳкамасининг “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг ҳисобини юритишда шаффофликни таъминлаш, шунингдек, кадастр соҳасидаги айрим маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 18 октябрдаги 610-сон қарорига 2-илованинг 1-банди.

25. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси фаолиятини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2023 йил 27 сентябрдаги 500-сон қарорига 5-илованинг 4 ва 16-бандлари.

26. Вазирлар Маҳкамасининг “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 9 февралдаги 79-сон қарорига 5-илованинг 1 ва 2-бандлари.

27. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2024 йил 7 октябрдаги 645-сон қарорига 11-илованинг 2-банди.

28. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2025 йил 29 январдаги 48-сон қарорига 2-илованинг 58-банди.

29. Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш ва бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантириш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2025 йил 21 майдаги 325-сон қарорига 3-илованинг 24-банди.

QMMB: 09/26/321/0621-son
25.06.2026-y.

25 (1253)-son
616-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 24 » iyun № 321 Toshkent sh.

Мактабгача таълим йўналиши бўйича халқаро тажриба асосида бакалаврлар тайёрлаш тизимини жорий этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 28 апрелдаги ПФ–73-сон ҳамда “Мактабгача таълим ва тарбия тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2026 йил 5 февралдаги ПФ–19-сон фармонлари ижросини таъминлаш, шунингдек, мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари учун педагог кадрларни тайёрлаш тизимини халқаро тажрибаларга мос равишда такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 28 апрелдаги ПФ–73-сон Фармонига мувофиқ давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотларида педагог кадрлар тайёрлаш сифатини таҳлил қилиш мақсадида талабалар билимини ташқи диагностика қилиш ҳамда педагогика олий таълим ташкилотлари битирувчиларини касбий сертификатлаш тизимларини жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 февралдаги ПФ–19-сон Фармонига мувофиқ мактабгача таълим йўналиши бўйича халқаро тажрибаларга мос равишда тегишли бакалаврлар тайёрлаш тизимини жорий этиш белгиланган маълумот учун қабул қилинсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) **2026/2027 ўқув йилидан бошлаб**:

давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган ўрта махсус маълумотли педагог кадрлар учун ҳафтада бир кун педагогика олий таълим ташкилотида, беш кун мактабгача таълим ташкилотида тўлов-шартнома асосида мактабгача таълим йўналишида бакалавриат босқичида дуал таълим шаклида (кейинги ўринларда – дуал таълим) ўқиш жорий этилади;

мактабгача таълим йўналишида бакалаврлар тайёрлаш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларида замонавий кўникмаларни шакллантириш билан бирга жисмоний тарбия машғулотларини ўтказиш ҳамда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича зарур билим ва кўникмалар шакллантирилади;

педагог кадрлар тайёрлайдиган давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган бакалавр босқичи талабаларининг билимлари ҳар йили тасдиқланган режа-жадвал асосида ташқи диагностикадан ўтказиб борилади;

б) **2028/2029 ўқув йилидан бошлаб** Ўзбекистон миллий педагогика университетининг, **2029/2030 ўқув йилидан бошлаб** Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги педагогика олий таълим ташкилотларининг халқаро таълим дастурлари жорий этилган бакалавриат таълим йўналишларининг битирувчи курс талабаларига якуний давлат аттестацияси билан бирга ўз хоҳишига кўра касбий сертификатлаш синовларида бепул иштирок этиш имконияти берилади.

3. Белгилансинки:

дуал таълим шаклида мактабгача таълим бакалавриат таълим йўналишида ўқишга давлат ва (ёки) нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида камида уч йил давомида фаолият юритаётган ўрта махсус маълумотли педагог кадрлар олий таълим ташкилотлари бакалавриатига ўқишга қабул қилишнинг амалдаги тартибига мувофиқ ўтказиладиган тест синовлари асосида қабул қилинади;

дуал таълим шаклида мактабгача таълим бакалавриат таълим йўналиши бўйича қабул параметрлари ҳудудлардаги эҳтиёждан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан тасдиқланади;

дуал таълим шаклида мактабгача таълим бакалавриат таълим йўналишида педагогика олий таълим ташкилотларига фақат тегишли ҳудуддаги мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган педагоглар қабул қилинади;

дуал таълим шаклида таълим жараёнларини ташкил этишда талабаларнинг мактабгача таълим ташкилотларидаги амалий фаолиятини методик жиҳатдан таъминлаш, мувофиқлаштириш ва баҳолаш механизмлари Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан келишилган ҳолда, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади;

дуал таълим шаклида таълим олаётган педагоглар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда, малака ошириш курсларига жалб этилмайди.

4. Қуйидагилар:

Мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган ўрта махсус маълумотли педагогларни дуал таълим шаклида ўқитиш тизимини ташкил этиш бўйича “йўл харитаси” **1-иловага** мувофиқ;

Дуал таълим шаклида мактабгача таълим бакалавриат таълим йўналишида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйиладиган педагогика олий таълим ташкилотлари рўйхати **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

5. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

а) **2026/2027 ўқув йилидан бошлаб**:

мактабгача таълим йўналишида давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган ўрта махсус маълумотли педагог кадрларни дуал таълим шаклида ўқитишни ташкил этсин;

мактабгача таълим бакалавриат таълим йўналишида кадрлар тайёрлаш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларида замонавий кўникмаларни шакллантириш билан бирга жисмоний тарбия машғулотларини ўтказиш ҳамда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича зарур билим ва кўникмаларни шакллантиришни назарда тутувчи ўқув дастурларини жорий этсин;

ҳар йили давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотларида мактабгача ва мактаб таълими соҳасида бакалаврлар тайёрлаш сифатини таҳлил қилиш учун талабаларнинг билимларини тасдиқланган режа-жадвал асосида ташқи диагностикадан ўтказиб борилишини таъминласин;

б) Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги педагогика олий таълим ташкилотларининг халқаро таълим дастурлари жорий этилган бакалавриат таълим йўналишларининг битирувчи курс талабаларига якуний давлат аттестацияси билан бирга ўз хоҳишига кўра касбий сертификатлаш синовларида бепул иштирок этиш имкониятини яратсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **3-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда мактабгача ва мактаб таълими вазири Э.Г. Каримова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/321/0621-son
25.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 24 ” июндаги 321-сон қарорига
1-илова

Мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган ўрта махсус маълумотли педагогларни дуал таълим шаклида ўқитиш тизимини ташкил этиш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1.	Мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган ўрта махсус маълумотли педагоглар учун дуал таълим шаклида (бир кун педагогика олий таълим ташкилотида, беш кун мактабгача таълим ташкилотида) (кейинги ўринларда – дуал таълим шакли) ҳудудлардаги эҳтиёждан келиб чиқиб, қабул параметрларини шакллантириш.	1. Мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган педагог кадрлар таркибини таҳлил қилиш. 2. Дуал таълим шаклида ўқиш истагини билдирган педагоглар сони ва мактабгача таълим ташкилотларининг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш. 3. Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига қабул параметрларини шакллантириш бўйича таклиф киритиш.	2026 йил июль	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
2.	Олий таълим ташкилотларига қабул жараёнида дуал таълим шаклидаги мактабгача таълим йўналишига фақат тегишли ҳудуддаги мактабгача таълим ташкилотларида камида уч йил давомида фаолият юритаётган	1. Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш	2026 йил август	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Рақамли

25 (1253)-сон
616-модда

	педагоглар қабул қилинишини абитуриентларни онлайн рўйхатдан ўтказиш шартларига киритиш.	агентлиги расмий веб-сайтининг техник имкониятларини кенгайтириш. 2. Камида уч йил давомида фаолият юритаётган педагоглар қабул қилинишини абитуриентларни онлайн рўйхатдан ўтказиш шартларига киритиш.		технологиялар вазирлиги, Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги
3.	Мактабгача таълим ташкилотларининг ўрта махсус маълумотли педагог кадрлари учун дуал таълим шаклида ўқув жараёнини ташкил этиш тартибини ишлаб чиқиш.	1. Ўрта махсус маълумотли педагог кадрлар учун дуал таълим шаклида ўқув жараёнини ташкил этиш тартибини ишлаб чиқиш. Бунда педагогика олий таълим ташкилотлари томонидан ўқитишнинг масофавий ва муқобил шаклларидан кенг фойдаланишни назарда тутиш. 2. Дуал таълим шаклида ўқув жараёнини ташкил этиш тартибини тасдиқлаш.	2026 йил август	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
4.	Педагогика олий таълим ташкилотларида дуал таълим шаклида ўқитишнинг тўлов-шартнома миқдорларини белгилаш.	1. Дуал таълим шаклида ўқитишнинг тўлов-шартнома миқдорларини ҳисоб-китоб қилиш. 2. Тўлов-шартнома миқдорларини тасдиқлаш.	2026 йил август	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
5.	Мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган ўрта махсус маълумотли педагог кадрлар учун дуал таълим шаклида бакалаврлар тайёрлашнинг ўқув режалари ва дастурларини тасдиқлаш.	1. Дуал таълим шаклида бакалаврлар тайёрлашнинг ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш. Бунда мактабгача таълим бакалавриат таълим йўналишида кадрлар тайёрлаш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларида замонавий кўникмаларни	2026 йил август	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

QMMB: 09/26/321/0621-son
25.06.2026-y.

25 (1253)-сон
616-модда

		шакллантириш билан бирга жисмоний тарбия машғулотларини ўтказиш ҳамда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича зарур билим ва кўникмаларга эга педагогларни тайёрлашни назарда тутиш. 2. Ўқув режалари ва дастурларини тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш.		
6.	Дуал таълим шаклида ўқув жараёнларини ташкил этишда талабаларнинг мактабгача таълим ташкилотларидаги амалий фаолиятини методик таъминлаш, мувофиқлаштириш ва баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш.	1. Дуал таълим шаклида талабаларнинг мактабгача таълим ташкилотларидаги амалий фаолиятини методик таъминлаш, мувофиқлаштириш ва баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш. 2. Ишлаб чиқилган тартибни тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш.	2026 йил август	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги

QMMB: 09/26/321/0621-son
25.06.2026-y.

QMMB: 09/26/321/0621-son
25.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 24 ” июндаги 321-сон қарорига
2-илова

Дуал таълим шаклида мактабгача таълим бакалавриат таълим йўналишида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйиладиган педагогика олий таълим ташкилотлари
РЎЙХАТИ

Т/р	Олий таълим ташкилоти номи	Олий таълим ташкилоти жойлашган ҳудуд
1.	Ўзбекистон миллий педагогика университети	Тошкент шаҳри
2.	Нукус давлат педагогика институти	Қорақалпоғистон Республикаси
3.	Андижон давлат педагогика институти	Андижон вилояти
4.	Бухоро давлат педагогика институти	Бухоро вилояти
5.	Жиззах давлат педагогика университети	Жиззах вилояти
6.	Шаҳрисабз давлат педагогика институти	Қашқадарё вилояти
7.	Наманган давлат педагогика институти	Наманган вилояти
8.	Навоий давлат университети	Навоий вилояти
9.	Самарқанд давлат педагогика институти	Самарқанд вилояти
10.	Каттақўрғон давлат педагогика институти	Самарқанд вилояти
11.	Гулистон давлат педагогика институти	Сирдарё вилояти
12.	Термиз давлат педагогика институти	Сурхондарё вилояти
13.	Чирчиқ давлат педагогика университети	Тошкент вилояти
14.	Урганч давлат педагогика институти	Хоразм вилояти
15.	Қўқон давлат университети	Фарғона вилояти

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 24 ” июндаги 321-сон қарорига
3-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотлари педагог кадрларини касбий сертификатлаш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 2024 йил 12 февралдаги 87-сон қарорида:

а) 3-банд қуйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“2028/2029 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон миллий педагогика университетининг, 2029/2030 ўқув йилидан бошлаб Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги педагогика олий таълим ташкилотларининг халқаро таълим дастурлари жорий этилган бакалавриат таълим йўналишларининг битирувчи курс талабаларига якуний давлат аттестацияси билан бирга ўз хоҳишига кўра касбий сертификатлаш синовларида бепул иштирок этиш имконияти яратилади.

Бунда касбий сертификатлаш синовларини муваффақиятли топширган битирувчига мутахассис ўқитувчи лавозимида ишлаш ҳуқуқини берувчи касбий сертификат берилади”;

б) иловада:

2-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“**битирувчи талаба** – Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги педагогика олий таълим ташкилотларидаги халқаро таълим дастурлари жорий этилган бакалавриат таълим йўналишларининг битирувчи босқич талабалари”;

бешинчи – еттинчи хатбошилар тегишлича олтинчи – саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**талабгор** – касбий сертификат олишга даъвогар бўлган битирувчи талаба, давлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотидаги ҳамда аввал касбий сертификатлашда иштирок этиб, ўта олмаган стажёр-ўқитувчи, стажёр-тарбиячи, психолог ёки мутахассис лавозимидаги, шунингдек, педагоглар аттестациясидан ўта олмаган, мутахассис (олий маълумотли ўқитувчи) лавозимига мувофиқ эмас, эгаллаб турган лавозимига мувофиқ эмас (ўрта махсус маълумотлилар) деб топилган педагог кадрлар”;

8-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

QMMB: 09/26/321/0621-son
25.06.2026-y.

“битирувчи талаба таҳсил олаётган таълим йўналиши бўйича касбий сертификатлашдан ўтади”;

иккинчи ва учинчи хатбошилар тегишлича учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 6 августдаги 498-сон қарори билан тасдиқланган Ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ташкилотларини комплекс ҳамда махсус давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 71-бандида:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотларида педагог кадрлар тайёрлаш сифатини таҳлил қилиш мақсадида ўтказилган талабаларнинг билимларини ташқи диагностика қилиш натижаларига кўра таълим йўналиши бўйича Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг “педагог кадрлар тайёрлаш сифати белгиланган талабларга жавоб бермайди” деган хулосаси”;

олтинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим ташкилотларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-банди қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“ўрта махсус маълумотли педагог кадрлар учун дуал таълим шаклида ташкил этилган мактабгача таълим бакалавриат таълим йўналишига ўқишга кириш учун рўйхатдан ўтадиган абитуриентлар бир босқичда – ҳар йили 5 июндан 25 июнга қадар (25 июнь куни ҳам) рўйхатдан ўтказилади. Бунда абитуриентлар мазкур муддат давомида бакалавриат таълим йўналишини, таълим тили ва тест топшириш ҳудудини танлайди”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/322/0622-son
25.06.2026-y.

25 (1253)-son
617-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 24 » iyun № 322 Toshkent sh.

Умумий ўрта таълим ташкилотларининг олий малака тоифасига эга ўқитувчиларини педагогика соҳасида магистратурага ўқишга мақсадли қабул қилиш тизимини жорий этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 28 апрелдаги ПФ–73-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, умумий ўрта таълим ташкилотларининг олий малака тоифасига эга ўқитувчиларининг билим ва кўникмаларини оширишига етарли шароит яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг умумий ўрта таълим ташкилотларида фаолият олиб бораётган халқаро аккредитацияланган тизимда олий малака тоифасига эга бўлган ўқитувчиларни (кейинги ўринларда – олий тоифали ўқитувчилар) педагогика соҳасининг магистратура босқичида масофавий таълим шаклида ўқитишни (кейинги ўринларда – мақсадли магистратура) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилансинки:

а) мақсадли магистратурага қабул олий таълим ташкилотларининг магистратурасига ўқишга қабул қилиш бўйича белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади;

б) олий тоифали ўқитувчилар:

мақсадли магистратурада ўқиш жараёнларини ишдан ажралмаган ҳолда, **масофавий таълим шаклида** амалга оширади;

мақсадли магистратурани тугатгандан кейин **уч йил давомида** умумий ўрта таълим ташкилотида ишлаб бериш мажбуриятини олади;

в) олий тоифали ўқитувчилар ушбу қарорга мувофиқ мақсадли магистратурага қабул қилинган тақдирда, уларга нисбатан Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат олий таълим муассасалари магистратура босқичида таълим олаётган хотин-қизларнинг тўлов-контракт маблағларини тўлаб бериш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 15 августдаги 447-сон қарорида белгиланган тўлов-контракт суммасини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш шартлари татбиқ этилмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

2026/2027 ўқув йилидан бошлаб олий тоифали ўқитувчиларни Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университетида мақсадли магистратурада ўқитишни йўлга қўйсин;

ҳар йили умумий ўрта таълим ташкилотларининг юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, келгуси ўқув йили учун олий тоифали ўқитувчиларни мақсадли магистратурага қабул қилиш параметрларини Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритиб борсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда мактабгача ва мактаб таълими вазири Э.Г. Каримова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/322/0622-son
25.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 24 ” июндаги 322-сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги олий таълимни олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 24 сентябрдаги 606-сон қарорида:

а) номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилотларида иккинчи ва ундан кейинги олий таълимни олиш ҳамда ўқишга кириш учун ҳужжатларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”

б) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилотларида иккинчи ва ундан кейинги олий таълимни олиш ҳамда ўқишга кириш учун ҳужжатларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

олий таълим ташкилотлари бакалавриат таълим йўналишлари хусусиятидан келиб чиқиб, иккинчи ва ундан кейинги олий таълимни олий таълим ташкилотларида мавжуд бакалавриат таълим йўналишлари ва таълим шаклларида ташкил этиш;

иккинчи ва ундан кейинги олий таълим бўйича қабул параметрларини белгилаш, ўқишга кириш учун белгиланган муддатларда ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали, давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг махсус электрон платформаси орқали қабул қилиш;

иккинчи ва ундан кейинги олий таълимда ўқув жараёнини ташкил этиш, шу жумладан, ўқиш давомийлигини тегишли бакалавриат таълим йўналишлари учун белгиланган муддатдан бир йилга кам этиб белгилаш;

иккинчи ва ундан кейинги олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаси ва фан дастурларини таянч олий таълим ташкилотлари томонидан турдош олий таълим ташкилотлари билан келишилган ҳолда кадрлар буюртмачиларининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб алоҳида ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш”;

в) иловада:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилотларида иккинчи ва ундан кейинги олий таълимни олиш ҳамда ўқишга кириш учун ҳужжатларни қабул қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ”;

1-бандниng биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Ушбу Низом олий таълим ташкилотларида бакалавриат таълим йўналишлари бўйича иккинчи ва ундан кейинги олий таълимни ташкил этиш ҳамда ўқишга кириш учун ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП), давлат хизматлари марказлари (кейинги ўринларда – ДХМ) ёки Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг махсус электрон платформаси (кейинги ўринларда – махсус платформа) орқали қабул қилиш тартибини белгилайди”;

4-банддаги “муассасалари” ва “муассасасида” сўзлари тегишлича “ташкилотлари” ва “ташкилотида” сўзлари билан алмаштирилсин;

5, 9 ва 13-бандлардаги тегишли келишикдаги “муассасаси” сўзи тегишли келишикдаги “ташкилоти” сўзи билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 5^1–5^3-бандлар билан тўлдирилсин:

“5^1. Олий таълим ташкилотларининг бакалавриат таълим йўналишлари бўйича иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга ўқишга кириш учун ҳужжатларни қабул қилиш бўйича давлат хизмати мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ схема асосида кўрсатилади.

5^2. Давлат хизматини кўрсатганлик учун тўлов ундирилмайди.

5^3. Ариза берувчи давлат хизматини кўрсатиш доирасида аризани кўриб чиқиш ҳолатини ЯИДХП ёки махсус платформа орқали кузатиб бориши мумкин”;

6-банддаги “муассасаларида” сўзи “ташкилотларида” сўзи билан алмаштирилсин;

7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7. Ариза берувчи иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга ўқишга кириш учун ҳар йили 10 июлдан 10 августга қадар (шу куни ҳам) давлат хизматидан фойдаланиш учун ЯИДХП ёки махсус платформа орқали рўйхатдан ўтади”;

8-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга қабул қилиш натижалари ҳар йили 30 августга қадар олий таълим ташкилотлари томонидан эълон қилинади ҳамда қабул натижаси тўғрисида ЯИДХП ёки махсус платформа орқали ариза берувчи хабардор қилинади”;

қуйидаги мазмундаги 10^1–10^5-бандлар билан тўлдирилсин:

“10^1. Ариза берувчи ЯИДХП, ДХМ ёки махсус платформа орқали мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ Олий таълим ташкилотларининг бакалавриат таълим йўналишлари бўйича иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга ўқишга кириш учун ҳужжатларни қабул қилиш бўйича сўровномани (кейинги ўринларда – сўровнома) тўлдиради ҳамда унга киритилган маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, сўровномани тасдиқлайди.

10^2. Агар сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилган бўлса, уларни бартараф этиш учун ариза берувчига аризани таҳрирлашга қўшимча имконият берилиши мумкин. Бунда аризани таҳрирлашнинг охирги муддати ариза қабул қилиш жараёни якунлангунга қадар амал қилади.

Қабул муддати якунланганидан сўнг биринчи марта рад этилган аризаларни бир иш куни давомида таҳрирлаш имконияти берилади.

Белгиланган муддатда камчиликлар бартараф этилмаганлиги давлат хизматини кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Давлат хизматини кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

10^3. Ариза берувчи давлат хизматини кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида ундан фойдаланишдан бош тортиш ҳуқуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўрилмасдан қолдирилади.

10^4. ЯИДХП, ДХМ ёки махсус платформа орқали мурожаат қилинганда, сўровнома автоматик тарзда тегишли олий таълим ташкилотига юборилади.

10^5. Республикада фаолият кўрсатаётган (кўрсатган) давлат, нодавлат олий таълим ташкилотлари ҳамда хорижий олий таълим ташкилотлари филиаллари (кейинги ўринларда – олий таълим ташкилотлари) томонидан берилган диплом маълумотлари автоматик тарзда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг “Олий, ўрта махсус ва касбий (профессионал) таълим ташкилотларини тугатганлиги тўғрисидаги диплом маълумотлар базаси”дан (кейинги ўринларда – “Диплом” ахборот тизими) олинади.

Тегишли олий таълим ташкилоти “Диплом” ахборот тизимида диплом маълумотлари мавжуд бўлмаган ариза берувчининг таълим маълумотларини ариза келиб тушгандан бошлаб уч иш куни давомида ариза берувчининг тугатган олий таълим ташкилотига диплом маълумотларини тасдиқлаш учун жўнатади, бунда ҳар йили 20 августга қадар тегишли олий таълим ташкилоти томонидан ариза берувчига берилган диплом маълумотлари тасдиқлаб берилади.

Ариза берувчи хорижий олий таълим ташкилотини тугатган бўлса, унинг диплом маълумотлари Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг “Нострификация” ахборот тизими орқали текшириб олинади.

Тегишли олий таълим ташкилоти “Нострификация” ахборот тизимида диплом маълумотлари мавжуд бўлмаган ариза берувчининг таълим маълумотларини ариза келиб тушгандан бошлаб уч иш куни давомида ариза берувчининг тугатган олий таълим ташкилотига диплом маълумотларини тасдиқлаш учун жўнатади.

Бунда хорижий давлатлар таълим ташкилотларининг 1992 йил 1 январдан кейин берилган дипломлари белгиланган тартибда нострификациядан ўтказилган бўлиши лозим”;

11-бандда:

биринчи хатбошидаги “муассасаси” сўзи “ташкилоти” сўзи билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

12-банддаги “муассасалари” ва “муассасаси” сўзлари тегишлича “ташкилотлари” ва “ташкилоти” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 12^1-банд билан тўлдирилсин:

“12^1.Талабаликка тавсия этилган ариза берувчилар қабул комиссиясига олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси (ёки дипломдан кўчирманинг асл нусхаси – олий таълим ташкилотларини давлат гранти бўйича ўқиб тугатганлар учун) ҳамда унга иловани тақдим этади.

Ариза берувчи томонидан тақдим этилган (топширилган) ҳужжатларнинг қалбакилиги аниқланса, ариза берувчи талабаликка қабул қилинмайди (талабаликка қабул қилинган бўлса, олий таълим ташкилоти талабалари сафидан четлаштирилади) ҳамда бу ҳақда белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар хабардор қилинади”;

15-банддаги “муассасалари” сўзи “ташкилотлари” сўзи билан алмаштирилсин;

16-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори” сўзлари “Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарори” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 18^1 ва 18^2-бандлар билан тўлдирилсин:

“18^1. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда олий таълим ташкилотлари ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

18^2. Ариза берувчилар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин”;

қуйидаги мазмундаги 1 ва 2-иловалар билан тўлдирилсин:

QMMB: 09/26/322/0622-son
25.06.2026-y.

“Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилотларида иккинчи ва ундан кейинги олий таълимни олиш ҳамда ўқишга кириш учун ҳужжатларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Олий таълим ташкилотларининг бакалавриат таълим йўналишлари бўйича иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга ўқишга кириш учун ҳужжатларни қабул қилиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Ариза берувчи	1. Олий таълим ташкилотларининг бакалавриат таълим йўналишлари бўйича иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга ўқишга кириш учун Давлат хизматлари марказига (ДХМ) ўзи келган ҳолда мурожаат этади, Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (ЯИДХП) ёки махсус платформада рўйхатдан ўтади. 2. ЯИДХП ёки махсус платформа орқали мурожаат этганда, тегишли сўровномани мустақил равишда тўлдиради. 3. Маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, сўровномани тасдиқлайди.	Ҳар йили 10 июлдан 10 августга қадар (шу куни ҳам)
2-босқич	ЯИДХП, ДХМ, махсус платформа	Рўйхатдан ўтган талабгорларнинг аризаларини, маълумотларини тегишли олий таълим ташкилотларига юборади.	10 дақиқа мобайнида автоматик тарзда
3-босқич	Олий таълим ташкилоти	1. Ариза берувчининг диплом маълумотларини текшириб, тегишлилиги бўйича талабгорнинг бакалавр дипломи тўғрисидаги маълумотларни тугатган олий таълим ташкилоти тасдиқлайди. 2. Келиб тушган аризаларни тегишлиги бўйича қабул қилади. 3. Аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича ариза берувчининг ЯИДХП ёки махсус платформадаги шахсий кабинетига хабар юборилади.	Ҳар йили 20 августга қадар Ҳар йили 20 августга қадар Ҳар йили 30 августга қадар

QMMB: 09/26/322/0622-son
25.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилотларида иккинчи ва ундан кейинги олий таълимни олиш ҳамда ўқишга кириш учун ҳужжатларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

НАМУНА

Олий таълим ташкилотларининг бакалавриат таълим йўналишлари бўйича иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга ўқишга кириш учун ҳужжатларни қабул қилиш бўйича
СЎРОВНОМА

I. Ариза берувчи ҳақидаги маълумотлар
1.1. Фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, бу ҳақда маълумотлар кўрсатилади)
1.2. Паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (серияси ва рақами, ЖШШИР маълумотлари)
1.3. Фуқаролиги
1.4. Телефон рақами
1.5. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса)
II. Ариза берувчининг ўқиган олий таълим ташкилоти бўйича маълумотлар
2.1. Ўқиган олий таълим ташкилотининг номи
2.2. Ўқиган бакалавриат таълим йўналиши шифри ва номи
2.3. Олий таълим олганлиги тўғрисидаги диплом маълумотлари Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг “Диплом” ахборот тизими орқали автоматик шаклланади. Ушбу тизим орқали диплом маълумотлари аниқланмаган ариза берувчилардан бакалавриат таълим йўналиши бўйича олий маълумот тўғрисидаги диплом ва унга илованинг нусхалари сўралади.
2.4. Хорижий давлатда олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақидаги гувоҳнома нусхаси (хорижий олий таълим ташкилотини тугатган ҳамда Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг “Нострификация” ахборот тизимидан диплом маълумотлари аниқланмаган ариза берувчилар учун).
III. Ариза берувчининг иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга кириш истагини билдирган олий таълим ташкилоти
3.1. Иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга кириш истагини билдирган олий таълим ташкилотининг номи
3.2. Таълим йўналиши шифри ва номи
3.3. Таълим шакли
3.4 Таълим тили

Ушбу сўровномада қайд этилган маълумотларнинг тўлиқ ва ҳақиқийлигини ҳамда тўғри кўрсатилганлигини тасдиқлайман.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилотларида иккинчи ва ундан кейинги олий таълимни олиш тартиби тўғрисидаги низом талаблари билан тўлиқ танишдим”.

QMMB: 09/26/322/0622-son
25.06.2026-y.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 августдаги 447-сон қарори билан тасдиқланган Давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичига тўлов-контракт асосида қабул қилинган ва таълим олаётган хотин-қизларнинг тўлов-контракт суммасини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Ушбу Низом давлат олий таълим ташкилотлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби ҳамда Банк-молия академиясининг магистратура босқичига тўлов-контракт асосида қабул қилинган ва таълим олаётган талаба хотин-қизлар (кейинги ўринларда – талабгорлар)га нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Низом Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университетида умумий ўрта таълим ташкилотларининг олий малака тоифасига эга ўқитувчилари учун мақсадли равишда ташкил этилган магистратура талабаларига нисбатан татбиқ этилмайди.”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим ташкилотларининг магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 21-бандида:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“умумий ўрта таълим ташкилотларининг олий малака тоифасига эга бўлган ўқитувчилари мақсадли қабул қилинадиган магистратура мутахассисликларига ҳужжат топширган абитуриентлар халқаро стандартлар асосида малака сертификатини олганлигини тасдиқловчи сертификат нусхаси”;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишлича бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/323/0627-son
25.06.2026-y.

25 (1253)-son
618-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 24» iyun № 323 Toshkent sh.

Синов лабораторияларининг техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республиканинг ҳудуд, соҳа ва тармоқларида рақамли технологиялар жорий этилишини янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 16 сентябрдаги ПҚ–286-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Синов лабораторияларининг техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти (кейинги ўринларда – регламент) **1-иловага** мувофик тасдиқлансин:

Синов лабораторияларининг техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш гувоҳномаларини “Техник тартибга солиш” миллий ахборот тизимида (кейинги ўринларда – ахборот тизими) ҳисобга олиш;

синов лабораторияларининг техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш учун (кейинги ўринларда – лабораторияни маъқуллаш) аризаларни Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП), давлат хизматлари марказлари ёки ахборот тизими орқали тақдим этиш;

лабораторияни маъқуллаш бўйича кўрсатиладиган давлат хизмати учун тўловни “оферта” шаклида имзоланадиган шартнома асосида тўлаш механизмини жорий этиш.

2. Белгилансинки:

а) **2026 йил 1 июлдан** лабораторияни маъқуллаш учун ариза юбориш ушбу регламентга мувофиқ ЯИДХП, Давлат хизматлари марказлари ёки ахборот тизими орқали юборилади;

б) маъқуллаш қуйидаги синов лабораторияларига нисбатан татбиқ қилинади:

шахсий (ишлаб чиқариш) эҳтиёжлари учун ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ва (ёки) импорт хомашё, материаллар ёки тайёр маҳсулотларни синовдан ўтказувчи ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар лабораториялари;

QMMB: 09/26/323/0627-son
25.06.2026-y.

маҳсулотларнинг мажбурий мувофиқлигини баҳолаш жараёнида иштирок этишга даъво қилмайдиган лабораториялар;

в) маъқулланган синов лабораториялари реестри Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида назорат инспекцияси томонидан юритилади;

г) маъқуллаш тартибидан ўтиш лабораториялар учун ихтиёрийдир, Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида мажбурийлиги белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

3. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги Адлия вазирлиги ва Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда**:

ушбу қарор билан тасдиқланган регламентга мувофиқ давлат хизмати ЯИДХП, Давлат хизматлари марказлари ёки ахборот тизими орқали кўрсатилишини йўлга қўйсин;

ахборот тизимини ЯИДХПга интеграция қилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

давлат хизмати ЯИДХП, Давлат хизматлари марказлари ёки ахборот тизими орқали кўрсатилиши устидан доимий назорат ўрнатсин;

ушбу қарор билан тасдиқланган регламент талабларини бузганлик учун давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларига нисбатан белгиланган тартибда маъмурий жазо чораларини қўлласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **2-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги директори А.Р. Жуманазаров ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Ж. Ташкулов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/323/0627-son
25.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 24 июн даги 323-сон қарорига
1-илова

Синов лабораторияларининг техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида назорат инспекцияси (кейинги ўринларда – ваколатли орган) томонидан синов лабораторияларининг (кейинги ўринларда – лаборатория) техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш (кейинги ўринларда – маъқуллаш) бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартибини белгилайди.

Бунда ваколатли орган томонидан маъқуллаш ишларини бажаришда ва унинг натижалари бўйича қарор қабул қилишда холислик ҳамда бетарафлик таъминланиши лозим.

2. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ариза берувчи – лабораториянинг техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш учун ваколатли органга мурожаат қилган юридик шахс;

маъқуллаш – юридик шахслар лабораторияларининг муайян соҳада синовларни ўтказишга техник жиҳатдан малакалилигини ваколатли орган томонидан расман тасдиқлаш;

маъқулланган лаборатория ҳужжатларини долзарблаштириш – лабораторияни маъқуллаш соҳасига ва (ёки) техник паспортига лаборатория томонидан ўзгартиришлар киритиш ҳамда белгиланган тартибда ваколатли органга тақдим этиш;

маъқуллаш соҳаси – лаборатория фаолиятининг маъқуллаш сўралаётган ёки маъқуллаш тақдим этилган аниқ соҳаси;

маъқуллаш тўғрисидаги гувоҳнома – ваколатли орган томонидан маъқуллашнинг белгиланган соҳасида ишларни бажариш учун лабораториянинг техник жиҳатдан малакалилигини тасдиқловчи ҳужжат;

техник жиҳатдан малакалиликни баҳолаш – маъқуллаш сўралаётган фаолият соҳасида синов ёки ўлчашларни ўтказиш учун лабораторияда шарт-шароитларнинг ва малакали ходимларнинг мавжудлигини аниқлаш мақсадида ваколатли орган томонидан амалга ошириладиган жараён;

техник эксперт – баҳолаш соҳасидаги ишларни ташкил этиш, шу соҳадаги жараён ёки фаолият хусусида махсус билим ва тажрибага эга бўлган, шартнома асосида лабораторияда баҳолаш ўтказиш учун ваколатли орган томонидан жалб қилинадиган жисмоний шахс ёки эксперт ташкилотининг вакили.

3. Маъқуллашнинг талаблари ва шартлари қуйидагилардан иборат:

маъқуллаш тартибидан ўтишга қўйиладиган талабларни белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий, шунингдек, норматив ҳужжатларга мажбурий риоя қилиниши;

лаборатория фаолиятини самарали амалга ошириш учун зарур бўлган эгалик ёки бошқа мулкий ҳуқуқ, шунингдек, ижара ҳуқуқи асосида бино ва иншоотларнинг мавжудлиги;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлган ишлаб чиқариш бинолари ва атроф-муҳит шарт-шароитларининг мавжудлиги;

сўралаётган маъқуллаш соҳасига мувофиқ синовлар ўтказилишини таъминлайдиган синаш, ўлчаш воситалари ва стандарт намуналарининг мавжудлиги;

маъқуллаш жараёнида ваколатли орган томонидан баҳоланадиган ҳамда сўралаётган маъқуллаш соҳасида малакага эга бўлган ходимларнинг мавжудлиги;

сўралаётган маъқуллаш соҳасига мувофиқ синаш усулларига доир амалдаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида норматив ҳужжатларнинг мавжудлиги;

лабораториялар томонидан ушбу регламентнинг 9 ва 21-бандларида, шунингдек, 5-бобида белгиланган мажбуриятларга риоя қилиниши.

4. Маъқулланган лабораториялар, шунингдек, аккредитациядан ўтган синов, калибрлаш ва тиббий лабораториялар (марказлар), метрология хизматлари амалдаги маъқуллаш ёки аккредитация соҳаларига мувофиқ ўзлари қўллаётган синаш, ўлчаш воситаларидан, стандарт намуналардан, синаш асбоб-ускуналаридан фойдаланиш ва (ёки) уларни қўллаш ҳуқуқи маъқуллаш тартиб-таомилидан ўтишга талабгор бўлган ариза берувчи фойдасига берилишига йўл қўйилмайди.

5. Давлат хизмати Давлат хизматлари марказлари, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) ёки “Техник тартибга солиш” миллий ахборот тизими (кейинги ўринларда – ахборот тизими) орқали кўрсатилади.

6. Маъқуллаш бўйича давлат хизмати ушбу регламентга 1-иловада келтирилган Синов лабораторияларининг техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллашдан ўтказиш схемасига мувофиқ кўрсатилади.

QMMB: 09/26/323/0627-son
25.06.2026-y.

2-боб. Давлат хизматини кўрсатиш тартиби

7. Ариза берувчи маъқуллаш ва реестрда рўйхатга олиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат қилади ёки давлат хизматидан фойдаланиш учун ЯИДХП ёки ахборот тизимидан электрон шаклда рўйхатдан ўтади.

Ариза берувчи ахборот тизимида жойлаштирилган ушбу регламентга 2-иловага мувофиқ Синов лабораторияларининг техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш бўйича сўровномани тўлдиради.

Зарур маълумотлар сўровномага киритилгандан сўнг ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текширади ҳамда имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (электрон имзо, Mobil-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

Ариза берувчи ЯИДХП орқали мурожаат этганда, сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

8. Аризага қуйидагилардан иборат бўлган лаборатория ҳужжатлари илова қилинади:

маъқуллаш сўралаётган маъқуллаш соҳасини аниқловчи синаш усуллари (методикалари) ва (ёки) ўлчаш турларининг рўйхати;

лабораториянинг тартиб-таомил ҳужжатлари;

лабораториянинг техник паспорти (лаборатория, жиҳозлар, қўлланадиган синаш ва ўлчаш воситалари тўғрисида маълумот).

Ариза берувчидан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжат ва маълумотлар талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

Ариза берувчи ўз хоҳишига кўра лабораторияга тегишли қўшимча ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этиши мумкин.

Ариза ва унга иловалар автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

9. Ваколатли орган ариза тушган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида тақдим этилган лаборатория ҳужжатлари ва маълумотларининг тўлиқлигини ўрганади. Ўрганиш натижаси ижобий бўлса, ариза рўйхатдан ўтказилади ва лабораторияда баҳолашни ўтказиш учун ариза берувчига тўлов миқдори кўрсатилган хабарнома (инвойс) юборилади.

Ваколатли органнинг расмий веб-саҳифасида жойлаштирилган шаклга мувофиқ лаборатория ҳужжатлари тақдим этилмаган тақдирда, ваколатли орган бир иш кунидан кечикмай ариза берувчига ҳужжатларни пухта ишлаб чиқиш учун қайтариши ҳақида хабардор қилади.

Давлат хизматининг тўлов миқдори лабораторияни маъқуллаш соҳасидан келиб чиққан холда белгиланади.

Давлат хизматини кўрсатганлик учун ушбу регламентга 3-иловада келтирилган Синов лабораторияларининг техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш хизматларини кўрсатиш нархлари калькуляциясига асосан тўлов тўланади.

Давлат хизматини кўрсатганлик учун тўлов ўн иш куни ичида ариза берувчи томонидан тўланади.

Давлат хизмати кўрсатилгани учун тўлов тўлангани ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

Бюджет ташкилотлари тўлов миқдори кўрсатилган хабарномага (инвойсга) асосан тўловни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлайди.

Ариза берувчи маъқуллаш ишларини бажариш билан боғлиқ барча харажатларни, шу жумладан, хизмат сафари харажатларини уларнинг натижаларидан қатъи назар тўлаши шарт.

Бунда маъқуллаш ишлари тўлов тўлангандан сўнг бажарилади.

Маъқуллаш ишларини амалга оширишда лабораторияда баҳолаш ўтказиш ва маъқуллаш соҳасини долзарблаштириш учун тўлов ундирилади.

Ваколатли орган томонидан маъқуллаш ишларини амалга оширишда қуйидаги хизмат турлари учун тўлов ундирилмайди:

сўровномани кўриб чиқиш;

олдин берилган (амалдаги) маъқуллаш тўғрисидаги гувоҳномани қайта расмийлаштириш;

маъқуллаш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш (тиклаш) ёки тугатиш;

маъқуллаш соҳасини қисқартириш;

маъқулланган лаборатория техник паспортида келтирилган маълумотларни долзарблаштириш.

10. Ариза берувчи томонидан маъқуллаш ишларини ўтказиш учун ариза электрон тарзда Давлат хизматлари марказлари, ЯИДХП ёки ахборот тизими орқали юборилганда йиғим ундирилмайди.

Давлат хизматини кўрсатганлик учун ундирилган тўлов қуйидагича тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказлари орқали мурожаат этилганида:

18 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси шахсий ҳисобварағига;

0,5 фоизи – “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очиладиган махсус ҳисобварағига;

QMMB: 09/26/323/0627-son
25.06.2026-y.

қолган маблағ ваколатли органнинг шахсий ҳисобварағига;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

11,75 фоизи – “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги шахсий ҳисобварағига (шу жумладан, 0,5 фоизи йиғим тўланганлиги Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

қолган маблағ – ваколатли органнинг ҳисобварағига;

в) ахборот тизими орқали мурожаат этилганда, кўрсатилган хизмат учун тўлов тўлиқлигича ваколатли органнинг ҳисобварағига ўтказилади.

11. Давлат хизматидан фойдаланиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, мазкур регламентнинг 9-бандида кўрсатилган йиғимлар тўланадиган суммадан 90 фоиз миқдорда тўланади.

12. Қуйидагилар давлат хизматини кўрсатишни рад этиш учун асос бўлади:

давлат хизмати учун тўловлар тўланмагани;

аризада нотўғри, шу жумладан, асослантирилмаган ёки қалбаки маълумотлар кўрсатилгани.

Давлат хизматини кўрсатишни бошқа асосларга кўра рад этишга йўл қўйилмайди.

13. Ариза берувчи маъқуллаш рад этилган кундан бошлаб ўттиз иш куни мобайнида давлат хизматини кўрсатиш учун йиғимни тўламасдан, кўрсатилган камчиликларни бартараф этган ҳолда лабораторияни маъқуллаш учун такроран мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Маъқуллашни такроран кўриб чиқишда ваколатли орган томонидан аввалги рад этиш асосларида баён этилмаган сабабларнинг келтирилишига йўл қўйилмайди. Олдин кўрсатилган сабаблар бартараф этилганини тасдиқловчи маълумотлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши бундан мустасно.

Бунда ариза берувчи томонидан мазкур ўттиз иш кунлик муддат ўтказиб юборилган ҳолда берилган аризалар биринчи марта тақдим этилган деб ҳисобланади.

14. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишда уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга.

Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг аризаси кўрилмасдан қолдирилади. Бунда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

15. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этганда, Давлат хизматлари маркази сўровнома тўлдирилган вақтдан бошлаб уни реал вақт режимида ваколатли органга юборади.

ЯИДХП ёки ахборот тизими орқали мурожаат қилинганда, сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга электрон шаклда юборилади.

16. Ариза берувчи томонидан тўлов тўлангач, ваколатли орган икки иш кунидан кечиктирмай лабораторияда баҳолаш ишларини амалга ошириш учун ваколатли орган ходимларидан ва (ёки) техник экспертлардан иборат баҳолаш комиссиясини шакллантиради.

Комиссия таркиби, лабораторияда баҳолаш ишларини амалга ошириш санаси ва вақти ваколатли орган раҳбари ёки унинг ўринбосари буйруғи билан тасдиқланади.

Бунда лабораторияда баҳолаш ишларини амалга ошириш санаси ариза берувчи билан унинг асосланган таклифларини инобатга олган ҳолда олдиндан келишиб олинади.

17. Баҳолаш комиссиясига маъқуллаш жараёнига раҳбарлик қилиш учун умумий масъулият юкланган ва ваколатли орган томонидан ваколат берилган баҳолаш комиссиясининг раиси раҳбарлик қилади.

18. Лабораторияда баҳолаш ишларини амалга ошириш муддатлари унинг фаолияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ваколатли орган томонидан аниқланади.

Лабораторияда баҳолаш ишларини амалга ошириш муддати ўн иш кунидан ошмаслиги керак.

19. Лабораторияда баҳолаш ишлари ваколатли орган томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган дастурга мувофиқ амалга оширилади.

20. Баҳолаш комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қилади, маъқуллаш талабларига ва шартларига, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқликни ҳамда лаборатория томонидан сўралаётган маъқуллаш соҳасига киритилган ҳар бир синаш усуллари (методикалари) ва (ёки) ўлчаш турларини бажара олиш имкониятини жойига чиққан ҳолда баҳолайди.

21. Ариза берувчи лабораторияда баҳолаш ишларини амалга ошириш, шу жумладан, баҳолаш комиссиясининг зарур маълумотлар, ёзувлар ва ҳужжатларнинг ўрганишига, биноларга киришига, шунингдек, лаборатория ходимларининг малакасини баҳолашига зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлайди.

Ходимлар малакаси уларнинг шахсий карталарини ўрганган ҳолда сўралган соҳадаги малакаси, тайёргарлиги, маълумоти, мувофиқликни баҳолаш бўйича кўникмаларини намойиш қилишини кузатиш орқали баҳоланади.

QMMB: 09/26/323/0627-son
25.06.2026-y.

Баҳолаш комиссияси сўралган маъқуллаш соҳасида назорат синовлари, ўлчашлар ўтказилишини талаб қилишга ҳақлидир.

22. Агар лабораторияда баҳолаш учун шарт-шароитлар таъминланмаса, баҳолаш комиссиясининг раиси ваколатли органга тегишли ҳисоботни тақдим қилиши керак, унинг асосида ваколатли орган маъқуллаш жараёни икки ойдан ошмаган муддатга тўхтатилгани тўғрисида ариза берувчига хабар беради.

Агар ариза берувчи белгиланган муддатда лабораторияда баҳолаш ишларини амалга ошириш учун шарт-шароитларни яратиб бермаса, маъқуллаш учун берилган аризани кўриб чиқиш тўхтатилади.

23. Ваколатли орган лабораторияда баҳолаш натижалари давомида аниқланган номувофиқликларни (агар мавжуд бўлса) ўз ичига қамраб олувчи баҳолаш комиссиясининг далолатномасини (кейинги ўринларда – далолатнома) расмийлаштиради.

Далолатнома барча комиссия аъзолари, шунингдек, ўзининг алоҳида фикрини зарурат бўлганда ифодалашга ҳақли бўлган ариза берувчининг ваколатли вакили томонидан имзоланади.

Далолатнома икки нусхада тузилиб, бир нусхаси ариза берувчининг ваколатли вакилига берилади.

24. Баҳолаш комиссияси расмийлаштирган ижобий далолатномани бир иш кунидан кечикмай ваколатли органга тақдим этади.

25. Баҳолаш комиссияси томонидан лабораториянинг белгиланган талабларга номувофиқлиги тўғрисидаги далолатнома расмийлаштирилган ҳолатларда, ариза берувчи ушбу далолатномада кўрсатилган номувофиқликларни уч ойдан ошмаган муддатда бартараф этиши, номувофиқликлар бартараф этилганини тасдиқловчи ҳужжатларни (ҳисобот) ваколатли органга юбориши лозим.

Белгиланган муддатларда ариза берувчи томонидан номувофиқликлар бартараф қилиниб, ваколатли органга тақдим этилмаган ҳолатларда ваколатли орган лабораторияни маъқуллашни рад этиш тўғрисида ариза берувчига электрон хабарнома юборади.

26. Ваколатли орган ҳисобот олинган кундан эътиборан унинг беш иш кунида кўриб чиқилишини таъминлайди.

Баҳолаш комиссияси ариза берувчи томонидан баҳолаш жараёнида аниқланган номувофиқликлар бартараф этилгани бўйича тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлигини ўрганади. Агар ҳисоботда келтирилган маълумотлар номувофиқликларни бартараф этиш учун етарли бўлмаса, комиссия қўшимча маълумотларни сўрашга ҳақлидир.

QMMB: 09/26/323/0627-son
25.06.2026-y.

27. Баҳолаш комиссияси номувофиқликларни бартараф этиш ҳолатини ўрганиш натижалари бўйича якуний далолатномани бир иш кунидан кечикмай ваколатли органга тақдим этади.

28. Ваколатли орган бир иш куни мобайнида якуний далолатнома асосида қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

лабораториянинг техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш;

маъқуллаш соҳасини қисқартирган ҳолда лабораториянинг техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш;

лабораториянинг техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллашни рад этиш;

далолатнома хулосаларига қўшилмаган тақдирда – лабораториянинг маъқуллаш талаблари ва шартларига мувофиқлигини ҳақ олмасдан қўшимча баҳолаш.

29. Қуйидагилар лабораторияни маъқуллашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун асос бўлади:

баҳолаш вақтида зарур маълумотларни тақдим этишдан бош тортиш;

ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;

лабораториянинг маъқуллаш талаблари ва шартларига номувофиқлиги.

Бошқа асослар бўйича маъқуллашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинишига йўл қўйилмайди.

30. Лабораторияни маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилинганда ваколатли орган томонидан бир иш кунидан кечикмай, лабораторияга ахборот тизими орқали икки йил муддатга лабораторияни маъқуллаш тўғрисидаги гувоҳнома тасдиқланади ва автоматик тарзда реестрга киритилади.

Агар лабораторияни маъқуллашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинса, ваколатли орган бир иш кунидан кечикмай, ариза берувчига электрон хабарнома юборади.

31. Ваколатли орган томонидан маъқулланган лабораторияларнинг ахборот тизимида реестри юритилади. Реестр танишиш учун очиқ ҳисобланади.

32. Агар лабораторияни маъқуллаш тўғрисида гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин такрорий маъқуллаш учун ариза тақдим этилганда, ваколатли орган илгари берилган маъқуллаш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддатини тегишли қарор қабул қилинган кунгача узайтириш ҳуқуқига эга, бунда узайтириш муддати уч ойдан ошмаслиги керак.

33. Такрорий маъқуллаш тартиби ушбу бобда белгиланган тартибда амалга оширилади.

QMMB: 09/26/323/0627-son
25.06.2026-y.

34. Юридик шахс ушбу регламентнинг 4-бандида белгиланган талаблар ва шартларга, маъқуллаш соҳасига риоя қилишга ҳамда ўтказилган синашлар ёки ўлчашларнинг ишончлигига жавобгар.

35. Ариза берувчи камида бир йилда бир марота маъқуллашнинг талаб ва шартлари бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни ахборот тизимига киритиб боради.

36. Агар ваколатли органга маъқуллаш талаб ва шартлари бузилгани тўғрисида мурожаат тушса, мурожаатда келтирилган важларнинг ҳаққонийлигини ўрганиш учун айнан ушбу важлар бўйича лабораторияни қайта баҳолашга (кейинги ўринларда – қайта баҳолаш) ҳақлидир.

37. Лаборатория фаолияти ушбу регламентнинг 17–21, 23–27-бандларига мувофиқ қайта баҳоланади.

38. Ваколатли орган уч иш кунидан кечикмай лаборатория фаолиятини қайта баҳолаш далолатномаси кўриб чиқилишини таъминлайди ва қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

маъқуллаш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тасдиқлаш;

маъқуллаш соҳасини қисқартирган ҳолда, маъқуллаш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тасдиқлаш;

маъқуллаш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиш;

маъқуллаш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш.

Ваколатли органнинг қарори тўғрисида лабораторияга қарор қабул қилинганидан кейин бир иш кунидан кечикмай электрон хабарнома юборади.

39. Маъқуллаш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати мазкур регламентнинг 3 ва 4-бобларида белгиланган тартибда тўхтатиб турилади (тикланади) ёки тугатилади.

40. Юридик шахс ваколатли органнинг маъқуллаш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги қарори устидан ваколатли орган ҳузуридаги апелляция комиссиясига ёки суд тартибида шикоят қилиши мумкин.

3-боб. Маъқуллаш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш (тиклаш)

41. Маъқуллаш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилади:

юридик шахс маъқуллаш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида ёзма мурожаат қилганида;

лаборатория томонидан маъқуллаш талаблари ва шартлари бузилгани аниқланганда.

QMMB: 09/26/323/0627-son
25.06.2026-y.

42. Маъқуллаш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши ваколатли орган ёки суд томонидан тўхтатиб турилади. Маъқуллаш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши ваколатли орган томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга, суд томонидан эса ўн кундан ортиқ, лекин икки ойдан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб турилиши мумкин.

Белгиланган муддат ичида маъқуллаш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш учун асос бўлган талаблар ва шартлар бартараф қилинмаса, ваколатли орган маъқуллаш тўғрисидаги гувоҳнома амал қилишини тўхтатиб туриш муддатини узайтириш бўйича судга даъво ариза киритиши лозим.

Маъқуллаш тўғрисидаги гувоҳнома амал қилиши тиклангунга қадар лаборатория томонидан ўтказиладиган ўлчашлар ёки синашлар натижаларини расмийлаштиришда маъқуллаш жараёнидан ўтганлик мақомига ҳавола қилинишига йўл қўйилмайди.

43. Маъқуллаш тўғрисидаги гувоҳнома амал қилиши ушбу регламентнинг 41-банди учинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолатда тўхтатилган бўлса, юридик шахс ваколатли органга тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган номувофиқликларни бартараф этиш тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этади. Бунда ҳисоботни тақдим этиш муддати ваколатли органнинг қарори қабул қилинган санадан бошлаб икки ойдан ошмаслиги керак.

Агар белгиланган муддатда юридик шахс томонидан ваколатли органга номувофиқликларни бартараф этиш тўғрисида ҳисобот тақдим этилмаса, маъқуллаш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилади.

44. Номувофиқликлар бартараф этилгани ҳолати ушбу регламентнинг 26 ва 27-бандларига мувофиқ ўрганилади.

45. Ваколатли орган баҳолаш комиссияси томонидан якуний далолатнома тақдим этилганидан сўнг бир иш кунидан кечиктирмай тегишли қарор қабул қилади.

46. Маъқуллаш тўғрисида гувоҳноманинг амал қилиши ахборот тизимида реал вақт режимида тўхтатиб турилади ва қайта тикланади ҳамда электрон реестрда унинг ҳолати янгилаб борилади.

4-боб. Маъқуллаш тўғрисида гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш

47. Қуйидаги ҳолларда маъқуллаш тўғрисида гувоҳноманинг амал қилиши тугатилиши мумкин:

юридик шахс маъқуллаш тўғрисида гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

QMMB: 09/26/323/0627-son
25.06.2026-y.

юридик шахс (ҳузурида фаолият кўрсатаётган лаборатория) тугатилганда;

гувоҳнома амал қилишининг тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатлар ваколатли орган белгилаган муддатда юридик шахс томонидан бартараф этилмаганда;

маъқуллаш соҳаси бузилганда (маъқуллаш жараёнидан ўтганлик мақомини белгиловчи матнли ҳаволани кўрсатган ҳолда маъқуллаш тақдим этилган соҳадан ташқари ўлчаш ёки синашларни ўтказиш);

гувоҳномани олишда сохта ҳужжат ва асосланмаган маълумотлардан фойдалангани аниқланганда.

48. Маъқуллаш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши ваколатли органнинг қарори билан тугатилади.

Маъқуллаш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор ахборот тизимида қабул қилинади ва реал вақт режимида электрон реестрда унинг ҳолати янгиланади.

Маъқуллаш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши ваколатли орган томонидан қабул қилинган қарорда кўрсатилган санадан бошлаб тугатилади.

49. Маъқуллаш тўғрисидаги гувоҳнома ушбу регламентнинг 47-банди тўртинчи–олтинчи хатбошиларига мувофиқ тугатилганда, маъқуллаш учун такрорий сўровнома уч ойдан кейин тақдим этилиши мумкин.

50. Маъқуллаш тўғрисидаги гувоҳнома бекор қилинганда маъқуллаш учун такрорий сўровнома тақдим этилиши мумкин.

5-боб. Маъқуллаш соҳасини кенгайтириш ва қисқартириш, шунингдек, маъқуллаш тўғрисидаги гувоҳномани қайта расмийлаштириш

51. Маъқуллаш соҳаси юридик шахснинг сўровномасига асосан ушбу регламентнинг 16–29-бандларида назарда тутилган тартибда кенгайтирилади.

Лабораториянинг маъқуллаш соҳасини кенгайтириш тўғрисидаги ваколатли орган томонидан ижобий қарор қабул қилинганда, маъқуллаш соҳаси янги таҳрирда тасдиқланади, агар рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинса, ваколатли орган бир иш кунидан кечикмай, ариза берувчининг шахсий кабинетига электрон хабарнома юборади.

52. Лабораториянинг маъқуллаш соҳаси ваколатли органнинг қарори билан қуйидагилар асосида қисқартирилади:

лабораториянинг маъқуллаш соҳасини қисқартириш тўғрисидаги аризаси;

лаборатория фаолиятини қайта баҳолаш натижаларига кўра.

53. Маъқуллаш соҳаси қисқартирилганда, ваколатли орган томонидан лабораториянинг маъқуллаш соҳасига тегишли ўзгартиришлар киритилиб, янги таҳрирда тасдиқланади.

QMMB: 09/26/323/0627-son
25.06.2026-y.

Маъқуллаш соҳасини қисқартириш учун тўлов ундирилмайди.

54. Лаборатория қайта ташкил этилган, унинг номи, юридик манзили ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, мазкур маълумотлар ваколатли органнинг ахборот тизимида автоматик равишда аниқланади ҳамда мониторинг қилиб борилади.

55. Лаборатория жойлашган жой ўзгарганда, ушбу регламентнинг 2-бобида белгиланган тартибда такроран маъқулланади.

56. Агар юридик шахс илгари маъқулланган лабораториянинг вориси бўлмаса, ҳужжатлар кейинчалик ушбу регламентнинг 2-бобида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

6-боб. Маъқулланган лаборатория ҳужжатларини долзарблаштириш

57. Қуйидаги ҳолларда маъқулланган лабораториянинг ҳужжатлари долзарблаштирилади:

лабораторияни маъқуллаш соҳасида кўрсатилган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ўрнига янги ҳужжатлар амалга киритилганда, шунингдек, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилганда (қабул қилинган норматив ҳужжатда маҳсулотларнинг янги турлари, синаш (ўлчаш) усуллари кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно);

техник паспортда келтирилган маълумотлар ўзгарганда.

58. Маъқуллаш бўйича ҳужжатлар долзарблаштирилса, лаборатория бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда ўзгартиришлар киритилган ҳужжатларни, шу жумладан, киритилаётган ўзгартишлар юзасидан қиёсий таҳлилни илова қилиб ахборот тизим орқали сўровнома тақдим этади.

59. Ваколатли орган тақдим этилган ҳужжатларни ўн беш иш куни ичида кўриб чиқади ва ушбу регламентнинг 8-бандига асосан тақдим этилган ҳужжатлар тўпламига қўшимча сифатида киритади. Ушбу регламентнинг 57-банди иккинчи хатбошисига мувофиқ лабораториянинг маъқуллаш соҳаси долзарблаштирилган тақдирда, у янги таҳрирда тасдиқланади.

7-боб. Апелляцияни кўриб чиқиш

60. Баҳолаш натижалари бўйича ваколатли органнинг салбий қарор қабул қилинганда, юридик шахс қарор қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз календарь кун мобайнида ваколатли органга ёзма шаклда апелляция бериш ҳуқуқига эга.

Ваколатли органнинг қарори қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз календарь кундан ортиқ муддатда берилган апелляция кўриб чиқилмайди.

61. Апелляция комиссияси ҳар бир аниқ апелляцияни кўриб чиқиш учун заруратга кўра шакллантирилади. Апелляция комиссияси таркиби ваколатли орган раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади. Апелляция комиссияси таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш муддатлари апелляция олинган кундан бошлаб уч кундан ортиқ бўлмаслиги лозим.

62. Апелляция комиссиясининг таркиби ваколатли орган вакилларидан, апелляция берган юридик шахсни баҳолашда иштирок этмаган, қўшимча жалб қилинадиган малакали мутахассислардан шакллантирилади. Бунда апелляция комиссияси таркибида ваколатли органнинг ходимлари сони апелляция комиссияси аъзолари умумий сонининг ярмидан кам бўлиши керак.

63. Апелляция комиссияси берилган апелляцияни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисида юридик шахсга ёзма равишда маълум қилади. Апелляцияни кўриб чиқиш муддати у берилган санадан бошлаб ўн календарь кундан ошмаслиги керак.

64. Апелляция комиссияси апелляцияни кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

апелляцияни қаноатлантириш;

апелляцияни қисман қаноатлантириш;

апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш.

65. Ваколатли орган икки иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинган қарор тўғрисидаги хабарномани апелляция берган юридик шахсга ёзма шаклда юборади.

66. Айнан бир масалада такроран апелляция берилишига йўл қўйилмайди.

67. Апелляция комиссиясининг қарори юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиш мумкин.

8-боб. Якунловчи қоидалар

68. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олган маълумотларининг сир сақланишини таъминлайди.

69. Ариза берувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимлари хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

70. Ушбу регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/323/0627-son
25.06.2026-y.

Синов лабораторияларининг техник жиҳатдан
малакалилигини маъқуллаш бўйича давлат хизматини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-илова

Синов лабораторияларининг техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллашдан ўтказиш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	Синов лабораториясини маъқуллашдан ўтказиш учун: Давлат хизматлари марказига ўзи келиб; Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) ёки “Техник тартибга солиш” миллий ахборот тизими (кейинги ўринларда – ахборот тизими) орқали сўровнома тўлдиради.	Ариза берувчининг **хоҳишига кўра**
2-босқич	Давлат хизматлари маркази, ЯИДХП, ахборот тизими	Маъқуллаш учун сўровномани Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида назорат инспекциясига (кейинги ўринларда – ваколатли органга) юборади.	Реал вақт режимида
3-босқич	Ваколатли орган	Тақдим этилган ҳужжат ва маълумотлар тўлиқлигини ўрганади ҳамда ариза берувчига тўлов инвойсини юборади.	**Уч иш куни** мобайнида
4-босқич	Ваколатли орган	Тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган тақдирда, уларни қайтаради.	**Бир иш куни** мобайнида
5-босқич	Ариза берувчи	Инвойсда кўрсатилган тўловни тўлайди.	**Ўн иш куни** мобайнида
6-босқич	Ваколатли орган	Лабораторияда баҳолаш учун ваколатли орган ходимларидан ва (ёки) техник экспертлардан иборат баҳолаш комиссиясини шакллантиради.	**Икки иш куни** мобайнида
7-босқич	Баҳолаш комиссияси	Лабораторияни баҳолайди ва натижалари бўйича далолатнома расмийлаштиради.	**Ўн иш кунидан** ошмаган муддатда

8-босқич	Ваколатли орган	Лабораторияни баҳолаш учун шарт-шароитлар билан таъминланмаса, маъқуллаш ишини тўхтатади.	Шарт-шароитлар таъминланмаган кундан бошлаб **икки ойгача**
9-босқич	Баҳолаш комиссияси	Ижобий далолатнома расмийлаштирган тақдирда, далолатномани қарор қабул қилиш учун ваколатли органга беради.	**Бир иш кунидан** кечикмай
10-босқич	Ариза берувчи	Номувофиқлик тўғрисида далолатнома расмийлаштирилган ҳолатларда, ушбу далолатномада кўрсатилган номувофиқликни бартараф этади ва номувофиқлик бартараф этилганини тасдиқловчи ҳужжатларни (ҳисобот) ваколатли органга юборади.	**Уч ойдан** ошмаган муддатда
11-босқич	Ваколатли орган	Лаборатория ҳисоботини кўриб чиқади.	Ҳисобот олинган кундан бошлаб **беш иш кунидан** кечикмай
12-босқич	Баҳолаш комиссияси	Ўрганиш натижалари бўйича якуний далолатномани расмийлаштиради ҳамда ваколатли органга тақдим этади.	**Бир иш кунидан** кечикмай
13-босқич	Ваколатли орган	Далолатномани кўриб чиқиб, қарор қабул қилади.	**Бир иш кунидан** кечикмай
14-босқич	Ахборот тизими	1. Лабораторияни маъқуллаш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинганда, лабораторияни маъқуллаш тўғрисидаги гувоҳномани тасдиқлайди. 2. Лабораторияни маъқуллашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, лабораторияга маъқуллаш рад этилиши тўғрисида ариза берувчига электрон хабарнома юборади.	**Бир иш кунидан** кечикмай

QMMB: 09/26/323/0627-son
25.06.2026-y.

Синов лабораторияларининг техник жиҳатдан
малакалилигини маъқуллаш бўйича давлат хизматини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
2-илова

Синов лабораторияларининг техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллашдан ўтказиш бўйича

СЎРОВНОМА

Ариза берувчи тўғрисидаги маълумотлар	
1. СТИРи:	
2. Юридик шахснинг номи:	
3. Юридик шахснинг манзили:	
4. Телефон рақами:	
5. Юридик шахс раҳбарининг ёки вакили ЖШШИР маълумоти, паспорти (ID-картаси) серияси ва рақами:	
6. Синов лабораториясининг манзили:	
7. Синов лабораториясининг техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш учун сўралаётган соҳада малакага эга бўлган ходимнинг ЖШШИР маълумоти, паспорти (ID-картаси) серияси ва рақами:	
8. Хизматдан фойдаланиш сабаби:	Синов лабораториясини техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш
	Маъқуллаш соҳасини кенгайтириш
	Маъқуллаш тўғрисидаги гувоҳномани қайта расмийлаштириш
	Маъқуллаш соҳасини қисқартириш
Илова қилинадиган ҳужжатлар: *– маъқуллаш сўралаётган маъқуллаш соҳасини аниқловчи синаш усуллари (методикалари) ва (ёки) ўлчаш турларининг рўйхати;* *– синов лабораториясининг тартиб-таомил ҳужжатлари;* *– синов лабораториясининг техник паспорти (лаборатория, жиҳоз, қўлланадиган синаш ва ўлчаш воситалари тўғрисидаги маълумот)*	

QMMB: 09/26/323/0627-son
25.06.2026-y.

Синов лабораторияларининг техник жиҳатдан
малакалилигини маъқуллашни шакллантириш бўйича давлат
хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентига
3-илова

Синов лабораторияларининг техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш хизматларини кўрсатиш нархлари КАЛЬКУЛЯЦИЯСИ

Маъқуллаш учун синаш кўрсаткичлари сони	Базавий ҳисоблаш миқдори баравари
1 – 10	25
11 – 20	35
21 – 30	47
31 – 40	59
41 – 50	72
51 – 60	85
61 – 70	97
71 – 80	110
81 – 90	123
91 – 100	136
101 – 110	144
111 – 120	152
121 – 130	160
131 – 140	168
141 – 150	176

QMMB: 09/26/323/0627-son
25.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 24 июн даги 323 -сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари

РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Синов лабораторияларининг техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 28 июлдаги 456-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 9 мартдаги 125-сон қарорига 2-илованинг 18-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги тўғрисидаги ва Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида давлат назорати департаменти тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 11 мартдаги 114-сон қарорига 3-илованинг 36-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сон Қонуни)” 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 869-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқаруви такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2024 йил 1 июлдаги 371-сон қарорига илованинг 12-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2025 йил 8 апрелдаги 211-сон қарорига 1-илованинг 13-банди.

QMMB: 09/26/324/0632-son
26.06.2026-y.

25 (1253)-son
619-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 24 » iyun № 324 Toshkent sh.

Товарларни халқаро тан олинадиган ҳужжатлар асосида эркин муомалага чиқаришда ваколатли давлат органларининг электрон тасдиғини олиш амалиётини жорий этиш тартиби тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Божхона маъмуриятчилиги ва ташқи савдо тартиботларини янада соддалаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 17 декабрдаги ПФ–250-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида нотариф тартибга солиш чораларини соддалаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикасидан ташқарида маҳсулотларга расмийлаштирилган айрим рухсат бериш хусусиятига эга ва уларнинг мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида товарларни эркин муомалага чиқариш амалиётини кенг жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида маҳсулотларга расмийлаштирилган айрим рухсат бериш хусусиятига эга ва уларнинг мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида ваколатли органларнинг электрон тасдиғини олиш амалиётини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда** ушбу Низом талабларидан келиб чиқиб, “Ягона дарча” божхона ахборот тизимида ушбу хизмат жорий этилишини таъминласин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси раиси А.Ю. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/324/0632-son
26.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 24 июндаги 324-сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида маҳсулотларга расмийлаштирилган айрим рухсат бериш хусусиятига эга ва уларнинг мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида ваколатли органларнинг электрон тасдиғини олиш амалиётини жорий этиш тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасидан ташқарида маҳсулотларга расмийлаштирилган айрим рухсат бериш хусусиятига эга ва уларнинг мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида ваколатли органларнинг электрон тасдиғини олиш (кейинги ўринларда – электрон тасдиқ) тартибини белгилайди.

2. Электрон тасдиқлаш қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида маҳсулотларга расмийлаштирилган айрим рухсат бериш хусусиятига эга ва уларнинг мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда;

амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган бошқа ҳолатларда.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ариза берувчи – Ўзбекистон Республикасидан ташқарида маҳсулотларга расмийлаштирилган айрим рухсат бериш хусусиятига эга ва уларнинг мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ёки қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолатлар асосида товарларни эркин муомалага чиқариш истагини билдирган ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили, сотувчи ёки импорт қилувчи;

ваколатли орган – ариза берувчи томонидан тақдим қилинган Ўзбекистон Республикасидан ташқарида маҳсулотларга расмийлаштирилган айрим рухсат бериш хусусиятига эга ва уларнинг мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларни кўриб чиқиб, товарларни эркин муомалага чиқаришда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ушбу ҳужжатларни эътироф этиш ваколатига эга бўлган давлат органи;

рухсат бериш хусусиятига эга ва уларнинг мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат – хорижий ташкилотларнинг ваколатли органлари томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида маҳсулотларга расмийлаштирилган ва Ўзбекистон Республикасида эътироф этишга қонунчилик ҳужжатлари билан рухсат берилган ҳужжат;

халқаро тан олинадиган ҳужжат – хорижий давлатнинг ваколатли органи расмийлаштирган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи томонидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ расман қабул қилинадиган ва эътироф этиладиган ҳужжат;

“Ягона дарча” божхона ахборот тизими (кейинги ўринларда – ахборот тизими) – ариза берувчи бириктирган маълумот ва ҳужжатлар кўриб чиқиладиган ҳамда ваколатли орган томонидан товарларни эркин муомалага чиқаришда электрон тасдиқ расмийлаштириладиган ахборот тизими.

4. Божхона органлари томонидан товарлар эркин муомалага чиқариш ушбу Низомга иловада келтирилган Ўзбекистон Республикасидан ташқарида маҳсулотларга расмийлаштирилган айрим рухсат бериш хусусиятига эга ва уларнинг мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида ваколатли органларнинг электрон тасдиғини олиш схемасига мувофиқ чиқарилади.

2-боб. Ариза бериш, уни кўриб чиқиш ва ҳужжатларни электрон расмийлаштириш тартиби

5. Ариза берувчи ахборот тизимида ваколатли органнинг тасдиғини олиш учун рухсат бериш хусусиятига эга ва мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда божхона органига ариза юборади.

6. Аризада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

транзит декларация рақами;

товар номи ва ТИФ ТН коди;

товарларни ишлаб чиқарувчининг номи;

товарлар ишлаб чиқарилган давлат номи;

рухсат бериш хусусиятига эга ва мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжат реквизитлари;

амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган бошқа ҳолатларда назарда тутилган ҳужжатлар.

7. Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар ҳамда маълумотлар ҳаққонийлиги учун ариза берувчи жавобгар ҳисобланади.

8. Аризага илова қилинган рухсат бериш хусусиятига эга ва мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжатлар электрон шаклда тақдим этилади ва ахборот тизимида сақланади.

9. Аризага илова қилинган рухсат бериш хусусиятига эга ва мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳақиқий эмаслиги исботланмагунга қадар улар ҳақиқий деб ҳисобланади.

10. Ариза берувчидан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

11. Божхона органи аризани қабул қилади ва Низомнинг 6-бандида қайд этилган маълумотларнинг тўлиқлигини текширади, рухсат бериш хусусиятига эга ва мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳамда маълумотларни баҳолаш учун ахборот тизими орқали ваколатли органга автоматик равишда юборади.

12. Ваколатли орган ариза келиб тушган пайтдан эътиборан уни кўриб чиқишни бошлайди.

13. Ваколатли орган аризани кўриб чиқиш давомида тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларнинг ишончлилиги ҳамда тўлиқлилигини баҳолайди.

14. Ваколатли органнинг ариза бўйича қарор қабул қилиш муддати мурожаат келиб тушган пайтдан эътиборан иш вақтининг уч соатидан ошмаслиги, бунда ариза иш вақти тугашига уч соатдан кам вақт қолганига қадар берилиши лозим.

15. Божхона органи ва ваколатли орган томонидан ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларда қуйидаги камчиликлар аниқланса электрон тасдиқни расмийлаштириш рад этилади ва божхона органи ахборот дастури орқали хабардор қилинади:

рухсат бериш хусусиятига эга ва мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжат бўлмаганда;

аризага кўрсатилган маълумотлар тўлиқ бўлмаганда.

16. Ариза рад этилганда, сабаблар аниқ ва асосланган ҳолда кўрсатилиши керак.

17. Ариза берувчи камчиликларни бартараф этиб такроран ариза берган ҳолатларда аввалги аризада кўрсатилмаган янги асослар бўйича электрон тасдиқни расмийлаштиришни рад этишга йўл қўйилмайди.

18. Агар ваколатли орган ариза келиб тушган пайтдан эътиборан иш вақтининг уч соати ичида рухсат бериш хусусиятига эга ва мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжатларнинг электрон тасдиғини рад этмаса, ҳужжатлар ахборот тизимида автоматик равишда расмийлаштирилади ва божхона органига юборилади.

19. Божхона органи ваколатли орган томонидан ахборот тизими орқали юборилган қарорлар асосида божхона қонунчилигига мувофиқ маҳсулотларнинг божхона расмийлаштирувини амалга оширади.

20. Рухсат бериш хусусиятига эга ва мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжат қуйидаги ваколатли органлар томонидан эътироф этилади:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси;

“Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасаси;

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси;

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги;

Солиқ қўмитаси;

Маданий мерос агентлиги;

Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси:

“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини баҳолаш маркази” давлат муассасаси.

Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан ваколат берилган бошқа давлат органлари.

3-боб. Якунловчи қоидалар

21. Ваколатли органлар ахборот тизими орқали келиб тушган аризаларни мониторинг қилиб боради.

22. Мониторинг давомида ариза берувчи томонидан тақдим қилинган маълумот ва ҳужжатларда электрон тасдиқ олиш учун нотўғри маълумотлар ёки қалбаки ҳужжатлар тақдим қилингани аниқланганда, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда таъсир чоралари кўрилади.

23. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

QMMB: 09/26/324/0632-son
26.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида маҳсулотларга
расмийлаштирилган айрим рухсат бериш хусусиятига эга
ва уларнинг мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида
ваколатли органларнинг электрон тасдиғини олиш амалиётини
жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомга
илова

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида маҳсулотларга расмийлаштирилган айрим рухсат бериш хусусиятига эга ва уларнинг мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида ваколатли органларнинг электрон тасдиғини олиш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	“Ягона дарча” божхона ахборот тизими (кейинги ўринларда – ахборот тизими) орқали рухсат бериш хусусиятига эга ва мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда божхона органига ариза юборади.	Ариза берувчининг **хоҳишига кўра**
2-босқич	Божхона органи	Аризани қабул қилади ва зарурат туғилганда баҳолаш учун ахборот тизими орқали ваколатли органга уни юборади.	**Дарҳол** (автоматик равишда)
3-босқич	Ваколатли орган	1. Ахборот тизими орқали юборилган аризани кўриб чиқади ва тақдим этилган ҳужжатлар ҳамда маълумотларни таҳлил қилади. 2. Таҳлил натижасида тақдим этилган ҳужжат ва маълумотлар ишончлилиги тасдиқланмаса, салбий қарор қабул қилади ва асослар билан ахборот тизими орқали божхона органини хабардор қилади. 3. Агар белгиланган муддатда муносабат билдирмаса ижобий қарор автоматик равишда қабул қилиниб, ахборот тизими орқали божхона органига юборилади.	Иш вақтининг **уч соати ичида**
4-босқич	Божхона органи	Ваколатли орган томонидан ахборот тизими орқали юборилган қарорлар асосида божхона расмийлаштирувини амалга оширади.	**Белгиланган муддатларда**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/325/0635-son
26.06.2026-y.

25 (1253)-son
620-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 25 » iyun № 325 Toshkent sh.

Саноат хавфсизлиги соҳасидаги давлат хизматлари кўрсатилишини ва соҳани рақамлаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2024 йил 24 декабрдаги ПФ–224-сон, “Давлат хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳада бюрократик тартиботларни тубдан қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 8 сентябрдаги ПФ–157-сон фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти **1-иловага мувофиқ**;

Хавфли ишлаб чиқариш объектларини давлат реестрида ҳисобга олиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти **2-иловага мувофиқ** тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасининг саноат хавфсизлиги соҳасини рақамлаштириш бўйича ишлаб чиқилган “Ягона интеграциялашган экотизим” ахборот тизими (кейинги ўринларда – ахборот тизими) орқали:

республикада фойдаланилаётган хавфли ишлаб чиқариш объектлари давлат реестрида ҳисобга олинади;

хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги декларацияси ва экспертиза хулосалари ҳисобга олинади;

саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотлари аккредитациядан ўтказилади ва уларнинг фаолияти мониторинг қилинади;

QMMB: 09/26/325/0635-son
26.06.2026-y.

ахборот тизимига киритилган хавфли ишлаб чиқариш объектлари тўғрисидаги маълумотлар доимий мониторинг қилинади;

республикада фойдаланилаётган хавфли ишлаб чиқариш объектларининг хавф таҳлили амалга оширилади.

3. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, вазирликлар ва идоралар **уч ой муддатда** ўзларининг қўйи ташкилотлари томонидан фойдаланиладиган хавфли ишлаб чиқариш объектлари ушбу қарорда белгиланган тартибда давлат реестрида ҳисобга олинишини таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда**:

ушбу қарор билан тасдиқланган регламентларга мувофиқ хизматларнинг Давлат хизматлари марказлари, Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) ва ахборот тизими орқали кўрсатилишини таъминласин;

ахборот тизими бошқа вазирликларнинг ва идораларнинг ахборот тизимлари ҳамда ресурслари билан "Электрон ҳукумат" тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали интеграция қилинишини таъминласин;

ЯИДХП ва ахборот тизимида хизматлар кўрсатилишининг ҳар қандай босқичида мурожаатларнинг кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин;

хизматларни кўрсатиш учун зарур ҳамда бошқа ҳужжатларнинг намунавий шаклларини ва бланкаларини тасдиқласин.

5. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси ушбу қарорнинг мақсадлари, мазмуни ва уни қўллаш тартиби тўғрисида аҳоли, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг кенг хабардор қилинишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **3-иловага мувофиқ** айрим қарорларига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификация қилиш тартиб-таомилларини такомиллаштириш;

саноат хавфсизлиги экспертизасини ўтказишда жараён сифатини ошириш ҳамда экспертиза хулосаларини ҳисобга олишни рақамлаштириш;

саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертларга эксперт гувоҳномасини бериш тартибини такомиллаштириш.

QMMB: 09/26/325/0635-son
26.06.2026-y.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **4-иловага мувофиқ** айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси раиси А.В. Рафиқов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/325/0635-son
26.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 25 июндаги 325-сон қарорига
1-илова

Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш, шунингдек, улар фаолиятини мониторинг қилиш тартибини белгилайди.

2. Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси (кейинги ўринларда – ваколатли орган) томонидан “Ягона интеграциялашган экотизим” ахборот тизими (кейинги ўринларда – ахборот тизими) орқали аккредитациядан ўтказилади.

3. Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотлари сифатида аккредитация қилиш ва улар фаолиятини мониторинг қилиш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

республикадаги лойиҳалаштирилаётган ва фойдаланилаётган хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилишига қаратилган саноат хавфсизлиги экспертизаси холис ўтказилишини таъминлаш;

саноат хавфсизлиги экспертизасини ўтказиш, шунингдек, хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификация қилиш ва саноат хавфсизлиги декларациясини ишлаб чиқиш ишлари сифатини яхшилаш, бу ишларни амалга оширадиган мутахассисларнинг профессионал даражасини ошириш;

тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш юкини камайтириш.

4. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

аккредитация – саноат хавфсизлиги экспертизасини ўтказиш ваколатини бериш учун ваколатли орган томонидан талабгорнинг эксперт ташкилотлари фаолиятига қўйиладиган талабларга мувофиқлигини баҳолаш ва тасдиқлаш жараёни;

аккредитация аттестати – аккредитация мезонларига риоя этилган тақдирда, саноат хавфсизлиги экспертизасини ўтказиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат;

аккредитация соҳаси – эксперт ташкилотининг фаолият соҳаси;

саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилоти (кейинги ўринларда – эксперт ташкилоти) – экспертизани ўтказадиган, мазкур Регламентда белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилган ташкилот;

саноат хавфсизлиги экспертизаси хулосаси (кейинги ўринларда – экспертиза хулосаси) – экспертиза объектининг саноат хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида асосли хулосаларни ёки хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификация қилиш натижаларини ўз ичига оладиган ва эксперт ташкилотлари томонидан расмийлаштириладиган ҳужжат;

талабгор – эксперт ташкилоти аккредитация аттестатини олиш мақсадида ваколатли органга мурожаат этувчи юридик шахс;

эксперт ташкилотлари фаолиятига қўйиладиган талаблар (кейинги ўринларда – аккредитация мезонлари) – аккредитациядан ўтказилган эксперт ташкилоти ваколатига эга бўлиш учун бажарилиши керак бўлган талаблар;

5. Саноат хавфсизлиги экспертизаси аккредитациядан ўтказилган эксперт ташкилоти томонидан унинг аккредитация соҳасига мувофиқ ушбу Регламентда белгиланган тартибда расмийлаштирилган аккредитация аттестати асосида ўтказилади.

6. Саноат хавфсизлиги экспертизасини аккредитация аттестатисиз ўтказиш тақиқланади, шунингдек, аккредитация аттестатига эга бўлмаган ташкилот саноат хавфсизлиги экспертизасини ўтказиш учун шартнома тузиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

2-боб. Аризани шакллантириш ва юбориш

7. Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотлари ушбу Регламентга 1-иловага мувофиқ схема асосида аккредитациядан ўтказилади.

8. Талабгор давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказига бевосита ўзи келиб ёки давлат хизматидан электрон шаклда фойдаланиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда – ЯИДХП) ёхуд ахборот тизимида рўйхатдан ўтган ҳолда мурожаат қилади.

ЯИДХП ва ахборот тизими ўртасида ахборот алмашинуви электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотларни узатиш тармоғи орқали реал вақт режимида амалга оширилади.

9. Ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, Давлат хизматлари маркази ходими талабгор номидан, ЯИДХП ёки ахборот тизими орқали мурожаат этганда эса талабгор мустақил равишда ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги аризани электрон шаклда тўлдиради.

Аризалар дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Бунда аризалар иш вақтидан кейин ёки дам олиш ва ишланмайдиган байрам кунлари тушганда, навбатдаги иш куни аризаларнинг ваколатли органга тушган ва ваколатли орган томонидан қабул қилинган кун ҳисобланади.

10. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) талабгор фаолият юритмоқчи бўлган аккредитация соҳаси (аккредитация соҳалари рўйхати ушбу Регламентга 3-иловасида келтирилган) ҳамда аккредитация соҳаси бўйича ишларни бажариш учун саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертлар билан таъминлангани тўғрисидаги маълумотлар;

б) эксперт ташкилоти Низоми;

в) талабгорнинг ушбу Регламентга 4-иловада келтирилган аккредитация мезонларига мувофиқлигини тавсифловчи декларация;

г) талабгорнинг штатида бўлган саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертлар ва ходимлар рўйхати, унда уларнинг эгаллаб турган лавозимлари, диплом маълумоти бўйича мутахассислиги, иш стажи, экспертиза ишларида ушбу ходимлар қатнашган асосий объектлар рўйхати кўрсатилади;

д) аккредитация соҳасидаги ишларни бажариш учун мавжуд шароитлар, жиҳозлар, дастурлар ва асбоб-ускуналар ҳақидаги маълумотлар ҳамда уларга эгалик ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар;

ж) талабгорнинг сифатни бошқариш тизимининг мувофиқлик сертификати.

Илова қилинадиган ҳужжатлар PDF форматида бўлиши лозим.

11. Давлат хизмати кўрсатилгани учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида йиғим (кейинги ўринларда – йиғим) ундирилади.

Давлат хизмати кўрсатилиши учун ЯИДХП ёки ахборот тизими орқали мурожаат этилганда, ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Давлат хизматини кўрсатиш учун йиғим тўлангани ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

12. Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказига мурожаат этилганда:

18 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

0,5 фоизи – “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига (Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);

қолган маблағлар ваколатли органнинг бюджетдан ташқари махсус жамғармасига;

б) ЯИДХП ёки ахборот тизими орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

11,75 фоизи – “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги шахсий ҳисобварағига (шу жумладан, 0,5 фоизи йиғим тўлангани Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);

қолган маблағлар ваколатли органнинг бюджетдан ташқари махсус жамғармасига ўтказилади.

13. Ариза шакли тўлдирилгандан сўнг талабгор маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва тасдиқлайди.

Аризада кўрсатилган маълумотлар ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг ишончлиги ва ҳаққонийлиги учун талабгор жавобгар ҳисобланади.

14. Талабгор давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Талабгор давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўрилмасдан қолдирилади. Бунда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

15. Талабгор Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда, Давлат хизматлари маркази ариза тўлдирилган вақтдан бошлаб реал вақт режимида уни ваколатли органга электрон шаклда юборади.

ЯИДХП ёки ахборот тизими орқали мурожаат этилганда ариза автоматик тарзда ваколатли органга электрон шаклда юборилади.

3-боб. Аризани кўриб чиқиш ва аккредитациядан ўтказиш тартиби

16. Ваколатли орган ариза қабул қилинган кундан бошлаб йигирма иш кунида тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қилади, бунда тақдим этилган ҳужжатларда келтирилган маълумотлар асосида талабгорнинг аккредитация мезонларига қай даражада мувофиқлиги баҳоланади. Таҳлил натижалари маълумотнома тарзида расмийлаштирилади.

17. Ижобий маълумотнома расмийлаштирилган кундан бошлаб йигирма иш кунида талабгор фаолияти жойига бориб баҳоланади.

Талабгорнинг фаолияти ваколатли орган буйруғи билан ташкил этиладиган баҳолаш комиссияси томонидан жойига бориб баҳоланади.

Баҳолаш комиссияси таркиби тоқ бўлиши ва уч кишидан кам бўлмаслиги керак.

Баҳолаш комиссияси таркибига тегишли вазирлик ва идораларнинг мутахассислари киритилиши мумкин.

Жойига бориб бевосита баҳолаш, баҳолаш комиссияси аъзолари ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши ва баҳолаш натижаларининг расмийлаштирилиши учун жавобгарлик баҳолаш комиссияси раиси зиммасига юкланади.

Ваколатли органнинг буйруғи баҳолаш бошланишидан камида уч иш куни олдин талабгорга юборилади ва баҳолаш комиссиясининг аъзоларига таништирилади.

18. Жойига бориб баҳолаш билан боғлиқ харажатлар талабгор томонидан қопланади.

Талабгор баҳолаш комиссияси аъзоларига ўз фаолияти билан боғлиқ маълумотлардан тўсиқсиз фойдаланиш имкониятини таъминлаши керак.

Баҳолаш комиссияси аъзолари талабгор фаолиятининг асосий турлари амалга ошириладиган барча бўлинмаларнинг аккредитация мезонларига мувофиқлигини, талабгорнинг амалдаги ҳолати тақдим этилган ҳужжатлар билан мувофиқлигини, унинг кўрсатилган вазифаларни бажариш имконига эга эканлигини баҳолайди.

Агар талабгор бошқа ҳудудда ҳам бўлинмаларга эга бўлса, бу бўлинмалар ҳам жойига бориб баҳоланиши керак.

19. Жойига бориб баҳолаш натижалари бўйича ушбу Регламентга 5-иловага мувофиқ шаклда далолатномада расмийлаштирилади.

Далолатнома баҳолаш комиссияси аъзолари ва талабгорнинг масъул раҳбари томонидан имзоланади. Агар баҳолаш комиссияси аъзолари ёки талабгор вакиллари алоҳида фикрларга эга бўлса, улар далолатномага илова қилиниши керак.

Талабгорнинг масъул раҳбари далолатномага имзо чекишдан бош тортса, баҳолаш комиссияси раиси бу ҳақида далолатномага тегишли ёзув киритади.

Далолатнома икки нусхада тузилади: бир нусхаси ваколатли органда сақланади, иккинчи нусхаси талабгорга берилади.

20. Далолатнома ижобий бўлганда, далолатнома расмийлаштирилган кундан бошлаб ўн иш кунида аккредитация аттестатини бериш тўғрисида қарор қабул қилинади ҳамда ушбу Регламентга 6-иловага мувофиқ шаклда аккредитация аттестати ва унинг ажралмас қисми бўлган аккредитация соҳаси расмийлаштирилади.

Аккредитация аттестати беш йил муддатга берилади.

Ахборот тизимида QR-код (матрик штрихли код) қўйилган аккредитация аттестати ва иловаси (аккредитация соҳаси) автоматик равишда шакллантирилади ва давлат хизматлари марказига ёки талабгорнинг ЯИДХП ёхуд ахборот тизимидаги шахсий кабинетига электрон шаклда юборилади.

21. Аккредитация аттестатини беришни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

аккредитация аттестати берилиши учун зарур бўлган ҳужжатларнинг талабгор томонидан тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилгани;

талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;

тақдим этилган ҳужжатлар таҳлили ёки жойига бориб баҳолаш жараёнларида талабгорнинг аккредитация мезонларига мувофиқлиги тасдиқланмаганда;

аниқланган номувофиқликлар белгиланган муддатда бартараф этилмаганда.

Бошқа асосларга кўра, шу жумладан, аккредитация аттестатини беришни мақсадга мувофиқ эмас деган сабаблар билан рад этишга йўл қўйилмайди.

22. Талабгорнинг аккредитация аттестатини бериш ҳақидаги аризасини биринчи марта кўриб чиқиш жараёнида қуйидаги камчиликлар аниқланганда, уларни бартараф этиш учун талабгорга муддат бермасдан аккредитация аттестатини беришни рад этишга йўл қўйилмайди:

аккредитация аттестати берилиши учун зарур бўлган ҳужжатлар талабгор томонидан тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганда;

ходимларнинг касбий малакаси қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда;

тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда.

Ушбу бандда кўрсатилган камчиликлар аниқланганда, ваколатли орган уларни бартараф этиш зарурлиги тўғрисидаги хабарномани талабгорга ЯИДХП ёки ахборот тизими орқали бир иш куни ичида юборади.

23. Хабарнома тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш усуллари, шунингдек, талабгор кўрсатилган сабабларни бартараф қилиб, тегишли ҳужжатларни кўриб чиқиш учун такроран тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади. Хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўладиган вақтга мутаносиб бўлиши, лекин ушбу муддат ўттиз иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ваколатли орган аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун талабгорга малакали ходимларни излашда, ҳужжатлар ҳамда дастурларни мукаммал ишлаб чиқиш учун мутахассисларни жалб этишда, шунингдек, аккредитация аттестатини олиш учун бошқа зарур шарт-шароитларни яратишда ёрдам кўрсатиши ва тавсиялар бериши керак, талабгорнинг таклиф этилган ёрдамни рад этган ҳоллари бундан мустасно. Ваколатли органнинг камчиликларни бартараф этишга қаратилган кўрсатма ва тавсиялари камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарномада батафсил ёритилади.

24. Камчиликларни бартараф этиш бўйича хабарнома юборилган тақдирда, аккредитация аттестатини бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддати хабарномада кўрсатилган муддатга тўхтатиб турилади.

25. Ҳужжатлар хабарномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этмасдан ёки хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин тақдим этилган тақдирда, ваколатли орган аккредитация аттестатини беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда аккредитация аттестатини беришни камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

QMMB: 09/26/325/0635-son
26.06.2026-y.

26. Аккредитация аттестатини беришни рад этиш тўғрисидаги қарор талабгорга рад этиш сабаблари, қонунчиликнинг аниқ нормалари ва талабгор мазкур сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ЯИДХП ёки ахборот тизими орқали юборилади. Талабгор рад этиш сабабларини бартараф этишга ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақли бўлган муддат аккредитация аттестатини бериш рад этилгани ҳақидаги қарор олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

27. Талабгор аккредитация аттестатини бериш рад этилиши учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда, рад этиш сабаблари бартараф этилгани тўғрисидаги ариза ва рад этиш сабаблари бартараф этилганини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП ёхуд ахборот тизими орқали электрон шаклда юборади.

Талабгорнинг рад этиш сабаблари бартараф этилгани тўғрисидаги аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда ваколатли орган томонидан такроран кўриб чиқилади. Талабгорнинг аризаси такроран кўриб чиқилгани учун йиғим, агар ариза аккредитация аттестатини беришни рад этиш тўғрисидаги қарорда белгиланган ҳужжатларни такроран тақдим этиш мумкин бўлган муддатда тақдим этилган бўлса, ундирилмайди.

Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда ваколатли орган томонидан талабгорга аккредитация аттестатини беришни рад этиш тўғрисидаги қарорда баён қилинмаган рад этиш сабабларини келтиришга йўл қўйилмайди, илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши бундан мустасно.

Аккредитация аттестатини беришни рад этиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган муддат ўтгандан кейин талабгор томонидан топширилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади ва ваколатли орган томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

28. Талабгор аккредитация аттестатини бериш рад этилганлиги, шунингдек, ваколатли орган мансабдор шахсининг аккредитациядан ўтказиш тартиб-таомиллари билан боғлиқ ҳаракати (ҳаракатсизлиги) бўйича белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

4-боб. Эксперт ташкилотлари фаолиятини мониторинг қилиш

29. Эксперт ташкилотлари фаолияти аккредитациядан ўтказилган эксперт ташкилотлари фаолиятининг ва улар томонидан амалга оширилган ишларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш ва қонунбузилишларни бартараф этиш мақсадида ваколатли орган томонидан мониторинг қилинади.

30. Қуйидаги ҳолатларда эксперт ташкилотлари фаолияти мониторинги ўтказилади:

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, жамоатчилик назорати субъектларининг мурожаатлари келиб тушганда;

QMMB: 09/26/325/0635-son
26.06.2026-y.

ваколатли органга қонунчилик бузилишига оид ҳолатлар тўғрисида маълумотлар келиб тушганда ёки ваколатли орган томонидан ахборот тизимидаги маълумотларни таҳлил қилиш натижасида қонунчилик бузилишига оид ҳолатлар аниқланганда;

эксперт ташкилотлари хизмат кўрсатган хавфли ишлаб чиқариш объектларида авария ёки бахтсиз ходиса содир бўлганда.

31. Мониторинг амалга оширилаётганда ваколатли орган ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

аккредитация аттестатига эга бўлган ташкилотлар томонидан расмийлаштирилган экспертиза хулосалари, саноат хавфсизлиги декларациялар ва бошқа ахборот ва маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;

аккредитация мезонларининг экспертларга тегишли талабларининг бажарилишини "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали текшириш;

аккредитация мезонларининг сифатни бошқариш тизимига тегишли талабларининг бажарилишини "Сертификация қилинган сифатни бошқариш тизими давлат реестри" орқали текшириш;

"сирли мижоз" усулида эксперт ташкилотлари томонидан белгиланган тартибларга риоя этилиши бўйича назорат тадбирларини ўтказиш;

юзага келадиган масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахслардан зарур маълумотларни сўраш ва олиш;

мониторинг натижалари асосида жисмоний ва юридик шахслар йўл қўйган қонун бузилишларини аниқ кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

жисмоний ва юридик шахс зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, кўрсатмалар бериш, бундай қоидабузарликларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

эксперт ташкилоти аккредитация соҳасини қисқартириш;

аккредитация аттестати амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш, шунингдек, судга аккредитация аттестатининг амал қилишини олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ёки унинг амал қилишини бекор қилиш ташаббуси билан мурожаат қилиш.

32. Эксперт ташкилоти ваколатли орган томонидан берилган кўрсатмада баён этилган талабларни ўн иш куни ичида бажариши ва бу ҳақида ваколатли органга хабар бериши лозим.

33. Мониторинг ўтказиш натижасида эксперт ташкилоти штатида аккредитация соҳаларига мувофиқ саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертлар йўқлиги ёки қонунчилик талабларининг мунтазам равишда (икки ва ундан ортиқ маротаба) бузилгани аниқланганда, ушбу соҳалар бўйича эксперт ташкилотининг аккредитация соҳаси қисқартирилади.

QMMB: 09/26/325/0635-son
26.06.2026-y.

34. Ваколатли орган томонидан берилган кўрсатмада баён этилган талабларни ўн иш куни ичида бажармаслик, шунингдек, мониторинг ўтказиш учун ваколатли орган томонидан сўралган ҳужжатларни (маълумотларни) тақдим этмаслик аккредитация аттестатининг амал қилишини тўхтатиб туриш учун асос бўладиган ҳаракат ҳисобланади.

5-боб. Аккредитация соҳасини кенгайтириш ва қисқартириш

35. Эксперт ташкилотининг аккредитация соҳаси ушбу Регламентнинг 2-боби талабларига мувофиқ кенгайтирилади.

36. Эксперт ташкилотининг аккредитация соҳаси ваколатли органнинг аккредитация соҳасини кенгайтириш ҳақидаги қарори асосида янги аккредитация соҳасини расмийлаштириш орқали кенгайтирилади.

37. Эксперт ташкилотининг аккредитация соҳаси ваколатли органнинг қарори билан қуйидагилар асосида қисқартирилади:

а) эксперт ташкилотининг аккредитация соҳасини қисқартириш тўғрисидаги аризаси;

б) эксперт ташкилотлари фаолиятини мониторинг қилиш натижасида ваколатли органнинг аккредитация соҳасини қисқартириш ҳақидаги қарори қабул қилинганда.

38. Эксперт ташкилотининг аккредитация соҳаси қисқартириш ваколатли органнинг аккредитация соҳасини қисқартириш ҳақидаги қарори асосида янги аккредитация соҳасини расмийлаштириш орқали қисқартирилади.

39. Янги аккредитация соҳасининг амал қилиш муддати амалдаги аккредитация аттестатининг амал қилиш муддати доирасида белгиланади.

6-боб. Аккредитация аттестатини қайта расмийлаштириш

40. Аккредитациядан ўтказилган ташкилот қайта ташкил этилса, номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, эксперт ташкилоти ёхуд унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтганидан кейин ўн иш кунида Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП ёхуд ахборот тизими орқали ваколатли органга тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда, аккредитация аттестатини қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

41. Аккредитация аттестатини қайта расмийлаштириш учун тўлов ундирилмайди.

42. Аккредитация аттестатини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза ваколатли органга тушган кундан бошлаб беш иш куни ичида аккредитация аттестати қайта расмийлаштириб берилади.

Қайта расмийлаштиришда илгари берилган аккредитация аттестатининг амал қилиш муддати ўзгармайди.

QMMB: 09/26/325/0635-son
26.06.2026-y.

7-боб. Аккредитация аттестатининг амал қилишини тўхтатиб туриш, бекор қилиш ва тугатиш

43. Аккредитация аттестатининг амал қилиши қуйидаги ҳолларда ваколатли орган ташаббуси билан тўхтатиб турилиши мумкин:

аккредитация мезонлари эксперт ташкилоти томонидан бузилгани аниқланганда;

эксперт ташкилоти томонидан ваколатли органнинг эксперт ташкилотига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи кўрсатмаси бажарилмаганда.

44. Аккредитация аттестатининг амал қилиши ваколатли орган ёки суд томонидан тўхтатиб турилади. Аккредитация аттестатининг амал қилиши ваколатли орган томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга, суд томонидан эса ўн кундан ортиқ, лекин олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб турилиши мумкин.

Белгиланган муддат ичида аккредитация аттестатининг амал қилишини тўхтатиб туриш учун асос бўлган сабаб ва камчиликлар бартараф қилинмаса, ваколатли орган аккредитация аттестатининг амал қилишини тўхтатиб туриш муддатини узайтириш бўйича судга даъво аризаси киритиши лозим.

Эксперт ташкилоти аккредитация аттестатининг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни ваколатли орган ёки суд белгилаган муддатда бартараф этмаганда, ваколатли орган аккредитация аттестатини бекор қилиш тўғрисида судга даъво аризаси киритади.

45. Эксперт ташкилоти ўз фаолиятини вақтинча тўхтатганда, аккредитация аттестатининг амал қилишини олти ойгача тўхтатиб туриш ҳақида ваколатли органга мурожаат қилиши мумкин. Бунда олти ой муддат ичида аккредитация аттестатининг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида ваколатли органга мурожаат қилинмаган тақдирда, аккредитация аттестатининг амал қилиши тўхтатилади.

46. Ваколатли органнинг аккредитация аттестатининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори ваколатга эга бўлган мансабдор шахс томонидан қабул қилинади.

Қарор ахборот тизими орқали реал вақт режимида автоматик тарзда эксперт ташкилотининг шахсий кабинетига юборилади.

47. Ваколатли орган ёки суд аккредитация аттестатининг амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатларнинг эксперт ташкилоти томонидан бартараф этилиши учун етарли, аммо беш иш кунидан кам ва олти ойдан кўп бўлмаган муддат берилади.

48. Эксперт ташкилоти аккредитация аттестатининг амал қилиши тўхтатиб турилиши ҳақида қарор келиб тушгандан сўнг қарорда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиши ва қарорда кўрсатилган муддат якунлангунига қадар ваколатли органга ахборот тизими орқали камчиликлар бартараф этилгани тўғрисидаги тасдиқнома ва асословчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда маълумот юбориши лозим.

QMMB: 09/26/325/0635-son
26.06.2026-y.

Аккредитация аттестатининг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақидаги қарор суд томонидан қабул қилинган бўлса, камчиликлар бартараф этилгани тўғрисидаги тасдиқнома ва асословчи ҳужжатлар қарорда кўрсатилган муддат якунлангунига қадар судга тақдим этилиши лозим.

Камчиликлар бартараф этилгани тўғрисидаги маълумот тушган кундан бошлаб уч иш куни ичида ваколатли орган маълумотларни таҳлил қилиши лозим.

49. Таҳлил ёки ўрганишлар натижасида аккредитация аттестатининг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар эксперт ташкилоти томонидан бартараф этилгани аниқланган тақдирда, ваколатли орган камчиликлар бартараф этилгани тўғрисида тасдиқнома олинган кундан эътиборан уч иш куни ичида аккредитация аттестатининг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисидаги қарор қабул қилади.

Бунда ваколатли орган томонидан аккредитация аттестатининг амал қилишини қайта тиклаш ёки қайта тиклашни рад этиш тўғрисидаги қарор уч иш кунида қабул қилинмаса, эксперт ташкилоти ушбу муддат тугагандан сўнг ваколатли органни ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилган ҳолда фаолиятини давом эттириши мумкин.

Аккредитация аттестатининг амал қилишини қайта тиклаш ёки қайта тиклашни рад этиш тўғрисидаги қарор ахборот тизими орқали реал вақт режимида автоматик тарзда эксперт ташкилоти шахсий кабинетига юборилади.

50. Суднинг аккредитация аттестати амал қилишини қайта тиклаш тўғрисидаги қарори ваколатли органга келиб тушганда, ваколатли орган аккредитация аттестатининг амал қилиши қайта тиклангани тўғрисидаги маълумотни ахборот тизимига бир иш кунидан ошмаган муддатда жойлаштиради.

51. Аккредитация аттестатининг амал қилиши қуйидаги ҳолларда ваколатли органнинг қарорига асосан бекор қилинади:

эксперт ташкилоти аккредитация аттестатининг амал қилишини бекор қилиш тўғрисида мурожаат қилганда;

юридик шахс тугатилганда – тугатилган пайтдан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда – қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан, унинг ўзгартирилиши бундан мустасно.

52. Эксперт ташкилоти аккредитация аттестатининг амал қилишини бекор қилиш учун ваколатли органга Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП ёхуд ахборот тизими орқали хабарнома юборади.

Ваколатли орган хабарномага асосан ёки мазкур Регламентнинг 51-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлар юзага келганда аккредитация аттестатининг амал қилишини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади ва бу ҳақида ЯИДХП ёки ахборот тизими орқали эксперт ташкилотига маълум қилади.

QMMB: 09/26/325/0635-son
26.06.2026-y.

53. Ваколатли орган қуйидаги ҳолларда аккредитация аттестатининг амал қилишини бекор қилиш тўғрисида судга мурожаат қилади:

эксперт ташкилоти аккредитация аттестатининг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни ваколатли орган ёки суд белгилаган муддатда бартараф этмаганда;

ваколатли органнинг аккредитация аттестатини бериш тўғрисидаги қарорининг қонунга хилофлиги аниқланганда;

эксперт ташкилоти аккредитация мезонларини бир йил давомида мунтазам равишда (икки ва ундан ортиқ маротаба) ёки бир маротаба қўпол равишда бузганда (агар мазкур қоидабузарликлар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зиён, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат хавфсизлигига зарар ҳамда атроф муҳитга зиён етказилишига олиб келган бўлса);

аккредитация аттестати қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олингани факти аниқланганда.

54. Қуйидагилар аккредитация аттестатининг бекор қилинишига асос бўладиган қўпол қоидабузарликлар ҳисобланади:

саноат хавфсизлиги экспертизасини ўтказишда мустақилликни таъминламаслик;

ўз фаолиятини амалга оширишда олинган махфий ахборотни ошкор қилиш (қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно);

ўз фаолиятини амалга оширишда аккредитация соҳасига амал қилмаслик;

экспертиза хулосасини, саноат хавфсизлиги декларациясини ёлғон ёки нотўғри тузиш, уларда қалбаки маълумотлар кўрсатиш.

55. Ваколатли органнинг аккредитация аттестатини бекор қилиш юзасидан судга даъво аризаси киритилгани ҳақидаги маълумоти судга даъво аризаси киритилган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай, эксперт ташкилотига ахборот тизими орқали аккредитация аттестатининг амал қилишини бекор қилиш юзасидан судга даъво аризаси киритиш сабаблари ва қонунчилик ҳужжатларининг аниқ нормалари кўрсатилган ҳолда етказилади.

Суднинг аккредитация аттестатининг амал қилишини бекор қилиш тўғрисидаги қарори эксперт ташкилотига ва ваколатли органга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади.

Аккредитация аттестати 53-бандниг бешинчи хатбошисида кўрсатилган асосга кўра бекор қилинган тақдирда, аккредитация аттестати берилган санадан эътиборан бекор қилинган деб ҳисобланади.

56. Аккредитация аттестатининг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

аккредитация қилиш тартиби бекор қилинганда;

аккредитация аттестатининг амал қилиш муддати тамом бўлганда;

QMMB: 09/26/325/0635-son
26.06.2026-y.

эксперт ташкилоти томонидан ваколатли органга аккредитация аттестатининг амал қилишини олти ойгача тўхтатиб туриш тўғрисида мурожаат берилиб, мазкур хатбошида назарда тутилган муддат давомида аккредитация аттестатининг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида ваколатли органга мурожаат қилинмаган тақдирда.

Аккредитация аттестатининг амал қилиш муддати тугаган ҳолларда ваколатли орган томонидан аккредитация аттестатининг амал қилиш муддати тугатганлиги тўғрисида қарор қабул қилиш талаб этилмайди.

57. Аккредитация аттестатининг амал қилишини тўхтатиб туриш, бекор қилиш ва тугатиш ҳақидаги маълумотлар ваколатли орган томонидан эксперт ташкилотлари реестрига киритилади.

58. Аккредитация аттестатининг амал қилиши тўхтатиб турилганда, бекор қилинганда ва тугатилганда, эксперт ташкилоти қуйидагиларни бажариши шарт:

аккредитациядан ўтган эксперт ташкилоти аккредитацияга боғлиқ ишлар бажарилишини зудлик билан тўхтатиш;

ўз буюртмачиларини бу ҳақида огоҳлантириш.

8-боб. Аккредитациядан ўтказилган эксперт ташкилотлари реестрини юритиш

59. Ваколатли орган ахборот тизимида аккредитациядан ўтказилган эксперт ташкилотлари реестрини юритади.

60. Аккредитациядан ўтказилган эксперт ташкилотлари реестрида қуйидагилар электрон шаклда ҳисобга олинади:

эксперт ташкилотлари ҳақидаги асосий маълумотлар (эксперт ташкилоти номи, эксперт ташкилоти раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми, эксперт ташкилоти юридик ва почта манзиллари, телефон рақамлари, электрон почта ва веб саҳифа манзиллари, филиаллари ҳақидаги маълумотлар);

аккредитация соҳаси ҳақидаги маълумотлар;

аккредитация аттестатининг берилган санаси, рўйхат рақами ва амал қилиш муддати, унинг қайта расмийлаштирилгани ҳақидаги маълумотлар;

эксперт ташкилотлари экспертлари ва сифатни бошқариш тизими сертификати ҳақидаги маълумотлар;

эксперт ташкилотлари фаолиятининг мониторингги натижалари;

аккредитация аттестатининг амал қилишини тўхтатиб туриш, бекор қилиш ва тугатиш ҳақидаги маълумотлар.

61. Аккредитациядан ўтказилган эксперт ташкилотлари ҳақидаги умумий маълумотлар ахборот тизимига ва ваколатли орган веб саҳифасига жойлаштирилади.

QMMB: 09/26/325/0635-son
26.06.2026-y.

9-боб. Ваколатли орган қарори ва унинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш ҳамда уни кўриб чиқиш тартиби

62. Талабгор (эксперт) ташкилоти белгиланган тартибда ваколатли органнинг:

қарорлари ва ҳужжатлари устидан;

мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиниши мумкин.

63. Талабгор (эксперт) ташкилоти шикоятни ваколатли органда ташкил этилган Шикоятларни кўриб чиқиш бўйича апелляция кенгашига (кейинги ўринларда – Апелляция кенгаши) тақдим этади.

Талабгор (эксперт) ташкилоти белгиланган тартибда ваколатли органнинг қарори ҳамда унинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бевосита судга шикоят қилишга ҳақли.

Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ шикоят бошқа ваколатли органларга ҳам берилиши мумкин.

64. Апелляция кенгаши таркиби ваколатли органнинг раҳбари томонидан беш нафар таркибда тасдиқланади. Апелляция кенгаши йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси вакили кузатувчи сифатида иштирок этади.

Апелляция кенгаши йиғилиши унинг аъзоларининг тўртдан уч қисми ҳозир бўлганда ваколатли ҳисобланади.

65. Агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шикоят қарор (бошқа ҳужжат) тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган пайтдан ёки талабгор (эксперт) ташкилотига ваколатли орган қарори ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ҳақида маълум бўлган пайтдан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай берилиши мумкин.

Шикоят бериш муддати, агар у узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган бўлса, шикоятни кўриб чиқувчи орган томонидан тикланиши мумкин.

66. Шикоят ёзма, оғзаки (шахсий қабул ёки ишонч телефони орқали) ёки электрон шаклда (ЯИДХПдаги шахсий кабинет, электрон почта ёки ваколатли органнинг расмий веб-сайти орқали) берилади ва унда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

қарорни қабул қилган ёки ҳаракатни амалга оширган ваколатли органнинг номи;

шикоят берган жисмоний шахснинг (унинг вакилининг) фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи, юридик шахс учун эса – унинг номи ва жойлашган жойи (почта манзили), СТИР;

шикоят берган шахснинг талаблари;

илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати (мавжуд бўлган тақдирда);

шикоят берилган сана.

Шикоят ёзма шаклда берилганда, шикоят қилувчи ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Агар шикоят вакил томонидан берилган бўлса, унга ишончноманинг ёки вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг кўчирма нусхаси илова қилиниши керак.

67. Юридик шахс оғзаки шикоят (шахсий қабул орқали) қилаётганда, юридик шахснинг вакили ўз ваколатларини тасдиқлайдиган ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши керак.

Электрон шаклда бериладиган шикоятларда талабгор (эксперт) ташкилотининг электрон манзили ва ягона идентификатори (СТИР) ҳамда бошқа реквизитлар кўрсатилиши керак.

Шикоятда электрон манзилнинг кўрсатилгани талабгор (эксперт) ташкилотининг шикоятини кўриб чиқиш натижаларини ахборот тизими орқали электрон шаклда қабул қилишга бўлган розилигини билдиради.

68. Шикоятни олган ваколатли орган ва Апелляция кенгаши шикоят берилаётган қарор, ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар) тўғрисидаги тегишли ахборотни шикоят олинган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида ўрганиш учун сўраб олиши лозим.

Апелляция кенгашининг шикоят бўйича йиғилиш материаллари ваколатли органнинг юридик хизмати томонидан тайёрланади.

69. Талабгор (эксперт) ташкилотининг талабига кўра шикоят унинг вакили иштирокида кўриб чиқилиши мумкин.

Бунда ваколатли орган ва Апелляция кенгаши талабгор (эксперт) ташкилотининг истагига кўра муҳокамани видеоконференц алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказишни таъминлаши шарт.

Видеоконференцалоқа режимида шикоятни кўриб чиқиш учун техник ва бошқа шароитларни таъминлаш ваколатли органнинг марказий аппаратига ёки тегишли ҳудудий бўлинмасига юкланади.

70. Шикоятни кўриб чиқиш якуни бўйича баённома тузилиши ва ушбу баённома ваколатли орган ва Апелляция кенгашининг раҳбари томонидан имзоланиши керак.

Ваколатли орган ёки Апелляция кенгаши шикоят бўйича ўн беш кун ичида қарор қабул қилиши шарт.

71. Шикоят берган талабгор (эксперт) ташкилоти шикоят бўйича қарор қабул қилингунига қадар уни чақириб олишга ҳақли. Шикоятни чақириб олиш ёзма (шикоятни йиғилишда кўриб чиқиш жараёнида) ёки электрон шаклда (ЯИДХП орқали) расмийлаштирилади.

72. Ваколатли орган ёки Апелляция кенгаши шикоят бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилишга ҳақли:

устидан шикоят қилинаётган қарорни ўзгаришсиз қолдириш;

устидан шикоят қилинаётган қарорга ўзгартишлар киритиш;

QMMB: 09/26/325/0635-son
26.06.2026-y.

қарорни бекор қилиш ва зарур бўлган тақдирда, янги қарор қабул қилиш;

ваколатли орган ёки унинг мансабдор шахси зиммасига берилган шикоят моҳияти бўйича муайян ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини юклаш.

73. Шикоят Апелляция кенгаши томонидан кўриб чиқилаётганда юзага келадиган масалалар унинг аъзолари томонидан бир овоздан ҳал қилинади. Ҳеч бир аъзо овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вакили овоз бериш жараёнида иштирок этмайди ва унинг фикри Апелляция кенгаши аъзолари учун тавсиявий тусга эга.

74. Ваколатли органнинг қарори устидан шикоят қилинган тақдирда, шикоят Апелляция кенгашида рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан қарорнинг амал қилиши ва ижро этилиши тўхтатиб турилади, аккредитация аттестатини амал қилишини тўхтатиб туриш ҳоллари бундан мустасно.

75. Ваколатли орган икки иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинган қарор тўғрисидаги хабарномани шикоят берган талабгор (эксперт) ташкилотига ёзма шаклда юборади.

76. Айнан бир масала бўйича шикоятни такроран беришга йўл қўйилмайди.

77. Апелляция кенгашининг қарори юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиш мумкин.

10-боб. Якунловчи қоидалар

78. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган давлат хизматини кўрсатиш жараёнида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

79. Ушбу Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини
аккредитациядан ўтказиш бўйича давлат хизматларини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-илова

Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Талабгор	Давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этади ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси (кейинги ўринларда – ваколатли орган) ахборот тизими орқали ариза беради.	**Ўз хоҳишига** кўра
2-босқич	Талабгор	1. Электрон шаклда аризани тўлдиради ва зарур бўлган ҳужжатларни юклайди. 2. Регламентнинг 11-бандида белгиланган миқдорда йиғимни тўлайди.	**Ўз хоҳишига** кўра
3-босқич	Давлат хизматлари маркази, ЯИДХП ёки ахборот тизими	Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни автоматик равишда ваколатли органга юборади.	**Йиғим тўлангандан сўнг** реал вақт режимида
4-босқич	Ваколатли орган Баҳолаш комиссияси Ваколатли орган	1. Тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қилади. 2. Жойига бориб баҳолаш ўтказади. 3. Аккредитация аттестатини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.	**20 иш куни** мобайнида **20 иш куни** мобайнида **10 иш куни** мобайнида
5-босқич	ЯИДХП ёки ахборот тизими	Аккредитация аттестатини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни талабгор шахсий кабинетига юборади.	**Реал вақт** режимида
6-босқич*	ЯИДХП ёки ахборот тизими	QR-код (матрик штрихли код) қўйилган аккредитация аттестати автоматик равишда шакллантиради, талабгорнинг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига электрон шаклда юборади.	**Реал вақт** режимида

* 6-босқич талабгор аккредитация мезонларига мувофиқлиги тасдиқланганда бажарилади.

QMMB: 09/26/325/0635-son
26.06.2026-y.

Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини
аккредитациядан ўтказиш бўйича давлат хизматларини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
2-илова

Аккредитациядан ўтказиш (қайта аккредитациядан ўтказиш, аккредитация соҳасини кенгайтириш) учун АРИЗА

1.	Юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли	
2.	Юридик шахснинг СТИРи	
3.	Юридик шахс почта манзили (фаолиятни амалга ошириш жойи)	
4.	Телефон рақами	
5.	Электрон почта манзили (агар мавжуд бўлса)	
6.	Ариза тўлдириш сабаби (аккредитация, қайта аккредитация, аккредитация соҳасини кенгайтириш, қайта расмийлаштириш)	
7.	Аккредитация мезонларига риоя қилишга розилиги	

QMMB: 09/26/325/0635-son
26.06.2026-y.

Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини
аккредитациядан ўтказиш бўйича давлат хизматларини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
3-илова

Аккредитация соҳалари
РЎЙХАТИ

Т/р (кодлар)	Аккредитация соҳалари номлари
1.	**Хавфли ишлаб чиқариш объектларини қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервациялаш ва тугатишга доир лойиҳа ҳужжатларини саноат хавфсизлиги экспертизасидан ўтказиш. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификация қилиш.**
1.1.	**Кўмир, кон, руда ва норуда саноати объектлари:**
1.1.1.	Шахта
1.1.2.	Кўмир ва руда конлари (ерости ва ерусти) объектлари
1.1.3.	Бойитувчи, брикетловчи, агломерациаловчи фабрика ва заводлар
1.1.4.	Бойитиш-саралаш ва меъёрлаш қурилмалари
1.1.5.	Шлам тўпловчи гидротехника иншоотлари, чиқиндиларни сақловчи, техник сув ҳавзалари объектлари
1.1.6.	Олтин конлари ва бошқа олтин саралаш фабрикалари
1.1.7.	Олтин саралаш фабрикаси ва заводлари (қурилмалари)
1.1.8.	Конларни техник рекультивация қилиш объектлари
1.1.9.	Фойдали қазилма бойликларини қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш объектлари
1.1.10.	Махсус ерости, транспорт ва умумий хўжалик иншоотларини қуриш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш объектлари
1.2.	**Нефть ва газ саноати объектлари:**
1.2.1.	Нефть ва газга қазилган параметрик, қидирув, излов, структур ва эксплуатацион қудуқлар ҳамда махсус қазилган қудуқлар
1.2.2.	Ерости газ омборлари
1.2.3.	Нефть, газ ва газ конденсати конларини ишлатиш ва қуриш; нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш ва тайёрлаш объектлари
1.2.4.	Нефтни, газни ва газ конденсатини конларда ва конлар орасида ташиш қувур ўтказгичлари
1.2.5.	Магистрал қувурлар
1.2.6.	Компрессор ва насос станциялари; газ тақсимлаш станциялари
1.2.7.	Қатламдаги босимни барқарор сақлаб туриш объектлари
1.2.8.	Нефть маҳсулотларини, нефтни ва газ конденсатини сақлаш ҳамда вақтинча сақлаш объектлари
1.2.9.	Автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари
1.3.	**Кимё, нефть-кимё, нефть ва газни қайта ишлаш саноати ҳамда портлаш-ёниш хавфи мавжуд кимёвий хавфли ишлаб чиқариш объектлари:**
1.3.1.	Ноорганик моддалар, аммиак, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш объектлари
1.3.2.	Нефть ва газни қайта ишлаш саноати ишлаб чиқариш ва объектлари
1.3.3.	Органик синтез ишлаб чиқариш объектлари
1.3.4.	Целлюлоза қоғоз ишлаб чиқариш объектлари
1.3.5.	Кимёвий толалар, полимер материаллар, пластмасса ва улардан тайёрланадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш объектлари

T/p (kodlar)	Akkreditatsiya soxalari nomlari
1.3.6.	Kriogen texnologiyalar obyektlari
1.3.7.	Ammiakli sovitish qurilmalari
1.3.8.	Elektroliz usulida vodorod va kislorod ishlab chiqarish obyektlari
1.3.9.	Lok-bўёq maxsulotlari ishlab chiqarish obyektlari
1.3.10.	Spirt ishlab chiqarish obyektlari
1.3.11.	Ёғ-мой ishlab chiqarish obyektlari
1.3.12.	Xavoni parchalashda xosil bўlgan maxsulotlarni olish va saqlash obyektlari
1.3.13.	Suvni xlor bilan qayta ishlash obyektlari
1.3.14.	Portlash-ёниш xavfi mavjud va kimёvий xavfli maxsulotlarni (moddalarni) quyish, tўkish obyektlari
1.4.	**Bosimi 0,05 MPa ёki suvning isitish xarorati 110 °C dan yuqori bўlgan jixozdan foydalaniladigan ishlab chiqarish obyektlari:**
1.4.1.	Buғ va suv isitish qozonlari (ishchi muxit turidan qatъi nazar)
1.4.2.	Bosim ostida ishlovchi idishlar
1.4.3.	Buғ va issiq suv quvur ўtkazgichlar
1.5.	**Kўchmas asosga ўrnatilgan yuk kўtarish mexanizmlari, eskalatorlar, pўlat arqonli osma ўllar, funikulёrlardan foydalanadigan ishlab chiqarish obyektlari:**
1.5.1.	Yuk kўtarish kranlari va mexanizmlari
1.5.2.	Ekskalatorlar
1.5.3.	Yuk va ўlovchilar uchun osma pўlat arqonli ўllar
1.5.4.	Funikulёrlar
1.6.	**Tabiiy va suyultirilgan uglevodorod gazlaridan foydalanuvchi gaz taъminoti (gaz taqsimlash, gaz istetъmoli) obyektlari:**
1.6.1.	Suyultirilgan uglevodorod gazlarini saqlash va taqsimlash obyektlari
1.6.2.	Avtomobilларga suyultirilgan uglevodorod gaz tўldirish shoxobchalari
1.6.3.	Avtomobilларga gaz tўldirish kompressor shoxobchalari
1.6.4.	Bosimi 12 kgf/kv.sm gacha bўlgan gaz taqsimlash tizimlarining gaz tarmoqlari
1.6.5.	Gaz istetъmoli tizimlarining gaz tarmoqlari
1.7.	**Metallurgiya sanoati obyektlari:**
1.7.1.	Qora metallar quyish sanoati, pўlat ishlab chiqarish obyektlari
1.7.2.	Rangli metallar quyish sanoati obyektlari
1.8.	**Ўsimlik xomashёsini saqlash va qayta ishlash obyektlari:**
1.8.1.	Qabul qilish, saqlash, quritish, qayta ishlash, alohida turuvchi qabul qilish va uzatish uskunasi, qabul qiluvchi-tozalash minoraси, alohida turuvchi don quritish uchastkalari, elevatorlar, silos tipidagi omborlar, qopsiz saqlash omborlari, solod ishlab chiqarish obyektlari, qayta ishlovchi va tayёrlovchi (maydalovchi) bўlimlar, shu jumladan ozik-ovqat sanoati korxonalari
1.8.2.	Un, ёрма ishlab chiqarish obyektlari
1.8.3.	Omuxta em ishlab chiqarish obyektlari
1.8.4.	Qopsiz qabul qilish, unni silos va bunkerlarda saqlash, non, makaron va qandolat maxsulotlarini ishlab chiqarish uchun unni tortish xamda elash obyektlari
1.8.5.	Un, ёрма, non va makaron ishlab chiqarish korxonalari uchun qopli idishlarni tozalash va saralash obyektlari
1.8.6.	Jўxorini kalibrlovchi obyektlar
1.8.7.	Uruғlik donlarni qayta ishlovchi obyektlar
1.8.8.	Tamaki maxsulotlarini tayёrlash obyektlari

Т/р (кодлар)	Аккредитация соҳалари номлари
1.9.	**Фойдали қазилма конларини қидириш ва излаш билан боғлиқ геология-разведка объектлари (углеводород хомашёси бўлмаган)**
1.10.	**Саноатда қўлланадиган портловчи моддаларни ишлаб чиқариш, синаш ва сақлаш билан боғлиқ бўлган объектлар**
2.	**Хавфли ишлаб чиқариш объектларида қўлланадиган техник қурилмаларни саноат хавфсизлиги экспертизасидан ўтказиш**
2.1.	**Кўмир, кон, руда ва норуда саноатидаги техник қурилмалар:**
2.1.1.	Шахтада қўлланадиган қурилмалар
2.1.2.	Кўмир ва руда конлари (ерости ва ерусти) объектларининг қурилмалари
2.1.3.	Бойитувчи, брикетловчи, агломерациаловчи фабрика ва заводлар қурилмалари
2.1.4.	Бойитиш-саралаш ва меъёрлаш қурилмалари
2.1.5.	Шлам тўпловчи гидротехника иншоотлари, чиқиндиларни сақловчи ва техник сув ҳавзалари объектларининг қурилмалари
2.1.6.	Олтин конлари ва бошқа олтин саралаш фабрикаларининг қурилмалари
2.1.7.	Олтин саралаш фабрикаси ва заводлари қурилмалари
2.1.8.	Конларни техник рекултивация қилиш қурилмалари
2.1.9.	Фойдали қазилма бойликлари қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш объектларининг қурилмалари
2.1.10.	Махсус ерости, транспорт ва умумий хўжалик иншоотларини қуриш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш объектларининг қурилмалари
2.2.	**Нефть ва газ саноатидаги техник қурилмалар:**
2.2.1.	Қудуқларни бурғилашда, таъмирлашда ва ишга туширишда қўлланадиган қурилмалар
2.2.2.	Нефть ва газ қудуқларини ишлатишда қўлланадиган қурилмалар
2.2.3.	Қатламдаги босимни ва қатламга ҳамда қудуққа таъсир қилувчи омилларни сақлашда қўлланадиган қурилмалар
2.2.4.	Нефть ва газни етказиб берувчи станцияларда қўлланадиган қурилмалар
2.2.5.	Магистрал қувурлар тизимини қуришда, ишлатишда ва таъмирлашда қўлланадиган қурилмалар
2.2.6.	Газ ва нефть маҳсулотлари қувурлари; кон ва конлараро қувурлар
2.2.7.	Композит ва пўлат қувурлар қисмлари ва қувурлари, шу жумладан, тиқин (запор), меъёрловчи ва ҳимояловчи арматуралар қисмлари
2.2.8.	Нефть, конденсат ва нефть маҳсулотлари учун резервуарлар ҳамда уларнинг қурилмалари
2.2.9.	Компрессор, насос ва газ тақсимлаш станциялари қурилмалари
2.2.10.	Нефть ва газни йиғиш ва тайёрлаш қурилмалари
2.3.	**Кимё, нефть-кимё, нефть ва газни қайта ишлаш саноати ҳамда портлаш-ёниш хавфи мавжуд ва кимёвий хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги техник қурилмалар:**
2.3.1.	Ноорганик моддалар, аммиак, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш объектлари қурилмалари
2.3.2.	Нефть ва газни қайта ишлаш объектларининг қурилмалари
2.3.3.	Органик синтез ишлаб чиқариш объектларининг қурилмалари
2.3.4.	Целлюлоза қоғоз ишлаб чиқариш объектларининг қурилмалари
2.3.5.	Кимёвий толалар, полимер материаллар, пластмасса ва улардан тайёрланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш объектларининг қурилмалари
2.3.6.	Криоген технологияси қурилмалари
2.3.7.	Аммиакли совитиш қурилмалари
2.3.8.	Электролиз усулида водород ва кислород ишлаб чиқариш объектлари қурилмалари
2.3.9.	Лок-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш объектларининг қурилмалари

T/p (kodlar)	Аккредитация соҳалари номлари
2.3.10.	Спирт ишлаб чиқариш объектларининг қурилмалари
2.3.11.	Ёғ-мой ишлаб чиқариш объектларининг қурилмалари
2.3.12.	Ҳавони парчалашда ҳосил бўлган маҳсулотларни олиш ва сақлаш объектлари қурилмалари
2.3.13.	Сувни хлор билан қайта ишлаш объектларининг қурилмалари
2.3.14.	Портлаш-ёниш хавфи мавжуд ва кимёвий хавфли маҳсулотларни (моддаларни) қуйиш, тўкиш объектларининг қурилмалари
2.4.	**Босими 0,05 МПа дан юқори бўлган ёки сувнинг ҳарорати 110 °С дан юқори бўлган шароитда ишлайдиган техник қурилмалар:**
2.4.1.	Сув иситиш ва буғ қозонлари ҳамда уларнинг қурилмалари
2.4.2.	Босим 0,05 МПа дан юқори бўлган босим остида ишловчи идишлар
2.4.3.	Босим 0,05 МПа дан ва сувнинг ҳарорати 110 °С дан юқори бўлган буғ ва иссиқ сув қувурлари
2.4.4.	Автоном буғ қиздиргичлар
2.4.5.	Автоном экономайзерлар
2.5.	**Кўчмас асосга ўрнатилган юк кўтариш механизмлари, эскалаторлар, пўлат арқонли осма йўллар, фуникулёрлар:**
2.5.1.	Юк кўтариш кранлари
2.5.2.	Кран-манипуляторлар
2.5.3.	Қувурётқизгич кранлар
2.5.4.	Кўтаргичлар (вишкалар)
2.5.5.	Қурилиш кўтаргичлари
2.5.6.	Лифтлар
2.5.7.	Ногиронларни кўтаришга мўлжалланган платформалар
2.5.8.	Юк ва йўловчилар учун осма пўлат арқонли йўллар
2.5.9.	Фуникулёрлар
2.5.10.	Экскалаторлар
2.5.11.	Юк кўтариш механизмлари ва идишлар (металлургиядан ташқари)
2.6.	**Табиий ва суюлтирилган углеводород газларидан фойдаланувчи газ таъминоти (газ тақсимлаш, газ истеъмоли) объектларининг техник қурилмалари:**
2.6.1.	Суюлтирилган углеводород газларини сақлаш ва тақсимлаш объектларининг қурилмалари
2.6.2.	Автомобилларга суюлтирилган углеводород газ тўлдириш шохобчаларининг қурилмалари
2.6.3.	Автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчаларининг қурилмалари
2.6.4.	Босими 12 kgf/kv.sm гача бўлган газ тақсимлаш тизимлари
2.6.5.	Газ истеъмоли тизимлари
2.7.	Металлургия саноати техник қурилмалари
2.7.1.	Қора металлар қуйиш, пўлат ишлаб чиқариш объектларининг қурилмалари
2.7.2.	Рангли металлар қуйиш саноати объектларининг қурилмалари
2.8.	**Ўсимлик хомашёсини сақлаш ва қайта ишлаш объектларининг техник қурилмалари:**
2.8.1.	Элеватор омбори қурилмалари
2.8.2.	Ун ишлаб чиқариш корхоналари қурилмалари
2.8.3.	Ёрма ишлаб чиқариш объектларининг қурилмалари
2.8.4.	Омухта ем ишлаб чиқариш объектларининг қурилмалари
2.8.5.	Қопсиз қабул қилиш, унни силос ва бункерларда сақлаш, нон, макарон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун унни тортиш ва элаш объектлари қурилмалари

Т/р (кодлар)	Аккредитация соҳалари номлари
2.8.6.	Ўсимлик хомашёсини қабул қилиш, сақлаш, қуритиш, қайта ишлаш, алоҳида турувчи қабул қилиш ва узатиш ускунаси, қабул қилувчи тозалаш минораси, алоҳида турувчи дон қуритиш участкалари, элеваторлар, силос типидаги омборлар, қопсиз сақлаш омборлари, солод ишлаб чиқариш объектлари, қайта ишловчи ҳамда тайёрловчи (майдаловчи) бўлимлар, шу жумладан, озиқ-овқат саноати корхоналари қурилмалари
2.8.7.	Жўхорини калибрловчи ишлаб чиқариш объектларининг қурилмалари
2.8.8.	Уруғлик донларни қайта ишлайдиган объектларнинг қурилмалари
2.8.9.	Тамаки тайёрлаш линиялари объектларининг қурилмалари
2.9.	**Фойдали қазилма конларини қидириш ва излаш билан боғлиқ геология-разведка объектларидаги техник қурилмалар (углеводород хомашёси бўлмаган)**
2.10.	**Саноатга мўлжалланган портловчи моддаларни ишлаб чиқариш, синаш ва сақлашда қўлланадиган техник қурилмалар**
3.	**Хавфли ишлаб чиқариш объектидаги бинолар ва иншоотларни саноат хавфсизлиги экспертизасидан ўтказиш**
3.1.	**Кўмир, кон-руда ва норуда саноатларида:**
3.1.1.	Ерусти комплекс бино ва иншоотлар
3.1.2.	Ерости иншоотлари
3.1.3.	Фойдали қазилма бойликларини қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш объектларидаги бино ва иншоотлар
3.2.	**Нефть ва газ саноати объектларида:**
3.2.1.	Қудуқларни қазиш ва таъмирлаш билан боғлиқ бўлган объектлардаги бино ва иншоотлар
3.2.2.	Нефть ва газ қазиб олиш ва уларни тайёрлаш объектларидаги бино ва иншоотлар
3.2.3.	Магистрал қувурлар объектларидаги бино ва иншоотлар
3.2.4.	Нефть маҳсулотларини, конденсат ва нефтни сақлаш ва узатиш объектларидаги бино ва иншоотлар
3.3.	**Кимё, нефть-кимё ва нефть ва газни қайта ишлаш саноати ҳамда портлаш-ёниш хавфи мавжуд кимёвий хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги бино ва иншоотлар**
3.4.	**Босими 0,05 МПа дан юқори бўлган ёки сувнинг исиш ҳарорати 110 °С дан юқори бўлган қурилмалар жойлашган бино ва иншоотлар**
3.5.	**Кўчмас асосга ўрнатилган юк кўтариш механизмлари, эскалаторлар, пўлат арқонли осма йўллар, фуникулёрлардан фойдаланадиган ишлаб чиқариш объектларидаги бино ва иншоотлар**
3.6.	**Табиий ва суюлтирилган углеводород газларидан фойдаланувчи газ таъминоти (газ тақсимлаш, газ истеъмоли) объектларидаги бино ва иншоотлар**
3.6.1.	Газ жиҳозлари ўрнатилган бино ва иншоотлар (қозонхоналар, цехлар)
3.6.2.	Автомобилларга газ (суюлтирилган углеводород газ) тўлдириш шохобчаларининг бино ва иншоотлари
3.7.	**Металлургия саноати объектларидаги бино ва иншоотлар**
3.8.	**Ўсимлик хомашёсини сақлаш ҳамда қайта ишлаш объектларидаги бино ва иншоотлар**
3.9.	**Фойдали қазилма конларини қидириш ва излаш билан боғлиқ геология-разведка объектларидаги (углеводород хомашёси бўлмаган) бино ва иншоотлар**
3.10.	**Саноатда қўлланиладиган портловчи моддаларни ишлаб чиқариш, синаш ва сақлаш билан боғлиқ бўлган объектлардаги бино ва иншоотлар**

T/r (kodlar)	Akkreditatsiya soxalari nomlari
4.	**Sanoat xavfsizligi deklaratsiyasini ishlab chiqish. Sanoat xavfsizligi deklaratsiyasini sanoat xavfsizligi ekspertizasidan o'tkazish**
4.1.	**Ko'mir, kon, ruda va noruda sanoati ob'ektlari:**
4.1.1.	Yer osti ishlab chiqarish ob'ektlari
4.1.2.	Yer usti ishlab chiqarish ob'ektlari
4.1.3.	Foydali qazilma boyliklarini qazib olish bilan bog'liq bo'lmagan ishlab chiqarish ob'ektlari
4.2.	**Neft va gaz sanoati ob'ektlari:**
4.2.1.	Quduqlarni qazish va ta'mirlash bilan bog'liq bo'lgan ob'ektlar
4.2.2.	Neft va gaz qazib olish va ularni tayyorlash ob'ektlari
4.2.3.	Magistral quvurlar ob'ektlari
4.2.4.	Neft mahsulotlarini, kondensat va neftni saqlash va uzatish ob'ektlari
4.3.	**Kimyo, neft-kimyo, neft va gazni qayta ishlash sanoati hamda portlash-yonish xavfi mavjud kimyoviy xavfli ishlab chiqarish ob'ektlari**
4.4.	**Bosimi 0,05 MPa dan yuqori yoki suvning harorati 110 °C dan yuqori bo'lgan qurilmalardan foydalanadigan ishlab chiqarish ob'ektlari**
4.5.	**Ko'chma asosga o'rnatilgan yuk ko'tarish mexanizmlari, eskalatorlar, po'lat arqonli osma yo'llar, funikulyorlardan foydalanadigan ishlab chiqarish ob'ektlari**
4.6.	**Tabiiy va suyultirilgan uglevodorod gazlaridan foydalanuvchi gaz ta'minoti (gaz taqsimlash, gaz iste'moli) ob'ektlari**
4.7.	**Metallurgiya sanoati ob'ektlari**
4.8.	**O'simlik xomashyosini saqlash va qayta ishlash ob'ektlari**
4.9.	**Foydali qazilma konlarini qidirish va izlash bilan bog'liq geologiya-razvedka ob'ektlari (uglevodorod xomashyosi bo'lmagan)**
4.10.	**Sanoatda qo'llaniladigan portlovchi moddalarni ishlab chiqarish, sinash va saqlash bilan bog'liq bo'lgan ob'ektlar**

QMMB: 09/26/325/0635-son
26.06.2026-y.

Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини
аккредитациядан ўтказиш бўйича давлат хизматларини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
4-илова

Аккредитация мезонлари

1. Эксперт ташкилоти Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ юридик шахс мақомига эга бўлиши керак.

2. Эксперт ташкилоти муассислари, бенефициарлари таркибида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахслари ва (ёки) уларнинг аффилланган шахслари бўлмаслиги керак.

3. Эксперт ташкилоти ўз фаолиятини самарали юритишини таъминловчи ташкилий тузилмага ва бошқарув тизимига эга бўлиши керак.

4. Эксперт ташкилоти ташкилий тузилмаси, ўзининг бўлинмалари, уларнинг функциялари ва улар орасидаги ўзаро алоқаларни ўз Низомида акс эттириши керак. Эксперт ташкилоти фаолияти жорий ҳолатини акс эттирувчи ўзгартиришлар ўз вақтида Низомга киритилиши керак.

5. Эксперт ташкилотига ва унинг ходимларига фаолияти натижаларига таъсир кўрсатадиган тижорат, молиявий, маъмурий ёки бошқа турдаги босим ва таъсир ўтказилмаслиги зарур.

6. Эксперт ташкилоти раҳбари:

саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт бўлиши;

саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт сифатида камида беш йил давомида ишлаган бўлиши;

айни шу ташкилотда асосий иш жойи бўйича ишлаши керак.

7. Эксперт ташкилоти штатида аккредитация соҳасида кўрсатилган ишларнинг бажарилишини таъминлаш учун айни шу ташкилотда асосий иш жойи бўйича ишлайдиган тегишли аттестация соҳасига эга саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертлар бўлиши лозим.

Ташкилотда асосий иш жойи бўйича ишлайдиган саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертлар сони беш нафардан кам бўлмаслиги керак.

8. Ходимлар билан тузилган янги меҳнат шартномалари, шартномаларга киритилган ўзгартиришлар ва уларни бекор қилиш ҳолатлари, шунингдек, амалдаги меҳнат шартномалари тўғрисидаги ахборот “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексида мажбурий рўйхатдан ўтказилиши керак.

9. Эксперт ташкилоти ходимлари давлат сирига тегишли деб топилган маълумотларни, ҳимоя қилиниши зарурлиги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ахборотни, амалий фаолияти давомида ишонилган тижорат сирларини ошкор қилмасликлари керак.

10. Эксперт ташкилотининг ҳар бир ходими иш жараёнида олинадиган маълумотлар ва натижаларнинг махфийлигини таъминлаши ҳақида огоҳлантирилиши ҳамда тегишлича расмийлаштирилган бўлиши зарур.

11. Эксперт ташкилотида режалаштирилган ишларнинг ва юкланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича жавобгарлик эксперт ташкилоти раҳбари зиммасига юкланади.

Эксперт ташкилоти раҳбарининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

эксперт ташкилоти фаолиятининг мазкур Аккредитация мезонларига доимий мувофиқлигини таъминлаш;

эксперт ташкилотлари сифатида аккредитациядан ўтиш учун аккредитация аттестатини олиш ёки қайта расмийлаштириш учун тақдим этиладиган маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш;

эксперт ташкилотида ишларнинг тўғри ташкил қилиниши учун зарур шароитларни яратиб бериш ва ресурслар билан таъминлаш.

12. Эксперт ташкилоти раҳбари ва масъул ходимлари ўз иш жойида йўқлигида, уларнинг вазифаларини бажарадиган шахслар тайинланиши керак.

13. Эксперт ташкилоти ходимлари ўз лавозим йўриқномасида кўрсатилган вазифаларни тўлиқ ҳамда сифатли бажариш учун зарур бўлган тегишли касбий тайёргарлик, назарий билим ва амалий тажрибага эга бўлишлари керак.

Эксперт ташкилоти ўз ходимларини ўқитиши, доимий малакасини ошириши ва бириктирилган вазифаларни бажариши юзасидан режали ички аттестацияни ўтказиши керак.

14. Барча ходимлар лавозим йўриқномаларига эга бўлиши керак. Лавозим йўриқномалари эксперт ташкилоти раҳбари томонидан тасдиқланган ва ходимларга таништирилган бўлиши керак.

15. Эксперт ташкилоти ўз фаолияти билан боғлиқ барча ишларни бажариши учун зарур бўлган шароитлар, жиҳозлар, асбоблар ва материалларга эга бўлиши лозим.

16. Техник қурилмалар, бино ва иншоотларни экспертизадан ўтказадиган эксперт ташкилотлари ўз тузилмасида аккредитациядан ўтган ва тегишли рухсатномага эга бўлган, путур етказмасдан текшириш лабораториясига эга бўлиши керак.

Мазкур банд талабини бажара олмаган эксперт ташкилоти зарур техник текширувларни ўтказиш учун аккредитациядан ўтган ва тегишли рухсатномага эга бўлган, путур етказмасдан текшириш лабораториялари билан шартномалар расмийлаштириши керак.

17. Эксперт ташкилоти фаолиятида компьютерлар ёки бошқа автоматлаштирилган жиҳозлардан фойдаланилганда, дастурий воситалар фойдаланиш учун яроқлилигини текшириб туриши, маълумотларнинг тўлиқлигини ва хавфсизлиги таъминланиши керак.

18. Эксперт ташкилоти тасарруфида ўз фаолияти билан боғлиқ, аккредитация соҳаларига мувофиқ қонунчилик ва норматив техник ҳужжатлар, уларнинг рўйхати мавжуд бўлиши, шунингдек, бу ҳужжатларнинг амалдаги таҳриридан фойдаланилишини таъминлаши керак.

19. Эксперт ташкилоти бажарилаётган ишлар хусусиятига мос келадиган, давлат стандартларига мувофиқ сифатни бошқариш тизимини жорий этиши ва унинг самарали ишлашини таъминлаши лозим.

20. Сифатни бошқариш тизими белгиланган тартибда сертификатланган бўлиши керак.

21. Эксперт ташкилоти ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари, норматив техник ҳужжатлари талабларига мажбурий риоя этишлари керак.

22. Эксперт ташкилоти ходимлари холис иш олиб боришлари ҳамда ўз иш натижаларида объектнинг ҳақиқий ҳолатини акс эттиришлари керак.

23. Эксперт ташкилоти ва ходимлари экспертиза объектларига алоқадор бўлмаслиги керак.

24. Эксперт ташкилотининг хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификация қилиш, экспертизани ўтказиш бўйича бажарилган иш натижалари экспертиза хулосасида акс эттирилиши лозим. Эксперт ташкилотининг саноат хавфсизлиги декларациясини ишлаб чиқиш бўйича бажарилган иш натижалари саноат хавфсизлиги декларациясида акс эттирилиши лозим.

Экспертиза хулосаси ва саноат хавфсизлиги декларацияси Ўзбекистон Республикаси саноат хавфсизлиги соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари, норматив техник ҳужжатлари талаблари асосида расмийлаштирилиши лозим.

25. Эксперт ташкилоти расмийлаштирилган экспертиза хулосалари, ишлаб чиқилган саноат хавфсизлиги декларациялари реестри (рўйхати)ни юритиши лозим. Бу рўйхат ҳар ойда бир маротаба (кейинги ойнинг 5-санасига қадар) ҳисоб юритиш учун ваколатли органга тақдим этилиши зарур.

26. Эксперт ташкилоти аккредитация мезонларига мувофиқлигини тавсифловчи декларацияга эга бўлиши ҳамда аккредитация мезонларига доимий мувофиқлигини таъминлаш мақсадида ўзининг фаолияти жараёнида юзага келадиган ўзгаришларни ўз вақтида мазкур декларацияга киритиши лозим.

27. Ишларни бажариш жараёнида олинган кузатувлар ва (ёки) маълумотлар ўз вақтида ёзиб борилиши лозим.

Эксперт ташкилоти ўз иш натижаларини асослаб бериши учун фаолиятидаги зарур ҳужжатлар ва маълумотлар ҳисобини юритиши ҳамда уларни сақлаши керак. Ҳужжатларни ва маълумотларни электрон кўринишида ҳам сақлаш мумкин.

28. Эксперт ташкилоти шартномаларни назорат қилиш тизимига эга бўлиши керак. Бу тизим қуйидагиларни таъминлаши керак:

буюртмачи талабларига мувофиқ бажариладиган ишлар эксперт ташкилоти аккредитация соҳасига мос келиши ва бу ишларни бажариш учун эксперт ташкилотида тегишли аттестация соҳасига эга экспертлар ва зарур ресурслар мавжудлигини текшириш;

бажариладиган ишларни мунтазам текширувлар ва камчиликларни бартараф этиш ҳаракатлари билан назорат қилиш;

бажариладиган ишлар ўрнатилган талабларга мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида бажарилган иш натижаларини текширилиши.

29. Ваколатли орган аккредитациядан ўтказилган эксперт ташкилотлари реестрини юритишини ва белгиланган талаблар бажарилишини назорат қилиш мақсадида эксперт ташкилоти қуйидаги ўзгартиришлар тўғрисида беш кун ичида хабар бериши шарт:

юридик шахсга тегишли маълумотлар;

эксперт ташкилоти номи, юридик ва почта манзиллари;

эксперт ташкилоти раҳбари ва экспертлар;

эксперт ташкилоти фаолиятига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бинолар, жиҳозлар, асбоблар, материаллар, иш тартиблари.

QMMB: 09/26/325/0635-son
26.06.2026-y.

Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентига
5-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ САНОАТ, РАДИАЦИЯ ВА ЯДРО ХАВФСИЗЛИГИ ҚЎМИТАСИ

САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ЭКСПЕРТИЗАСИ ТИЗИМИ

_____ни жойига чиққан ҳолда баҳолаш бўйича
(ташкилот номи)

20___ йил “___” _____даги _____- сон
ДАЛОЛАТНОМА

_____
(ташкилот ҳақидаги асосий маълумотлар)

_____
баҳолаш ўтказилган жой манзили

Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасининг 20__ йил “__” _____даги __-сон буйруғи асосида қуйида кўрсатилган таркибдаги комиссия:

Комиссия раиси _____
(Ф.И.О., лавозими)

Комиссия аъзолари _____
(Ф.И.О., лавозими)

20__ йил “___” _____ дан 20__ йил “___” _____ гача бўлган муддатда _____ нинг аккредитация мезонларига
(ташкилот номи)
мувофиқлигини баҳолаш ишларини бажарди.

Баҳолаш жараёнида қуйидагилар аниқланди: _____
_____

Комиссия тавсиялари: _____

Хулоса: _____

Комиссия раиси _____
(имзо, Ф.И.О.)

Комиссия аъзолари _____
(имзо, Ф.И.О.)

Ташкилот раҳбари _____
(имзо, Ф.И.О.)

QMMB: 09/26/325/0635-son
26.06.2026-y.

Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини
аккредитациядан ўтказиш бўйича давлат хизматларини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
6-илова

Электрон ҳужжатнинг идентификация рақами

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ САНОАТ, РАДИАЦИЯ ВА ЯДРО ХАВФСИЗЛИГИ ҚЎМИТАСИ

САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ЭКСПЕРТИЗАСИ ТИЗИМИ

20__ йил “__” _____да аккредитациядан
ўтказилган эксперт ташкилотлари реестрида
ЭТ - _____-сон билан рўйхатга олинган.
Амал қилиш муддати
20 __ йил “___” _____ гача

АККРЕДИТАЦИЯ АТТЕСТАТИ

Ушбу аккредитация аттестати _____

_____

(эксперт ташкилоти номи ва юридик манзили)

саноат хавфсизлиги экспертизасини ўтказадиган ташкилотларга қўйиладиган талабларга мувофиқлигини тасдиқлайди.

Аккредитация соҳаси ушбу аккредитация аттестатининг ажралмас қисми бўлган иловада кўрсатилган.

Берилган сана
QR-код

ЭТ-_____-сон аккредитация аттестатига илова

___ варақдан ___ -варағи

_____

(эксперт ташкилоти номи ва юридик манзили)

АККРЕДИТАЦИЯ СОҲАСИ

Т/р	**Иш турлари, саноат тармоғи, экспертиза объектлари**
1	2

QR-код

QMMB: 09/26/325/0635-son
26.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 25 июндаги 325-сон қарорига
2-илова

Хавфли ишлаб чиқариш объектларини давлат реестрида ҳисобга олиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент хавфли ишлаб чиқариш объектларини давлат реестрида ҳисобга олиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш, шунингдек, хавфли ишлаб чиқариш объектлари давлат реестрини юритиш тартибини белгилайди.

2. Хавфли ишлаб чиқариш объектлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси (кейинги ўринларда – ваколатли орган) томонидан “Ягона интеграциялашган экотизим” ахборот тизими (кейинги ўринларда – ахборот тизими) орқали давлат реестрида ҳисобга олинади.

3. Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг давлат реестри саноат хавфсизлиги соҳасини рақамлаштириш, хавфли ишлаб чиқариш объекти тўғрисидаги маълумотлар базасини яратиш, саноат хавфсизлиги соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилишини мониторинг қилиш, шунингдек, ҳисобга олинган хавфли ишлаб чиқариш объектлари ва ушбу объектлардан фойдаланувчи ташкилотлар тўғрисида тизимли ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш ва сақлаш мақсадида юритилади.

4. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ариза берувчи – хавфли ишлаб чиқариш объектини давлат реестрида ҳисобга олиш (давлат реестрида ҳисобдан чиқариш) учун ваколатли органга мурожаат этувчи юридик шахс;

хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш бўйича саноат хавфсизлиги экспертизаси хулосаси (кейинги ўринларда – экспертиза хулосаси) – хавфли ишлаб чиқариш объектларининг идентификациялаш натижаларини ўз ичига олган эксперт ташкилотлари томонидан расмийлаштириладиган ҳужжат;

хавфли ишлаб чиқариш объекти (кейинги ўринларда – ХИЧО) – Ўзбекистон Республикасининг “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни 4-моддасида белгиланган корхоналар ёки уларнинг цехлари, участкалари, майдончалари, шунингдек, бошқа ишлаб чиқариш объектлари;

Хавфли ишлаб чиқариш объектлари давлат реестри (кейинги ўринларда – Реестр) – ХИЧО ва улардан фойдаланувчи ташкилотлар тўғрисида электрон шаклдаги маълумотларни ўз ичига олувчи ягона ахборот маълумотлар базаси;

QMMB: 09/26/325/0635-son
26.06.2026-y.

ХИЧОдан фойдаланувчи ташкилот – ташкилий-ҳуқуқий мулкчилик шаклидан қатъи назар, хусусий мулк ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида унга тегишли бўлган ХИЧОдан фойдаланувчи ташкилот;

эксперт ташкилоти – белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилган, саноат хавфсизлиги экспертизасини ўтказадиган ташкилот.

5. Фойдаланилиши бошланган ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги 271-сон қарори билан тасдиқланган Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда идентификациялашдан ўтган ХИЧО Реестрда мажбурий ҳисобга олинади.

Ижарага олинган ХИЧО ушбу объектлардан фойдаланувчи ташкилот – ижарага олувчи таркибида ҳисобга олинади.

6. ХИЧОдан фойдаланувчи ташкилот экспертиза хулосаси расмийлаштирилган санадан бошлаб ўн беш кун муддат ичида ушбу Регламентда белгиланган тартибда ХИЧОни давлат реестрида ҳисобга олиш учун мурожаат қилиши керак.

2-боб. ХИЧОни Реестрда ҳисобга олиш тартиби

7. ХИЧО Реестрда ушбу Регламентга 1-иловада келтирилган схема асосида ҳисобга олинади.

8. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун давлат хизматлари марказига бевосита ўзи келиб ёки давлат хизматидан электрон шаклда фойдаланиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда – ЯИДХП) ёки ахборот тизимида рўйхатдан ўтган ҳолда мурожаат қилади.

ЯИДХП ва ахборот тизими ўртасида ахборот алмашинуви электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотларни узатиш тармоғи орқали реал вақт режимида амалга оширилади.

9. Ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП ёки ахборот тизими орқали мурожаат этганда эса ариза берувчи мустақил равишда ушбу Регламентга 2-иловада келтирилган шаклга мувофиқ ХИЧОни Реестрда ҳисобга олиш учун аризани электрон шаклда тўлдиради.

Аризага ариза берувчи томонидан фойдаланиладиган ХИЧО бўйича экспертиза хулосаси (PDF форматида) ва ҳар бир хавфли ишлаб чиқариш объектининг умумий кўринишидаги иккитадан фото суратлари (PNG ёки JPEG форматида) илова қилинади.

Аризалар ЯИДХП ёки ахборот тизими орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Бунда аризалар иш вақтидан кейин ёки дам олиш ва байрам кунларида тушганда, календарь бўйича навбатдаги иш куни аризаларнинг ваколатли органга тушган ва ваколатли орган томонидан қабул қилинган кун деб ҳисобланади.

10. Давлат хизмати кўрсатилгани учун ҳар бир ХИЧО учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йиғим (кейинги ўринларда – йиғим) ундирилади.

Давлат хизмати кўрсатилиши учун ЯИДХП ёки ахборот тизими орқали мурожаат этилганда, ушбу бандниng биринчи хатбошисида кўрсатилган йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Давлат хизматини кўрсатиш учун йиғим тўлангани ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

11. Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказига мурожаат этилганда:

18 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

0,5 фоизи – “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига (Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);

қолган маблағлар ваколатли органнинг бюджетдан ташқари махсус жамғармасига;

б) ЯИДХП ёки ахборот тизими орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

11,75 фоизи – “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги шахсий ҳисобварағига (шу жумладан, 0,5 фоизи йиғим тўлангани Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);

қолган маблағлар ваколатли органнинг бюджетдан ташқари махсус жамғармасига ўтказилади.

12. Ариза шакли тўлдирилгандан сўнг ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва тасдиқлайди.

Аризада кўрсатилган маълумотлар ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги учун ариза берувчи жавобгар ҳисобланади.

13. Ариза берувчи Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда, Давлат хизматлари маркази ариза тўлдирилган вақтдан бошлаб реал вақт режимида уни ваколатли органга электрон шаклда юборади.

ЯИДХП ёки ахборот тизими орқали мурожаат этилганда эса, ариза автоматик тарзда ваколатли органга электрон шаклда юборилади.

14. ХИЧО ҳақидаги маълумотлар давлат сирларига ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирга тегишли бўлганда, ҳужжатлар ариза берувчи томонидан ваколатли органга бевосита тақдим этилади.

15. Ваколатли орган ариза тушган кундан бошлаб ўттиз кун ичида ХИЧОни Реестрда ҳисобга олиш ҳақидаги аризани кўриб чиқади.

Аризани кўриб чиқиш жараёнида ваколатли органнинг ХИЧО жойлашган тегишли ҳудудий бўлинмаси вакиллари иштирок этади ва бўлинма томондан ахборот тизимида маълумотнома расмийлаштирилади.

16. Қуйидаги ҳолларда ваколатли органнинг ҳудудий бўлинмаси ХИЧОнинг тақдим этилган ҳужжатларга мувофиқлигига аниқлик киритиш мақсадида ХИЧОни жойига чиққан ҳолда ўрганади:

реестрга ҳисобга олинадиган ХИЧО биринчи типга мансуб бўлганда;

ХИЧОни идентификациялаш жараёнида қонунчиликка риоя этилмаганда;

ҳисобга олинадиган ХИЧО реестрда мавжуд бўлганда;

ҳисобга олинадиган ХИЧОда бир йил мобайнида авария ёки бахтсиз ҳодиса содир бўлгани ҳақида маълумот ваколатли органда мавжуд бўлганда.

ХИЧО жойига чиққан ҳолда ўрганилганда, ваколатли орган ва ХИЧОдан фойдаланувчи ташкилот вакиллари томонидан имзоланадиган далолатнома расмийлаштирилади ва у ваколатли орган томонидан ахборот тизимига юкланади.

17. Аризани кўриб чиқиш натижаси ижобий бўлганда ваколатли орган:

реал вақт режимида ХИЧО тўғрисидаги маълумотларни Реестрга киритади;

ариза берувчига ушбу Регламентга 3-иловага мувофиқ расмийлаштириладиган QR-код (матрик штрихли код) қўйилган маълумотномани, Давлат хизматлари маркази (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки шахсий кабинети (ЯИДХП ёки ахборот тизими орқали мурожаат этилганда) орқали юборади.

18. Давлат хизматлари марказлари маълумотнома олингандан сўнг реал вақт режимида уни ариза берувчининг электрон почта манзилига юборади ва бу ҳақида ариза берувчини электрон тарзда хабардор қилади.

Агар ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, ариза берувчининг сўровига кўра унга давлат хизматининг натижаси электрон ёки қоғоз шаклида берилиши шарт.

19. Қуйидагилар ХИЧОни Реестрда ҳисобга олишни рад этиш учун асос бўлади:

аризада нотўғри маълумотлар кўрсатилиши;

аризага илова қилиниши керак бўлган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

давлат хизматлари кўрсатиш учун йиғимни тўламаслик;

ХИЧОни идентификациялаш жараёнида қонунчиликка риоя этилмагани, жумладан, экспертиза хулосасида нотўғри, ёлғон ёки қалбаки маълумотлар кўрсатилгани аниқланганда;

экспертиза хулосасида ХИЧОдан фойдаланувчи ташкилот сифатида кўрсатилган юридик шахс ва ариза берувчи мос келмаганда;

экспертиза хулосасида ва аризада кўрсатилган ХИЧО тўғрисидаги маълумотлар мос келмаганда;

ушбу Регламентнинг 16-бандида белгиланган ҳолларда ваколатли органга ариза берувчи томонидан ХИЧОни ўрганиш учун имконият яратилмагани;

ариза уни берувчининг номидан ҳаракат қилиш ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан тақдим этилганда.

Давлат хизматларини кўрсатишни бошқа асосларга кўра рад этиш тақиқланади.

20. Ушбу Регламентнинг 19-бандида белгиланган ҳолларда, ваколатли орган камчиликларни ва уларни бартараф этиш мумкин бўлган муддатни кўрсатган ҳолда ЯИДХП ёки ахборот тизими орқали ариза берувчига хабарнома юборади.

Хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўладиган вақтга мутаносиб бўлиши керак, ушбу муддат Регламентнинг 19-банди бешинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолатда олтмиш иш кунидан, қолган ҳолатларда эса ўн иш кунидан ошмаслиги керак.

Ариза берувчига хабарнома юборилганда, аризани кўриб чиқиш муддати тўхтатиб турилади.

21. Ариза берувчи хабарномада белгиланган муддатда зарур ҳужжатларни тақдим этиши ва (ёки) кўрсатилган камчиликларни бартараф этиши лозим.

22. Ариза такроран кўриб чиқилгани учун ушбу Регламентнинг 10-бандида белгиланган йиғим ундирилмайди.

Хабарномада кўрсатилмаган янги асослар билан сўровномани қабул қилишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Ариза берувчи камчиликларни бартараф этиш хабарномасида кўрсатилган муддат ўтгандан кейин мурожаат қилган тақдирда, ариза янги топширилган ҳисобланади ва ваколатли орган томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

Бунда ариза берувчининг дастлабки мурожаатига камчиликларни бартараф этиш хабарномаси юборилганлигини инобатга олган ҳолда, кейинги мурожаатига камчиликларни бартараф этиш хабарномаси юборилишига йўл қўйилмайди.

3-боб. Реестр юритиш тартиби

23. Реестр ваколатли орган томонидан юритилади ва қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

саноат хавфсизлиги соҳасини рақамлаштириш, реестр юритиладиган ахборот тизимини республикадаги мавжуд тегишли ахборот тизимлари билан интеграция қилиш;

ҳар бир ХИЧОга ҳисобга олиш рақамини бериш;

ХИЧОлари ва улардан фойдаланувчи ташкилотлар тўғрисидаги маълумотларни ахборот тизимига киритиш (тўплаш), уларни янгилаб туриш ва сақлаш;

реестрга (ахборот тизимига) киритилган маълумотларни таҳлил қилиш, унинг натижалари асосида ХИЧОдан фойдаланувчи ташкилотлар томонидан ХИЧОларида саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилишини мониторинг қилиш;

республикада фойдаланилаётган ХИЧОларда саноат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўз ваколати доирасида саноат хавфсизлиги соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш.

24. ХИЧОдан фойдаланувчи ташкилот қайта ташкил этилганда ёки номи ўзгарганда, ХИЧОдан фойдаланувчи ташкилот ушбу Регламентда белгиланган тартибда ХИЧОни давлат реестрида ҳисобга олиш учун мурожаат қилиши керак.

Бундай ҳолларда ушбу Регламентнинг 10-бандида белгиланган йиғим ундирилмайди.

25. Реестрда ҳисобга олинган ХИЧО тўғрисидаги маълумотлар ва (ёки) ХИЧОдан фойдаланувчи ташкилот томонидан фойдаланиладиган ХИЧОлар сони ўзгарганда, ХИЧОдан фойдаланувчи ташкилот ушбу Регламентда белгиланган тартибда ХИЧОни давлат реестрида ҳисобга олиш учун мурожаат қилиши керак.

26. Корхона томонидан фойдаланиладиган ХИЧО битта бўлиб, Реестрда ҳисобга олинган ушбу ХИЧОда қайта қуриш ёки қайта жиҳозлаш натижасида хавфлилик белгилари йўқолганда ёки ташкилотни ХИЧОни тасарруф этиши (эгалик қилиши) тугатилганда, ХИЧОдан фойдаланувчи ташкилот ваколатли органга ХИЧОни Реестрдан чиқариш ҳақида мурожаат қилади.

Ваколатли орган ўн иш куни мобайнида кўрсатилган далилларга аниқлик киритиш мақсадида объектни жойига чиққан ҳолда ўрганади, натижаси бўйича тегишли далолатнома расмийлаштирилади ҳамда Реестрга ХИЧОни ҳисобдан чиқарилганлиги ҳақида тегишли маълумот киритади.

Бундай ҳолларда ушбу Регламентнинг 10-бандида белгиланган йиғим ундирилмайди.

27. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими томонидан ваколатли органга Реестрда ҳисобга олинган ХИЧОдан фойдаланувчи ташкилот ҳақида қуйидаги маълумотлар автоматик тарзда юборилади:

ХИЧОдан фойдаланувчи ташкилотнинг тугатилгани;

ХИЧОдан фойдаланувчи ташкилотнинг қайта ташкил этилгани ёки номи ўзгаргани.

28. Ижара шартномаларини ҳисобга қўйиш тизими томонидан ваколатли органга Реестрда ҳисобга олинган ХИЧОни кўчмас мулк сифатида ижарага берилгани ҳақида маълумотлар автоматик тарзда юборилади.

29. Суғурта бозорининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими томонидан ваколатли органга Реестрда ҳисобга олинган ХИЧОда авария юз берган ҳолда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф–муҳитга зарар етказганлик учун жавобгарлик мажбурий суғурта қилингани ҳақида маълумотлар автоматик тарзда юборилади.

30. Реестрда ҳисобга олинган ХИЧО қуйидаги ҳолларда ваколатли орган томонидан Реестрдан ҳисобдан чиқарилади:

Реестрда ҳисобга олинган ХИЧОда қайта қуриш ёки қайта жиҳозлаш натижасида хавфлилик белгилари йўқолганда;

Реестрда ҳисобга олинган ХИЧОни ташкилот томонидан тасарруф этиши (эгалик қилиши) тугатилганда;

ХИЧОдан фойдаланувчи ташкилот тугатилганда.

31. Қуйидаги ҳолларда ваколатли орган Реестрда ҳисобга олинган ХИЧОни Реестрдан ҳисобдан чиқаришга ҳақли:

ваколатли орган томонидан Реестрдаги маълумотларни мониторинг қилиш натижалари бўйича;

ваколатли орган ҳудудий бўлинмаси томонидан Реестрга киритилган ХИЧО икки йилдан ортиқ муддатда фаолият юритмаётгани ҳақида далолатнома расмийлаштирилганда;

юқори турувчи давлат идораси (ташкилоти) томонидан Реестрга киритилган ХИЧОдан фойдаланилмаётгани (консервация қилингани) ва уни Реестрдан ҳисобдан чиқариш ҳақида мурожаат бўлганда.

32. ХИЧО Реестрдан ҳисобдан чиқарилганда ваколатли орган томонидан бир ҳафта муддатда тегишли ташкилотга ахборот тизими ёки почта алоқаси орқали ёхуд электрон шаклда ХИЧО Реестрдан ҳисобдан чиқарилгани ҳақида хабарнома юборилади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

33. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган давлат хизматини кўрсатиш жараёнида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

34. Реестрдаги умумий маълумотлар ахборот тизимида очиқ ҳисобланади.

Реестр алоҳида маълумотлар ваколатли орган томонидан манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг жисмоний ва юридик шахсларига уларнинг мурожаатлари асосида тақдим этади. Бунда Реестрдан кўчирмалар берилади ҳамда давлат сирлари ёки қонун билан ҳимояланган бошқа сирларни ва маълумотларни муҳофаза қилиш талаблари ҳисобга олинади.

Реестрдан кўчирма бериш ёки уни бермасликни асослантирилган ҳолда рад этиш мурожаат келиб тушган кундан бошлаб ўн иш куни давомида амалга оширилади.

35. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талаблари бажарилиши бўйича ваколатли органнинг фаолияти устидан давлат хизматларини кўрсатиш давомида, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ва мониторингни амалга оширади.

36. Ариза берувчи давлат хизматини кўрсатишда иштирок этувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг қарорлари, хатти-ҳаракатлари устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

37. Ушбу Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/325/0635-son
26.06.2026-y.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларини давлат реестрида ҳисобга олиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-илова

Хавфли ишлаб чиқариш объектини давлат реестрида ҳисобга олиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	Давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этади ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси (кейинги ўринларда – ваколатли орган) ахборот тизими орқали ариза беради.	Экспертиза хулосаси расмийлаштирилган санадан бошлаб **15 иш куни мобайнида**
2-босқич	1. Давлат хизматлари маркази 2. ЯИДХП ёки ваколатли орган ахборот тизими	1. Аризани тўлдириб, ваколатли органга юборади. 2. Тўлдирилган аризани автоматик тарзда ваколатли органга юборади.	1. Ариза тўлдирилгандан кейин **10 дақиқа мобайнида** 2. **Автоматик** равишда
3-босқич	Ваколатли орган	1. Аризани қабул қилади. 2. Аризанинг қайд рақами ва келиб тушган санаси кўрсатилган хабарномани ариза берувчига юборади.	**Йиғим тўланганидан сўнг автоматик** тарзда
4-босқич	Ваколатли орган	1. Аризани кўриб чиқади. 2. Ушбу Регламентда назарда тутилган ҳолларда ХИЧОни жойига чиққан ҳолда ўрганади. 3. ХИЧО тўғрисидаги маълумотларни давлат реестрига киритади.	Ариза келиб тушган санадан бошлаб **30 кун мобайнида**
5-босқич	1. Давлат хизматлари маркази 2. ЯИДХП ёки ваколатли орган ахборот тизими	QR-код (матрик штрихли код) қўйилган маълумотномани ариза берувчига тақдим этади.	**Реал вақт** режимида

QMMB: 09/26/325/0635-son
26.06.2026-y.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларини давлат реестрида ҳисобга олиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентига
2-илова

Хавфли ишлаб чиқариш объектини давлат реестрида ҳисобга олиш учун АРИЗА

1.	Хавфли ишлаб чиқариш объектининг тўлиқ номи (идентификация хулосасида кўрсатилган номига мос бўлиши керак)	
2.	Хавфли ишлаб чиқариш объектини тасарруф этиш (эгалик қилиш) ҳуқуқий шакли ва асоси	
3.	Хавфли ишлаб чиқариш объекти жойлашган манзили (тўлиқ кўрсатилади)	
4.	Хавфли ишлаб чиқариш объекти жойлашган ер участкаси кадастр рақами	
5.	Хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланиш бошланган вақти (ой ва йил кўрсатилади)	
6.	Хавфли ишлаб чиқариш объектини ташкил этувчилари (завод, фабрика, цех, участка, станция, майдонлар ва шу кабилар)	
7.	Хавфли ишлаб чиқариш объектида мавжуд хавфлилик белгилари	
8.	Хавфли ишлаб чиқариш объекти типи	
9.	ХИЧОдан фойдаланувчи ташкилот номи	
10.	ХИЧОдан фойдаланувчи ташкилотнинг СТИРи	
11.	Фойдаланувчи ташкилотнинг юридик ва почта манзиллари, реквизитлари	
12.	Юқори турувчи ташкилотининг номи	

QMMB: 09/26/325/0635-son
26.06.2026-y.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларини давлат
реестрида ҳисобга олиш бўйича давлат хизматини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
3-илова

Электрон ҳужжатнинг идентификация рақами

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ САНОАТ, РАДИАЦИЯ ВА ЯДРО ХАВФСИЗЛИГИ ҚЎМИТАСИ

ХАВФЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОБЪЕКТИНИ ДАВЛАТ РЕЕСТРИДА ҲИСОБГА ОЛИНГАНИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТНОМА

Юқори ташкилотнинг номи	
ХИЧОдан фойдаланувчи ташкилотнинг номи	
ХИЧОдан фойдаланувчи ташкилотнинг СТИРи	
ХИЧОни тасарруф этиш (эгалик қилиш) ҳуқуқий шакли	
ХИЧОнинг номи	
ХИЧОнинг жойлашган манзили	
ХИЧО жойлашган ер участкаси кадастр рақами	
ХИЧОнинг типи	
ХИЧОнинг рўйхатга олиш санаси	
ХИЧОнинг рўйхатга олиш рақами	
ХИЧОни ташкил этувчи цех, участкалар ва объектларнинг номлари	
Хавфлилик белгилари	
Хавфли моддаларнинг номи ва миқдори	

QR-код

QMMB: 09/26/325/0635-son
26.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 25 июндаги 325-сон қарорига
3-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида” 2008 йил 10 декабрдаги 271-сон қарорида:

а) 1-иловада:

18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“18. Хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган ташкилот, объектдан фойдаланишни бошлаган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмасдан идентификациялаш учун белгиланган тартибда эксперт ташкилотига мурожаат қилиши керак.

Саноат хавфсизлиги экспертизаси доирасида идентификациялаш натижалари саноат хавфсизлиги экспертизаси хулосасида келтирилади, унга хавфли ишлаб чиқариш объектининг идентификация варақаси илова қилинади”;

б) 2-иловада:

3-бандниng еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“саноат хавфсизлиги экспертизаси хулосаси (кейинги ўринларда – экспертиза хулосаси) – экспертиза объектининг саноат хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги (номувофиқлиги) тўғрисида асосли хулосаларни ёки хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш натижаларини ўз ичига олган, эксперт ташкилотлари томонидан расмийлаштириладиган ҳужжат”;

11-бандда:

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертларни аттестациядан ўтказиш ва экспертиза тизимини норматив ҳужжатлар билан таъминлаш комиссиялари таркибларини тасдиқлаш”;

ўн биринчи хатбоши чиқариб ташлансин.

в) 4-иловада:

3-бандниng ўн тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“саноат хавфсизлиги экспертизаси хулосаси (кейинги ўринларда – экспертиза хулосаси) – саноат хавфсизлиги декларациясининг белгиланган талабларга мувофиқлиги (номувофиқлиги) тўғрисида асосли хулосаларни ўз ичига олган, эксперт ташкилотлари томонидан расмийлаштириладиган ҳужжат”;

QMMB: 09/26/325/0635-son
26.06.2026-y.

қуйидаги мазмундаги 10^1-банд билан тўлдирилсин:

“10^1. Лойиҳа ҳужжатлари таркибида ишлаб чиқилган саноат хавфсизлиги декларацияси хавфли ишлаб чиқариш объекти фойдаланилиши бошланган вақтдан бошлаб олти ойдан кечиктирмасдан фаолият кўрсатаётган объект учун янгидан ишлаб чиқилиши зарур”;

12-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Хавфсизлиги декларацияланиши керак бўлган хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланувчи ташкилот, унинг фойдаланилиши бошланган вақтдан бошлаб олти ойдан кечиктирмасдан саноат хавфсизлиги декларацияси ишлаб чиқилишини таъминлаши ва уни саноат хавфсизлиги экспертизасидан ўтказиши учун белгиланган тартибда эксперт ташкилотига мурожаат қилиши керак”;

23-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“23. Саноат хавфсизлиги декларацияси хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланувчи ташкилотлар томонидан экспертиза ўтказилгандан кейин қонунчиликда белгиланган тартибда давлат ёки хизмат сирлари бўлган маълумотларни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилган ҳолда, мазкур Низомнинг 24-бандида кўрсатилган ҳажмда давлат органларига, жамоат бирлашмалари ва фуқароларга тақдим этилади”;

24-бандниng биринчи хатбошиси ва “а” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“24. Хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланувчи ташкилот раҳбари:

а) экспертиза хулосасини расмийлаштирилган кундан бошлаб бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясига (тоғ-кон тармоғи, геология ҳамда кончилик, шу жумладан, қаттиқ фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, портлатиш ишлари, портловчи материалларнинг айланмаси соҳасидаги объектлар бўйича) ҳамда декларация қилинаётган хавфли ишлаб чиқариш объекти жойлашган ҳудуддаги маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органига электрон шаклда тақдим этади”;

26-бандниng иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги 27-банд билан тўлдирилсин:

“27. Фаолият кўрсатаётган хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги декларациясини титул варақда кўрсатиладиган рўйхатдан ўтказиш тартиб рақамини олиш ва декларацияларнинг умумий ҳисобини юритиш учун хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланувчи ташкилот экспертиза хулосаси расмийлаштирилган санадан бошлаб ўн беш кун муддатда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасига “Ягона интеграциялашган экотизим” ахборот тизими (кейинги ўринларда – ахборот тизими) орқали мурожаат қилади.

Саноат хавфсизлиги декларациясининг рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланувчи ташкилотга беш иш куни муддатда ахборот тизими орқали маълум қилинади”;

2-иловада:

1.1-бандда:

“в” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“в) белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси томонидан бериладиган рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами (фақат фаолият кўрсатаётган объектлар учун кўрсатилади)”;

“д” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“д) декларацияланаётган объектнинг хавфли ишлаб чиқариш объектларини давлат реестрида рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами (фақат фаолият кўрсатаётган объектлар учун кўрсатилади)”;

2.1-бандда:

биринчи хатбошидаги “декларациянинг” сўзи “Ҳисоб-китоб-тушунтириш хатининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

“б” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси томонидан бериладиган рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами (у декларацияга берилган рўйхатдан ўтказиш тартиб рақамига мувофиқ бўлиши керак) – фақат фаолият кўрсатаётган объектлар учун кўрсатилади”;

“г” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“г) декларацияланаётган объектнинг Хавфли ишлаб чиқариш объектлари давлат реестрида рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами (фақат фаолият кўрсатаётган объектлар учун кўрсатилади)”;

г) 5-иловада:

2-банд қуйидаги мазмундаги олтинчи ва еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш бўйича саноат хавфсизлиги экспертизаси хулосаси (кейинги ўринларда – экспертиза хулосаси) – хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш натижаларини ўз ичига олган эксперт ташкилотлари томонидан расмийлаштириладиган ҳужжат;

давлат реестрида ҳисобга олингани ҳақида маълумотнома – фойдаланилаётган хавфли ишлаб чиқариш объектининг давлат реестрида ҳисобга олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат”;

12-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Суғурта тўғрисидаги аризага суғурта қилдирувчи, фойдаланиладиган хавфли ишлаб чиқариш объектининг экспертизаси хулосасини ва фойдаланиладиган хавфли ишлаб чиқариш объекти давлат реестрида ҳисобга олингани ҳақидаги маълумотномани илова қилади”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги 784-сон қарори билан тасдиқланган Саноат хавфсизлигини экспертизадан ўтказиш ва экспертиза хулосасини бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-бандниng бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“саноат хавфсизлиги экспертизаси хулосаси (кейинги ўринларда – экспертиза хулосаси) – экспертиза объектининг саноат хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги (номувофиқлиги) тўғрисида асосли хулосаларни ёки хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш натижаларини ўз ичига олган, эксперт ташкилотлари томонидан расмийлаштириладиган ҳужжат”;

б) қуйидаги мазмундаги 3^1-банд билан тўлдирилсин:

“3^1. Хавфли ишлаб чиқариш объектини қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш, техник қайта жиҳозлаш, консервациялаш ва тугатишга доир лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда технологик лойиҳа ечимларига асосий эътибор қаратилади ҳамда уларнинг саноат хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги баҳоланади”;

в) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Фойдаланилиши бошланган хавфли ишлаб чиқариш объектлари экспертиза доирасида идентификацияланади”;

г) 24-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“24. Эксперт гуруҳи экспертиза объектининг ҳақиқий ҳолати ва унга қўйиладиган саноат хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини баҳолайди, экспертиза объектига тааллуқли ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини аниқлайди.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги техник қурилмалар, бинолар ва иншоотларни экспертизадан ўтказишда экспертлар жойига чиққан ҳолда баҳолайди.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларини экспертиза доирасида идентификациялашда объектни жойига чиққан ҳолда объектнинг тақдим этилган ҳужжатларга мувофиқлигини баҳолайди, буюртмачи фойдаланаётган хавфли ишлаб чиқариш объектларининг хавфлилик белгилари ва типларини аниқлайди.

Эксперт ташкилотида жойига чиққан ҳолда баҳолаш ўтказилганини тасдиқловчи ҳужжатлар ва маълумотлар (хизмат сафари гувоҳномаси, фотосуратлар, видеолар ва бошқалар) бўлиши керак”;

д) 25-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Текшириш ҳамда техник диагностикадан ўтказиш ишлари эксперт ташкилоти томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган дастурга мувофиқ ўтказилади”;

ж) 27-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“27. Эксперт ташкилоти хавфли ишлаб чиқариш объектидаги техник қурилмалар, бинолар ва иншоотларни текшириш ва техник диагностикадан ўтказиш ишларини амалга ошириш учун зарур асбоб-ускуналари ҳамда рухсат берувчи хусусиятга эга ҳужжатлари мавжуд бошқа ташкилотларни ҳам жалб қилишга ҳақли.

Текшириш ва техник диагностикадан ўтказишда путур етказмайдиган назорат ишлари белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилган, путур етказмайдиган назорат лабораториялари томонидан эксперт ташкилоти белгилайдиган дастурга мувофиқ амалга оширилади.

Текшириш ва техник диагностика натижаларида тегишли назорат тадбирлари, шунингдек, путур етказмайдиган назорат ишлари ўтказилганини тасдиқловчи фотосуратлар бўлиши керак.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги техник қурилмалар, бинолар ва иншоотларни текшириш ҳамда техник диагностикадан ўтказиш ишларининг сифати ҳамда ишончлилиги учун ушбу ишларни амалга оширган ташкилот жавоб беради”;

з) 32-банд қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“текшириш ва техник диагностика натижаларида тегишли назорат тадбирлари, шунингдек, путур етказмайдиган назорат ишлари ўтказилганини тасдиқловчи фотосуратлар бўлмаса”;

олтинчи – еттинчи хатбошилар тегишлича еттинчи – саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

и) 39-банд “ҳақидаги хулосаларни” сўзларидан кейин “ёхуд хавфли ишлаб чиқариш объектларининг идентификациялаш натижаларини” сўзлари билан тўлдирилсин;

к) 41-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“41. Экспертиза объектлари бўйича экспертиза хулосасига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

саноат хавфсизлигини экспертизадан ўтказишда аниқланган номувофиқлик ва камчиликлар протоколи ва протоколда қайд этилган номувофиқлик ҳамда камчиликларни бартараф этишга доир ўтказилган тадбирлар ҳақида маълумотлар (агар улар расмийлаштирилса);

экспертизани ўтказишда фойдаланилган қонунчилик ҳужжатлари ва норматив техник ҳужжатлар рўйхати”;

QMMB: 09/26/325/0635-son
26.06.2026-y.

л) қуйидаги мазмундаги 41^1–41^3-бандлар билан тўлдирилсин:

“41^1. Техник қурилма, бино ва иншоотлар бўйича экспертиза хулосасига, ушбу Низомнинг 41-бандида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда ўтказилган текширувлар ва техник диагностика натижалари ҳамда жойига чиққан ҳолда баҳолашни ўтказган эксперт кўринган ҳолатдаги экспертиза объектининг умумий кўринишидаги фотосуратлари (2–3 дона) илова қилинади.

41^2. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш бўйича саноат хавфсизлиги экспертизаси хулосасига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

идентификацияланадиган ҳар бир объект учун Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги 271-сон қарори билан тасдиқланган Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ расмийлаштирилган хавфли ишлаб чиқариш объектларининг идентификация варағи;

жойига бориб баҳолашни ўтказган эксперт кўринган ҳолатдаги ҳар бир хавфли ишлаб чиқариш объектининг умумий кўринишидаги фотосуратлари (2–3 дона);

ушбу Низомга 9-иловага* мувофиқ шаклда хавфли ишлаб чиқариш объектларининг умумлаштирилган варағи.

41^3. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш бўйича саноат хавфсизлиги экспертизаси хулосасини расмийлаштиришда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги 271-сон қарори билан тасдиқланган Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш тартиби тўғрисидаги низом талаблари қўшимча равишда ҳисобга олинади”;

м) 4-боб қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**4-боб. Экспертиза хулосасини ҳисобга олиш ва буюртмачига бериш.**

42. Эксперт ташкилоти расмийлаштирилган экспертиза хулосасини ваколатли органга икки кун муддат ичида ҳисобга олиши учун электрон шаклда юборади.

Экспертиза хулосаси ваколатли органнинг “Ягона интеграциялашган экотизим” ахборот тизимида автоматик ҳисобга олинади.

43. Экспертиза хулосасининг асл нусхаси буюртмачига экспертизани ўтказиш учун шартнома шартлари бажарилгандан кейин берилади.

44. Экспертиза хулосасининг нусхаси экспертизани ўтказган эксперт ташкилотида сақланади”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 ноябрдаги 612-сон қарори билан тасдиқланган Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг ягона маъмурий регламентида:

а) 1-бандниng учинчи хатбошисидаги “53” рақами “54” рақами билан алмаштирилсин;

QMMB: 09/26/325/0635-son
26.06.2026-y.

б) қуйидаги мазмундаги 54-илова билан тўлдирилсин:

“Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
54-ИЛОВА

**Саноат хавфсизлиги декларацияси
ҳисобга олингани ҳақида маълумотнома бериш
ПАСПОРТИ**

1.	**Давлат хизмати номи**	Саноат хавфсизлиги декларацияси ҳисобга олингани ҳақида маълумотнома
2.	**Давлат хизматидан фойдаланувчилар тоифаси**	Юридик шахслар
3.	**Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли орган(лар)**	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси
4.	**Давлат хизматидан фойдаланиш учун талаб этиладиган маълумотлар**	хавфли ишлаб чиқариш объектининг тўлиқ номи; хавфли ишлаб чиқариш объекти жойлашган манзил (тўлиқ кўрсатилади); саноат хавфсизлиги декларация ишлаб чиқилган хавфли ишлаб чиқариш объектининг давлат реестридаги ҳисобга олиш рақами; фойдаланувчи ташкилотнинг тўлиқ номи; хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланувчи ташкилотнинг СТИРи; фойдаланувчи ташкилотнинг юридик ва почта манзиллари, телефон рақами
5.	**Давлат хизматини кўрсатганлик учун ундириладиган йиғим миқдори**	Бепул
6.	**Давлат хизматини кўрсатиш муддати**	3 иш куни
7.	**Изоҳ**	–

”.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 30 ноябрдаги 635-сон қарори билан тасдиқланган Айрим турдаги малака сертификатини бериш учун давлат хизматларини кўрсатишнинг ягона маъмурий регламентига 4-илованинг 9-позицияси учинчи устунида:

а) ўн учинчи хатбошидаги “биринчи тоифали” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) ўн тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Тест саволлари хавфли ишлаб чиқариш объектини идентификациялаш ва декларациялаш, саноат хавфсизлиги экспертизаси бўйича ишларни бажариш, шунингдек, аттестациядан ўтмоқчи бўлган аттестация соҳаси (ёки экспертиза объектлари) мутахассислигига мувофиқ тузиладиган камида 50 та саволдан иборат бўлади ҳамда умумий тест ўтказиш вақтининг давомийлиги 50 дақиқани ташкил этади”;

в) қуйидаги мазмундаги ўн еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Аттестация босқичларининг биридан ўта олмаган талабгорларга ушбу босқични қайта топшириш имконияти берилади”.

QMMB: 09/26/325/0635-son
26.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 25 июндаги 325-сон қарорига
4-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 19 майдаги 291-сон қарорининг 1-банди иккинчи хатбошиси ва 1-илова.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-682-сон Қонуни)” 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илова 835-бандининг “а” кичик банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2021 йил 27 декабрдаги 774-сон қарорига 1-илованинг 70-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2025 йил 2 майдаги 289-сон қарорига 1-илова 22-бандининг “а” кичик банди.

QMMB: 09/26/326/0639-son
26.06.2026-y.

25 (1253)-son
621-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 25 » iyun № 326 Toshkent sh.

Енгил алангаланувчи ва портловчи кимёвий моддалар билан муомала қилиш хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида енгил алангаланувчи ва портловчи кимёвий моддалардан фойдаланишда саноат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Енгил алангаланувчи суюқликлар, сиқилган ва суюлтирилган газлар, заҳарли, оксидловчи ҳамда портловчи моддалардан фойдаланишда технологик жараёнлар хавфсизлигига қўйиладиган талабларни назарда тутувчи **Енгил алангаланувчи ва портловчи кимёвий моддалар билан муомала қилиш хавфсизлиги қоидалари** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб **уч ой ўтгач** амалга киритилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси раиси А.В. Рафиқов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/326/0639-son
26.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 25 июндаги 326-сон қарорига
илова

Енгил алангаланувчи ва портловчи кимёвий моддалар билан муомала қилиш хавфсизлиги ҚОИДАЛАРИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоидалар енгил алангаланувчи ва портловчи кимёвий моддалар билан муомала қилишда саноат хавфсизлигига оид умумий талабларни белгилайди. Мазкур моддалар ташиш, сақлаш ва бошқа соҳалардаги махсус талаблар тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

2. Ушбу Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

анорганик ишқор – массанинг 20 фоиз ва ундан юқори концентрациясидаги литий гидроксиди (LiOH), натрий гидроксиди (NaOH), калий гидроксиди (KOH) эритмалари ҳамда кристалл кўринишдаги ҳолати;

анорганик кучли кислота – хомашё, реагентлар сифатида ишлатиладиган, массанинг 15 фоиз ва ундан юқори концентрациясидаги кислородли сульфат кислота (H_2SO_4), азот кислота (HNO_3), хлор кислота ($HClO_4$) ва кислородсиз хлорид кислота (HCl), азот-водородли кислота (HN_3), плавик кислота (HF) ва бошқа кислоталар;

енгил алангаланиш ва портлаш хавфи мавжуд бўлган модда – ёнувчан суюқликлар, сиқилган ва суюлтирилган газлар, заҳарли, оксидловчи ҳамда портловчи хусусиятга эга моддаларни ўз ичига олган, муҳитдаги ҳарорат ва босим шароитида алангаланиш, ёниш ёки портлаш хавфини келтириб чиқариши мумкин бўлган кимёвий бирикмалар, уларнинг аралашмалари;

заҳарли модда – табиий ҳолатда мавжуд бўлган ёки ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёни натижасида ҳосил бўлган, ёниш, портлаш, одамлар ҳаётига ва соғлиғига, ҳайвонот олами ҳамда атроф-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган кимёвий моддалар (ёки уларнинг бирикмалари), маҳсулотлар, буюмлар ва чиқиндилар, шу жумладан, барқарорликни таъминлаш учун зарур бўлган қўшимчалар ҳамда кимёвий моддаларни олиш жараёнида юзага келадиган аралашмалар, кимёвий модданинг барқарорлигини бузмасдан ёки унинг таркибини ўзгартирмасдан ажратилиши мумкин бўлган эритувчи моддалар бундан мустасно.

Заҳарли кимёвий моддалар таркибига унинг концентрацияси 80 фоиздан ортиқ бўлган кимёвий моддалар қолган 20 фоиз (оғирлик бўйича) ёки ундан кам ҳисобланган аралашмалар ва (ёки) қўшимчалар киради;

оксидловчи модда – ёнишни кучайтирувчи, экзотермик оксидланиш-қайтарилиш реакцияси натижасида бошқа моддаларнинг алангаланишига сабаб бўладиган ёки бу жараённи осонлаштирадиган кимёвий моддалар;

органик пероксид – суюқ ёки қаттиқ ҳолатда бўлган, икки валентли тузилишга эга бўлган ва бир ёки иккала водород атоми органик радикаллар билан алмаштириладиган водород пероксид ҳосиласи сифатида кўриб чиқилиши мумкин бўлган органик моддалар (органик пероксид ва уларнинг аралашмалари термал барқарор эмас, бу уларнинг ўзидан ўзи тезлашадиган экзотермик парчаланишига олиб келиши мумкин);

пероксид – таркибида ўзаро боғланган икки кислород атомидан иборат гуруҳи бўлган мураккаб моддалар. Водород пероксид – H_2O_2 формулали анорганик кимёвий бирикма, кучли оксидловчи, рангсиз, енгил сирпанувчан ва металлсимон таъмли суюқлик. Натрий пероксид – Na_2O_2 формулали анорганик кимёвий бирикма, кучли оксидловчи, оч сариқ рангли, сув билан шиддатли реакцияга киришадиган ниҳоятда гигроскопик кристалл модда;

портловчи модда – ўзидан ўзи тегишли ҳарорат ва босимда ҳамда атрофдаги объектларга зарар етказадиган тезликда газлар ажралиб чиқиши билан кимёвий реакцияга киришишга қодир бўлган қаттиқ ёки суюқ кимёвий модда;

хавфсизлик паспорти – кимёвий маҳсулотларнинг хавфли хусусиятлари, уларни ишлаб чиқарувчи (ёки ишлаб чиқарувчи томонидан ваколат берилган шахс) ва импорт қилувчи тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, маҳсулотдан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш учун зарур бўлган профилактика чоралари ҳамда хавфсизлик талабларини ўз ичига олган белгиланган шаклдаги кимёвий хавфсизлик ҳужжати;

хавфли ишлаб чиқариш объекти – Ўзбекистон Республикасининг “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунида белгиланган корхоналар ёки уларнинг цех, участка ва майдончалари, шунингдек, бошқа ишлаб чиқариш объектлари;

хавфга асосланган назорат (Risk Based Inspection) – ускуналарнинг ишдан чиқиш эҳтимоллиги (сизиб чиқиш, бузилиш) ва унинг одамлар ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга, мулкка таъсир этиши мумкин бўлган оқибатларини ҳисобга олган ҳолда техник ташхислаш (диагностика) ва назорат тадбирларини режалаштириш, уларнинг устуворлик даражасини белгилаш ҳамда амалга ошириш жараёни бўлиб, халқаро стандартлар талабларига мувофиқ амалга оширилади;

Ex-компоненти – портлаш хавфли бўлган муҳитда асбоб-ускуналарнинг хавфсиз ишлаши учун зарур бўлган, асбоб-ускуналарга ўрнатиладиган, портлашдан ҳимояланиб ясалган, лекин мустақил фойдаланиш учун мўлжалланмаган техник қурилмалар.

3. Ушбу Қоидаларнинг талаблари синил кислота ишлаб чиқариладиган корхоналар ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги лабораторияларга татбиқ этилмайди.

4. Корхона ва ташкилотларда енгил алангаланувчи ва портловчи кимёвий моддалар билан муомала қилиш, тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда умумий ва шахсий ҳимоя воситаларини танлаш ушбу Қоидалар талабларига мувофиқ амалга оширилади. Заҳарлилик кўрсаткичлари ва шахсий ҳимоя воситаларига оид талаблар амалдаги санитария нормалари ҳамда соҳавий норматив ҳужжатлар асосида белгиланади. Ушбу Қоидаларнинг талаблари енгил алангаланувчи ва портловчи кимёвий моддаларнинг барча турларига нисбатан қўлланади.

5. Ушбу Қоидаларнинг талаблари жорий этиладиган корхона ва ташкилотда қуйидагилар мавжуд бўлиши керак:

ёниш ва портлаш хавфи бўлган янги технологик жараёнлар ва асбоб-ускуналарни монтаж қилиш, таъмирлаш ва ишга тушириш, шунингдек, хавфли ишлаб чиқариш объектларида қўлланадиган техник қурилмалардан фойдаланиш учун рухсатнома;

енгил алангаланиш ва портлаш хавфи мавжуд бўлган моддаларни ташиш ва сақлаш учун сиғимларнинг техник жиҳатдан яроқлиги тўғрисида хулоса;

хавфли ишлаб чиқариш объектларида янги технологик жараён ва техник қурилмаларни эксплуатация қилиш учун рухсатнома, шу жумладан, хорижда ишлаб чиқарилганлари учун ҳам;

хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланишда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф–муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарликни суғурталаш тўғрисида шартнома;

хавфли ишлаб чиқариш объектларининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказилгани тўғрисида ҳужжатлар;

хавфли ишлаб чиқариш объектларини қуриш, кенгайтириш, реконструкция қилиш, техник қайта жиҳозлаш, консервация қилиш ва тугатиш учун лойиҳа ҳужжатлари;

хавфли ишлаб чиқариш объектларида ишларни хавфсиз бажариш қоидаларини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар;

сиғимлар, технологик ускуналар, қувур ўтказгичлар, арматуралар, сақловчи қурилмалар, назорат ва бошқарув тизими асбоблари, бино ва иншоотларнинг паспортлари ҳамда бошқа фойдаланиш ҳужжатлари;

хавфли ишлаб чиқариш объектларининг қурилишида, кенгайтирилишида, реконструкция қилинишида, техник қайта жиҳозланишида давлат экологик экспертизаси хулосаси;

камида бир нафар эколог мутахассис мавжуд бўлиши.

6. Муайян хавфли ишлаб чиқариш объекти учун саноат хавфсизлиги декларацияси “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

7. Корхона ва ташкилотларнинг ҳар бир объектида объектнинг технологик ва бошқа ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда авария вазиятлари тарқалишини чеклаш ва бартараф этиш режалари (кейинги ўринларда – АВТЧБЭР) ишлаб чиқилади ҳамда камида беш йилда бир марта қайта кўриб чиқилади ва амалдаги режа тугашидан бир ой олдин тасдиқланади.

8. Технологик схема, жиҳозлар, автоматик назорат ва ҳимоя тизимларига ўзгартиришлар саноат хавфсизлиги экспертизасининг ижобий хулосасига мувофиқ лойиҳани ишлаб чиққан ташкилот билан келишилгандан сўнг киритилади. Бунда ўзгартиришлар тизимнинг ишлаши ва хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатмаслиги лозим.

9. Енгил аланғаланиш ва портлаш хавфи мавжуд бўлган моддалардан фойдаланадиган янги қурилаётган ишлаб чиқариш объектлари турар жой ҳудудига таъсири, ҳудуднинг сейсмиклиги ҳамда бошқа табиий ва техноген омилларни ҳисобга олган ҳолда қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига мувофиқ жойлаштирилиши керак.

10. Корхона ва ташкилотнинг ишлаб чиқариш бинолари да қуйидагилар кўзда тутилган бўлиши керак:

а) бошқарув шъитлари олдида ишчи ходимлар томонидан хизмат кўрсатиш кенглиги камида 2,0 m бўлган майдончалар (доимий иш ўринлари бўлганда);

б) техник ва технологик қурилмаларга ишчи ходимлар томонидан доимий хизмат кўрсатиладиган жойларда кенглиги камида 1,0 m бўлган майдончалар ва вақти-вақти билан хизмат кўрсатиладиган жойларда кенглиги камида 0,8 m бўлган майдончалар;

в) монтаж ва демонтаж қилинадиган ускуналарни, монтаж ва таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур мосламаларни, асбоблар ва ёрдамчи материалларни жойлаштириш учун сирпанмас ва кислота-ишқорга чидамли қопламаларни таъмирлаш (монтаж қилиш) майдончалари. Бунда ишчи ўтиш йўллари ва майдончаларнинг ўлчамларини қисқартиришга, шунингдек, асосий ҳамда захира чиқиш жойларини тўсиб қўйишга йўл қўйилмайди.

11. Иш ўринлари умумий саноат хавфсизлиги талаблари, ёнғин хавфсизлиги қоидалари ҳамда ушбу Қоидаларда белгиланган талабларга жавоб бериши керак.

2-боб. Технологик жараёнлар хавфсизлигига қўйиладиган умумий талаблар

12. Енгил аланғаланиш ва портлаш хавфи мавжуд бўлган моддалар ишлатиладиган технологик жараёнлар фойдаланувчи корхона томонидан тасдиқланган технологик регламентларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

Технологик регламент ҳар бир жараённинг тартиби, хавфсизлик кўрсаткичи (ишчи ҳарорат, босим, модда сарфи) ва назорат механизмларини қамраб олган ҳолда тузилган бўлиши лозим.

13. Енгил аланғаланиш ва портлаш хавфи мавжуд бўлган моддалар (пероксидлар, кислоталар) қўлланадиган технологик жараёнларда ишлатиладиган барча техник қурилма, коммуникация ва идишлар герметик (ташқи муҳит билан таъсирга киришмайдиган) бўлиши шарт.

Агар тўлиқ герметиклаш имконияти бўлмаса, енгил аланғаланиш ва портлаш хавфи мавжуд бўлган моддалар ажралиб чиқиши мумкин бўлган нуқталар муҳитни назорат-мониторинг воситалари (газ детектор, сенсорлар) ва маҳаллий сўриш қурилмалари билан жиҳозланиши лозим.

Герметиклик фойдаланувчи корхона томонидан доимий техник назорат ва профилактик кўрикдан ўтказилиши керак.

Герметиклик бузилиши аниқланган ҳолларда технологик жараён тўхтатилиши ва носозлик белгиланган тартибда бартараф этилиши шарт.

14. Мавжуд ёки жорий этилаётган (тажрибавий) техник қурилмаларда тажриба ишларини бажариш билан боғлиқ янги технологик жараёнлар техник жиҳатдан асосланган ва хавфсизлик чоралари кўрилган ҳолларда жорий этилади. Бундай ишлар фойдаланувчи корхона томонидан тасдиқланган вақтинча технологик йўриқнома асосида амалга оширилади.

Енгил аланғаланиш ва портлаш хавфи мавжуд бўлган моддалар ишлатиладиган ишлаб чиқариш биноларида бундай тажриба ишлари қўшимча равишда лойиҳа ташкилоти хулосаси асосида амалга оширилиши лозим.

15. Енгил аланғаланиш ва портлаш хавфи мавжуд бўлган моддалар ишлатиладиган объектларда қўлланиладиган технологик ускуналар, қувур ўтказгичлар ва арматуралар учун хизмат муддати модданинг кимёвий фаоллиги, ҳарорати, босими, коррозия даражаси ва парчаланиш реакцияларининг хавфи асосида аниқланиши лозим.

Хизмат муддати тўғрисидаги маълумотлар фойдаланиш ҳужжатларида ва технологик ускуналар, қувур ўтказгичлар ва арматуралар паспортларида аниқ кўрсатилиши керак.

Муддати ўтган технологик ускуналар, қувур ўтказгичлар ва арматуралар қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларининг хавфга асосланган назорат усуллари ва саноат хавфсизлиги экспертизасининг ижобий хулосасига мувофиқ фойдаланувчи корхона томонидан ишлатилишига рухсат этилади.

16. Технологик ускуналар, қувур ўтказгичлар ва арматураларнинг ҳар бир тури учун фойдаланиш ҳужжатлари (паспорт, эксплуатация қўлланмаси, техник йўриқнома) тўплами расмийлаштирилади. Фойдаланиш ҳужжатларида енгил аланғаланиш ва портлаш хавфи мавжуд бўлган моддаларнинг хавфлилиги ҳамда улар билан ишлаш бўйича махсус талаблар кўрсатилиши шарт.

17. Енгил алангаланиш ва портлаш хавфи мавжуд бўлган моддаларни транспортировка қилиш учун мўлжалланган қувур ўтказгичларни (металл ёки нометалл) ишлаб чиқариш, ўрнатиш ва фойдаланиш жараёнлари қурилиш меъёрлари ҳамда технологик регламентларга мос бўлиши лозим.

18. Фойдаланиш шароитларида йўл қўйиладиган лойиҳа кўрсаткичларидан ортиқ босим юзага келиши мумкин бўлган енгил алангаланиш ва портлаш хавфи мавжуд моддалар учун мўлжалланган технологик ускуналар ҳамда қувур ўтказгичлар босимнинг йўл қўйиладиган кўрсаткичидан ортиб кетишини ҳимоя қиладиган сақловчи қурилмалар билан жиҳозланиши керак.

Ушбу технологик ускуна ва қувур ўтказгичлар модданинг экзотермик реакция хусусиятини ва парчаланиш хавфини ҳисобга олган ҳолда танланиши лозим.

19. Босимнинг ошиб кетишидан сақловчи қурилмалар кимёвий таъсирларга чидамли материаллардан тайёрланган бўлиши керак.

20. Сақловчи қурилмаларнинг ўтказувчанлик имконияти лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши лозим.

Бунда енгил алангаланиш ва портлаш хавфи мавжуд бўлган модданинг активлиги ва ажралиб чиқадиган газ миқдори инобатга олинади.

21. Босим кўтарилганда ёки авария ҳолатида сақловчи қурилма орқали чиқадиган енгил алангаланиш ва портлаш хавфи мавжуд бўлган моддалар инсон соғлиғи ва атроф–муҳит учун хавф туғдирмаслиги керак.

Пероксидлар учун бу жараён инерт газ ёрдамида амалга оширилади.

22. Енгил алангаланиш ва портлаш хавфи мавжуд бўлган моддаларни сақлаш учун мўлжалланган идишлар ва сиғимларни бўшатиш усуллари (қуйиш, насос ёрдамида сўриш) ҳамда қуйиш тизимларининг конструкцияси тузилиши технологик хавфсизлик, модданинг реакция хусусиятлари ва утилизациясини ҳисобга олган ҳолда лойиҳа ташкилоти томонидан белгиланади.

Бунда енгил алангаланиш ва портлаш хавфи мавжуд бўлган моддаларнинг сачраши ва тўкилишининг олдини оладиган герметик конструкция назарда тутилган, чиқинди моддаларни йиғиш ёки зарарсизлантириш тизимлари билан боғланган, шунингдек, пероксидлар билан ишлашда инерт муҳитни таъминлаш воситалари мавжуд бўлиши шарт.

23. Енгил алангаланиш ва портлаш хавфи мавжуд моддалар учун мўлжалланган технологик ускуна ва қувур ўтказгичлар ишчи муҳитга нисбатан коррозияга чидамли материаллардан тайёрланиши лозим.

Қувур ўтказгичлар чоксиз (пайвандлаб уланмаган) углеродли пўлат қувурлардан тайёрланади. Бунда гардишли (фланец) бирикмалар энг кам миқдорда бўлишига йўл қўйилади.

Арматура ўрнатиладиган ёки қувур ўтказгичлар ускунага уланадиган жойларда, шунингдек, фойдаланиш шароитларига кўра қувур ўтказгичларни тозалаш ва таъмирлаш учун қисмларга ажратиш талаб этиладиган участкаларда гардишли бирикмаларни қўллашга йўл қўйилади.

24. Эстакадаларда енгил алангаланиш ва портлаш хавфи мавжуд бўлган моддаларни ташиш учун мўлжалланган қувур ўтказгичлар қуйидаги ҳолатларда механик шикастланишлардан ҳимояланган бўлиши шарт:

юқоридан оғир буюмлар тушишига қарши: қувур ўтказгич устидан юк кўтарувчи механизмлар ёки осон тушиши мумкин бўлган буюмларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди;

транспорт воситаларининг зарбасидан ҳимоя: қувур ўтказгичлар автотранспорт воситалари ҳаракатланадиган йўллардан амалдаги шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидаларида белгиланган масофаларда жойлаштирилиши ёки махсус тўсиқлар орқали ажратилиши лозим;

қувурлар бир неча қаватда (устма-уст) ўтказилганда: ёнувчан моддаларни ташувчи қувурлар энг пастки қаватда (даражада) жойлаштирилиши лозим.

25. Корхона ҳудудидан ташқарида жойлашган цехлараро қувур ўтказгичларнинг ҳар икки томонида кенглиги камида 2 m бўлган муҳофаза зоналари бўлиши шарт.

26. Енгил алангаланиш ва портлаш хавфи мавжуд бўлган моддалар қувур ўтказгичларининг гардишли (фланец) бирикмаларида ҳимоя қопламалари бўлиши керак.

27. Енгил алангаланиш ва портлаш хавфи мавжуд бўлган моддалар қувурўтказгичларида меъёрий-техник ҳужжатлар талабларига мувофиқ герметик беркитиш арматураси қўлланилиши керак.

Арматура материаллари ишчи муҳитнинг кимёвий фаоллигига, ҳарорат ва босим кўрсаткичларига нисбатан барқарор, коррозияга чидамли ҳамда синовдан ўтган бўлиши лозим.

28. Беркитиш арматураси уларга хизмат кўрсатиш учун қулай, очиқ ва хавфсиз жойларда ўрнатилиши керак.

29. Енгил алангаланиш ва портлаш хавфи мавжуд бўлган моддалар ташиладиган қувур ўтказгичларга бошқа турдаги қувурлар (иссиқлик қувурларидан ташқари) маҳкамланмаслиги керак. Ҳар қандай қўшимча қувур ёки муҳандислик коммуникацияси мустақил, механик жиҳатдан ажратилган ҳолда ўтказилиши шарт.

30. Енгил алангаланиш ва портлаш хавфи мавжуд бўлган моддалар қувур ўтказгичлар орқали ташиш жараёнида уларнинг қотиб (кристалланиб) қолишининг олдини олиш зарур. Бунда пероксидлар учун иссиқлик изоляциясининг максимал ҳарорати ишлаб чиқарувчи тавсияси асосида 20–25°C дан ошмаслиги лозим.

31. Енгил алангаланиш ва портлаш хавфи мавжуд бўлган моддалар ташиладиган қувур ўтказгичлар технологик идишлар ёки махсус йиғиш сиғимларига улардаги суюқликни тўлиқ бўшатиш имконини берадиган нишаблик билан лойиҳаланиши ўрнатилиши лозим.

32. Енгил алангаланиш ва портлаш хавфи мавжуд бўлган моддалар ташиладиган қувур ўтказгичлари лойиҳалаштирилганда, уларни ювиш, буғ билан тозалаш, вакуумлаш ёки сиқилган (қуритилган) ҳаво ёки азот билан тозалаш имконияти мажбурий тарзда кўзда тутилади.

33. Технологик ускуна ва қувурўтказгичларни жойлаштиришда уларга хизмат кўрсатиш, уларни таъмирлаш ва алмаштириш бўйича бажариладиган ишлар қулайлиги ва хавфсизлиги таъминланиши керак.

34. Қувур ўтказгичларда огоҳлантирувчи белгилар бўлиши керак. Пероксид, кислота ва ишқорлар учун – сариқ (оксидловчи), қизил (занглатувчи) ва кўк (ишқор муҳитлар) белгилар мос равишда қўлланади.

35. Енгил алангаланиш ва портлаш хавфи мавжуд бўлган моддалар ташиладиган қувур ўтказгичлари норматив техник ҳужжатлар талабларига мувофиқ мустаҳкамлик ва герметикликка босим остида синовдан ўтказилиши керак. Синов тури модда хусусиятига қараб белгиланади.

36. Енгил алангаланиш ва портлаш хавфи мавжуд бўлган моддалар учун мўлжалланган қувур ўтказгичлар ва арматуралар фойдаланишга топширишдан олдин унинг герметиклиги норматив техник ҳужжатлар талабларига мувофиқ текширилиши керак.

37. Енгил алангаланиш ва портлаш хавфи мавжуд бўлган моддалар ишлатиладиган ишлаб чиқариш объектларидаги ҳаракатланувчи қисмга эга техник қурилмалар хавфсиз ишлашини таъминлаш мақсадида тўсилган бўлиши шарт.

Функционал вазифасига кўра тўсиш техник жиҳатдан имконияти бўлмаган қисмлар, шунингдек, 2,5 m дан юқори баландликда жойлашган, хавф туғдирмайдиган ҳаракатланувчи қисмлар тўсилмаслигига йўл қўйилади.

Тўсиқлар конструктив жиҳатдан:

ўрнатишга ва хизмат кўрсатишга қулай;

кимёвий таъсирларга бардошли материалдан тайёрланган бўлиши керак.

38. Тўсиқлари носоз ёки ечиб олинган бўлса, бундай техник қурилмалар ишлатилиши тақиқланади.

39. Техник қурилмаларнинг ҳаракатланувчи қисмлари тўсиғи турғун бўлиши керак. Агар техник ёки технологик сабабларга кўра турғун тўсиқни ўрнатиш имкони бўлмаса, ечиладиган ҳимоя ва тўсиқ конструкцияларидан фойдаланишга рухсат этилади.

40. Ишлаб чиқариш бино ва иншоотларида ҳамда техник қурилмаларда қўлланадиган майдончалар, зиналар ва уларнинг тўсиқларини ўрнатиш қурилиш меъёрлари ҳамда қоидалари талабларига мувофиқ бўлиши керак.

41. Ер сатҳидан 2 m ва ундан юқори баландликда жойлашган техник қурилмалар ва қувур ўтказгич арматураларига хизмат кўрсатиш учун доимий майдончалар ҳамда уларга чиқиш зиналари назарда тутилган бўлиши керак.

42. Хавфли участкаларда ишловчи ходимлар Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 21 январдаги 26-сон қарори билан тасдиқланган Хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланувчи ташкилотларнинг раҳбар ва муҳандис-техник ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ даврий аттестациядан ўтказилади.

3-боб. Енгил алангаланувчи суюқликлар

43. Енгил алангаланувчи суюқликлардан фойдаланадиган хавфли ишлаб чиқариш объектлари (қуйиш, аралаштириш, қувур орқали ташиш) герметик ёпиқ тизимлар ва масофадан бошқариладиган ускуналар билан жиҳозланиши шарт.

Барча технологик қурилмалар, насослар ва арматуралар портлашдан ҳимояланган ҳамда ерга уланган бўлиши лозим.

Буғ чиқиши мумкин бўлган жойларда ер (қоплама) сатҳида ҳавони мажбурий равишда чиқарувчи шамоллатиш тизимлари ўрнатилиши керак.

Агар технологик жараёнда енгил алангаланувчи суюқликларнинг ҳарорати унинг ёниш ҳароратидан юқори бўлса, ҳаводаги буғ концентрацияси назорат қилинади ва бинода соатига камида 4–6 марта тоза ҳаво айланишини таъминлайдиган доимий шамоллатиш тизими ишлатилиши шарт.

44. Кўрсаткичлар меъёрдан четга чиққан ҳолларда (қизиб кетиш, босимнинг ошиши ёки шамоллатиш тизими ишдан чиққанида) енгил алангаланувчи суюқликларнинг келишини тўхтатадиган автоматик блокировка тизимлари жорий этилиши лозим ва атоматик ёнғин ўчириш қурилмаси билан интеграция қилинади.

Ускуналарда портлаш ёки қизиб кетиш ҳолатларида шикастланишни олдини олиш мақсадида сақловчи қурилмалар ва мембраналар ўрнатилади.

Ҳажми 0,5 литрдан ортиқ бўлган барча технологик қурилмалар нафас олиш клапани, шамоллатиш қувурлари ва олов сўндиргич билан жиҳозланиши лозим.

Енгил алангаланувчи суюқликларни ташиш учун мўлжалланган қувур ўтказгичлари ёнғинга қарши тўсиқлар ҳамда оловнинг тескари зарбасининг олдини олувчи клапанлар билан жиҳозланади.

45. Енгил алангаланувчи суюқликлар тўкилиш эҳтимоли мавжуд бўлган цех қопламалари суюқлик ўтказмайдиган ҳолда тайёрланиши ҳамда ёпиқ гидравлик тўсқичлар билан жиҳозланган чуқурчалар ёки трап томонга нишабликка эга бўлиши лозим.

Енгил алангаланувчи суюқликлар тўкилиши мумкин бўлган жойларда стационар ютувчи (сорбцион) гиламчалар ёки арықчалар (лоток) ўрнатилиши лозим.

46. Енгил алангаланувчи суюқликлардан фойдаланувчи корхона технологик жараёнлардаги хавфларни мунтазам таҳлил қилиши шарт.

Таҳлилда ёниш, буғ-ҳаво аралашмасининг портлаши, ёнғин маҳсулотининг заҳарли таъсири каби эҳтимолий оқибатлар инобатга олиниши лозим.

Ускуналар учун белгиланган анъанавий путур етказмайдиган назорат усулларига муқобил тарзда хавфга асосланган назорат услубияти асосида назорат ўрнатиш ва техник кўрикдан ўтказилишига рухсат берилади.

Енгил алангаланувчи суюқликлар сақланадиган пўлат сиғимлар учун хавфга асосланган назорат дастури коррозия ва эрозия жараёнларини, коррозиядан ҳимояланганлик ҳолатини ҳисобга олиши ҳамда сиғимнинг энг кам (критик) рухсат этилган қиймати даражасига мувофиқ режали қалинликни ўлчаш ва дефектоскопия ишларини амалга оширишни назарда тутиши лозим.

47. Енгил алангаланувчи суюқликлар билан ишлашга рухсат этилган ходимлар махсус тайёргарликдан ўтказилади ва ўқув курсларида ўқитилади. Ўқув жараёнида сақлаш ва қуйиш қоидалари, суюқликлар тўкилиши ёки ёнғин содир бўлиши ҳолатидаги ҳаракатлар, бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан фойдаланиш усуллари бўйича билим ҳамда кўникмалар берилиши лозим.

48. Енгил алангаланувчи суюқликлардан фойдаланувчи ҳар бир хавфли ишлаб чиқариш объекти учун саноат хавфсизлиги декларацияси ишлаб чиқилиши шарт.

Ушбу декларацияда хавфли моддаларнинг хусусиятлари, эҳтимолий авария оқибатлари ҳамда уларнинг олдини олиш ва таъсирини камайтириш бўйича ҳимоя чоралари баён этилиши лозим.

Ҳар бир модда бўйича кимёвий маҳсулотнинг хавфсизлик паспорти мавжуд бўлиши ва у ходимлар учун очиқ бўлиши лозим.

49. Объектда енгил алангаланувчи суюқликлар билан боғлиқ авария ҳолатларига тайёргарликни таъминлаш мақсадида АВТЧБЭР ишлаб чиқилиб, тасдиқланиши лозим. Ушбу режада қуйидаги эҳтимолий сценарийлар инобатга олинади: катта ҳажмдаги суюқлик тўкилиши билан келиб чиқадиган ёнғин, ёпиқ ҳажмда буғ портлаши, омборда катта ёнғин чиқиши ва бошқалар.

Ҳар бир сценарий бўйича ходимлар ҳамда авария хизматларининг ҳаракат тартиби белгиланади.

Режа тегишли Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳудудий бошқармаси ҳамда Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасининг ҳудудий бошқарма ёки бўлимлари билан келишилиши шарт.

Содир бўлиши мумкин бўлган АВТЧБЭР бўйича ходимлар Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 декабрдаги 819-сон қарори билан тасдиқланган Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига риоя қилган ҳолда ўқитилади, сизиб чиқиш ва ёнғин ҳолатларини имитация қилган ҳолда ёнғин хавфсизлиги хизматларини жалб этиб ўтказиладиган амалий машқларда қатнашади.

50. Енгил аланғаланувчи суюқликлар сақланадиган бинолар автоматик ёнғин хабар бериш (сигнализация) тизими (аланга, иссиқлик ва тутун хабарлагичлари) ҳамда газ назорати тизими (енгил аланғаланувчи суюқлик буғларини аниқловчи детекторлар, буғ тўпланиши мумкин бўлган жойларда) билан жиҳозланиши лозим.

Хабар бериш тизими (сигнализация) ишга тушганида ходимлар овозли ва ёруғлик огоҳлантириш сигналларини қабул қилиб, инструкцияда белгиланган ҳаракатлар тартибига мувофиқ иш кўришлари: бунда иш жараёнини тўхтатиш, электр таъминотини ўчириш, бошланғич ёнғинни ўчиришга ёки эвакуацияга киришиш лозим.

Автоматик хабар бериш тизими (сигнализация) спринклер ёки дренчер туридаги ёнғин автоматикаси тизими билан интеграция қилинган бўлиши мумкин.

51. Енгил аланғаланувчи суюқликлар ишлатиладиган жойларда бирламчи ёнғинни ўчириш воситалари доимий равишда мавжуд бўлиши шарт.

Бундай воситалар қаторига ўт ўчиргичлар (кичик ёнғинлар учун кукунли ёки углекислота билан тўлдирилган ҳамда суюқлик тўкилиши ҳолатларида – кўчма ҳаво-кўпикли ўт ўчиргичлар) киради.

Улар ҳар 50 m² майдонга камида 2 та, лекин ҳар бир хона учун камида битта ўт ўчиргич жойлаштирилиши лозим.

Ходимлар ёнғин чиққан суюқликларни ўчиришда ўт ўчиргичлардан тўғри фойдаланиш усулларини қўллаш бўйича ўқитилган бўлиши шарт.

Бунда кўпикни елпиғичсимон шаклда сепиш, ёнғинни панада туриб ўчириш ва бошқа хавфсиз амалий усуллар бўйича кўникмаларга эга бўлиши лозим.

52. Енгил аланғаланувчи суюқликлар тўкилиш ҳолатларини бартараф этиш учун объектда авария жиҳозлари тўплами шакллантирилган бўлиши лозим.

Авария жиҳозлари таркибига қуйидагилар киради:

инерт адсорбентлар (қум, вермикулит);

махсус сорбцион миқдордаги матолар;

бон тўсиқлари (тўкилган суюқликлар канализацияга киришини чеклаш учун);

ёнишга чидамли идишлар, ифлосланган грунт ва сарфлаш материаллари.

Кичик ёнғин ўчоғини ёпиш учун мўлжалланган ёнғинга қарши тўсиқлар ва учқун сўндирувчи елпиғичлар ҳам доимий равишда мавжуд бўлиши лозим.

Авария жиҳозлари тўплами таркибига, шунингдек, шахсий ҳимоя воситалари ҳам киритилади, яъни:

органик буғлардан ҳимоя қилувчи “А” турдаги фильтрли газ ниқоблари;

ёнғинга чидамли қўлқоплар;

авария бригадалари учун иссиқликни қайтарувчи махсус кийимлар.

53. Ёнғин ёки портлаш эҳтимоли мавжуд бўлган зоналардан ходимларни тез ва хавфсиз чиқаришни таъминлаш мақсадида эвакуация ҳамда ўзаро ҳамкорлик схемалари ишлаб чиқилади.

Ушбу схемаларда авария вақтида чиқишлар жойлашуви, ҳаракат йўналишлари ҳамда йиғилиш пунктларига бориш йўллари аниқ кўрсатилиши лозим.

54. Енгил алангаланувчи суюқликлар ишлатиладиган хавфли ишлаб чиқариш объектларида қуйидагилар бўлиши шарт:

а) енгил алангаланувчи суюқликлар учун махсус шамоллатиш тизими билан жиҳозланган алоҳида омборхона ёки махсус металл шкаф мавжуд бўлиши, бунда иншоотнинг деворлари, том қисми ва ёнғинга қарши эшиклари белгиланган ёнғинга чидамлилик даражаси бўйича шаҳарсозлик меъёрлари ҳамда ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига тўлиқ мос бўлиши керак;

б) енгил алангаланувчи суюқликлар сақланадиган хоналарда бегона буюмлар ва материаллар сақланишига йўл қўйилмайди, фақат шу тоифага кирувчи моддалар сақланиши лозим. Очиқ олов ёки иссиқлик манбаларига эга ускуналар ушбу хоналардан камида 10 m масофада жойлаштирилиши шарт;

в) шамоллатиш тизимининг ишлаш ҳолати чиқарувчи вентиляторлар фаолияти текширилган, шамоллатиш тешикларининг берк ёки тўсилмагани тегишли ҳужжатлар (далолатномалар) билан тасдиқланган бўлиши лозим, биноларнинг пастки қисмида ўлчанган буғ тарқалишининг қуйи концентрацияси чегарасидан анча паст бўлиши керак, шкафларнинг шамоллатиш тизимининг чиқиш қувурларида учқун сўндиргич қурилмалар ўрнатилган бўлиши керак;

г) барча ёритгичлар, кабел линиялари ва электр двигателлар портлашдан ҳимояланганлик белгисига эга бўлиши лозим, ускуналар ва идишларнинг ерга улангани текширилган бўлиб, ерга уланиш қаршилиги 4 Ом кўрсаткичдан ошмаслиги мегомметр ўлчови ёрдамида тасдиқланган бўлиши шарт.

Биноларда учқун чиқарувчи асбоблар ҳамда лицензияланмаган (тегишли рухсатсиз) электр жиҳозлари бўлмаслиги лозим;

д) ўт ўчиргичлар жойида бўлиши, уларни қайта қувватлаш муддатлари текширилган, ёнғин ўчириш кранлари қўл дастакли ёнғин ўчириш енглари билан тўлиқ жиҳозланган ва сув босими билан етарли таъминланган бўлиши, қум ёки абсорбент солинган идишлар эркин фойдаланиш учун очиқ ҳамда яқин жойда бўлиши шарт.

Ёнғиндан хабар бериш тизими (сигнализация) ва ёнғин автоматикаси тизими (агар лойиҳада кўзда тутилган бўлса) ишчи ҳолатда бўлиши, уларга техник хизмат кўрсатиш журналлари ҳамда сўнгги синов натижалари мавжуд бўлиши лозим;

ж) енгил алангаланувчи суюқликлар сақланадиган сиғимларда сақловчи клапанлар ва нафас олиш қурилмалари бўлиши, шамоллатиш линияларида ёнғинга қарши тўсиқлар ўрнатилган, барча беркитиш арматуралар (кранлар, клапанлар) аниқ ва кўринарли тамғаланган (маркировкаланган) ҳамда оқим йўналиши ва модда номи кўрсатилган бўлиши лозим.

Ускуналарнинг техник кўрикдан ўтказилгани бўйича ҳужжатлар, дефектоскопия далолатномалари, хавфга асосланган назорат таҳлили натижалари ва улар асосида белгиланган чора-тадбирлар бўлиши керак;

з) енгил алангаланувчи суюқликлар бўйича оператив ҳисоб журнали (келиб тушиши ва сарфи) юритилаётган бўлиши, ҳар бир модда учун амалдаги хавфсизлик паспорти мавжудлиги, ходимлар учун моддалар билан ишлаш бўйича йўриқнома ҳамда АВТЧБЭР кўзга кўриниб турадиган жойда осилган бўлиши шарт.

4-боб. Сиқилган ва суюлтирилган газлар хавфсизлигига қўйиладиган талаблар

55. Цех ва лабораториялардаги газ баллонлари фақат тик ҳолатда ўрнатилиши, улар махсус тутқичлар ёки деворга занжир билан маҳкамланиши лозим. Бундай хоналар доимий ишлаб турадиган ҳавони киритиш ва чиқариш, шамоллатиш тизими ёки газ билан ишлаш учун мўлжалланган тортувчи шкаф билан таъминланиши шарт.

Заҳарли ёки ёнувчан газлар (хлор, водород) қўлланилаётганда, баллонлар шамоллатиш тизимига уланган махсус шкафларда жойлаштирилиши тавсия этилади. Шкафлардан ташқи муҳитга чиқадиган газлар фильтр ёки абсорбер қурилмалари орқали чиқарилиши лозим.

Бино ичидаги газ қувур ўтказгичлари металл қувурлардан тайёрланиши ва фланецли бирикмалар сони минимал даражада бўлиши лозим. Эгилувчан шланглар талабларга мувофиқ аниқ идентификацияланиши ва ўчмайдиган тамғага эга бўлиши керак ҳамда амал қилиш муддати текширилган ҳолда қўлланилиши мумкин. Сизиб чиқишни аниқлаш учун барча бирикмалар мунтазам равишда совунли эмульсия билан текширилади.

Ҳар бир газ баллони чиқиш қисмида вентил ўрнатилиши, ундан кейин эса босим пасайтиргич (редуктор) ва манометр ўрнатилиши лозим. Редуктордан олдин ва истеъмолчи линиясида газ датчиклари ҳамда ёнғин хабар бериш тизимидан келувчи сигнал таъсирида автоматик газ оқимини тўхтатиб, ёпилувчи электромагнит клапанлар ўрнатилиши тавсия этилади.

56. Ёнувчан газлар (водород, ацетилен, пропан) қўлланадиган биноларда ёнғин келтириб чиқариши мумкин бўлган барча манбалар бартараф этилиши шарт. Барча электр жиҳозлари портлашдан ҳимояланиб ясалган Ex-компоненти, ускуналар эса ерга уланган ҳолда бўлиши лозим. Ацетилен генераторлари ва ацетилен (C_2H_2) гази сақланадиган баллонлар лойиҳа ҳужжатларидан белгиланган мис сақловчи қувурлар ва жиҳозлардан ҳавфсизлик масофаларига риоя қилган ҳолда жойлаштирилиши лозим.

Кислород билан ишлашда фақат мойсиз ускуналардан фойдаланиш талаб этилади. O_2 тўлдириш зонасида ҳар қандай мой ва органик моддаларнинг мавжудлиги қатъиян тақиқланади. Барча шланглар, редукторлар ва манометрлар фақат кислород билан ишлаш учун махсус мўлжалланган бўлиши шарт. Ходимлар кислород ускуналаридаги бурилиш (резьба) қисмига мой суртмаслик ва мойли материаллар қўлламаслик бўйича ўқитилган бўлишлари лозим.

57. Газ таъминоти тизими автоматлаштирилган бошқарув воситалари билан жиҳозланиши лозим. Агар ҳаво муҳитидаги газ концентрацияси белгиланган меъёрдан ошса (ёнувчан газлар тарқалишининг қуйи концентрация чегараси 20 фоиздан юқори ёки заҳарли газлар учун чегаравий йўл қўйиладиган концентрация (кейинги ўринларда – ЧЙҚК) ортиқ ҳолатда) – газ анализатори овозли сигнал бериш билан бир вақтда электромагнит клапанларни автоматик равишда ёпиши шарт.

58. Инерт газлар (азот, аргон) чиқариладиган шамоллатиш чиқиндилари учун табиий ҳаво чиқариш тизими етарли ҳисобланади. Заҳарли газлар (хлор, аммиак) ва ёнувчан газлар (водород) ишлатиладиган бинолардаги шамоллатиш тизимлари эса адсорберлар ёки скрубберлар билан жиҳозланган бўлиши шарт.

59. Эксплуатация қилувчи ташкилот баллонлар ва газ хўжалиги устидан доимий назоратни таъминлаши лозим. Бунинг учун тегишли аттестациядан ўтган, газ хўжалиги учун масъул шахс тайинлаши шарт. Масъул шахс баллонлар ҳисоб журналини юритади (қабул қилиш, ишга бериш, бўшатилганини қайтариш), синов ва техник кўрик муддатларини кузатиб боради.

Баллон ишга берилишидан олдин навбатдаги синов санаси (санали тамға) текширилади. Шунингдек, ҳар ойда камида бир марта режали ташқи кўриклар ўтказилиши шарт. Кўрикда баллонларда коррозия ва шикастланиш белгилари кўздан кечирилади, маҳкамлаш занжирлари ва шамоллатиш тизимининг ишлаши текширилади.

Қуйидагилар баллонларда сақланадиган ёнувчи ва портловчи газлар билан боғлиқ хавфсизлик талаблари ҳисобланади:

а) баллонлар сақланадиган хоналар табиий шамоллатиш тизимига эга ва қуёш нуридан муҳофаза қилинган бўлиши шарт. Ойна бўлса – оқ рангга бўялган ёки қуёш нурини қайтарувчи пардалар ўрнатилган бўлиши керак;

б) очиқ майдонларда сақланаётган баллонлар ёғингарчилик ва қуёш таъсиридан ҳимояланиши, бундай ҳимоя воситалари ёнмайдиган материаллардан тайёрланиши лозим;

в) кислород, фтор, хлор каби оксидловчи газлар баллонлари ёнувчи ва портловчи газлардан алоҳида сақланиши лозим;

г) баллонлар сақланадиган жойда газ сизиб чиқишини аниқлаш учун газ анализаторлари ўрнатилиши, улар бўлмаган ҳолда – ҳаво муҳитини назорат қилиш тартиби ташкил этилиши лозим;

д) мойланган буюмлар ва мой тиқилган материаллар билан кислород баллонларига тегиш қатъиян ман этилади;

ж) баллонлар махсус шкафларда, вертикал ҳолда ва қулашига йўл қўймайдиган усулда жойлаштирилиши керак. Штабеллаштирилган ҳолда – баландлиги 1,5 m дан ошмаслиги, клапанлари бир томонга қаратилган ва ҳимоя қалпоғи билан ёпилган бўлиши шарт;

з) баллонлар сақланаётган омборларда учқун чиқарувчи жиҳозлар, ёнувчи моддалар ва металл михли оёқ кийимлардан фойдаланиш ман этилади;

и) баллонларни юклаш-тушириш ишлари автомашина двигатели ўчирилган ҳолда амалга оширилиши керак. Автоюклагичлардан фойдаланиш тақиқланади.

60. Суюлтирилган газлар ишлатиладиган йирик объектларда хавфга асосланган назорат тизимлари жорий этилиши лозим. Ушбу тизим доирасида газ сизиб чиқиши ва портлаш хавфлари баҳоланади, шу асосда назорат қилиниши лозим устувор участкалар аниқланади, жумладан, сиғимлардаги коррозия зоналари, сақлагич клапанларининг ҳолати ва гардиш (фланец) бирикмаларининг герметиклиги текширилади.

Энг устувор назорат элементи сифатида сақлаш қурилмаларини текшириш белгиланади. Барча клапанлар ҳар 1–2 йилда қайта ҳисобланиб, қайта ўрнатилиши (ёки алмаштирилиши) ҳамда ишга тушиш босимининг тўғрилиги тасдиқланиши лозим. Заҳарли ва қимёвий фаол газлар (хлор, аммиак) сақланган баллонлар қайта тўлдиришдан олдин ички томондан текширилиб, оқиш ёки коррозия излари мавжуд эмаслиги аниқланиши шарт.

61. Ходимлар билан газлар билан хавфсиз ишлаш усуллари бўйича ҳар йили ўқув машғулотлари ўтказилиши шарт.

Ўқув дастури қуйидаги мавзуларни ўз ичига олади:

баллонларни сақлаш тартиби;

ускуналарга тўғри уланиш қоидалари;

сизишларни аниқлаш усуллари;

газ чиқиши ҳолатида фавқулодда беркитиш амалиёти.

Ходимлар билан газ ниқобларидан фойдаланиш бўйича амалий машқлар мунтазам ўтказилиши шарт (хлор учун – "В", аммиак учун – "КД" турдаги газ ниқоблари ва бошқалар). Газ хавфи юқори бўлган объектларда ишловчи ходимлар доимий равишда тиббий кўрикдан ўтиши, бу жараёнда айниқса нафас олиш тизими ҳолатига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Кўзга яққол кўриниб турадиган жойларда "Газ сизиб чиқиши аниқланганда ҳаракат тартиби" ва "Баллонларни сақлаш тартиби" йўриқномалари осиб қўйилиши шарт.

62. Газлар сақланадиган жойлардаги пол юзасида турли газлар учун сақлаш зоналарини ажратиб кўрсатувчи чизиқлар белгиланиши лозим:

қизил ранг – ёнувчан газлар зонаси;

яшил ранг – инерт газлар зонаси;

сариқ ранг – заҳарли газлар зонаси.

Кириш қисмида сақланаётган газлар рўйхати уларнинг хавф даражалари (тоифалари) кўрсатилган ҳолда осиб қўйилиши лозим. Шунингдек, "Ёнғин хавфи бор", "Заҳарли моддалар", "Чекиш тақиқланади", "Ҳимоя кўз ойнакларида ишланг" (зарур ҳолларда), "Хонани шамоллатинг" каби огоҳлантирувчи белгилар бўлиши шарт.

63. Газ сизиб чиқишини автоматик аниқловчи қурилмалар (стационар газ анализаторлари – метан, водород ёки хлор учун) хабар бериш тизимига (сигнализация) уланган ҳолда ўрнатилиши лозим. Улар умумий огоҳлантириш ва авариядан хабар бериш тизими билан интеграция қилинган бўлиши шарт.

Автоматик назоратдан ташқари лаборатория усулида ҳаво намуналарини даврий текшириш амалга ошириши лозим. Бунда:

заҳарли газлар учун – ҳаводаги модда ЧЙҚК бўйича назорат қилинади;

инерт газлар учун – кислород даражаси текширилади, азот сизиб чиқиши натижасида ҳаводаги кислород миқдори 19 фоиз кўрсаткичдан пастга тушиши мумкин.

Ўлчов натижалари махсус журналда қайд этилади, меъёрдан ошиш ҳолатларида иш тўхтатилиб, бинолар шамоллатилади ва хавфсизлик чоралари кўрилади.

64. Корхонанинг умумий фавқулодда ҳолатларда АВТЧБЭР таркибида газсимон моддалар билан боғлиқ авариялларга бағишланган алоҳида бўлимлари бўлиши лозим.

Режада шамол йўналиши бўйича газ булути тарқалиш схемалари ҳамда хавфли зоналар радиуслари келтирилиши лозим. Заҳарли газлар (хлор, аммиак) сизиб чиқиш ҳолатларида ходимларни огоҳлантириш тизими, катта ҳажмдаги чиқиш ҳолатларида эса Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги орқали корхона ҳудудига яқин бўлган аҳолини хабардор қилиш тартиби назарда тутилади.

65. Газ анализаторида ёнувчан газлар учун тарқалишнинг қуйи концентрация чегараси 20 фоиз ёки заҳарли газлар учун ЧЙҚК 50 фоизга тенг концентрациясини аниқлаганда, авариявий шамоллатиш тизими тўлиқ қувватда ишга тушиши, газ қувурларидаги электр магнит клапанлар автоматик равишда ёпилиши лозим.

Ёнувчан газлар мавжуд бўлган зонада учқун чиқиш хавфини бартараф этиш мақсадида электр таъминоти автоматик равишда ўчирилиши лозим. Ходимлар шахсий ҳимоя воситаларини (газ ниқоблари) кийиб, агар бу хавфсиз бўлса, газ сизиб чиқиш манбаини аниқлашга киришиши, акс ҳолда зонани тарк этишлари керак. Шу билан бирга, автоном электр таъминотли авариявий ёритиш тизими (портлашдан ҳимояланган фонарлар) ишга туширилиши лозим. Ташқи вентиляторлар ишлаганда, газ чиқиндиларини одамлар тўпланадиган ёки турар жойлар томон эмас, балки хавфсиз йўналишга чиқариши лозим.

66. Объектда газ сизиб чиқишларини бартараф этиш учун махсус воситалар мавжуд бўлиши лозим:

газ сизиб чиқишини тўсувчи восита;

баллонларга қўйиладиган бандажлар;

ёриқлар учун конуссимон тиқинлар;

қувурлар учун авариявий хомутлар.

Қуйидагилар сиқилган ҳамда суюлтирилган газларни қуйиш, ташиш ва авариявий ҳолатларни бартараф этиш бўйича талаблар саналади:

а) смена эҳтиёжи 200 литргача бўлган ҳолларда, енгил алангаланувчи суюқликлар хавфсиз герметик қадоқларда иш жойларига етказилиши мумкин. Катта ҳажмдаги маҳсулотлар марказлаштирилган тартибда етказиб берилади;

б) барча қуйиш ва тўкиш операциялари герметик қопламалар ёрдамида автоматлаштирилган усулда амалга оширилиши, буғларнинг ҳавога тарқалишига йўл қўйилмаслиги шарт;

в) технологик сиғимлар ва идишлардан газ маҳсулотларини очиқ оқим билан қуйиш тақиқланади. Бу ишлар фақат махсус жиҳозланган, буғ тўпланишининг олдини олувчи тизимлар орқали амалга оширилади;

г) тўкилиб кетган моддалар тезкор равишда сорбентлар (қипиқ, қум ва бошқалар) орқали йиғиб олиниши ҳамда хавфсиз жойга олиб чиқилиши шарт. Объектда авариявий захира сифатида сорбент воситалари бўлиши керак;

д) технологик эҳтиёж туфайли очиқ идишлар ва ванналардан фойдаланилаётган цехларда:

очиқ ванналар хавфсиз қопқоқлар билан таъминланган бўлиши, фойдаланилмаётганда ёпилиши;

суюқликни авариявий ҳолда тўкиб олиш имконияти бўлиши лозим.

67. Газ хўжалигида огоҳлантириш сигналлари ва ҳаракат тартиби аниқ белгилаб қўйилиши лозим.

Огоҳлантириш сигнали берилганда ходимлар шамол йўналиши бўйлаб ёки хавфсиз йўналишда эвакуация қилинади.

Агар портлаш хавфи (газ омбори яқинида ёнғин) юзага келса, чеклов (четлаштириш) зонаси белгиланади:

баллонлар учун – камида 100 m радиусда;

йирик ҳажмли резервуарлар учун – 300 m гача.

Барча шахслар мазкур зона ҳудудидан ташқарига чиқарилиши шарт.

68. Объект ваколатли органларига сақланаётган газлар ва уларнинг миқдори ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши шарт.

Йилда бир марта Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан ҳамкорликда заҳарли газ сизиб чиқиши ёки баллон портлаши билан ёнғин сценарийси бўйича қўшма амалий ўқув машқлари ўтказилиши лозим.

Объектда нохуш ҳолат бартараф этилгандан сўнг бинода дегазация ишлари амалга оширилади, яъни мажбурий шамоллатиш тизими ёрдамида ҳаво алмашиши ва заҳарли қолдиқларни нейтраллаш бўйича кимёвий ишлов берилади.

69. Сиқилган ва суюлтирилган газлардан фойдаланадиган хавфли ишлаб чиқариш объектларида қуйидагилар бўлиши шарт.

а) кислород баллонлари алоҳида сақланаётгани (бошқа секцияда ёки камида 5 m масофада жойлашган бўлиши), ёнувчан газлар, заҳарли ва оксидловчи газлардан визуал тарзда ёки тўсиқ орқали ажратилгани ҳамда баллонлар яқинида ёнувчан материаллар (ёғлар, ветош) мавжуд эмаслиги;

б) барча баллонлар ишончли маҳкамланган бўлиши лозим. Бунда тик ҳолатдаги баллонлар занжирлар билан қотирилгани, ётган ҳолатдаги баллонлар эса махсус ўриндиқларга (уяга) жойлаштирилади. Баллонларда йиқилиш ёки зарба излари мавжуд эмаслиги, ётган ҳолатда устма-уст сақланаётган баллонлар баландлиги 1,5 m дан ошмаслиги, шунингдек, вентиллар бир томонга қаратиб жойлаштирилган бўлиши шарт;

в) баллонлар қуёш нуридан ҳимоя қилинган ҳолда сақланиши лозим (бостирма ёки экран орқали). Улар иситиш ускуналаридан камида 1 m ва очиқ олов манбаларидан камида 5 m оралиқ масофада жойлаштирилиши керак. Бино ичидаги ҳарорат лойиҳа бўйича йўл қўйиладиган меъёрдан ошмаслиги лозим.

Шамоллатиш тизими ишчи ҳолатда бўлиши шарт: чиқарувчи панжаралар тозалиги (тўсилмаган), вентиляторлар ва хабар бериш тизими (сигнализация) ишлаши лозим;

г) баллонлар амалдаги талабларга мувофиқ рангларга бўялган ва аниқ тамғаланган (ёзувли) бўлиши лозим. Баллонларда охирги техник кўрикда белгили тамғалар мавжудлиги ва муддати ўтмагани аниқланади. Баллонлар ҳисоб журнали юритилаётган ва янгиланиб борилаётган бўлиши шарт. Шунингдек, газ партияси учун паспорт маълумотлари (сифат сертификати, аралашмалар тўғрисида маълумотлар) мавжуд бўлиши лозим;

д) баллонлар вентилларида сизиб чиқишлар йўқлиги текширилади. Редукторлар мавжуд ва соз ҳолатда, манометрлар – текшириш муддати ўтмаган бўлиши лозим. Суюлтирилган газлар учун сақловчи клапанлар мавжудлиги ва улардаги пломбалар бутунлиги текширилади. Фойдаланилмаётган баллонларда қопқоқлар ёпиқ ҳолда бўлиши шарт;

ж) огоҳлантирувчи ёзувли белгилар (“Газ баллонлари”, “Олов ман этилган”, “Чекиш тақиқланади”, “Газ! Ёнғин ҳолатида зудлик билан узоқлашинг!”) ўрнатилган бўлиши лозим;

з) бинода ўт ўчиргичлар (кукунли ёки углекислота билан тўлдирилган) мавжуд бўлиши лозим (ҳар бир хонада камида 2 тадан кам бўлмаслиги шарт). Ўт ўчиргичлар текширилган ва ишчи ҳолатда бўлиши керак. Агар бинода ёнғин автоматикаси тизими мавжуд бўлса, унинг барча тугунлари бутун, ўчирилмаган ва фаол ҳолатда бўлиши лозим.

Баллонлар ўрнатилган металл стеллаж ёки раманинг ерга улангани текширилади (мультиметр ёрдамида ўлчов ўтказиш орқали амалга оширилади). Барча электр жиҳозларида портлашдан ҳимояланиб ясалган Ex-компоненти бўлиши, электр симлари эса пўлат қувурлар ёки кабел каналлари орқали ўтказилган бўлиши лозим;

и) газ сизиб чиқиши ҳолатида ҳаракат қилиш режаси бўлиши шарт. Ходимлар газ ниқоблари сақланадиган ва ўзини ўзи қутқариш жойни билишлари, ушбу шахсий ҳимоя воситалари мавжуд ва уларнинг фойдаланиш муддати ўтмаган бўлиши лозим. Дори қутичалари махсус антидотлар билан тўлиқ таъминланган ҳолда сақланиши керак.

5-боб. Заҳарли моддалар хавфсизлигига қўйиладиган талаблар

70. Заҳарли моддалар қўлланадиган технологик жараёнларда тўлиқ герметиклик тамойилига риоя этилиши лозим. Бундай жараёнлар ёпиқ ускуналарда, кичик вакуум остида амалга оширилиши керак.

Заҳарли моддаларнинг кукунсимон шаклдаги турларини тушириш ва миқдорлаш жараёнлари механизациялаштирилган ҳолда, яъни шнеклар, таъминловчилар ҳамда тортувчи зонтлар остида амалга оширилиши лозим.

71. Заҳарли моддалар билан ишлашда қўлланадиган материаллар емирилиш ва сизиб чиқиш ҳолатларининг олдини олиш учун модданинг таъсирига чидамли бўлиши лозим.

Барча герметикликни таъминловчи элементлар (қистирмалар, салниклар) модданинг таъсирига чидамлилик ва ўтказувчанликнинг минимал даражада бўлишини ҳисобга олган ҳолда танланиши лозим. Режавий профилактик таъмирлаш ёки хавфга асосланган назоратга мувофиқ люк қистирмалари, насос салниклари ва миқдорлаш шланглари каби муҳим қисмлар доимий равишда текширилиб, зарурат туғилганда алмаштирилиши шарт.

72. Кислотали ёки ишқорий заҳарли моддалар ишлатиладиган цехларда жойида нейтраллаш тизимлари (махсус ванналар ёки сиғимлар) бўлиши ҳисобга олиниши лозим. Ушбу нейтрализаторлар фавқулодда ҳолатда тўкилган моддани нейтралловчи реагент билан аралаштириш учун хизмат қилади.

Заҳарли органик суюқликлар учун адсорбент – активлаштирилган кўмир ёки моддаларни парчаловчи махсус аралашмалар билан тўлдирилган идишлар бўлиши лозим. Бундай ускуналар заҳарли моддаларнинг умумий канализация тизимига ёки тупроқ қатламига тушишининг олдини олади.

73. Юқори даражадаги заҳарли моддалар ишлатиладиган объектларда хавфсизлик тизимида махсус бўлимлар ташкил этилади. Ушбу бўлимлар фаолиятида хавфсиз ишлаш тартиб-қоидалари, ходимлар соғлиғини назорат қилиш тизими ҳамда ҳар қандай кичик оғиш ҳолатларида амалга ошириладиган ҳаракат режаси жорий этилади.

Корхона ўз объектида мавжуд бўлган кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар рўйхатини тасдиқлайди ҳамда ҳар бир модда учун масъул шахсларни тайинлайди. Хавфсизликни бошқариш тизими доирасида мустақил экспертлар иштирокида заҳарли моддаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги бўйича мунтазам аудитлар ўтказилиши лозим.

74. Ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилишдаги энг муҳим жиҳат – сизиб чиқишларнинг олдини олишдир. Хавфга асосланган назоратдан ташқари заҳарли моддаларни ташиш учун мўлжалланган коммуникацияларда кунлик кўрик амалга оширилиши лозим. Бу жараёнда масъул ходим гардишлар (фланец) остидаги томчилар ёки сизиб чиқиш изларининг йўқлиги, шунингдек, сизиб чиқишни аниқловчи датчиклар кўрсаткичларини назорат қилиши лозим. Ускунани ишга туширишдан олдин герметикликни вакуум ёки инерт босим остида синовдан ўтказиш усули қўлланиши керак.

Газсимон заҳарли муҳитларда фаолият кўрсатадиган объектларда автоматик намуна олувчи қурилмалар қўлланилиши лозим. Улар муҳитдаги фон концентрациясини доимий равишда назорат қилишни таъминлайди.

75. Заҳарли моддалар билан ишловчи ходимлар мунтазам равишда тиббий кўрикдан ўтиши шарт. Ҳар бир ходим учун шахсий тиббий карта юритилади ва сурункали заҳарланиш аломатлари аниқланса, бундай ходим ишдан вақтинча четлаштирилади ҳамда бошқа ишга ўтказилади. Шунингдек, барча ходимлар фавқулодда ҳолатларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш воситалари билан таъминланиши лозим.

76. Заҳарли моддалар билан ишловчи барча ходимлар махсус йўриқномадан ўтишлари шарт. Тузилган йўриқномаларда эҳтиёт чоралари ва хавфсиз ишлаш қоидалари аниқ баён этилган бўлиши лозим.

77. Иш жойларида етарли миқдорда ва тўғри турдаги шахсий ҳимоя воситалари мавжуд бўлиши лозим (мувофиқ маркадаги фильтрли газ ниқоблари ёки юқори концентрациялар учун изоляцияловчи ускуналар). Газ ниқоблари фильтрлари герметик шароитда сақланиши ва фойдаланиш муддати тугаганда ўз вақтида алмаштирилиши шарт.

Заҳарли суюқ моддалар билан ишлашда ходимлар кимёвий моддаларга чидамли махсус кийим, чангдан ҳимоя қилувчи бир марталик ҳимоя коржамалари билан таъминланиши лозим. Кўзни ёпувчи ҳимоя кўзойнаклари ёки юзни тўлиқ ёпувчи қалқонлар бўлиши заҳарли ва едирувчи моддалар тўкилиши ҳолатларида мажбурий. Қўлқоплар модда билан мувофиқлиги ҳисобга олинган ҳолда танланиши лозим.

78. Кимёвий авариялarга оид АВТЧБЭР заҳарли моддалар чиқиши ҳолатида бажариладиган амалий қадамлар батафсил баён этилган бўлиши лозим. Ушбу режада коммуникациялардаги зулфинларни ёпиш учун масъул, авариявий шамоллатиш тизимини ишга тушириш учун масъул ходимлар, ташқи хизматлар билан ҳамкорлик ва ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун масъул ходимлар белгиланиши шарт.

Ходимлар ва ваколатли органлар иштирокидаги машғулотлар йилига камида 1 марта ўтказилиши лозим.

79. Заҳарли газ ёки тутуннинг катта ҳажмдаги сизиб чиқиши ҳолатларида корхона атрофидаги аҳолини хабардор қилиш учун огоҳлантириш тизими (сиреналар, овоз кучайтиргичлар, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги орқали СМС-хабарлар) йўлга қўйилган бўлиши лозим. Объектдаги барча кўриқлаш постлари ва диспетчерлик пунктларида қуйидагилар мавжуд бўлиши шарт:

телефон рақамлари рўйхати;

шамол йўналиши схемаси – заҳарли булут тарқалиш йўналишини аниқлаш учун;

огоҳлантириш хабарлар матнларининг намунавий шакллар.

Аварияни бартараф этишга жалб этилмаган ходимлар авария вазиятлари тарқалишини чегаралаш ва бартараф этиш режаларида белгиланган эвакуация йўналишлари бўйича биноларни тарк этишлари лозим.

80. Заҳарли моддалар учун авария жиҳозлари тўплами сорбентлар (универсал, кислота ёки ишқорларни нейтралловчи – заҳарли модданинг хусусиятига қараб танланади), ифлосланган материалларни тўплаш учун идишлар, "Авариявий чиқиндилар" ёзувли герметик ёпиладиган контейнерларни (бочкалар) ўз ичига олиши лозим.

Иш жойларига яқин масофада авариявий душ ва кўзни ювиш учун фавқулодда фавворачалар ўрнатилган бўлиши шарт. Баъзи махсус турдаги моддалар билан ишланганда, уларга мос авариявий нейтралловчи реагентлар олдиндан тайёрлаб қўйилиши лозим.

81. Авария ҳолатида қаттиқ заҳарли моддалар тўкилган тақдирда, махсус тайёргарликка эга ходимлар шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиб, уларни махсус асбоблар ёрдамида йиғишлари лозим. Тўпланган моддалар кейинчалик утилизация қилиш учун герметик идишларга жойланади.

Тўкилган заҳарли суюқликлар, биринчи навбатда, нейтралловчи кукун ёки сорбент билан қопланади, йиғилган масса махсус контейнерларга тўпланади. Пол ёки ускуна остида қолган қолдиқлар нейтралловчи эритма билан ишлов берилади ва улар ҳам йиғилиб утилизация қилинади. Бино ичидаги шамоллатиш тизими кучайтирилади, ҳаво ҳолати тозалашдан олдин ва кейин текширилади. Авария бартараф этилгандан сўнг ишлаб чиқариш лабораторияси мутахассислари ёки аккредитациядан ўтган ташкилот томонидан ҳаводаги зарарли моддалар концентрациясининг назорат ўлчовлари ўтказилиб, тўлиқ зарасизлангани тасдиқланиши лозим.

82. Ўткир заҳарланиш ҳолатлари юзага келганда, объектда тез тиббий ёрдам кўрсатишга тайёр санитария пости бўлиши шарт. Ушбу хона кислород ингалятори, антидотлар (заҳарга қарши воситалар) ва зарур тиббий ускуналар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Ходимлар қайси жойга мурожаат қилишлари кераклиги ҳақида олдиндан хабардор қилинган бўлишлари шарт. Фавқулодда ҳолатдан сўнг ҳатто заҳарланиш аломатлари кузатилмаган тақдирда ҳам, барча иштирокчилар 24 соат ичида тиббий кўрикдан ўтишлари лозим.

83. Заҳарли моддалардан фойдаланадиган хавфли ишлаб чиқариш объектларида қуйидагилар бўлиши шарт:

а) заҳарли моддалар сақланадиган алоҳида хона ёки шкаф мавжуд бўлиши, унга чекланган рухсат (қулф ва масъул сақловчи шахс) белгиланган бўлиши лозим. Эшикда "Заҳарли" деб ёзилган огоҳлантирувчи белги бўлиши шарт. Шамоллатиш тизими ишчи ҳолатда эканлиги (тортувчи вентилятор фаолияти ва ҳаво алмашинув карра ўлчови). Ҳарорат режими меъёрда бўлиши, модда этикеткасидан келиб чиққан ҳолда белгиланган талабларга мос бўлиши лозим;

б) барча идишлар маҳкам ёпилган, оқиш ёки сизиш ҳолатлари йўқ, этикеткалар ўқилиши осон ва зарур маълумотларни ўз ичига олган бўлиши лозим.

Енгил учувчан моддалар учун (йўриқномада кўрсатилган бўлса) совуқ жойда ёки музлаткич камерасида сақлаш талаб этилади. Юқори заҳарли ёки канцероген реактивлар (бензол, дихроматлар, симоб тузлари) шамоллатиш тизимига уланган тортувчи шкафларда ёки шамоллатиш тизимли герметик боксларда сақланиши лозим.

Хавфли реакция бериши мумкин бўлган моддалар бир жойда сақланмаслиги керак (кислоталар цианидлар билан, оксидловчи моддалар органик моддалар билан);

в) сақлаш зонасида нейтраллаш учун зарур моддалар, кислоталар учун – оҳак ёки сода, ишқорлар учун – кислота (уксус ёки бор кислотаси), галогенлар учун – сульфитлар ва бошқалар бўлиши лозим;

г) ходимларнинг талаб этиладиган маркадаги газ ниқоблари билан таъминлангани, улардаги фильтрлар мавжудлиги ва яроқлилик муддати. Шунингдек, ходимларда мувофиқ турдаги махсус кийимлар, кислоталарга чидамли фартуклар ва қўлқоплар мавжудлиги аниқланади. Юқори хавф даражасидаги ишларда иштирок этувчи ходимларда кўчма газ анализаторлари (индикатор найчалар) борлиги;

д) хавфли моддалар ҳисоби – журнал ёки рўйхатлар кўринишида юритилиши лозим. Ҳар бир модда учун хавфсизлик паспорти мавжуд бўлиши шарт. Токсинларнинг ҳар бир тоифаси билан ишлаш бўйича йўриқномалар очиқ ҳолда сақланиши ва амалда бўлиши, ходимлар эса улар билан танишгани ҳақида имзо қўйган бўлишлари лозим;

ж) насослар, клапанлар ва қувурларда сизиб чиқишлар мавжуд эмаслиги, уларда кристаллашув излари, доғлар ёки ҳидлар бўлмаслиги лозим. Шунингдек, заҳарли чиқиндилар сақланадиган барча идишлар тамғаланган бўлиши, улар тортувчи шамоллатиш тизими остида ёки маҳкам герметик ёпиқ ҳолда сақланиши шарт.

6-боб. Оксидловчи моддалар хавфсизлигига қўйиладиган талаблар

84. Ишлаб чиқариш жараёнларида (реакторлар, дозалаш узеллари) оксидловчи моддалар ёнилғи компонентларидан алоҳида ҳолда реакция зонасига узатилади, бу эса режадан ташқари аралашиш ва назоратсиз реакция юз бериши хавфининг олдини олишни таъминлайди.

Объектдаги коммуникациялар тўлиқ герметик бўлиши лозим. Насослар икки томонлама зичланган моноблок турда жиҳозланган бўлиши ҳамда модданинг ташқи муҳитга чиқишини бутунлай истисно этадиган тўсувчи суюқлик тизимига эга бўлиши шарт.

Концентрацияни назорат қилишни таъминлашда: агар технологик жараёнда оксидловчи модда ёнилғи билан аралаштириладиган бўлса, автоматлаштирилган бошқарув тизими уларнинг хавфсиз нисбатини сақлаб туриши ва портлаш реакцияни келтириб чиқариши мумкин бўлган ортиқча оксидловчининг қўшилишига йўл қўймаслиги лозим. Реакция назоратдан чиққан тақдирда, тизимда ингибитор моддани ёки реактор қурилмасини фавқулодда совиткични автоматик дозатор ускуналари мавжуд бўлиши шарт.

85. Оксидланиш реакциялари хавфсизлиги: таркибида кучли оксидловчи моддалар (пероксидлар, озон, нитратлар) иштирок этувчи реакциялар одатда, экзотермик бўлади. Реакторларда самарали совитиш тизими ҳамда оксидловчи модда берилиши ҳарорат бўйича автоматик тарзда бошқарилиши ҳисобга олиниши лозим. Шунингдек, реакцион масса назоратсиз парчаланиши ҳолатида босим ортишини хавфсиз бартараф этиш учун уюрма сўндирувчи қурилмага эга авария чиқариш клапанлари ёки босимни идишга хавфсиз йўналтирувчи қувурлар тизими ўрнатилиши шарт.

Оксидланиш жараёнлари амалга ошириладиган биноларда портлаш босимини чиқарувчи портлашдан ҳимояловчи конструкциялар бўлиши лозим, булар енгил чиқувчи панеллар ёки шамоллатиш тешиклари портлаш босимини хавфсиз равишда чиқариш имкониятини таъминлайди. Электр жиҳозлари кислород ёки хлор ажралиши эҳтимоли ҳисобга олинган ҳолда танланади, улар мойланмаган бўлиши ва коррозияга қарши ҳимояга эга бўлиши шарт.

86. Кукунсимон оксидловчи моддалар билан ишланганда, жиҳоз ва иншоотларда чанг (хлорат ёки перманганат чанглари) тўпланишига йўл қўйилмаслик лозим. Бундай чанг тўпланишининг олдини олиш учун ускуналар ва сиртлар даврий равишда сув билан ювиб тозаланиши, шу орқали портловчи чанг “ёстиқчалари” ҳосил бўлмаслигини таъминланиш керак. Аммиак селитраси (NH_4NO_3) сақланадиган омборларда маҳсулот тўпланиб қолиши мумкин бўлган бўшлиқ ёки ковак жойлар бўлиши қатъиян ман этилади. Бундай бинолар барча сиртлари силлиқ ва тозалаш учун қулай ҳолда лойиҳалаштирилиши шарт.

87. Оксидловчи моддалар металл материалларда коррозияни келтириб чиқариши мумкин, шунинг учун бундай муҳитларда ишлатиладиган ускуналар мос зангламайдиган пўлат ёки қопламали тайёрланган бўлиши керак.

Жумладан:

кислотали муҳит учун – қўшимчали зангламас пўлатдан тайёрланган ускуналар;

гипохлорит ва пероксидлар учун – эмаль қопламали реакторлар ёки пластик (ПВХ, PVDF) қувурўтказгичлар;

“нам хлор” билан ишлаш учун – титан материалидан ясалган жиҳозлар тавсия этилади.

Мой мавжуд бўлган шароитда босим остидаги кислород портлаш хавфини келтириб чиқариши мумкинлиги сабабли, иккиламчи реакциялар ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Арматура ва насосларда қўлланадиган барча сурков материаллари кислород билан мувофиқ келиши, яъни углеводородли мойлар ишлатилмаслиги, силиконли ёки фторуглеродли сурковлар қўлланилиши лозим.

88. Оксидловчи моддалар иштирокидаги жараёнлар бўйича хавф таҳлили амалга оширилиши лозим. Таҳлил жараёнида қуйидаги эҳтимолий оғишлар аниқланади: “оксидловчининг ортиқча миқдори”, “совитишнинг етишмаслиги”, “оксидловчи моддага бегона модданинг тушиши” ва бошқалар. Таҳлил натижалари асосида зарур ҳимоя чоралари ва хавфсизлик техник тадбирлари ишлаб чиқилиши шарт.

89. Оксидловчи муҳитлар ускуналарнинг эскириши ва емирилишини тезлаштиради, шунинг учун таъмирлашлар орасидаги интерваллар қисқартирилган ҳолда белгиланиши лозим.

Кислород компрессорлари учун зичлагич элементларни тез-тез алмаштириш, шунингдек, коррозия таъсирида ёриқлар ҳосил бўлиши эҳтимолига кўра куракларни мунтазам кўздан кечириш талаб этилади.

Пероксидлар сақланадиган омборларда ҳар ойда бир марта бино ичидаги термометрлар ва ҳароратдан хабар бериш тизими (сигнализацияси) қурилмаларининг ҳолати кўрилиши шарт.

Пероксидлар учун мўлжалланган музлаткич камераларидаги совитиш ускуналари каби парчаланишнинг олдини олиш тизими ҳар чоракда текширилади ва ишчи ҳолати тасдиқланади.

90. Ходимлар оксидловчи моддалар билан ишлашнинг махсус хавфсизлик чора-тадбирлари бўйича ўқитилган бўлишлари лозим. Шунингдек, оксидловчи моддаларга оид ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича амалий ўқув машғулотлари мунтазам равишда ўтказилиши шарт.

91. Оксидловчи моддалар бўйича фавқулодда ҳолатларга тайёргарлик ёнғин ва портлаш хавфини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилиши лозим.

92. Айрим оксидловчи моддалар, жумладан, органик пероксидлар, ўзидан ўзи парчаланиб портлаш хавфини келтириб чиқариши мумкин. Агар датчиклар сақланаётган пероксид ҳароратининг белгиланган даражадан ортишини аниқласа, тизим автоматик равишда совитишни ишга тушириши ёки эвакуация огоҳлантириш ва хабар бериш тизимлари ишга тушиши лозим.

АВТЧБЭР барча шахсларни хавфсиз масофага эвакуация қилишни назарда тутиши лозим. Агар органик пероксиднинг назоратдан чиққан парчаланиш жараёнини тўхтатиш имкони бўлмаса, реакция тўлиқ якунланмагунча ёнғинни ўчириш ишларини бошламаслик талаб этилади.

93. Суюқ оксидловчи модда (50 фоиз водород пероксид) тўкилиши ҳолатида ходимлар ҳимоя қўлқоплари ва кўз ойнакларини кийиб, тўкилган жойни инерт қум билан тўсишлари лозим. Бу ҳолатда пахта ёки мато ва бошқа ёнувчан толали материаллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди, улар оксидловчи модда билан реакцияга кириши мумкин. Тўйинган нам қум металл челакка тўпланиши, бинодан ташқарига чиқарилиши лозим.

Қаттиқ оксидловчи моддалар (селитра, перманганат ва бошқалар) тўкилиши ҳолатида модда тоза идишга йиғиб олинади, қолдиқ эса кўп миқдордаги сув билан ювиб тозаланади. Гранулаларни полга босиб киритиш қатъиян ман этилади, ишқаланиш натижасида органик моддалар ёниши мумкин.

Кичик авариялярни бартараф этиш режаси ходимлар учун қадамма-қадам кўрсатмалар йўриқномасини ўз ичига олиши лозим. Йўриқномада тўкилган моддани қандай модда билан қоплаш (сорбент ёки қум), қайси модда билан ювилиши, тўпланган моддаларни қаерга ва қандай тарзда чиқарилиши ёки вақтинча сақланиши аниқ кўрсатилиши шарт.

94. Заҳарли газлар ажралиб чиқиши сабабли ёнғин содир бўлганда (нитрат целлюлозаси ёнишида азот оксидлари (NOx) ажралади) огоҳлантириш тизими кимёвий ҳодиса каби ишга тушиши лозим. Яъни, сиреналар орқали сигнал берилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан аҳолига ахборот етказилиши таъминланиши керак.

95. Ёнғиндан сақлаш хизматлари (давлат, идоравий ва кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизматлари) объектда оксидловчи моддалар мавжудлиги тўғрисида олдиндан хабардор қилинган бўлиши ва улар билан ишлаш тактикаси бўйича махсус тайёргарликдан ўтган бўлишлари лозим.

Хусусан, улар қуйидагиларни билишлари шарт:

сув оксидловчи моддаларда ёнғинни ўчиришнинг асосий воситаси эканлиги;

углеводородли эритувчилар асосидаги кўпик таркиблардан фойдаланиш ман этилиши, чунки улар оксидловчи муҳитда ўзлари ёнувчан;

фторли бирикмалар асосидаги махсус чидамли кўпиклар ёки майин пуркаладиган сув қўлланиши лозим.

Шунингдек, ёнғиндан сақлаш хизмати қайта портлашлар эҳтимоли (агар омборда турли партияда пероксидлар бўлса) ҳақида хабардор бўлиши керак. Корхона маҳаллий ёнғиндан сақлаш хизматига объектдаги оксидловчи моддалар захираси ва уларнинг асосий хусусиятлари тўғрисида маълумот бериши шарт.

96. Оксидловчи моддалар билан ишлайдиган хавфли ишлаб чиқариш объектларида қуйидагилар бўлиши шарт:

а) оксидловчи моддалар енгил алангаланувчи суюқликлар (ЕАС), ёнувчан суюқликлар (ЁС), ёнувчан газлар ёки бошқа ёнувчан моддалар билан бир жойда сақланмаслиги лозим. Оксидловчи моддалар сақланадиган хона ёки бўлимда ҳар қандай ёнувчан материаллар (ёғоч қути, қоғоз қоплама, мато ва бошқалар) бўлмаслиги шарт.

Агар оксидловчи модданинг қадоқ қопламаси ёнувчан материалдан (картон қути) тайёрланган бўлса, у ҳолда уни металл ёки керамик тагдонга, ёнғин чиқариши мумкин бўлган манбалардан узоқ масофада жойлаштирилиши керак;

б) сақлаш жойларида огоҳлантирувчи белгилар мавжуд бўлиши лозим. Идишлар (бочкалар, канистрлар) тамғаланган бўлиши шарт: уларда сариқ ромб шаклидаги белги, доира устида аланга тасвири ва "Оксидловчи модда" деган ёзув бўлиши керак. Ёрлиқлар аниқ ўқиладиган, уларда модданинг концентрацияси ва ишлаб чиқарилган санаси кўрсатилган бўлиши шарт;

в) бино ичида ҳаво айланиши яхши ва ҳарорат мўътадил, омбордаги термометр кўрсаткичи белгиланган меъёр (15–25°C) доирасида бўлиши лозим (алоҳида махсус талаблар белгиланмаган бўлса);

г) пол ва жавонлар ҳолати, уларда тўкилган кристалл ёки суюқлик оқиши мавжуд эмаслиги лозим;

ж) "Оксидлантирувчи моддаларни сақлашда ёнғин хавфсизлиги чоралари" ва "Тўкилиши/авария ҳолатида ҳаракатлар тартиби" номли йўриқномалар бўлиши керак;

з) омбор яқинида ўчириш ва нейтраллашга мўлжалланган воситалар бўлиши керак:

кислотали оксидловчилар учун – кальцийланган (сувсизлантирилган) сода солинган қоплар;

перманганат тўкилиши ҳолатида – сув тўлдирилган бочкалар;

ўта реакцион моддалар учун – қум, белкураклар ва бошқа ёрдамчи жиҳозлар;

и) оксидлантирувчи моддаларнинг келиб тушиши ва сарфи ҳисоби юритилиши керак (айниқса, улар прекурсор ёки назоратдаги моддалар бўлса). Бинони даврий кўрикдан ўтказиш журнали мавжудлиги ва унда органик материаллар йўқлиги ҳамда тозалаш ишлари амалга оширилгани ҳақидаги ёзувлар борлиги аниқланади.

7-боб. Портловчи моддалар хавфсизлигига қўйиладиган талаблар

97. Портловчи моддаларни ишлаб чиқариш ёки қўллаш жараёнларида иш жойида бир вақтнинг ўзида мавжуд портловчи моддалар миқдори минимал даражада сақланиши лозим.

98. Портловчи моддалар билан ишлайдиган машиналар ва механизмлар содда тузилишда ҳамда улар умуман учқун чиқармайдиган бўлиши лозим. Электр юритмалар ўрнига пневматик бошқарув тизимлари қўлланиши, ҳаво босими меъёрий даражада чекланиши керак (ускуналар қизимаслиги учун).

Агар электр таъминотидан фойдаланиш зарурати бўлса, у ҳолда паст кучланишли (12 Vгача) электр тизими қўлланиши лозим. Барча электр ускуналари учқун хавфсизлиги тўсиқлари орқали уланиши шарт.

Портловчи моддалар билан тўғридан-тўғри контактда бўладиган барча машиналар сиртлари антифрикцион (ишқаланиш ва иссиқлик ажралиб чиқишини камайтирувчи) материаллар билан қопланган бўлиши лозим. Фойдаланиладиган асбоб-ускуналар фақат ёғоч, мис ёки пластмассадан тайёрланган бўлиши мумкин. Пўлат ёки темир асбоблардан фойдаланиш қатъиян ман этилади.

99. Портлаш хавфи мавжуд моддалар билан боғлиқ технологик жараёнлар амалга ошириладиган бинолар портлаш оқибатларини камайтиришга мўлжалланган ҳимоя тизимлари билан жиҳозланган бўлиши лозим. Бундай тизимлар қуйидаги турларга бўлинади:

портлашни бостиришнинг фаол тизимлари, порох ишлаб чиқаришда қўлланадиган сўндирувчи автоматик тизимлар;

пассив тизимлар, енгил ташланадиган панеллар ва портлаш тўлқинини юқорига йўналтирадиган махсус каналлар.

Бундан ташқари, бинолар портловчи моддалар ёнганда хавфсиз масофадан бошқарилувчи ёнғин ўчириш қурилмалари билан таъминланган бўлиши керак.

Портлаш хавфи юқори бўлган участкаларга фақат билим синовларидан ўтган ва махсус тайёргарликка эга бўлган чекланган сондаги ходимларга киришига рухсат берилади.

100. Агар жараён узлуксиз тарзда амалга ошириладиган бўлса, у ҳолда ҳар қандай фавқулодда ҳолатда автоматик тўхтатиш блокировка тизими бўлиши шарт.

101. Портловчи моддалардан фойдаланадиган корхонада портловчи моддаларни сақлаш, ишлатиш ва ташишга оид амал қилувчи лицензиялар бўлиши лозим. Шунингдек, портловчи моддалар ҳисоби журнали юритилиши, унда келган миқдор, сарфланган ва қолдиқ миқдорлар, масъул шахслар тўғрисидаги маълумотлар бўлиши шарт.

102. Портловчи моддалар билан ишловчи ходимлар махсус тайёргарликдан ўтишлари ва билимларини даврий равишда текширилиши шарт.

103. Портловчи моддалар билан ишлашга рухсат этилган ходимлар тегишли жисмоний ҳолатга ва соғлом руҳий-психологик қобилиятга эга бўлишлари шарт.

104. Портловчи моддалар сақланадиган омборларда даврий ички тафтишлар ўтказилиши шарт. Бунда мавжуд моддаларни қайта санаб чиқиш, ҳисоб журналидаги миқдор билан амалда мавжуд миқдорни солиштириш, сақлаш идишлари ва тамғалар бутунлигини текшириш керак.

105. Портловчи моддалар сақланадиган объектлардаги авария вазиятлари тарқалишини чегаралаш ва бартараф этиш режаси қуйидаги сценарийларни ўз ичига олиши лозим:

“Портловчи моддалар омборида ёнғин (портлашсиз)”;

“Омборда қисман портлаш”;

“Ишлаб чиқариш линиясини детонация ҳолати”.

Ҳар бир сценарий учун эвакуация зоналари ва парчалар сочилиш радиуслари аниқ белгилаб қўйилиши керак.

106. Портлаш ёки ёнғин ҳолатида махсус огоҳлантирувчи сирена сигнали автоматик равишда ишга тушиши лозим. Аҳоли ва ходимлар бу сигналнинг маъносини олдиндан билишлари керак:

сигнал эшитилганда ерга ётиш ёки хавфсиз жойда паноҳ топиш,

портлашлар тўхтагандан сўнг эвакуация буйруғи берилгач, белгиланган йўналиш бўйича бинодан чиқиш талаб этилади.

107. Портловчи моддаларни сақлаш ва фойдаланиш объектларида қуйидагилар бўлиши шарт:

портловчи моддаларни сақлашга оид амалдаги лицензия;

портловчи моддаларни сақлаш учун масъул шахслар рўйхати (корхона буйруғи билан тасдиқланган) мавжудлиги;

ходимларда портловчи моддалар билан ишлаш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар.

8-боб. Енгил аланғаланувчи ва портловчи кимёвий моддаларни сақлашга қўйиладиган талаблар

108. Енгил аланғаланувчи ва портловчи кимёвий моддалар уларнинг физик-кимёвий хусусиятлари, реакцияга киришиш қобилияти ҳамда хавф даражасини ҳисобга олган ҳолда сақланади.

109. Енгил аланғаланувчи суюқликлар, оксидловчи моддалар, кислоталар, ишқорлар, заҳарли моддалар, сиқилган ва суюлтирилган газлар гуруҳларга ажратилиб сақланиши керак.

110. Енгил аланғаланувчи суюқлик ва оксидловчи моддалар, кислоталар ва ишқорлар, заҳарли моддалар, озиқ-овқат маҳсулотлари, оксидловчи моддалар ҳамда органик моддаларни биргаликда сақлаш тақиқланади.

111. Ҳар бир гуруҳга мансуб моддалар алоҳида хоналарда, секцияларда ёки изоляцияланган жойларда сақланиши шарт, жумладан:

енгил аланғаланувчи суюқликлар портлаш хавфли зонада, шамоллатиш тизими билан жиҳозланган махсус омборларда;

оксидловчи моддалар ёнувчан материаллардан камида 5 m масофада ёки ёнмайдиган тўсиқлар билан ажратилган ҳолда;

кислоталар ва ишқорлар коррозияга чидамли идишларда, бир-биридан алоҳида;

сиқилган ва суюлтирилган газлар ташқи майдонларда ёки махсус шамоллатиш тизими мавжуд шкафларда.

112. Суюқ моддалар сақланадиган барча жойлар иккилламчи тўсиқ (ариқчалар (лоток), поддон таралар, марза) билан жиҳозланган бўлиши шарт:

иккилламчи тўсиқ (марзаланган ҳудуд) ҳажми энг катта идиш (резервуар) ҳажмининг маҳсулот сиғадиган қилиб, камида 110 фоизини ташкил қилиши;

ариқчалар (лоток) кислоталар учун кислотабардош пластик ёки қопламалар, енгил алангаланувчи суюқликлар учун антистатик ва ёнғинга чидамли материалдан тайёрланиши;

ариқчаларда (лоток) авария ҳолатида моддани чиқариш учун клапанли тизимлар кўзда тутилиши.

113. Умумий ҳажми 5 000 kg дан ортиқ кимёвий моддалар алоҳида бинода сақланиши шарт.

114. Кимёвий моддаларни ертўлаларда сақлаш тақиқланади.

115. Сақлаш бинолари қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

деворлар ёнғинга чидамли;

қопламалар суюқлик ўтказмайдиган ва антистатик қопламага эга бўлиши;

эшиклар автоматик ёпилувчи;

шамоллатиш тизими доимий ишчи ҳолатда.

116. Ҳаво алмашинувининг ҳажми ва карралиги ишлаб чиқариш ҳамда маиший хоналар учун шамоллатиш ва ҳавони мутадиллаш бўйича амалдаги қурилиш нормалари талабларига мувофиқ таъминланиши лозим.

117. Бир хонанинг ичида сақланадиган кимёвий моддалар миқдори қуйидаги чегаралардан ошмаслиги лозим.

ишлаб чиқариш хоналарида:

енгил алангаланувчи суюқликлар – 200 kg гача;

заҳарли моддалар – 50 kg гача;

оксидловчи моддалар – 100 kg гача;

маъмурий хоналарда:

енгил алангаланувчи суюқликлар – 50 kg гача;

заҳарли моддалар – 10 kg гача;

оксидловчи моддалар – 25 kg гача;

омборхоналарда:

енгил алангаланувчи суюқликлар – 5 000 kg гача;

заҳарли моддалар – 1 000 kg гача;

оксидловчи моддалар – 2 000 kg гача.

118. Енгил алангаланувчи суюқликлар сақланадиган хоналарда ҳарорат 27°C дан ошмаслиги лозим.

119. Заҳарли газлар сақланадиган хоналарда мажбурий ҳаво чиқариш шамоллатиш тизими ўрнатилиши лозим.

120. Шамоллатиш тизимида ҳавони қайта айлантириш (рециркуляция) тақиқланади.

121. Корхонада қуйидаги ҳисоб ҳужжатлари юритилиши лозим:

келиб тушиш журнали;

сарф журнали;

инвентаризация ҳисоботи (камида ойда бир марта).

9-боб. Технологик жараёнларни назорат қилиш, бошқариш, хабар бериш тизими (сигнализация) ва авариядан қарши автоматик ҳимоя тизимлари

122. Енгил алангаланувчи ва портловчи кимёвий моддалар ишлатиладиган технологик жараёнларни назорат қилиш ва бошқариш бошқарув хонасида жойлашган оператор иш жойидан туриб амалга оширилиши, бунда жараён хавфсизлигини белгилаб берувчи технологик кўрсаткичларни назорат қилиш, авария олди ҳамда авария вазиятларида хабар бериш тизими (сигнализация) воситаларини ускуна жойлашган жойда ва бошқарув хонасида ҳам ўрнатилиши керак.

123. Технологик кўрсаткичларни (сарф, босим, ҳарорат) ўлчаш ва тартибга солиш ишчи муҳитда коррозияга чидамли ёки унинг таъсиридан ҳимояланган техник қурилмалар ёрдамида амалга оширилади.

124. Белгиланган тартибда қиёсловдан ўтказилмаган, шунингдек, қиёслаш муддати ўтган назорат-ўлчов асбоблари ва автоматлаштириш воситаларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

125. Енгил алангаланувчи ва портловчи кимёвий моддалар сақланадиган идишлар чегаравий сатҳ қийматлари хабар бериш тизимига (сигнализация) эга суюқликларнинг сатҳини ўлчаш, назорат қилиш ва тартибга солиш воситалари ва белгиланган чегаравий сатҳга етганда, уларни идишга узатилишини автоматик тарзда узиб қўядиган воситалар ёки суюқликнинг тошиб кетишига йўл қўймайдиган бошқа воситалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

126. Енгил алангаланувчи ва портловчи кимёвий моддалар билан ишлар амалга ошириладиган хоналарда ҳавонинг ҳолатини мунтазам назорат қилиш ташкил этилган бўлиши керак.

Фойдаланиш шароитларига кўра кучли таъсир кўрсатадиган моддалар буғи ажралиб чиқадиган хоналарда ЧЙҚК меъёрдан ошганлигини хабар бериш тизими (сигнализация) билан бирга уларнинг ҳаводаги миқдорини автоматик назорат қилиш таъминланган бўлиши керак. Агар ушбу хоналарда ЧЙҚК ошиб кетганда, қуйидагилар ишга тушиши керак:

а) бошқарув хонасида ва жойида ёруғлик ва овозли хабар бериш тизими;

б) зарур ҳолларда атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни ютувчи авариявий тизим билан блокировка қилинган авария ҳолатида шамоллатиш.

127. Фойдаланиш шароитларига кўра ишчи ҳудуд ҳавосига кучли таъсир кўрсатадиган моддалар буғи ажралиб чиқиши мумкин бўлган очиқ майдончаларда жойлашган омборхоналарда, тўкиш-қуйиш пунктларида ЧЙҚК меъёрдан ошганлигини хабар бериш тизимлари (сигнализация) автоматик назорат кўзда тутилиши лозим.

Кўрсатилган жойларда ЧЙҚК меъёрдан ошиб кетганда, бошқарув хонасида ва жойда ёруғлик ва овозли хабар бериш тизимлари ишга тушиши керак. Бунда барча газланганлик ҳолатлари асбоблар ёрдамида қайд этилиши керак.

Датчикларнинг сезувчанлик чегараси, уларнинг сони ва жойлашиши лойиҳа билан белгиланади ва асосланади.

10-боб. Техник қурилмалар ва ускуналар хавфсизлик талаблари

128. Енгил алангаланувчи ва портловчи кимёвий моддалар ишлатиладиган хавфли ишлаб чиқариш объектларида қўлланадиган техник қурилмалар ва ускуналар (реакторлар, насослар, арматуралар, фильтрлар, идишлар) белгиланган тартибда мувофиқлик сертификатига эга бўлиши, шу жумладан, чет элда ишлаб чиқарилган техник қурилма ва ускуналар давлатлар ўртасида тан олинган мувофиқлик сертификатига эга бўлиши керак.

129. Техник қурилмалар ва ускунларнинг (ишлаб чиқариш ускуналарининг) конструкцияси ушбу Қоидалар талабларига, шунингдек, ишлаб чиқариш ускунасига қўйиладиган хавфсизлик талабларига жавоб бериши керак. Жумладан, кислотабардош, ишқорларга чидамли, пероксидлар учун антистатик, учқун чиқармайдиган, кислород билан реакция қилмайдиган материаллардан, герметик ва зарбага бардошли бўлиши, шунингдек, қўлланадиган модданинг физик-кимёвий хусусиятларига тўлиқ мослаштирилган бўлиши шарт.

130. Барча техник қурилмалар учун фойдаланиш қўлланма ҳужжатлари (паспорт, техник тавсиф, хавфсизлик паспорти) ишлаб чиқарувчи томонидан берилган бўлиши ва ташкилот томонидан давлат тилига таржима қилинган ҳолда сақланиши шарт. Қўлланмада ускунанинг хавфли зоналари, тозалаш тартиби, хизмат кўрсатиш графиги ва авария ҳолатида ҳаракат қилиш тартиби кўрсатилган бўлиши лозим.

131. Бевосита ускуналар ёки уларга хизмат кўрсатиш ҳамда бошқариш жойлари яқинида:

ускуналар, коммуникацияларнинг жойлашиш ва технологик алоқалар схемалари;

моддалар оқими йўналиши;

хавфли зоналар ва биринчи ёрдам пунктлари;

шамол йўналиши кўрсаткичлари (пероксидларнинг газланиш хавфи бор ҳудудлар учун) осилган бўлиши керак.

132. Техник қурилмалар ва ускунлардан ишлаб чиқариш шароитлари ва ушбу Қоидалар талабларини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқувчи ташкилотнинг техник ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган технологик йўриқномалар талабларига мувофиқ фойдаланиши керак.

133. Техник қурилмалардан фойдаланишга фақат қонунчилик ҳужжатларига талабларига мувофиқ тайёрланган фойдаланувчи ва таъмирловчи ходимлар қўйилади. Таъмирлаш ишлари фақат махсус тайёргарликка эга бригадалар томонидан амалга оширилади.

134. Техник қурилмаларга хизмат кўрсатиш учун ишлатиладиган асбоб-ускуна ва мосламалар хавфсизлик талаблари ва бажариладиган ишларга мувофиқ бўлиши керак.

Енгил алангаланиш ва портлаш хавфи бўлган ҳудудлар ва хоналарда ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва мосламалар улар билан ишлаганда учқун чиқармаслиги керак.

135. Иш ўринларида асбоб-ускуналар ва мосламалар махсус ажратилган жойларда ёки асбоб-ускуна шкафларида енгил алангаланувчи ва портловчи кимёвий модда турига мос бўлинмада сақланиши керак. Пероксидлар билан ишловчи асбоб-ускуналар бошқалардан алоҳида сақланади ва уларнинг юзида “Пероксид зонаси учун” деб белгиланади.

136. Носоз техник қурилмаларда ишлаш, шунингдек, носоз мослама ва асбоблардан фойдаланиш тақиқланади.

11-боб. Енгил алангаланувчи ва портловчи кимёвий моддаларни йўқ қилишга қўйиладиган хавфсизлик талаблари

137. Енгил алангаланувчи ва портловчи кимёвий моддалар ва улар қадоқланган идишларни йўқ қилиш ишлари кимёвий маҳсулотнинг хавфсизлик паспортида белгиланган талабларга ҳамда ушбу маҳсулот турига оид стандартлар ва норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

138. Енгил алангаланувчи ва портловчи кимёвий моддаларни йўқ қилиш жараёнининг хавфсизлиги қуйидаги ҳимоя чораларига риоя этиш орқали таъминланади:

хавфсизликни таъминлайдиган технология ва ускуналарни, атроф-муҳит ифлосланишнинг олдини олувчи техник воситалар ва иш усулларини танлаш;

йўқ қилиш жараёнида хавфсизлик даражасини назорат қилувчи техник воситалардан фойдаланиш ва уларга ўз вақтида техник хизмат кўрсатиш;

авария ҳолатларининг олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни бартараф этиш учун зарур воситалар билан жиҳозланиш.

139. Йўқ қилиш жараёнида чиқиндиларнинг ҳавога, сувга ёки тупроққа тушишига йўл қўйилмайди. Барча чиқиндилар зарарсизлантириш ёки йиғиш тизимига йўналтирилиши лозим.

Чиқиндиларни ёқиш ёки нейтраллаш жараёни вақтида чиқариладиган газлар тозалаш (фильтрация) қурилмалари орқали атмосферага чиқарилиши керак.

140. Йўқ қилиш жараёнида иштирок этувчи ходимлар махсус тайёргарликдан ўтган бўлиши, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиши шарт.

Иш жойларида биринчи тиббий ёрдам воситалари ва заҳарланиш ҳолатида ҳаракатлар бўйича йўриқнома мавжуд бўлиши керак.

141. Ёқиш ёки зарарсизлантириш ускуналари хавфсизлик тизимлари билан жиҳозланган бўлиши лозим. Бу ускуналар белгиланган муддатларда техник кўрик ва калибровкадан ўтказилиши лозим.

142. Заҳарли моддалар чиқиндиларини йўқ қилиш жараёнида атроф-муҳит параметрларининг (ҳаво, сув, тупроқ) ҳолати доимий мониторинг орқали назорат қилинади.

Мониторинг натижалари ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг ҳудудий бошқармасига тақдим этилади.

12-боб. Шахсий ҳимоя воситалари

143. Енгил алангаланувчи ва портловчи кимёвий моддалар билан ишлаш ташкилот ходимларига белгиланган тартибда бериладиган шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши керак.

144. Ишчиларга якка тартибда фойдаланиш учун бериладиган шахсий ҳимоя воситалари (кейинги ўринларда – ШҲВ) иш вақтида уларнинг иш жойида бўлиши керак.

Иш вақтида қўлланадиган махсус кийимлар, махсус пойабзаллар ва бошқа ШҲВ рўйхати, бажарилган ишнинг ўзига хос шартлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир иш жойи учун меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқномасида кўрсатилиши керак.

145. Нафас органларининг шахсий ҳимоя воситалари (кейинги ўринларда – НОШҲВ), хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг ишчиларга таъсирининг олдини олиш ёки камайтириш учун ишлатилиши ва юқори даражадаги ҳимоя самарадорлиги ва фойдаланиш қулайлигини таъминлаш, меҳнат фаолияти учун энг мақбул шароитларни яратиш керак.

146. Қўл терисини моддалар таъсиридан ҳимоя қилиш учун ҳимоя ва профилактик малҳам, паста ва кремлардан фойдаланиш керак.

147. Ишлаб чиқариш хоналарида, моддалар сақланадиган омборларда ва моддалар билан иш олиб бориладиган жойларда, авариявий шахсий ҳимоя воситалари, шунингдек, авария вазияти содир бўлганда (душ ёки ўзига ёрдам бериш ваннаси, ўзига ёрдам бериш раковинаси ва бошқалар) жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш тўпламлари мавжуд бўлиши керак.

13-боб. Ёнғин хавфсизлиги

148. Енгил алангаланувчи ва портловчи кимёвий моддалардан фойдаланадиган саноат корхоналарининг барча ишлаб чиқариш, сақлаш ва бошқа ёрдамчи хоналари Вазирлар Маҳкамасининг “Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 20 октябрдаги 649-сон қарорига мувофиқ ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари билан таъминланиши керак.

14-боб. Енгил алангаланувчи ва портловчи кимёвий моддаларни автомобиль транспортида ташиш

149. Енгил алангаланувчи ва портловчи кимёвий моддаларни автомобиль транспортида ташишда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 35-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида хавфли юкларни автомобиль транспортида ташиш қоидалари талабларига риоя қилиниши шарт.

150. Енгил алангаланувчи ва портловчи кимёвий моддалар халқаро стандартлар (СГС ОТ – Мувофиқлаштирилган глобал тизим, ADR – Халқаро хавфли юклар ташиш қоидалари) бўйича хавфли юклар даражаларига мувофиқ қуйидагича таснифланади:

1-даража – портловчи моддалар;

2-даража – сиқилган, суюлтирилган ва босим остида эритилган газлар;

3-даража – енгил алангаланадиган суюқликлар;

4-даража – енгил алангаланадиган қаттиқ моддалар, ўз-ўзидан ёнадиган моддалар (ЎЎЁМ), сув билан реакцияга киришиб алангаланувчи газлар чиқарадиган моддалар;

5-даража – оксидловчи моддалар ва органик пероксидлар;

6-даража – заҳарли моддалар ва биологик хавфли моддалар (масалан, инфекция тарқатувчи моддалар);

7-даража – радиоактив моддалар;

8-даража – ўювчи ва (ёки) коррозия қилувчи моддалар;

9-даража – бошқа хавфли моддалар ва буюмлар (масалан, экологик хавфли моддалар, магнитли ёки литий батареялар).

151. Енгил алангаланувчи ва портловчи кимёвий моддаларни ташишда қадоқлаш ва жойлаштириш амалдаги норматив ҳужжатларда белгиланган идишлар ва қадоқ турларига мувофиқ бўлиши шарт.

Қадоқлар маҳсулотни ташиш, сақлаш, юклаш-тушириш жараёнларида хавфсизлик таъминлаши керак.

Сертификатланган ва UN белгисига эга қадоқлардан фойдаланишга рухсат этилади.

Ҳар бир қадоқ ва идишда қуйидагиларни қамраб олган тамғалар бўлиши шарт:

модданинг тўлиқ номланиши;

хавф даражаси (UN рақами, пиктограмма);

ҳажми ва оғирлиги;

хавфли юк даражаси (1–9);

ишлаб чиқарувчи, партия рақами, ишлаб чиқарилган сана.

152. Ҳар бир модда ўз хусусиятига кўра мос қадоқда ва герметик ҳолда ташилиши керак (натрий ва фосфор махсус мойли банкаларда, киноплёнкалар ва плёнкалар металл қутиларда сақланади).

Ёруғлик, ҳарорат ва намлик таъсирида ёниши мумкин бўлган моддалар изоляцияланган идишларда, металл барабанларда ва махсус термоизоляцияланган цистерналарда ташилиши лозим.

Қадоқлар ташиш пайтида бир-бирига урилиб ёки силжиб кетмаслиги учун ортиш вақтида жипс жойлаштирилиши, синдириб юбормаслик учун ораликлар инерт модда билан тўлдирилиши талаб қилинади.

153. Барча автотранспорт воситалари, хусусан, махсус цистерна, контейнер ва барабанларда ташиладиган енгил алангаланувчи ва портловчи моддалар учун транспорт воситаси техник жиҳатдан соз ҳолда бўлиши керак. Учқун чиқарувчи ёки чидамсиз қисмлар бўлмаслиги талаб этилади.

Ҳар бир транспорт воситаси қуйидаги жиҳозлар билан таъминланган бўлиши шарт:

портлаш хавфини камайтирувчи вентиллар ва клапанлар;

босим ва даража назорати ускуналари;

автоцистернада тўкилиш ёки газ чиқиши ҳолатида ҳимоя механизми.

Кимёвий моддалар учун идиш ва қадоқлар (баллонлар, банкалар, шиша идишлар) турига қараб махсус транспорт воситасида маҳкамланиб, қўлланилган қадоқлардан фойдаланиш тақиқланади.

Суюқ ёки газсимон моддаларни ташишда идиш тўлиқ тўлдирилмайди. Қуйиш ҳажми сиғимнинг 85–90 фоиздан ошмаслиги керак (модда ўз хусусиятига кўра).

154. Ҳар хил хавфли моддаларни бир вақтда, бир контейнер ёки кузовда ташиш тақиқланади. Айниқса, оксидловчи, заҳарли, портловчи ва органик моддаларни бирга жойлаштириш мумкин эмас.

Ҳар бир юк хавф даражаси бўйича белгиланиб, тамғаланган бўлиши ва ҳужжатларда акс эттирилиши керак.

155. Органик пероксидлар каби енгил парчаланадиган моддаларни қисқа масофаларда ташишда, ҳароратга сезгирликни ҳисобга олган ҳолда, бутун ташиш вақти мобайнида барқарор ҳароратни сақлаб турувчи махсус совитувчи элементлар билан жиҳозланган ҳимоявий қадоқлардан фойдаланишга йўл қўйилади. Бу ҳолда модда термик парчаланиш ёки автокаталитик реакцияга киришмаслиги лозим.

156. Оксидловчи моддалар ва органик пероксидлар юкланишидан олдин автотранспорт воситасининг юк жойи (кузов) синчковлик билан чангдан тозаланиши, шунингдек, аввал ташилган моддалар қолдиқларининг қолмаслиги таъминланиши шарт. Бу ёнувчанлик ва реактив хавфларни камайтириш учун зарур ҳисобланади.

157. Автомобиль транспортида енгил алангаланувчи ва портловчи кимёвий моддаларни ташиётган ҳайдовчида қуйидаги расмийлаштирилган ҳужжатлар мавжуд бўлиши шарт:

автотранспорт воситасининг хавфли юкларни ташишга яроқлилигини тасдиқловчи гувоҳнома;

ҳайдовчининг хавфли юкларни ташиш бўйича махсус тайёргарликдан ўтганини тасдиқловчи гувоҳнома;

ташилаётган модда тоифасига мувофиқ ҳолда авариявий ҳолатда ҳаракат қилиш бўйича карточка;

ташувчи, жўнатувчи ва қабул қилувчи ташкилотларнинг масъул шахслари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг навбатчи қисмлари манзил ва алоқа маълумотлари;

Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси томонидан берилган хулоса (сиғимнинг техник жиҳатдан яроқлилиги бўйича);

ҳаракат маршрути ва тўхташ жойлари кўрсатилган, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ҳудудий Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан келишилган йўналиш схемаси.

15-боб. Атроф-муҳит муҳофазаси

158. Енгил алангаланувчи ва портловчи кимёвий моддалардан фойдаланишни йўлга қўйишда чиқиндиларини ажратиб чиқариши меъёрларда кўзда тутилган даражаларгача камайтирадиган технологик жараёнлар ва ускуналардан фойдаланиш керак.

159. Атроф-муҳитнинг технологик чиқиндилар таркибидаги зарарли моддалар билан ифлосланиш эҳтимолини ҳисоблаш, енгил алангаланувчи ва портловчи кимёвий моддаларни ишлатадиган корхонанинг технологик лойиҳаси таркибига кириши керак.

Бунда лойиҳада фойдаланиш даврида ҳисоб-китобларда қабул қилинган зарарли моддаларнинг чиқиши шароитлари таъминланадиган тадбирлар мажмуи кўзда тутилиши лозим.

160. Бир вақтнинг ўзида газ-чанг тутиб қолувчи қурилмаларни реконструкция қилмасдан туриб, чиқадиган газлар ёки уларнинг таркибидаги зарарли моддалар концентрациялари ҳажмининг ошиши билан боғлиқ технологик ускуналар унумдорлигини ошириш тақиқланади.

161. Атроф-муҳитни ифлосланишига олиб келиши мумкин бўлган манбалардан чиқаётган саноат чиқиндилари устидан доимий назорат ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилиши билан бир қаторда, корхоналар томонидан ҳам ишлаб чиқариш назорати доирасида таъминланиши лозим.

Корхона ва ташкилотларда замонавий кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил воситалари билан жиҳозланган махсус лабораториялар бўлиши керак.

162. Саноат оқова сувларини зарарсизлантириш енгил алангаланувчи ва портловчи кимёвий моддалар билан муомала қилувчи корхоналар учун мажбурий ҳисобланади. Оқова сувлар таркибидаги зарарли моддаларнинг концентрацияси сув объектларига ташланиш жойида Ўзбекистон Республикасининг Сув кодекси ҳамда амалдаги санитария ва экологик нормаларда белгиланган меъёрлардан ошмаслиги керак.

163. Сув ҳавзалари ва жой рельефига қуйидагиларни чиқариш тақиқланади:

таркибида ЧЙҚК ёки тахминий йўл қўйиладиган даражаси белгиланмаган моддалар ёки моддаларнинг сувда трансформацияланиши маҳсулотлари, шунингдек, аналитик назорат усуллари мавжуд бўлмаган моддалар бўлган оқова сувлар;

сув чиқармайдиган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, рационал технологияларни татбиқ қилиш, айланма ва такрорий сув таъминоти тизимларида максимал ишлатиш, тегишли тарзда тозалангандан ва зарарсизлантирилгандан кейин саноатда фойдаланиш йўли билан бартараф этилиши мумкин бўлган оқова сувлар.

164. Оқова сувлар фақат махсус рухсатнома ва белгиланган чегаравий йўл қўйиладиган оқизиш меъёрлари асосида табиий сув ҳавзаларига ёки жой рельефига оқизилади. Бу тартиб атроф-муҳитни ифлосланишдан ҳимоя қилиш мақсадида сувдан махсус фойдаланиш турига киради ва Ўзбекистон Республикасининг Сув кодекси билан тартибга солинади.

165. Саноат чиқиндилари қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ кўмиб ташланади.

QMMB: 09/26/326/0639-son
26.06.2026-y.

Заҳарли саноат чиқиндилари, шунингдек, марказлаштирилган ҳолда полигонларда ва қайта ишлаш, нейтраллаш станцияларида жойлаштирилиши, қайта ишланиши ҳамда нейтралланиши мумкин.

16-боб. Якунловчи қоида

166. Ушбу Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/327/0628-son
25.06.2026-y.

25 (1253)-son
622-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 25 » iyun № 327 Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 21 августдаги ПФ–141-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 21 августдаги ПФ–141-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясида 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб “Суд фаолияти” мутахассислиги бўйича амалий **магистратура дастури асосида ўқитиш** ташкил этилиши белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

магистратура босқичида ўқув жараёни таълимнинг кундузги ва кечки шаклларида тўлов-контракт асосида ташкил этилиши;

магистратура дастурлари бўйича қабул параметрлари, тўлов-контракт қиймати ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси кенгаши таклифи асосида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан тасдиқланиши;

магистратура мутахассислигига ички ва ташқи абитуриентлар алоҳида танлов асосида қабул қилиниши;

магистратура дастури бўйича таълим олиш муддати бир йилни ташкил этиши, битирувчиларга магистратура мутахассислиги бўйича давлат намунасидаги диплом берилиши.

QMMB: 09/26/327/0628-son
25.06.2026-y.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

QMMB: 09/26/327/0628-son
25.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “25” июндаги 327 -сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 21 августдаги ПФ–141-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси (кейинги ўринларда – Академия) магистратурасига (кейинги ўринларда – магистратура) ўқишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси кенгаши (кейинги ўринларда – Академия Кенгаши) – Академия ректори раҳбарлик қиладиган жамоатчилик бошқаруви органи;

Академия қабул комиссияси – магистратура мутахассислиги бўйича ўқишга қабул қилиш учун танлов ўтказиш, абитуриентлардан ҳужжатларни қабул қилиш ва уларга маслаҳатлар бериш ҳамда бошқа ташкилий масалаларни ҳал этиш учун ҳар йили Академия ректори буйруғи билан камида 5 нафар аъзодан иборат таркибда тузиладиган комиссия;

ички абитуриент – олий юридик маълумотга эга бўлган, суд тизимида, судьялар ҳамжамияти органлари ва муассасаларида камида 3 йиллик иш стажига эга бўлган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Президент Администрацияси раҳбари томонидан тайинланадиган ёки келишиб олинадиган лавозимларда фаолият юритиб келаётган ҳамда ушбу Низом талаблари асосида магистратурага ўқишга кириш танловларида иштирок этувчи шахс;

ташқи абитуриент – олий юридик маълумотга эга бўлган ҳамда ушбу Низом талаблари асосида магистратурага ўқишга кириш танловларида иштирок этувчи шахс.

3. Магистратура мутахассислигига қабул жараёни таълимнинг кундузги ва кечки таълим шакллари учун амалга оширилади.

4. Магистратурада ўқиш муддати – кундузги ва кечки таълим шакллари учун бир йилни ташкил этади.

5. Магистратура мутахассислигининг кечки таълим шаклида (кундузги таълимдан фарқли равишда) бир ҳафтада одатда, беш кун ўқитилади ва ҳафталик ўқув соати ҳажми 20 академик соат қилиб белгиланади.

6. Кечки таълимда ўқиш кундузги смена меҳнат фаолиятидан кейинги вақтда аудитория машғулотлари (маъруза, амалий машғулот ва бошқалар) шаклида амалга оширилади.

7. Магистратурага қабул қилишда абитуриентларнинг муайян тоифаларига республиканинг бошқа олий таълим ташкилотларига кириш учун қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилмайди.

8. Магистратурада ўқитиш тўлов-контракт асосида ташкил этилиб, магистратура дастурлари бўйича ички ва ташқи абитуриентлар қабул параметрлари, тўлов-контракт қиймати ҳар йили Академия Кенгаши таклифи асосида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан тасдиқланади.

Академиянинг магистратура босқичига тўлов-контракт асосида қабул қилинган ва таълим олаётган хотин-қизларнинг тўлов-контракт суммасини тўлаш бўйича имтиёзлар қонунчиликка мувофиқ қўлланади.

9. Академиянинг магистратура мутахассислигига қабул ушбу Низомда белгиланган ўзига хос қоидаларни инобатга олган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим ташкилотларининг магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом асосида Академия қабул комиссияси томонидан амалга оширилади.

10. Магистратура мутахассислигига қабул тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари ва танлов асосида амалга оширилиб, кириш имтиҳонида юқори балл тўплаган абитуриентлар тўплаган баллари рейтинги асосида қабул қилинади.

11. Магистратурага юриспруденция бакалавриат таълим йўналиши ва Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан белгиланган магистратурага қабул бўйича турдош олий таълим йўналишлари рўйхати бўйича бакалавр даражасига эга бўлган шахслар ўртасида танлов асосида қабул қилинади.

12. Танлов, қоида тариқасида, август ойида магистратурада ўқитиладиган тилда ўтказилади.

Қабул параметрларининг ўқитиш тили бўйича тақсимоти Академия Кенгаши томонидан белгиланади.

13. Магистратура битирувчиларига магистратура мутахассислиги бўйича давлат намунасидаги диплом берилади.

2-боб. Академия қабул комиссияси фаолиятини ташкил этиш ва ҳужжатларни қабул қилиш

14. Академия қабул комиссияси раиси, раис ўринбосари, аъзолар ва масъул котибдан иборат таркибда шакллантирилади ва унинг фаолияти масъул котиб томонидан мувофиқлаштирилади.

15. Академия қабул комиссияси мажлисида аъзоларнинг учдан икки қисми иштирок этганда, у ваколатли ҳисобланади. Овозлар сони тенг бўлганда, Академия қабул комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

16. Академия қабул комиссияси магистратурага қабул бошланишидан бир ой олдин қабул муддати, мутахассислик шифри ва номи, қабул параметрлари, танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, кириш имтиҳони ўтказиладиган имтиҳон дастурини Академиянинг расмий веб-саҳифаси ва ижтимоий тармоқларида ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

17. Абитуриентлар ҳар йили 1 июлдан 30 июлгача (30 июль куни ҳам) Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали рўйхатдан ўтказилади ҳамда ҳужжатлари электрон платформага юкланади.

Ички абитуриентлардан қўшимча равишда маълумотнома (объективка), меҳнат дафтарчаси талаб этилади, хорижий тилни билиш даражасини белгиловчи миллий ёки халқаро сертификат эса ички абитуриентнинг хоҳишига кўра тақдим этилиши мумкин.

18. Кириш имтиҳони ўтказиладиган бино ва аудиторияларда уларни ўтказиш учун санитария ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ жавоб берадиган зарур техник, тиббий ва маиший шароитлар яратилиши таъминланади.

3-боб. Танловни ўтказиш

19. Ташқи абитурентлар учун магистратурага қабул Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим ташкилотларининг магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом асосида Академия қабул комиссияси томонидан амалга оширилади.

20. Ички абитуриентлар учун магистратурага қабул мутахассислик фанларидан, шунингдек, хорижий тилни билиш даражасини белгиловчи миллий ёки халқаро сертификат бўлмаган тақдирда, чет тилидан тест шаклидаги танлов орқали амалга оширилади.

Бунда баҳолаш мезонлари қуйидагича белгиланади:

мутахассислик фанлари бўйича 40 та тест учун – 80 балл;

чет тили бўйича 10 та тест учун – 20 балл.

Тест синовларида энг кўп (максимал) тўпланиши мумкин бўлган балл 100 баллни ташкил этади. Кириш имтиҳонида 56 ва паст баллни тўплаган абитуриентлар ўқишга қабул қилинмайди.

Тест синовлари Академия томонидан ёки унинг буюртмасига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказилади.

21. Тест синовлари Агентлик томонидан ўтказилган тақдирда, уларни ташкил этиш ва ўтказишда қуйидаги тартиблар эътиборга олинади:

мутахассислик фанлари бўйича тест топшириқлари Академия томонидан тақдим этилган дастурлар асосида тавсия этилган мутахассислар томонидан Агентлик биносида махфийлик таъминланган ҳолда шакллантирилади. Бунда тест топшириқлари ўқитиш тилида тузилади ҳамда ҳар бир савол учун тўртта жавоб варианти келтирилиб, улардан фақат биттаси тўғри бўлади;

тест синовларида қатнашувчи абитуриентларнинг рўйхати (фамилияси, исми ва отасининг исми, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)) Академия томонидан Агентликка тақдим этилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида Агентлик томонидан Академия билан келишган ҳолда тест синови ўтказиш санаси ва вақти белгиланиб, Академия бу ҳақида хабардор қилинади;

абитуриентлар тест синовларига шахсини тасдиқловчи ҳужжат (фуқаролик паспорти, идентификацияловчи ID-карта, фуқаронинг хорижга чиқиш биометрик паспорти ёки ҳайдовчилик гувоҳномаси) асосида киритилади;

тест синовлари ўтказиладиган бинога абитуриентлар махсус текширувдан ўтказилган ҳолда киритилади. Бунда жадвал, китоб, мобил телефон, компьютер, калькулятор, телекоммуникация воситалари ҳамда бошқа ёрдамчи материалларни олиб кириш, шунингдек, тест жараёнида ўзаро мулоқот қилиш ёки бир-бирига ёрдам бериш тақиқланади. Ушбу талабларни бузган шахслар тест синовидан четлаштирилади ва тестдан ўтмаган деб ҳисобланади.

22. Тест синовларида иштирок этиш учун қонунчиликда белгиланган тартибда абитуриентлардан базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида тўлов ундирилади.

Тест синовлари Агентлик томонидан ўтказилган тақдирда, тўлов Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги фаолиятини ривожлантириш жамғармасининг ҳисобрақамига ўтказилади.

23. Академияга ўқишга қабул қилинган ички абитуриентларнинг синов ишлари улар шахсий ҳужжатларининг йиғмажилдларига киритилади.

24. Кириш имтиҳонини ўтказиш жадвали Академия қабул комиссиясининг қарори билан тасдиқланади. Қарорга кириш имтиҳонида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган ички абитуриентлар рўйхати, қоида тариқасида, гуруҳларга бўлинган ҳолда илова қилинади.

25. Кириш имтиҳони ўтказиладиган имтиҳон дастури Академия қабул комиссияси томонидан тасдиқланади.

26. Кириш имтиҳони ўтказилишига қадар Академия қабул комиссияси томонидан синов фанлари бўйича тасдиқланган маслаҳатлар жадвалига мувофиқ машғулотлар ташкил этилади.

27. Ички абитуриентлар кириш имтиҳонини топшириш учун белгиланган вақт ва жойга ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан келиши лозим. Белгиланган вақтдан кеч қолган ички абитуриентлар синовга киритилмайди, синовда қатнашмаган ички абитуриентлар учун қўшимча синов ўтказилмайди.

28. Ички абитуриентларнинг кириш синовлари давомида аудиториядан чиқиши тақиқланади. Уларнинг соғлиғи ёмонлашиши ва бошқа зарур ҳолатларда синов материалларини қолдириб, кузатув остида аудиториядан чиқишга рухсат берилади.

29. Кириш имтиҳонини ўтказиш тартибини бузган ички абитуриентлар аудитория кузатувчилари томонидан далолатнома расмийлаштирган ҳолда синовдан четлаштирилади ва уларнинг синов ишлари баҳоланмайди.

30. Кириш имтиҳони натижалари тест натижалари тақдим этилган вақтдан эътиборан 24 соат давомида Академия расмий веб-сайтида эълон қилинади.

4-боб. Танлов натижалари бўйича шикоятларни кўриб чиқиш

31. Ички абитуриентларнинг кириш имтиҳони натижалари бўйича шикоятлари натижалар эълон қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичида Академия қабул комиссияси томонидан тасдиқланган камида уч нафардан иборат Апелляция комиссиясига тақдим этилади.

Апелляция комиссияси шикоятни берилган кундан бошлаб уч иш куни ичида кўриб чиқади.

Агентлик томонидан ўтказилган тест синовлари бўйича шикоят у Академия томонидан Агентликка тақдим этилган санадан бошлаб беш иш кунидан кечикмасдан кўриб чиқилади ва шикоятни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қабул қилинган хулосалар Агентлик томонидан Академияга тақдим этилади.

Шикоят кўриб чиқилиб, қарор қабул қилинган куни абитуриентга шикояти қаноатлантирилгани ёки рад этилгани тўғрисида Академия томонидан ёзма равишда хабар берилади.

Апелляция комиссиясининг таркибига Академия қабул комиссияси аъзолари киритилмайди.

32. Кириш имтиҳони натижалари бўйича шикоятларни кўриб чиқиш куни ва вақти ҳақида Академия расмий веб-сайтида эълон берилади.

33. Ички абитуриентларнинг апелляция шикоятларини кўриб чиқиш натижасида Апелляция комиссияси:

кириш имтиҳони натижаларини ўзгаришсиз қолдириши ва шикоятни қаноатлантиришни рад этиши;

ички абитуриентнинг шикоятини қаноатлантириши мумкин.

QMMB: 09/26/327/0628-son
25.06.2026-y.

Ички абитуриентнинг шикояти қаноатлантирилган тақдирда, Апелляция комиссияси ички абитуриентнинг кириш имтиҳони ишига узил-кесил балл қўяди ва қабул қилинган якуний қарор ҳақида унга хабар беради.

Ички абитурентлар Апелляция комиссияси қарори устидан қонунчиликда белгиланган тартибда судга мурожаат қилиши мумкин.

5-боб. Ўқишга қабул қилиш тартиби

34. Академия қабул комиссияси томонидан тест синовлари баллари жамланиб, умумий қайдномада таълим шакллари бўйича шакллантирилади.

Рўйхатда ички абитуриентлар тўплаган энг юқори баллдан бошлаб камайиб бориш тартибида ўқишга қабул қилинганлар танлаб олинади.

35. Умумий қайднома асосида Академия қабул комиссияси томонидан абитуриентларни магистратурага ўқишга қабул қилишга тавсия этиш тўғрисида баённомалар расмийлаштирилиб, тасдиқланади.

36. Академия қабул комиссиясининг баённомаларига асосан Академия ректорининг тўлов-контракт асосида абитуриентларни дарсга қўйиш ҳақидаги буйруғи чиқарилади ҳамда бу ҳақдаги маълумот Академия расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш тавсия этилган абитуриентлар шартномада белгиланган тўлов суммасининг тегишли қисмини белгиланган муддатда тўлаган тақдирда, Академия ректорининг магистратура талабалари сафига қабул қилиш ҳақида буйруғи чиқарилади.

37. Тўлов-контракт асосида дарсга қўйилган талабалар шартномада белгиланган муддатларда тўлов суммасининг тегишли қисмини тўлиқ тўлашлари лозим.

Тўлов-контракт бўйича шартнома шартларини белгиланган муддатда бажармаган талабалар Академия ректорининг буйруғига асосан ўқишдан четлаштирилади.

6-боб. Якунловчи қоида

38. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

25 (1253)-son
623-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 25 » iyun № 328 Toshkent sh.

Табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар мониторинги ва прогнозлаш ягона тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ишончли муҳофаза қилиш соҳасини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш тўғрисида” 2025 йил 20 октябрдаги ПФ–185-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларга олиб келувчи хавфли ҳодиса ва жараёнлар мониторинги, маълумот алмашинуви ва прогнозлаш ягона тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими таркибига кирувчи вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг **табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар мониторинги ва прогнозлаш ягона тизими**нинг (кейинги ўринларда – Ягона тизим) **асосий вазифалари** этиб қуйидагилар белгилансин:

табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларга (кейинги ўринларда – фавқулодда вазият) олиб келувчи потенциал манбаларни барвақт аниқлаш, улар бўйича тизимли мониторинг ва назоратни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш;

фавқулодда вазиятлар мониторинги ва прогнози, шунингдек, уларнинг юзага келиши ва оқибатлари тўғрисидаги маълумотларнинг автоматлаштирилган ахборот тизими орқали алмашинувини таъминлаш;

фавқулодда вазиятлар мониторинги ва прогноз маълумотлари асосида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш ва оқибатларини камайтиришга қаратилган таклиф ҳамда тавсияларни ишлаб чиқиш.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар мониторинги ва прогнозлаш ягона тизими тўғрисидаги низом** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

авиация воситалари (вертолёт, самолёт, учувчисиз учадиган аппаратлар)дан кенг миқёсда зарарланган ҳудудлар ҳолатини мониторинг қилиш учун фойдаланиш;

Ягона тизимнинг асосий вазифалари ва унинг таркиби;

фавқулодда вазиятларга олиб келувчи хавфли ҳодиса ва жараёнларнинг мониторинги ҳамда прогнози натижалари бўйича маълумотлар тақдим этиш муддатлари.

3. Ягона тизимнинг ташкилий-функционал тузилмасига кирувчи республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар:

уч ой муддатда фавқулодда вазиятлар мониторинги ва прогнозлаш тартиби тўғрисидаги регламентларни Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу қарорга мувофиқ тасдиқласин;

2026 йил 1 августга қадар идоравий ахборот тизимларини Ягона тизим платформасига “Рақамли ҳукумат” тизими орқали интеграция қилсин;

тақдим этиладиган мониторинг ва прогнозлаш маълумотларини **уч ой муддатда** рақамлаштирсин ҳамда белгиланган муддатда Ягона тизим платформасига киритиб борсин;

2027 йил 1 январдан бошлаб умумий чекланган штатлар сони ҳамда бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида марказий аппарат, ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотларнинг тузилмаларига Ягона тизим доирасида белгиланган вазифаларни бажаришга масъул мутахассислар штат лавозимларини жорий этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **2-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов ва фавқулодда вазиятлар вазири А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 25 июндаги 328 -сон қарорига
1-илова

Табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар мониторинги ва прогнозлаш ягона тизими тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими (кейинги ўринларда – ФВДТ) таркибига кирувчи вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар мониторинги ва прогнозлаш ягона тизимининг (кейинги ўринларда – Ягона тизим) асосий вазифалари ҳамда фаолият кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ягона тизим табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар (кейинги ўринларда – фавқулодда вазият) мониторинги ва прогнозлаш масалаларини ҳал этишга мўлжалланган бўлиб, ФВДТнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

атроф-муҳит мониторинги – атроф-муҳит ҳолатини баҳолаш, унда кечаётган жараёнларни таҳлил қилиш ва ундаги ўзгаришлар ривожини ўз вақтида аниқлаш учун маълум бир дастур бўйича доимий равишда олиб бориладиган кузатув ва назорат тизими;

географик ахборот тизими – географик объектлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, моделлаштириш ва акс эттириш, шунингдек, рақамли картографик, ўхшаш ва матнли ахборотдан фойдаланган ҳолда умумдавлат (тармоқлараро) ёки тармоқ аҳамиятига молик ахборот ва ҳисоб-китоб вазифаларини ҳал этиш учун мўлжалланган автоматлаштирилган тизим;

мониторинг маълумоти – табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларга олиб келадиган хавфли табиий-техноген жараёнлар ва ҳодисаларни кузатиш (назорат қилиш) натижасида олинган маълумот;

мониторинг объекти – чегара доирасида аниқ дастур бўйича атроф-муҳитнинг ҳолатини назорат қилиш мақсадида, доимий равишда кузатув ишлари олиб бориладиган, унда кечаётган жараёнларни, ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш ва прогнозлаш учун таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш амалга ошириладиган табиий, техноген объект ёки унинг бир қисми;

прогноз маълумоти – табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларга олиб келадиган хавфли табиий-техноген жараёнлар ва ҳодисаларнинг юзага келиши ва ривожланиши эҳтимолини акс эттирувчи маълумот тури;

потенциал хавфли объект – фавқулодда вазият манбаи юзага келиши реал хавфини туғдирувчи радиоактив, ёнғин-портлаш хавфи, хавфли кимёвий ва биологик моддалар ишлатиладиган, ишлаб чиқариладиган, қайта ишланадиган, сақланадиган ва ташиладиган объект;

табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар – муайян ҳудудда одамлар қурбон бўлишига, одамларнинг соғлиғига ёки атроф табиий муҳитга зарар етишига, жиддий моддий талафотларга ҳамда одамларнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса, табиий офат ёхуд бошқа офат натижасида, карантинли ва одам учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши натижасида юзага келган вазиятлар;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш – олдиндан ўтказиладиган ҳамда фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфини имкон қадар камайтиришга, бундай вазиятлар рўй берган тақдирда эса одамларнинг ҳаётини асраб қолишга ва соғлиғини сақлашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорларини камайтиришга қаратилган тадбирлар мажмуи;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш – фавқулодда вазиятлар рўй берганда ўтказиладиган ҳамда одамларнинг ҳаётини асраб қолишга ва соғлиғини сақлашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорларини камайтиришга, шунингдек, фавқулодда вазиятлар ҳудудларининг кенгайишига йўл қўймасликка ҳамда хавфли омиллар таъсирини тугатишга қаратилган қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган ишлар мажмуи;

фавқулодда вазият манбаи – фавқулодда вазият рўй берган ёки юзага келиши мумкин бўлган хавфли табиий ва техноген ҳодиса, шунингдек, ушбу жараёнлар оқибатида аҳоли ва ҳудудларга жиддий талафот етиши;

фавқулодда вазият юзага келиш хавфи – фавқулодда вазият манбаининг тегишли хавф кўрсаткичлари билан белгиланадиган юзага келиш эҳтимоли ёки такрорланиши;

фавқулодда вазиятларни прогнозлаш – фавқулодда вазият юзага келиши эҳтимолий сабабларини, унинг одинги ва ҳозирги манбаларини таҳлил қилиш асосида келгусида рўй бериши ва ривожланиши эҳтимолини олдиндан акс эттириш;

хавфни баҳолаш – хавфни ва унинг эҳтимолий манбаларини идентификация қилиш, уларнинг юзага келиш механизмини тадқиқ этиш, идентификация қилинган хавфли ҳодисалар рўй бериши эҳтимоли ва уларнинг оқибатларига баҳо бериш;

4. Қуйидагилар Ягона тизимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларга олиб келувчи потенциал манбаларни барвақт аниқлаш, улар бўйича тизимли мониторинг ва назоратни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш;

фавқулодда вазиятлар мониторинги ва прогнози, шунингдек, уларнинг юзага келиши ва оқибатлари тўғрисидаги маълумотларнинг автоматлаштирилган ахборот тизими орқали алмашинувини таъминлаш;

фавқулодда вазиятларга олиб келувчи хавфли ҳодиса ва жараёнлар мониторинги ва прогнози асосида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш ҳамда оқибатларини камайтиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

2-боб. Ягона тизим таркиби

5. Ягона тизимни ФВДТ доирасида хавфли табиий ва техноген ҳодиса ҳамда жараёнларнинг мониторинги ва прогнозлаш функцияларини бажарадиган давлат органлари ва ташкилотларининг тузилмалари (хизмат, ташкилот, инспекция, бўлим, лаборатория ва бошқалар) мажмуаси ташкил этади.

Ягона тизимда ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ республика, маҳаллий ва объект даражалари мавжуд.

6. Ягона тизимнинг ташкилий-функционал тузилмаси ФВДТ доирасида фавқулодда вазиятга олиб келувчи хавфли ҳодиса ва жараёнлар мониторинги ҳамда прогнозлаш функциясини бажарадиган давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини бирлаштиради.

3-боб. Ягона тизим фаолиятини ташкил этиш

7. Ягона тизим фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (кейинги ўринларда – ФВВ) томонидан амалга оширилади.

8. Ягона тизим иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорлиги ва жавобгарлик чегаралари Ягона тизимнинг ташкилий-функционал тузилмаси асосида, объект – туман (шаҳар) – вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар, Тошкент шаҳри) – республика кетма-кетлигида мониторинг ва прогноз маълумотлари алмашинувини таъминлаш орқали белгиланади.

9. Ягона тизим иштирокчилари фавқулодда вазият манбалари ҳолати ва фаоллашув эҳтимоли тўғрисида, шунингдек, фавқулодда вазиятларда хавфли табиий ҳамда техноген жараёнлар ва ҳодисаларнинг ҳолати тўғрисидаги мониторинг ҳамда прогноз маълумотларини ушбу Низомга 2 ва 3-иловаларда келтирилган рўйхатга мувофиқ Ягона тизим платформасига киритиб боради.

10. Ягона тизим иштирокчилари ташкилий-функционал тузилмага мувофиқ, маълумот алмашинувини қуйидаги муддатларда амалга оширади:

а) фавқулодда вазиятларга олиб келувчи хавфли ҳодиса ва жараёнларнинг мониторинги ҳамда прогнози натижалари бўйича:

республика даражасида:

ойлик маълумотлар – ҳар ойнинг 28-санасига қадар;

чораклик маълумотлар – ҳар чоракнинг учинчи ойи 20-санасига қадар (чорак бошланишидан олдин);

йиллик маълумотлар – ҳар йили 1 декабрга қадар;

маҳаллий даражада:

ойлик маълумотлар – ҳар ойнинг 25-санасига қадар;

чораклик маълумотлар – ҳар чоракнинг учинчи ойи 15-санасига қадар (чорак бошланишидан олдин);

йиллик маълумотлар – ҳар йили 15 ноябрга қадар;

объект даражасида (мутасадди ташкилотлар):

ойлик маълумотлар – ҳар ойнинг 20-санасига қадар;

йиллик маълумотлар – ҳар йили 1 ноябрга қадар;

б) фавқулодда вазиятлар хавфи юзага келганда ёки рўй берганда – зудлик билан.

11. Маълумотларни узатиш турига кўра фавқулодда вазиятлар манбалари ва уларнинг оқибатлари, юзага келиш хавф даражаларига қараб мониторинг ҳамда прогноз маълумотларига бўлинади.

12. Ягона тизим доирасида хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ва халқаро ташкилотлар билан маълумот алмашинуви Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, шунингдек, халқаро шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

13. Мониторинг ва таҳлилий маълумотлар асосида ФВВ қуйидаги кўринишдаги прогнозларни тайёрлайди ва ФВДТ ҳудудий ва функционал қуйи тизимларига белгиланган тартибда тақдим этади:

қисқа муддатли – ойлик фавқулодда вазиятлар прогнози;

ўрта муддатли – чораклик фавқулодда вазиятлар прогнози;

узоқ муддатли – йиллик фавқулодда вазиятлар прогнози.

14. ФВДТнинг ҳудудий ва функционал қуйи тизимлари мониторинг ва прогноз маълумотлари асосида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича профилактика чора-тадбирлари амалга оширилишини таъминлайди.

4-боб. Ягона тизимнинг техник асослари

15. Ягона тизимнинг мониторинг, ахборот-таҳлилий фаолияти техник асосларини уларнинг жавобгарлик соҳасидан келиб чиқиб, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, бошқа ташкилотларга тегишли ерости, ерусти ва авиация воситалари ташкил этади.

16. Авиация воситалари (вертолёт, самолёт, учувчисиз учадиган аппаратлар)дан кенг миқёсда зарарланган ҳудудлар ҳолатини мониторинг қилиш учун фойдаланилади.

5-боб. Ягона тизимнинг фаолиятини молиялаштириш

17. Ягона тизимнинг фаолияти ФВВга ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларга олиб келувчи хавфли ҳодиса ва жараёнлар мониторинги ҳамда прогнозлаш ягона тизимига интеграция қилиш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларда бюджет маблағлари, бошқа ташкилотларда эса – уларнинг ўз маблағлари ёки қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

18. Ягона тизим иштирокчиларининг раҳбарлари тақдим этилаётган мониторинг ва прогноз маълумотларининг ишончлилиги, тўлиқлиги ҳамда ўз вақтида берилиши учун шахсан жавобгардирлар.

19. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

Табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда
вазиятлар мониторинги ва прогнозлаш ягона
тизими тўғрисидаги низомга
1-илова

Табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар мониторинги ва прогнозлаш ягона тизимининг

ТАШКИЛИЙ-ФУНКЦИОНАЛ ТУЗИЛМАСИ



Изоҳ.

ФВДТ – Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими.

ФВББ – Фавқулодда вазиятлар бош бошқармаси.

ФВБ – Фавқулодда вазиятлар бошқармаси.

Шартли белгилар: мониторинг ва прогноз маълумотлари ахборот алмашинуви;
прогноз маълумоти асосида профилактикани ташкил этиш.

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

Табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар мониторинги ва прогнозлаш ягона тизими тўғрисидаги низомга
2-илова

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

Табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар мониторинги ва прогнозлаш ягона тизимининг иштирокчилари томонидан тақдим этиладиган табиий ва техноген ҳодисаларнинг ривожланиш ҳолати ҳамда фаоллашиш эҳтимоли тўғрисидаги мониторинг маълумотлари
РЎЙХАТИ

Т/р	Фавқулодда вазиятларга олиб келувчи хавфли ҳодиса ва жараёнларнинг мониторинг маълумотлари	Мониторинг маълумотларини тақдим этишга масъул вазирлик ва идоралар	Тақдим этиш муддатлари
1.	Сув омборларидаги сув сатҳининг миқдори (сувни кириш ва чиқиш кўрсаткичлари ўтган йилнинг шу кунига нисбатан) бўйича	Сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ	Ҳар куни
2.	Сув хўжалиги объектларидаги авариялар тўғрисида	Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси	Рўй берганда
3.	Дарёлардаги сув сатҳининг миқдори (дарёнинг сув ўтказиш қобилияти ва мавжуд сувнинг сатҳи ўтган йилнинг шу кунига нисбатан) бўйича	Сув хўжалиги вазирлиги, Гидрометеорология хизмати агентлиги	Ҳар куни
4.	Республика ҳудудидаги одам ўлими ва жароҳатланиши билан боғлиқ содир бўлган йўл транспорт ҳодисалари (ҳудуд, транспорт воситаси, йўл ҳаракати иштирокчилари кесимида) тўғрисида	Ички ишлар вазирлиги	Ҳар куни
5.	Об-ҳаво маълумоти	Гидрометеорология хизмати агентлиги	Ҳар куни
6.	Тезкор гидрометеорологик ахборот (шторм маълумотлар)	Гидрометеорология хизмати агентлиги	Хавф туғилганда
7.	Атмосфера ҳавоси, (чанг, фенол, фторли водород, аммиак ва бошқалар) ер усти сувларининг ифлосланиши бўйича	Гидрометеорология хизмати агентлиги	Ҳар куни
8.	Қишлоқ хўжалиги аҳамиятидаги ерларда ва тупроқ қатламларида кимёвий, токсик ва бошқа хавфли моддаларнинг рухсат этилган концентрациядан юқори кўрсаткичлари тўғрисида	Гидрометеорология хизмати агентлиги	Ҳар куни
9.	Ўта хавфли юқумли (ўлат, вабо, сариқиситма, Қрим-Конго геморрагик иситмаси, куйдирги) касалликлар билан мурожаат қилган фуқаролар тўғрисида	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси	Ҳар куни
10.	Ҳавонинг кимёвий ифлосланиши ва радиацион фон миқдорининг даврий ўлчовлари бўйича	Гидрометеорология хизмати агентлиги	Ҳар куни
11.	Аҳоли ўртасида гуруҳли касалланиш (заҳарланиш) ҳолатлари тўғрисида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Рўй берганда

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

12.	Хорижий давлатлар ҳудудида фавқулодда вазиятларда ҳалок бўлганлар ва жабрланганлар тўғрисида	Ташқи ишлар вазирлиги	Рўй берганда
13.	Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг экзотик ва ўта хавфли юқумли касалликлар билан касалланиши бўйича	Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси	Ҳар куни
14.	Ўсимликлар орасида юқумли касалликлар (эпифитотиялар) тарқалиши бўйича	Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси	Хавф туғилганда
15.	Кўчки ва тупроқ сурилмалари (гравитацион кучлар таъсирида катта ҳажмда тоғ жинсларининг ҳаракатланиши – силжиши) бўйича	“Ўзбекгидрогеология” ДМ геологик мониторинг хизмати	Мавсум давомида ҳар куни ва хавф туғилганда
16.	Қиялик эрозиясининг жадаллашиши (чуқурлик эрозияси ёки текисликлардаги ювилиш) бўйича	“Ўзбекгидрогеология” ДМ геологик мониторинг хизмати	Мавсум давомида ҳар куни ва хавф туғилганда
17.	Ўзан емирилиш хавфининг тезлашиш таҳдиди (дарё ўзани ёнларининг емирилиши, дарё ўзанининг чуқурликда вертикал емирилиши) бўйича	“Ўзбекгидрогеология” ДМ геологик мониторинг хизмати	Мавсум давомида ҳар куни ва хавф туғилганда
18.	Электр энергияси тармоқларидаги авариялар (стратегик аҳамиятдаги объектлар, ҳаёт фаолияти издан чиқишига олиб келувчи таъминот объектлари ва йирик аҳоли яшаш пунктларидаги ўчишлар) бўйича	Энергетика вазирлиги, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ	Ҳар куни
19.	Ичимлик суви таъминотидаги авариялар бўйича	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “Ўзсувтаъминот” АЖ	Рўй берганда
20.	Иссиқлик марказлари, иссиқлик ва гидроэлектростанцияларида юз берадиган авариялар бўйича	Энергетика вазирлиги, “Иссиқлик электр станциялари”АЖ, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ	Ҳар куни
21.	Магистраль ва коммунал газ қувурларидаги авариялар бўйича	“Ўзтрансгаз” АЖ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ	Ҳар куни
22.	Очиқ нефть ва газ конларида юзага келган авариялар бўйича	Энергетика вазирлиги, “Ўзбекнефтгаз” АЖ	Хавф туғилганда
23.	Йўловчи ва юк поездларидаги авариялар бўйича	Транспорт вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари”АЖ	Хавф туғилганда
24.	Авиация транспортидаги авариялар бўйича	Транспорт вазирлиги, “Uzbekistan Airways” АЖ “Uzbekistan Airports” АЖ	Хавф туғилганда
25.	Кимёвий, портловчи ҳамда бошқа юқори даражада хавфли объектлардаги авариялар бўйича	Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси, “Ўзкимёсаноат” АЖ	Хавф туғилганда

Изоҳ. *Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазият манбалари ва уларнинг оқибатларга масъул вазирлик ва идоралар ой якуни билан мониторинг маълумотларини умумлаштиради.*

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

Табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда
вазиятлар мониторинги ва прогнозлаш ягона
тизими тўғрисидаги низомга
3-илова

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

Табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар мониторинги ва прогнозлаш ягона тизимининг иштирокчилари томонидан тақдим этиладиган табиий ва техноген ҳодисалар ривожланиш ҳолати ҳамда фаоллашиш эҳтимоли тўғрисидаги прогноз маълумотлари

РЎЙХАТИ

Т/р	Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазият манбалари ва уларнинг оқибатлари	Хавфли табиий ва техноген жараёнларнинг юзага келиш хавфи даражаси	Масъул вазирлик ва идоралар
	1. Хавфли геофизик ҳодисалар		
1.	Республикада ва чегарадош ҳудудларда магнитудаси (зилзила қуввати) Рихтер ўлчови бўйича 5,0 ва ундан юқори бўлган зилзила ва ундан юқори бўлган, фавқулодда вазиятларга олиб келадиган (аҳолининг ўлими ва жароҳатланиши, бино ва иншоотлар бузилиши, ҳаёт фаолияти тизимлари издан чиқиши ва бошқалар) зилзила таҳдиди	доимий, юқори	Фанлар академияси Ғ.О. Мавлонов номидаги Сейсмология институти
	2. Хавфли геологик ҳодисалар		
2.	Транспорт ва коммуникациялар, иқтисодиёт объектлари ва аҳоли пунктларига жиддий зарар етказувчи кўчки, ағдарилмалар, тош қулаши ва тупроқ сурилмалари рўй бериши таҳдиди	юқори, ўртача, мўътадил	“Ўзбекгидрогеология” ДМ геологик мониторинг хизмати
3.	Муҳандислик иншоотлари бузилишига ва маълум даражада моддий зарар етказувчи, сув босиши ёки намланиши ҳисобидан грунтларда нотекис зичланиш деформацияни юзага келтирувчи, гилли, лойли ёки лёссимон грунтларда чўкиш таҳдиди	юқори, ўртача, мўътадил	“Ўзбекгидрогеология” ДМ геологик мониторинг хизмати
	3. Метеорологик ва агрометеорологик хавфли жараёнлар		
4.	Иншоот ва саноат конструкцияларига қисман талафот етказувчи, транспорт қатновини қийинлаштирадиган, қишлоқ хўжалиги дарахт ва экинларига зарар етказувчи кучли шамол эсиши (15-24 м/с тезликдаги), ўта кучли шиддатли шамол (25-33 м/с тезликдаги) ёки ҳалокатли довул эсиши (33 м/с тезликдан юқори) таҳдиди	юқори, ўртача, мўътадил	Гидрометеорология хизмати агентлиги
5.	Метеорологик илғашни 500 метргача оғирлаштирувчи, транспортлар орасида авариялари юзага келтирувчи, жиддий зарар келтириб чиқарувчи катта ҳажмдаги чанг ва қумларни олиб келувчи чанг ёки қум бўронларининг эсиши (15 м/с ва ундан юқори тезликдаги) таҳдиди	юқори, ўртача, мўътадил	Гидрометеорология хизмати агентлиги

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

Т/р	Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазият манбалари ва уларнинг оқибатлари	Хавфли табиий ва техноген жараёнларнинг юзага келиш хавфи даражаси	Масъул вазирлик ва идоралар
6.	Қишлоқ хўжалиги дарахтлари ва экинларига, саноат иншоотлари ва конструкцияларига шикаст ва моддий зарар етказувчи йирик дўл ёғиши (15 мм ва ундан катта диаметрдаги) таҳдиди	юқори, ўртача, мўътадил	Гидрометеорология хизмати агентлиги
7.	Иқтисодиёт объектлари ва аҳоли пунктлари зарарланиши билан боғлиқ сел-тошқин оқимлари ҳосил бўлиши, моддий зарар етказувчи кучли ёмғир (давомийлиги 12 соатда 30 мм ва ундан кўп), кучли жала (давомийлиги 1 соатда 15 мм ва ундан кўп), кучли, сурункали ёмғир ёғиши (ёғин миқдори 48 соат ичида 100 мм ва ундан кўп) бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Гидрометеорология хизмати агентлиги
8.	Кўришни чегараловчи, транспорт ҳаракатини қийинлаштирувчи, муҳандислик тармоқлари ва турар жойларга зарар етказувчи, қор кўчкиси ҳодисаларини юзага келтирувчи кучли қор ёғиши (12 соатда 20 см ва ундан кўп) ёки қорнинг кучли ёпишқоқлиги (35 ммгача ва ундан кўп), қор кўчкилари бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Гидрометеорология хизмати агентлиги
9.	Транспорт ҳаракатига, аэропортларнинг учиш йўлагига, яйловлар ва экин майдонларига хавф солувчи, туман тушиши ёки ёмғир томчиларининг музлаши, ер юзасининг диаметри 19-30 ммгача музлаши (яхмалак) бўйича таҳдид	юқори, ўртача, мўътадил	Гидрометеорология хизмати агентлиги
10.	Одамлар ҳаётига хавф туғдирувчи ва иқтисодиёт объектларидаги технологик жараёнлар бузилишига сабаб бўлувчи давомли кучли совуқ ҳаво ҳароратининг -20° С дан пасайиши ва кучли жазирама ҳаво ҳароратининг +43° С дан юқори бўлиши бўйича таҳдид	юқори, ўртача, мўътадил	Гидрометеорология хизмати агентлиги
11.	Ижтимоий ва иқтисодий зарар етказувчи, автомобиль ва темир йўлларда ҳаракат тўхтатилишига олиб келувчи, авариялари келтириб чиқарувчи ва 100 метргача масофани илғашни қийинлаштирувчи қалин туман бўйича таҳдид	юқори, ўртача, мўътадил	Гидрометеорология хизмати агентлиги
12.	Ўсимликларнинг нобуд бўлишига олиб келувчи ва атмосфера ёғинлари тақчиллигини юзага келтирувчи агрометеорологик (атмосфера) қурғоқчилик, сув ресурсларининг тақчиллиги бўйича таҳдид	юқори, ўртача, мўътадил	Гидрометеорология хизмати агентлиги
13.	Аҳоли турар жойлари, бино ва иншоотлар, одамлар ва ҳайвонларни яшин уриши билан кечадиган атмосферадаги кучли электр разрядга эга бўлган чақмоқ (момақалдироқ) бўйича таҳдид	юқори, ўртача, мўътадил	Гидрометеорология хизмати агентлиги

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

Т/р	Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазият манбалари ва уларнинг оқибатлари	Хавфли табиий ва техноген жараёнларнинг юзага келиш хавфи даражаси	Масъул вазирлик ва идоралар
	4. Гидрологик хавфли ҳодисалар		
14.	Аҳоли турар жойларининг сув босиши билан рўй берадиган шугалар (майда муз парчалари), музлик ўзанлари кенгайиши, қорлар тўхтовсиз эриши, жала ёмғирлари оқибатида ҳосил бўладиган сел оқимлари ва сув тошқинлари бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Гидрометеорология хизмати агентлиги
15.	Очиқ сув ҳавзаларига яқин жойлашган иқтисодий объектлар ва аҳоли турар жойларини сув босиши билан боғлиқ бўлган канал ва дарёларда тўсиқларнинг ҳосил бўлиши (тўлиқ музлаши оқибатида очиқ сув ҳавзаларининг тўсилиши) бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Гидрометеорология хизмати агентлиги
16.	Моддий зарар етказувчи, аҳоли пунктлари ва иқтисодиёт объектларига хавф солувчи, дарё ўзани ёнлари ва чуқурликда вертикал емирилиши бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	“Ўзбекгидрогеология” ДМ геологик мониторинг хизмати
17.	Ҳалокатли сел ва сув тошқинларига сабаб бўлувчи тоғлардаги дамбалар ва сув омбори тўғонлари ёрилиши бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	“Ўзбекгидроэнерго”АЖ, Сув хўжалиги вазирлиги
	5. Гидрогеологик хавфли ҳодисалар		
18.	Грунт сувлари сатҳининг кўтарилиши оқибатида ҳаёт фаолиятининг бузилиши бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги
19.	Чучук ерости сувлари захирасининг ифлосланиши ёки тугаши оқибатида ҳаёт фаолиятининг бузилиши, одамларнинг заҳарланиши ёки сув тақчиллиги билан боғлиқ таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги
	6. Одамларнинг юқумли касалликлар билан касалланиши		
20.	Одамларнинг ўлимига сабаб бўлувчи ёки уларга зарар етказувчи (ўлат, вабо, сариқ иситма, Қрим-Конго геморрагик иситмаси, куйдирги) ўта хавфли юқумли касалликлар бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси
21.	Аҳоли турар жойларида вирусли юқумли касалликларнинг (грипп, ЎИК, вирусли гепатит, ОИТС ва бошқалар) эпидемик тарқалиши бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

Т/р	Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазият манбалари ва уларнинг оқибатлари	Хавфли табиий ва техноген жараёнларнинг юзага келиш хавфи даражаси	Масъул вазирлик ва идоралар
22.	Юқумли касалликларнинг давлат чегарасидан кириш ҳолати билан боғлиқ (пандемия) касалликларнинг юзага келиши бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси
23.	Ҳайвон (ит, мушук ва бошқалар)ларнинг одамларни тишлаши (чақиши) ҳолатларининг кўпайиши бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси
7. Одамларнинг заҳарланиши билан боғлиқ ҳодисалар			
24.	Сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш оқибатида одамларнинг заҳарланиши билан боғлиқ таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси
25.	Зарарланган ёки ифлосланган сувларни истеъмол қилиш оқибатида заҳарланиш ёки ўткир ичак инфекциясининг юзага келиши бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси
26.	Одамларнинг токсик моддалардан (табиий газ, ис гази, оғир газлар ва бошқалар) заҳарланиши бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Энергетика вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ
8. Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг юқумли касалликлари			
27.	Ҳайвонларнинг оммавий қирилиб кетишига олиб келувчи қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг экзотик ва ўта хавфли юқумли касалликларга чалиниши бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси
28.	Ҳайвонларнинг оммавий қирилиб кетишига олиб келувчи энзоотия, эпизоотия ва панзоотия бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси
9. Қишлоқ хўжалиги экинларининг касалликлар ва зараркунандалар билан зарарланиши			
29.	Қишлоқ хўжалиги экинларининг оммавий нобуд бўлишига сабаб бўладиган прогрессив эпифитотия бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси
30.	Ўсимликларнинг касалликлари ҳамда зараркунандаларининг оммавий тарқалиши бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

T/p	Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазият манбалари ва уларнинг оқибатлари	Хавфли табиий ва техноген жараёнларнинг юзага келиш хавфи даражаси	Масъул вазирлик ва идоралар
10. Қуруқлик ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар			
31.	Иқтисодиёт объектлари ва аҳоли турар жойларига жиддий хавф солувчи фойдали қазилмаларни қазиб олишда юзага келадиган кўчкилар ва ер сатҳининг ҳалокатли ўпирилиши бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	“Ўзбекгидрогеология” ДМ геологик мониторинг хизмати
32.	Иқтисодиёт объектлари ва аҳоли турар жойларига ботқоқлашган, шўрланган, емирилган тупроқли кенг ҳудудларда тупроқларнинг узлуксиз деградацияланиши бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси
33.	Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ҳайвонларининг касалланиши ҳамда қирилиб кетишига олиб келувчи, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солувчи, тупроқ қатламлари (грунтларни) ва саноатда ишлаб чиқариладиган, таркибида оғир металлар бўлган, радионуклид, нефть маҳсулотлари шунингдек пестицид ҳамда бошқа заҳарли кимёвий моддалар билан заҳарланиши бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси
34.	Атроф табиий муҳитни ифлосланишига олиб келиши мумкин бўлган қаттиқ фойдали қазилма конлари, шлам ва чиқинди тўпланадиган объектлардаги радиоактив, токсик, кимёвий ва бошқа хавфли чиқиндилар билан боғлиқ авария ҳолатлари бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Ўзкимёсаноат” АЖ, ташкилот раҳбарлари
11. Атмосфера (ҳаво муҳити)нинг ҳолати ва таркибининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар			
35.	Табиий омиллар (бўронлар, қуюнлар, жала, сурункали ёмғирлар, момақалдироқ, сел оқимлари ва қор кўчкиси, сув тошқини, сув босиши, кучли қор ёғиши, кучли совуқ ва иссиқ, қурғоқчилик ва бошқалар)нинг аномал фаоллашувини юзага келтирувчи антропоген фаолият таъсирида иқлим ёки об-ҳавонинг кескин ўзгариши бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Гидрометеорология хизмати агентлиги
36.	Аҳолининг ҳаёт фаолиятига таъсир этиши билан одамларнинг хасталаниши ва соғлиғи ёмонлашувига олиб келувчи атмосферада ифлослантирувчи моддаларнинг рухсат этилган меъёрдан маълум даражада ошиши бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Гидрометеорология хизмати агентлиги
37.	Аҳоли ҳаёт фаолиятига таъсир этиши билан одамлар хасталаниши ва соғлиғи ёмонлашувига олиб келувчи, шаҳарлардаги шовқин даражасининг рухсат этилган меъёрдан ошиши бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

Т/р	Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазият манбалари ва уларнинг оқибатлари	Хавфли табиий ва техноген жараёнларнинг юзага келиш хавфи даражаси	Масъул вазирлик ва идоралар
38.	Радиацион фон даражасининг меъёридан ошиши бўйича таҳдид	юқори, ўртача, мўътадил	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси
12. Гидросферадаги ҳолатларнинг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар (сув муҳити)			
39.	Одамлар ва ҳайвонларнинг касалланиши, соғлиғи ёмонлашуви ва ҳаёт фаолияти бузилишига олиб келувчи сув манбаларининг тугагани ёки ифлосланган сабабли ичимлик суви етишмовчилиги ёки тугаши бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	“Ўзсувтаъминот”АЖ, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси
13. Транспортдаги авария ва ҳалокатлар			
40.	Темир йўл ва юк транспорт воситалари орқали ташиладиган кучли таъсир этувчи заҳарли моддаларнинг тарқалиши ёки тўкилиши билан боғлиқ авариялар бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Транспорт назорати инспекцияси, “Ўзбекистон темир йўллари”АЖ
41.	Темир йўл объектларига жиддий зарар етиши ва одамларнинг жароҳатланиши ва ўлимига сабаб бўлувчи авариялар ҳамда транспорт ҳаракатининг тўхтаб қолишига олиб келувчи таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	“Ўзбекистон темир йўллари”АЖ
42.	Метрополитен объектларига жиддий зарар етиши ва метро транспортида одамларнинг жароҳатланишига сабаб бўлувчи авариялар бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	“Тошкент метрополитени” АЖ, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
43.	Аҳоли турар жойлари ва аэропортлардаги қидирув-қутқарув ишларини олиб борилиши талаб этиладиган, ҳаво кемаларининг шикастланиши ёки бузилишига, йўловчилар жароҳатланишига олиб келувчи авиация ҳалокатлари бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Транспорт вазирлиги Авиация ҳодисалари ва инцидентларни текшириш бўлими, Фуқаро авиацияси агентлиги
44.	Одамларнинг жароҳатланиши ва ўлимига сабаб бўлувчи (жумладан, хавфли ёнувчи, портловчи ва заҳарли моддалар ташилиши ҳолатлари ва бошқалар) йўл-транспорт ҳодисалари бўйича таҳдид	юқори, ўртача, мўътадил	Ички ишлар вазирлиги
45.	Ишлаб чиқариш ходимларининг жароҳатланиши ёки ўлимига олиб келувчи, кон-руда саноатида ва кўмир шахталарида авариялар, газ ва нефть маҳсулотларининг тарқалиши, тўкилиши, отилишига олиб келувчи нефть ва газ объектларидаги (кон, шахта) авариялар бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

Т/р	Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазият манбалари ва уларнинг оқибатлари	Хавфли табиий ва техноген жараёнларнинг юзага келиш хавфи даражаси	Масъул вазирлик ва идоралар
14. Потенциал хавфли объектлардаги авариялар			
46.	Одамларнинг жароҳатланиши ёки ўлими билан боғлиқ саноат корхоналари ва коммуникацияларидаги, енгил ёнувчи ва портловчи моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш объектларидаги ёнғин (портлаш)лар бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси
47.	Ишлаб чиқариш ходимларининг жароҳатланиши ёки ўлими билан боғлиқ ер ости ва тоғ иншоотлари, шахталардаги ёнғин (портлаш), қулаш бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси
48.	Одамлар жароҳатланиши ва заҳарланиши билан боғлиқ ижтимоий - маиший ва маданий аҳамиятдаги, турар жой, бино ва иншоотларида юз берувчи ёнғинлар бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
49.	Одамлар жароҳатланиши ёки ўлимига олиб келувчи биологик объектларда хавфли моддаларнинг тарқалиши ва ёнғин (портлаш)лар бўйича таҳдид	юқори, ўртача, мўътадил	Ташкилотлар раҳбарлари
50.	Ишлаб чиқариш ходимлари ва аҳолининг жароҳатланиши ёки ўлимига олиб келувчи кимёвий хавфли объектлардаги авариялар таҳдиди	юқори, ўртача, мўътадил	“Ўзкимёсаноат” АЖ
51.	Одамларнинг жароҳатланиши ёки ўлими билан боғлиқ радиацион хавфли объектлардаги авариялар таҳдиди	юқори, ўртача, мўътадил	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси, Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси
52.	Одамларнинг жароҳатланиши ва заҳарланишига олиб келувчи қишлоқ хўжалиги объектлари ва майдонларидаги ёнғинлар ҳамда авариялар бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
53.	Одамлар жароҳатланиши ва ўлимига олиб келувчи янги қурилаётган, реконструкция ва мукаммал таъмирланаётган объектлардаги авариялар таҳдиди	юқори, ўртача, мўътадил	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
54.	Одамлар жароҳатланиши ва ўлимига олиб келувчи, аҳоли пунктларининг электр энергиясидан узилиши билан боғлиқ энергетика объектларидаги авариялар бўйича таҳдид	юқори, ўртача, мўътадил	“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, Энергетика вазирлиги,

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

Т/р	Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазият манбалари ва уларнинг оқибатлари	Хавфли табиий ва техноген жараёнларнинг юзага келиш хавфи даражаси	Масъул вазирлик ва идоралар
			Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси
55.	Одамлар жароҳатланиши ва ўлимига олиб келувчи диний муассасалардаги авариялар бўйича таҳдид	юқори, ўртача, мўътадил	Дин ишлари бўйича қўмита
56.	Одамлар ва ҳайвонларнинг жароҳатланиши ва ўлимига олиб келувчи ўрмонзорлар, қир-адирликлар ва чўллардаги ёнғинлар бўйича таҳдид	юқори, ўртача, мўътадил	Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги
57.	Одамлар жароҳатланиши ва ўлимига ёки ҳаёт фаолиятининг издан чиқишига олиб келувчи портловчи моддаларни ташиш, сақлаш, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш жараёнидаги авариялар бўйича таҳдид	юқори, ўртача, мўътадил	Ички ишлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси, Божхона қўмитаси
15. Атроф-муҳитдаги рухсат этилган меъёр(РЭМ)даги зарарли моддаларининг меъёридан ошиб кетиши			
58.	Одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавфли таъсир этувчи, ўртача регионал фоннинг 100 карра ортиши натижасидаги РЭМ қайд этилмаган моддалар учун техноген моддаларнинг таркиби, фитотоксик нуқтаи назардан 50 РЭМ ва ундан кўп ёки санитар токсикологик нуқтаи назардан ёки 10 РЭМ ва ундан ортиқ фитотоксик, 50 РЭМ ва ундан кўп концентрациядаги пестицид таркибли юқори экстремал ифлосланувчи грунт/тупроқларда рухсат этилган концентрациянинг ошиши бўйича таҳдид	юқори, ўртача, мўътадил	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, Гидрометеорология хизмати агентлиги
16. Радиоактив моддаларнинг ташланиши билан боғлиқ авария ҳолатлари			
59.	Экологик муҳитни мураккаблаштирувчи, шунингдек, одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф солувчи радиоактив моддаларни ташиш, сақлаш ва ундан фойдаланишда рўй бериши мумкин бўлган авариялар бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси, ташкилот раҳбарлари
60.	Одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф солувчи меъёрдан юқори бўлган санкцияланмаган ионлаштирувчи нурланиш манбаларининг аниқланиши билан боғлиқ авария бўйича таҳдид	юқори, ўртача, мўътадил	Божхона қўмитаси, Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси,

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

Т/р	Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазият манбалари ва уларнинг оқибатлари	Хавфли табиий ва техноген жараёнларнинг юзага келиш хавфи даражаси	Масъул вазирлик ва идоралар
			ташкилот раҳбарлари
61.	Одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф солувчи ядро энергетикаси объектларида радиоактив моддаларнинг тарқалиши билан боғлиқ авария ҳолатлари бўйича таҳдид	юқори, ўртача, мўътадил	Атом энергияси агентлиги, Фанлар академияси Ядро физика институти, Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси
62.	Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудларига хавф солувчи трансчегаравий ядровий ёки радиациявий ифлосланиш хавфи бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси
17. Бино, иншоотлар ва тоғ жинсларининг қулаши			
63.	Технологик аварияларга олиб келувчи ва ишлаб чиқаришни тўхтатишга сабаб бўлувчи, ходимлар ҳаётига хавф солувчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш аҳамиятидаги бино ва иншоотларнинг қулаши билан боғлиқ таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
64.	Одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солувчи ижтимоий-маиший, маданий ва туризм аҳамиятидаги иншоотларнинг қулаши бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
65.	Тоғ ишларини тўхтатувчи ёки аварияларни юзага келтирувчи, ходимлар ҳаёти ва соғлиғига хавф соладиган карьерлар ва конларда тоғ жинсларининг қулаши бўйича таҳдид	юқори, ўртача, мўътадил	Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси
18. Электр таъминоти тизимлардаги авария ҳолатлари			
66.	Одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф солувчи, жиҳозлар бузилишига, одамлар жароҳатланиши ва ўлимига олиб келувчи, электр энергияси ишлаб чиқаришни тўхтатувчи, саноат объектлари ва аҳоли пунктларида 18 соат ва ундан кўп муддатда электр таъминоти ўчишига сабаб бўлувчи атом электр станциялари, гидроэлектростанциялар, иссиқлик электростанцияларидаги ва иссиқлик марказларидаги авариялар бўйича таҳдид	юқори, ўртача, мўътадил	Энергетика вазирлиги, “Ўзбекгидроэнерго”АЖ, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, Атом энергияси агентлиги

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

Т/р	Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазият манбалари ва уларнинг оқибатлари	Хавфли табиий ва техноген жараёнларнинг юзага келиш хавфи даражаси	Масъул вазирлик ва идоралар
67.	Аҳоли пунктлари ҳамда муҳим ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларида 18 соат ва ундан кўп муддатда электр энергияси таъминоти ўчишига сабаб бўлувчи ёки аҳоли ва ҳудудларга хавф солувчи муқобил электр станцияларидаги (қуёш, шамол ва бошқалар) авариялар бўйича таҳдид	юқори, ўртача, мўътадил	Энергетика вазирлиги
	19. Ҳаёт фаолиятини таъминлашнинг коммунал тизимларидаги авария ҳолатлари		
68.	Аҳоли ҳаёт фаолиятининг издан чиқиши, одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф солувчи, ифлослантирувчи моддаларнинг атроф-муҳитга тарқалиши билан боғлиқ оқова сув тизимларидаги авариялар бўйича таҳдид	юқори, ўртача, мўътадил	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
69.	Аҳоли ҳаёт фаолиятининг издан чиқиши, одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф солувчи, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти тизимларидаги авариялар бўйича таҳдид	юқори, ўртача, мўътадил	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
70.	Аҳоли ҳаёт фаолиятининг издан чиқишига сабаб бўлувчи, истеъмолчиларнинг газ таъминотидан узилиши билан боғлиқ магистраль ва коммунал газ қувурларидаги авариялар бўйича таҳдид	юқори, ўртача, мўътадил	“Ўзтрансгаз” АЖ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ
	20. Алоқа ва телекоммуникация тизимларидаги авария ҳолатлари		
71.	Корхона, ташкилот, муассасалар ва аҳоли пунктларининг маълум муддатга (12 соат ва ундан кўп) алоқа ва хабар бериш тизимидан ўчишига сабаб бўлувчи, телекоммуникация тармоқларидаги авариялар бўйича таҳдид	юқори, ўртача, мўътадил	Рақамли технологиялар вазирлиги
	21. Саноат, оқова сувларини тозалаш иншоотларида авария ҳолатлари		
72.	Одамлар соғлиғига ва атроф табиий муҳитга зарар келтирувчи ҳамда ифлослантирувчи моддаларнинг тарқалиши билан боғлиқ, саноат корхоналаридаги оқова сувларни тозаловчи иншоотлардаги авариялари бўйича таҳдид	юқори, ўртача, мўътадил	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси, “Ўзсувтаъминот” АЖ
73.	Одамлар соғлиғига ва атроф табиий муҳитга зарар келтирувчи, ифлослантирувчи моддаларнинг атмосфера ҳавосига чиқарилиши билан боғлиқ, газни тозалаш объектларидаги авариялар бўйича таҳдид	юқори, ўртача, мўътадил	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
	22. Гидродинамик авариялар		
74.	Қишлоқ хўжалиги майдонлари, транспорт ва коммуникациялар, иқтисодий ва ижтимоий объектлар, шунингдек, аҳоли яшаш жойларини сув босиш хавфини келтириб чиқарувчи, сув омборлари дамбалари, шлюзлар ва бошқа гидротехника иншоотларининг шикастланиши ёки энергетик мақсадда йиғилган сувларнинг авариявий чиқиб кетиши бўйича таҳдид	юқори, ўртача, мўътадил	Сув хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси,

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

Т/р	Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазият манбалари ва уларнинг оқибатлари	Хавфли табиий ва техноген жараёнларнинг юзага келиш хавфи даражаси	Масъул вазирлик ва идоралар
			“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
75.	Тоғ ишларини тўхтатувчи, ходимларнинг ҳаётига хавф солувчи, гилли массалар, пульпалар, оқма лойларни юзага келиши, шунингдек, фойдали қазилма конларни сув босиши бўйича таҳдид	юқори, ўртача, мўътадил	Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси
76.	Иқтисодий ва ижтимоий объектлар ҳамда аҳоли пунктларида сув босиши хавфини келтириб чиқарувчи, канал ва дарё қирғоқлари емирилиши бўйича таҳдид	юқори, ўртача, мўътадил	Сув хўжалиги вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги
23. Нефть-газ саноат комплекслари тизимида авария ҳолатлари			
77.	Одамларнинг (шу жумладан, ишлаб чиқариш ходимларининг) заҳарланиши ва жароҳатланишига олиб келувчи, очиқ нефть ва газ фонтанларининг юзага келиши, бурғилаш ускуналаридаги, фаол ва тўхтатилган нефть-газ қудуқларида авариялар бўйича таҳдидлар	юқори, ўртача, мўътадил	“Ўзбекнефтгаз” АЖ, Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси
78.	Одамларнинг (шу жумладан, ишлаб чиқариш ходимларининг) заҳарланиши ва жароҳатланишига, нефть-газ чиқиши (тарқалиши)га олиб келувчи, нефть сақлаш омборлари ва нефть базаларидаги авариялар бўйича таҳдид	юқори, ўртача, мўътадил	“Ўзбекнефтгаз” АЖ, Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси
24. Сувдаги бахтсиз ҳодисалар			
79.	Одамларнинг жароҳатланиши ва уларнинг ўлими билан боғлиқ сувда юз берадиган ҳодисалар бўйича (ҳовузларда, истироҳат боғларидаги очиқ сув ҳавзаларида, каналларда, кўлларда, дарёларда) таҳдид	юқори, ўртача, мўътадил	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 25 июндаги 328 -сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда вазиятлар мониторинги, ахборот алмашинуви ва прогнозлаш ягона тизимини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 28 декабрдаги 1027-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбеккўмир” АЖ ва “Шарғункўмир” АЖни “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибига ўтказиш ҳамда кўмир саноати корхоналарини молиявий соғломлаштириш борасидаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 8 ноябрдаги ПҚ–3380-сон қарори)” 2018 йил 24 январдаги 52-сон қарорига илованинг 5-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 17 апрелдаги ПФ–5418-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ–3671-сон қарори, “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ–3672-сон қарори)” 2018 йил 7 декабрдаги 995-сон қарорига 1-илованинг 131-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида давлат бошқаруви ва назорати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 декабрдаги ПФ–5594-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ–4058-сон қарори)” 2019 йил 6 мартдаги 195-сон қарорига илованинг 44-банди.

QMMB: 09/26/328/0633-son
26.06.2026-y.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 1 февралдаги ПФ–5647-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 6 мартдаги ПҚ–4230-сон қарори)” 2020 йил 8 майдаги 271-сон қарорига 1-илованинг 49-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сон Қонуни)” 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 471-банди.

QMMB: 09/26/329/0679-son
03.07.2026-y.

25 (1253)-son
624-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 26 » iyun № 329 Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида рақамлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ишончли муҳофаза қилиш соҳасини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш тўғрисида” 2025 йил 20 октябрдаги ПФ–185-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида рақамли технологиялар, замонавий рақамли ечимлар, дастурий маҳсулотлар, электрон хизматлар ва инновацияларни жорий этиш, шунингдек, соҳада сунъий интеллект технологияларини қўллаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасини рақамлаштириш ҳамда илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 20 октябрдаги ПҚ–311-сон қарорига мувофиқ 2026 йил 1 январдан бошлаб 2027 йил якунига қадар Фавқулодда вазиятлар вазирлигида юридик шахс мақомига эга бўлмаган “Digital team” идоралараро рақамли жамоа (кейинги ўринда – “Digital Team” идоралараро рақамли жамоа) фаолияти йўлга қўйилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

“Digital Team” идоралараро рақамли жамоанинг мақсади, асосий вазифалари, фаолиятини ташкил этиш тартиби ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи **“Digital Team” идоралараро рақамли жамоа тўғрисидаги низом** 1-иловага мувофиқ;

Фавқулодда вазиятлар органларининг тегишли ахборот-таҳлилий платформалари ва ахборот тизимларига интеграция қилинадиган вазирлик ва идораларнинг ахборот ресурслари ҳамда маълумотлар базалари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар вазирлик ва идораларнинг тегишли ахборот тизимларини фавқулодда вазиятлар органларининг ахборот-таҳлилий платформалари ва ахборот тизимларига интеграция қилиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

вазирлик ва идораларга ҳар йили ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари, вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари;

QMMB: 09/26/329/0679-son
03.07.2026-y.

юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, норезидентларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг грантлари ҳамда техник кўмаклари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири А.И. Икрамов ва рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов белгилансин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/329/0679-son
03.07.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 26 июндаги 329-сон қарорига
1-илова

“Digital Team” идоралараро рақамли жамоа тўғрисидаги НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Digital Team” идоралараро рақамли жамоанинг (кейинги ўринларда – Идоралараро рақамли жамоа) мақсади, асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда 2027 йил якунига қадар фаолият кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Идоралараро рақамли жамоа ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этмасдан, бевосита Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг (кейинги ўринларда – Вазирлик) умумий раҳбарлигида амалга оширади.

3. Идоралараро рақамли жамоа ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низом ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилади.

4. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасини рақамлаштиришда Идоралараро рақамли жамоа иштирокчилари ўзларининг мутахассислари ва молиявий ресурслари билан иштирок этади.

2-боб. Идоралараро рақамли жамоанинг мақсади ва асосий вазифалари

5. Идоралараро рақамли жамоанинг **мақсади** аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида масъул вазирлик ва идораларнинг тегишли ахборот тизимлари, ресурслари, мультисервис тармоқларини яратиш ҳамда сунъий интеллект технологияларини қўллаш учун зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат.

6. Қуйидагилар Идоралараро рақамли жамоанинг **асосий вазифалари** ҳисобланади:

аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасига рақамли технологиялар, замонавий рақамли ечимлар, дастурий маҳсулотлар, электрон хизматлар ва инновацияларни жорий этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

соҳани рақамлаштириш борасида ташаббуслар, таклифлар ишлаб чиқиш, лойиҳаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, татбиқ этиш (тажриба-синовлар ўтказиш) ва бошқариш бўйича зарур тадбирларни амалга ошириш;

QMMB: 09/26/329/0679-son
03.07.2026-y.

Идоралараро рақамли жамоа иштирокчиларининг ахборот тизимларини (маълумотлар базасини) Вазирликнинг ахборот инфратузилмасига белгиланган тартибда интеграция қилиш чораларини кўриш;

Идоралараро рақамли жамоа иштирокчилари ўртасида рақамли воситалар ёрдамида ҳимояланган ва барқарор ахборот алмашинувини жорий этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш, рақамлаштириш бўйича самарали стратегияларни ишлаб чиқиш;

ҳимояланган аппарат-дастурий комплексларни жорий этиш, ахборот ва киберхавфсизлик таҳдидларидан ҳимоя қилиш чораларини кўриш.

3-боб. Идоралараро рақамли жамоанинг фаолиятини ташкил этиш

7. Идоралараро рақамли жамоага Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг рақамлаштириш, инновация ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича ўринбосари раҳбарлик қилади. Рақамли технологиялар вазирининг биринчи ўринбосари Идоралараро рақамли жамоа ҳамраҳбари ҳисобланади.

8. Вазирлик Идоралараро рақамли жамоанинг ишчи органи ҳисобланади.

9. Идоралараро рақамли жамоага юкланган вазифаларнинг бажарилишини муҳокама қилиш ҳамда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар бўйича ҳар ойда камида бир маротаба Идоралараро рақамли жамоанинг йиғилиши ташкил этилади. Бунда Идоралараро рақамли жамоа йиғилишлари онлайн тарзда видеоконференцалоқа шаклида ҳам ўтказилиши мумкин.

10. Идоралараро рақамли жамоа раҳбари Идоралараро рақамли жамоа таркибини, Идоралараро рақамли жамоанинг навбатдаги йиғилишини ўтказиш санаси ва жойини ҳамда кун тартибини тасдиқлайди.

11. Идоралараро рақамли жамоа йиғилишининг кун тартиби ва унга тегишли ҳужжатлар йиғилиш бошланишидан камида беш кун олдин Идоралараро рақамли жамоа аъзоларига йиғилиш тўғрисида хабарнома билан юборилади.

12. Идоралараро рақамли жамоа йиғилишларида аъзоларнинг камида тўртдан уч қисми иштирок этганда, йиғилиш ваколатли ҳисобланади.

13. Идоралараро рақамли жамоа йиғилиши ва унда кўриб чиқилган масалалар баённома асосида расмийлаштирилади.

14. Йиғилиш баённомаси йиғилиш ўтказилганидан сўнг уч иш кунида Идоралараро рақамли жамоа раҳбари томонидан Идоралараро рақамли жамоа ҳамраҳбари билан келишган ҳолда тасдиқланади.

15. Йиғилиш баённомасида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши Вазирликнинг Рақамлаштириш ва ахборотни ҳимоялаш бошқармаси томонидан мониторинг қилиб борилади.

QMMB: 09/26/329/0679-son
03.07.2026-y.

16. Идоралараро рақамли жамоа фаолиятида юзага келган муаммоли масалалар бўйича Идоралараро рақамли жамоанинг навбатдан ташқари йиғилишлари ўтказилиши мумкин.

17. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасини рақамлаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги ва Идоралараро рақамли жамоанинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири ва рақамли технологиялар вазири ҳузурида ҳар чоракда муҳокама қилиб борилади.

18. Заруратга кўра Идоралараро рақамли жамоанинг фаолиятига маҳаллий ҳамда хорижий мутахассис ва экспертлар жалб этилиши мумкин.

4-боб. Идоралараро рақамли жамоанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

19. Идоралараро рақамли жамоа ўзига юкланган вазифаларни бажаришда қуйидаги **ҳуқуқларга** эга бўлади:

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида ахборот хавфсизлиги ҳамда маълумотларни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий, техник ва дастурий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасини рақамлаштиришга оид маълумотлар ва материалларни манфаатдор вазирлик ва идоралардан сўраб олиш;

вазирлик ва идораларнинг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасига алоқадор ахборотлаштириш лойиҳалари билан танишиш, уларга лойиҳаларни такомиллаштиришга оид таклифлар киритиш ва услубий тавсиялар бериш;

заруратга кўра ўзига юкланган вазифаларни бажариш жараёнида вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассисларини иш берувчи ҳамда ходимнинг розилиги асосида Идоралараро рақамли жамоа фаолиятига жалб этиш;

ўз фаолиятини амалга оширишда техник воситалардан, шу жумладан, аудио-фото ва видео қайд этиш воситаларидан фойдаланиш;

соҳага оид етакчи маҳаллий ва хорижий ташкилотлар ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум ва битимлар тузиш.

Идоралараро рақамли жамоа ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

20. Идоралараро рақамли жамоага қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

фаолиятини амалга ошириш жараёнида олинган давлат сири ва бошқа турдаги сирларни ташкил этувчи маълумот ва ҳужжатларнинг махфийлигини сақлаш;

QMMB: 09/26/329/0679-son
03.07.2026-y.

манфаатдор вазирлик ва идораларга ўз фаолияти юзасидан сўралган маълумотларни тақдим этиш;

белгиланган вазифаларни бажаришда коррупция ҳолатларининг, шу жумладан, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш.

Идоралараро рақамли жамоага ўзига юкланган вазифаларни бажаришда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

5-боб. Якунловчи қоида

21. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

QMMB: 09/26/329/0679-son
03.07.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 26 июндаги 329-сон қарорига
2-илова

Фавқулодда вазиятлар органларининг тегишли ахборот-таҳлилий платформалари ва ахборот тизимларига интеграция қилинадиган вазирлик ва идораларнинг ахборот ресурслари ҳамда маълумотлар базалари
РЎЙХАТИ

Т/р	Ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларининг номи	Вазирлик ва идора номи
1.	“Хавфсиз шаҳар” аппарат-дастурий комплекси маълумотлари	Ички ишлар вазирлиги
2.	“E-ma’muriy ish” ахборот тизими	
3.	Жисмоний ва юридик шахсларнинг рўйхатдан ўтган автомототранспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар	
4.	Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар	
5.	“Манзил маълумот” ахборот тизими	
6.	“Raqamli qo‘riqlash” ахборот тизими	
7.	Атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизими	Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси
8.	“Air Monitoring Uzbekistan” платформаси	
9.	DMED электрон ахборот тизими доирасида шакллантирилган маълумотлар (шифокорларнинг ҳудудларга бириктирилгани, сиғими, беморлар тоифаси ва бошқалар)	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
10.	Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг ахборот тизими маълумотлари	
11.	“Xavfli yuk” ахборот тизими	Транспорт вазирлиги
12.	“Ташувчи ва ҳайдовчиларга кўмак” ахборот тизими	
13.	“Хавфли геологик жараёнларни мониторинг қилиш” автоматлаштирилган тизими	“Ўзбекгидрогеология” ДМ
14.	“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
15.	“Менинг уйим” ахборот биллинг тизими	
16.	“Давлат сув кадастри” ахборот тизими	Сув хўжалиги вазирлиги
17.	“Рақамли сув хўжалиги” ягона ахборот тизими	

QMMB: 09/26/329/0679-son
03.07.2026-y.

Т/р	Ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларининг номи	Вазирлик ва идора номи
18.	“Сув хўжалиги объектлари” ахборот тизими	
19.	Ерларнинг шўрланиш даражаси ва мелиоратив ҳолатини мониторинг қилиш ахборот тизими	
20.	Сув омборларидаги локал даражадаги хабар бериш тизимлари	
21.	Талабалар турар жойлари тўғрисидаги маълумотлар	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
22.	“E-Mehmon” ахборот тизими маълумотлари	Туризм қўмитаси
23.	Миллий туризм ягона платформаси	
24.	“Ягона интеграциялашган экотизим” ахборот тизими	Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси
25.	“E-tranzit” автоматлаштирилган ахборот тизими	Божхона қўмитаси
26.	“Божхона омбори” автоматлаштирилган ахборот тизими	
27.	“Электрон божхона расмийлаштируви” автоматлаштирилган ахборот тизими	
28.	“Shaffof yo‘l” онлайн ахборот платформаси	Автомобиль йўллари қўмитаси
29.	“Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” автоматлаштирилган тизими	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
30.	“Smart forestry” ахборот платформаси	Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги
31.	“Locust.uz” автоматлаштирилган ахборот тизими	Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси
32.	Сунъий йўлдош маълумотларини қайта ишлаш тизими (Meteo Sat)	Гидрометеорология хизмати агентлиги
33.	Метеорологик ва агрометеорологик миниметеостанциялар маълумотлари	
34.	Атроф-муҳит ифлосланишини мониторинг қилиш тизими	
35.	Метеорологик кузатувларнинг ягона портали (Meteo Monitoring)	
36.	“Ҳавонинг сифати” ахборот тизими маълумотлари	
37.	“Миллий геоахборот” тизими	Кадастр агентлиги
38.	Кадастр объектлари тўғрисидаги маълумотлар	
39.	Статистика интегралашган ахборот тизими маълумотлари	Миллий статистика қўмитаси
40.	Сув омборлари тўғонларининг зилзилабардошлигини доимий космик мониторинг қилиш тизими (“Damb Monitoring System” АТ)	Космик мониторинг ва геоахборот технологиялари маркази

QMMB: 09/26/329/0679-son
03.07.2026-y.

T/p	Ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларининг номи	Вазирлик ва идора номи
41.	Автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчалари (АГТКШ) фаолиятидаги жараёнларни реал вақт режимида қайд этиб борадиган “UGaz” тизими	“Uzinfocom” МЧЖ
42.	“E-KON” ахборот тизими	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
43.	“Smart HET” автоматлашган ахборот тизими	“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ
44.	“Geoinformatsiya” автоматлашган ахборот тизими	
45.	Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (АСКУЭ)	
46.	“ASKUG Yur” ахборот тизими	“Ҳудудгазтаъминот” АЖ
47.	“E-Gaz” ахборот тизими	
48.	Ягона рақамли платформанинг хавфли махсулотлар ва омборхоналар жойлашуви модуллари	“Ўзкимёсаноат” АЖ
49.	Автоматлаштирилган диспетчерлик назорат тизимининг оператив ўлчаш мажмуаси	“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ
50.	Ичимлик суви ва канализация ҳисоби ахборот тизими маълумотлари	“Ўзсувтаъминот” АЖ
51.	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ тасарруфидаги сув омборларидаги локал хабар бериш тизими	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
52.	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ тасарруфидаги сув омборларидаги видеокузатув тизими	
53.	“Ekspress-3” АВТ	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ

Изох. *Ахборот тизимлари ва ресурсларининг маълумотлари “Рақамли ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси (ИИП) орқали тақдим этилади. Ҳар бир маълумот алмашинуви юзасидан алоҳида техник ҳужжатлар ишлаб чиқилади.*

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/330/0638-son
26.06.2026-y.

25 (1253)-son
625-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 **26** yil « **26** » **iyun** № **330** Toshkent sh.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва аҳоли ҳаёт маромини таъминлаш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ишончли муҳофаза қилиш соҳасини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш тўғрисида” 2025 йил 20 октябрдаги ПФ–185-сон Фармонига мувофиқ фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва аҳоли ҳаёт маромини таъминлаш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 20 октябрдаги ПФ–185-сон Фармонида фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва аҳоли ҳаёт маромини таъминлаш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш тартибини такомиллаштириш назарда тутилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва аҳоли ҳаёт маромини таъминлаш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини яратиш, улардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва аҳоли ҳаёт маромини таъминлаш учун **моддий ресурслар захираларини шакллантирадиган органлар рўйхати;**

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун **молиявий ва моддий ресурслар захиралари рўйхати;**

моддий ресурслар захираларини миқдор ва сифат жиҳатидан сақлашнинг **талаблари, уларни сақлаш муддатлари** ҳамда **назорат қилиш**.

3. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

халқаро тажрибалар асосида фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун моддий ресурслар захираларининг намунавий номенклатурасини **бир ой муддатда** тасдиқласин;

QMMB: 09/26/330/0638-son
26.06.2026-y.

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун моддий ресурслар захираларини шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш юзасидан давлат назоратини амалга оширсин ва услубий раҳбарлик қилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар **икки ой муддатда**:

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун моддий ресурслар захираларининг намунавий номенклатураси рўйхатига мувофиқ рўй бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг кўлами, шунингдек, ҳудуднинг табиий, иқтисодий ва бошқа ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун **моддий ресурслар захиралари ҳажми, номенклатураси ҳамда комплекс чора-тадбирлар режасини тасдиқласин;**

2028 йилгача бўлган даврда фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини босқичма-босқич шакллантириш бўйича тасдиқланган комплекс чора-тадбирларда белгиланган **захира мол-мулкларни харид қилиш ишлари** амалга оширилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **2-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов ва фавқулодда вазиятлар вазири А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А.Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/330/0638-son
26.06.2026-y.

25 (1253)-сон
625-модда

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 26 ” июн даги 330 - сон қарорига
1-илова

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва аҳоли ҳаёт маромини таъминлаш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш тартибини белгилайди.

2. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва аҳоли ҳаёт маромини таъминлаш учун молиявий ва моддий ресурслар захиралари вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда бошқа ташкилотлар (кейинги ўринларда – захира яратувчи органлар) томонидан фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун шошилинч тарзда фойдаланиш мақсадида олдиндан шакллантирилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

захирадаги моддий ресурсларни алмаштириш – стандартлар ва тайёрлаш технологияларининг ўзгариши муносабати билан захирадаги моддий бойликларни чиқариш ва бир вақтнинг ўзида уларнинг ўрнини шунга ўхшаш ва шунга тенг миқдордаги моддий бойликлар билан тўлдириш;

моддий ресурслар захирасини янгилаш ва қайта тиклаш – моддий захиралар, уларнинг идиши ва қадоғининг белгиланган сақлаш муддати тугаган, сақлаш муддати тугамаган ҳолда идиши бузилиши ёки бошқа сабабларга кўра маҳсулотнинг яроқсиз ҳолга келиши, сифати бузилиши натижасида маҳсулотнинг рўйхатдан чиқарилиши ва бир вақтнинг ўзида унинг миқдорига тенг бўлган худди шундай моддий бойликни унинг ўрнига қўйиш;

моддий ресурсларни захирадан чиқариш – захирадаги моддий бойликларни муайян шартлар асосида ёки беғараз тарзда олувчига (истеъмолчига) бериш ёки уларни бозорда сотиш;

моддий ресурсларни захирадан олиб туриш – моддий захираларни кейинчалик уларнинг ўрнига шунга ўхшаш бўлган тенг миқдордаги моддий бойликни қайтариш шарти билан олиб туриш;

моддий ресурслар захираларини сақлаш – сақланаётган моддий ресурсларнинг бирламчи ҳолатда сақланишини, шу билан бирга, уларга хизмат кўрсатиш, уларни янгилаш, алмаштиришни таъминлашга йўналтирилган комплекс тадбирлар;

моддий ресурсларни масъулиятли сақлаш – томонлардан бири (сақлаб берувчи) иккинчи томон берган моддий ресурсларни сақлаш ва талаб қилинганда бут ҳолда қайтариш мажбуриятини олишни таъминлайдиган шартномавий муносабатлар;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун моддий ресурслар захираси – фавқулодда вазиятларни бартараф этишга мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотларининг махсус захиралари, кийим-кечаклар, дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника, қурилиш материаллари, нефть маҳсулотлари, умумий ва якка муҳофазаланиш воситалари ҳамда бошқа моддий ресурсларнинг махсус захиралари;

фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш учун молиявий ресурслар захираси – тегишли захира шакллантирувчи органлар тасарруфидаги фавқулодда вазиятларни бартараф этиш вақтида кутилмаган харажатларнинг ўрнини тўлдириш учун мўлжалланган маблағлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш учун давлат моддий ва молиявий ресурс захираларидан фойдаланиш мумкин.

2-боб. Молиявий ва моддий ресурслар захираларини шакллантириш тартиби

5. Фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш учун қуйидаги турдаги молиявий ва моддий ресурслар захиралари шакллантирилади:

идоравий моддий ресурслар захиралари – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан республика фавқулодда вазиятларини бартараф этиш ва 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёти ва фаолиятини таъминлаш;

маҳаллий молиявий ресурслар захиралари – базавий ҳисоблаш миқдорининг 5,0 минг бараваридан кам бўлмаган миқдорда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари, шунингдек, базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,0 минг бараваридан кам бўлмаган миқдорда шаҳар ва туман ҳокимликларининг маҳаллий бюджетлари ҳисобидан фавқулодда вазиятларни бартараф этиш вақтидаги кутилмаган харажатларнинг ўрнини тўлдириш;

маҳаллий (шаҳар ва туман ҳокимликлари) моддий ресурслар захиралари – шаҳар ва туман ҳокимликларининг маҳаллий бюджети ҳисобидан, шаҳар ва туман ҳудудларида фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва 500 дан кам бўлмаган одамларнинг ҳаёти ва фаолиятини таъминлаш;

объектнинг моддий ресурслар захиралари – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларда бюджет, бюджетдан ташқари ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан, бошқа ташкилотларда эса ўз маблағлари ҳисобидан фавқулодда вазиятларни

QMMB: 09/26/330/0638-son
26.06.2026-y.

бартараф этиш, 100 кишидан ортиқ бўлмаган ва лекин ишчи хизматчиларнинг сонидан кам бўлмаган одамларнинг ҳаёти ва фаолиятини таъминлаш учун.

6. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва аҳоли ҳаёт маромини таъминлаш учун молиявий ва моддий ресурслар захирасини шакллантирадиган ташкилотлар рўйхати ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ белгиланади.

Маҳаллий (шаҳар ва туман ҳокимликлари) ҳамда объектлар (ташкилот) рўйхатлари тегишлигича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг қарорларига мувофиқ белгиланади.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва аҳоли ҳаёт маромини таъминлаш учун моддий ресурслар захираларининг намунавий номенклатураси рўйхати ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ белгиланади. Ушбу номенклатура рўйхати фавқулодда вазиятларни бартараф этишга мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотларининг махсус захираларини, кийим-кечакларни, дори воситаларини, тиббий буюмларни, тиббий техникани, қурилиш материалларини, нефть маҳсулотларини, умумий ва якка муҳофазаланиш воситаларини ҳамда бошқа моддий ресурсларни, шунингдек, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш чоғидаги кутилмаган харажатларнинг ўрнини тўлдириш учун мўлжалланган маблағларни ўз ичига олади.

7. Объектларнинг моддий ресурслар захиралари фуқаро муҳофазаси бўйича тоифага эга бўлган ҳамда хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланувчи ташкилотларда мажбурий тарзда, бошқа ташкилотларда эса содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар хавфи ва манбаларини, шунингдек, ўзининг ишчи ва хизматчилари сонини ҳисобга олган ҳолда ушбу ташкилотларнинг раҳбарлари ихтиёрига кўра шакллантирилалади.

8. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун моддий ресурслар захираларининг номенклатураси ва ҳажми рўй бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг кўламидан, шунингдек, ҳудуднинг табиий, иқтисодий ва бошқа ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, захирани шакллантирувчи органлар томонидан ишлаб чиқилади ва қуйидагилар билан келишилган ҳолда тасдиқланади:

республика миқёсидаги вазирлик ва идоралар учун – Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси билан;

маҳаллий ҳокимликлар ва маҳаллий объектлар учун – Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳудудий бошқармалари билан.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг захиралари фақат маҳаллий (шаҳар ва туман) моддий ресурслар захираси таркибида шакллантирилади.

QMMB: 09/26/330/0638-son
26.06.2026-y.

Давлат моддий захирасини шакллантириш вазифаси юкланган ташкилотлар томонидан фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун моддий ресурслар захираларининг номенклатурасини ишлаб чиқишда, такрорланишнинг олдини олиш мақсадида уларга топшириқда белгиланган моддий бойликларни киритмайди.

9. Айрим моддий ресурсларни (озиқ-овқат маҳсулотлари, нефть маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва бошқаларни) сотиб олиш ва сақлаш ўрнига улар доимо мавжуд ёки муомалада бўлган корхоналар билан шошилинч етказиб бериш (сотиш) юзасидан тегишли шартномалар тузилиши мумкин. Бунда ушбу моддий ресурсларни сотиб олиш, сақлаш ва ушлаб туришга мўлжалланган маблағлар зарур бўлган ҳолатларда фойдаланиш учун махсус банк ҳисоб варақларида ташкил этиладиган молиявий ресурслар захирасига мақсадли йўналтирилади.

3-боб. Моддий ресурслар захираларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш тартиби

10. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун моддий ресурслар захиралари ушбу ресурсларни сақлашга мўлжалланган, фавқулодда вазият ҳудудига тезкор етказиб бериш имкони мавжуд бўлган объектларда сақланади.

11. Моддий ресурслар захираларини сақлашнинг асосий вазифаси уларни бутун сақлаш муддати давомида миқдор ва сифат жиҳатидан сақлаб туриш ҳамда уларнинг мақсадли фойдаланиш учун доимий тайёрлигини таъминлашдан иборат.

12. Моддий ресурслар захираларини миқдор ва сифат жиҳатидан сақлаб туришни таъминлаш масъул ташкилотларга юкланади.

13. Аввал фойдаланилган, бироқ соз ва бутловчи қисмлари тўлиқ бўлган махсус жиҳозларни моддий ресурслар захирасига тўплашга рухсат этилади.

14. Моддий ресурслар захиралари улар қаерга жойлаштирилганидан қатъи назар, давлат ёки уларни ташкил этган (сотиб олган) юридик шахснинг мулки ҳисобланади.

15. Барча турдаги моддий ресурслар захиралари сақлаш жойларида (кейинги ўринларда – омборлар) уларни сақлаш учун белгиланган талабларга мувофиқ ҳолда сақланади.

16. Захира шакллантирувчи органларга бўйсунадиган ташкилотларда моддий ресурсларнинг айрим турларини сақлашни ташкил этишнинг иложи бўлмаса (мақсадга мувофиқ бўлмаса), моддий ресурслар захираларини тезкор етказиб беришни таъминлаш мақсадида бошқа ташкилотларнинг омборларида келишув шартномалари асосида сақлаш мумкин.

17. Моддий ресурслар захираларини миқдор ва сифат жиҳатдан сақланиши қуйидаги талаблар асосида таъминланади:

моддий ресурсларни тўғри жойлаштириш, жиҳозлаш, омборларни сақлаб туриш ва улардан фойдаланиш;

QMMB: 09/26/330/0638-son
26.06.2026-y.

омборга кирим қилинадиган моддий ресурсларни синчиклаб қабул қилиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш;

сақлаш учун моддий ресурсларни тайёрлаш;

сақлаш жойларини тайёрлаш ва моддий ресурслар сифатига салбий таъсир этадиган омилларнинг олдини олиш ва сақлаш учун керакли шароитлар яратиш;

моддий ресурсларнинг ҳар бир тури (ҳарорат, нисбий намлик, вентиляция) учун зарур сақлаш шароитларини яратиш ва санитария-гигиена талабларига риоя қилиш;

сақланаётган моддий ресурсларнинг сифат ҳолатини доимий назорат қилиш ва уларнинг сифатли сақланишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш (тозалаш, қуритиш, консервациялаш, техник кўрикдан ўтказиш ва текшириш, қайта тахлаш, лаборатория синовларидан ўтказиш, зараркунандаларга қарши кураш ва бошқалар);

моддий ресурсларнинг сақлаш шароитлари ва жойларини даврий текширувдан ўтказиш;

моддий ресурсларни физик-кимёвий хоссаларга қараб сақлаш тартибига қатъий риоя қилиш;

моддий ресурсларни захирага қабул қилиш, сақлаш, захирадан чиқариш ва қайта ишлаш жараёнида юклаш-тушириш ва омбор ичидаги ишларни имкон қадар механизациялаштириш;

омбор ишчиларини тўғри танлаш ва ўқитиш, омбор учун зарур штат бирликларини шакллантириш;

омбор хавфсизлигини ишончли ташкил этиш ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш;

белгиланган сақлаш муддатларига мувофиқ моддий ресурсларни ўз вақтида алмаштириш ва янгилаш;

сутка ва мавсумнинг исталган вақтида омборлар ва юклаш жойларига кириш йўлларини яхши ҳолатда сақлаш.

18. Моддий ресурслар захираларининг барча турлари учун сақлаш (яроқлилик) муддатлари ишлаб чиқарувчи томонидан тавсия этилган сақлаш муддатларига асосан белгиланади.

19. Моддий ресурсларнинг белгиланган талабларга мувофиқ сақланишини таъминланмагани натижасида моддий ресурслар захиралари йўқотилган ёки шикастланган тақдирда, улар ушбу моддий ресурсларни сақлайдиган ташкилотлар ҳисобидан тикланади.

20. Моддий ресурслар захираларини сақлайдиган ташкилотлар раҳбарлари уларнинг миқдори, сифати, сақлаш шароитлари, ҳисоби ва фойдаланишга тайёрлигини тизимли равишда текшириб боради.

21. Моддий ресурсларни сақлаш учун мўлжалланган иншоотлар ташкилот омборхоналарининг ажралмас қисми ҳисобланади. Унинг таркиби (сақлаш жойларининг сони ва техник жойлашуви) сақланадиган моддий ресурсларнинг номенклатураси ва ҳажмига мос бўлиши лозим.

22. Моддий ресусрларнинг туридан келиб чиққан ҳолда миқдор ва сифат жиҳатидан сақланиши Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ белгиланган миллий стандартлар, меъёрлар, талаблар, йўриқномалар ва бошқа қоидалар асосида таъминланади.

23. Моддий ресурслар қуйидаги ҳолатларда захирадан чиқарилади:

фавқулодда вазиятни бартараф этиш;

ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфларни бартараф этиш;

уларни янгилаш ёки алмаштириш муносабати билан.

24. Чегарадош ёки бошқа ҳудудларда ва объектларда содир бўлган фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун моддий ресурслар улардан вақтинча фойдаланиш шарти билан, агар бошқа тартиб белгиланмаган бўлса, захира яратувчи орган ва олувчи ўртасида олти ойгача бўлган муддатга тузиладиган шартнома асосида захирадан чиқарилади. Шартномада вақтинча фойдаланиш учун олинган воситаларни қайтариш тартиби, муддати ва шартлари ҳамда шартнома талабларини бажармаганлик учун жавобгарлик белгиланади.

25. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун сарфланган моддий ресурслар тегишли вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар ҳисобидан қайта тикланади.

Захирадан ишлатилган барча турдаги ресурслар уч ойдан кўп бўлмаган муддатда қайта тикланади. Моддий ресурсларни қайта тиклаш муддати уларни етказиб бериш шартларини ҳисобга олган ҳолда узайтирилиши мумкин.

26. Сақлаш муддати тугаши муносабати билан моддий ресурслар захираси, ушбу захирани шакллантирувчи орган томонидан ҳар йили ишлаб чиқиладиган жадвал асосида сақлаш муддати тугаган моддий ресурсларни ташкилотлар эҳтиёжи учун бериш ёки сотувга чиқариш йўли билан қайта тикланади.

27. Моддий ресурсларни захирадан чиқариш, уларни вақтинча фойдаланиш шарти билан олиш, қайта тиклаш ва алмаштириш, шунингдек, молиявий ресурслар захирасидан фойдаланиш тегишли вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг – фуқаро муҳофазаси бошлиқларининг қарорлари асосида амалга оширилади.

28. Favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish uchun ushbu obyektning va yuqori turuvchi organlarning moddiy resurslar zaxiraси, mahalliy favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish uchun mahalliy moddiy resurslar zaxiraси, respublika favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish uchun – tegishli hududlarning mahalliy moddiy resurslar zaxirasidan foydalaniladi.

Tabiiy hamda texnogen xususiyatli favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ularni bartaraf etish bo'yicha favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish uchun mahalliy moddiy resurslar zaxirasidan foydalanish mumkin.

4-bob. Moddiy resurslar zaxiralarni yangilash va almashtirish

29. Moddiy resurslar zaxiralarni almashtirish – moddiy resurslar zaxiraси (mahsulot) nomenklaturaси yoki standartlar va ishlab chiqarish texnologiyalarining o'zgarishi munosabati bilan bir vaqtning o'zida bir xil miqdordagi shunga o'xshash yoki shu turdagi (toifadagi) boshqa moddiy resurslarni etkazib berish va ularni jamg'arish uchun zaxiralardan moddiy resurslarni chiqarish yo'li bilan amalga oshirishdan iborat.

30. Moddiy resurslar zaxiralarini tegishli standartlar va texnik shartlarda belgilangan saqlash muddati tugaganidan keyin saqlash muddatini uzaytirish yoki moddiy resurslarni yangilash (almashtirish) to'g'risida qaror qabul qilish uchun ularning holati nazorat qilinadi. Moddiy resurslarning holati tahlil va sinovlardan o'tkazilади.

31. Agar saqlash muddati tugagandan so'ng moddiy resurslarning sifatiga ko'ra asosan ulardan maqsadli foydalanishga yaroqli bo'lsa, dastlabki belgilangan saqlash muddatining yarmidan ko'p bo'lmagan davrgacha saqlash muddati uzaytirilishi mumkin.

32. Yaroqlilik muddati uzaytirilgan materialларning sifat darajasining pasayish (buzilish, ishdan chiqish) belgilari mavjud bo'lsa, ularni zudlikda yangilash kerak.

33. Agar moddiy resurslarni saqlash muddatini uzaytirish to'g'risida qaror qabul qilishning iloji bo'lmasa, ular yangilanadi (almashtirilади).

34. Zaxiralar har yili zaxira shakllantiruvchi organlar tomonidan ishlab chiqilgan yangilash rejalariga muvofiq o'zlarining moliyalashtirish manbalari hisobidan yangilanadi.

35. Zaxiralarni yangilash muddatlarini aniqlash uchun moddiy resurslarning ishlab chiqarilgan sanasi va saqlash muddati asos hisoblanadi.

36. Moddiy resurslarni yangilashda, birinchi navbatda, ularning asosiy texnik ko'rsatkichlari o'zgargani yoki ishlab chiqarishdan to'xtatilgani (bekor qilingan), shuningdek, saqlash muddatlari uzaytirilganini hisobga olish kerak. Moddiy resurslarning ayrim turlari uchun ularni yangilash va almashtirishning boshqa tartibi belgilanishi mumkin.

5-боб. Молиявий ва моддий ресурслар захираларини шакллантиришни молиялаштириш тартиби

37. Молиявий ва моддий ресурслар захираларини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларда Давлат бюджети, бюджетдан ташқари ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан, бошқа турдаги ташкилотларда эса – уларнинг ўз маблағлари ёки қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалари ҳисобидан молиялаштирилади.

38. Молиявий ресурслар Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари бюджетларининг захира жамғармалари (кейинги ўринларда – захира жамғармаси) ҳисобидан шакллантирилади.

Молиявий ва моддий ресурслар захираси етарли бўлмаган тақдирда вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари Вазирлар Маҳкамасининг захира жағармасидан маблағ ажратилиши юзасидан асослантирилган талабнома билан Вазирлар Маҳкамасига мурожаат қилишлари мумкин.

6-боб. Молиявий ва моддий ресурслар захираларини шакллантирилиши устидан давлат назорати

39. Молиявий ва моддий ресурсларни шакллантирилиши устидан давлат назорати аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда фуқаро муҳофазаси соҳасида давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларигига мувофиқ амалга оширилади.

40. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек, фуқаро муҳофазаси соҳасида давлат назоратини амалга ошириш учун масъул орган ҳисобланади.

41. Назорат қилувчи органларнинг масъул ходимлари захира шакллантирувчи органлар томонидан молиявий ва моддий ресурсларни шакллантиришни текшириш даврийлиги бир йилда бир марта ўтказилади.

42. Давлат назорати субъектлари томонидан қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини текшириш натижалари Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 сентябрдаги 744-сон қарори билан тасдқланган Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси, шунингдек, кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш соҳасида давлат назоратини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

43. Давлат назоратидаги субъектлар томонидан молиявий ва моддий ресурслар захираларининг шакллантириш соҳасида қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилган ҳолатлар аниқланганда, давлат назорати натижалари бўйича тузилган далолатнома асосида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилади.

7-боб. Моддий ресурслар захиралари билан ишлашда ҳисобга олиш ва ҳисоботни юритиш тартиби

44. Моддий ресурслар захираларини ҳисобга олишнинг асосий мақсади уларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан сақлаб туришни таъминлаш, лозим бўлган воситаларни аниқлаш, мавжуд қолдиқ тўғрисида аниқ маълумотларни олишдан иборат.

45. Моддий ресурслар захираларини ҳисобга олиш, улар тўғрисида бирламчи ҳужжатларни талаб даражасида расмийлаштириш (номи, сони, нави, маркаси ва ўлчами) ҳамда моддий ресурсларнинг ҳаракати ва сифат (техник) ҳолатининг ўзгаришлари билан боғлиқ барча қайдларни тўғри ва ўз вақтида амалга оширишдан иборат.

46. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий захираларнинг мавжудлиги, улардан фойдаланилгани ва қайта тўлдирилгани тўғрисидаги ҳисоботлар ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ схема асосида тақдим этилади.

Идоравий ва маҳаллий захираларни шакллантирувчи ташкилотлар томонидан ҳар чоракда кейинги ойнинг 3-санасига фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий захираларнинг мавжудлиги, улардан фойдаланилгани ва уларнинг қайта тўлдирилгани тўғрисида ҳисобот (кейинги ўринларда – ҳисобот) тайёрланади.

Ҳисобот ҳар чоракда кейинги ойнинг 3-санасидан кечикмасдан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаларига тақдим этилади.

Идоравий захираларни шакллантирувчи ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармалари ҳар чоракда кейинги ойнинг 5-санасидан кечикмасдан Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ҳисобот тақдим этади.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳисоботларни ҳар йили ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 февралидан кечикмасдан Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

8-боб. Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун маблағлар ажратиш тартиби

47. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасидан бюджет маблағларини ажратиш ва ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида амалга оширилади.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун захира жамғармаси маблағларидан фойдаланиш юзасидан таклифлар тегишли вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

48. Захира жамғармасидан маблағлар ажратиш юзасидан қарорда ажратилаётган маблағларнинг умумий миқдори ҳамда тадбирлар турларига кўра тақсимланиши кўрсатилади, шу жумладан:

фавқулодда вазият ҳудудида қутқарув ишларини амалга ошириш;

фавқулодда вазият оқибатида шикастланган объектларда авария-қутқарув ишларини олиб бориш;

эвакуация қилинган фуқароларнинг керакли, бироқ бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатгача вақтинча яшаши ва овқатланиши учун пунктларни ташкил этиш ва сақлаш;

жабрланганлар ва ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш;

жабрланганларни фавқулодда вазиятнинг зарарли омилларидан муҳофаза қилиш;

фавқулодда вазият ҳудудидан аҳолини эвакуация қилиш ва уларни доимий яшаш жойларига қайтариш;

ҳудуд ва объектларни муҳофаза қилиш учун вақтинча қурилмаларни ташкил этиш ва қуриш, уларни демонтаж қилиш.

Захира жамғармаси маблағларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш тақиқланади.

49. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан биргаликда захира жамғармасидан фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун ажратилган маблағларнинг ҳисоби юритилишини ташкил этади ҳамда улардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан назоратни амалга оширади.

Захира жамғармасидан маблағларни олувчилар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлигига захира жамғармасидан ажратилган маблағлар ишлатилгани тўғрисида ҳисобот тақдим этадилар.

9-боб. Якунловчи қоида

50. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва аҳоли ҳаёт маромини таъминлаш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш тўғрисидаги низомга
1-илова

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва аҳоли ҳаёт маромини таъминлаш учун молиявий ва моддий ресурслар захирасини шакллантирадиган ташкилотлар
РЎЙХАТИ

Т/р	ФВДТ таркибида ташкил этиладиган хизматлар ва тузилмалар номи	Хизмат ташкил этадиган ташкилотлар	Хизмат ташкил этадиган тизим ташкилотлари
ФВДТ таркибига кирувчи хизматлар			
1.	Фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш фаолиятини бошқариш хизмати	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тузилмалари
2.	Алоқа, хабар бериш ва АКТни жорий этиш хизмати	Рақамли технологиялар вазирлиги	“Ўзбектелеком” АК
3.	Тиббий хизмат	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмалари
4.	Ихтисослашган шошилинч тиббий ёрдам хизмати		Республика шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш илмий маркази
5.	Тез тиббий ёрдам хизмати		Республика тез тиббий ёрдам маркази
6.	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси тузилмалари
7.	Хавфли юклар (товарлар) олиб кирилиши ва олиб чиқилиши устидан божхона назоратини амалга ошириш хизмати	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси
8.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, озиқ-овқат билан таъминлашни ташкил этиш хизмати	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Озиқ-овқат хавфсизлиги қўмитаси	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Озиқ-овқат хавфсизлиги қўмитаси тузилмалари
9.	Ҳайвонларни муҳофаза қилиш ва ветеринария назорати хизмати	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Озиқ-овқат хавфсизлиги қўмитаси	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тузилмалари ва Озиқ-овқат хавфсизлиги қўмитаси тузилмалари
10.	Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимёвий назорат хизмати	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Озиқ-овқат хавфсизлиги қўмитаси	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Озиқ-овқат хавфсизлиги қўмитаси тузилмалари
11.	Аҳоли пунктлари ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳандисликка доир муҳофаза қилиш хизмати	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тузилмалари

Т/р	ФВДТ таркибида ташкил этиладиган хизматлар ва тузилмалар номи	Хизмат ташкил этадиган ташкилотлар	Хизмат ташкил этадиган тизим ташкилотлари
12.	Ичимлик сув таъминоти хизмати	“Ўзсувтаъминоти” АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари	“Ўзсувтаъминоти” АЖ тузилмалари, туман (шаҳар) ҳокимликлари
13.	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш хизмати	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси тузилмалари
14.	Сув хўжалиги хизмати	Сув хўжалиги вазирлиги	Сув хўжалиги вазирлиги тузилмалари
15.	Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш хизмати	Сув хўжалиги вазирлиги	Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси
16.	Автомобиль йўллари хизмати	Транспорт вазирлиги	Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси
17.	Авиация парвозлари хавфсизлигини таъминлаш хизмати	Транспорт вазирлиги	Транспорт вазирлиги ҳузуридаги “Uzbekistan Airpots” АЖ, “Uzbekistan Airways” АЖ
18.	Темир йўл хизмати	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
19.	Электр таъминоти хизмати	“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Миллий электр тамоқлари” АЖ	“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ ҳудудий тузилмалари, “Миллий электр тармоқлари” АЖ ҳудудий тузилмалари
20.	Газ таъминоти хизмати	“Ҳудудгазтаъминот” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ	“Ҳудудгазтаъминот” АЖ ҳудудий тузилмалари, “Ўзтрансгаз” АЖ ҳудудий тузилмалари
21.	Ёнилғи-мойлаш материаллари таъминоти хизмати	“Ўзбекнефтгаз” АЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ ҳудудий тузилмалари
22.	Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газ тармоғи объектларида хавфсизликни назорат қилиш хизмати	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси тузилмалари
23.	Атроф табиий муҳитни муҳофаза ҳамда экологик хавфсизлик бўйича назорат қилиш хизмати	Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси	Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси
24.	Хавфли геологик жараёнларни кузатиш хизмати	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги	“Ўзбекгидрогеология” ДМ

Т/р	**ФВДТ таркибида ташкил этиладиган хизматлар ва тузилмалар номи**	**Хизмат ташкил этадиган ташкилотлар**	**Хизмат ташкил этадиган тизим ташкилотлари**
25.	Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлиги хизмати	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси
ФВДТ таркибига кирувчи ташкилотлар			
26.	Фавқулодда вазиятлар учун молиявий ресурсларни шакллантиришни ташкил этиш органи	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тузилмалари
27.	Ўрмон ёнғинларидан муҳофаза қилиш бўйича бошқарув органлари ва тузилмалари	Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси	Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги
28.	Объектлар даражасидаги бошқарув органлари ва қутқарув тузилмалари	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ	“Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг ташкилотлари ва объектлари
29.	Объектлар даражасидаги бошқарув органлари ва қутқарув тузилмалари	“Ўзкимёсаноат” АЖ	“Ўзкимёсаноат” АЖнинг корхоналари 1. “Аммофос-Максам” АЖ, 2. “Максам-Чирчиқ” АЖ
30.	Иссиқлик электр станциялари барқарорлигини таъминлаш тузилмалари	“Иссиқлик электр станциялари” АЖ	“Иссиқлик электр станциялари” АЖ
31.	Атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг хавфсизлигини таъминлаш тузилмаси	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атом энергияси агентлиги	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атом энергияси агентлиги тузилмалари

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва аҳоли ҳаёт маромини таъминлаш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш тўғрисидаги низомга
2-илова

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва аҳоли ҳаёт маромини таъминлаш учун моддий ресурслар захираларининг намунавий номенклатураси
РЎЙХАТИ

Т/р	Моддий бойликлар номи
1	Озиқ-овқат таъминоти (маҳсулотлари) ва ошхона анжомлари
2	Дори-дармон, гигиена ва бошқа тиббиёт воситалари
3	Қурилиш материаллари
4	Ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари
5	Авария-қутқарув, қидирув ва ёнғин ўчириш мулклари
6	Кийим-кечаклар
7	Ҳаёт маромини таъминлаш мол-мулклари
8	Алоқа ва хабар бериш воситалари
9	Сузиш асбоб ва анжомлари
10	Транспорт воситалари (юқори ўтувчанлик қобилиятига эга)
11	Сув тошқинларига қарши техник воситалар
12	Электр ва иситиш таъминоти воситалари
13	Уй-жой коммунал хўжалиги ресурслари
14	Ўрмон ёнғинларида иштирок этувчи шахсий таркиб учун шахсий ҳимоя воситалари
15	Хабар бериш ва ёнғин ўчириш воситалари, шунингдек, ўрмон ёнғинлари учун (мобиль ёнғин ўчириш воситалари, ёнғин ўчириш анжомлари ва жиҳозлари, ёнғин ўчириш мулки)
16	Ветеринария мол-мулклари (чорвачилик молларини ҳимоя қилиш воситалари)
17	Махсус ҳимоя кийимлари тўплами
18	Нафас олиш органларини ҳимояловчи воситалар
19	Терини ҳимояловчи шахсий ҳимоя воситалари
20	Кимёвий разведка ва дозиметр анжомлари
21	Муҳандислик техника ва воситалари
22	Ташкилотларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, бошқа турдаги моддий ресурслар

Изоҳ. *Захира шакллантирувчи органлар ўз функциялари ҳамда ишлаб чиқаришнинг ўзига хос-хусусиятларини инобатга олган ҳолда моддий ресурслар захираларини номенклатураси ва ҳажми ишлаб чиқилади;*

моддий ресурслар захиралари камида уч суткалик даврийликни ҳисоби олинган ҳолда ишлаб чиқилади;

озиқ-овқат маҳсулотларининг захиралари фақат маҳаллий моддий ресурслар захираси таркибида яратилади;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва аҳолининг ҳаёт маромини таъминлаш учун моддий ресурслар захираларининг номенклатураси ва ҳажми Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан тавсия этилган моддий ресурслар захиралари номенклатурасини ишлаб чиқиш методикаси асосида ишлаб чиқилади ва захира шакллантрувчи органлар томонидан белгиланади;

фавқулодда вазиятларнинг кўламидан келиб чиқиб, номенклатурадаги мол-мулкларни рўйхати ўзгариши мумкин.

QMMB: 09/26/330/0638-son
26.06.2026-y.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш
ва аҳоли ҳаёт маромини таъминлаш учун
молиявий ва моддий ресурслар захираларини
шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни
қайта тиклаш тўғрисидаги низомга
3-илова

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий захираларнинг мавжудлиги, улардан фойдаланилгани ва уларнинг қайта тўлдирилгани юзасидан ҳисоботларни тақдим этиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Тадбирлар	Масъул ижрочилар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Молиявий ва моддий ресурслар захиралари мавжудлиги, улардан фойдаланилгани ва уларни қайта тўлдирилгани тўғрисидаги ҳисоботларни (кейинги ўринларда - ҳисобот) шакллантириш	Идоравий, маҳаллий ва объектнинг захираларини шакллантирувчи ташкилотлар	Ҳар чоракда кейинги ойнинг 3-санасидан кечикмасдан
2-босқич	Ҳисоботни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаларига тақдим этиш	Маҳаллий ва объектнинг захираларини шакллантирувчи ташкилотлар	Ҳар чоракда кейинги ойнинг 3-санасидан кечикмасдан
3-босқич	Ҳисоботни Фавқулодда вазиятлар вазирлигига тақдим этиш	Идоравий захираларни шакллантирувчи ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармалари	Ҳар чоракда кейинги ойнинг 5-санасидан кечикмасдан
4-босқич	Ҳисоботни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги	Ҳар йили, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 февралидан кечикмасдан

QMMB: 09/26/330/0638-son
26.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 26 ” июн даги 330 - сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини яратиш, улардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 15 февралдаги 137-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон Фармони)” 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорига илованинг 271-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сон Қонуни)” 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 570-банди.

QMMB: 09/26/334/0639-son
27.06.2026-y.

25 (1253)-son
626-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 26 » iyun № 334 Toshkent sh.

Атом энергияси соҳасида билим ва малакалар минтақавий марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида барқарор ва хавфсиз фойдаланишни таъминлаш, Атом энергияси соҳасида билим ва малакалар минтақавий марказини ташкил этиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш, атом соҳасида илмий-таълим ҳамкорлигини ва технологик интеграцияни мустаҳкамлаш, ядро ва радиация хавфсизлиги даражасини оширишга кўмаклашиш, Ўзбекистон Республикасида инновацияларни ривожлантириш, шунингдек, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атом энергияси агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) Тошкент шаҳридаги “ММФИ” миллий тадқиқот ядро университетининг филиали (кейинги ўринларда – Филиал) таркибида алоҳида таркибий бўлинма шаклида Атом энергияси соҳасида билим ва малакалар минтақавий марказини (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этиш;

б) Марказнинг ташкилий-ҳуқуқий мақоми ва бошқарув тартибини қуйидагича белгилаш:

Марказ юридик шахс мақомига эга бўлмайди ҳамда ўз фаолиятида Филиалнинг инфратузилмасидан фойдаланади ҳамда минтақа (Марказий Осиё) давлатлари мутахассислари учун илмий-амалий платформа вазифасини бажаради;

Марказ фаолиятига Филиал ижрочи директори томонидан Агентлик билан келишилган ҳолда тайинланадиган Марказ директори раҳбарлик қилади ва унинг мақоми Филиал ижрочи директорининг ўринбосарига тенглаштирилади;

Марказ тўғрисидаги низом ва унинг тузилмаси Агентлик билан келишилган ҳолда, Филиал ижрочи директори томонидан тасдиқланади;

Марказнинг чекланган штат бирлиги 15 нафар этиб белгиланади ва Филиалнинг ходимлар штатини мақбуллаштириш ҳисобидан шакллантирилади;

в) Марказнинг **асосий вазифалари** этиб қуйидагиларни белгилаш:

Марказий Осиё давлатлари мутахассислари учун атом энергиясидан фойдаланиш объектларини лойиҳалаштириш, қуриш ва хавфсиз эксплуатация қилиш бўйича халқаро стандартларга мувофиқ ўқув модулларини ишлаб чиқиш ва амалий тренинглар ташкил этиш;

Филиалнинг замонавий ўқув лабораториялари ҳамда АЭС симуляторлари базасида реактор ва турбина бўлимлари ходимлари учун симуляция ўқув машғулотларини ўтказиш;

Халқаро атом энергияси агентлиги тавсиялари асосида Марказий Осиё давлатларига миллий ядровий инфратузилмани яратиш ва ядровий хавфсизлик маданиятини шакллантириш бўйича эксперт-консалтинг хизматларини кўрсатиш;

атом энергиясидан фойдаланиш ва ядро технологиялари соҳасида минтақавий кадрлар захирасини шакллантириш, талабалар ва ёш олимларнинг академик ҳаракатчанлиги бўйича ягона платформа вазифасини бажариш;

республикада атом электр станцияси қурилиши тажрибаси асосида “билимлар базаси”ни шакллантириш ва ушбу тажрибани минтақанинг бошқа давлатларига трансфер қилиш механизмларини ишлаб чиқиш;

Марказий Осиёда атом энергетикасининг ижобий имижини шакллантириш, аҳоли ва кенг жамоатчилик ўртасида ядро технологияларининг хавфсизлиги ва экологик афзалликларини тарғиб қилиш бўйича ахборот-намойиш фаолиятини кўрсатиш.

2. Агентлик ва Филиал:

бир ой муддатда Марказ тўғрисидаги низом, унинг штат жадвали ва тузилмасини тасдиқласин;

уч ой муддатда Марказни малакали кадрлар билан тўлдириш чорасини кўрсин;

Филиалнинг асослантирилган ҳисоб-китоблари асосида Марказ ходимларини Агентликнинг Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиявий рағбатлантириш механизмларини жорий қилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарор ижроси билан боғлиқ харажатлар 2026 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Агентликка ажратиладиган маблағлар доирасида молиялаштирилади, 2027 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш “Ўзатом” агентлиги директори А.И. Ахмедхаджаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

25 (1253)-son
627-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 26 » iyun № 337 Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикасида прекурсорларнинг муомаласи билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш ва узлуксиз назоратни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида гиёҳвандлик ва наркожиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш соҳасида мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилмоқда.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда республикада уюшган наркожиноий гуруҳлар томонидан яширин нарколабораториялар ташкил этилиб, турли прекурсорлар ва кимёвий моддалардан фойдаланган ҳолда, янги турдаги синтетик наркотикларни ишлаб чиқариш кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 3 ноябрдаги ПФ–207-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, прекурсорларнинг ноқонуний муомаласига қатъий чек қўйиш, уларнинг муомаласи билан боғлиқ фаолиятни замон талаблари асосида тартибга солиш ва узлуксиз давлат назоратини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 3 ноябрдаги ПФ–207-сон Фармони билан:

прекурсорларнинг муомаласини тартибга солиш ҳамда уларнинг ишлаб чиқарилишидан (олиб кирилишидан) бошлаб реализация қилинишигача бўлган барча жараёнларни **электрон назорат қилиш тизимини** йўлга қўйишни назарда тутувчи **қатъий давлат назоратини ўрнатиш назарда тутилгани**;

республикада муомаласи чекланган прекурсорлар рўйхатини халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда кенгайтириш чораларини кўриш ҳамда уни **соддалаштирилган тартибда тезкорлик билан янгилаб бориш** (тўлдириш) механизмларини жорий этиш белгиланган;

Ўзбекистон Республикаси Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлигига гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар муомаласи устидан тизимли **назорат-текширувларни амалга ошириш ваколати**, шунингдек, прекурсорларнинг ноқонуний айланмаси юзасидан ваколатли ҳуқуқ-тартибот органларига терговга қадар текширувни ўтказиш бўйича **тақдимнома киритиш ҳуқуқи** берилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасида прекурсорларнинг муомаласи билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш ва узлуксиз назоратни таъминлаш тўғрисидаги ягона низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

прекурсорлар муомаласи билан боғлиқ фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш ва узлуксиз назоратни таъминлаш, ваколатли органларнинг ушбу йўналишдаги аниқ вазифаларини белгилаш;

прекурсорлар ва таркибида прекурсорлар мавжуд дори воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш тартиби;

прекурсорларни республика ҳудудига олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартиби;

прекурсорларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, йўқ қилиш ва реализация қилиш (бериш) тартиби;

прекурсорлар муомаласи билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи тегишли лицензияга эга юридик шахслар фаолиятини мониторинг қилиш тартиби ва уларнинг ҳисобдорлиги.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар устидан назорат қилиш бўйича давлат комиссияси (кейинги ўринларда – Давлат комиссияси) томонидан ваколатли давлат органларининг таклифлари асосида республикада муомаласи чекланган прекурсорлар рўйхатини **соддалаштирилган тартибда тасдиқлаш, тўлдириш, ўзгартириш ва унга қўшимчалар киритиш амалиёти** йўлга қўйилади;

прекурсорларнинг ишлаб чиқарилишидан (олиб кирилишидан) бошлаб реализация қилинишгача (транзит ўтиши, маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиш, сотиш, сақлаш, бериш ва бошқа) бўлган барча жараёнларни **электрон назорат қилиш тизими** жорий этилади;

республикада муомалада бўлиши чекланган прекурсорлар рўйхатига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги маълумотлар аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари хабардор бўлиши учун ваколатли органларнинг **расмий веб-саҳифаларида** эълон қилиб борилади;

прекурсорларни олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит ўтказиш учун сертификат (рухсатнома) **“Лицензия” ахборот тизими** орқали берилади.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э. Адилов) республикада муомаласи чекланган рўйхатларга киритилган, таркибида гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд дори воситалари муомаласи жараёнларини рақамлаштириш бўйича ишлаб чиқиладиган ва **2027 йил 1 январдан** ишга тушириладиган **ахборот тизимида** прекурсорлар муомаласини электрон назорат қилиш ва рақамлаштиришни назарда тутувчи **алоҳида модулни** яратсин. Бунда:

яратилаётган ахборот тизими доирасида прекурсорлар муомаласи бўйича “**хавфни таҳлил қилиш**” имконияти яратилади;

мазкур модулни ишлаб чиқиш ва ишга тушириш билан боғлиқ барча харажатлар **Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси** ҳисобидан амалга оширилади;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази" давлат муассасаси мазкур модулни **юритиш бўйича масъул** ҳисобланади, "Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор – "UZINFOCOM" MCHJ модулни **яратиш, қўллаб-қувватлаш, унинг сифати ва узлуксиз ишлаб туришини таъминлаш бўйича оператор** этиб белгиланади.

5. Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси (А. Рафиқов) **бир ой муддатда** республикада муомалада бўлиши чекланган прекурсорлар рўйхатидаги моддаларни **турига қараб таснифлаш** чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (А. Джурабаев), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э. Адилов) ва Савдо-саноат палатаси (Д. Вахабов) мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектларига етказсин.

7. Манфаатдор вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **уч ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан **олти ой** ўтгач кучга киради.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги директори ҳамда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Э.Э. Адилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 26 ” июндаги 337-сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикасида прекурсорларнинг муомаласи билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш ва узлуксиз назоратни таъминлаш тўғрисида ЯГОНА НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом прекурсорларни олиш, жўнатиш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш, сақлаш, сотиш, тақсимлаш, йўқ қилиш, Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ҳамда Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан транзит ўтказиш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом талаблари прекурсорлар муомаласи билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш бўйича тегишли лицензияга эга юридик шахслар учун мажбурий ҳисобланади.

Прекурсорлар билан боғлиқ фаолият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартиб асосида лицензияланади.

2. Ўзбекистон Республикасида муомаласи чекланган прекурсорлар рўйхатини тасдиқлаш, тўлдириш, унга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш соддалаштирилган тартибда Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар устидан назорат қилиш бўйича давлат комиссиясининг (кейинги ўринларда – Давлат комиссияси) тегишли қарори асосида амалга оширилади.

Давлат комиссиясининг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари давлат органлари ва ташкилотлар ҳамда прекурсорлар муомаласи билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш бўйича тегишли лицензияга эга юридик шахслар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ахборот тизими – республикада муомаласи чекланган рўйхатларга киритилган, таркибида гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд дори воситалари ҳамда прекурсорларнинг ишлаб чиқарилишидан (олиб кирилишидан) бошлаб реализация қилинишигача (транзит ўтказиш, маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиш, сотиш, сақлаш, бериш ва бошқалар) бўлган барча жараёнларни онлайн режимда назорат қилиш имконини берувчи электрон маълумотлар базаси;

ваколатли орган – мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган прекурсорлар муомаласи билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш, узлуксиз назоратни таъминлаш ҳамда уларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашувчи давлат органлари;

Давлат комиссияси – Ўзбекистон Республикасида муомаласи чекланган прекурсорлар рўйхатини тасдиқловчи, уни янги турдаги кимёвий моддалар билан тўлдирувчи ёки рўйхатдан чиқариш бўйича тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритувчи ҳамда прекурсорларнинг қонуний муомаласи бўйича давлат сиёсатини белгиловчи орган;

ишлаб чиқариш объекти – прекурсорларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ёки уларнинг цехлари, участкалари, майдончалари, шунингдек, бошқа ишлаб чиқариш объектлари;

лицензияловчи орган – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензияловчи органи;

лицензиатлар – прекурсорларни олиб кириш, олиб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, реализация қилиш (бериш), ташиш, улардан фойдаланиш, шунингдек, уларни йўқ қилиш фаолиятини амалга ошириш бўйича тегишли лицензияга эга юридик шахслар;

лицензия – юридик шахсга бериладиган, талаблари ва шартларига мажбурий равишда риоя этилган тақдирда, фаолиятнинг лицензияланадиган турини ёки унинг кичик турини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжат;

мониторинг – лицензиатларнинг прекурсорлар муомаласи билан боғлиқ фаолиятини келишилган режага асосан бевосита жойига чиққан ҳолда ўрганиш. Мониторинг натижасига кўра лицензиатларга чора кўрилишига йўл қўйилмайди;

прекурсорлар – прекурсорлар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддаларни (кейинги ўринларда – гиёҳвандлик воситалари) тайёрлаш учун фойдаланиладиган, шунингдек, саноат, фармацевтика ва бошқа соҳаларда қўлланадиган кимёвий моддалар;

сақлаш жойлари – прекурсорларни сақлашга мўлжалланган объектлар (омборхоналар, усти очиқ ва ёпиқ майдончалар, резервуар жойлар);

хавфли юклар – ўзига хос хоссалари ва хусусиятлари туфайли муайян омиллар мавжуд бўлган тақдирда, ташиш, ортиш-тушириш ишлари жараёнида ташилаётган юклар, техника воситалари, қурилмалар, бино ва иншоотлар, бошқа объектларнинг портлаши, ёниши ёки шикастланишига, шунингдек, одамлар ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарар етказилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган моддалар, материаллар, буюмлар, чиқиндилар;

Хавфсизлик паспорти – кимёвий маҳсулотлар (моддалар, аралашмалар, материаллар, саноат чиқиндилари) учун норматив ҳужжатларнинг мажбурий таркибий қисми бўлган ва истеъмолчига кимёвий маҳсулотлардан фойдаланиш, уларни сақлаш, ташиш ва йўқ қилиш хавфсизлиги тўғрисида ҳамда инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк ва атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлаш учун ишончли маълумот беришга мўлжалланган, ишлаб чиқарувчи ташкилот томонидан (ишлаб чиқиладиган) бериладиган ва белгиланган қонунчилик талаблари асосида тегишли ваколатли давлат ташкилоти томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжат.

4. Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган прекурсорлар рўйхати иккита кичик рўйхатларга бўлинади:

биринчи кичик рўйхат – муомаласи қатъий назоратга олинган прекурсорлар рўйхати бўлиб, унга гиёҳвандлик воситаларини ишлаб чиқаришда кенг қўлланадиган кимёвий моддалар киритилади;

иккинчи кичик рўйхат – умумий назоратдаги прекурсорлар рўйхати бўлиб, унга гиёҳвандлик воситаларини тайёрлашда ишлатилиши мумкин бўлган, шунингдек, саноат, фармацевтика ва бошқа соҳаларда қўлланадиган кимёвий моддалар киритилади.

2-боб. Прекурсорлар муомаласи билан боғлиқ фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш ва узлуксиз назоратини таъминлаш

5. Давлат комиссияси прекурсорларнинг муомаласи устидан назоратни ўрнатиш ҳамда ноқонуний муомаласига қарши курашиш соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишини таъминловчи идоралараро коллегиал орган ҳисобланади.

6. Давлат комиссияси:

Ўзбекистон Республикасида муомаласи чекланган прекурсорлар рўйхатини тасдиқлайди, уни янги турдаги кимёвий моддалар билан тўлдиради ёки рўйхатдан чиқариш бўйича тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритади;

лицензия талабларига риоя этилишини мониторинг қилиш жараёнига мутахассисларни жалб этади;

прекурсорлар назорати соҳасига оид таҳлилий материал ва таклифларни йиғилишларда кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасаси, Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси (кейинги ўринларда – Божхона қўмитаси), Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси прекурсорлар муомаласи билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш, узлуксиз назоратни таъминлаш ва уларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашувчи давлат органлари ҳисобланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик):

прекурсорлар муомаласи билан боғлиқ фаолият устидан тизимли давлат назорати функциясини амалга оширади ҳамда ваколатли давлат органларининг ушбу соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

ваколатли органларнинг таклифига кўра янги турдаги кимёвий моддаларни прекурсорлар рўйхатига киритиш бўйича Давлат комиссиясига таклиф киритади;

прекурсорларни республика ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш бўйича тегишли қарор қабул қилади;

прекурсорларнинг ноқонуний айланмаси юзасидан ваколатли ҳуқуқ-тартибот органларига терговга қадар текширувни ўтказиш юзасидан тақдимномалар киритади;

прекурсорларни ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи лицензиатлар томонидан технологик регламент талабларига риоя этилишини ўрганади;

лицензиянинг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш тўғрисида лицензияловчи орган ёки судга даъво аризасини киритади;

лицензия талаб ва шартларига риоя этилишини мониторинг қилиш бўйича лицензиатлар билан келишган ҳолда режалар ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

лицензиатлар фаолиятини мониторинг қилиш бўйича ишчи гуруҳларни тузади ва уларга раҳбарлик қилади;

лицензиатлар фаолиятида аниқланган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилишини назорат қилади, бартараф этилмаган тақдирда, тегишли чора кўради;

ахборот тизимидаги прекурсорлар айланмаси билан боғлиқ маълумотлар асосида лицензиатлар фаолиятини тезкорлик билан текширади ёки текшириш бўйича Ички ишлар вазирлигига хабар беради;

сақлаш жойларининг прекурсорларни сақлашга доир белгиланган техник талабларга мувофиқлиги бўйича расмийлаштирилган хулосада аниқланган камчиликлар юзасидан лицензияловчи органнинг тегишли маълумотига асосан Ички ишлар вазирлигига тақдимнома киритади.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасаси (кейинги ўринларда – Марказ):

прекурсорларни республика ҳудудига олиб кириш ва ундан олиб чиқиш учун сертификат ва транзит тарзида ўтказишда рухсатнома расмийлаштиради;

прекурсор сақловчи дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказади, уларнинг республика ҳудудига киришида мувофиқлик сертификатини беради;

лицензия талабларига риоя этилишини мониторинг қилишда қатнашади ва прекурсорлар муомаласи устидан мониторинг олиб боради;

ахборот тизимини юритади, Ўзбекистон Республикасининг прекурсорларга бўлган йиллик эҳтиёжини умумлаштириб, ахборот тизимига киритади ва таҳлил қилади;

прекурсорларни ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг якуний фойдаланувчиларининг реестрини юритади;

лицензиатларнинг прекурсорларга бўлган йиллик эҳтиёжини (юқори турувчи ташкилот мавжуд бўлмаган тақдирда) келишади;

прекурсорларнинг экспорти, импорти ва транзити бўйича хорижий давлатлар билан ахборот алмашади;

прекурсорлар муомаласини тартибга солишга доир БМТ конвенцияларида белгиланган тавсиялар бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажаради.

10. Ўзбекистон Республикаси Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси:

ёниш ва портлаш хавфи юқори бўлган прекурсорларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва ташиш жараёнларини ўрганади ҳамда аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан Агентликка ахборот киритади;

аниқланган кимёвий моддаларни таснифлари бўйича тақсимлайди ва бу бўйича Агентликка тегишли хулоса тақдим этади.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати (кейинги ўринларда – ДХХ):

прекурсорларни республика ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш бўйича ҳужжатларни кўриб чиқади ҳамда тегишли хулоса тақдим этади;

прекурсорларнинг ноқонуний муомаласига қарши тезкор тадбирларни амалга оширади;

ваколати доирасида лицензия талабларига ва шартларига риоя этилишини мониторинг қилишда қатнашади.

12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда – ИИВ):

прекурсорларни республика ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш бўйича ҳужжатларни кўриб чиқади ҳамда тегишли хулоса тақдим этади;

ахборот тизимидаги прекурсорлар айланмаси билан боғлиқ маълумотлар асосида лицензиатлар фаолиятини тезкорлик билан текширади;

сақлаш жойларининг прекурсорларни сақлашга доир техник талабларга мувофиқлигини жойига чиққан ҳолда ўрганади ва тегишли хулоса тақдим этади;

прекурсорларнинг ноқонуний муомаласига қарши тезкор тадбирларни амалга оширади;

ваколати доирасида лицензия талабларига ва шартларига риоя этилишини мониторинг қилишда қатнашади;

прекурсорларни йўқ қилиш жараёнида комиссия аъзоси сифатида иштирок этади;

хавфли юклар тоифасига киритилган прекурсорларни ташишда шартнома асосида кузатиш ишларини амалга оширади.

13. Божхона қўмитаси:

республика ҳудудига олиб кирилган, олиб чиқилган ва транзит тарзида ўтказилган прекурсорлар тўғрисидаги маълумотни юк чегарадан кесиб ўтган вақтнинг ўзида ахборот тизимига киритади;

прекурсорларнинг республика ҳудудига олиб кирилиши, олиб чиқилиши ёки транзит тарзида ўтказилишини назорат қилади;

прекурсорларнинг ноқонуний муомаласига қарши тезкор тадбирларни амалга оширади.

14. Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси:

прекурсорларни ишлаб чиқариш ва тайёрлаш жараёнлари юзасидан лицензияловчи органга тегишли хулоса тақдим этади;

прекурсорларни ишлаб чиқариш ва йўқ қилишнинг атроф-муҳитга таъсири бўйича тегишли хулоса беради;

прекурсорларни йўқ қилиш жараёнида комиссия аъзоси сифатида қатнашади.

15. Прекурсорларнинг ноқонуний муомаласида янги турдаги кимёвий моддалар аниқланган тақдирда, ваколатли органлар томонидан уларни муомаласи чекланган прекурсорлар рўйхатига киритиш тўғрисида Агентликка таклифлар киритилади.

3-боб. Прекурсорлар билан боғлиқ жараёнларни амалга ошириш тартиби

16. Прекурсорларни сотиб олишда харидорнинг ҳуқуқий асослари, шу жумладан, лицензиялар, рўйхатдан ўтказиш ҳужжатлари ва моддадан мақсадли фойдаланишни тасдиқловчи ҳужжатлар текширилади. Ҳар бир операция белгиланган тартибда қайд этилиб, прекурсорнинг номланиши, миқдори, санаси ва харидор ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади, бу эса тўлиқ кузатувчанлик ва аудиторликни таъминлайди.

17. Прекурсорларни реализация қилишда сотувчи органлар белгиланган талабларга амал қилиши, шубҳали ёки стандартдан ташқари операциялар ҳақида маълумот бериши ва сўралган тақдирда назорат органларига маълумот тақдим этиши шарт.

18. Прекурсорларни ташиш, шу жумладан, халқаро ташиш ҳамда мазкур фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

19. Прекурсорлар ички ишлар органлари билан келишилган ҳолда, ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ёки бошқа қўриқлаш хизматлари томонидан ташилади.

20. Прекурсорларни ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи мазкур соҳада тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахсларга берилади.

21. Жисмоний шахслар томонидан таркибида прекурсорлар мавжуд бўлган дори воситаларини шахсий фойдаланиш мақсадида тиббий кўрсатмаларга асосан ва тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва ундан олиб чиқишга йўл қўйилади.

22. Прекурсорларни почта, шу жумладан, почта ва курьерлик жўнатмаларида жўнатиш тақиқланади, экспертлик ва тезкор-қидирув фаолиятида фойланиш ҳамда таркибида прекурсорлар сақловчи дори воситаларини Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказиш ёки қайта рўйхатдан ўтказиш учун намуна сифатида юбориш ҳолатлари бундан мустасно.

4-боб. Прекурсорлар ва таркибида прекурсорлар мавжуд дори воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш тартиби

23. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун прекурсорлардан фойдаланувчилар ва прекурсорларни реализация қилиш билан шуғулланувчи ташкилотлар ўз эҳтиёжларини аниқлашда қуйидагиларни амалга оширади:

ҳисобот йилида прекурсорларни сарфлашнинг белгиланган нормаларидан келиб чиққан ҳолда кейинги йил учун ўз эҳтиёжларини аниқлайди;

кейинги йил ишлаб чиқариш учун прекурсорларга бўлган эҳтиёжларни аниқлашда ҳисобот йили бошидаги қолдиқни ҳисобга олади;

эҳтиёжни юқори турувчи ташкилот ёки Марказ (юқори турувчи ташкилот мавжуд бўлмаган тақдирда) билан келишади;

прекурсорларга бўлган эҳтиёжлар тўғрисидаги маълумотларни ахборот тизимига киритишда бир тадқиқот учун реактив сарфи нормаси, бир йил давомида ўтказиладиган тадқиқотлар сони ва уларда фойдаланиладиган прекурсорларни акс эттиради.

24. Илмий ва ўқув мақсадларида фойдаланиладиган прекурсорларга бўлган йиллик эҳтиёж бир тадқиқот учун реактив сарфи нормаси, бир йилдаги тадқиқотлар сони ва уларда қўлланадиган прекурсорларнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Прекурсорлардан илмий мақсадларда фойдаланишда тадқиқот усуллари ўзгарган тақдирда, илмий-тадқиқот институтлари томонидан фойдаланиш учун қўшимча ҳажмлар олиниши мумкин, бунда қўшимча ҳажмларни тасдиқлаш муддати уч кундан ошмаслиги керак.

25. Прекурсорлардан хомашё ёки материал сифатида фойдаланадиган корхона ва ташкилот янги ёки кўзда тутилмаган маҳсулотни ишлаб чиқаришда прекурсорларга бўлган эҳтиёжни янги маҳсулотнинг техник регламентларига мувофиқ аниқлайди.

26. Ўзбекистон Республикасининг таркибида прекурсорлар мавжуд дори воситаларига бўлган йиғма эҳтиёжи Марказ томонидан аниқланади ҳамда БМТнинг 1988 йилдаги Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш тўғрисидаги конвенцияси талабларига мувофиқ Агентлик билан келишилган ҳолда, БМТнинг Халқаро наркотикларни назорат қилиш қўмитасига (кейинги ўринларда – Халқаро қўмита) тақдим этилади.

27. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кўрсатмасига мувофиқ лицензиат томонидан тиббиётда фойдаланиш учун мўлжалланган, таркибида прекурсорлар мавжуд дори воситаларига бўлган эҳтиёжни ҳисоблаш меъёрлари сўнгги уч йиллик статистика маълумотларидан келиб чиқиб, ўртача миқдорларни ҳисоблаш орқали аниқланади. Бунда аниқланган эҳтиёж юридик шахс раҳбарининг қарори билан йиллик истеъмолнинг ўртача миқдоридан 10 –20 фоизгача оширилиши мумкин.

28. Таркибида прекурсорлар мавжуд дори воситаларига бўлган эҳтиёжда қуйидагилар кўрсатилади:

юридик шахс тўғрисидаги маълумотлар (номи, СТИР рақами);

юридик шахс лицензиясининг рақами ва амал қилиш муддати;

дори воситалари сифатида рўйхатга олинган таркибида прекурсорлар мавжуд дори воситаларининг номлари, уларнинг чиқарилиш шакли ва миқдори (ампулаларда, флаконларда, таблеткаларда, капсулаларда ва бошқалар);

таркибида прекурсорлар мавжуд дори воситаларига бўлган эҳтиёжнинг асосланган ҳисоб-китоблари.

29. Лицензиатларнинг таркибида прекурсорлар мавжуд дори воситаларидан фойдаланишга бўлган эҳтиёжи ёки қўшимча эҳтиёжи даволаш стандартларини ҳисобга олиб, тиббий ёрдам турига ва тиббий ташкилот бўлимларининг йўналишига боғлиқ ҳолда аниқланади.

Раҳбар томонидан тасдиқланган эҳтиёж ёки қўшимча эҳтиёж миқдорлари асосланган жадвал кўринишидаги маълумотлар (қандай муолажа ёки амалиётда ишлатилиши, йил давомида ўтказилиши режалаштирилаётган муолажа ёки амалиётлар сони, давомийлиги ва битта муолажа ёки амалиётга ишлатиладиган миқдори) билан бирга ахборот тизимига киритилади.

30. Ўзбекистон Республикасининг таркибида прекурсорлар мавжуд дори воситаларига бўлган умумий эҳтиёжи асосида прекурсорлар муомаласи билан боғлиқ фаолият учун тегишли лицензияга эга бўлган етказиб берувчилар билан шартномалар тузилади.

31. Лицензиатлар томонидан прекурсорлар ва таркибида прекурсорлар мавжуд дори воситаларига бўлган кейинги йил учун эҳтиёж маълумотлари ҳисобот йилининг 1 ноябридан 1 декабрига қадар бўлган муддатда ахборот тизимига киритилади.

32. Янги ташкил этилган лицензиатлар лицензия олингандан сўнг жорий ва кейинги йил учун эҳтиёжи тўғрисидаги маълумотни ахборот тизимига киритади.

33. Зарурат туғилганда, лицензиатлар қўшимча эҳтиёж тўғрисидаги маълумотни (асословчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда) ахборот тизимига киритади.

5-боб. Прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш тартиби

34. Прекурсорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига Марказ томонидан бериладиган сертификат асосида олиб кирилади ва ундан олиб чиқилади.

35. Прекурсорлар Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжлари доирасида лицензиатлар томонидан олиб кирилади.

36. Прекурсорлардан ички ишлар органлари, Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда божхона органларининг экспертиза ва тезкор-қидирув фаолиятида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Электрон технологияларини ривожлантириш

маркази ҳамда Адлия вазирлигининг суд-экспертиза муассасалари фаолиятида лицензия олмасдан фойдаланилади.

37. Прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва олиб чиқишга сертификатни расмийлаштириш учун "Лицензия" ахборот тизими (кейинги ўринларда – "Лицензия" АТ) орқали ариза берилади, ариза ДХХ ҳамда ИИВ билан келишилгандан сўнг Агентликнинг тегишли қарорига асосан мазкур низомга 1-иловадаги схемага мувофиқ Марказ томонидан берилади.

38. Прекурсорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига прекурсорлар муомаласи билан боғлиқ фаолият учун лицензияга эга юридик шахслар (кейинги ўринларда – ариза берувчи) томонидан мазкур Низомга 2–3-иловаларга мувофиқ шаклдаги қатъий ҳисобда турувчи, пушти рангли махсус бланкларда расмийлаштирилган сертификатлар асосида олиб кирилади ва олиб чиқилади.

39. Сертификатдан фақат бир маротаба фойдаланилади ва унинг муддати бир йил давомида амал қилади.

Сертификат ариза берувчига икки нусхада, шундан бир нусхаси экспорт қилувчи ташкилотга тақдим этиш учун берилади.

Берилган сертификат назорат қилинадиган моддаларнинг муомаласи билан боғлиқ лицензияга эга бўлишидан қатъи назар, бошқа юридик шахсга берилиши мумкин эмас.

40. Божхона қўмитаси прекурсорларнинг ҳақиқий олиб кирилгани (олиб чиқилгани) тўғрисидаги маълумотни юк чегарадан кесиб ўтган вақтнинг ўзида онлайн вақт режимида Агентлик ҳамда Марказга тақдим этади.

41. Республика ҳудудига импорт қилинган прекурсорлар реэкспорт қилинмайди.

42. Прекурсорларни олиб кириш, олиб чиқишга рухсат бериш учун сертификат олиш талаблари ва шартларига қуйидагилар киради:

ариза берувчида прекурсорлар муомаласи билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг мавжудлиги;

прекурсорларни олиб кириш, олиб чиқишда қонунчилик ҳужжатларига мажбурий риоя қилиниши;

сертификат олиш учун тақдим этиладиган маълумотларнинг ишончлилиги таъминланиши;

ариза берувчи ташкилотнинг номи ёки манзили (почта ва/ёки фаолият манзили) ўзгарган тақдирда, қайта рўйхатдан ўтказилгандан сўнг ўн иш куни ичида Марказга "Лицензия" АТдаги шахсий кабинети орқали мурожаат қилиши.

43. Сертификат олиш учун ариза берувчи томонидан "Лицензия" АТдаги шахсий кабинети орқали қуйидаги ҳужжатлар Марказга тақдим этилади:

а) ариза берувчининг мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ аризаси;

б) прекурсорларни олиб кириш, олиб чиқиш учун шартнома нусхаси (тўлов учун ҳисоб);

в) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан прекурсорларни олиб чиқишда – импорт қилувчи давлатнинг олиб киришга рухсат берилган ҳужжати

(сертификат, рухсатнома, олиб кириш учун лицензия ёки бошқа рухсат этувчи ҳужжатлар);

г) прекурсорларни ишлаб чиқаришда фойдаланиш мақсадида олиб кирадиган ариза берувчиларнинг прекурсорларга бўлган тасдиқланган эҳтиёжлари тўғрисидаги маълумоти;

д) ариза берувчи сертификатни Марказ ёки почта орқали қабул қилишни танлайди.

44. Аризани кўриб чиқиш ва сертификатни расмийлаштириш учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг саккиз баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Йиғим тўлангани ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

Йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади, агарда паспортларнинг 6-бандида бошқача тақсимот назарда тутилмаган тақдирда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

0,5 фоизи – Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар – Гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш тизимини ривожлантириш республика жамғармасига ва Марказнинг тегишли банк ҳисобварақларига тенг бўлган миқдорда ўтказилади.

45. Аризада қуйидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак:

а) ариза берувчининг номи ва жойлашган манзили, ишлаб чиқарувчи ва юкни қабул қилувчининг, шунингдек, импорт қилувчининг номи ва жойлашган манзили (олиб чиқиш фаолияти амалга оширилганда);

б) рўйхатда кўрсатилган прекурсорнинг номи, ТИФ ТН коди ва миқдори;

в) прекурсорларни олиб кирадиган ва олиб чиқадиган давлат номи;

г) прекурсорларни олиб кириш, олиб чиқиш жойи ва муддати;

д) прекурсорларни олиб кириш, олиб чиқиш мақсадлари;

ж) прекурсорларни олиб кириш, олиб чиқиш учун мўлжалланган транспорт тури ёки уларни жўнатиш усуллари.

46. Марказ сертификатни расмийлаштириш учун керакли ҳужжатларни ариза берувчидан қабул қилиб олганидан сўнг бошқа ваколатли органлардан қуйидаги ҳужжатлар ва маълумотларни ўзаро ахборот ҳамкорлиги орқали электрон шаклда олади:

а) Марказ томонидан берилган дори воситасини рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси нусхаси (дори воситаси таркибида прекурсорлар мавжуд бўлган ҳолларда);

б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган прекурсорлар муомаласи билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси.

47. Ариза берувчидан ушбу Низомнинг 36-бандида назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

48. Марказ аризани қабул қилган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган прекурсорлар рўйхатининг биринчи кичик рўйхатдаги прекурсорларни ўттиз иш куни, иккинчи кичик рўйхатдаги прекурсорларни эса йигирма иш кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқиб, сертификат беради ёки сертификат беришни рад этади.

49. Марказ ҳужжатлар тўпламини ўрганади ва мазкур Низомнинг 38 ва 39-бандларида келтирилган ҳужжатлар тўпламини келишиш учун "Лицензия" АТ орқали ДХХ ҳамда ИИВга юборади.

50. ДХХ ва ИИВ ҳужжатларни кўриб чиқиб, биринчи кичик рўйхатдаги прекурсорлар бўйича ўн беш иш куни, иккинчи кичик рўйхатдаги прекурсорлар бўйича эса ўн иш кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқиб, тегишли хулосани Агентликка юборади.

51. Агентлик ҳужжатларни беш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқиб, тегишли қарорни Марказга тақдим этади.

52. Агентлик қарори асосида Марказ ариза берувчига беш иш кунидан кечиктирмаган ҳолда сертификат берилиши тўғрисида ёки ДХХ ва ИИВнинг (рад этилган ҳолатда) тегишли хулосалари асосида рад этиш асослари ва қонунчиликнинг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда ариза берувчига ахборот тизими орқали хабарнома юборади.

Марказ сертификатни анъанавий тарзда ариза берувчининг ўзига ёки почта хизмати орқали ариза берувчи кўрсатган манзилга юборади.

Ариза қабул қилингандан сўнг ариза берувчи сертификат олишдан бош тортган ҳолларда, тўланган тўлов суммаси қайтарилмайди.

53. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган прекурсорларни божхона омборларига жойлаштиришга Марказ томонидан олиб кириш учун берилган сертификатларнинг мавжудлиги асос бўлади.

54. Расмийлаштирилган сертификатлар ва улардаги маълумотлар "Ягона дарча" божхона ахборот тизимига Марказ масъул шахслари томонидан киритилади.

55. Сертификатнинг берилиши қуйидаги сабабларга кўра рад этилиши мумкин:

а) ариза берувчи томонидан сертификат олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда;

б) ариза берувчи рухсат бериш тартиб-таомилларига мос келмаганда;

в) ўрганиш натижаларига кўра ДХХ ёки ИИВнинг асослантирилган рад этиш хулосаси ёки Агентликнинг сертификат бериш мумкин эмаслиги тўғрисидаги қарори тақдим этилганда;

г) ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда шубҳали ёки нотўғри маълумотлар мавжуд бўлганда.

56. Сертификат беришни бошқа асосларга кўра, шу жумладан, мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан рад этишга йўл қўйилмайди.

Сертификат беришни рад этилган ҳолларда, тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

57. Ариза берувчи сертификат беришни рад этиш учун асос бўлган сабабларни бартараф этган тақдирда, уларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар ва рад этиш сабабларини бартараф этиш тўғрисидаги ариза Марказ томонидан ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда қайта кўриб чиқилади.

58. Сертификат бериш тўғрисидаги аризани қайта кўриб чиқиш жараёнида хабарномада олдин кўрсатилмаган сабаблар туфайли сертификат беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Ариза қайта кўриб чиқилгани учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади ҳамда ушбу Низомнинг 37-бандида назарда тутилган тартибда тақсимланади.

59. Ариза берувчи Марказнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ҳамда сертификат беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

60. Сертификат йўқолганда ёки яроқсиз ҳолатга келганда, ариза берувчи "Лицензия" АТ орқали Марказга дубликат олиш учун ариза беради.

Марказ аризани беш иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқиб, "Дубликат" белгиси қўйилган янги сертификатни анъанавий тарзда ёки почта хизмати орқали ариза берувчига тақдим этади.

Сертификатнинг дубликати берилганлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн фоизи миқдорида йиғим ундирилади ва ундирилган йиғим ушбу Низомнинг 37-бандида белгиланган тартибда тақсимланади.

61. Сертификат яроқсиз ҳолатга келган ҳолда унинг асл нусхаси ҳам Марказга тақдим этилиши керак.

62. Сертификатнинг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш ёки тугатиш ва бекор қилиш Ўзбекистон Республикасининг "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонунида назарда тутилган ҳолларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

63. Сертификатлар реестри "Лицензия" АТда электрон шаклда ҳар бир сертификат бўйича алоҳида юритилади ва ундаги маълумот барча учун очиқ ҳисобланади.

64. Сертификатлар реестри автоматик равишда шакллантирилади, унинг доимий юритилиши ва унга тегишли ўзгартиришларни киритиш Марказ томонидан амалга оширилади.

Марказ сертификатлар реестрини юритишда ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибларга риоя қилиши лозим.

65. Марказ қуйидаги маълумотларни сертификатлар реестрига ўз вақтида киритиб боришга жавобгар:

сертификат берилган сана ва сертификат рақами;

ариза берувчининг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили ва телефон рақами;

сертификатда олиб кирилаётган, олиб чиқилаётган прекурсорларнинг номи ва миқдори;

сертификатнинг амал қилиш муддати;

сертификатни тўхтатиб туриш асоси ва санаси;

сертификатни амал қилиш муддатини тугатиш асоси ва санаси;

сертификатни бекор қилиш асоси ва санаси;

сертификатнинг дубликатини бериш асоси ва санаси.

66. Сертификат эгаси тўғрисидаги батафсил маълумотлар базаси ваколатли органлар фойдаланиши учун шакллантирилади ва унда рухсат бериш жараёнида киритиладиган барча маълумотлар ҳамда илова қилинадиган ҳужжатларнинг электрон нусхалари сақланади.

Ушбу маълумотлар базасида сертификатлар реестрига киритилмаган ахборотлар мавжуд бўлган тақдирда, Марказ томонидан мазкур ахборотлар ва илова қилинган ҳужжатлар бошқа шахсларга ошкор қилиниши тақиқланади.

6-боб. Прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзда ўтказиш тартиби

67. Прекурсорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзида ўтказиш учун бериладиган рухсатнома асосида ўтказилади.

Бунда хавфли юклар рўйхатига кирувчи прекурсорларни Вазирлар Маҳкамаси белгилаган махсус ваколатли орган рухсатисиз Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзида ўтказиш тақиқланади.

68. Прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзида ўтказиш учун рухсатномани расмийлаштириш учун “Лицензия” АТ орқали ариза берилади, ариза ДХХ ҳамда ИИВ билан келишилгандан сўнг Агентликнинг тегишли қарорига асосан мазкур Низомга 5-иловадаги схемага мувофиқ Марказ томонидан берилади.

69. Юридик шахслар томонидан прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали мазкур Низомга 6-иловага мувофиқ шаклдаги қатъий ҳисобда турувчи, пушти рангли махсус бланкада расмийлаштирилган ҳолда, бир нусхада бериладиган транзитга рухсатнома мавжуд бўлган тақдирда транзит ўтказилади.

70. Транзит рухсатномасидан фақат бир маротаба фойдаланилади ва унинг муддати бир йил давомида амал қилади.

71. Божхона қўмитаси прекурсорларнинг транзит тарзида ўтказилгани тўғрисидаги маълумотни юк чегарадан кесиб ўтган вақтнинг ўзида онлайн вақт режимида Агентлик ҳамда Марказга тақдим этади.

72. Прекурсорларнинг транзити импорт қилувчи мамлакатнинг махсус ваколатли органи томонидан прекурсорлар муомаласи билан боғлиқ фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи учун берилган ҳужжатга (рухсатнома, сертификат, лицензия ва бошқалар) эга бўлган ариза берувчи томонидан амалга оширилади.

73. Прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзида ўтказиш учун рухсатнома олишда ариза берувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган рухсат этувчи талаблар ва шартларга риоя қилиши шарт.

74. Транзит ўтказишга рухсатномани олиш учун ариза берувчи томонидан "Лицензия" АТдаги шахсий кабинети орқали қуйидаги ҳужжатлар Марказга тақдим этилади:

а) мазкур Низомга 7-иловага мувофиқ транзит рухсатномасини олиш учун ариза;

б) лицензия ёки прекурсорлар муомаласи билан шуғулланиш ҳуқуқи учун бошқа рухсатномалар нусхаси;

в) прекурсорларни етказиб бериш бўйича шартнома нусхаси;

г) экспорт ва импорт қилувчи мамлакатларнинг махсус ваколатли органлари томонидан берилган прекурсорларнинг экспортига (импорти) рухсат берувчи ҳужжат (сертификат, рухсатнома, олиб кириш, олиб чиқиш учун лицензия). Агар транзит тарзида жўнатилаётган прекурсорлар импорт қилувчи/экспорт қилувчи мамлакатда назоратга олинмаган бўлса, импорт қилувчи/экспорт қилувчи мамлакатнинг ваколатли органи томонидан расмий хат тақдим этилади;

д) божхона юк декларациясининг нусхаси.

75. Ариза берувчидан ушбу Низомнинг 66-бандида назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

76. Аризада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

ариза берувчи – импорт қилувчи ташкилот, юк жўнатувчи ташкилот ва мамлакат номи ҳамда юридик манзили;

рўйхатда кўрсатилган прекурсорнинг номи, ТИФ ТН коди ва миқдори;

контракт (шартнома) рақами ва санаси, экспорт қилувчи ва юкни қабул қилувчи ташкилот ва мамлакат номи ҳамда юридик манзили;

экспорт қилувчи давлатдан олиб чиқиш ва импорт қилувчи давлатга олиб кириш пунктларини кўрсатувчи йўналиш маршрути, транспорт тури;

етказиб бериш тартиби кўрсатилган ҳолда мўлжалланган транзит муддати.

77. Марказ аризани йигирма иш кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқиб, натижаси бўйича транзит рухсатномасини беради ёки беришни рад этади.

78. Аризани кўриб чиқиш ва рухсатнома расмийлаштириш учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг саккиз баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Йиғим тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

Йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади, агарда паспортларнинг 6-бандида бошқача тақсимот назарда тутилмаган тақдирда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

0,5 фоизи – Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар – Гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш тизимини ривожлантириш республика жамғармасига ва Марказнинг тегишли банк ҳисобварақларига тенг бўлган миқдорда ўтказилади.

79. Марказ ҳужжатлар тўпламини ўрганади ва келишиш учун "Лицензия" АТ орқали ДХХ ҳамда ИИВга юборади.

80. ДХХ ва ИИВ ҳужжатларни ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқиб, тегишли хулосани Агентликка юборади.

81. Агентлик ҳужжатларни беш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқиб, тегишли қарорни Марказга тақдим этади.

82. Агентлик қарори асосида Марказ ариза берувчига беш иш кунидан кечиктирмаган ҳолда рухсатнома берилиши тўғрисида ёки ДХХ ва ИИВнинг (рад этилган ҳолатда) тегишли хулосалари асосида рад этиш асослари ва қонунчиликнинг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда ариза берувчига "Лицензия" АТ орқали хабарнома юборади.

Марказ рухсатномани анъанавий тарзда ариза берувчининг ўзига ёки почта хизмати орқали аризачи кўрсатган манзилга юборади.

Ариза қабул қилингандан сўнг ариза берувчи рухсатнома олишдан бош тортган ҳолларда, тўланган тўлов суммаси қайтарилмайди.

83. Расмийлаштирилган рухсатномалар ва улардаги маълумотлар "Ягона дарча" божхона ахборот тизимига Марказ масъул шахслари томонидан киритилади.

84. Транзит рухсатномасини бериш қуйидаги сабабларга кўра рад этилиши мумкин:

а) ариза берувчи томонидан транзит рухсатномасини бериш учун зарур бўлган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда;

б) ариза берувчи транзит рухсатномасини бериш талаблари ва шартларига мос келмаганда;

в) ўрганиш натижаларига кўра ДХХ ёки ИИВнинг асослантирилган рад этиш хулосаси ёки Агентликнинг рухсатнома бериш мумкин эмаслиги тўғрисидаги қарори тақдим этилганда;

г) ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда аниқ бўлмаган ёки нотўғри маълумотлар мавжуд бўлганда.

Транзит рухсатномасини беришнинг бошқа асосларига кўра, шу жумладан, мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан рад этилишига йўл қўйилмайди.

85. Транзит рухсатномани бериш рад этилган тақдирда, тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

86. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун Марказ ариза берувчига малакали ходимларни излашда, ҳужжатлар ҳамда дастурларни маромига етказиш учун мутахассисларни жалб этишда, шунингдек, бошқа

муаммоли вазиятларни бартараф этишда ёрдам кўрсатиши ва тавсиялар бериши шарт, ариза берувчи таклиф этилган ёрдамни рад этган ҳоллар бундан мустасно.

87. Ариза берувчи томонидан транзит рухсатномасини беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар бартараф этилган ҳолларда, Марказ томонидан ариза берувчининг аризаси келиб тушган кундан эътиборан беш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда қайта кўриб чиқилади.

88. Транзитга рухсатнома бериш тўғрисидаги аризани қайта кўриб чиқишда, хабарномада аввал кўрсатилмаган сабабларга кўра транзит рухсатнома беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Ариза қайта кўриб чиқилгани учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади ҳамда ушбу Низомнинг 71-бандида назарда тутилган тартибда тақсимланади.

89. Ариза берувчи транзитга рухсатнома бериш рад этилгани, шунингдек, Марказ мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

90. Транзит рухсатномаси йўқолганда ёки яроқсиз ҳолатга келганда, ариза берувчи "Лицензия" АТ орқали Марказга дубликат олиш учун ариза беради.

Марказ аризани уч иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқиб, "Дубликат" белгиси қўйилган янги транзит рухсатномаси анъанавий тарзда ёки почта хизмати орқали ариза берувчига тақдим этади.

Транзит рухсатномасининг дубликати берилгани учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн фоизи миқдорида йиғим ундирилади ва ундирилган йиғим ушбу Низомнинг 71-бандида белгиланган тартибда тақсимланади.

91. Транзит рухсатномаси яроқсиз ҳолатга келган ҳолда унинг асл нусхаси ҳам тақдим этилиши керак.

92. Транзит рухсатномасининг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш ёки тугатиш ва бекор қилиш Ўзбекистон Республикасининг "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонунида назарда тутилган ҳолларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

93. Рухсатномалар реестри "Лицензия" АТда электрон шаклда ҳар бир рухсатнома бўйича алоҳида юритилади ва ундаги маълумот барча учун очиқ ҳисобланади.

94. Рухсатномалар реестри автоматик равишда шакллантирилади, унинг доимий юритилиши ва унга тегишли ўзгартиришларни киритиш Марказ томонидан амалга оширилади.

Марказ рухсатномалар реестрини юритишда ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибларга риоя қилиши лозим.

95. Марказ қуйидаги маълумотларни рухсатномалар реестрига ўз вақтида киритиб боришга жавобгар:

транзит рухсатномаси берилган сана ва тартиб рақами;

ариза берувчининг номи ва ташкилий ҳуқуқий шакли, юридик манзили, телефон рақами;

рухсатномада транзит ўтказилаётган прекурсорнинг номи ва миқдори;

транзит рухсатномасининг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш асоси ва санаси;

транзит рухсатномасининг амал қилиш муддатини тугатиш асоси ва санаси;

транзит рухсатномасининг бекор қилиш асоси ва санаси;

транзит рухсатномасининг дубликатини бериш асоси ва санаси;

транзит рухсатномасининг амал қилиш муддати.

96. Рухсатнома эгаси тўғрисидаги батафсил маълумотлар базаси ваколатли органлар фойдаланиши учун шакллантирилади ва унда рухсат бериш жараёнида киритиладиган барча маълумотлар ҳамда илова қилинадиган ҳужжатларнинг электрон нусхалари сақланади.

Ушбу маълумотлар базасида рухсатномалар реестрига киритилмаган ахборотлар мавжуд бўлган тақдирда, Марказ томонидан мазкур ахборотлар ва илова қилинган ҳужжатларни бошқа шахсларга ошкор қилиниши тақиқланади.

7-боб. Прекурсорларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш ва ташиш тартиби

97. Ўзбекистон Республикасида прекурсорларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш ва ташиш билан боғлиқ фаолият амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланган талаб ва шартларга қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

98. Лицензиатлар томонидан прекурсорларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва сақлашга доир фаолиятда хавфсизликни таъминлаш учун бошқа шахсларнинг аралашувига йўл қўймаслик чоралари кўрилади.

99. Прекурсорларни ишлаб чиқарувчи, сотиб олувчи ва улардан якуний фойдаланувчи лицензиатлар ахборот тизимига прекурсорларга бўлган эҳтиёжи тўғрисидаги маълумотларини ҳамда ҳисоботларни мунтазам равишда киритиб боради.

Лицензиатлар ахборот тизимига маълумотлар тўғри ҳамда ўз вақтида киритилишида шахсан жавобгар ҳисобланади.

Иккинчи кичик рўйхатдаги сульфат ва хлорид кислоталарини ишлаб чиқариш ва тайёрлаш юридик шахслар томонидан уларда ушбу фаолият турига лицензиялари мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

100. Тез алангаланувчи ва учувчи прекурсорларни (сирка кислотаси ангидриди, ацетон, этил эфири, хлорид кислота, фенилсирка кислотаси, сульфат кислота, толуол ва бошқалар) сақланишида уларнинг физик-кимёвий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда зич ёпиладиган, чидамли (пишиқ) шиша ёки металл идишларда белгиланган тартибда сақланади.

101. Назорат-таҳлил лабораториялари, илмий-тадқиқот институтлари, дорихоналар, даволаш-профилактика муассасалари, олий таълим ташкилотларида прекурсорларни сақлаш қонунчиликда белгиланган тартиб асосида амалга оширилади.

102. Саноат корхоналарида прекурсорлар хавфлилик, ёнғин хавфини туғдириш даражаси, кимёвий ва физик-кимёвий хоссаларига асосан сақланади.

Кислота бўлган прекурсорлар бошқа прекурсорлардан алоҳида сақланади.

Прекурсорларнинг ертўлаларда сақланишига йўл қўйилмайди ва прекурсорларнинг сақлаш жойларининг вентиляцияси табиий бўлиши шарт.

103. Прекурсорларни "Хавфсизлик паспорти" қоидаларига зид равишда ташиш тақиқланади.

8-боб. Прекурсорларни реализация қилиш (бериш) тартиби

104. Прекурсорларни реализация қилиш вақтида харидор сотувчи томонга лицензиясини тақдим этиши шарт.

Бунда сотувчи томон "Лицензия" АТ орқали лицензиянинг фаоллигини текшириб олади ва эҳтиёж доирасида сотилган прекурсорлар миқдорини ахборот тизимига дарҳол киритади.

105. Сотувчи харидорга унинг прекурсорга бўлган йиллик эҳтиёжидан ортиғини реализация қилмасликка, лицензиянинг фаоллигини текширишга ва ахборот тизимига маълумотларни тўғри ҳамда ўз вақтида киритилишига шахсан жавобгар ҳисобланади.

106. Реализация қилинган прекурсор узоқ масофа туфайли маълум бир муддатдан сўнг харидорга етиб келган тақдирда, харидор уни қабул қилиб ҳисобга олади ҳамда ахборот тизимига бу ҳақда тегишли белги қўяди.

9-боб. Прекурсорлардан фойдаланишда хавфсизлик чоралари ҳамда уларни йўқ қилиш тартиби

107. Прекурсорлардан фойдаланувчилар кимёвий моддаларни ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчилардан "Хавфсизлик паспорти"ни талаб қилишлари лозим.

108. Линцензиатлар прекурсорларни сақлаш, юклаш, ташиш ҳамда ундан фойдаланишда ишчи-ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш чораларини белгилаши ва тасдиқлаши шарт.

109. Фойдаланиш муддати ўтган ёки қайта ишлаш имконияти бўлмаган прекурсорларни сақлаш жойларида қолдириш ва фойдаланиш тақиқланади.

110. Прекурсорлар қуйидаги ҳолатларда йўқ қилинади:

уларнинг яроқлилик муддати тугаганда;

улардан фойдаланиш имкониятини истисно этувчи кимёвий ёки физик таъсирга учраганда;

прекурсорларга мансублигини аниқлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда.

111. Прекурсорлар юридик шахслар томонидан уларда фаолиятнинг кўрсатиб ўтилган турига лицензияси мавжуд бўлган тақдирда йўқ қилинади.

112. Прекурсорларни йўқ қилиш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар ички ишлар органлари ҳамда Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси вакилларидан иборат бўлган комиссия ташкил этадилар.

113. Прекурсорларни йўқ қилиш учун лицензияга эга бўлмаган, бироқ уларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи лицензиатлар прекурсорларни йўқ қилиш ҳуқуқи бўйича лицензияга эга бўлган юридик шахслар билан шартномалар тузадилар ҳамда қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда йўқ қилиниши керак бўлган прекурсорларни уларга топширадилар.

114. Прекурсорларни йўқ қилиш зарурати лицензиат раҳбарининг буйруғи билан тайинланган масъул шахс томонидан асосланади. Бунда прекурсорларни ҳисобдан чиқариш ва кейинчалик йўқ қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилади.

Буйруқда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

прекурсорларнинг номи, таркиби ва физик хоссалари, миқдори, маркировкаси;

прекурсорларнинг нетто ва брутто оғирлиги;

йўқ қилиш сабаблари;

йўқ қилиш учун масъул бўлган шахс;

йўқ қилиш жойи ва усули;

прекурсорларни йўқ қилиш учун лицензияга эга бўлмаган лицензиатлар прекурсорларни йўқ қилиш учун лицензияга эга бўлган корхона ёки муассаса билан тузилган шартноманинг тартиб рақамини ва унинг тузилган санасини кўрсатадилар.

115. Буйруқ нусхаси келишиш учун ҳудудий ички ишлар ҳамда экология ва иқлим ўзгариши органларига юборилади.

116. Прекурсорларни йўқ қилиш ишларини бажарувчи ходимлар прекурсорлар билан ишлаш тажрибасига эга бўлишлари, йўқ қилинаётган моддаларнинг физик-кимёвий ва заҳарли хоссаларини ҳамда зарарсизлантириш ва йўқ қилишда кечадиган кимёвий реакцияларни билишлари керак.

117. Техник кўрсаткичларга кўра саноат ишлаб чиқариши тармоқларида, лаборатория тадқиқотларида ва бошқаларида қўлланилмаган прекурсорлар “Хавфсизлик паспорти”га мувофиқ йўқ қилинади.

118. Прекурсорларни йўқ қилишда комиссия томонидан мазкур Низомга 8-иловага мувофиқ далолатнома тузилади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

далолатнома тузилган сана ва жой;

йўқ қилишда қатнашган шахсларнинг иш жойи, лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;

йўқ қилиш асослари;

йўқ қилинадиган прекурсорнинг номи, таркиби ва физик хоссалари, миқдори, маркировкаси кўрсатилган ҳолда, нетто ва брутто оғирлиги тўғрисидаги маълумотлар;

йўқ қилиш усули.

Далолатноманинг нусхалари сони прекурсорларни йўқ қилишда иштирок этган томонлар сони билан белгиланади.

119. Йўқ қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган прекурсорларни кейинчалик фойдаланиш учун бериш тақиқланади.

120. Лицензиат йўқ қилинган прекурсорлар миқдорини ахборот тизимига дарҳол киритади.

121. Прекурсорлар йўқ қилиниши учун лицензиатнинг раҳбари жавоб беради.

10-боб. Лицензиатлар фаолияти мониторинги ва уларнинг ҳисобдорлиги

122. Агентлик томонидан тузилган ва тасдиқланган мониторинг режасига кўра ишчи гуруҳлар томонидан лицензиатлар фаолиятида ўрганишлар ўтказилади.

Ахборот тизимидаги прекурсорлар айланмаси билан боғлиқ маълумотлар асосида Агентлик ўзи ёки унинг кўрсатмасига асосан Ички ишлар вазирлиги томонидан лицензиатлар фаолиятида қонунчиликда белгиланган тартибда назорат текширувлари ўтказилади.

Назорат текширувлари натижаларига кўра фаолиятда аниқланган камчиликлар ва қонун бузилиши ҳолатлари бўйича лицензиатларга қонунчиликка мувофиқ белгиланган тартибда чоралар кўрилади.

123. Марказ лицензиатлар фаолияти устидан ахборот тизимига киритилган маълумотлар асосида кунлик кузатувни амалга оширади, кузатиш натижалари юзасидан хафталик маълумотларни Агентликка киритади.

124. Лицензиатлар ўзининг прекурсорлар муомаласига оид фаолияти бўйича ойлик ҳисоботларни юритиб (ишлаб чиқарилган, тайёрланган, олиб кирилган ва олиб чиқилган, сотилган, фойдаланилган прекурсорлар, уларнинг миқдорлари ва бошқа), ҳисобот давридан кейинги ойнинг йигирманчи санасидан кечиктирмасдан ахборот тизимига киритади.

125. Лицензиатлар қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда охирги ҳисоботлар тақдим қилинган вақтдан бошлаб ва қайта ташкил этилган ёки тугатилган вақтгача бўлган давр учун ҳисоботларни, шу жумладан, қайта ташкил этилган ва тугатилган кундаги ҳолатига кўра прекурсорларнинг захиралари тўғрисида маълумотлар тақдим этадилар.

126. Марказ киритилган ҳисоботлар асосида йиғма ҳисобот тузади ва Агентлик билан келишган ҳолда Халқаро қўмитага белгиланган тартиб ва шакл асосида ҳисобот тақдим этади.

127. Прекурсорлар муомаласи билан боғлиқ қонунчилик хужжатларида белгиланган тартиблар бузилган ҳолларда, лицензияловчи органнинг қарори асосида лицензиатнинг лицензияси уч ой муддатгача тўхтатиб турилиши мумкин.

11-боб. Якунловчи қоидалар

128. Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган прекурсорлар рўйхатига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Агентлик ва Марказнинг расмий веб-саҳифасида эълон қилинади.

129. Прекурсорларни олиб кириш, олиб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, реализация қилиш (бериш), ташиш, улардан фойдаланиш ва йўқ қилишда хавфсизлик талабларига риоя этилишини таъминлашда, маълумотлар ахборот тизимига киритилишида лицензиат раҳбари жавобгар ҳисобланади.

130. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикасида прекурсорларнинг
муомаласи билан боғлиқ фаолиятни тартибга
солиш ва узлуксиз назоратни таъминлаш
тўғрисидаги ягона низомга
1-илова

Прекурсорларни олиб кириш, олиб чиқишга сертификат бериш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбрлар	Ижро муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	Прекурсорларни олиб кириш, олиб чиқишга сертификат олиш учун керак бўладиган ҳужжатларни тайёрлайди ва “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасасига (кейинги ўринларда – Марказ) “Лицензия” ахборот тизими орқали юборади.	Ариза берувчининг ҳоҳишига кўра
2-босқич	Марказ	1. Марказ сертификатни расмийлаштириш учун керакли ҳужжатларни ариза берувчидан қабул қилиб олганидан сўнг бошқа ваколатли органлардан қуйидаги ҳужжатлар ва маълумотларни ўзаро ахборот ҳамкорлиги орқали электрон шаклда олади: а) дори воситаси таркибида прекурсор мавжуд бўлган ҳолларда ушбу дори воситаси учун берилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг нусхаси; б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган прекурсорлар муомаласи билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси. 2. Марказ ҳужжатлар тўпламини ўрганади, келишиш учун “Лицензия” АТ орқали ДХХ ҳамда ИИВга юборади. 3. ДХХ ва ИИВ ҳужжатларни кўриб чиқиб, тегишли хулосасини Агентликка юборади. 4. Агентлик ҳужжатларни кўриб чиқиб, тегишли қарорни Марказга тақдим этади. 5. Агентлик қарори асосида Марказ ариза берувчига сертификат берилиши тўғрисида ёки ДХХ ва ИИВнинг (рад этилган ҳолатда) тегишли хулосалари асосида рад этиш асослари ва қонунчиликнинг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда ариза берувчига “Лицензия” АТ орқали хабарнома юборади. 6. Марказ сертификатни анъанавий тарзда ариза берувчининг ўзига ёки почта хизмати орқали аризачи кўрсатган манзилга юборади.	1-2. Ариза ва ҳужжатлар қабул қилинган кунда. 3. Ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг биринчи кичик рўйхатдаги прекурсорлар бўйича ўн беш иш куни, иккинчи кичик рўйхатдаги прекурсорлар бўйича ўн иш кундан ортиқ бўлмаган муддатда. 4. Ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг беш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда. 5-6. Тегишли қарор олингандан сўнг беш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда
3-босқич *(зарур бўлганда)*	Марказ	Ариза берувчи сертификат беришни рад этиш учун асос бўлган сабабларни бартараф этган ҳолларда, сертификат бериш учун ҳужжатларни қайта кўриб чиқади ёки сертификат беришни рад этади.	Ариза ва ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда

Ўзбекистон Республикасида прекурсорларнинг муомаласи билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш ва узлуксиз назоратини таъминлаш тўғрисидаги ягона низомга
2-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
“ФАРМАЦЕВТИКА МАҲСУЛОТЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИ МАРКАЗИ” ДАВЛАТ МУАССАСАСИ

ПРЕКУРСОРЛАРНИ ОЛИБ КИРИШ УЧУН _____-СОН СЕРТИФИКАТ

(бошқа юридик шахсга бермаслик шарти билан, нусхалари ҳақиқий эмас)

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1988 йилдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши кураш тўғрисида”ги конвенциясида назарда тутилган моддаларга тегишли қонунларни қўллаш учун масъул бўлган “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасаси:

1. Олиб келинаётган прекурсор номи (оғирлиги/ҳажми) _____
_____
2. Импорт қилувчи номи ва манзили
_____
_____
3. Экспорт қилувчи номи ва манзили
_____
_____
4. Юк қабул қилувчи _____
5. Юкнинг йўналиши, транспорт тури (экспорт қилувчи мамлакатдан чиқиш жойларини ва импорт қилувчи мамлакатга кириш жойларини кўрсатган ҳолда)
_____
6. Юкни олиб келиш бир партияда амалга оширилади.
7. Олиб келишнинг режалаштирган санаси _____
8. Кўрсатилган моддалар: _____
_____мақсадлари учун фойдаланилади.

Мазкур сертификатнинг амал қилиш муддати 20____й. “____” _____

Директор 20____й. “_____” _____

(орқа томони)

**STATE INSTITUTION "CENTER FOR PHARMACEUTICAL PRODUCTS SAFETY"
OF THE MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

CERTIFICATE № _____
on the import of substances

(provided that it is not given to another legal entity, the copy is not authentic)

This is to certify that State institution "Centre for pharmaceutical products safety" entrusted with the application of laws on substances and their derivatives envisaged by 1988 Convention of UN against Illicit Traffic in Narcotic Drugs and Psychotropic Substances permits the import:

1. Name of substances to be imported (weight/volume)

_____

2. Name and address of importer

_____

3. Name and address of exporter

_____

4. Ultimate consignee

_____

_____

5. Route of the consignment, type of transport (indicate stations of exports and import)

_____

6. The supplying will be carried out one bath.

_____

7. Date supposed of import

_____

8. Above-stated substances will be used in:

_____

_____

The certificate is valid up to _____ «____», 20___.

Director of the center
_____ «____», 20___

Ўзбекистон Республикасида прекурсорларнинг муомаласи билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш ва узлуксиз назоратини таъминлаш тўғрисидаги ягона низомга
3-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
"ФАРМАЦЕВТИКА МАҲСУЛОТЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИ МАРКАЗИ" ДАВЛАТ МУАССАСАСИ

ПРЕКУРСОРЛАРНИ ОЛИБ ЧИҚИШ УЧУН _____-СОН СЕРТИФИКАТ

(бошқа юридик шахсга бермаслик шарти билан, нусхалари ҳақиқий эмас)

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1988 йилдаги "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши кураш тўғрисида"ги конвенциясида назарда тутилган моддаларга тегишли қонунларни қўллаш учун масъул бўлган "Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази" давлат муассасаси:

1. Олиб чиқилаётган прекурсор номи *(оғирлиги/ҳажми)*

_____

_____

2. Экспорт қилувчи номи ва унинг манзили

_____

_____

3. Импорт қилувчи номи ва унинг манзили

_____

_____

4. Юк қабул қилувчи

_____

_____

5. Импорт қилувчи мамлакатнинг импорт рухсатномаси *(берилган санаси)*

_____

_____

6. Юкнинг йўналиши, транспорт тури *(экспорт қилувчи мамлакатдан чиқиш жойларини ва импорт қилувчи мамлакатга кириш жойларини кўрсатган ҳолда)*

_____

_____

7. Кўрсатилган моддалар _____
_____ мақсадлари учун фойдаланилади.

_____

Мазкур сертификатнинг амал қилиш муддати 20____й. "____" _____

Директор 20____й. "____" _____

(орқа томони)

STATE INSTITUTION"CENTER FOR PHARMACEUTICAL PRODUCTS SAFETY" OF THE MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

CERTIFICATE №_____

on the export of substances

(provided that it is not given to another legal entity, the copy is not authentic)

This is to certify that State institution "Centre for pharmaceutical products safety" entrusted with the application of laws on substances and their derivatives envisaged by 1988 Convention of UN against Illicit Traffic in Narcotic Drugs and Psychotropic Substances permits the export:

1. Name of substances to be exported *(weight/volume)*

_____

2. Name and address of exporter

_____

3. Name and address of importer

_____

4. Ultimate consignee

_____

_____

5. Authorization of the importer country to import *(date of issue)*

_____

6. Route of the consignment, type of transport *(indicate stations of export and import)*

_____

_____

7. Above-stated substances will be used in:

_____

The certificate is valid up to _____ "___", 20___

Director of the center

_____ "___", 20___

Ўзбекистон Республикасида прекурсорларнинг
муомаласи билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш
ва узлуксиз назоратини таъминлаш тўғрисидаги
ягона низомга
4-илова

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
"Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги
маркази" давлат муассасасига

Ушбу билан _____
(ариза берувчи номи, СТИРи, мамлакат номи, юридик манзили, тел./факс кўрсатилган ҳолда)
_____
Сиздан олиб келинаётган (олиб чиқилаётган) _____
(прекурсорларнинг номи ва миқдори)
_____ни
(контракт (шартнома) рақами ва санаси, ишлаб чиқарувчи номи,
_____
юк жўнатувчи, юк етказиб берувчи номи, мамлакати, юридик манзили, тел./факс)
_____ асосида олиб кириш (олиб чиқиш) сертификатини беришингизни сўраймиз.

Олиб келинаётган (олиб чиқилаётган) _____ учун ишлатилади.
(прекурсорларнинг фойдаланиш мақсади)

Юк_____
(йўналиш, транспорт тури, экспорт қилувчи мамлакатдан импорт қилувчи мамлакатга чиқиш-кириш нуқталарини кўрсатган маршрути билан)
_____
(мўлжалланган олиб кириш, олиб чиқиш муддати)
_____олиб келинади.
(етказиб бериш тартиби (бир партияда))

Шу билан бирга, импорт қилинадиган маҳсулотларни реэкспорт қилмаслик, прекурсорлар олиб кирилаётганда эса, импорт қилинадиган моддаларни кимёвий қурол, гиёҳвандлик моддалари ишлаб чиқариш ва бошқа тақиқланган мақсадларда ишлатмаслик мажбуриятини оламиз.

Масъул шахс Ф.И.О. ва имзоси

М.Ў.

Ўзбекистон Республикасида прекурсорларнинг
муомаласи билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш
ва узлуксиз назоратини таъминлаш тўғрисидаги
ягона низомга
5-илова

Прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзида ўтказишга рухсат бериш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	Прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзида ўтказишга рухсатнома олиш учун керак бўладиган ҳужжатларни тайёрлайди ва “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасасига (кейинги ўринларда – Марказ) “Лицензия” ахборот тизими орқали юборади.	Ариза берувчининг ҳоҳишига кўра
2-босқич	Марказ	1. Марказ ҳужжатлар тўпламини ўрганади, келишиш учун “Лицензия” АТ орқали ДХХ ҳамда ИИВга юборади. 2. ДХХ ва ИИВ ҳужжатларни кўриб чиқиб, тегишли хулосасини Агентликка юборади. 3. Агентлик ҳужжатларни кўриб чиқиб, тегишли қарорни Марказга тақдим этади 4. Агентлик қарори асосида Марказ ариза берувчига рухсатнома берилиши тўғрисида ёки ДХХ ва ИИВнинг (рад этилган ҳолатда) тегишли хулосалари асосида рад этиш асослари ва қонунчиликнинг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда ариза берувчига “Лицензия” АТ орқали хабарнома юборади. 5. Марказ рухсатномани анъанавий тарзда аризачининг ўзига ёки почта хизмати орқали аризачи кўрсатган манзилга юборади.	1. Ариза ва ҳужжатлар қабул қилинган кунда. 2. Ҳужжат қабул қилингандан сўнг ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда. 3. Ҳужжат қабул қилингандан сўнг беш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда. 4-5. Тегишли қарор олингандан сўнг беш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда
3-босқич *(зарур бўлганда)*	Марказ	Ариза берувчи транзит рухсатномасини беришни рад этиш учун асос бўлган сабабларни бартараф этган ҳолларда, ҳужжатларни қайта кўриб чиқади, транзит рухсатномасини беради ёки беришни рад этади.	Ариза ва ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг беш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда

Ўзбекистон Республикасида прекурсорларнинг
муомаласи билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш
ва узлуксиз назоратини таъминлаш тўғрисидаги
ягона низомга
6-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
“ФАРМАЦЕВТИКА МАҲСУЛОТЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИ МАРКАЗИ”
ДАВЛАТ МУАССАСАСИ

Прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси
ҳудуди орқали транзит тарзида ўтказишга
-СОН РУХСАТНОМА

“Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасаси берилган аризани кўриб чиқиб,

_____
_____ га
(ташкилот номи ва унинг манзили)
_____
_____
қуйидаги миқдордаги
_____
(прекурсорлар номи)
_____
(миқдори)
_____транзит ўтказишга рухсат этади.

Юкнинг йўналиши, транспорт тури:
_____
_____

Мазкур рухсатноманинг амал қилиш муддати 20____й. “_____” _____

Директор

Берилган сана 20___ й. “_____” _____

Ўзбекистон Республикасида прекурсорларнинг муомаласи билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш ва узлуксиз назоратини таъминлаш тўғрисидаги ягона низомга
7-илова

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
"Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази" давлат муассасасига

Ушбу билан _____
_____га
(импорт қилувчи ташкилот, юк жўнатувчи ва мамлакат номи, юридик манзили)
Сиздан _____
(прекурсорларнинг номи ва миқдори
_____учун
(контракт(шартнома) рақами ва санаси, юк жўнатувчи
_____
_____
юк етказиб берувчи номи, мамлакати, юридик манзили)
_____асосида транзит рухсатномасини олишга рухсат беришингизни сўраймиз.

_____ учун ишлатилади.
(фойдаланиш мақсади)
_____
(йўналиш, транспорт тури, экспорт қилувчи мамлакатдан импорт қилувчи мамлакатга
_____
чиқиш-кириш нуқталарини кўрсатган маршрути билан)
_____
(мўлжалланган олиб кириш, олиб чиқиш муддати)
_____
(етказиб бериш тартиби (бир партияда))
Масъул шахс Ф.И.О. ва имзоси

М.Ў.

Изоҳ: ариза расмий бланкда расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикасида прекурсорларнинг муомаласи билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш ва узлуксиз назоратини таъминлаш тўғрисидаги ягона низомга
8-илова

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Раҳбар _____
(имзо)

м.ў. 20____ й. “____” _____

Прекурсорларни йўқ қилиш тўғрисида
ДАЛОЛАТНОМА

Комиссия *(уч кишидан кам бўлмаган)* таркиби

Комиссия аъзолари _____
(Ф.И.О., лавозими)

_____
_____
_____
_____
_____
_____
_____

Далолатнома тузилган жой _____
Сана, ой, йил _____
_____номи
(прекурсорнинг номи, таркиби ва физик хоссалари, миқдори, маркировкаси кўрсатилган ҳолда, нетто ва брутто оғирлиги)
_____миқдорида
(ёзув билан)
_____қарори асосида
Йўқ қилиш усули:

_____
_____
_____
_____

Комиссия аъзоларининг имзоси:

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ

25 (1253)-son
628-modda

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2238-5
2026 - yil 25 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRLIGI HUZURIDAGI FUQARO AVIATSIYASI AGENTLIGI DIREKTORINING

BUYRUG‘I

Havo transportida yo‘lovchi va bagaj tashish qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasi Havo kodeksiga muvofiq buyuraman:

1. O‘zbekiston Respublikasi Parvozlar xavfsizligini nazorat qilish davlat inspeksiyasi boshlig‘ining 2011-yil 11-apreldagi 45-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2238, 2011-yil 29-iyun) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 26-son, 275-modda) bilan tasdiqlangan Havo transportida yo‘lovchi va bagaj tashish qoidalariga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Transport vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil hamda Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Direkor
2026-yil 12-iyun
9-n-son

NAZAROV TAXIR
ALIMJANOVICH

Kelishildi:

Vazir
2025-yil 27-noyabr

MAXKAMOV ILXOM
RUSTAMOVICH

Rais
2025-yil 19-noyabr

VAXABOV DAVRON
ABDUJALALOVICH

Vakil o'rinbosari
2025-yil 18-noyabr

URUNOV JAMSHID
OLIMOVICH

O‘zbekiston Respublikasi Transport vazirligi huzuridagi
Fuqaro aviatsiyasi agentligi direktorining 2026-yil 12-iyundagi
9-n-son buyrug‘iga
ILOVA

Havo transportida yoʻlovchi va bagaj tashish qoidalariga kiritilayotgan oʻzgartirishlar

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Qoidalar havo transportida yoʻlovchi va bagaj tashish tartibini belgilaydi.”.

2. 12, 117, 133 va 136-bandlardan “(Oʻzbekiston Respublikasi Oliy Kengashining Axborotnomasi, 1993-y., 6-son, 247-modda)” degan so‘zlar chiqarib tashlansin.

3. 94-banddagi “Vazirlar Mahkamasining 2016-yil 2-iyundagi 183-son qarori bilan tasdiqlangan Oʻzbekiston Respublikasi fuqaro aviatsiyasida aviatsiya xavfsizligiga tekshirish oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi nizom” degan so‘zlar “Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 31-iyuldagi 481-son qarori bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi fuqaro aviatsiyasida aviatsiya xavfsizligiga doir tekshiruv o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizom” degan so‘zlar almashtirilsin.

25 (1253)-сон
629-модда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2247-4
2026 - yil 25 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SPORT VAZIRINING BUYRUG‘I

O‘zbekiston Respublikasida trenerlik faoliyati to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasining “Jismoniy tarbiya va sport to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq buyuraman:

1. O‘zbekiston Respublikasi madaniyat va sport ishlari vazirining 2011-yil 9-iyundagi 484-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2247, 2011-yil 22-iyul) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 30-son, 318-modda) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasida trenerlik faoliyati to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
05-Iyun 2026-yil
3-mh son

IKRAMOV ADXAM
ILXAMOVICH

O‘zbekiston Respublikasi sport vazirining 2026-yil 5-iyundagi 3-mh-son buyrug‘iga
ILOVA

O‘zbekiston Respublikasida trenerlik faoliyati to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan o‘zgartirishlar

1. 2-bandning uchinchi–beshinchi xatboshilari quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“sport turi – sport musobaqalariga o‘ziga xos tarzda tayyorgarlik ko‘rilishi bilan ajralib turuvchi, sport musobaqalarini o‘tkazishga va ularda ishtirok etishga doir talablar va shartlar belgilanadigan qoidalarga (nizomga, reglamentga) ega bo‘lgan jismoniy tarbiya va sport sohasidagi faoliyat turi;

sport federatsiyasi (uyushmasi) – mamlakatda muayyan sport turini (turlarini) rivojlantirishni, ommalashtirishni, sport tadbirlarini tashkil etish va o‘tkazishni, shuningdek O‘zbekiston Respublikasining sport terma jamoasi a’zoligiga nomzodlarni saralashni va tavsiya etishni o‘z faoliyatining asosiy maqsadi sifatida belgilagan, tegishli tartibda Sport federatsiyalari (uyushmalari) reyestriga kiritilgan nodavlat notijorat tashkiloti;

trener – sportchilarni tayyorlash hamda ularning musobaqalarga tayyorgarlik ko‘rishini tashkil etish, ularga nazariy va amaliy bilimlarni berish, shuningdek ularni jismoniy jihatdan kamol toptirishni amalga oshiruvchi jismoniy shaxs;”.

2. 11-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“11. Trenerlik faoliyatini amalga oshirishda quyidagilarga yo‘l qo‘yilmaydi:

zo‘ravonlikni, diniy ekstremizmni, davlat tuzumiga, mamlakatning tinchligi va xavfsizligiga, uning aholisiga qarshi qaratilgan boshqa harakatlarni targ‘ib qilishga;

jismoniy tarbiya va sport bilan shug‘ullanuvchilarning sha’ni va qadr-qimmatini kamsitishga;

o‘quv mashg‘ulotlari jarayonida sportga aloqasi bo‘lmagan boshqa faoliyatni olib borishga;

taqiqlangan vositalarni, tamaki va alkogol mahsulotlarini iste’mol qilish hamda ularni iste’mol qilishni targ‘ib etishga.”.

3. 17-banddan beshinchi xatboshi chiqarib tashlansin.

4. 20-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“20. Trenerlik faoliyatini amalga oshiruvchi shaxslar quyidagi huquqlarga ega:

trenerlik faoliyatini amalga oshirish;

qayta tayyorlash va malaka oshirish kurslarida oʻqish;

sport musobaqalarida, jismoniy tarbiya tadbirlarida ishtirok etish.

Trener qonunchilikka muvofiq boshqa huquqlarga ham ega boʻlishi mumkin.”.

5. 21-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“21. Trenerlik faoliyatini amalga oshiruvchi shaxslar quyidagilarga majbur:

qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda malaka oshirganlik haqidagi malaka sertifikatga ega boʻlishga;

oʻz faoliyati jarayonida jismoniy tarbiya va sport bilan shugʻullanuvchilarda vatanparvarlik, vatanga muhabbat tuygʻularini tarbiyalashga, ularning sogʻligini mustahkamlashga, sport mahoratini oshirishga, ularni axloqiy, maʼnaviy tarbiyalashga alohida eʼtibor qaratishga;

trenerga nisbatan qoʻyilgan talablarga qatʼiy rioya etishga;

kasbiy malakasini uzluksiz oshirib borishga;

jismoniy tarbiya va sportni hamda sogʻlom turmush tarzini targʻib qilishga;

yuksak madaniyat va tashkilotchilik boʻyicha oʻrnak boʻlish, shugʻullanuvchilar tomonidan qoʻpollik, intizomsizlik va axloqiy meʼyorlar buzilishining oldini olishga;

oʻquv-mashgʻulotlarida xavfsizlik, sanitariya qoidalariga, normalariga va gigiyena normativlariga rioya etishga.

Trenerning zimmasiga qonunchilikka muvofiq boshqa majburiyatlar ham yuklatilishi mumkin.”.

25 (1253)-сон
630-модда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2939-2
2026 - yil 25 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SPORT VAZIRINING

BUYRUG‘I

Sport federatsiyalari (uyushmalari) reyestrini shakllantirish, yuritish, reyestrdan chiqarish va undan ma’lumotlar taqdim etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasining “Jismoniy tarbiya va sport to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq buyuraman:

1. O‘zbekiston Respublikasi Jismoniy tarbiya va sport davlat qo‘mitasining 2017-yil 9-oktabrdagi 11-mh-son qarori (ro‘yxat raqami 2939, 2017-yil 23-oktabr) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 23.10.2017-y., 10/17/2939/0165-son) bilan tasdiqlangan Sport federatsiyalari (uyushmalari) reyestrini shakllantirish, yuritish, reyestrdan chiqarish va undan maʼlumotlar taqdim etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 5-iyun
4-mh-son

IKRAMOV ADXAM
ILXAMOVICH

O‘zbekiston Respublikasi sport vazirining 2026-yil
5-iyundagi 4-mh-son buyrug‘iga
ILOVA

Sport federatsiyalari (uyushmalari) reyestrini shakllantirish, yuritish, reyestrdan chiqarish va undan maʼlumotlar taqdim etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan o‘zgartirishlar va qo‘shimcha

1. 1-bandning uchinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“**sport federatsiyasi (uyushmasi)** – mamlakatda muayyan sport turini (turlarini) rivojlantirishni, ommalashtirishni, sport tadbirlarini tashkil etish va o‘tkazishni, shuningdek O‘zbekiston Respublikasining sport terma jamoasi aʼzoligiga nomzodlarni saralashni va tavsiya etishni o‘z faoliyatining asosiy maqsadi sifatida belgilagan, tegishli tartibda Sport federatsiyalari (uyushmalari) reyestriga kiritilgan nodavlat notijorat tashkilot;”.

2. 5-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“5. Sport federatsiyalarini (uyushmalarini) Reyestrga kiritish uchun ular quyidagi talablarga mos kelishi lozim:

ularning rivojlantiradigan sport turi (turlari) bo‘yicha xalqaro sport tashkilotiga aʼzo ekanligi (bundan milliy va adaptiv sport turlari mustasno);

ular rivojlantiradigan sport turi (turlari) bo‘yicha sport turi qoidalarining mavjudligi;

ularning Sport federatsiyalari (uyushmalari) reyestriga kiritilgan sport federatsiyalari (uyushmalari) nomlaridan farqlanadigan nomga ega ekanligi;

ular rivojlantiradigan sport turining (turlarining) boshqa sport turi (turlari) belgilaridan farqlanishi;

ular rivojlantiradigan sport turi (turlari) bo‘yicha Sport federatsiyalari (uyushmalari) reyestriga boshqa sport federatsiyasi (uyushmasi) kiritilmaganligi.”.

3. 10-band quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to‘ldirilmoqda:

“Bunda, sport federatsiyalarini (uyushmalarini) reyestrdan chiqarish bo‘yicha qoidalar mazkur bandning birinchi xatboshisida ko‘rsatib o‘tilgan sport federatsiyalariga (uyushmalariga) nisbatan tatbiq etilmaydi.”.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3858
2026 - yil 25 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI URBANIZATSIYA VA UY-JOY BOZORINI BARQAROR RIVOJLANTIRISH MILLIY QO‘MITASI HUZURIDAGI KADASTR AGENTLIGI DIREKTORINING

BUYRUG‘I

Ko‘chmas mulkni ommaviy baholash uslubiyotini tasdiqlash to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 5-martdagi PF–43-son “Ko‘chmas mulkni ommaviy baholash tizimini joriy etish to‘g‘risida”gi va 2025-yil 10-dekabrdagi PF–246-son “Naqdsiz hisob-kitoblarni ommalashtirish va yashirin iqtisodiyot ulushini qisqartirishga qaratilgan qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi farmonlariga muvofiq buyuraman:

1. Ko‘chmas mulkni ommaviy baholash uslubiyoti 1-ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar 2-ilovaga muvofiq o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

3. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi, Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligi, Davlat aktivlarini boshqarish agentligi hamda Soliq qo‘mitasi bilan kelishilgan.

4. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oy o‘tgach kuchga kiradi.

Direktori o'rinbosari
2026-yil 18-may
74-10-son

MIRMAKSUDOV MIRSAID SADIKOVICH

Kelishildi:

Vazir 2026-yil 16-may		KUCHKAROV DJAMSHID ANVAROVICH
Rais 2026-yil 4-may		PULATOV FARRUX JAXONGIROVICH
Vazir 2026-yil 2-may		XIDOYATOV SHERZOD SAIDJANOVICH
Direktor 2026-yil 1-may		MURODOV SOHIBJON G‘OFURJONOVICH

QMMB: 10/26/3858/0634-son
26.06.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasi huzuridagi Kadastr agentligi direktorining 2026-yil 18-maydagi 74-10-son buyrug‘iga 1-ILOVA

Ko‘chmas mulkni ommaviy baholash USLUBIYOTI

Mazkur Uslubiyot ko‘chmas mulkni (bundan buyon matnda obyektlar deb yuritiladi) qonunchilikda nazarda tutilgan maqsadlarda ommaviy baholashdan o‘tkazish jarayoni va tartib-taomillarini belgilaydi.

Mazkur Uslubiyot baholovchi tashkilotlar va baholovchilarning baholash faoliyatiga nisbatan qo‘llanilmaydi.

Ushbu Uslubiyot davlat muassasalariga va fuqarolarning o‘zini-o‘zi boshqarish organlariga tegishli bo‘lgan obyektlarga, qurilishi tugallanmagan obyektlarga, qishloq xo‘jaligiga mo‘ljallangan yerlarga (yakka tartibdagi uy-joy qurish va uy-joyni obodonlashtirish maqsadidagi shaxsiy tomorqa yerlari va undagi binolar bundan mustasno), umumfoydalanishdagi avtomobil va temir yo‘llari egallagan yerlarga nisbatan tatbiq etilmaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Ko‘chmas mulkni ommaviy baholash ishlari ko‘chmas mulkni ommaviy baholash sohasida ijro etuvchi organ – O‘zbekiston Respublikasi Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasi huzuridagi Kadastr agentligining Ko‘chmas mulkni ommaviy baholash milliy markazi (bundan buyon matnda Ijro etuvchi organ deb yuritiladi) tomonidan amalga oshiriladi.

2. Mazkur Uslubiyotda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

ommaviy baholash – baholash yondashuvlaridan foydalangan holda aniqlangan birlik qiymati asosida o‘xshash tavsif va xususiyatlarga ega bo‘lgan obyektlarni guruhlashtirib, obyektning bozor narxiga yaqin bo‘lgan qiymatni aniqlash jarayoni;

obyektning bozor narxiga yaqin bo‘lgan qiymati (bundan buyon matnda obyekt qiymati deb yuritiladi) – qonunchilik hujjatlarida nazarda tutilgan maqsadlarda bozor ma’lumotlari, obyektdan foydalanishning iqtisodiy xususiyatlari hamda boshqa tavsiflari bilan bog‘liq ma’lumotlar asosida, shuningdek obyektlardan samarali foydalanish imkoniyatidan kelib chiqib belgilanadigan narxni ifodalovchi qiymat;

obyektlarni guruhlash – ko‘chmas mulk bozori to‘g‘risidagi ma’lumotlar tahlili natijalari asosida bir-biriga yaqin tavsif va xususiyatlarga ega bo‘lgan ommaviy baholash o‘tkaziladigan obyektlarning guruhlari hamda kichik guruhlarini shakllantirish;

guruh – ko‘chmas mulk bozori, obyektlarning tavsiflari va xususiyatlari bo‘yicha umumiylik asosida ajratib olingan obyektlarning tahlilidan kelib chiqib shakllantiriladigan hamda ommaviy baholash o‘tkaziladigan obyektlar yig‘indisi;

kichik guruh – obyektlar qiymatining aniqliligini oshirish maqsadida guruhni tahlil qilish asosida obyektlarning o‘ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqib shakllantiriladigan obyektlar yig‘indisi;

namunaviy obyekt (etalon) – ko‘chmas mulk bozorida keng tarqalgan va xaridorgir hisoblangan obyektlar, shuningdek ularning asosiy tavsiflari (jumladan, xonalar soni, qavati, umumiy maydoni, qurilgan yili va boshqa ko‘rsatkichlar) hamda kadastr bazasidagi mavjud ko‘chmas mulklarning parametrlaridan kelib chiqib belgilangan ma’lum bir shartli obyekt;

obyektning tavsiflari va xususiyatlari – obyektning qiymatiga ta’sir ko‘rsatuvchi obyektning fazoviy, ijtimoiy, ekologik, iqtisodiy va boshqa ko‘rsatkichlari;

analog – asosiy iqtisodiy, jismoniy va boshqa tavsiflari hamda xususiyatlariga ko‘ra obyektga o‘xshash, narxi o‘xshash shartlarda tuzilgan bitimdan yoki bozorda qilingan taklifdan ma’lum bo‘lgan boshqa obyekt;

narx bo‘yicha zonalashtirish – obyektlar (obyektlar guruhlari) bo‘yicha takliflar va bitimlar to‘g‘risidagi bozor ma’lumotini ularning joylashgan joyi va foydalanish turidan kelib chiqib, obyekt qiymatini aniqlash sanasida grafik va semantik ko‘rinishda aks ettiradigan hududlarni zonalarga bo‘lgan holda tabaqalashtirish;

baholash bo‘yicha zonalashtirish – ommaviy baholashda aniqlangan obyektlarning qiymati to‘g‘risidagi ma’lumotlarni grafik va semantik shaklda aks ettiradigan hududlarni zonalarga bo‘lgan holda tabaqalashtirish;

narx shakllantiruvchi omillar – obyektlar qiymatiga ta’sir qiluvchi aniq o‘lchov birligida ifodalangan va obyektiv hisoblangan sifat va (yoki) miqdoriy ko‘rsatkichlar;

daromad yondashuvi – obyektlardan foydalanishdan kutiladigan daromadlarni aniqlashga asoslangan baholash usullari yig‘indisi;

xarajat yondashuvi – obyektni sotib olish, takror ishlab chiqarish yoki almashtirish uchun zarur xarajatlarni, tadbirkorlik foydasini va eskirishni hisobga olgan holda aniqlashga asoslangan baholash usullari yig‘indisi;

qiyosiy yondashuv – baholanayotgan obyektni analog obyektlar bilan tuzilgan bitim yoki taklif narxlari to‘g‘risida axborot mavjud bo‘lganda, shunday obyekt bilan qiyoslashga asoslangan baholash usullari yig‘indisi.

3. Ommaviy baholashni o‘tkazish tartibi quyidagilarni o‘z ichiga oladi:

obyektlarning qiymatini aniqlash uchun zarur bo‘lgan ma’lumotlarni, shu jumladan ko‘chmas mulk bozori ma’lumotlarini to‘plash va tahlil qilish;

ommaviy baholash o‘tkaziladigan obyektlarni guruhlash;

ko‘chmas mulk bozoridagi ma’lumotlar tahlilidan kelib chiqib obyektlarni segmentlash yo‘li bilan ommaviy baholash o‘tkaziladigan hududlarni narx bo‘yicha zonalashtirish;

narx shakllantiruvchi omillarni va ularning obyektlar qiymatini aniqlashga ta’sir qilish darajasini (koeffitsiyent) belgilash;

obyektlarning qiymatini aniqlash;

ommaviy baholash natijalarini tasdiqlash.

2-bob. Ommaviy baholash o‘tkazilishi lozim bo‘lgan obyektlar ro‘yxatini shakllantirish

4. Ommaviy baholash ishlari O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 5-martdagi PF–43-son “Ko‘chmas mulkni ommaviy baholash tizimini joriy etish to‘g‘risida”gi Farmonining 3-bandida belgilangan bosqichlarda amalga oshiriladi.

5. Respublika miqyosida va alohida hududlarda, shu jumladan urbanizatsiya jarayonlari va infratuzilmaning rivojlanishi, narxlar darajasi va boshqa bozor ko‘rsatkichlarining o‘zgarishi munosabati bilan ko‘chmas mulkni ommaviy baholash sohasida maxsus vakolatli organ – O‘zbekiston Respublikasi Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasi huzuridagi Kadastr agentligi (bundan buyon matnda Agentlik deb yuritiladi) tomonidan respublikaning alohida tuman (shahar)laridagi ko‘chmas mulk obyektlarini ommaviy baholashdan o‘tkazish to‘g‘risida buyruq qabul qilinadi.

Buyruqda ommaviy baholashni o‘tkazish yili, obyekt qiymatini aniqlash sanasi, hududi va ommaviy baholash natijalarini tasdiqlash uchun topshirish muddatlari nazarda tutilishi lozim.

Buyruq ommaviy baholash o‘tkaziladigan sanadan kamida ikki oy oldin qabul qilinadi.

6. Agentlik Ijro etuvchi organning so‘roviga ko‘ra o‘n ish kuni ichida ommaviy baholash o‘tkaziladigan obyektlar ro‘yxatini (bundan buyon matnda Ro‘yxat deb yuritiladi), shu jumladan avtomatlashtirilgan axborot tizimi orqali taqdim etilishini ta’minlaydi.

7. Ro‘yxatda ommaviy baholashdan o‘tkazilayotgan har bir obyekt bo‘yicha quyidagi ma’lumotlar bo‘lishi lozim:

manzili (viloyat, tuman (shahar), mahalla, ko‘cha nomlari va kodlari hamda uy raqami);

kadastr raqami;

mulkdor to‘g‘risidagi ma’lumotlar;

umumiy yer maydoni (shu jumladan davlat ro‘yxatidan o‘tkazilgan, o‘zboshimcha egallangan yer maydoni);

bino va inshootlarning umumiy tashqi o‘lchov maydoni (shu jumladan asosiy va yordamchi bino va inshootlarning maydoni);

har bir bino va inshootlarning tavsiflari to‘g‘risidagi ma’lumotlar (bino va inshootlarning nomi, balandligi, qurilish osti va qavat maydoni, devor materiali, qurilgan yili, asosiy yoki yordamchi bino va inshootlar ekanligi va boshqalar);

qavatliligi;

joylashgan qavati;

xonalar soni;

muhandislik-kommunikatsiya tarmoqlariga ulanganligi, shu jumladan, ichimlik suvi, elektr-energiya, gaz va oqova suvlarni chiqarib yuborish tarmoqlari bilan ta’minlanganligi;

obyektning foydalanish maqsadi va turi;

obyektining qurilishi tugallangan yoki tugallanmaganligi;

obyektning kadastr qiymati (mavjud bo‘lsa).

8. Ro‘yxatda noto‘g‘ri ma’lumotlar ko‘rsatilgan yoki ma’lumotlar to‘liq bo‘lmagan hajmda taqdim etilganligi aniqlanganda, Ijro etuvchi organ ma’lumotlarni aniqlashtirish maqsadida Agentlikka murojaat qiladi.

Bunda, Agentlik tomonidan o‘n ish kuni ichida Ijro etuvchi organga ko‘chmas mulkni ommaviy baholash uchun aniqlashtirilgan Ro‘yxat taqdim etiladi.

Agar Ro‘yxatni shakllantirish uchun qo‘shimcha o‘rganishlar talab etilsa, Agentlik tomonidan Ijro etuvchi organga ko‘chmas mulkni ommaviy baholash uchun aniqlashtirilgan Ro‘yxat yigirma ish kunida taqdim etiladi.

9. Ommaviy baholashni o‘tkazish jarayonida tavsiflari va (yoki) xususiyatlari o‘zgargan obyektlar hamda davlat ro‘yxatidan yangi o‘tkazilgan obyektlar to‘g‘risidagi ma’lumotlar Agentlik tomonidan Ijro etuvchi organga har chorak yakuni bo‘yicha taqdim qilinadi. Bunda, davlat ro‘yxatidan yangi o‘tkazilgan obyektlarning qiymatini aniqlash uch oy ichida amalga oshiriladi.

3-bob. Ko‘chmas mulk bozori ma’lumotlarini to‘plash va tahlil qilish

10. Ko‘chmas mulk bozori ma’lumotlarini to‘plash va tahlil qilish Ijro etuvchi organ tomonidan amalga oshiriladi.

11. Quyidagi ma’lumotlar to‘planadi va tahlil qilinadi:

narx shakllantiruvchi omillar;

elektron savdo platformalaridagi ma’lumotlar, shu jumladan obyektlarni sotish va ijaraga berish bo‘yicha taklif etilayotgan e’lonlar, shuningdek rieltorlik tashkilotlarida tuzilgan, notarial rasmiylashtirilgan bitimlar hamda tijorat banklari va boshqa kredit tashkilotlaridan obyektlarning garov qiymatini o‘z ichiga olgan ma’lumotlar;

baholashning turli yondashuvlari doirasida obyektlar qiymatini aniqlash uchun zarur bo‘lgan boshqa ma’lumotlar.

12. Respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari va mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlari, fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari va boshqa tashkilotlar Ijro etuvchi organ tomonidan so‘rov yuborilgan kundan boshlab 10 kun ichida Ijro etuvchi organga ommaviy baholash uchun zarur bo‘lgan ma’lumotlarni taqdim etishlari shart.

Bunda, Ijro etuvchi organ ma’lumotlarni aniqlashtirish va tuzatish, shuningdek narx shakllantiruvchi omillarni aniqlash uchun yuqoridagi tashkilotlarga tegishli so‘rovlar yuborishga haqli.

13. Ijro etuvchi organ obyektlar to‘g‘risidagi axborotni, shuningdek baholashni o‘tkazish uchun zarur ma’lumotlarni quyidagilardan ham olishi mumkin:

davlat ishtirokidagi korxonalar, davlat muassasalari va tashkilotlari;

tijorat va notijorat tashkilotlar;

ochiq bozor ma’lumotlari;

ommaviy axborot vositalari va ijtimoiy tarmoqlar;

obyektlarning mulkdorlari.

14. Ko‘chmas mulk bozorini tahlil qilishda quyidagilar ko‘rib chiqilishi lozim:

mavjud bino va inshootlar (segment bo‘yicha turar va noturar);

yangi qurilgan obyektlar;

obyektlarning muhandislik-kommunikatsiyalar bilan ta’minlanganligi;

transport va ijtimoiy infratuzilmaning rivojlanish darajasi;

ekologik holat.

4-bob. Ommaviy baholash o‘tkaziladigan obyektlarni guruhlash

15. Ko‘chmas mulk bozori ma’lumotlarini to‘plash va tahlil qilish natijalaridan kelib chiqib obyektlarning turi, tavsiflari va xususiyatlari, foydalanish maqsadi hamda narx shakllantiruvchi omillarni hisobga olgan holda ommaviy baholash o‘tkaziladigan obyektlarning guruhlari va (yoki) kichik guruhlari Ijro etuvchi organ tomonidan shakllantiriladi.

16. Obyektlar qiymatining aniqliligini oshirish maqsadida obyektlarning o‘ziga xos xususiyatlarini (joylashgan joyi, sifat darajasi, noturar binolarning mavjudligi, tijorat salohiyati va boshqalar) inobatga olgan holda kichik guruhlarga bo‘linadi.

17. Obyektlarning guruhlariga quyidagilar kiradi:

ko‘p kvartirali uylardagi turar joylar;

yakka tartibdagi turar joylar;

noturar obyektlar.

18. Obyektlarni guruhlashda:

bir obyektning ikki yoki undan ortiq guruhda bo‘lishiga yo‘l qo‘yilmaydi;

guruhlash ko‘chmas mulk bozorining segmentlariga, obyektlarning joylashuviga va narx bo‘yicha zonalashtirish natijalariga asoslangan bo‘lishi kerak.

5-bob. Narx va baholash bo‘yicha zonalashtirish

19. O‘rtacha bozor narxlari bir-biriga yaqin bo‘lgan (bozor narxlarining belgilangan diapazoni) ma’lum segmentga tegishli guruhlarni (kichik guruhlarni) aniqlash maqsadida Ijro etuvchi organ tomonidan ommaviy baholash o‘tkaziladigan hududlar narx bo‘yicha zonalashtiriladi.

20. Narx bo‘yicha zonalashtirish bitimlar (takliflar) to‘g‘risidagi va boshqa ko‘chmas mulk bozori ma’lumotlarini obyektlar guruhlari joylashgan joyidan kelib chiqqan holda ularning qiymatini aniqlash sanasiga tizimlashtirishdan iborat.

21. Narx bo‘yicha zonalashtirish faqat bozor ma’lumotlari yetarli bo‘lgan ommaviy baholash o‘tkaziladigan hududlarda amalga oshiriladi.

22. Obyekt turidan kelib chiqib, zonalashtirishda quyidagi omillar inobatga olinadi:

a) ko‘p kvartirali uylardagi turar joylar va yakka tartibdagi turar joylarni zonalashtirishda:

tuman (shahar) markaziga yaqinligi;

muhandislik kommunikatsiya tarmoqlari (ichimlik suvi, oqova suvlarni chiqarib yuborish tarmoqlari, gaz, elektr, markazlashgan isitish tizimi va boshqalar) bilan ta’minlanganligi;

ijtimoiy soha (sog‘liqni saqlash, ta’lim va ko‘ngilochar maskanlar) obyektlariga yaqinligi;

yirik savdo markazlariga (bozor va yirik savdo do‘konlari) yaqinligi;

jamoat transportlarining qulayligi;

ekologik sharoiti;

hududning iqtisodiy salohiyati;

b) noturar obyektlarni zonalashtirishda:

markaziy ko‘chalarda joylashganligi;

yirik savdo markazlariga (bozor va yirik savdo do‘konlari) yaqinligi;

jamoat transportlarining qulayligi;

muhandislik kommunikatsiya tarmoqlari (ichimlik suvi, oqova suvlarni chiqarib yuborish tarmoqlari, gaz, elektr, markazlashgan isitish tizimi va boshqalar) bilan ta’minlanganligi.

Ko‘chmas mulk bozori rivojlanmagan aholi punktlari va alohida hududlarni narx bo‘yicha zonalashni ularni birlashtirish yo‘li bilan amalga oshirish mumkin. Bunda bitta yoki bir nechta aholi punktlari va alohida hududlardagi yer uchastkalari bitta narx zonasini tashkil qilishi mumkin.

23. Har bir ajratilgan (belgilangan) narx zonasida namunaviy obyektning tavsiflari eng keng tarqalgan foydalanish turlari, maqsadi va maydonidan kelib chiqib belgilanadi.

24. Tanlab olingan har bir namunaviy obyekt bo‘yicha belgilangan narx zonalari doirasida yer uchastkalari va boshqa obyektlar bozori bo‘yicha ma’lumotlar yig‘iladi.

Shundan so‘ng, maydon birligiga yoki boshqa asosiy ko‘rsatkichlariga nisbatan hisoblangan o‘rtacha bozor narxlarining birlik ko‘rsatkichlari hisoblab chiqib belgilanadi.

25. Namunaviy obyektlarning (etalonlarning) o‘rtacha bozor narxlari yaqin qiymatlarga ega bo‘lgan narx hududlari bitta narx hududiga birlashtirilishi mumkin.

Tumanlarning (shaharlarning) tasdiqlangan iqtisodiy zonasidan kelib chiqib ham namunaviy obyektlarni (etalonlarni) zonalashtirish mumkin.

26. Mazkur Uslubiyotning 22-bandida nazarda tutilgan omillarni hisobga olgan holda, narx bo‘yicha zonalashtirilgan hududlar obyektlar qiymatini hisoblash uchun asos bo‘ladi.

27. Narx bo‘yicha zonalashtirilgan hududlar chegaralari obyektlar qiymatini hisoblash uchun belgilanadi.

28. Ko‘chmas mulk bozori ma’lumotlari yetarli bo‘lmagan yoki mavjud bo‘lmagan taqdirda, zonalashtirilgan hududning narxi boshqa zonalashtirilgan hududning narxiga zarur tuzatish qo‘llash orqali belgilanadigan namunaviy obyekt (etalon) narxi asosida aniqlanishi mumkin.

6-bob. Narx shakllantiruvchi omillar va ularning obyektlar qiymatini aniqlashga ta’sir qilish darajasini (koeffitsiyent) belgilash

29. Obyektlarning tavsiflari va xususiyatlari hamda ko‘chmas mulk bozori tahlili natijasidan kelib chiqib narx shakllantiruvchi omillar Ijro etuvchi organ tomonidan aniqlanadi.

Bunda narx shakllantiruvchi omillarning ta’sir qilish darajasi (koeffitsiyent) Internet butunjahon axborot tarmog‘i, elektron savdo platformalari, mavjud axborot tizimlari va reyestrlardan ma’lumotlarni to‘plash va ularni tahlil qilish yo‘li bilan belgilanadi.

30. Narx shakllantiruvchi omillarni aniqlashda obyektlarning joylashgan joyi, jismoniy, texnik va ekspluatatsion xususiyatlari, muhandislik-kommunikatsiya va boshqa infratuzilma bilan ta’minlanganlik darajasi, ulardan foydalanish bo‘yicha cheklovlar va zarur bo‘lgan boshqa xususiyatlar to‘g‘risidagi ma’lumotlarni hisobga olish lozim.

31. Narx shakllantiruvchi omillar quyidagi toifalarni o‘z ichiga olishi mumkin:

turar joy fondining obyektlari, shuningdek ushbu obyektlar joylashgan yer uchastkalariga bo‘lgan talabni va ularning narxlarini aniqlash imkonini beradigan ijtimoiy omillar;

hayot sifatini yaxshilashga qaratilgan hududni rivojlantirish (sog‘liqni saqlash, ta’lim, dam olish va boshqa sohalar) hamda aholini imtiyozli kreditlash dasturlari mavjudligini o‘z ichiga olgan huquqiy omillar;

obyekt joylashgan joyning atrof-muhiti yoki joylashuvi bilan bog‘liq tabiiy omillar. Mazkur omil hududdagi obyektlarning qiymatini aniqlash uchun hal qiluvchi ahamiyatga ega bo‘lishi mumkin.

32. Ko‘p kvartirali uydagi turar joylarning narxini shakllantiruvchi omillar quyidagilardan iborat:

obyektning qurilgan yili – bunda zonalashtirilgan hududda obyektlarning qurilgan yillari o‘rganilib o‘rtadagi tafovut koeffitsiyent ko‘rinishiga keltiriladi;

obyektning qurilish materiali – bunda zonalashtirilgan hududda obyektning qurilish materiallari o‘rganilib o‘rtadagi tafovut koeffitsiyent ko‘rinishiga keltiriladi;

obyektning umumiy maydoni – bunda zonalashtirilgan hududda obyektlarning ommabopligi va xaridorgirligidan (bozordagi eng ko‘p talab va taklifdan) kelib chiqib, guruhlarga ajratilib o‘rtadagi tafovut koeffitsiyent ko‘rinishiga keltiriladi;

obyektning joylashgan qavati – bunda zonalashtirilgan hududda obyektlarning ommabopligi va xaridorgirligidan (bozordagi eng ko‘p talab va taklifdan) kelib chiqib obyekt joylashgan qavati guruhlarga ajratilib o‘rtasidagi tafovut koeffitsiyent ko‘rinishiga keltiriladi;

obyekt joylashgan hududi – bunda zonalashtirilgan hududda obyektlarning ommabopligi va xaridorgirligidan (bozordagi eng ko‘p talab va taklifdan) kelib chiqib obyekt joylashgan hududiga ajratilib o‘rtadagi tafovut koeffitsiyent ko‘rinishiga keltiriladi;

obyektning ta’mirlanganlik holati – bunda zonalashtirilgan hududda obyektlarning tamirlanganlik darajasi orasidagi farq aniqlanib o‘rtadagi tafovut koeffitsiyent ko‘rinishiga keltiriladi.

33. Yakka tartibdagi turarjoylarning narxini shakllantiruvchi omillar quyidagilardan iborat:

obyektning qurilgan yili – bunda zonalashtirilgan hududda obyektlarning qurilgan yillari o‘rganilib o‘rtadagi tafovut koeffitsiyent ko‘rinishiga keltiriladi;

obyektning qurilish materiali – bunda zonalashtirilgan hududda obyektning qurilish materiallari o‘rganilib o‘rtadagi tafovut koeffitsiyent ko‘rinishiga keltiriladi;

obyektning yer uchastkasi va undagi bino va inshootlarning umumiy maydoni – bunda zonalashtirilgan hududda obyektlarning umumiy maydonlaridan kelib chiqib guruhlarga bo‘linib, ular orasidagi farq koeffitsiyent ko‘rinishiga keltiriladi;

obyektning ta’mirlanganlik holati – bunda zonalashtirilgan hududda solishtirilayotgan analoglarga nisbatan ta’mirlanganlik darajasi orasidagi farq aniqlanib o‘rtadagi tafovut koeffitsiyent ko‘rinishiga keltiriladi.

34. Noturar obyektlarning narxini shakllantiruvchi omillar quyidagilardan iborat:

obyektning qurilgan yili – bunda zonalashtirilgan hududda obyektlarning qurilgan yillari o‘rganilib o‘rtadagi tafovut koeffitsiyent ko‘rinishiga keltiriladi;

obyektning qurilish materiali – bunda zonalashtirilgan hududda obyektning qurilish materiallari o‘rganilib o‘rtadagi tafovut koeffitsiyent ko‘rinishiga keltiriladi;

obyektning yer uchastkasi va undagi bino va inshootlarning umumiy maydoni – bunda zonalashtirilgan hududda obyektlarning umumiy maydonlaridan kelib chiqib guruhlarga bo‘linib, ular orasidagi farq koeffitsiyent ko‘rinishiga keltiriladi;

obyektning joylashgan hududi – bunda zonalashtirilgan hududda obyektlarning ommabopligi va xaridorgirligidan (bozordagi eng ko‘p talab va taklifdan) kelib chiqib hududiga ajratilib o‘rtadagi tafovut koeffitsiyent ko‘rinishiga keltiriladi;

obyektning ta’mirlanganlik holati – bunda zonalashtirilgan hududda obyektlarning tamirlanganlik darajasi orasidagi farq aniqlanib o‘rtadagi tafovut koeffitsiyent ko‘rinishiga keltiriladi.

35. Narx shakllantiruvchi omillarning ta’sir qilish darajasini aniqlashda ko‘chmas mulk bozorida shakllangan savdolashish (chegirma) amaliyoti ham hisobga olinishi mumkin.

Bunda obyektning taklif qilingan boshlang‘ich narxidan o‘rtacha qancha tushishi ya’ni sotish narxiga yaqinlashishga olib kelishi o‘rganiladi. Bozor ma’lumotlari tahlili natijasida o‘rtacha sotuvlarda 15 foizgacha, shoshilinch sotuvlarda esa 40 foizgacha chegirma qo‘llanilishi aniqlangan taqdirda, obyekt qiymatini aniqlash bo‘yicha hisob-kitoblarda o‘rtacha 30 foizgacha savdolashish (chegirma) koeffitsiyenti qo‘llanilishi mumkin.

7-bob. Obyektning qiymatini aniqlash medotikasi

36. Obyektlar qiymatini aniqlash quyidagi ketma-ketlikda amalga oshiriladi:

a) har bir zonalashtirilgan hudud uchun namunaviy obyektning (etalonning) 1 kv.m qiymati aniqlanadi;

b) aniqlangan 1 kv.m namunaviy obyektning (etalonning) narx asosida obyektlarning bozor narxiga yaqin qiymati aniqlanadi.

Bunda obyektlarning bozor narxiga yaqin qiymatini aniqlashda Agentlik tomonidan taqdim etilgan Ro‘yxatdagi obyektlarning qurilgan yili, yer uchastkasi va undagi bino va inshootlarning umumiy maydoni, devor materiali, joylashgan joyi va qavati bo‘yicha mazkur Uslubiyot ilovalarida belgilangan tegishli tuzatish koeffitsiyentlarining aksini qo‘llash orqali amalga oshiriladi.

Obyektlarning ichki ta’miriga tuzatmalar kadastr ma’lumotlarida mavjud bo‘lmasa, obyektlarning qiymati o‘rta ta’mir holatida deb qabul qilinadi.

37. Namunaviy obyektning (etalonning) qiymati mazkur Uslubiyotning:

1-ilovasiga muvofiq ko‘p kvartirali uylardagi turar joylar uchun etalon narxni aniqlash medotikasi;

2-ilovasiga muvofiq yakka tartibdagi turar joylar uchun etalon narxni aniqlash medotikasi;

3-ilovasiga muvofiq noturar obyektlar uchun etalon narxni aniqlash medotikasi asosida aniqlanadi.

38. Namunaviy obyektning (etalonning) narxini aniqlashda hisob-kitoblar xorijiy valyutada amalga oshirilgan bo‘lsa, valyuta kursi baholash o‘tkazilgan sanadagi O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining amaldagi kursi bo‘yicha milliy valyutada (so‘mda) qo‘llaniladi.

39. Tavsiflari va (yoki) xususiyatlari o‘zgargan hamda yangi davlat ro‘yxatidan o‘tkazilgan obyektlar qiymatini aniqlashda baholash ishlari amalga oshirilayotgan davrdagi O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining amaldagi kursi bo‘yicha hisob-kitoblar amalga oshiriladi. Bunda bozor konyukturasi keskin o‘zgargan taqdirda tavsiflari va (yoki) xususiyatlari o‘zgargan hamda yangi davlat ro‘yxatidan o‘tkazilgan obyektlarning narxini aniqlash uchun namunaviy obyektning (etalonning) narxlari qayta ko‘rib chiqilishi mumkin.

40. Obyektning qiymatini aniqlashda ko‘chmas mulkning umumiy yer maydoni sifatida davlat ro‘yxatidan o‘tkazilgan yer maydoni hisobga olinadi. O‘zboshimcha egallangan yer maydonining qiymati esa obyekt qiymatidan alohida hisoblab chiqiladi.

Bunda obyektning umumiy maydoni sifatida asosiy hamda yordamchi bino va inshootlarning tashqi o‘lchovlari bo‘yicha aniqlangan maydonlari yig‘indisi hisobga olinadi.

41. Agentlik tomonidan Ijro etuvchi organga taqdim qilingan ma’lumotlarda o‘zboshimcha egallangan yer maydonlari mavjud bo‘lsa, bunda o‘zboshimcha egallangan yer maydonlari huquqni belgilovchi hujjatlar mavjud yer maydonlaridan ajratilgan holda alohida hisob-kitob qilinadi.

42. Ijro etuvchi organ tomonidan obyektlarning qiymatini aniqlashda obyektning joylashuvi, tavsiflari va xususiyatlaridan kelib chiqib qiyosiy, xarajat va daromad yondashuvlaridan biri qo‘llaniladi.

Bunda, mazkur Uslubiyotda belgilangan yondashuvlarning biridan foydalangan holda baholash mumkin bo‘lmagan, shu jumladan analogi bo‘lmagan hamda ommaviy baholash o‘tkazilayotgan hududda yagona bo‘lgan va (yoki) o‘ziga xos (individual) xususiyatlarga ega bo‘lgan obyektlar alohida baholanadi.

43. Ko‘chmas mulk bozori ma’lumotlari yetarli bo‘lgan hududda qiyosiy yondashuv qo‘llaniladi.

Ko‘chmas mulk bozori ma’lumotlari yetarli bo‘lgan hududlar uchun tegishli tuzatishlardan keyingi narx ko‘rsatkichlari o‘rtasidagi farq 30 foizdan oshmaydigan, bozor ma’lumotlari yetarli bo‘lmagan hududlar uchun 60 foizdan oshmaydigan narx ko‘rsatkichlarini qiymat jihatidan yaqin deb hisoblash lozim.

44. Ko‘chmas mulk bozori ma’lumotlari yetarli bo‘lmagan hududlarda daromad yoki xarajat yondashuvidan biri qo‘llanilishi mumkin.

Ayrim ko‘chmas mulklarning qurilish turlari, arxitekturasi va joylashuvi o‘ziga xosligi yoki yagona loyiha asosida loyihalanib qurilganligi shaharsozlik normalari va qoidalariga muvofiq loyiha-smeta hujjatlari (mavjud bo‘lganda) asosida aniqlanadi.

Obyektlarning bozor narxiga yaqin qiymatini aniqlashda barcha obyektlarning ta’mirlanganligi holati “o‘rta ta’mir holatida” deb qabul qilinadi va obyektlarning haqiqiy ta’mirlanganligi holati inobatga olinmaydi.

8-bob. Ommaviy baholash natijalarini jamoatchilikka e’lon qilish

45. Ijro etuvchi organ tomonidan amalga oshirilgan ommaviy baholash natijalari uch ish kunida jamoatchilikka e’lon qilish uchun Agentlikka taqdim etiladi.

46. Agentlik ommaviy baholash natijalarini rasmiy veb-sayt va boshqa axborot tizimlari hamda ommaviy axborot vositalari orqali jamoatchilikka e’lon qiladi.

Bunda Agentlikning rasmiy veb-saytiga ommaviy baholash natijalari to‘g‘risidagi quyidagi ma’lumotlar joylashtiriladi:

obyektning qiymati to‘g‘risidagi ma’lumotlar;

obyektning qiymatini aniqlash usuli;

narx shakllantiruvchi omillar va ularning obyektlar qiymatini aniqlashga ta’sir qilish darajasi (koeffitsiyent) to‘g‘risidagi ma’lumotlar;

baholashga oid boshqa hisob-kitoblar.

47. Mulkdorlar Agentlikning rasmiy veb-sayti va boshqa axborot tizimlari orqali obyektning kadastr raqamini kiritgan holda o‘ziga tegishli obyektlarning qiymati to‘g‘risidagi ma’lumot bilan tanishishi mumkin.

48. Ommaviy baholash natijalari jamoatchilik muhokamasiga 90 kalendar kun qo‘yiladi va mulkdorlar ushbu davr mobaynida baholash natijalari yuzasidan o‘z taklif va e’tirozlarini bildirishi mumkin bo‘ladi.

49. Mulkdorlar tomonidan bildirilgan taklif va e’tirozlar Ijro etuvchi organ tomonidan bir oy ichida ko‘rib chiqiladi va asoslantirilgan taklif va e’tirozlar qabul qilingan taqdirda ommaviy baholash natijalariga tegishli o‘zgartirishlar kiritiladi.

9-bob. Ommaviy baholash natijalarini tasdiqlash

50. Ijro etuvchi organ ommaviy baholash natijalari bo‘yicha jamoatchilik muhokamasi tugallanib, taklif va e’tirozlar ko‘rib chiqilganidan so‘ng o‘n kun muddatda baholash natijalarini tasdiqlash uchun mazkur Uslubiyotning 4-ilovasiga muvofiq ma’lumotlar Agentlikka kiritiladi.

51. Agentlik ommaviy baholash natijalarini ular taqdim etilgan kundan boshlab o‘n kun ichida tasdiqlaydi yoki ommaviy baholash natijalarida xatoliklar aniqlangan taqdirda, mazkur xatoliklarni bartaraf etish uchun Ijro etuvchi organga qaytaradi.

Ijro etuvchi organ o‘n kun ichida ommaviy baholash natijalarini aniqlangan xatoliklarni bartaraf etgan holda Agentlikka tasdiqlash uchun taqdim etadi.

Ommaviy baholash natijalari Agentlik direktorining buyrug‘i bilan tasdiqlanadi hamda uch kun ichida Agentlikning rasmiy veb-saytiga ommaviy baholash natijalari to‘g‘risidagi ma’lumotlar joylashtiriladi.

52. Mulkdorlar Agentlikning rasmiy veb-saytidan obyektning kadastr raqamini kiritgan holda o‘ziga tegishli obyektlarning qiymati to‘g‘risidagi mazkur Uslubiyotning 5-ilovasida keltirilgan ma’lumotni olishi mumkin.

10-bob. Ommaviy baholash natijalari bo‘yicha murojaatlarni ko‘rib chiqish

53. Mulkdorlar va boshqa manfaatdor shaxslar (bundan buyon matnda murojaatchilar deb yuritiladi) ommaviy baholash natijalaridan norozi bo‘lgan taqdirda, Ijro etuvchi organ yoki sudga belgilangan tartibda murojaat qilishi mumkin.

54. Murojaatlar Ijro etuvchi organda kamida 5 kishidan iborat tarkibda tuziladigan komissiya tomonidan (bundan buyon matnda komissiya deb yuritiladi) bir oy muddatda ko‘rib chiqiladi.

Bunda, komissiya tarkibiga Agentlikning mas’ul xodimi kiritiladi hamda komissiyaga Ijro etuvchi organning rahbari raislik qiladi.

55. Komissiya murojaat qilingan kundan boshlab bir ish kuni ichida murojaatchini murojaatni ko‘rib chiqish kuni haqida xabardor qiladi. Bunda murojaatchi komissiya tomonidan murojaatni ko‘rib chiqishda ishtirok etishga haqli.

56. Komissiya murojaatni ko‘rib chiqish natijalari yuzasidan quyidagi qarorlardan birini qabul qiladi va bu haqida uch kun ichida murojaatchini xabardor qiladi:

murojaatda keltirilgan vajlar o‘z tasdig‘ini topmagan taqdirda, murojaatni qanoatlantirishni rad etish va obyektning qiymatini o‘zgarishsiz qoldirish to‘g‘risida;

murojaatda keltirilgan vajlar o‘z tasdig‘ini topgan taqdirda, obyektning qiymatini qayta hisoblash to‘g‘risida.

Bunda, obyektning qiymatini qayta hisoblash uch ish kunida amalga oshiriladi.

11-bob. Yakuniy qoida

57. Mazkur Uslubiyot talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilikda belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

Ko‘chmas mulkni ommaviy baholash
uslubiyotiga
1-ILOVA

Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylar uchun etalon narxni aniqlash METODIKASI

Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylarning (bundan buyon matnda obyektlar deb yuritiladi) qiymatini aniqlashda ularning joylashuvi, tavsiflari va xususiyatlaridan kelib chiqib qiyosiy, xarajat va daromad yondashuvlaridan biri qo‘llaniladi.

1-bob. Qiyosiy yondashuv orqali obyektlarning qiymatini aniqlash

1. Qiyosiy yondashuvda O‘zbekiston Respublikasi Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasi huzuridagi Kadastr agentligining Ko‘chmas mulkni ommaviy baholash milliy markazi (bundan buyon matnda Ijro etuvchi organ deb yuritiladi) namunaviy obyektlarni (etalonlarni) uchtadan kam bo‘lmagan analoglari asosida obyektlarning qiymatini aniqlaydi.

2. Obyektlarning qiymatini aniqlashda quyidagi formuladan foydalaniladi:

OQ = (BN×BM×K1×K2×…×Kn)

Bunda:

OQ – obyektning qiymati;

BN – ko‘chmas mulk bozori ma’lumotlari tahlili asosida shakllangan obyektning 1 kv.m uchun narxi;

BM – obyektning maydoni;

K1, K2…Kn – narxni shakllantiruvchi omillarni aks ettiruvchi koeffitsiyentlar.

3. Tuzatish koeffitsiyentlari elektron savdo platformalaridagi ma’lumotlar, shu jumladan obyektlarni sotish bo‘yicha taklif etilayotgan e’lonlar, shuningdek rieltorlik tashkilotlarida tuzilgan, notarial rasmiylashtirilgan bitimlar hamda tijorat banklari va boshqa kredit tashkilotlaridan obyektlarning garov qiymati to‘g‘risida olingan ma’lumotlarni tahlil qilish orqali aniqlanadi.

4. Ijro etuvchi organ tomonidan ommaviy baholash o‘tkaziladigan obyektlar ro‘yxatida (bundan buyon matnda Ro‘yxat deb yuritiladi) ko‘rsatilgan obyektlarning namunaviy obyekt (etalon) narxini aniqlashda mazkur Metodikaning 1-ilovasida keltirilgan tuzatishlar qo‘llaniladi.

5. Obyektlarni ommaviy baholashda bozor konyunkturasiga muvofiq obyektlarga ulangan muhandislik tarmoqlarining (elektr energiyasi, suv ta’minoti, gaz ta’minoti, oqova suvlarni chiqarib yuborish tarmoqlari) mavjudligi va rivojlanganlik darajasiga qarab qiymatga tegishli tuzatish koeffitsiyenti kiritilishi mumkin.

6. Obyektlarni ommaviy baholashda ularda liftning mavjudligi va foydalanish imkoniyatlari bozor konyunkturasiga muvofiq ravishda qiymatga ta’sir etuvchi omil sifatida hisobga olinishi mumkin. Aniq koeffitsiyentlar bino qavatliligi, funksional maqsadi va mahalliy bozor sharoitlaridan kelib chiqib belgilanadi.

O‘zbekiston Respublikasi Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasi huzuridagi Kadastr agentligi tomonidan taqdim etilgan Ro‘yxatda obyektlarning qavatlari soni, qurilgan yili, ulardagi turar joylar nechanchi qavatda joylashganligi, maydoni, xonalari soni ko‘rsatilmagan taqdirda 1 koeffitsiyent qo‘llaniladi.

2-bob. Xarajat yondashuvi orqali obyektlarning qiymatini aniqlash

7. Xarajat yondashuvi orqali obyektlarning qiymatini aniqlash quyidagi ketma-ketlikda amalga oshiriladi:

bino va inshootlarni tiklanish narxini aniqlash;

tadbirkorlik foydasini qo‘llash;

aniqlangan eskirish turlarini hisoblash;

obyektning umumiy qiymatidan eskirish qiymatini ayirib hisoblash.

8. Obyektlarning tiklanish qiymati shaharsozlik normalari va qoidalariga muvofiq ishlab chiqarilgan loyiha-smeta hujjatlari asosida aniqlanadi.

Tiklanish qiymati aniqlangandan so‘ng, olingan natijaga tadbirkorlik foydasi 10 foiz miqdorida qo‘llanilib, u qiymat tiklanish summasiga qo‘shiladi.

9. Obyektlarning qiymatini aniqlash uchun quyidagi formuladan foydalaniladi:

$OQ = QX \times (1 + TF) \times (1 – E)$

Bunda:

OQ – obyektning qiymati;

QX – obyektni qurish xarajatlari miqdori;

TF – tadbirkorning foydasi miqdori (%);

E – eskirish qiymat.

10. Baholash ishlarini olib borishda eskirishning jismoniy turi inobatga olinadi.

11. Jismoniy eskirish bu obyektlarning vaqt o‘tishi, tabiiy sharoitlar, ekspluatatsiya jarayoni va tashqi ta’sirlar natijasida yuzaga keladigan foydalilik. Bunda obyektlarning texnik holati yomonlashishi, ta’mirtalab qilinadigan holatlar ko‘payib borishi va umumiy qiymati pasayishi mumkin.

Jismoniy eskirish quyidagi turlarga bo‘linadi:

bartaraf qilinadigan jismoniy eskirish – ta’mirlash, almashtirish yoki yangilash orqali yo‘qotish mumkin bo‘lgan eskirish (masalan, devorni bo‘yash, singan qismni yangilash);

bartaraf qilib bo‘lmaydigan jismoniy eskirish – jismonan eskirganlik tufayli butunlay yangilash talab etiladigan holatlar. Bunda obyektlarni ta’mirlash orqali ularni to‘liq tiklash imkoni bo‘lmaydi.

12. Obyektlarning tarkibiy elementlari va umumiy strukturaning texnik holatini baholash vizual ko‘rik, shuningdek yuk ko‘taruvchi va o‘rab turuvchi tuzilmalardagi chiziqlilikdan og‘ishlar va shikastlanish miqdorini o‘lchash orqali amalga oshiriladi.

13. Jismoniy eskirishni aniqlashda ushbu Metodikaning 2-ilovasida keltirilgan Jismoniy eskirishni aniqlashga doir qo‘llanmadan foydalaniladi.

14. Obyektlarga jismoniy eskirishning umumiy ta’siri natijasida obyektlarning qiymati kamayadi hamda ushbu qiymat quyidagi formula orqali aniqlanadi:

E = 1 – Eje

Bunda:

Eje – obyektning jismoniy eskirish koeffitsiyenti.

3-bob. Daromad yondashuvi orqali obyektlarning qiymatini aniqlash

15. Daromad yondashuvi usulida obyektlarning qiymati ularning mulkdorlari tomonidan obyektlarni ijaraga berishdan olinadigan daromadni hisoblash orqali aniqlanadi. Bunda daromadni hisoblashda quyidagi formuladan foydalaniladi:

OQ = SOD/KS

Bunda:

OQ – obyektning qiymati;

SOD – sof operatsion daromad;

KS – kapitallashtirish stavkasi.

Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylar uchun etalon narxni aniqlash metodikasiga
1- ILOVA

Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylarning qurilgan yiliga nisbatan tuzatishlar

Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylarning qurilgan yili	**1980-yilgacha**	**1981-2009-yilgacha**	**2010-2025-yilgacha**
Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylar narxi ularning qurilgan yiliga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari	1.10	1	0,9

Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylarning qurilish materialiga nisbatan tuzatishlar

Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylarning qurilish materiali	**Pishgan g‘ishtli**	**Temir beton, panel, beton, monolit, shlokoblok**	**Qo‘sh sinch, xom g‘isht**	**Yog‘och**	**Gazobeton, penoblok**
Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylar narxi ularning qurilish materialiga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari	0,9	1,0	1,25	1,3	1,0

Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylarning umumiy maydoniga nisbatan tuzatishlar

Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylarning umumiy maydoni (kv.m)	**1-50**	**50.1-70**	**70.1-85**	**85.1-100**	**100.1-200**	**200.1 va undan yuqori**
Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylar narxi ularning umumiy maydoniga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari	0.9	1	1.03	1.05	1.07	1.10

Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylarning joylashgan qavatiga nisbatan tuzatishlar

18 va undan yuqori qavatli ko‘p kvartirali uylarning qavatlari	**1**	**2-6**	**7-9**	**10-15**	**16-18**	**19 va undan yuqori**
Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylar narxi ularning joylashgan qavatiga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari	0,95	1	1,05	1,10	1,15	0,95-0,8

13-16 qavatli ko‘p kvartirali uylarning qavatlari	**1**	**2-6**	**7-9**	**10-12**	**13-16**	**-**
Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylar narxi ularning joylashgan qavatiga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari	0,95	1	1,05	1,10	1,15	-
10-12 qavatli ko‘p kvartirali uylarning qavatlari	**1**	**2-5**	**6-8**	**9-12**	-	-
Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylar narxi ularning joylashgan qavatiga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari	0,95	1	1,05	1,10	-	-
8 va 9 qavatli ko‘p kvartirali uylarning qavatlari	**1**	**2-4**	**5 va 6**	**7-9**	-	-
Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylar narxi ularning joylashgan qavatiga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari	0,95	1	1,05	1,10	-	-
6 va 7 qavatli ko‘p kvartirali uylarning qavatlari	**1**	**2-4**	**5-7**	-	-	-
Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylar narxi ularning joylashgan qavatiga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari	0,95	1	1,10	-	-	-
4 va 5 qavatli ko‘p kvartirali uylarning qavatlari	**1**	**2 va 3**	**4 va 5**	-	-	-
Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylar narxi ularning joylashgan qavatiga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari	0,95	1	1,10	-	-	-
3 qavatli ko‘p kvartirali uylarning qavatlari	**1**	**2**	**3**	-	-	-
Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylar narxi ularning joylashgan qavatiga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari	0,95	1	1,10	-	-	-

1 va 2 qavatli ko‘p kvartirali uylarning qavatlari	**1**	**2**	-	-	-	-
Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylar narxi ularning joylashgan qavatiga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari	0,95	1,10	-	-	-	-

Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylarning ta’mirlanganlik holatiga nisbatan tuzatishlar

Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylarning ta’mirlanganlik holati	**Yaxshi ta’mir***	**O‘rta ta’mir****	**Ta’mir talab*****
Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylar narxi ularning ta’mirlanganlik holatiga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari	0,9	1,0	1,1

Izoh:

** yaxshi ta’mir – ko‘p kvartirali uylardagi turar joylarning yangi qurilgan yoki yaqinda ta’mirlangan holati bo‘lib, ulardagi muhandislik kommunikatsiya tarmoqlari, eshik va derazalar, pol, devor hamda shiftlar soz holatda bo‘ladi va foydalanish uchun qo‘shimcha ta’mirlash ishlarini amalga oshirish talab etilmaydi;*

*** o‘rta ta’mir – ko‘p kvartirali uylardagi turar joylarning foydalanish uchun yaroqli holati bo‘lib, ulardagi muhandislik kommunikatsiya tarmoqlari, eshik va derazalar, pol, devor hamda shiftlar ishlashga yaroqli holatda bo‘ladi, biroq ularning ayrim qismlarida ta’mirlash ishlarini amalga oshirish talab etilishi mumkin;*

**** ta’mir talab – ko‘p kvartirali uylardagi turar joylarning to‘liq yoki qisman ta’mirlashni talab etadigan holati bo‘lib, ulardagi muhandislik kommunikatsiya tarmoqlari, eshik va derazalar, pol, devor hamda shiftlarni foydalanish uchun yaroqli holatga keltirish maqsadida qo‘shimcha qurilish, pardozlash va ta’mirlash ishlarini amalga oshirish talab etiladi.*

QMMB: 10/26/3858/0634-son
26.06.2026-y.

Ko‘p kvartirali uylardagi turar
joylar uchun etalon narxni
aniqlash metodikasiga
2- ILOVA

Jismoniy eskirishni aniqlashga doir QO‘LLANMA

Jismoniy eskirish Koeffitsiyenti	Asosiy konstruktiv elementlarining texnik holati	Binoning ichki konstruktiv elementlarining holati
0	Hech qanday zarar yoki deformatsiyalar mavjud emasligi.	Pollar va shiftlar tekis va gorizontal, shift qoplamalari yoki pardozlash ishlarida yoriqlarning mavjud emasligi.
0,25	Asosiy konstruktiv elementlarga sezilarli zarar yetmagan hamda ayrim konstruksiya va devorlarda ta’mir va yoriq izlari mavjudligi.	Oyna va eshiklarni ochilishi va yopilishining qiyinlashganligi hamda shift va zina yo‘laklarida mayda yoriqlarning borligi
0,45	Asosiy elementlarda yoriqlarning kattalashganligi, gorizontal chiziqlarning bir-biriga to‘g‘ri kelmasligi, devorning asosiy elementlarida eskirishning aniq alomatlari mavjudligi hamda ushbu holatlarini bartaraf qilish uchun qayta ta’mirlanganligi.	Devor va shiftda qayta ta’mirlanganlik alomatlari yaqqol ko‘rinib turganligi. Zina maydonlari va zinapoyalarda yoriq alomatlari kattalashganligi. Binoning pol qismida kafel va tarketlarning ko‘chib ketganligi.
0,65	Devor va muhim konstruksiyalarda yoriqlarning sezilarli darajada kattalashganligi va mumkin bo‘lgan darajadan ancha yirik bo‘lgan yoriqlar ko‘payganligi.	Shift pardozlashlarining aksariyat qismlari to‘kilib ketishi, pol qismini umuman ta’mirlash imkoniyati yo‘qligi, pol qoplamalarini ko‘chib ketganligi, zaxlash va korroziya holatlari mavjudligi. Rom va eshiklarning ishlamasligi. Zinapoyalarning joyidan siljiganligi.
0,95	Obyektning seysmologik jihatdan foydalanishga yaroqsizligi. Asosiy konstruksiya elementlari deformatsiya bo‘lganligi. Devor va devor to‘siqlarida foydalanishga yaroqsiz darajadagi yoriqlarning paydo bo‘lganligi.	Obyektning ichki ta’mir qismi umuman foydalanish uchun yaroqsiz holatga kelgan. Romlar, eshiklar, zinapoyalar va pollar foydalanish uchun yaroqsiz.

Ko‘chmas mulkni ommaviy baholash
uslubiyotiga
2-ILOVA

Yakka tartibdagi turar joylar uchun etalon narxni aniqlash METODIKASI

Yakka tartibdagi turar joylarning (bundan buyon matnda obyektlar deb yuritiladi) qiymatini aniqlashda ularning joylashuvi, tavsiflari va xususiyatlaridan kelib chiqib qiyosiy, xarajat va daromad yondashuvlaridan biri qo‘llaniladi.

1-bob. Qiyosiy yondashuv orqali obyektlarning qiymatini aniqlash

1. Qiyosiy yondashuvda O‘zbekiston Respublikasi Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasi huzuridagi Kadastr agentligining Ko‘chmas mulkni ommaviy baholash milliy markazi (bundan buyon matnda Ijro etuvchi organ deb yuritiladi) namunaviy obyektlarni (etalonlarni) uchtadan kam bo‘lmagan analoglari asosida obyektlarning qiymatini aniqlaydi.

2. Obyektlarning qiymatini aniqlashda quyidagi formuladan foydalaniladi:

OQ = (BN×BM×K1×K2×…×Kn) + (YEN×YEM×K1×K2×…×Kn)

Bunda:

OQ – obyektning qiymati;

BN – ko‘chmas mulk bozori ma’lumotlari tahlili asosida shakllangan binoning 1 kv.m uchun narxi;

BM – obyektning maydoni;

YEN – ko‘chmas mulk bozori ma’lumotlari tahlili asosida shakllangan yer uchastkasining 1 kv.m uchun narxi;

YEM – yer uchastkasining maydoni;

K1, K2…Kn – narxni shakllantiruvchi omillarni aks ettiruvchi koeffitsiyentlar.

Obyektlarning yordamchi bino va inshootlari qiymatini aniqlashda obyektning 1 kv.m uchun hisoblab chiqarilgan qiymatining 20 foizi miqdoriga qabul qilinadi.

3. Tuzatish koeffitsiyentlari elektron savdo platformalaridagi ma’lumotlar, shu jumladan obyektlarni sotish bo‘yicha taklif etilayotgan e’lonlar, shuningdek rieltorlik tashkilotlarida tuzilgan, notarial rasmiylashtirilgan bitimlar hamda tijorat banklari va boshqa kredit tashkilotlaridan obyektlarning garov qiymati to‘g‘risida olingan ma’lumotlarni tahlil qilish orqali aniqlanadi.

4. Ijro etuvchi organ tomonidan ommaviy baholash o‘tkaziladigan obyektlar ro‘yxatida ko‘rsatilgan obyektlarning namunaviy obyekt (etalon) narxini aniqlash uchun mazkur Metodikaning 1-ilovasidagi tuzatishlar qo‘llaniladi.

Analog obyektning yer maydoni etalon obyektining yer maydonidan farq qilgan holatda, narxni solishtirishda yer maydoniga tegishli tuzatish kiritiladi. Bunda analog va etalon yer maydonlari o‘rtasidagi farq quyidagi formula orqali aniqlanadi hamda ushbu farq bo‘sh yerning 1 kv.m narxiga ko‘paytiriladi.

$$Atn=Anq+(Aym−Eym)×Yby$$

Bunda:

Atn – analogning yer maydoniga tuzatish kiritilgandan keyingi 1 kv.m narxi;

Anq – analogning tuzatish kiritilmagan 1 kv.m narxi;

Aym – analogning yer maydoni, kv.m;

Eym – etalon (solishtirilayotgan) obyektning yer maydoni, kv.m;

Yby – bo‘sh yerning 1 kv.m narxi.

5. O‘zbekiston Respublikasi Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasi huzuridagi Kadastr agentligi tomonidan taqdim etilgan Ro‘yxatda qavatlari soni, qurilgan yili, ishlatilgan qurilish materiallari, maydoni ko‘rsatilmagan taqdir 1 koeffitsiyent qo‘llaniladi.

2-bob. Xarajat yondashuvi orqali obyektlarning qiymatini aniqlash

6. Xarajat yondashuvi orqali obyektlarning qiymatini aniqlash quyidagi ketma-ketlikda amalga oshiriladi:

bino va inshootlarni tiklanish narxini aniqlash;

tadbirkorlik foydasini qo‘llash;

aniqlangan eskirish turlarini hisoblash;

bino va inshootlarni tiklanish qiymatidan eskirish qiymatini ayirib, yerdan foydalanish qiymatini qo‘shish orqali umumiy qiymatini aniqlash.

7. Xarajat yondashuvi qo‘llanilganda quyidagi formuladan foydalaniladi:

$$OQ = QX×(1 + TF) × (1 – E) + YEQ$$

Bunda:

OQ – obyektning qiymati;

QX – obyektni qurish xarajatlari miqdori;

TF – tadbirkorning foydasi miqdori (%);

E – eskirish qiymati;

YEQ – yerdan foydalanish huquqining qiymati.

1-§. Obyektlarning tiklanish qiymatlarini turlari

8. Obyektni qayta qurish yoki o‘xshash turdagi yangi obyektni qurish uchun sarflanadigan xarajatlari aks ettirilib, qayta qurish va o‘rnini bosuvchi qiymatga bo‘linadi.

Qayta qurish qiymati – bir turdagi material va loyiha bilan qaytadan qurish orqali bozor qiymati aniqlanadi.

O‘rnini bosuvchi qiymat – yangi xomashyo materiallari va zamonaviy texnologiyalarni qo‘llagan holda obyektni qayta qurish orqali bozor qiymati aniqlanadi.

2-§. Obyektlarning tiklanish qiymatini aniqlash

9. Obyektni har bir qismi uchun (yashash xonadonlari, qo‘shimcha inshootlar, ochiq ayvon, soyabon, basseyn va fontanlar, chorva mollarini boqishga mo‘ljallangan qurilmalar va ularning oziq-ovqatini saqlashga mo‘ljallangan inshootlar, yarim yerto‘la hamda yerto‘lalar va boshqalar) tiklanish qiymatini aniqlash bilan baholash ishlari amalga oshiriladi.

10. Obyektning tiklanish qiymati loyiha-smeta hujjatlari asosida aniqlanadi va bu qiymatlarga 10 foiz miqdorda tadbirkorlik foydasi qo‘shilib yakuniy tiklanish qiymati hisoblanadi.

11. Obyektning yakuniy qiymatini aniqlash uchun tiklanish qiymatidan obyektning eskirish qiymati chegiriladi.

3-§. Obyektlarning eskirish qiymatini aniqlash

12. Obyektlarning eskirish qiymatini aniqlashda eskirishning jismoniy turi inobatga olinadi.

13. Jismoniy eskirish bu obyektlarning vaqt o‘tishi, tabiiy sharoitlar, ekspluatatsiya jarayoni va tashqi ta’sirlar natijasida yuzaga keladigan foydalilik. Bunda obyektlarning texnik holati yomonlashishi, ta’mirtalab qilinadigan holatlar ko‘payib borishi va umumiy qiymati pasayishi mumkin.

Jismoniy eskirish quyidagi turlarga bo‘linadi:

bartaraf qilinadigan jismoniy eskirish – ta’mirlash, almashtirish yoki yangilash orqali yo‘qotish mumkin bo‘lgan eskirish (masalan, devorni bo‘yash, singan qismni yangilash);

bartaraf qilib bo‘lmaydigan jismoniy eskirish – jismonan eskirganlik tufayli butunlay yangilash talab etiladigan holatlar. Bunda obyektlarni ta’mirlash orqali ularni to‘liq tiklash imkoni bo‘lmaydi.

14. Jismoniy eskirishni aniqlashda ushbu Metodikaning 2-ilovasida keltirilgan Jismoniy eskirishni aniqlashga doir qo‘llanmadan foydalaniladi.

15. Jismoniy eskirishning umumiy ta’siri natijasida obyektlarning qiymati kamayadi hamda ushbu qiymat quyidagi formula orqali aniqlanadi:

$E = 1 – Eje$

Bunda, Eje – obyektning jismoniy eskirish koeffitsiyenti.

4-§. Yer uchastkasidan foydalanish huquqini baholash

16. Yer uchastkasiga bo‘lgan huquqning qiymatini aniqlash quyidagi usullar orqali amalga oshiriladi:

yer uchastkasidan foydalanish huquqi qiymatini taklif etilayotgan narxdan kelib chiqib qiyosiy tahlil qilish usuli;

yer uchastkasidan foydalanish huquqi qiymatini ajratish usuli.

17. Yer uchastkasidan foydalanish huquqi qiymatini taklif etilayotgan narxdan kelib chiqib qiyosiy tahlil qilish usulida elektron savdo platformalaridagi ma’lumotlar (e’lonlar), shu jumladan yer uchastkasini sotish bo‘yicha taklif etilayotgan narxlar tahlil qilinadi, shuningdek baholanayotgan yer uchastkasini o‘xshash yer uchastkalari bilan taqqoslashda qo‘llaniladigan taqqoslash elementlari aniqlanadi. Bunda har bir taqqoslash elementi bo‘yicha mazkur Metodikaning 1-ilovasida ko‘rsatilgan tuzatmalarni qo‘llagan holda tuzatishlar kiritiladi va analog yer uchastkalariga kiritilgan tuzatishlarni orqali narxlarni muvofiqlashtirish yo‘li bilan yer uchastkasining narxi aniqlanadi.

18. Ijro etuvchi organ yer uchastkasiga bo‘lgan mulkiy huquqlar qiymatini ajratish usuli bilan hisoblash uchun quyidagilarni amalga oshiradi:

yer uchastkasining tavsiflariga eng yaqin bo‘lgan analoglarni tanlaydi;

har bir analog bo‘yicha yer uchastkasiga bo‘lgan mulkiy huquqlar qiymatini sotuv narxidan yaxshilashlar qiymatini ayirish yo‘li bilan aniqlaydi.

5-§. Obyektlarning umumiy baholash qiymatini aniqlash

19. Obyektlarning umumiy baholash qiymatini aniqlash quyidagi formula orqali amalga oshiriladi:

Umumiy qiymat = (Tiklanish qiymati – Eskirish qiymati) + Yer uchastkasidan foydalanish huquqi qiymati.

3-bob. Daromad yondashuvi orqali obyektlarning qiymatini aniqlash

20. Daromad yondashuvida obyektlarning qiymati ularning mulkdorlari tomonidan obyektlarni ijaraga berishdan olinadigan daromadni hisoblash orqali aniqlanadi. Bunda daromadni hisoblashda quyidagi formuladan foydalaniladi:

OQ = SOD/KS

Bunda:

OQ – obyektning qiymati;

SOD – sof operatsion daromad;

KS – kapitallashtirish stavkasi.

Yakka tartibdagi turar joylar
uchun etalon narxni aniqlash
metodikasiga
1-ILOVA

Yakka tartibdagi turar joylarning qurilgan yiliga nisbatan tuzatishlar

Yakka tartibdagi turar joylarning qurilgan yili	**1950-yilgacha**	**1951-1970-yilgacha**	**1971-1990-yilgacha**	**1991-2020-yilgacha**	**2021-2025-yilgacha**
Yakka tartibdagi turar joylar narxi ularning qurilgan yiliga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari	1.67	1.43	1.25	1	0,95

Yakka tartibdagi turar joylarning qurilish materialiga nisbatan tuzatishlar

Yakka tartibdagi turar joylarning qurilish materiali	**Pishgan g‘ishtli, beton, temir beton, panel, gazablok, temir ustun, monolit**	**Shlokoblok, sendvich-panel va boshqa turdagi yuk ko‘taruvchi konstruksiyalar**	**Paxsa, yog‘och devor, yog‘och ustun, xom g‘isht va sinchlar**
Yakka tartibdagi turar joylarning narxi ularning qurilish materialiga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari	1	1,16	1,35

Yakka tartibdagi turar joylarning yer maydoniga nisbatan tuzatishlar

Yakka tartibdagi turar joylarning yer maydoni (kv.m)	**200 gacha**	**200,1-300**	**300,1-400**	**400,1-500**	**500,1-600**	**600,1-800**	**800,1-1000**	**1000,1-5000**	**5000,1 dan yuqori**
Yakka tartibdagi turar joylar narxi ularning yer maydoniga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari	0,95	0,975	1,0	1,025	1,05	1,075	1,10	1,125	1,15

Yakka tartibdagi turar joylarning binolarini maydoniga nisbatan tuzatishlar

Yakka tartibdagi turar joylarning bino maydoni (kv.m)	**50 gacha**	**50,1-100**	**100,1-150**	**150,1-200**	**200,1-300**	**300,1-500**	**500,1-1000**	**1000,1 dan yuqori**
Yakka tartibdagi turar joylar narxi ularning bino maydoniga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari	0,85	0,9	0,95	1,0	1,05	1,1	1,15	1,25

Yakka tartibdagi turar joylarning ta’mirlanganlik holatiga nisbatan tuzatishlar

Yakka tartibdagi turar joylarning ta’mirlanganlik holati	Yaxshi ta’mir*	O‘rta ta’mir**	Ta’mir talab***
Yakka tartibdagi turar joylar narxi ularning ta’mirlanganlik holatiga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari	0,9	1,0	1,1

Izoh:

** yaxshi ta’mir – yakka tartibdagi turar joylarning yangi qurilgan yoki yaqinda ta’mirlangan holati bo‘lib, ulardagi muhandislik kommunikatsiya tarmoqlari, eshik va derazalar, pol, devor hamda shiftlar soz holatda bo‘ladi va foydalanish uchun qo‘shimcha ta’mirlash ishlarini amalga oshirish talab etilmaydi;*

*** o‘rta ta’mir – yakka tartibdagi turar joylarning foydalanish uchun yaroqli holati bo‘lib, ulardagi muhandislik kommunikatsiya tarmoqlari, eshik va derazalar, pol, devor hamda shiftlar ishlashga yaroqli holatda bo‘ladi, biroq ularning ayrim qismlarida ta’mirlash ishlarini amalga oshirish talab etilishi mumkin;*

**** ta’mir talab – yakka tartibdagi turar joylarning to‘liq yoki qisman ta’mirlashni talab etadigan holati bo‘lib, ulardagi muhandislik kommunikatsiya tarmoqlari, eshik va derazalar, pol, devor hamda shiftlarni foydalanish uchun yaroqli holatga keltirish maqsadida qo‘shimcha qurilish, pardozlash va ta’mirlash ishlarini amalga oshirish talab etiladi.*

Yakka tartibdagi turar joylar
uchun etalon narxni aniqlash
metodikasiga
2-ILOVA

Jismoniy eskirishni aniqlashga doir QO‘LLANMA

Jismoniy eskirish koeffitsiyenti	Asosiy konstruktiv elementlarining texnik holati	Binoning ichki konstruktiv elementlarining holati
0	Hech qanday zarar yoki deformatsiyalar mavjud emasligi.	Pollar va shiftlar tekis va gorizontal, shift qoplamalari yoki pardozlash ishlarida yoriqlarning mavjud emasligi.
0.25	Asosiy konstruktiv elementlarga sezilarli zarar yetmagan hamda ayrim konstruksiya va devorlarda ta’mir va yoriq izlari mavjudligi.	Oyna va eshiklarni ochilishi va yopilishining qiyinlashganligi hamda shift va zina yo‘laklarida mayda yoriqlarning borligi
0.45	Asosiy elementlarda yoriqlarning kattalashganligi, gorizontal chiziqlarning bir-biriga to‘g‘ri kelmasligi, devorning asosiy elementlarida eskirishning aniq alomatlari mavjudligi hamda ushbu holatlarini bartaraf qilish uchun qayta ta’mirlanganligi.	Devor va shiftda qayta ta’mirlanganlik alomatlari yaqqol ko‘rinib turganligi. Zina maydonlari va zinapoyalarda yoriq alomatlari kattalashganligi. Binoning pol qismida kafel va tarketlarning ko‘chib ketganligi.
0.65	Devor va muhim konstruksiyalarda yoriqlarning sezilarli darajada kattalashganligi va mumkin bo‘lgan darajadan ancha yirik bo‘lgan yoriqlar ko‘payganligi.	Shift pardozlashlarining aksariyat qismlari to‘kilib ketishi, pol qismini umuman ta’mirlash imkoniyati yo‘qligi, pol qoplamalarini ko‘chib ketganligi, zaxlash va korroziya holatlari mavjudligi. Rom va eshiklarning ishlamasligi. Zinapoyalarning joyidan siljiganligi.
0.95	Binoning seysmologik jihatdan foydalanishga yaroqsizligi. Asosiy konstruksiya elementlari deformatsiya bo‘lganligi. Devor va devor to‘siqlarida foydalanishga yaroqsiz darajadagi yoriqlarning paydo bo‘lganligi.	Binoning ichki ta’mir qismi umuman foydalanish uchun yaroqsiz holatga kelgan. Romlar, eshiklar, zinapoyalar va pollar foydalanish uchun yaroqsiz.

Ko‘chmas mulkni ommaviy baholash
uslubiyotiga
3-ILOVA

Noturar obyektlar uchun etalon narxni aniqlash MEDOTIKASI

Noturar obyektlar (bundan buyon matnda obyektlar deb yuritiladi) qiymatini aniqlashda obyektning joylashuvi, tavsiflari va xususiyatlaridan kelib chiqib qiyosiy, xarajat yoki daromad yondashuvlaridan biri qo‘llaniladi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Obyektlarni baholash jarayonida ular to‘rta asosiy toifaga ajratiladi. Ushbu toifalarga tijorat, ishlab chiqarish va omborxona sifatida foydalaniladigan bino va inshootlar hamda maxsus obyektlar kiradi. Baholash ishlari mazkur tasnif asosida, har bir toifaning funksional xususiyatlari va foydalanish sharoitlarini inobatga olgan holda amalga oshiriladi.

2. Tijorat maqsadida foydalaniladigan obyektlar tarkibiga savdo faoliyatini amalga oshirishga mo‘ljallangan binolar, umumiy ovqatlanish korxonalarining binolari, ijtimoiy xizmat ko‘rsatish obyektlari, mehmonxona va turar joy xizmatlari ko‘rsatishga mo‘ljallangan bino va inshootlar, avtomobil transportlariga xizmat ko‘rsatish shoxobchalari, ofis binolari va boshqa turdagi tijorat faoliyati uchun foydalanilayotgan obyektlar kiradi.

3. Ishlab chiqarish obyektlari tarkibiga mahsulot ishlab chiqarish, qayta ishlash, yig‘ish, tajriba sinovlari o‘tkazish va boshqa sanoat faoliyatlari uchun mo‘ljallangan muhandislik va texnik infratuzilmaga ega binolar, ishlab chiqarish sexlari va yordamchi sexlar kiradi.

4. Omborxona sifatida foydalaniladigan bino va inshootlar tarkibiga tovarlar, xomashyo va mahsulotlar hamda materiallarni saqlash, taqsimlash va logistika jarayonlarini amalga oshirish uchun mo‘ljallangan binolar kiradi.

5. Maxsus obyektlar tarkibiga muayyan funksiyalarni bajarish uchun mo‘ljallangan, boshqa binolardan farq qiluvchi texnik, konstruktiv yoki funksional xususiyatlarga ega obyektlar kiradi.

Mazkur obyektlar umumiy foydalanish uchun mo‘ljallanmagan bo‘ladi va tor sohalar uchun ishlatiladi. Maxsus obyektlar litsenziya yoki ruxsatnoma asosida faoliyat olib boradi.

Mazkur obyektlar transport va logistika infratuzilmasi binolari, tibbiyot va sanitariya inshootlari, ilmiy, ta’lim va tajriba binolari, ishlab chiqarish va xavfli

obyektlar, madaniy inshootlar, sport zallar, stadionlar, basseynlar, tennis kortlari, ekstremal va texnik sport inshootlaridan iborat bo‘ladi.

6. Obyektlarning joylashuvi qulayligi va mavjud sharoitlari, transport infratuzilmasiga yaqinligi (avtobus, tramvay bekatlari va boshqalar), yuk va yo‘lovchi oqimi, yaqin atrofdagi ijtimoiy va tijorat obyektlari, shuningdek tuman (shahar) markaziga nisbatan masofasi hisobga olinib, ular toifalarga ajratiladi. Ushbu toifalarni baholash jarayoni baholanayotgan obyektning solishtirilayotgan obyektga nisbatan joylashuv ustunliklarini aniqlash imkonini beradi. Toifalarni aniqlash natijalari quyidagi jadvalda aks ettirilgan va ular baholash hisob-kitoblariga kiritiladi.

Obyektlarning toifalarga ajratilishi

Toifa	**Tavsif**
Pr	Premium turdagi yuqori daromadli va yuqori investitsion
A	Yuqori daromadli va investitsion jozibador
B	Yuqori daromadli
C	O‘rta daromadli
D	O‘rtadan past daromadli

7. **Pr toifa** – bu quyidagi xususiyatlarga ega obyektlar hisoblanadi:

premium darajadagi yuqori daromadli va investitsion hudud (zona) – ushbu hudud iqtisodiy va moliyaviy xususiyatlari investitsiya kiritish nuqtayi nazaridan yuqori daromad olish imkonini beradigan hudud bo‘lib, tijorat va iqtisodiy faoliyat uchun qulay sharoitga ega, talab yuqori bo‘lgan hududlarda joylashadi. Bunday hudud bozor sharoitlarida yuqori likvidlikka ega bo‘lib, iqtisodiy, moliyaviy va boshqa risklar past yoki boshqariladigan darajada bo‘ladi;

qulay joylashuv – obyekt tuman (shahar) markaziy ko‘chalarida yoki ularga yaqin hududlarda joylashgan bo‘ladi;

yuqori transport oqimi – obyekt atrofida avtomobil va jamoat transporti oqimi yuqori hamda harakat va logistik imkoniyatlar keng bo‘ladi;

avtoturargohlar mavjudligi – obyekt hududida mijozlar va xodimlar uchun yetarli avtoturargohlar mavjud bo‘ladi;

jamoat transportiga yaqinlik – obyekt jamoat transporti (avtobus, tramvay, metro va boshqa transport vositalari) bekatlariga yaqin joylashgan bo‘ladi va insonlar oqimi yuqori bo‘ladi;

yuqori tirbandlik (piyoda) – obyekt hududi atrofida doimiy xaridor va mijoz oqimi mavjud bo‘ladi;

rivojlangan infratuzilma – obyekt va uning hududida elektr, suv, gaz, oqova suvlarni chiqarib yuborish tarmoqlari va telekommunikatsiya xizmatlari yaxshi rivojlangan bo‘ladi;

obyekt joylashgan hudud atrofidagi iqtisodiy va tijorat faoliyati – obyekt joylashgan hududda boshqa savdo, xizmat ko‘rsatish va ijtimoiy obyektlar mavjud bo‘ladi;

xavfsizlik va barqarorlik – obyektning atrofidagi hududda ijtimoiy va iqtisodiy barqarorlik rivojlangan, jinoyatchilik darajasi past, zamonaviy texnologiyalar bilan jihozlangan va tashrif buyuruvchilarga qulay sharoitlar yaratilgan hamda investitsion risklar past bo‘ladi;

erkin bozor qiymati va likvidlik – obyektning atrofidagi hududda ko‘chmas mulk tez sotilishi yoki ijaraga berilishi oson bo‘ladi.

8. **A toifa** – bu quyidagi xususiyatlarga ega obyektlar hisoblanadi:

yuqori daromadli va investitsion hudud (zona) – ushbu hudud iqtisodiy va moliyaviy xususiyatlari investitsiya kiritish nuqtayi nazaridan yuqori daromad olish imkonini beradigan hudud bo‘lib, tijorat va iqtisodiy faoliyat uchun qulay sharoitga ega, talab yuqori bo‘lgan hududlarda joylashadi. Bunday hudud bozor sharoitlarida yuqori likvidlikka ega bo‘lib, iqtisodiy, moliyaviy va boshqa risklar past yoki boshqariladigan darajada bo‘ladi;

joylashuv – obyekt tuman (shahar) markaziy ko‘chalarida yoki ularga yaqin hududlarda joylashgan bo‘ladi;

yuqori transport oqimi – obyekt atrofida avtomobil va jamoat transporti oqimi yuqori hamda harakat va logistik imkoniyatlar keng bo‘ladi;

avtoturargohlar mavjudligi – obyekt hududida mijozlar va xodimlar uchun yetarli avtoturargohlar mavjud bo‘ladi;

jamoat transportiga yaqinlik – obyekt jamoat transporti (avtobus, tramvay, metro va boshqa transport vositalari) bekatlariga yaqin joylashgan bo‘ladi va insonlar oqimi yuqori bo‘ladi;

yuqori tirbandlik (piyoda) – obyekt hududi atrofida doimiy xaridor va mijoz oqimi mavjud bo‘ladi;

rivojlangan infratuzilma – obyekt va uning hududida elektr, suv, gaz, oqova suvlarni chiqarib yuborish tarmoqlari va telekommunikatsiya xizmatlari yaxshi rivojlangan bo‘ladi;

xavfsizlik va barqarorlik – obyektning atrofidagi hududda ijtimoiy va iqtisodiy barqarorlik rivojlangan, jinoyatchilik darajasi past, zamonaviy texnologiyalar bilan jihozlangan va tashrif buyuruvchilarga qulay sharoitlar yaratilgan hamda investitsion risklar past bo‘ladi;

erkin bozor qiymati va likvidlik – obyektning atrofidagi hududda ko‘chmas mulk tez sotilishi yoki ijaraga berilishi oson bo‘ladi.

9. **B toifa –** bu quyidagi xususiyatlarga ega obyektlar hisoblanadi:

yuqori daromadli hududda joylashgan bo‘lib, tijorat va iqtisodiy faoliyat uchun juda qulay bo‘ladi;

qulay joylashuv – obyekt tuman (shahar) markaziy ko‘chalarida yoki ularga yaqin hududlarda joylashgan bo‘ladi;

yuqori transport oqimi – obyekt atrofida avtomobil va jamoat transporti oqimi yuqori hamda harakat va logistik imkoniyatlar keng bo‘ladi;

avtoturargohlar mavjudligi – obyekt hududida mijozlar va xodimlar uchun yetarli avtoturargohlar mavjud bo‘ladi;

jamoat transportiga yaqinlik – obyekt jamoat transporti (avtobus, tramvay, metro va boshqa transport vositalari) bekatlariga yaqin joylashgan bo‘ladi va insonlar oqimi yuqori bo‘ladi.

10. **C toifa –** bu quyidagi xususiyatlarga ega obyektlar hisoblanadi:

o‘rta daromadli hududda joylashgan obyekt bo‘lib, hududning iqtisodiy faolligi va o‘tkazuvchanlik darajasi bo‘yicha yuqori daromadli hududlarga nisbatan past bo‘ladi;

qulay joylashuv – obyekt tuman (shahar) markaziga nisbatan unchalik yaqin bo‘lmagan hududlarda joylashgan bo‘ladi;

jamoat transportiga yaqinlik – obyekt jamoat transporti (avtobus, tramvay, metro va boshqa transport vositalari) bekatlariga yaqin joylashgan bo‘ladi va insonlar oqimi yuqori bo‘ladi;

piyodalar va transport oqimi – obyekt atrofidagi hududda piyodalar va avtomobil harakati mavjud bo‘ladi, lekin harakat va trafik darajasi o‘rtacha bo‘ladi;

infratuzilma – obyekt atrofidagi hududda savdo markazlari, banklar, xizmat ko‘rsatish obyektlari va ofis binolari mavjud bo‘ladi, lekin ular yetarlicha rivojlanmagan bo‘ladi.

11. **D toifa** – bu quyidagi xususiyatlarga ega obyektlar hisoblanadi:

past daromadli hududda joylashgan obyekt bo‘lib, ushbu hudud tumanning (shaharning) chekka qismida hamda ikkinchi va uchinchi darajali yo‘llarga yaqin joylashgan bo‘ladi, shuningdek ushbu hudud iqtisodiy jihatdan pastroq faollikka ega bo‘ladi;

transport va piyodalar oqimi boshqa hududga nisbatan kamroq (jamoat transporti imkoniyatlari qulay emas va piyodalar oqimi kamroq).

D toifadagi obyektlar ijara va sotuv narxlari Pr, A, B, C toifadagi obyektlardan past bo‘lib, investitsiya salohiyati nisbatan sust va aholi uchun mo‘ljallangan turar joylar ustun bo‘ladi, ushbu holatlar D toifadagi obyektlarga talab kamligini bildiradi.

2-bob. Qiyosiy yondashuv orqali obyektlarning qiymatini aniqlash

12. Qiyosiy yondashuvda obyektlarning qiymatini aniqlashda quyidagi formuladan foydalaniladi:

OQ = (BN×BM×K1×K2×…×Kn) + (YEN×YEM×K1×K2×…×Kn)

Bunda:

OQ – obyektning qiymati;

BN – ko‘chmas mulk bozori ma’lumotlari tahlili asosida shakllangan obyektning 1 kv.m uchun narxi;

BM – obyektning maydoni;

YEN – ko‘chmas mulk bozori ma’lumotlari tahlili asosida shakllangan yer uchastkasining 1 kv.m uchun narxi;

YEM – yer uchastkasining maydoni;

K1, K2…Kn – narx shakllantiruvchi omillarni aks ettiruvchi koeffitsiyentlar.

13. Tuzatish koeffitsiyentlari elektron savdo platformalaridagi ma’lumotlar, shu jumladan obyektlarni sotish bo‘yicha taklif etilayotgan e’lonlar, shuningdek, rieltorlik tashkilotlarida tuzilgan, notarial rasmiylashtirilgan bitimlar hamda tijorat banklari va boshqa kredit tashkilotlaridan obyektlarning garov qiymati to‘g‘risida olingan ma’lumotlarni tahlil qilish orqali aniqlanadi.

14. O‘zbekiston Respublikasi Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasi huzuridagi Kadastr agentligining Ko‘chmas mulkni ommaviy baholash milliy markazi (bundan buyon matnda Ijro etuvchi organ deb yuritiladi) tomonidan ommaviy baholash o‘tkaziladigan obyektlar ro‘yxatida (bundan buyon matnda Ro‘yxat deb yuritiladi) ko‘rsatilgan noturar obyektlarning etalon obyekt narxini aniqlash uchun mazkur Metodikaning 1-ilovasida keltirilgan tuzatishlar qo‘llaniladi.

Analog obyektning yer maydoni etalon obyektning yer maydonidan farq qilgan holatda, narxni solishtirishda yer maydoniga tegishli tuzatish kiritiladi. Bunda analog va etalon yer maydonlari o‘rtasidagi farq quyidagi formula orqali aniqlanadi hamda ushbu farq bo‘sh yerning 1 kv.m narxiga ko‘paytiriladi.

Atn=Anq+(Aym−Eym)×Yby

Bunda:

Atn – analogning yer maydoniga tuzatish kiritilgandan keyingi 1 kv.m narxi;

Anq – analogning tuzatish kiritilmagan 1 kv.m narxi;

Aym – analogning yer maydoni, kv.m;

Eym – etalon (solishtirilayotgan) obyektning yer maydoni, kv.m;

Yby – bo‘sh yerning 1 kv.m narxi.

15. Obyektlarni ommaviy baholashda bozor konyunkturasiga muvofiq ravishda obyektga ulangan muhandislik tarmoqlarining (elektr energiyasi, suv ta’minoti, gaz

ta’minoti, oqova suvlarni chiqarib yuborish tarmoqlari) mavjudligi va rivojlanganlik darajasiga qarab qiymatga tegishli tuzatmalar kiritilishi mumkin.

16. Ko‘p qavatli obyektlarni ommaviy baholashda obyektda liftning mavjudligi va foydalanish imkoniyatlari bozor konyunkturasiga muvofiq ravishda qiymatga ta’sir etuvchi omil sifatida hisobga olinishi mumkin. Aniq koeffitsiyentlar obyekt qavatliligi, funksional maqsadi va mahalliy bozor sharoitlaridan kelib chiqib belgilanadi.

17. Obyektlarning yordamchi bino va inshootlari qiymatini aniqlashda obyektlarning 1 kv.m uchun hisoblab chiqarilgan qiymatining 20 foizi miqdorida qabul qilinadi.

18. O‘zbekiston Respublikasi Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasi huzuridagi Kadastr agentligi tomonidan taqdim etilgan Ro‘yxatda qavatlari soni, qurilgan yili, ishlatilgan qurilish materiallari, maydoni ko‘rsatilmagan taqdirda 1 koeffitsiyent qo‘llaniladi.

3-bob. Xarajat yondashuvi orqali obyektlarning qiymatini aniqlash

19. Xarajat yondashuvi orqali obyektlarning qiymatini aniqlash quyidagi ketma-ketlikda amalga oshiriladi:

bino va inshootlarni tiklanish narxini aniqlash;

tadbirkorlik foydasini qo‘llash;

aniqlangan eskirish turlarini hisoblash;

bino va inshootlarni tiklanish qiymatidan eskirish qiymatini ayirib, yerdan foydalanish qiymatini qo‘shish orqali umumiy qiymatini aniqlash.

20. Xarajat yondashuvi qo‘llanilganda quyidagi formuladan foydalaniladi:

$OQ = QX \times (1 + TF) \times (1 – E) + YEQ$

Bunda:

OQ – obyektning qiymati;

QX – obyektni qurish xarajatlari miqdori;

TF – tadbirkorning foydasi miqdori (%);

E – eskirish qiymati;

YEQ – yerdan foydalanish huquqi qiymati.

1-§. Obyektlarning tiklanish qiymatlarining turlari

21. Obyektni qayta qurish yoki o‘xshash turdagi yangi obyektni qurish uchun sarflanadigan xarajatlari aks ettirilib, qayta qurish va o‘rnini bosuvchi qiymatga bo‘linadi.

Qayta qurish qiymati – bir turdagi material va loyiha bilan qaytadan qurish orqali bozor qiymati aniqlanadi.

O‘rnini bosuvchi qiymat – yangi xomashyo materiallari va zamonaviy texnologiyalarni qo‘llagan holda obyektni qayta qurish orqali bozor qiymati aniqlanadi.

2-§. Obyektlarning tiklanish qiymatini aniqlash

22. Obyektning har bir qismi uchun (yashash xonadonlari, qo‘shimcha inshootlar, ochiq ayvon, soyabon, supa, basseyn va fontanlar, chorva mollarini boqishga mo‘ljallangan qurilmalar va ularning oziq-ovqatini saqlashga mo‘ljallangan inshootlar, yarim yerto‘la va yerto‘lalar va hokazo) tiklanish qiymatini aniqlash bilan baholash ishlari amalga oshiriladi.

23. Obyektning tiklanish qiymati loyiha-smeta hujjatlari asosida aniqlanadi va bu qiymatlarga 10 foiz miqdorda tadbirkorlik foydasi qo‘shilib yakuniy tiklanish qiymati aniqlanadi.

24. Obyektning yakuniy qiymatini aniqlash uchun tiklanish qiymatidan obyektning eskirish qiymati chegiriladi.

3-§. Obyektlarning eskirish qiymatini aniqlash

25. Obyektlarning eskirish qiymatini aniqlashda eskirishning jismoniy turi inobatga olinadi.

26. Jismoniy eskirish bu obyektlarning vaqt o‘tishi, tabiiy sharoitlar, ekspluatatsiya jarayoni va tashqi ta’sirlar natijasida yuzaga keladigan foydalilik, iste’molchi jozibadorligi va strukturaviy ishonchlilikning asta-sekin kamayishi hisoblanadi. Ushbu jarayon natijasida obyektlarning texnik holati yomonlashadi va ta’mirtalab holatlar vujudga keladi va umumiy qiymati pasayadi.

Jismoniy eskirish quyidagi turlarga bo‘linadi:

bartaraf qilinadigan jismoniy eskirish – ta’mirlash, almashtirish yoki yangilash orqali yo‘qotish mumkin bo‘lgan eskirish (masalan, devorni bo‘yash, singan qismni yangilash);

bartaraf qilib bo‘lmaydigan jismoniy eskirish – jismonan eskirganlik tufayli butunlay yangilash talab etiladigan holatlar. Bunda obyektlarni ta’mirlash orqali ularni to‘liq tiklash imkoni bo‘lmaydi.

27. Jismoniy eskirishni aniqlashda ushbu Metodikaning 2-ilovasida keltirilgan Jismoniy eskirishni aniqlashga doir qo‘llanmadan foydalaniladi.

28. Obyektning jismoniy eskirishining umumiy ta’siri natijasida obyektning qiymati kamayadi hamda ushbu qiymat quyidagi formula orqali aniqlanadi:

$E = 1 – Eje$

Bunda, Eje – obyektning jismoniy eskirish koeffitsiyenti.

4-§. Yer uchastkasidan foydalanish huquqini baholash

29. Yer uchastkasiga bo‘lgan huquqning qiymatini aniqlash quyidagi usullar orqali amalga oshiriladi:

yer uchastkasidan foydalanish huquqi qiymatini taklif etilayotgan narxdan kelib chiqib qiyosiy tahlil qilish usuli;

yer uchastkasidan foydalanish huquqi qiymatini ajratish usuli;

yer uchastkasidan foydalanish huquqi qiymatini yer rentasini kapitallashtirish usuli.

30. Yer uchastkasidan foydalanish huquqi qiymatini taklif etilayotgan narxdan kelib chiqib qiyosiy tahlil qilish usulida elektron savdo platformalaridagi ma’lumotlar (e’lonlar), shu jumladan yer uchastkasini sotish bo‘yicha taklif etilayotgan narxlar tahlil qilinadi, shuningdek baholanayotgan yer uchastkasini o‘xshash yer uchastkalari bilan taqqoslashda qo‘llaniladigan taqqoslash elementlari aniqlanadi. Bunda har bir taqqoslash elementi bo‘yicha mazkur Metodikaning 1-ilovasida ko‘rsatilgan tuzatmalarni qo‘llagan holda tuzatishlar kiritiladi va analog yer uchastkalariga kiritilgan tuzatishlar orqali narxlarni muvofiqlashtirish yo‘li bilan yer uchastkasining narxi aniqlanadi.

31. Ijro etuvchi organ yer uchastkasiga bo‘lgan mulkiy huquqlar qiymatini ajratish usuli bilan hisoblash uchun quyidagilarni amalga oshiradi:

yer uchastkasining tavsiflariga eng yaqin bo‘lgan analoglarni tanlaydi;

har bir analog bo‘yicha yer uchastkasiga bo‘lgan mulkiy huquqlar qiymatini sotuv narxidan yaxshilashlar qiymatini ayirish yo‘li bilan aniqlaydi.

32. Yer uchastkasining qiymati yer rentasini kapitallashtirish usuli asosida baholanadi. Yer rentasi sifatida yer uchastkasini ijaraga berishdan olinadigan daromad qabul qilinadi. Ushbu daromad amaldagi tartibga muvofiq belgilangan ijara stavkalari asosida aniqlanadi.

Kapitallashtirish stavkasi va ijara miqdori amaldagi qonunchilik hamda bozor sharoitlaridan kelib chiqib belgilanadi.

5-§. Obyektlarning umumiy baholash qiymatini aniqlash

33. Obyektlarning umumiy baholash qiymatini aniqlash quyidagi formula orqali amalga oshiriladi:

Umumiy qiymat = (Tiklanish qiymati – Eskirish qiymati) + Yer uchastkasidan foydalanish huquqi qiymati.

4-bob. Daromad yondashuvi orqali obyektlarning qiymatini aniqlash

34. Daromad yondashuvida obyektlarning qiymatini baholash to‘g‘ridan-to‘g‘ri kapitallashtirish usuli yoki pul oqimlarini diskontlash usuli bilan amalga oshirilishi mumkin.

35. Obyektlarning kapitallashtirish usuli qo‘llanilganda, quyidagi formuladan foydalaniladi:

OQ = SOD/KS

Bunda:

OQ – obyektning qiymati;

SOD – sof operatsion daromad;

KS – kapitallashtirish stavkasi.

36. To‘g‘ridan-to‘g‘ri kapitallashtirish usuli daromad oqimlari uzoq muddat mobaynida barqaror bo‘lganda yoki daromad oqimlari barqaror va mo‘tadil sur’atlarda o‘zgarganda qo‘llaniladi.

37. Agar baholash obyekti jiddiy ta’mirlashni (rekonstruksiya qilishni) talab qilsa yoki tugallanmagan qurilish holatida bo‘lsa, to‘g‘ridan-to‘g‘ri kapitallashtirish usuli qo‘llanilmaydi.

38. Obyekt qiymatini to‘g‘ridan-to‘g‘ri kapitallashtirish usuli bilan hisoblash uchun daromadning asosiy manbasi sifatida baholash obyektiga to‘lanayotgan ijara to‘lovi olinadi.

39. Obyektdan olinadigan boshqa daromadlar ko‘chmas mulkning ijara haqiga kirmasligi mumkin (masalan, garaj yoki avtotransport uchun to‘xtash joyidan foydalanganlik uchun haq, saqlash kameralarini taqdim etishdan olingan daromad). Bunda, daromad manbasi baholash obyekti bilan bevosita va uzviy bog‘liq bo‘lishi lozim.

40. Pul oqimlarini diskontlash (POD) usuli – baholash obyektining qiymatini diskontlash hamda baholanayotgan ko‘chmas mulkdan foydalanishning har bir yilidagi pul oqimlarini, shu jumladan mazkur ko‘chmas mulkka egalik davrining oxirida uni qayta sotishdan keladigan pul oqimini qo‘shish orqali aniqlanadi:

$$V_c = \sum_{i=1}^{n} \frac{I_i}{(1+D)^i} + \frac{V_n}{(1+D)^n}$$

Bunda:

Vc – obyektning qiymati;

Ii – birinchi yilning prognoz davri pul oqimi;

D – diskontlash stavkasi;

Vn – obyektning prognoz davri tugaganidan keyingi qiymati;

i – prognoz davri yilining raqami;

n – prognoz davrining oxirgi yili.

41. Kumulyativ tuzish usuli bo‘yicha diskontlash stavkasi tavakkalsiz stavka va tavakkalchilik uchun mukofotlarni qo‘shish orqali aniqlanadi. Bunda tavakkalchilik uchun mukofotlarga quyidagilar kiradi:

mazkur qo‘yilmaga xos bo‘lgan nolikvidlik tavakkalchiligi uchun mukofot;

mazkur turdagi qo‘yilmalar uchun talab etiladigan boshqaruv ishi hajmi bilan belgilangan investitsion menejment tavakkalchiligi uchun mukofot;

baholash obyektiga xos bo‘lgan qo‘shimcha (tizimli) tavakkalchilik uchun mukofot.

Tavakkalsiz stavka sifatida davlat qimmatli qog‘ozlari bo‘yicha foiz stavkasi yoki O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining asosiy stavkasi olinadi.

42. Diskontlash stavkasini analog-obyektlarning sotilishi haqidagi bozor ma’lumotlaridan ajratish usuli bilan hisoblash uchun quyidagilar amalga oshiriladi:

analoglarni tanlaydi;

har bir analog uchun prognoz davridagi pul oqimlarini va prognoz davridan keyingi qiymatni hisoblaydi;

ma’lum sotuv narxini va hisoblangan ko‘rsatkichlarni pul oqimlarini diskontlash formulasiga solib, izchil yaqinlashish yo‘li bilan har bir analog bo‘yicha diskontlash stavkasini aniqlaydi;

baholash obyekti uchun diskontlash stavkasini barcha analoglar bo‘yicha o‘rtacha o‘lchangan qiymat sifatida aniqlaydi.

43. Diskontlash stavkasini muqobil investitsiyalarni taqqoslash usuli bilan hisoblash, qoida tariqasida, ko‘chmas mulkning investitsiya qiymatini aniqlash vaqtida amalga oshiriladi. Bunda, diskontlash stavkasi sifatida:

investor tomonidan talab qilinayotgan daromadlilik darajasi;

muqobil loyihalarning va investor ixtiyorida mavjud bo‘lgan moliyaviy vositalarning kutilayotgan daromadlilik darajasi olinadi.

44. Qo‘llanilayotgan diskontlash stavkasi daromad turi, valyutasi va qiymati (nominal yoki real)ga muvofiq bo‘lishi lozim.

Diskontlash stavkasini nominal qiymatdan real qiymatga va real qiymatdan nominal qiymatga qayta hisoblash kapitallashtirish stavkasini qayta hisoblash bilan ayni bir tartibda amalga oshiriladi.

5-bob. Obektlarning bozor narxiga yaqin qiymatini aniqlash

45. Ommaviy baholash jarayonida har bir zona (hudud) kesimida aniqlangan etalon obyektning 1 kv.m qiymati bazaviy ko‘rsatkich sifatida qabul qilinadi va ushbu

ko‘rsatkich asosida baholanayotgan obyektlarning bozor narxiga yaqin qiymati hisoblab chiqiladi.

46. Obyektlarning bozor narxiga yaqin qiymatini aniqlashda taqdim qilingan ro‘yxatdagi obyektlarning qurilgan (ishga tushirilgan) yili, maydoni, devor materiallariga tuzatmalar mazkur Metodikaning 1-ilovasida ko‘rsatilgan tuzatishlar aksi qo‘llaniladi. Obyektlarning ichki ta’miriga tuzatmalar kadastr ma’lumotlarida mavjud bo‘lmasa o‘rta ta’mir holatida deb qabul qilinadi.

47. Obyektlarning joylashuvi, qulayligi va mavjud sharoitlari, transport infratuzilmasiga yaqinligi, yuk va yo‘lovchi oqimi, yaqin atrofdagi ijtimoiy va tijorat obyektlari, shuningdek tuman yoki shahar markaziga nisbatan masofasi hisobga olinib, ular ma’lum toifalarga ajratiladi. Ushbu toifalash baholash jarayonida baholanayotgan obyektning solishtirilayotgan obyektga nisbatan joylashuv ustunliklarini aniqlash imkonini beradi. Obyektlarni toifalashda quyidagi jadvalda aks ettirilgan tuzatishlar qo‘llaniladi.

Toifa	**Tavsif**	**Tuzatish koeffitsiyenti**
Tijorat obyektlari		
Pr	Premium turdagi yuqori daromadli va yuqori investitsion jozibador	Etalon hisob-kitoblar
A	Yuqori daromadli va investitsion jozibador	1.05 - 1.5
B	Yuqori daromadli	Etalon hisob-kitoblar
C	O‘rta daromadli	0.4-0.9
D	O‘rtadan past daromadli	0.5-0.8
Ishlab chiqarish va omborxona		
B	Yuqori daromadli	Etalon hisob-kitoblar
C	O‘rta daromadli	0.6-0.9
D	O‘rtadan past daromadli	0.5-0.8

Izoh: A, C va D toifalar B toifaga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari qo‘llash orqali aniqlanadi.

QMMB: 10/26/3858/0634-son
26.06.2026-y.

Noturar obyektlarni ommaviy baholash
metodikasiga
1-ILOVA

Noturar obyektlarning qurilgan yiliga nisbatan tuzatishlar

Noturar obyektlarning qurilgan yili	**1950-yilgacha**	**1951-1970-yilgacha**	**1971-1990-yilgacha**	**1991-2015-yilgacha**	**2016-2025-yilgacha**
Noturar obyektlar narxi ularning qurilgan yiliga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari	1,25	1,10	1,05	1	0,95

Noturar obyektlarning qurilish materialiga nisbatan tuzatishlar

Noturar obyektlarning qurilish materiali	**Pishgan g‘ishtli, beton, temir beton, panel, gazablok, temir ustun, g‘ishtli ustun, shlokoblok**	**Sendvich-panel, toshli devor va boshqa turdagi yuk ko‘taruvchi konstruksiyalar**	**Paxsa, yog‘och devor, yog‘och ustun, xom g‘isht va sinchlar**
Noturar obyektlar narxi ularning qurilish materialiga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari	1	1,16	1,35

Noturar obyektlarning yer maydoniga nisbatan tuzatishlar

Noturar obyektlarning yer maydoni (kv.m)	**1500 gacha**	**1500,1-5000**	**5000,1-10000**	**10000,1-30000**	**30000,1-60000**	**60000,1-100000**	**100000,1-200000**	**200000,1 dan yuqori**
Noturar obyektlarning narxi ularning yer maydoniga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari	1	1,025	1,05	1,08	1,10	1,15	1,125	1,30

Noturar obyektlarning binolarini maydoniga nisbatan tuzatishlar

Noturar obyektlarning bino maydoni (kv.m)	**200 gacha**	**200,1-1500**	**1500,1-3000**	**3000,1-10000**	**10000,1-300000**	**300000,1-500000**	**500000,1 dan yuqori**
Noturar obyektlar narxi ularning bino maydoniga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari	1	1	1,05	1,10	1,15	1,25	1,30

Noturar obyektlarning ta’mirlanganlik holatiga nisbatan tuzatishlar

Noturar obyektlarning ta’mirlanganlik holati	Yaxshi ta’mir*	O‘rta ta’mir**	Ta’mir talab***
Noturar obyektlarning joylar narxi ularning ta’mirlanganlik holatiga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari	0,9	1,0	1,1

Izoh:

** yaxshi ta’mir – noturar obyektlarning yangi qurilgan yoki yaqinda ta’mirlangan holati bo‘lib, ulardagi muhandislik kommunikatsiya tarmoqlari, eshik va derazalar, pol, devor hamda shiftlar soz holatda bo‘ladi va foydalanish uchun qo‘shimcha ta’mirlash ishlarini amalga oshirish talab etilmaydi;*

*** o‘rta ta’mir – noturar obyektlarning foydalanish uchun yaroqli holati bo‘lib, ulardagi muhandislik kommunikatsiya tarmoqlari, eshik va derazalar, pol, devor hamda shiftlar ishlashga yaroqli holatda bo‘ladi, biroq ularning ayrim qismlarida ta’mirlash ishlarini amalga oshirish talab etilishi mumkin;*

**** ta’mir talab – noturar obyektlarning to‘liq yoki qisman ta’mirlashni talab etadigan holati bo‘lib, ulardagi muhandislik kommunikatsiya tarmoqlari, eshik va derazalar, pol, devor hamda shiftlarni foydalanish uchun yaroqli holatga keltirish maqsadida qo‘shimcha qurilish, pardozlash va ta’mirlash ishlarini amalga oshirish talab etiladi.*

QMMB: 10/26/3858/0634-son
26.06.2026-y.

Noturar obyektlarni ommaviy baholash
metodikasiga
2-ILOVA

Jismoniy eskirishni aniqlashga doir
QO‘LLANMA

Jismoniy eskirish koeffitsiyenti	Asosiy konstruktiv elementlarining texnik holati	Binoning ichki konstruktiv elementlarining holati
0	Hech qanday zarar yoki deformatsiyalar mavjud emasligi.	Pollar va shiftlar tekis va gorizontal, shift qoplamalari yoki pardozlash ishlarida yoriqlarning mavjud emasligi.
0.25	Asosiy konstruktiv elementlarga sezilarli zarar yetmagan hamda ayrim konstruksiya va devorlarda ta’mir va yoriq izlari mavjudligi.	Oyna va eshiklarni ochilishi va yopilishining qiyinlashganligi hamda shift va zina yo‘laklarida mayda yoriqlarning borligi.
0.45	Asosiy elementlarda yoriqlarning kattalashganligi, gorizontal chiziqlarning bir-biriga to‘g‘ri kelmasligi, devorning asosiy elementlarida eskirishning aniq alomatlari mavjudligi hamda ushbu holatlarni bartaraf qilish uchun qayta ta’mirlanganligi.	Devor va shiftda qayta ta’mirlanganlik alomatlari yaqqol ko‘rinib turganligi. Zina maydonlari va zinapoyalarda yoriq alomatlari kattalashganligi. Binoning pol qismida kafel va tarketlarning ko‘chib ketganligi.
0.65	Devor va muhim konstruksiyalarda yoriqlarning sezilarli darajada kattalashganligi va mumkin bo‘lgan darajadan ancha yirik bo‘lgan yoriqlar ko‘payganligi.	Shift pardozlashlarining aksariyat qismlari to‘kilib ketishi, pol qismini umuman ta’mirlash imkoniyati yo‘qligi, pol qoplamalarini ko‘chib ketganligi, zaxlash va korroziya holatlari mavjudligi. Rom va eshiklarning ishlamasligi. Zinapoyalarning joyidan siljiganligi.
0.95	Binoning seysmologik jihatdan foydalanishga yaroqsizligi. Asosiy konstruksiya elementlari deformatsiya bo‘lganligi. Devor va devor to‘siqlarida foydalanishga yaroqsiz darajadagi yoriqlarning paydo bo‘lganligi.	Binoning ichki ta’mir qismi umuman foydalanish uchun yaroqsiz holatga kelgan. Romlar, eshiklar, zinapoyalar va pollar foydalanish uchun yaroqsiz.

Ko‘chmas mulkni ommaviy baholash
uslubiyotiga
4-ILOVA

_____da joylashgan ko‘chmas mulklarni ommaviy baholash natijalari to‘g‘risida

MA’LUMOT

_____ da joylashgan ko‘chmas mulk obyektlarini ommaviy baholash ishlari amalga oshirildi.

Xususan:

1. Ko‘p kvartirali uylardagi turarjoylar bo‘yicha

O‘zbekiston Respublikasi Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasi huzuridagi Kadastr agentligi (bundan buyon matnda Agentlik deb yuritiladi) tomonidan _____-yil _____dagi _____-son xat orqali _____da joylashgan _____**ta** *(maydoni _____ **kv.m**, amaldagi kadastr narxi _____**so‘m)*** ko‘p kvartirali uylardagi turarjoylar to‘g‘risidagi ma’lumotlar O‘zbekiston Respublikasi Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasi huzuridagi Kadastr agentligi huzurida Ko‘chmas mulkni ommaviy baholash milliy markaziga (bundan buyon matnda Ijro etuvchi organ deb yuritiladi) ommaviy baholash ishlarini amalga oshirish uchun taqdim etildi.

Ijro etuvchi organ tomonidan ommaviy baholash ishlari quyidagicha amalga oshirildi:

a) ko‘chmas mulk bozorida ko‘p kvartirali uylardagi turarjoylar bo‘yicha ma’lumotlar yetarlicha bo‘lganligi sababli, xorijiy tajribadan hamda Ko‘chmas mulkni ommaviy baholash uslubiyotidan (ro‘yxat raqami_____, 2026-yil __-iyun) kelib chiqib, ko‘p kvartirali uylardagi turarjoylarni baholashda _____ **yondashuvdan** foydalanildi;

b) joriy yilda elektron savdo platformalarida e’lon qilingan __**ta**, notarial idoralarda oldi-sotdi qilingan _____ **ta** ko‘p kvartirali uylardagi turarjoylar o‘rganildi;

d) narx bo‘yicha zonalashtirish uchun ko‘chmas mulk bozoridagi eng ommabop – maydoni ___**kv. m** bo‘lgan ___**xonali** ko‘p kvartirali uylardagi turarjoylar namunaviy obyekt sifatida belgilab olindi va 1 kv.m uchun o‘rtacha bozor qiymati aniqlandi;

e) _____da ko‘p kvartirali uylardagi turarjoylar mavjud bo‘lgan _____**ta** mahallalarning o‘ziga xos xususiyatlarini *(rivojlanganligi, infratuzilma, kommunikatsiya, ijtimoiy obyektlar va jamoat transportiga yaqinligi)* inobatga olgan holda narx bo‘yicha ____**ta** zonaga ajratildi;

f) ko‘p kvartirali uylardagi turarjoylarning qiymatini belgilashda **Xalqaro valyuta jamg‘armasi** va **Jahon banki** ekspertlarining tavsiyalarini hisobga olgan holda baholanadigan mulk qiymati bozor narxidan **30 foizgacha past bo‘lishi** mumkinligi inobatga olindi.

Zonalashtirish orqali aniqlangan qiymatga narxga ta’sir etuvchi quyidagi tuzatish koeffitsiyentlari kiritildi.

Narxni shakllantiruvchi omillar	**Ko‘rsatkichlar**	**Tuzatish koeffitsiyenti**
Qurilgan yili	1980-yilgacha	
	1981-2009-yilgacha	
	2010-2025-yilgacha	
Qurilish materiali	Pishgan g‘ishtli	
	Temir beton, panel, beton, monolit, shlokoblok	
	Qo‘sh sinch, xom g‘isht	
	Yog‘och	
	Gazobeton, penoblok	
Maydoni	1-50 kv.m gacha	
	50,1-70 kv.m gacha	
	70,1-85 kv.m gacha	
	85,1-100 kv.m gacha	
	100,1-200 kv.m gacha	
	200,1 kv.m dan yuqori	

Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylarning joylashgan qavatiga nisbatan tuzatishlar

18 va undan yuqori qavatli ko‘p kvartirali uylarning qavatlari	**1**	**2-6**	**7-9**	**10-15**	**16-18**	**19 va undan yuqori**
Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylar narxi ularning joylashgan qavatiga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari						
13-16 qavatli ko‘p kvartirali uylarning qavatlari	**1**	**2-6**	**7-9**	**10-12**	**13-16**	**-**

Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylar narxi ularning joylashgan qavatiga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari						-
10-12 qavatli ko‘p kvartirali uylarning qavatlari	**1**	**2-5**	**6-8**	**9-12**	-	-
Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylar narxi ularning joylashgan qavatiga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari					-	-
8 va 9 qavatli ko‘p kvartirali uylarning qavatlari	**1**	**2-4**	**5 va 6**	**7-9**	-	-
Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylar narxi ularning joylashgan qavatiga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari					-	-
6 va 7 qavatli ko‘p kvartirali uylarning qavatlari	**1**	**2-4**	**5-7**	-	-	-
Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylar narxi ularning joylashgan qavatiga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari				-	-	-
4 va 5 qavatli ko‘p kvartirali uylarning qavatlari	**1**	**2 va 3**	**4 va 5**	-	-	-
Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylar narxi ularning joylashgan qavatiga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari				-	-	-
3 qavatli ko‘p kvartirali uylarning qavatlari	**1**	**2**	**3**	-	-	-
Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylar narxi ularning joylashgan qavatiga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari				-	-	-
1 va 2 qavatli ko‘p kvartirali uylarning qavatlari	**1**	**2**	**-**	**-**	**-**	**-**

Ko‘p kvartirali uylardagi turar joylar narxi ularning joylashgan qavatiga nisbatan tuzatish koeffitsiyentlari			-	-	-	-

Narxga ta’sir etuvchi barcha omillar inobatga olingan holda _____ _____dagi _____**ta** ko‘p kvartirali uylardagi

(tuman (shahar) nomi) turarjoylar ommaviy baholandi.

Baholash natijalariga ko‘ra, ushbu ko‘p kvartirali uylardagi turarjoylarning bozor narxiga yaqin bo‘lgan qiymati _____**so‘mni** tashkil qilib, amaldagi kadastr qiymatiga (_____so‘m) nisbatan _____ **barobarga** oshdi (ushbu Ma’lumotning 1-ilovasida ko‘p kvartirali uylardagi turar joylarni ommaviy baholash natijalari to‘g‘risida ma’lumot keltirilmoqda).

Tuman va shaharlarning zonasiga qarab amaldagi kadastr qiymatiga nisbatan ko‘p kvartirali uylardagi turarjoylarning bozor narxiga yaqin bo‘lgan qiymati o‘rtasida _____**barobardan _____barobargacha** tafovut aniqlandi.

Jumladan, baholash natijalariga ko‘ra 1 kv.m uchun **eng arzon narx** (_____ tumani (shahari) _____ **so‘mni** (kadastr qiymati _____ so‘m), **eng qimmat narx** (_____tumani (shahari) 1-zona) _____ **so‘mni** (kadastr qiymati _____mln.so‘m) tashkil etdi.

Misol uchun, _____ tumani (shahari) 1-zonada joylashgan maydoni _____ **kv.m** ko‘p kvartirali uylardagi turarjoylarning baholangan qiymati _____ **so‘mni** (kadastr qiymati _____ so‘m), _____ tumanida (shaharida) joylashgan maydoni _____ **kv.m** bo‘lgan kvartirali uylardagi turarjoylarning qiymati _____ **so‘mni** (kadastr qiymati _____so‘m) tashkil etmoqda.

2. Yakka tartibdagi turarjoylar bo‘yicha

Agentlik tomonidan _____-yil _____dagi _____-sonli xat orqali _____da joylashgan _____**ta** *(yer maydoni* ***_____ gektar****, bino va inshootlarning tashqi o‘lchov maydoni* ***_____kv.m****, amaldagi kadastr narxi* ***_____ so‘m)*** yakka tartibdagi turarjoylar to‘g‘risidagi ma’lumotlar **Ijro etuvchi organga** ommaviy baholash ishlarini amalga oshirish uchun taqdim etildi.

Ijro etuvchi organ tomonidan ommaviy baholash ishlari quyidagicha amalga oshirildi:

a) ko‘chmas mulk bozorida yakka tartibdagi turarjoylar bo‘yicha ma’lumotlar yetarlicha bo‘lganligi sababli, xorijiy tajribadan hamda Ko‘chmas mulkni ommaviy baholash uslubiyotidan (ro‘yxat raqami_____, 2026-yil _-iyun) kelib chiqib, obyektlarni baholashda _____ **yondashuvdan** foydalanildi;

b) joriy yilda elektron savdo platformalarida e’lon qilingan _____**ta**, notarial idoralarda oldi-sotdi qilingan _____**ta** yakka tartibdagi turarjoylar o‘rganildi;

d) narx bo‘yicha zonalashtirish uchun ko‘chmas mulk bozoridagi eng ommabop yer maydoni _____**kv.m,** bino va inshootlar _____**kv.m** bo‘lgan yakka tartibdagi turarjoylar namunaviy obyekt sifatida belgilab olindi va yer uchastkasi hamda bino va inshootlarning bir kvadrat metr uchun o‘rtacha bozor qiymati aniqlandi;

e) _____da yakka tartibdagi turarjoylar mavjud bo‘lgan **__ta** mahallalarning o‘ziga xos xususiyatlarini *(rivojlanganligi, infratuzilma, kommunikatsiya, ijtimoiy obyektlar va jamoat transportiga yaqinligi)* inobatga olgan holda narx bo‘yicha _____**ta** zonaga ajratildi;

f) obyektlarning qiymatini belgilashda **Xalqaro valyuta jamg‘armasi** va **Jahon banki** ekspertlarining tavsiyalarini hisobga olgan holda baholanadigan mulk qiymati bozor narxidan **30 foizgacha past bo‘lishi** inobatga olinishi mumkin.

Zonalashtirish orqali aniqlangan qiymatga narxga ta’sir etuvchi quyidagi tuzatish koeffitsiyentlari kiritildi.

Narxga ta’sir etuvchi omillar	**Ko‘rsatkichlar**	**Tuzatish koeffitsiyenti**
Qurilgan yili	1950-yilgacha	
	1951-1970-yilgacha	
	1971-1990-yilgacha	
	1991-2020-yilgacha	
	2021-2025-yilgacha	
Qurilish materiali	Pishgan g‘ishtli, beton, temir beton, panel, gazablok, temir ustun, monolit	
	Shlokoblok, sendvich-panel va boshqa turdagi yuk ko‘taruvchi konstruksiyalar	

	Paxsa, yog‘och devor, yog‘och ustun, xom g‘isht va sinchlar	
Yer maydoni	200 kv.m gacha	
	200,1-300 kv.m gacha	
	300,1-400 kv.m gacha	
	400-,1-500 kv.m gacha	
	500,1-600 kv.m gacha	
	600,1-800 kv.m gacha	
	800,1-1000 kv.m gacha	
	1000,1-5000 kv.m gacha	
	5000,1 kv.m. dan yuqori	
Bino maydoni	1-50 kv.m gacha	
	50,1-100 kv.m gacha	
	100,1-150 kv.m gacha	
	150,1-200 kv.m gacha	
	200,1-300 kv.m gacha	
	300,1-500 kv.m gacha	
	500,1-1 000 kv.m gacha	
	1000,1 kv.m dan yuqori	

Narxga ta’sir etuvchi barcha omillar inobatga olingan holda _____dagi _____**ta** yakka tartibdagi turarjoylar ommaviy baholandi.

Baholash natijalariga ko‘ra, ushbu yakka tartibdagi turarjoylarning bozor narxiga yaqin bo‘lgan qiymati _____**so‘mni** tashkil qilib, amaldagi kadastr qiymati va yer solig‘i summasiga (_____ so‘m) nisbatan ____ **barobarga** oshdi (ushbu Ma’lumotning 2-ilovasida yakka tartibdagi turarjoylarni ommaviy baholash natijalari to‘g‘risida ma’lumot keltirilmoqda).

Tumanlarning zonasiga qarab amaldagi kadastr qiymatiga nisbatan yakka tartibdagi turarjoylarning bozor narxiga yaqin bo‘lgan qiymati o‘rtasida **_____barobardan _____barobargacha** tafovut aniqlandi.

Jumladan, baholash natijalariga ko‘ra 1 sotix yer uchastkasiga **eng arzon narx** (_____ tumani (shahari) _-zonasi) _____ **so‘mni**, eng qimmat narx (_____tumani (shahari) _-zonasi) _____**so‘mni** tashkil etdi.

Xuddi shunday, yakka tartibdagi turarjoy uchun qurilgan binoning bir kv.m uchun **eng arzon narx** (_____tumani (shahari) _-zonasi) _____ **so‘mni**, **eng qimmat narx** (_____ tumani (shahari) _-zonasi) _____**so‘mni** tashkil etdi.

Masalan, _____ tumani _-zonasida joylashgan yer uchastkasining maydoni _____**kv.m** hamda binoning tashqi o‘lchov maydoni _____**kv.m** bo‘lgan yakka tartibdagi turarjoyning bozor narxiga yaqin bo‘lgan qiymati _____ **so‘mni** (kadastr qiymati _____ so‘m), _____tumani _-zonasida joylashgan yakka tartibdagi turarjoyning bozor narxiga yaqin bo‘lgan qiymati _____**so‘mni** (kadastr qiymati _____so‘m) tashkil etmoqda.

3. Noturar obyektlar bo‘yicha

Agentlik tomonidan _____-yil _____dagi _____-son xat orqali _____da joylashgan _____**ta** *(yer maydoni* _____ ***gektar****, bino va inshootlarning tashqi o‘lchov maydoni* _____**kv.m***)* noturar obyektlar to‘g‘risidagi ma’lumotlar Milliy markazga ommaviy baholash ishlarini amalga oshirish uchun taqdim etildi.

Milliy markaz tomonidan ommaviy baholash ishlari quyidagicha amalga oshirildi:

a) ko‘chmas mulk bozorida noturar obyektlar bo‘yicha ma’lumotlar yetarlicha bo‘lganligi sababli, xorijiy tajribadan hamda Ko‘chmas mulkni ommaviy baholash uslubiyotidan (ro‘yxat raqami_____, 2026-yil _-iyun) kelib chiqib, ushbu obyektlarni baholashda _____ **yondashuvdan** (_____ usul) foydalanildi;

b) joriy yilda elektron savdo platformalarida e’lon qilingan _____**mingta**, notarial idoralarda oldi-sotdi qilingan _____**ta** noturar obyektlar o‘rganildi;

d) noturar obyektlarni faoliyat turiga qarab __**ta guruhga** (tijorat, omborxona va ishlab chiqarish) hamda joylashuviga qarab ____**ta toifaga** (1-4-darajali yo‘llar) ajratgan holda narx bo‘yicha zonalashtirilib, baholash ishlari amalga oshirildi;

e) _____da noturar obyektlar mavjud bo‘lgan _____**ta** mahallalarning o‘ziga xos xususiyatlarini *(rivojlanganligi, infratuzilma, kommunikatsiya, ijtimoiy obyektlar va jamoat transportiga yaqinligi)* inobatga olgan holda narx bo‘yicha ____**ta** toifaga ajratildi;

f) obyektlarning qiymatini belgilashda **Xalqaro valyuta jamg‘armasi** va **Jahon banki** ekspertlarining tavsiyalarini hisobga olgan holda baholanadigan mulk qiymati bozor narxidan **30 foizgacha past bo‘lishi** inobatga olinishi mumkin.

Zonalashtirish orqali aniqlangan qiymatga narxga ta’sir etuvchi quyidagi tuzatish koeffitsiyentlari kiritildi.

Narxga ta’sir etuvchi omillar	**Ko‘rsatkichlar**	**Tuzatish koeffitsiyenti**
Qurilgan yili	1950-yilgacha	
	1951-1970-yilgacha	
	1971-1990-yilgacha	
	1991-2015- yilgacha	
	2016-2025- yilgacha	
Qurilish materiali	Pishgan g‘ishtli, beton, temir beton, panel, gazablok, temir ustun, g‘ishtli ustun, shlokoblok	
	Sendvich-panel, toshli devor va boshqa turdagi yuk ko‘taruvchi konstruksiyalar	
	Paxsa, yog‘och devor, yog‘och ustun, xom g‘isht va sinchlar	
Yer maydoni	1500 kv.m gacha	
	1500,1-5000 kv.m gacha	
	5000,1-10000 kv.m gacha	
	10000,1-30000 kv.m gacha	
	30000,1-60000 kv.m gacha	
	60000,1-100000 kv.m gacha	
	100000,1-200000 kv.m gacha	
	200000,1 dan yuqori	
Bino maydoni	200 kv.m gacha	
	200,1-1500 kv.m gacha	
	1500,1-3000 kv.m gacha	
	3000,1-10000 kv.m gacha	
	10000,1-300000 kv.m gacha	

	300000,1-500000 kv.m gacha	
	500000 kv.m dan yuqori	

Narxga ta’sir etuvchi barcha omillar inobatga olingan holda _____dagi _____**ta** noturar obyektlar ommaviy baholandi.

Baholash natijalariga koʻra, ushbu noturar obyektlarning bozor narxiga yaqin boʻlgan qiymati _____ **soʻmni** tashkil qilib, amaldagi kadastr, mustaqil baholash, yer soligʻi summasi hamda soliq solishdagi minimal qiymatiga (_____ soʻm) nisbatan _____ **barobarga** oshdi (ushbu Ma’lumotning 3-ilovasida noturar obyektlarni ommaviy baholash natijalari toʻgʻrisida ma’lumot keltirilmoqda).

Tumanning (shaharning) rivojlanish darajasidan kelib chiqib, amaldagi qiymatiga nisbatan noturar obyektlarning bozor narxiga yaqin boʻlgan qiymati oʻrtasida ____**barobardan _____barobargacha** tafovut aniqlandi.

Jumladan, baholash natijalariga koʻra 1 sotix yer uchastkasining **eng arzon narx** (_____ tumani (shahari) _____ **soʻmni**, eng qimmat narx (_____tumani (shahari) _____**soʻmni** tashkil etdi.

Xuddi shunday, noturar obyekt uchun qurilgan binoning bir kv.m uchun **eng arzon narx** (_____tumani (shahari) _____**soʻmni**, **eng qimmat narx** (_____ tumani (shahari) _____ **soʻmni** tashkil etdi.

_____da joylashgan ko‘chmas mulklarni dastlabki ommaviy baholash natijalari to‘g‘risidagi ma'lumotga
1- ILOVA

_____dagi ko‘p kvartirali uylardagi turarjoylarni ommaviy baholash natijalari to‘g‘risida

MA’LUMOT

T/r	Hudud nomi	MFY soni	Zonalar soni	Ko‘p qavatli uylar soni	Jami kvartiralar (xonadonlar)			Zona bo‘yicha narxi (1 kv.m uchun so‘m)		Bozor narxiga yaqin qiymati (so‘m)	Kadastr qiymatiga nisbatan farqi	
					soni	maydoni (ming kv.m)	kadastr qiymati (mlrd.so‘m)	minimal	maksimal		+/-	%
Jami												
1.												
2.												
..												

_____da
joylashgan ko‘chmas
mulklarni dastlabki
ommaviy baholash
natijalari to‘g‘risidagi
ma’lumotga
2- ILOVA

_____dagi yakka tartibdagi turarjoylarni ommaviy baholash natijalari to‘g‘risida

MA’LUMOT

T/r	Hudud nomi	MFY soni	Zonalar soni	Jami yakka tartibdagi turarjoylar			Amaldagi qiymati (so‘m)				Bozor narxiga yaqin qiymati (so‘m)			Kadastr qiymatiga nisbatan farqi (so‘m)		Yer narxi (1 sotix uchun-so‘mda)		Bino narxi (1 kv.m uchun - so‘mda)	
				Soni	Yer maydoni (ga)	Bino maydoni (ming kv.m)	Jami	*shundan*			Jami	*shundan*							
								Kadastr qiymati	Yer qiymati	Yer solig‘i		Bino narxi	Yer narxi	+/-	%	min	maks	min	maks
Jami:																			
1.																			
2.																			
...																			

QMMB: 10/26/3858/0634-son
26.06.2026-y.

_____da joylashgan
ko‘chmas mulklarni dastlabki
ommaviy baholash natijalari
to‘g‘risidagi ma'lumotga
3- ILOVA

_____dagi noturar obyektlarni ommaviy baholash natijalari to‘g‘risida

MA’LUMOT

T/r	Hudud nomi	MFY soni	Toifa soni (a-d)	Jami noturar obyektlar soni	Jami noturar obyektlar (Ijtimoiy soha va budjet tashkilotlaridan tashqari)			Amaldagi qiymati (so‘m)				Bozor narxiga yaqin qiymati (so‘m)			Amaldagi qiymatga nisbatan farqi (so‘m)		Yer narxi (1 sotix uchun-so‘mda)		Bino narxi (1 kv.m uchun - so‘mda)		Yordamchi bino narxi (1 kv.m uchun - so‘mda)	
					Soni	Yer maydoni (ga)	Bino maydoni (ming kv.m)	Jami	*shundan*			Jami	*shundan*									
									Bino narxi*	Yer qiymati	Yer solig‘i		Bino narxi	Yer narxi	+/-	%	min	maks	min	maks	min	maks
Jami:																						
1																						
2																						
…																						

Ko‘chmas mulkni ommaviy baholash uslubiyotiga
5-ILOVA

Namuna

O‘zbekiston Respublikasi Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasi huzuridagi Kadastr agentligining Ko‘chmas mulkni ommaviy baholash milliy markazi

Chop etilgan sana: 20__-yil __-_____

Ko‘chmas mulkni ommaviy baholash natijasi to‘g‘risida MA’LUMOT

1. Umumiy ma’lumot:	**Ko‘rsatkich**	
Ko‘chmas mulk obyekti turi:	Turar	
Ko‘chmas mulk obyekti nomi:	Yakka tartibdagi turar joy	
Kadastr raqami:	10:01:06:01:01:5314	
Joylashgan joyi:	Toshkent shahar, Uchtepa tumani, Paxtakor MFY, Kichik Xalqa yo‘li ko‘chasi, 777-uy	
Huquq egasi:	Abdullayev Abdulla Abdullayevich	
STIR (JShShIR):	31515510171922	
Obyektning narx bo‘yicha zonasi / toifasi:	1	
Yer uchastkasining zona bo‘yicha o‘rtacha narxi (kv.m):	4 029 120 so‘m	
Bino va inshootning zona bo‘yicha o‘rtacha narxi (kv.m):	3 664 200 so‘m	
Ommaviy baholash amalga oshirilgan sana:	01.07.2026-yil	
Obyektning qiymatini aniqlash usuli:	Qiyosiy yondashuv	
2. Ko‘chmas mulkning xususiyatlari:	**Ko‘rsatkich**	**Qo‘llanilgan tuzatish koeffitsiyentlari:**
Qurilgan yili:	1986-yil	
Yer uchastkasining umumiy maydoni (kv.m):	627	
Bino va inshootlarning tashqi o‘lchov maydoni (kv.m):	208,9	
Asosiy binolar tashqi maydoni:	142,78	
Yordamchi binolar tashqi maydoni:	66,12	
Umumiy foydalanish maydoni (kv.m):	52,96	
Yashash maydoni (kv.m):	34,65	
Xonalar soni:	2	

QMMB: 10/26/3858/0634-son
26.06.2026-y.

Qurilish materiali:	Pishiq g‘isht	
Binoning qavatliligi:	1	
Obyekt joylashgan qavati:		

Obyektning bozor narxiga yaqin qiymatini =2 771 227 563 сум:

OQ = (BN×BM×K1×K2×…×Kn) + (YEN×YEM×K1×K2×…×Kn)
OQ – Obyektning bozor narxiga yaqin bo‘lgan qiymati;
BN – bino va inshootning zona bo‘yicha 1kv.m uchun o‘rtacha narxi;
BM – binoning maydoni;
YEN – yer uchastkasining zona bo‘yicha 1 kv.m. uchun narxi o‘rtacha narxi;
YEM – yer uchastkasining maydoni;
K1, K2…Kn – narxni shakllantiruvchi omillarni aks ettiruvchi koeffitsiyentlar.
Obyektlarning yordamchi bino va inshootlari qiymatini aniqlashda asosiy binosining 1 kv.m uchun hisoblab chiqarilgan qiymatining 20 foizi miqdoriga qabul qilinadi.

O‘zbekiston Respublikasi Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasi huzuridagi Kadastr agentligining Ko‘chmas mulkni ommaviy baholash milliy markazi

O‘zbekiston Respublikasi Urbanizatsiya va uy-joy
bozorini barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasi
huzuridagi Kadastr agentligi direktorining
2026-yil 18-maydagi 74-10-son buyrug‘iga
2-ILOVA

O‘z kuchini yo‘qotgan deb topilayotgan idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar RO‘YXATI

1. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 7-iyuldagi 269-son “Ko‘chmas mulkni ommaviy baholash uslubiyotini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3649, 2025-yil 14-iyul) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 14.07.2025-y., 10/25/3649/0612-son) o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

2. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2026-yil 13-martdagi 9-mh-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3788, 2026-yil 16-mart) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 16.03.2026-y., 10/26/3788/0242-son) bilan tasdiqlangan Vazirliklar va idoralar tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga kiritilayotgan o‘zgartirishlarning 21-bandi.

25 (1253)-son
632-modda

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3859
2026 - yil 25 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI HUZURIDAGI IJTIMOIY HIMOYA MILLIY AGENTLIGI DIREKTORINING BUYRUG‘I

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligi tizimidagi tibbiy-ijtimoiy muassasalarning ayrim lavozimlari uchun mehnatga haq to‘lash shartlarini tasdiqlash to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2026-yil 27-apreldagi 69-son “Ruhiy holati buzilgan nogironligi bo‘lgan shaxslarga ijtimoiy xizmat ko‘rsatish tizimini tubdan takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman**:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligi tizimidagi tibbiy-ijtimoiy muassasalarning ayrim lavozimlari uchun mehnatga haq to‘lash shartlari ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори

17-Iyun 2026-yil

1 son

OLLOYOROV MANSURBEK POLVONZODA

Kelishildi:

Vazir
25-May 2026-yil

KUCHKAROV DJAMSHID ANVAROVICH

Vazir
18-May 2026-yil

ZAXIDOV BOTIR ERKINOVICH

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligi direktorining 2026-yil 17-iyundagi 1-son buyrug‘iga ILOVA

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligi tizimidagi tibbiy-ijtimoiy muassasalarning ayrim lavozimlari uchun MEHNATGA HAQ TO‘LASH SHARTLARI

I. Ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash markazlari, Nogironligi bo‘lgan shaxslar uchun “G‘amxo‘rlik” markazlarining direktorlari va direktor o‘rinbosarlari,
Nogironligi bo‘lgan shaxslarni reabilitatsiya qilish va protezlash milliy markazi, uning hududiy markazlari, Keksalar, nogironligi bo‘lgan shaxslar, urush va mehnat faxriylari uchun sanatoriylar bosh vrachi o‘rinbosarlarining mehnatiga haq to‘lash guruhlari:*

Mehnatga haq to‘lash guruhlari	**Muassasadagi koyka-o‘rinlar soni**
IV	150 tagacha
III	150 tadan 250 tagacha
II	250 tadan 400 tagacha
I	400 ta va undan ortiq

II. Ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash markazlari, Nogironligi bo‘lgan shaxslar uchun “G‘amxo‘rlik” markazlarining direktorlari va direktor o‘rinbosarlari, Nogironligi bo‘lgan shaxslarni reabilitatsiya qilish va protezlash milliy markazi, uning hududiy markazlari, Keksalar, nogironligi bo‘lgan shaxslar, urush va mehnat faxriylari uchun sanatoriylar bosh vrachi o‘rinbosarlarining Mehnatga haq to‘lash yagona tarif setkasiga muvofiq mehnatga haq to‘lash razryadlari:*

Mehnatga haq to‘lash guruhlari	**Mehnatga haq to‘lash razryadi**	
	Direktor	**Direktor va bosh vrachning o‘rinbosarlari**
IV guruh	13	12
III guruh	14	13
II guruh	15	14
I guruh	16	15

III. Ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash markazlari, Nogironligi bo‘lgan shaxslar uchun “G‘amxo‘rlik” markazlari direktorining tibbiyot ishlari bo‘yicha o‘rinbosarlari, shuningdek Nogironligi bo‘lgan shaxslarni reabilitatsiya qilish va protezlash milliy markazi, uning hududiy markazlari, Keksalar, nogironligi bo‘lgan shaxslar, urush va mehnat faxriylari uchun sanatoriylar bosh vrachlari, ularning tibbiyot ishlari bo‘yicha o‘rinbosarlari va bosh hamshiralarining O‘zbekiston Respublikasi davlat muassasalari tibbiyot va farmatsevtika xodimlari mehnatiga haq to‘lashning tarif setkasiga muvofiq mehnatga haq to‘lash razryadlari:

Lavozim nomi	**Tibbiyot va farmatsevtika xodimlari mehnatiga haq to‘lashning tarif setkasi bo‘yicha razryadlar**

Bosh vrach	8
Tibbiyot ishlari bo‘yicha o‘rinbosar	7
Bosh hamshira	5
IV. Ijtimoiy qoʻllab-quvvatlash markazlari, Nogironligi bo‘lgan shaxslar uchun “G‘amxo‘rlik” markazlari, Nogironligi boʻlgan shaxslarni reabilitatsiya qilish va protezlash milliy markazi, uning hududiy markazlari, Keksalar, nogironligi boʻlgan shaxslar, urush va mehnat faxriylari uchun sanatoriylarning bosh buxgalter, buxgalter, iqtisodchi, kadrlar bo‘yicha inspektor va ijtimoiy xodim lavozimlarining Mehnatga haq toʻlash yagona tarif setkasi bo‘yicha mehnatga haq to‘lash razryadlari:	
Lavozim nomi	**Mehnatga haq to‘lash razryadi**
Bosh buxgalter	14
Buxgalter, iqtisodchi, kadrlar bo‘yicha inspektor va ijtimoiy xodim	12
V. Davlat budjeti mablag‘lari hisobidan Ijtimoiy qoʻllab-quvvatlash markazlari, Nogironligi bo‘lgan shaxslar uchun “G‘amxo‘rlik” markazlari, Nogironligi boʻlgan shaxslarni reabilitatsiya qilish va protezlash milliy markazi, uning hududiy markazlari, Keksalar, nogironligi boʻlgan shaxslar, urush va mehnat faxriylari uchun sanatoriylar direktor (bosh vrach)lari, direktor (bosh vrach)ning o‘rinbosarlari, bosh buxgalteri, buxgalteri, iqtisodchisi, kadrlar bo‘yicha inspektori va ijtimoiy xodimlariga ko‘p yillik faoliyati uchun quyidagi miqdorlarda har oylik ustama to‘lanadi:**	
Ish staji	**Ustama miqdori (lavozim maoshiga nisbatan foizda)**
1 yildan 3 yilgacha	30
3 yildan 5 yilgacha	60
5 yildan 10 yilgacha	80
10 yildan 15 yilgacha	100
15 yil va undan yuqori	120

Izoh:

**1 va 2-bo‘limlarda belgilangan guruhlar va razryadlar:*

Nogironligi boʻlgan shaxslarni reabilitatsiya qilish va protezlash milliy markazi, uning hududiy markazlari, Keksalar, nogironligi boʻlgan shaxslar, urush va mehnat faxriylari uchun sanatoriylarda tibbiyot sohasida mutaxassislikka ega bo‘lmagan shaxslar rahbarlikka tayinlanishi munosabati bilan bosh vrach shtat birligi o‘rniga kiritiladigan direktor shtat birligi uchun ham qo‘llaniladi;

Ijtimoiy qoʻllab-quvvatlash markazlari, Nogironligi bo‘lgan shaxslar uchun “G‘amxo‘rlik” markazlari, Nogironligi boʻlgan shaxslarni reabilitatsiya qilish va protezlash milliy markazi, uning hududiy markazlari, Keksalar, nogironligi boʻlgan shaxslar, urush va mehnat faxriylari uchun sanatoriylar direktor (bosh vrach)larining tibbiyot ishlari bo‘yicha o‘rinbosarlariga nisbatan tatbiq etilmaydi.

***Ustama belgilangan shaxslarning ish stajini hisoblashda ularning mehnat daftarchasi, shu jumladan elektron mehnat daftarchasida ko‘rsatilgan davlat va nodavlat tashkilotlarida*

mehnat faoliyati amalga oshirilgan barcha davrlardagi umumiy ish staji inobatga olinadi.

Agar qonunchilik hujjatlarida xodimlarning lavozimlari bo‘yicha mehnatga haq to‘lash razryadlari mazkur razryadlardan yuqori belgilangan bo‘lsa, ish haqi va ustama mehnatga haq to‘lashning yuqoriroq razryadlari va miqdorlari bo‘yicha to‘lanadi.

25 (1253)-сон
633-модда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3860
2026 - yil 25 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ISTIQBOLLI LOYIHALAR MILLIY AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG‘I

Qimmatli qog‘ozlar bilan repo bitimlarini amalga oshirish to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasining “Qimmatli qogʻozlar bozori toʻgʻrisida”gi Qonuni hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 27-iyuldagi PQ–3150-son “Oʻzbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi faoliyatini tashkil etish toʻgʻrisida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. Qimmatli qog‘ozlar bilan repo bitimlarini amalga oshirish to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq rasmiy eʼlon qilingan kundan eʼtiboran kuchga kiradi.

Direktor
07-May 2026-yil
15- son

LI DMITRIY ROMANOVICH

O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi
direktorining 2026-yil 25-iyundagi 9-n--son buyrug‘iga
ILOVA

Qimmatli qog‘ozlar bilan repo bitimlarini amalga oshirish to‘g‘risidagi NIZOM

Mazkur Nizom O‘zbekiston Respublikasi hududida qimmatli qog‘ozlar bilan repo bitimlarini amalga oshirish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Ushbu Nizomning amal qilishi O‘zbekiston Respublikasi rezidentlari tomonidan O‘zbekiston Respublikasi hududida aksiyalar, obligatsiyalar va qimmatli qog‘ozlarning hosilalari bilan amalga oshiriladigan repo bitimlariga tatbiq etiladi.

Mazkur Nizom davlat qimmatli qog‘ozlari bilan amalga oshiriladigan repo bitimlariga nisbatan tatbiq etilmaydi.

2. Ushbu Nizom maqsadlarida quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

repo bitimi – bitim shartlari bilan belgilangan muddat va bahoda qimmatli qog‘ozlarni qayta sotib olish (sotish) sharti bilan tuziladigan oldi-sotdi bitimi;

repo tashabbuskori – savdo tizimida repo bitimida ishtirok etish taklifi bilan buyurtma bergan tomon;

repo akseptanti – savdo tizimida repo tashabbuskori bilan bitim tuzgan tomon;

savdo tizimi – repo bitimi bo‘yicha elektron savdolar amalga oshiriladigan, uning asosida buyurtmalarni ro‘yxatga olish, qimmatli qog‘ozlar va pul mablag‘larining hisobini yuritish, bitimlarni avtomatik tarzda tuzish imkonini beruvchi fond birjasining va qimmatli qog‘ozlarning birjadan tashqari savdosi tashkilotchisining (bundan buyon matnda qimmatli qog‘ozlar savdosining tashkilotchilari deb yuritiladi) avtomatlashtirilgan elektron tizimi;

qimmatli qog‘ozlar – hujjatlar bo‘lib, ular mazkur hujjatlarni chiqargan yuridik shaxs bilan ularning egasi o‘rtasidagi mulkiy huquqlarni yoki qarz munosabatlarini tasdiqlaydi, dividendlar yoki foizlar tarzida daromad to‘lashni hamda ushbu hujjatlardan kelib chiqadigan huquqlarni boshqa shaxslarga o‘tkazish imkoniyatini nazarda tutadi;

birjaning kotirovkalash varag‘iga kiritilgan qimmatli qog‘ozlar – fond birjasi tomonidan belgilangan savdo qoidalari talablariga muvofiq fond birjasining kotirovkalash varag‘iga kiritilgan qimmatli qog‘ozlar;

mukofot – repo bitimi bo‘yicha pul mablag‘laridan foydalanish evaziga repo tashabbuskori tomonidan repo akseptantiga to‘lanadigan, qimmatli qog‘ozlar qiymatiga nisbatan foizlarda belgilanadigan hamda qimmatli qog‘ozlarni dastlabki sotish va qayta sotib olish narxlari o‘rtasidagi farqni ifodalaydigan haq;

qimmatli qog‘ozlar bozorini tartibga solish bo‘yicha vakolatli davlat organi – O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi.

2-bob. Repo bitimlarini amalga oshirishga qo‘yiladigan talablar

3. O‘zbekiston Respublikasi rezidentlari tomonidan qimmatli qog‘ozlar bilan repo bitimlarini tuzish qimmatli qog‘ozlar savdosi tashkilotchilarining savdo tizimlarida amalga oshiriladi.

Birjaning kotirovkalash varag‘iga kiritilgan qimmatli qog‘ozlar repo bitimlarining ta’minoti sifatida kiritilishi mumkin. Bunda emitent yoki qimmatli qog‘ozning O‘zbekiston Respublikasining suveren kredit reytingidan ko‘pi bilan ikki pog‘ona past bo‘lgan xalqaro kredit reytingi yoki uning milliy reyting shkalasi bo‘yicha ekvivalenti mavjud bo‘lgan taqdirda, ulardan ta’minot sifatida foydalanishga ruxsat etiladi.

4. Joylashtirilmagan qimmatli qog‘ozlar, shuningdek emitent tomonidan sotib olingan yoki emitent tasarrufiga boshqacha tarzda kelib tushgan qimmatli qog‘ozlar (obligatsiyalar va qimmatli qog‘ozlarning hosilalari bundan mustasno) bilan repo bitimlarini amalga oshirishga yo‘l qo‘yilmaydi.

5. Repo bitimi repo tashabbuskori va repo akseptanti o‘rtasida tuziladi va unda qimmatli qog‘ozlarni dastlabki sotish (sotib olish) shartlari (narxi, miqdori va taraflarning kelishuviga ko‘ra boshqa shartlar), shuningdek qimmatli qog‘ozlarni qayta sotib olish (sotish) shartlari (muddati, miqdori, narxi va taraflarning kelishuviga ko‘ra boshqa shartlar) bo‘lishi kerak.

6. Repo bitimi savdo tizimida ro‘yxatdan o‘tkazilgan paytdan e’tiboran kuchga kiradi.

7. Repo bitimlarini ro‘yxatdan o‘tkazish tartibi va shartlari, shuningdek pul mablag‘larini deponentlash va qimmatli qog‘ozlarni repo bitimlari bo‘yicha blokirovka qilish muddatlari, tartibi va shartlari qimmatli qog‘ozlar savdosining tashkilotchisi tomonidan uning qoidalari bilan belgilanadi.

3-bob. Repo bitimlarini tuzish shartlari

8. Repo tashabbuskori qimmatli qog‘ozlar savdosi tashkilotchisining savdo tizimida repo bitimini tuzish bo‘yicha buyurtma berishi mumkin.

9. Taqdim etilgan buyurtmalar qimmatli qog‘ozlarni dastlabki sotish (sotib olish) narxini, qayta sotib olish (sotish) muddatini va mukofot miqdorini (qimmatli qog‘ozlarning umumiy qiymatiga nisbatan yillik foizlarda) o‘z ichiga olishi kerak.

Ustav fondida (ustav kapitalida) davlat ulushi bo‘lgan va repo bitimi bo‘yicha akseptant vazifasini bajaruvchi yuridik shaxs repo bitimi bo‘yicha mukofot miqdorini bitim tuzilgan sanadagi O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining qayta moliyalashtirish stavkasidan kam bo‘lmagan miqdorda belgilashi shart.

Repo bitimi bo‘yicha mukofot o‘tkazilgan savdolar yakunlari bo‘yicha yillik foiz hisobida repo bitimida belgilanadi.

10. Repo bitimi o‘zaro bog‘liq bo‘lgan ikki qismdan iborat bo‘lib, unda quyidagilar amalga oshiriladi:

birinchi qismda qimmatli qog‘ozlarni repo bitimida belgilangan shartlarda sotish (sotib olish);

ikkinchi qismda qimmatli qog‘ozlarni repo bitimida nazarda tutilgan muddatda va shartlarda qayta sotib olish (sotish).

11. Repo bitimining muddati repo bitimining birinchi qismi ro‘yxatga olingan sanadan repo bitimining ikkinchi qismi ijro etiladigan sanagacha bo‘lgan davr hisoblanadi.

12. Repo akseptanti repo tashabbuskorining repo bitimini tuzish to‘g‘risidagi buyurtmasini savdo tizimida qabul qilgan paytdan boshlab repo bitimi savdo tizimida avtomatik ravishda tuzilgan va ro‘yxatga olingan hisoblanadi.

13. Repo bitimining ikkinchi qismi repo bitimida belgilangan muddat tugaganda repo bitimi ro‘yxatdan o‘tkazilgan savdo tizimida avtomatik ravishda ijro etiladi hamda qimmatli qog‘ozlar va pul mablag‘lari bo‘yicha hisob-kitoblar savdo tizimi qoidalariga muvofiq amalga oshiriladi.

14. Repo bitimining shartlari va muddatlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish repo bitimi taraflarining o‘zaro roziligiga asosan amalga oshiriladi.

Repo bitimi taraflari repo bitimining ikkinchi qismi ijro etiladigan sanadan kamida bir ish kuni oldin repo bitimining shartlari va muddatlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida qimmatli qog‘ozlar savdosining tashkilotchisiga savdo tizimi qoidalariga muvofiq murojaat qilishga haqli.

Bunda, repo bitimining shartlari va muddatlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalarni savdo tizimida ro‘yxatdan o‘tkazish talab etilmaydi.

15. Repo bitimining ikkinchi qismi bo‘yicha taraflarning huquq va majburiyatlari repo bitimining birinchi qismiga nisbatan teskari tartibda amalga oshiriladi. Bunda, qimmatli qog‘ozlarni repo bitimining birinchi qismida sotgan taraf ikkinchi qismda ularni qayta sotib oluvchi, qimmatli qog‘ozlarni repo bitimining birinchi qismida sotib olgan taraf esa ikkinchi qismda ularni qayta sotuvchi hisoblanadi.

16. Repo bitimlari bo‘yicha qonunchilik hujjatlariga muvofiq qimmatli qog‘ozlarga oid huquq va majburiyatlar repo bitimining muddati davomida repo tashabbuskoridan repo akseptantiga o‘tadi.

17. Repo bitimining ikkinchi qismi bo‘yicha taraflarning majburiyatlari repo bitimining birinchi qismi to‘liq ijro etilgandan so‘ng yuzaga keladi.

18. Qimmatli qog‘ozlar savdosining tashkilotchisi repo bitimining ikkinchi qismi ijro etiladigan sanadan kamida bir kun oldin repo bitimi taraflariga repo bitimining ikkinchi qismi ijro etilishi to‘g‘risida xabarnoma yuboradi.

19. Savdo tizimi repo bitimining ikkinchi qismini ijro etishdan oldin repo bitimi taraflarining pul mablag‘lari va qimmatli qog‘ozlari repo bitimi bo‘yicha majburiyatlarni to‘liq bajarish uchun yetarliligini tekshiradi.

Repo bitimi taraflarining pul mablag‘lari va (yoki) qimmatli qog‘ozlari repo bitimining ikkinchi qismi bo‘yicha majburiyatlarni to‘liq bajarish uchun yetarli bo‘lgan taqdirda, savdo tizimi pul mablag‘lari va qimmatli qog‘ozlar bo‘yicha hisob-kitoblarni avtomatik ravishda amalga oshirilishini ta’minlaydi hamda repo bitimining ikkinchi qismi ijro etilgan deb hisoblanadi.

20. Repo bitimining ikkinchi qismi ijro etiladigan sanada majburiyatlarni bajarish uchun zarur bo‘lgan pul mablag‘lari va (yoki) qimmatli qog‘ozlarning yetarliligi ta’minlanmagan taqdirda, yetarlilik shartini bajarmagan taraf repo bitimi bo‘yicha o‘z majburiyatlarini bajarmagan deb hisoblanadi va qonunchilik hujjatlarida hamda repo bitimi shartlarida belgilangan tartibda javobgar bo‘ladi. Savdo tizimida yoki Qimmatli qog‘ozlar markaziy depozitariysining tizimida yuzaga kelgan texnik nosozliklar sababli yetarlilik shartlarining bajarilmaslik holatlari bundan mustasno.

21. Repo bitimiga muvofiq qayta sotib olinadigan (qayta sotiladigan) qimmatli qog‘ozlar soni repo bitimi bo‘yicha dastlabki sotilgan (sotib olingan) qimmatli qog‘ozlar soniga teng bo‘lishi kerak.

22. Qimmatli qog‘ozlar bilan repo bitimlari, agar qonunchilik hujjatlarida boshqacha tartib belgilanmagan bo‘lsa, faqat O‘zbekiston Respublikasining milliy valyutasida amalga oshiriladi.

4-bob. Repo bitimlari bo‘yicha hisobot

23. Qimmatli qog‘ozlar savdosining tashkilotchisi o‘zi tomonidan ro‘yxatga olingan repo bitimlarining alohida xronologik hisobini yuritishi shart.

24. Qimmatli qog‘ozlar savdosining tashkilotchisi ro‘yxatga olingan repo bitimlari doirasida amalga oshirilgan qimmatli qog‘ozlar oldi-sotdisining alohida hisobini yuritadi.

25. Qimmatli qogʻozlar bozorini tartibga solish boʻyicha vakolatli davlat organi qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda qimmatli qog‘ozlar savdosining tashkilotchisidan va qimmatli qog‘ozlar bozori boshqa ishtirokchilaridan repo bitimlariga oid ma’lumotlarni so‘rab olishga haqli. Bunda, repo bitimlariga oid ma’lumotlar qimmatli qogʻozlar bozorini tartibga solish boʻyicha vakolatli davlat organining so‘rovida belgilangan muddatlarda taqdim etilishi kerak.

26. Qimmatli qog‘ozlar savdosining tashkilotchilari qimmatli qog‘ozlar bozori to‘g‘risidagi qonunchilik hujjatlari buzilishi holatlari aniqlangan vaqtdan boshlab ikki ish kuni ichida qimmatli qog‘ozlar bozorini tartibga solish bo‘yicha vakolatli davlat organini bu haqda xabardor qilishlari shart.

5-bob. Yakuniy qoida

27. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor boʻlgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javobgar bo‘ladilar.

25 (1253)-сон
634-модда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3861
2026 - yil 26 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI RAQOBATNI RIVOJLANTIRISH VA ISTE’MOLCHILAR HUQUQLARINI HIMOYA QILISH QO‘MITASINING QARORI

Raqobat sohasidagi vakolatli davlat organining tadbirkorlik subyektlarida tekshiruvlar o‘tkazish borasidagi faoliyatida “xavfni tahlil etish” elektron tizimini joriy etish to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi va 2026-yil 17-apreldagi PF–63-son “Tadbirkorlik faoliyatiga noqonuniy aralashuvlarni cheklash va nazorat tadbirlarining shaffofligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmonlari hamda Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son “Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida davlat nazoratini tashkil etish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasi **qaror qiladi:**

1. Raqobat sohasidagi vakolatli davlat organining tadbirkorlik subyektlarida tekshiruvlar o‘tkazish borasidagi faoliyatida “xavfni tahlil etish” elektron tizimini joriy etish to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil hamda O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oy o‘tgach kuchga kiradi.

Rais
12-Iyun 2026-yil
01/17-05/01 son

TURAXUJAYEV HALILILLO SOBIRJONOVICH

Kelishildi:

Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish boʻyicha vakil
01-Iyun 2026-yil

BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH

Rais
19-May 2026-yil

VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH

O‘zbekiston Respublikasi Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasining 2026-yil 12-iyundagi 01/17-05/01-son qaroriga
ILOVA

Raqobat sohasidagi vakolatli davlat organining tadbirkorlik subyektlarida tekshiruvlar o‘tkazish borasidagi faoliyatida “xavfni tahlil etish” elektron tizimini joriy etish to‘g‘risidagi
NIZOM

.

Mazkur Nizom O‘zbekiston Respublikasi Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasi va uning hududiy organlari tomonidan iste’molchilarning huquqlarini himoya qilish, raqobat, reklama, davlat xaridlari va tovar-xom ashyo birjalari faoliyati, dori-darmon vositalari va tibbiyot buyumlarining ulgurji va chakana savdosi to‘g‘risidagi qonunchilik hujjatlariga rioya etilishiga oid huquqbuzarliklarni sodir etish xavfi mavjud bo‘lgan tadbirkorlik subyektlarini aniqlash imkoniyatini beruvchi “Xavfni tahlil etish” elektron tizimini joriy etish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalar qo‘llaniladi:

tadbirkorlik subyektlari – belgilangan tartibda davlat ro‘yxatidan o‘tgan hamda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirayotgan yuridik va jismoniy shaxslar;

tekshiruv – tadbirkorlik subyekti tomonidan faoliyatini tartibga soluvchi qonunchilikka qay darajada rioya etilayotganligini tekshirish uchun kerakli materiallar, hujjatlar yoki ularning faoliyatiga doir ma’lumotlarni olish hamda muayyan harakatlarni amalga oshirish orqali nazorat qiluvchi organlar tomonidan o‘tkaziladigan nazorat tadbiri;

“xavfni tahlil etish” elektron tizimi – nazorat qiluvchi organlar tomonidan tegishli nazorat sohasi bo‘yicha aniq mezonlarga asoslanib, tadbirkorlik subyekti faoliyatida qonunchilik buzilish xavfi darajasini aniqlash elektron tizimi.

2. O‘zbekiston Respublikasi Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasi tomonidan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qo‘yiladigan minimal talablarga muvofiq ishlab chiqilishi lozim.

Minimal talablarga zid boʻlgan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi tadbirkorlik subyektida tekshiruv oʻtkazish tashabbusi bilan chiqishga asos boʻlmaydi.

3. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi asosida aniqlangan huquqbuzarlik xavfi qay darajada boʻlishidan qatʼi nazar, tadbirkorlik subyektiga nisbatan taʼsir choralarini qoʻllashga asos boʻla olmaydi.

2-bob. Xavf darajasini tahlil qilishga doir umumiy talablar

4. Tadbirkorlik subyektining qonunni buzish xavfi darajasini tahlil qilish jarayoni tadbirkorlik subyekti faoliyatini toʻxtatib turish, unga toʻsqinlik qilish yoki faoliyatini amalga oshirishga toʻgʻridan-toʻgʻri aralashishni nazarda tutuvchi xatti-harakatlarni oʻz ichiga olmasligi zarur.

5. Xavf darajasining tahlili quyidagi maʼlumotlarni oʻrganish asosida amalga oshirilishi mumkin:

maʼmuriy maʼlumotlar (litsenziya, ruxsat etuvchi va davlat organlarida mavjud boshqa hujjatlar);

davriy statistika maʼlumotlari, jumladan, avval huquqbuzarlik holatlari aniqlangan tadbirkorlik subyektini umumlashtiruvchi belgilar, xabarlar va boshqa korrelyatsion tahlil natijalari;

yuridik va jismoniy shaxslardan kelib tushgan murojaatlar;

ommaviy axborot vositalaridan yoki boshqa tashqi manbalardan (ijtimoiy tarmoqlar, veb-saytlar) olingan maʼlumotlar;

davlat organlari va boshqa tashkilotlar, shu jumladan banklarning axborot tizimlari, dasturiy taʼminotlari va maʼlumotlar bazasi tahlili natijalari;

qonunchilikda taqiqlanmagan boshqa manbalardan va tadbirkorlik subyektining odatiy faoliyatiga bevosita yoki bilvosita taʼsir koʻrsatmagan holda, davlat organlari va boshqa tashkilotlardan olinishi mumkin boʻlgan boshqa maʼlumotlar.

6. Xavf darajasi tahlili jarayonida tadbirkorlik subyektidan hujjatlar va axborotlar talab qilinishiga yoʻl qoʻyilmaydi.

7. Nazorat vakolatiga kirmaydigan tadbirkorlik subyektlari faoliyatini tahlil qilish va baholash taqiqlanadi.

3-bob. Xavf darajasi tasnifi va ularning mezonlariga doir talablar

8. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida xavf darajasini baholash oʻrganiladigan maʼlumotlar asosida shakllantirilgan mazkur Nizomning 1–7-ilovalari hamda 9-bandidagi nazorat sohalarida koʻrsatilgan asosiy koʻrsatkichlarga (sub-koʻrsatkichlarga) tadbirkorlik subyekti faoliyatining muvofiqligini “ball” tizimi asosida baholash orqali amalga oshiriladi.

Bunda sub-koʻrsatkichlar mavjud boʻlganda har bir asosiy koʻrsatkichning bahosi ushbu koʻrsatkich ostidagi sub-koʻrsatkichlar bahosining yigʻindisidan kelib chiqadi.

9. Dori-darmon vositalari va tibbiyot buyumlarining narxini shakllantirishning davlat tomonidan belgilangan tartibiga rioya etilishi boʻyicha talablarga oid huquqbuzarlik sodir etish xavfini baholash jarayonida tadbirkorlik subyekti faoliyatidagi huquqbuzarlik alomatlari koʻrsatkichlari dori-darmon vositalari va tibbiyot buyumlari ulgurji va chakana narxini shakllantirishning davlat tomonidan belgilangan tartibiga rioya etilmaganligi haqida elektron tizim orqali maʼlumot kelib tushgan har bir kun (sutka) uchun 1 balldan (jami 100 balldan oshmagan holda) hisoblanadi.

Bunda, bir kun (sutka) davomida kelib tushgan ma’lumotlar sonidan qat’i nazar ushbu kun (sutka) uchun 1 ball hisoblanadi hamda mazkur ballarni hisoblashda kunlarning uzviyligi (ketma-ketligi) talab etilmaydi.

Mazkur bandning birinchi xatboshisida qayd etilgan ballarni hisoblash tadbirkorlik subyektida tekshiruv oʻtkazilganidan yoki kalendar yil yakunidan soʻng qaytadan boshlanadi.

10. Oʻzbekiston Respublikasi Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish qoʻmitasi va uning hududiy organlari tadbirkorlik subyektlarining xavf darajasini baholash uchun mazkur Nizomning 1–7-ilovalari hamda 9-bandidagi nazorat sohalarida koʻrsatilgan asosiy koʻrsatkichlarni (sub-koʻrsatkichlarni) “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimiga kiritadi.

Bunda tadbirkorlik subyektlarining xavf darajasi mazkur Nizomning 1–7-ilovalari hamda 9-bandidagi nazorat sohalarida koʻrsatilgan asosiy koʻrsatkichlar (sub-koʻrsatkichlar) boʻyicha “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida avtomatik ravishda alohida aniqlanadi.

11. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida tadbirkorlik subyektlari faoliyatida huquqbuzarlik sodir etish xavfi past, oʻrta va yuqori darajalarga tasniflanadi.

Bunda baholash natijasida aniqlangan xavf darajasining umumiy ballari asosida tadbirkorlik subyekti tomonidan huquqbuzarlik sodir etish xavfi quyidagi uch xil toifaga tasniflanadi:

xavf darajasi yuqori – baholash natijalari boʻyicha 81 balldan 100 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlar;

xavf darajasi oʻrta – baholash natijalari boʻyicha 61 balldan 80 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlar;

xavf darajasi past – baholash natijalari boʻyicha 60 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlar.

12. Baholash natijalariga muvofiq huquqbuzarlik xavfi yuqori va oʻrta tasnifidagi tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlarni oʻtkazish amaldagi qonunchilik hujjatlari, shu jumladan Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi Farmoni, 2022-yil 13-sentabrdagi PQ–374-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar va profilaktika tadbirlarini oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi nizom va Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qoʻyiladigan minimal talablar asosida amalga oshiriladi.

Bunda tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlar faqatgina Oʻzbekiston Respublikasi Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish qoʻmitasining vakolatiga kiradigan masalalarni oʻrganish maqsadida oʻtkaziladi.

4-bob. Yakuniy qoida

13. Xavfni tahlil etish natijalaridan norozi boʻlgan shaxslar qonunchilikda belgilangan tartibda yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishga haqli.

14. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor boʻlgan shaxslar belgilangan tartibda javobgar boʻladilar.

Raqobat
sohasidagi vakolatli davlat organining tadbirkorlik subyektlarida
tekshiruvlar oʻtkazish borasidagi faoliyatida “xavfni tahlil etish”
elektron tizimini joriy etish toʻgʻrisidagi nizomga
1-ILOVA

Ustun mavqeni va ustun muzokara kuchini suiiste’mol qilish borasidagi qonunchilik hujjatlariga oid huquqbuzarlik sodir etish xavfini baholash jarayonida tadbirkorlik subyekti faoliyatidagi huquqbuzarlik alomatlari koʻrsatkichlari

T/r	Ko‘rsatkichlar	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ball
1	Tovarlarning muomalasi hajmini tovar yoki moliya bozorida taqchillikni keltirib chiqarish yoki saqlab turish maqsadida narxlarning oshishiga va (yoki) iste’molchilarning huquqlari va qonuniy manfaatlariga zarar yetkazilishiga olib keladigan tarzda qisqartirish	5	
2	Iste’molchilarning zarur hajmdagi tovarni va lozim darajadagi sifatli tovarni olishga bo‘lgan huquqlari kamsitilishiga yo‘l qo‘yish	5	
3	Tovarning monopol yuqori yoki monopol past narxlarini belgilash	20	
4	Shartnoma predmetiga taalluqli bo‘lmagan shartlarni, shu jumladan moliyaviy mablag‘larni, boshqa mol-mulkni, mulkiy huquqlarni o‘zga shaxsga o‘tkazishga doir asossiz talablarni majburan qabul qildirish	5	
5	Tovarni realizatsiya qilishda yoki olishda kamsituvchi shart-sharoitlarni belgilash, shu jumladan tovardan foydalanish shartlarini majburan qabul qildirish;	10	
6	Shartnoma tuzishga faqat kontragent tomonidan boshqa tovarni olish yoki realizatsiya qilish yoxud kontragentning tovarni o‘zga xo‘jalik yurituvchi subyektlardan olishdan yoki boshqa xo‘jalik yurituvchi subyektlarga realizatsiya qilishdan o‘zini tiyishi sharti bilan rozilik berish	5	
7	Tegishli tovarni ishlab chiqarish yoki realizatsiya qilish imkoniyati bo‘la turib, shartnoma tuzishni asossiz ravishda rad etish	5	
8	Tovar yoki moliya bozoriga boshqa xo‘jalik yurituvchi subyektlarning kirishi uchun to‘siqlar yaratish	10	
9	Narxlarni davlat tomonidan tartibga solish qo‘llaniladigan tovarlar uchun belgilangan narxdan ortiq haq olish yoki narxlarni davlat tomonidan tartibga solish tartibini buzish, shuningdek ko‘rsatilmagan xizmatlar yoki bepul ko‘rsatilishi kerak bo‘lgan xizmatlar uchun haq olish	10	
10	Boshqa xo‘jalik yurituvchi subyektlar (raqobatchilar) tomonidan ishlab chiqarilgan tovarlarni olishni yoki realizatsiya qilishni taqiqlash yoxud cheklash	10	
11	Ustun mavqega yoki ustun muzokara kuchiga ega bo‘lgan xo‘jalik yurituvchi subyektning yoki bir guruh shaxslarning pirovard natijada raqobatni cheklashga va (yoki) iste’molchilarning, boshqa xo‘jalik yurituvchi subyektlarning huquqlari va qonuniy manfaatlarini kamsitishga olib keladigan boshqa harakatlari	15	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

Raqobat sohasidagi vakolatli davlat organining tadbirkorlik subyektlarida tekshiruvlar o‘tkazish borasidagi faoliyatida “xavfni tahlil etish” elektron tizimini joriy etish to‘g‘risidagi nizomga
2-ILOVA

Narx ko‘rsatkichlarining qonunchilik talablariga muvofiqligiga oid huquqbuzarlik sodir etish xavfini baholash jarayonida tadbirkorlik subyekti faoliyatidagi huquqbuzarlik alomatlari ko‘rsatkichlari

T/r	Ko‘rsatkichlar	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ball
1	Ustun mavqega ega bo‘lgan xo‘jalik yurituvchi subyekt va shaxslar guruhlarning monopol tovarlariga nisbatan qo‘llaniladigan narxlarini monitoring qilish davomida asossiz narxlarning o‘sishi	10	
2	Deklaratsiya qilingan (tasdiqlangan), kelishilgan va belgilangan tartibga solinadigan narxlarni (tariflarni) oshirish	10	
3	Tartibga solinadigan narxlar (tariflar) ularni deklaratsiya qilmasdan (tasdiqlamasdan) yoki kelishib olmasdan xo‘jalik yurituvchi subyekt tomonidan qo‘llanilishi	10	
4	Tartibga solinadigan narxlar bo‘yicha sotib olingan qonunchilikka muvofiq qaytadan sotilishi taqiqlangan resurslarni qaytadan sotishdan daromadlar olishi	10	
5	Tartibga solinadigan narxlarni (tariflarni) deklaratsiya qilish (tasdiqlash), kelishish va belgilash uchun narxlarni tartibga soluvchi organlarga, respublika ijro etuvchi hokimiyat organlariga va mahalliy davlat hokimiyati organlariga ishonchsiz ma’lumotlar taqdim etilishi natijasida narxning (tarifning) oshirilishi	10	
6	Tovarning narxiga (tarifga) xom ashyo va materiallarga, yoqilg‘i-energetika resurslariga va haqiqatda amalga oshirilmagan xarajatlarni, amalda yuz bermagan mehnat xarajatlarini va boshqa xarajatlar yoki bajarilmagan ishlarni kiritishi	25	
7	Narxi (tarifi) tartibga solinadigan narxlar darajasida belgilanadigan tovarning boshlang‘ich narxini birja savdolariga oshirib qo‘yishi	8	
8	Ishlab chiqaruvchi korxonalar tomonidan alkogolli mahsulotlarni (pivodan tashqari) qonunchilikda belgilangan minimal ulgurji-sotish narxlaridan past narxlarda sotish	2	
9	Tovarlarni yetkazib beruvchilar (ishlarni bajaruvchilar, xizmatlar ko‘rsatuvchilar) bilan hisob-kitoblarni amalga oshirishda tasdiqlangan yoki belgilangan xarid narxlarining (tariflarining) iste’molchi tomonidan pasaytirilishi	10	

10	Tabiiy monopoliya subyektlari tovarlarining narxlari (tariflari) bo‘yicha qarori tabiiy monopoliya subyektlari tomonidan mazkur qaror kuchga kirguniga qadar o‘n besh kundan kechiktirmay ommaviy axborot vositalarida hamda o‘z rasmiy veb-saytlarida e’lon qilinishi	5	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

Raqobat
sohasidagi vakolatli davlat organining tadbirkorlik subyektlarida
tekshiruvlar o‘tkazish borasidagi faoliyatida “xavfni tahlil etish”
elektron tizimini joriy etish to‘g‘risidagi nizomga
3-ILOVA

Savdolarda raqobatni cheklashga qarshi talablarga oid huquqbuzarlik sodir etish xavfini baholash jarayonida tadbirkorlik subyekti faoliyatidagi huquqbuzarlik alomatlari ko‘rsatkichlari

T/r	Ko‘rsatkichlar	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ball
1	**Savdolarda raqobatni cheklashga olib keladigan yoki olib kelishi mumkin bo‘lgan harakatlarni sodir etish**	**44**	
1.1	Savdolarni o‘tkazishning qonunchilikda belgilangan tartibini buzish	2	
1.2	Savdolar ishtirokchilarining faoliyatini muvofiqlashtirish	5	
1.3	Savdolarning bitta yoki bir nechta ishtirokchisiga savdolarda ishtirok etish uchun imtiyozli shart-sharoitlar yaratish, shu jumladan axborotdan foydalanish orqali imtiyozli shart-sharoitlar yaratish	5	
1.4	Savdolarga oid hujjatlarga va qoidalarga, shu jumladan e’lonning matniga ishtirokchilar o‘rtasida raqobatni cheklaydigan yoki cheklashga olib kelishi mumkin bo‘lgan talablarni kiritish	5	
1.5	Savdolarning o‘tkazilish jarayoniga va natijalariga ta’sir ko‘rsatish	5	
1.6	Savdolarda talabning o‘zgarishiga, narxlarning sun’iy ravishda oshirilishiga olib kelishi mumkin bo‘lgan yolg‘on, asossiz ma’lumotlarni tarqatish	5	
1.7	Savdolarning operatorlari va (yoki) tashkilotchilari va (yoki) buyurtmachilari va (yoki) savdolar ishtirokchilari tomonidan raqobatga qarshi kelishuvlarni hamda muvofiqlashtirilgan harakatlarni amalga oshirish	5	
1.8	Elektron tarzda o‘tkaziladigan savdolarda narxlarning sun’iy ravishda shakllantirilishiga olib keladigan narx algoritmidan, ya’ni tovarlar narxini oldindan belgilangan parametrlarga asosan monitoring qilish, hisob-kitob qilish, belgilash va nazorat qilish imkoniyatini beruvchi dasturiy ta’minotdan foydalanish	5	
1.9	Savdolarda savdo shartlarini bir necha marta bajarmaslik natijasida tovarning narxlarini raqobat mavjud bo‘lganda shakllangan narxlardan (talab, taklif yoki ishlar hajmidan) ancha oshirish	2	
1.10	Buyurtmachining yoki sotuvchining savdolar natijalariga ko‘ra shartnoma tuzishdan asossiz ravishda bo‘yin tovlashi	5	

2	**Eng yaxshi takliflarning tanlovlarida, tenderlarda, auksionlarda va boshqa savdolarda raqobatni cheklaydigan yoki cheklashga olib kelishi mumkin boʻlgan harakatlarni sodir etish**	**45**	
2.1	Savdolarda ishtirok etish uchun xoʻjalik yurituvchi subyektlardan hujjatlar qabul qilishni asossiz ravishda rad etish yoki savdolarda ishtirok etish uchun hujjatlarni taqdim etishga toʻsqinlik qilish	5	
2.2.	Savdolar ishtirokchilarini asossiz ravishda chetlashtirish yoki ularning sonini asossiz ravishda cheklash	5	
2.3	Savdolar predmetiga texnologik va funksional jihatdan aloqador boʻlmagan qoʻshimcha tovarlarni lotlar tarkibiga kiritish	5	
2.4	Tovarning aniq ishlab chiqaruvchisini koʻrsatish (bundan tovarlarning bir-biriga toʻgʻri kelmasligi hollari va qonunchilikda nazarda tutilgan boshqa hollar mustasno)	5	
2.5	Boshqa ishtirokchi gʻolibga aylanishi uchun shart-sharoitlar yaratish maqsadida savdolarda takliflar bilan ishtirok etish	5	
2.6	Savdolar ishtirokchilariga asossiz talablar qoʻyish, shu jumladan ularning malakasiga nisbatan raqobatni cheklaydigan yoki cheklashga olib kelishi mumkin boʻlgan talablar qoʻyish	5	
2.7	Savdolar predmetining narxlarini takliflar kiritish yoʻli bilan savdolar tugaguniga qadar ushbu takliflarni olib tashlagan holda oshirish yoki pasaytirish	5	
2.8	Savdolarda ayni bir lotda faqat affillangan shaxslarning yoki oʻzaro manfaatdor shaxslarning ishtirok etishi	5	
2.9	Savdolarning operatorlari va (yoki) buyurtmachilari va (yoki) tashkilotchilari va (yoki) komissiya a’zolari bilan oʻzaro manfaatdor boʻlgan yoxud ular bilan affillangan shaxslarning savdolarda ishtirok etishi	5	
3	**Savdolarni oʻtkazish chogʻida raqobatga zid boʻlgan manfaatlar toʻqnashuviga olib keladigan hollar, shu jumladan oʻzaro manfaatdorlik deb eʼtirof etiladigan holatlarni sodir etish**	**11**	
3.1	Savdolarning ikki va undan ortiq oʻzaro affillanmagan yoki boshqacha tarzda oʻzaro bogʻliq boʻlmagan ishtirokchilarining takliflari ayni bir qonuniy vakil tomonidan berilishi	5	
3.2	Savdolar ishtirokchilarining bir-biridan bevosita yoki bilvosita subsidiya va boshqa moliyaviy yordam olish toʻgʻrisidagi kelishuvi mavjud boʻlishi yoxud shunday yordam olinishi	2	
3.3	Ayni bir lotda ishtirok etayotgan savdolar ishtirokchilarining ta’sischilari oʻrtasida yoki buyurtmachining vakili yoki tashkilotchi yoxud operator oʻrtasida yoxud savdolar komissiyasining a’zosi oʻrtasida va mazkur savdolar ishtirokchisining vakili yoki muassisi oʻrtasida yaqin qarindoshlik aloqalarining mavjud boʻlishi	2	
3.4	Shaxsda (savdolar ishtirokchisida, buyurtmachisida, tashkilotchisida, operatorida, komissiyasi a’zosida) takliflar toʻgʻrisidagi axborotni olish yoki takliflarga va (yoki) boshqa shaxs bilan (savdolar ishtirokchisi, buyurtmachisi, tashkilotchisi, operatori, komissiya a’zosi bilan) oʻzaro munosabatlarga ega	2	

	bo‘lgan uchinchi taraf orqali qarorlar qabul qilinishiga ta’sir o‘tkazish imkoniyatining mavjud bo‘lishi		
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

Raqobat sohasidagi vakolatli davlat organining tadbirkorlik subyektlarida tekshiruvlar o‘tkazish borasidagi faoliyatida “xavfni tahlil etish” elektron tizimini joriy etish to‘g‘risidagi nizomga
4-ILOVA

Birja savdolarida raqobatni cheklashga qarshi talablarga oid huquqbuzarlik sodir etish xavfini baholash jarayonida tadbirkorlik subyekti faoliyatidagi huquqbuzarlik alomatlari ko‘rsatkichlari

T/r	Ko‘rsatkichlar	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ball
1	**Narx manipulyatsiyasi bilan bog‘liq holatlarni sodir etish**	**25**	
1.1	Birja savdolari ishtirokchilarining muvofiqlashtirilgan harakatlari natijasida joriy birja narxlarining keskin oshishiga yoki qat’iy belgilanishiga olib keladigan harakatlarni sodir etish	5	
1.2	Birja savdolari davomida birjaning muayyan ishtirokchisi tomonidan boshqa ishtirokchilarning buyurtmalariga nisbatan narxi noodatiy tarzda katta farq qiluvchi buyurtmalar berish, keyinchalik mazkur buyurtmalarni savdolar tugaguniga qadar olib tashlash yoki tuzilgan bitimni jarima to‘lamasdan asossiz ravishda bekor qilish	5	
1.3	Narxi qonunchilik bilan tartibga solinadigan mahsulotning boshlang‘ich narxini shakllantirishning belgilangan tartibiga rioya etmaslik	5	
1.4	Birja shartnomasi bo‘yicha muayyan xaridor ishtirokida bekor qilingan bitimning bahosi ayni shu xaridor bilan mazkur birja shartnomasi bo‘yicha keyingi ikki savdoda amalga oshirilgan bitimning eng past bahosidan past bo‘lishiga olib keluvchi harakatlarni bajarish	5	
1.5	Tovarning narxi xususida chalg‘itish maqsadida bahosi raqobat muhitida tarkib topgan darajadan jiddiy farq qiladigan bir nechta bitimni bir kunda bir ishtirokchi tomonidan yoki bir ishtirokchining manfaati uchun tuzish	5	
2	**Raqobatni cheklash va halol savdo muhitini buzish**	**24**	
2.1	Birja shartnomasi bo‘yicha barcha xaridorlarga savdolarda teng ishtirok etish imkoniyatini cheklaydigan lotlarni belgilash	5	
2.2	To‘lovning va yetkazib berishning asoslanmagan muddatlarini, shuningdek o‘xshash mahsulotni sotuvchilar tomonidan belgilangan shartlardan jiddiy farq qiluvchi alohida shartlarni joriy etish	5	
2.3	Birja shartnomalarida ishtirokchilar sonini cheklaydigan alohida shartlarni ko‘rsatish	5	

2.4	Mahsulotni transportning muqobil turi bilan joʻnatish imkoni boʻlgani holda, uni transportning muayyan turi bilan asossiz ravishda joʻnatishni nazarda tutuvchi shartnomalar boʻyicha savdolarga qoʻyish	2	
2.5	Savdolar tashkilotchilari tomonidan birja savdolarining ishtirokchilari uchun teng boʻlmagan sharoitlar yaratish	5	
2.6	Sotuvchi va xaridor oʻrtasida ayni bir shaxsiy hisobvaraqda bitim tuzish	2	
3	**Tovarlarni birja orqali sotish va savdoni tashkil etish tartibini buzish**	**35**	
3.1	Tovarlarni savdoga qoʻyish jadvallarini birjaning rasmiy veb-saytiga joylashtirmaslik	10	
3.2	Yuqori likvidli va (yoki) monopol mahsulotni jadvallarda nazarda tutilgan muddatlarda birjaga qoʻymaslik yoki uni kam hajmda yoxud muvofiq boʻlmagan hajmda qoʻyish	10	
3.3	Faqat birja savdolariga qoʻyish yoʻli bilan sotilishi lozim boʻlgan yuqori likvidli va (yoki) monopol mahsulotlar hajmlarini birja savdolariga qoʻymasdan toʻgʻridan-toʻgʻri shartnomalar boʻyicha sotish	10	
3.4	Birja savdolarida realizatsiya qilinmagan yuqori likvidli va (yoki) monopol mahsulotlarning bir qismini takroran savdolarga qoʻymaslik	5	
4	**Bitimlar, shartnomalar va yetkazib berish shartlariga rioya etmaslik**	**16**	
4.1	Birjada tuzilgan bitimlar va shartnomalarni jarima sanksiyalarisiz asossiz ravishda yoki muntazam asosda bekor qilish (bundan bir tarafning yengib boʻlmas kuch holatlari munosabati bilan majburiyatlarini bajarish imkoniyati yoʻqligi isbotlangan hollar, yaʼni favqulodda va oldini olib boʻlmaydigan (fors-major) holatlar mustasno)	3	
4.2	Tovarni yuklab joʻnatish navbatining izchilligiga rioya etmaslik	5	
4.3	Birja shartnomalarida tovarlarning sifat koʻrsatkichlari (turi, navi, markasi va boshqalar) toʻgʻrisidagi yetarlicha axborotni koʻrsatmaslik yoki ularning koʻrsatkichlari toʻgʻrisidagi chalgʻituvchi axborotni kiritish	3	
4.4	Savdolar tashkilotchilari tomonidan birja savdolarining natijalarini asossiz ravishda bekor qilish	5	
	Jami ballar yigʻindisi	**100**	

QMMB: 10/26/3861/0640-son
27.06.2026-y.

Raqobat
sohasidagi vakolatli davlat organining tadbirkorlik subyektlarida
tekshiruvlar o‘tkazish borasidagi faoliyatida “xavfni tahlil etish”
elektron tizimini joriy etish to‘g‘risidagi nizomga
5-ILOVA

Raqobatga qarshi kelishuvlar va insofsiz raqobatga qarshi talablarga oid huquqbuzarlik sodir etish xavfini baholash jarayonida tadbirkorlik subyekti faoliyatidagi huquqbuzarlik alomatlari ko‘rsatkichlari

T/r	Ko‘rsatkichlar	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ball
1	Narxlarni (tariflarni), chegirmalarni, ustamalarni, qo‘shimcha to‘lovlarni yoki ustama narxlarni sun’iy ravishda belgilash yoki saqlab turish, erkin bozor narxlarining qaror topishiga to‘sqinlik qilish	5	
2	Taklif hajmini sun’iy ravishda o‘zgartirish maqsadida ishlab chiqarish hajmlarini kelishib olish, tovarlarni ishlab chiqarishni iqtisodiy yoki texnologik jihatdan asossiz ravishda kamaytirish va (yoki) tugatish yoxud texnologiyalar va investitsiyalarni cheklashni kelishib olish	5	
3	Eng yaxshi takliflarni tanlashda, tenderlarda, auksionlarda, birjalarda va boshqa savdolarda narxlarni oshirish, pasaytirish yoki saqlab turish	10	
4	Tovar yoki moliya bozorini hududiy prinsip bo‘yicha, realizatsiya qilish yoki xaridlar hajmi bo‘yicha, tovarlarning xillari bo‘yicha yoxud tovarlarni sotuvchilar yoki sotib oluvchilar, tovar buyurtmachilari doirasi bo‘yicha bo‘lib olish yoxud mahsulot sotiladigan bozorlar ustidan nazorat o‘rnatish	5	
5	Boshqa xo‘jalik yurituvchi subyektlarning muayyan tovarlarni sotuvchilar yoki sotib oluvchilar, buyurtmachilar sifatida tovar yoki moliya bozoriga kirishini cheklash yoki ularni bozordan chetlashtirish yoxud xo‘jalik yurituvchi subyektlarni muayyan bozorga kiritmaslik	10	
6	Ayrim sotuvchilar yoki sotib oluvchilar bilan shartnomalar tuzishda shartnoma predmetiga taalluqli bo‘lmagan shartlarni, shu jumladan moliyaviy mablag‘larni, boshqa mol-mulkni, mulkiy huquqlarni o‘zga shaxsga o‘tkazishga doir asossiz talablarni majburan qabul qildirish yo‘li bilan shartnomalar tuzish	5	
7	Sotuvchining yoki sotib oluvchining hududni yoki sotib oluvchilar doirasini tovarni keyinchalik qayta sotish maqsadida mustaqil	5	

	ravishda belgilashini cheklaydigan kelishuvlar va harakatlarning sodir etilishi		
8	Tovarlarni qayta sotish uchun narxlarga cheklovlar belgilaydigan kelishuvlar va harakatlarning sodir etilishi	10	
9	Boshqa xo‘jalik yurituvchi subyektlar tomonidan ishlab chiqariladigan tovarlarni xo‘jalik yurituvchi subyektlar tomonidan realizatsiya qilishni taqiqlaydigan kelishuvlar va harakatlarning sodir etilishi	5	
10	Raqobatchini obro‘sizlantirish, ya’ni raqobatchi xo‘jalik yurituvchi subyektning faoliyatiga salbiy ta’sir ko‘rsatishi yoki uning ishchanlik obro‘siga putur yetkazishi mumkin bo‘lgan, u sotuvga taklif qilayotgan tovarning sifati va iste’mol xossalari to‘g‘risida, mazkur tovarni tayyorlash hamda undan foydalanish usullari va sharoitlari haqida, undan foydalanishdan kutilayotgan natijalar to‘g‘risida, tovarning muayyan maqsadlarga yaroqliligi haqida, tovarni sotuvga taklif etish shartlari, shu jumladan uning narxi to‘g‘risida yolg‘on, noaniq yoki buzib ko‘rsatilgan ma’lumotlarni tarqatish	10	
11	Noto‘g‘ri taqqoslash, ya’ni raqobatchi xo‘jalik yurituvchi subyektni yoki uning tovarini tovarning ustunligi haqida tasavvur hosil qiluvchi so‘zlardan yoki ramzlardan tovarning xolisona tasdiqqa ega bo‘lgan tavsifini yoki taqqoslash parametrlarini ko‘rsatmagan holda foydalanib taqqoslash	5	
12	Tovarning xususiyati, ishlab chiqarilish usuli va joyi, iste’mol xossalari, narxi va sifati, ishlab chiqaruvchining (bajaruvchining) kafolat majburiyatlari xususida iste’molchilarni chalg‘itish	5	
13	Tijorat sirini yoki qonun bilan qo‘riqlanadigan boshqa sirni, shu jumladan fan-texnikaga, ishlab chiqarishga yoki savdoga oid axborotni egasining roziligisiz olish, undan foydalanish, uni oshkor etish	10	
14	Tovar yoki moliya bozoriga raqobatchi xo‘jalik yurituvchi subyektning kirishiga to‘sqinlik qilishga yoki uni bozordan chetlashtirishga olib keluvchi harakatlarni sodir etish	10	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

QMMB: 10/26/3861/0640-son
27.06.2026-y.

Raqobat
sohasidagi vakolatli davlat organining tadbirkorlik subyektlarida
tekshiruvlar o‘tkazish borasidagi faoliyatida “xavfni tahlil etish”
elektron tizimini joriy etish to‘g‘risidagi nizomga
6-ILOVA

Reklama to‘g‘risidagi qonunchilik talablarga oid huquqbuzarlik sodir etish xavfini baholash jarayonida tadbirkorlik subyekti faoliyatidagi huquqbuzarlik alomatlari ko‘rsatkichlari

T/r	Ko‘rsatkichlar	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ball
1	**Reklamaga qo‘yilgan umumiy talablarni buzish**	**20**	
1.1	Reklamani tarqatish tiliga qo‘yilgan talablarni buzish	5	
1.2	Reklamaga doir asosiy talablar – qonuniylik, aniqlik, ishonchlilik, reklamadan foydalanuvchiga zarar, shuningdek ma’naviy zarar yetkazmaydigan shakllar va vositalardan foydalanish talablariga rioya qilmaslik	5	
1.3	Ishlab chiqarilishi yoki realizatsiya qilinishi qonun hujjatlari bilan taqiqlangan mahsulot to‘g‘risida axborot tarqatish	5	
1.4	Ishtirok etish uchun muayyan mahsulotni olish sharti qo‘yilgan rag‘batlantiruvchi lotereya, tanlov, o‘yin yoki shunga o‘xshash boshqa tadbir o‘tkazishni tadbirning tashkilotchisini, uni o‘tkazish qoidalari va muddatlarini, bunday tadbir haqidagi axborot manbayini, mukofotlar yoki yutuqlar miqdorini, ularni olish muddatlari, joyi va tartibini ko‘rsatmagan holda reklama qilish	5	
2	**Nomaqbul reklamaga yo‘l qo‘yganlik**	**15**	
2.1	Voyaga yetmaganlarga mo‘ljallangan reklamaga oid cheklashlarga rioya qilmaganlik	5	
2.2	Yashirin reklamaga yo‘l qo‘yganlik	5	
2.3	Qiyosiy reklamaga yo‘l qo‘yganlik	5	
3	**Televideniye, radio va boshqa vositalarda reklama tarqatish talablarini buzish**	**25**	
3.1	Televideniye va radiodagi reklamaga qo‘yilgan talablarni buzish	5	
3.2	Reklamada homiylik qoidalarini buzish	5	
3.3	Transport, aloqa vositalari, bosma nashrlarda reklamaga qo‘yilgan talablarni buzish	5	
3.4	Tashqi reklamani joylashtirish talablarini buzish	10	
4	**Ayrim turdagi tovar, ish (xizmat)lar reklamasiga oid talablarni buzish**	**40**	
4.1	Dori vositalari reklamasiga qo‘yilgan talablarni buzish	10	

4.2	Biologik faol qo‘shimchalar reklamasiga qo‘yilgan talablarni buzish	5	
4.3	Energetik ichimliklar, qurol-yarog‘, qimmatli qog‘ozlar reklamasiga qo‘yilgan talablarni buzish	5	
4.4	Tamaki, tamaki mahsulotlari va alkogolli ichimliklar reklamasiga qo‘yilgan talablarni buzish	10	
4.5	Ishlab chiqarilishi va (yoki) realizatsiya qilinishi uchun tegishli sertifikatlari va litsenziyalari, majburiy sertifikatlashtirish guvohnomalari yoki maxsus ruxsatnomalari mavjud bo‘lmagan tovarlarni reklama qilish	10	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

Raqobat
sohasidagi vakolatli davlat organining tadbirkorlik subyektlarida
tekshiruvlar o‘tkazish borasidagi faoliyatida “xavfni tahlil etish”
elektron tizimini joriy etish to‘g‘risidagi nizomga
7-ILOVA

Iste’molchilar huquqlarini himoya qilish to‘g‘risidagi qonunchilik talablariga oid huquqbuzarlik sodir etish xavfini baholash jarayonida tadbirkorlik subyekti faoliyatidagi huquqbuzarlik alomatlari ko‘rsatkichlari

T/r	Ko‘rsatkichlar	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ball
1	**Iste’molchilar huquqlarini himoya qilish to‘g‘risidagi qonunchilikning umumiy talablarga rioya etmaslik**	**32**	
1.1	Iste’molchiga nisbatan shartnoma shartlarining buzilishi	10	
1.2	Iste’molchiga tovar (ish, xizmat) haqida, shuningdek, ishlab chiqaruvchi (ijrochi, sotuvchi) haqida to‘g‘ri va to‘liq ma’lumot bermaslik	10	
1.3	Tovarlarni (xizmatlarni) realizatsiya qilishda iste’molchiga kassa (tovar) cheki yoki belgilangan shakldagi boshqa hujjatni bermaslik	2	
1.4	Iste’molchiga realizatsiya qilingan tovar (ish, xizmat) sanitariya-gigiyena, shu jumladan, radiologiya, epidemiyaga qarshi talablarga va amaldagi boshqa normalar hamda qoidalarga rioya etgan holda ishlab chiqarilgan yoki bajarilgan bo‘lishiga va uning hayoti, sog‘lig‘i, atrof-muhit uchun xavfsiz bo‘lishiga, shuningdek, uning mol-mulkiga zarar yetkazmasligiga kafolat bermaslik	5	
1.5	Shartnomaga iste’molchi huquqlarini cheklab qo‘yadigan va qonun hujjatlariga zid bo‘lgan talablarni kiritish	5	
2	**Tovar, ish (xizmat)ga qo‘yilgan talablarni buzish**	**36**	
2.1	Ishlab chiqarilgan sanasi va yaroqlilik muddati ko‘rsatilmagan yoki yaroqlilik muddati o‘tgan tovarlarni realizatsiya qilish	10	
2.2	Tovar (ish, xizmat)lar xavfsiz bo‘lishiga va ularning sifatiga doir majburiy talablarni buzish	3	
2.3	Iste’molchiga maqbul sifatli tovarni almashtirib berish tartibini buzganlik	5	
2.4	Iste’molchiga tovar (ish, xizmat)ni erkin tanlash huquqini bermaslik	5	
2.5	Iste’molchini haq evaziga qo‘shimcha tovarlar sotib olishga yoki qo‘shimcha xizmatlardan foydalanishga qistash	5	

2.6	Iste’molchilarga shartnomada va sohasini tartibga soluvchi normativ hujjatlarda nazarda tutilgan talablarda xizmat ko‘rsatmaslik	8	
3	**Iste’molchilar huquqlarini himoya qilish to‘g‘risidagi qonunchilik talablarga rioya etilmasligi natijasida iste’molchiga zarar yetkazish**	**32**	
3.1	Tovar (ish, xizmat)ning tuzilishiga, ishlab chiqarilishiga, tarkibiga bog‘liq bo‘lgan va boshqa nuqsonlari, shuningdek iste’molchining hayoti, sog‘lig‘i yoki mol-mulkining xavfsizligini ta’min eta olmaydigan materiallar, uskunalar, asbob-anjomlar, moslamalar yoki boshqa vositalar qo‘llanilishi oqibatida iste’molchining hayotiga, sog‘lig‘i yoki mol-mulkiga zarar yetkazish	5	
3.2	Shartnomaga kiritilgan iste’molchi huquqlarini cheklab qo‘yadigan va qonun hujjatlariga zid bo‘lgan talablarni qo‘llash natijasida iste’molchiga zarar yetkazish	5	
3.3	Normativ hujjatlar talablariga javob bermaydigan tovar (ish, xizmat) tufayli iste’molchilarga zarar yetkazish	2	
3.4	Ko‘rsatilmagan xizmatlar uchun haq olish	10	
3.5	Iste’molchiga nuqsonli tovarni almashtirib berish, tovar nuqsonlarini bepul bartaraf etish, nuqsonli tovar sotilgan taqdirda u bilan hisob-kitob qilish tartibini buzganlik	5	
3.6	Iste’molchiga uning hayoti, sog‘lig‘i va mol-mulki uchun xavfli nuqsoni bo‘lgan tovar (ish, xizmat), shuningdek, ishlab chiqaruvchi (ijrochi, sotuvchi)ning g‘ayriqonuniy harakati (harakatsizligi) tufayli moddiy zarar yetkazish	5	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

25 (1253)-son
635-modda

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3862
2026 - yil 26 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOG‘-KON SANOATI VA GEOLOGIYA VAZIRINING

BUYRUG'I

Yer qaʼrini geologik oʻrganishda foydali qazilmalar hamda mineral xomashyoni qazib olish sohasida nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi Farmoni, Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son “Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida davlat nazoratini tashkil etish boʻyicha qoʻshimcha chora-tadbirlar toʻgʻrisida”gi qaroriga asosan buyuraman:

1. Yer qaʼrini geologik oʻrganishda foydali qazilmalar hamda mineral xomashyoni qazib olish sohasida nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi toʻgʻrisidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish boʻyicha vakil hamda Oʻzbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Vazir

2026-yil 19-iyun

5-son

ISLAMOV BOBIR FARXADOVICH

Kelishildi:

Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish boʻyicha vakil 2026-yil 19-iyun		BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH
Rais 2026-yil 18-iyun		VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH

O‘zbekiston Respublikasi tog‘-kon sanoati
va geologiya vazirining 2026-yil 19-iyundagi
5-son buyrug‘iga
ILOVA

Yer qa’rini geologik o‘rganishda foydali qazilmalar hamda mineral xomashyoni qazib olish sohasida nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi NIZOM

Mazkur Nizom yer qa’rini geologik o‘rganishda foydali qazilmalar hamda mineral xomashyoni qazib olish sohasida nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

tadbirkorlik subyekti – belgilangan tartibda davlat ro‘yxatidan o‘tgan hamda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirayotgan yuridik va jismoniy shaxslar;

tekshiruv – tadbirkorlik subyekti tomonidan faoliyatini tartibga soluvchi qonunchilikka qay darajada rioya etilayotganligini tekshirish uchun kerakli materiallar, hujjatlar yoki ularning faoliyatiga doir ma’lumotlarni olish hamda muayyan harakatlarni amalga oshirish orqali O‘zbekiston Respublikasi Tog‘-kon sanoati va geologiya vazirligi huzuridagi Tog‘-kon sanoati va geologiya sohasini nazorat qilish inspeksiyasi (bundan buyon matnda Inspeksiya deb yuritiladi) vakolati doirasida o‘tkaziladigan nazorat tadbiri;

“Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi – Inspeksiya tomonidan yer qa’rini geologik o‘rganishda foydali qazilmalar hamda mineral xomashyoni qazib olish sohasida aniq mezonlarga asoslanib, tadbirkorlik subyekti tomonidan o‘z faoliyatida qonunchilik buzilish xavfi darajasini aniqlash mexanizmi.

2. Inspeksiya tomonidan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qo‘yiladigan minimal talablarga muvofiq ishlab chiqilishi lozim.

Minimal talablarga zid bo‘lgan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi tadbirkorlik subyektida tekshiruv o‘tkazish tashabbusi bilan chiqishga asos bo‘lmaydi.

3. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi asosida aniqlangan huquqbuzarlik xavfi qay darajada bo‘lishidan qat’i nazar, tadbirkorlik subyektiga nisbatan ta’sir choralarini qo‘llashga asos bo‘la olmaydi.

2-bob. Xavf darajasini tahlil qilishga doir umumiy talablar

4. Tadbirkorlik subyektining qonunni buzish xavfi darajasini tahlil qilish jarayoni tadbirkorlik subyekti faoliyatini to‘xtatib turish, unga to‘sqinlik qilish yoki faoliyatini amalga oshirishga to‘g‘ridan-to‘g‘ri aralashishni nazarda tutuvchi xatti-harakatlarni o‘z ichiga olmasligi zarur.

5. Xavf darajasining tahlili quyidagi ma’lumotlarni o‘rganish asosida amalga oshirilishi mumkin:

ma’muriy ma’lumotlar (litsenziya, ruxsat etuvchi va davlat organlarida mavjud boshqa hujjatlar);

davriy statistika ma’lumotlari, jumladan, avval huquqbuzarlik holatlari aniqlangan tadbirkorlik subyektini umumlashtiruvchi belgilar, xabarlar va boshqa korrelyatsion tahlil natijalari;

yuridik va jismoniy shaxslardan kelib tushgan murojaatlar;

ommaviy axborot vositalaridan yoki boshqa tashqi manbalardan (ijtimoiy tarmoqlar, veb-saytlar) olingan ma’lumotlar;

qonunchilikda taqiqlanmagan boshqa manbalardan va tadbirkorlik subyektining odatiy faoliyatiga bevosita yoki bilvosita ta’sir ko‘rsatmagan holda, davlat organlari va boshqa tashkilotlardan olinishi mumkin bo‘lgan boshqa ma’lumotlar.

6. Xavf darajasi tahlili jarayonida tadbirkorlik subyektidan hujjatlar va axborotlar talab qilinishiga yo‘l qo‘yilmaydi.

7. Nazorat vakolatiga kirmaydigan tadbirkorlik subyektlari faoliyatini tahlil qilish va baholash taqiqlanadi.

3-bob. Xavf darajasi tasnifi va ularning mezonlariga doir talablar

8. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida xavf darajasini baholash o‘rganiladigan ma’lumotlar asosida shakllantirilgan mazkur Nizomning 1–7-ilovalarida ko‘rsatilgan ko‘rsatkichlarga tadbirkorlik subyekti faoliyatining muvofiqligini “ball” tizimi asosida baholash orqali amalga oshiriladi.

9. Inspeksiya tadbirkorlik subyektlarining xavf darajasini baholash uchun quyidagi koʻrsatkichlarni “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimiga kiritadi.

mazkur Nizomning 1-ilovasiga muvofiq Yer qa’rini geologik jihatdan oʻrganishda qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 2-ilovasiga muvofiq Foydali qazilmalarni qazib olishda qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 3-ilovasiga muvofiq Neft-gaz tarmogʻida geologiya-qidiruv ishlarini amalga oshirishda qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 4-ilovasiga muvofiq Neft-gaz tarmogʻida uglevodorod xomashyosining qazib olinishini amalga oshirishda qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 5-ilovasiga muvofiq Yer osti suvlaridan oqilona foydalanilishini amalga oshirishda qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 6-ilovasiga muvofiq Neft-gaz quduqlarini burgʻilash (qurish), ularni ta’mirlash, sinash va oʻzlashtirishda qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 7-ilovasiga muvofiq Portlatish ishlari va portlovchi materiallarning aylanmasi sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari.

Bunda tashkilotlarning xavf darajasi ushbu koʻrsatkichlar boʻyicha mazkur Nizomning 5-bandida koʻrsatilgan ma’lumotlardan foydalangan holda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida avtomatik ravishda aniqlanadi.

10. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida tadbirkorlik subyektlari faoliyatida huquqbuzarlik sodir etish xavfi past, oʻrta va yuqori darajalarga tasniflanadi.

Bunda baholash natijasida aniqlangan xavf darajasining umumiy ballari asosida tadbirkorlik subyekti tomonidan huquqbuzarlik sodir etish xavfi quyidagi uch xil toifada tasniflanadi:

xavf darajasi yuqori – baholash natijalari boʻyicha 81 balldan 100 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi oʻrta – baholash natijalari boʻyicha 61 balldan 81 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi past – baholash natijalari boʻyicha 61 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari.

11. Baholash natijalariga muvofiq huquqbuzarlik xavfi yuqori va oʻrta tasnifidagi tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlarni

o‘tkazish amaldagi qonunchilik hujjatlari, jumladan O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni, 2022-yil 13-sentabrdagi PQ–374-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar va profilaktika tadbirlarini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizom va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qo‘yiladigan minimal talablar asosida amalga oshiriladi.

Bunda tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlar faqatgina Inspeksiyaning vakolatiga kiradigan masalalarni o‘rganish maqsadida o‘tkaziladi.

12. Xavf darajasi past bo‘lgan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar o‘tkazilmaydi.

4-bob. Yakuniy qoidalar

13. Xavfni tahlil etish natijalaridan norozi bo‘lgan shaxslar qonunchilikda belgilangan tartibda yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishga haqli**.**

14. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

Yer qa’rini geologik o‘rganishda foydali qazilmalar hamda mineral xomashyoni qazib olish sohasida nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
1-ILOVA

Yer qa’rini geologik jihatdan o‘rganishda qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ko‘rsatkichlarga qo‘yilishi mumkin bo‘lgan ballar (maksimal 100 ball)	O‘tkazilgan tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Yiriklashtirilgan texnik-iqtisodiy hisob-kitob mavjud emasligi	10	
2.	Tajriba-sanoat usulida qazib olish bo‘yicha Inspeksiyaning xabardor qilinmaganligi	10	
3.	Foydali qazilmalar zaxiralari hisoblanmaganligi	8	
4.	Inspeksiya nazoratidagi obyektlarda elektr qurilmalarini sozlash ishlarini bajarish uchun ruxsatnoma mavjud emasligi	10	
5.	Portlash xavfi bo‘lgan texnologik yangi jarayonlar va asbob-uskunalarni, xavfli ishlab chiqarish obyektlarida qo‘llaniladigan texnik qurilmalardan foydalanish uchun ruxsatnoma mavjud emasligi	10	
6.	Xavfli ishlab chiqarish obyektidagi avariyaning kengayib ketishiga yo‘l qo‘ymaslik va uning oqibatlarini tugatish tadbirlari rejalashtirilmaganligi	15	
7.	Xavfli ishlab chiqarish obyektlaridan foydalanuvchi tashkilotlarning rahbar va muhandis-texnik xodimlarini tayyorlash, qayta tayyorlash, ularning malakasini oshirish hamda attestatsiyadan o‘tkazish amaga oshirilmaganligi	15	
8.	Xavfli ishlab chiqarish obyektlaridan foydalanuvchi tashkilotda professional avariya-qutqaruv xizmatlari bilan xizmat ko‘rsatishga doir shartnomalar tuzilmaganligi	8	
9.	Foydali qazilmalar zaxiralari bo‘yicha Davlat komissiyasi bayonnomasining mavjud emasligi	8	
10.	Geologiya qidiruv ishlari amalga oshirilganda buzilgan yerlar rekultivatsiya qilinmaganligi	6	
Jami:		**100**	

Yer qa'rini geologik o'rganishda foydali qazilmalar hamda mineral xomashyoni qazib olish sohasida nazoratni amalga oshirishda "Xavfni tahlil qilish" elektron tizimini joriy etish tartibi to'g'risidagi nizomga
2-ILOVA

Foydali qazilmalarni qazib olishda qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO'RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko'rsatkichlari	Ko'rsatkichlarga qo'yilishi mumkin bo'lgan ballar (maksimal 100 ball)	O'tkazilgan tahlil yakuniga ko'ra qo'yilgan ballar
1.	Foydali qazilmalarni qazib olish bo'yicha texnik-iqtisodiy asoslar ishlab chiqilmaganligi	5	
2.	Konni o'zlashtirish loyihasi mavjud emasligi	5	
3.	Kon ajratmasi dalolatnomasi mavjud emasligi	5	
4.	Kon ishlarini rivojlantirish rejasi Inspeksiya bilan kelishilmaganligi	5	
5.	Foydali qazilmalarni qazib olishda foydali qazilmalar zaxirasi harakati to'g'risidagi hisobotning mavjud emasligi	5	
6.	Tog'-kon ishlarini yuritish huquqini beruvchi ruxsatnoma mavjud emasligi	5	
7.	Foydali qazilmalar zaxiralarini yer qa'ridan foydalanuvchining hisobidan chiqarish amalga oshirilmaganligi	3	
8.	Davlat ekologiya ekspertizasining ijobiy xulosasi mavjud emasligi	3	
9.	Suvdan maxsus foydalanishga ruxsatnoma mavjud emasligi	5	
10.	Kern, foydali qazilma namunalari dublikatlari belgilangan talablarga muvofiq saqlanmaganligi	3	
11.	Geologik va marksheyderlik xizmatlari mavjud emasligi	3	
12.	Tarozi mavjud emasligi	4	
13.	Shaxtalarni (konlarni) bir toifadan boshqasiga o'tkazish tasdiqlash va kelishish to'g'risida xulosa mavjud emasligi (yer osti konidan foydalanilganda)	4	

14.	Inspeksiya nazoratidagi obyektlarda elektr qurilmalarini sozlash ishlarini bajarish uchun ruxsatnoma mavjud emasligi	5	
15.	Portlash xavfi bo‘lgan texnologik yangi jarayonlar va asbob-uskunalarni, xavfli ishlab chiqarish obyektlarida qo‘llaniladigan texnik qurilmalardan foydalanish uchun ruxsatnoma mavjud emasligi	5	
16.	Xavfli ishlab chiqarish obyektlari identifikatsiyalash amalga oshirilmaganligi	5	
17.	Xavfli ishlab chiqarish obyektlari sanoat xavfsizligi ekspertizasidan o‘tkazilmaganligi	5	
18.	Xavfli ishlab chiqarish obyektlarining birinchi tipiga muvofiq bo‘lgan xavfli ishlab chiqarish obyektlarining sanoat xavfsizligi deklaratsiyasi mavjud emasligi	5	
19.	Sanoat xavfsizligi talablariga rioya etilishi ustidan ishlab chiqarish nazoratining tashkil qilinmaganligi	4	
20.	Xavfli ishlab chiqarish obyektidagi avariyaning kengayib ketishiga yo‘l qo‘ymaslik va uning oqibatlarini tugatish tadbirlari rejalashtirilmaganligi	5	
21.	Xavfli ishlab chiqarish obyektlaridan foydalanuvchi tashkilotlarning rahbar va muhandis-texnik xodimlarini tayyorlash, qayta tayyorlash, ularning malakasini oshirish hamda attestatsiyadan o‘tkazish amalga oshirilmaganligi	5	
22.	Xavfli ishlab chiqarish obyektlaridan foydalanuvchi tashkilotda professional avariya-qutqaruv xizmatlari bilan xizmat ko‘rsatishga doir shartnomalar tuzilmaganligi	2	
23.	Foydali qazilmalarni ochiq yoki yer osti usulida qazib olishda – kon zaxirasi qazib tugatilganda buzilgan yerlar rekultivatsiya qilinmaganligi	4	
Jami:		**100**	

Yer qa’rini geologik o‘rganishda foydali qazilmalar hamda mineral xomashyoni qazib olish sohasida nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
3-ILOVA

Neft-gaz tarmog‘ida geologiya-qidiruv ishlarini amalga oshirishda qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash
KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ko‘rsatkichlarga qo‘yilishi mumkin bo‘lgan ballar (maksimal 100 ball)	O‘tkazilgan tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Yer qa’ri uchastkalaridan foydalanish huquqi uchun ruxsatnoma mavjud emasligi	10	
2.	Neft quduqlarini burg‘ilash loyihasi mavjud emasligi	10	
3.	Tog‘-kon ishlarini yuritish huquqini beruvchi ruxsatnoma mavjud emasligi	10	
4.	Xavfli ishlab chiqarish obyektlaridan foydalanuvchi tashkilotlarning rahbar va muhandis-texnik xodimlarini tayyorlash, qayta tayyorlash, ularning malakasini oshirish hamda attestatsiyadan o‘tkazish amalga oshirilmaganligi	10	
5.	Yashindan himoya qurilmalarini ko‘rikdan o‘tkazish dalolatnomasi mavjud emasligi	8	
6.	Xavfli ishlab chiqarish obyektidagi avariyaning kengayib ketishiga yo‘l qo‘ymaslik va uning oqibatlarini tugatish tadbirlari rejalashtirilmaganligi	10	
7.	Ochiq neft va gaz favvoralarini oldini olish va bartaraf qilish bo‘yicha Harbiylashtirilgan qism tashkil etilmaganligi	10	
8.	Kern, foydali qazilma namunalari dublikatlari belgilangan talablarga muvofiq saqlanmaganligi	8	
9.	Inspeksiya nazoratidagi obyektlarda elektr qurilmalarini sozlash ishlarini bajarish uchun ruxsatnoma mavjud emasligi	8	
10.	Geologiya-qidiruv, tadqiqot hamda ekspluatatsiya quduqlarini qurish ishlari yakunlanganidan so‘ng buzilgan yerlar rekultivatsiya qilinmaganligi	8	
11.	Foydali qazilmalar zaxiralari bo‘yicha Davlat komissiyasi bayonnomasi mavjud emasligi	8	
Jami:		**100**	

Yer qa’rini geologik o‘rganishda foydali qazilmalar hamda mineral xomashyoni qazib olish sohasida nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
4-ILOVA

Neft-gaz tarmog‘ida uglevodorod xomashyosining qazib olinishini amalga oshirishda qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash
KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ko‘rsatkichlarga qo‘yilishi mumkin bo‘lgan ballar (maksimal 100 ball)	O‘tkazilgan tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Foydali qazilmalarni qazib olish bo‘yicha texnik-iqtisodiy asoslar ishlab chiqilmaganligi	8	
2.	Konni o‘zlashtirish loyihasi mavjud emasligi	8	
3.	Kon ajratmasi dalolatnomasi mavjud emasligi	8	
4.	Foydali qazilmalarni qazib olishda foydali qazilmalar zaxirasi harakati to‘g‘risidagi hisobot taqdim etilmaganligi	8	
5.	Davlat ekologiya ekspertizasining ijobiy xulosasi mavjud emasligi	6	
6.	Suvdan maxsus foydalanishga ruxsatnoma mavjud emasligi	8	
7.	Inspeksiya nazoratidagi obyektlarda elektr qurilmalarini sozlash ishlarini bajarish uchun ruxsatnoma mavjud emasligi	8	
8.	Sanoat xavfsizligi talablariga rioya etilishi ustidan ishlab chiqarish nazoratining tashkil qilinmaganligi	6	
9.	Xavfli ishlab chiqarish obyektidagi avariyaning kengayib ketishiga yo‘l qo‘ymaslik va uning oqibatlarini tugatish tadbirlari rejalashtirilmaganligi	6	
10.	Yashindan himoya qurilmalarini ko‘rikdan o‘tkazish dalolatnomasi mavjud emasligi	6	
11.	Xavfli ishlab chiqarish obyektlaridan foydalanuvchi tashkilotlarning rahbar va muhandis-texnik xodimlarini tayyorlash, qayta tayyorlash, ularning malakasini oshirish hamda attestatsiyadan o‘tkazish amalga oshirilmaganligi	6	
12.	Ochiq neft va gaz favvoralarini oldini olish va bartaraf qilish bo‘yicha Harbiylashtirilgan qism tashkil etilmaganligi	8	
13.	Qidirib topilgan konni sanoat yo‘li bilan o‘zlashtirish uchun qabul qilish-berish dalolatnomasi mavjud emasligi	6	
14.	Neft va neft mahsulotlari hamda neft sanoati oqovalari bilan ifloslangan yerlar rekultivatsiya qilinmaganligi	8	
Jami:		**100**	

Yer qa’rini geologik o‘rganishda foydali qazilmalar hamda mineral xomashyoni qazib olish sohasida nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
5-ILOVA

Yer osti suvlaridan oqilona foydalanilishini amalga oshirishda qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash
KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ko‘rsatkichlarga qo‘yilishi mumkin bo‘lgan ballar (maksimal 100 ball)	O‘tkazilgan tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Yer osti suvlariga ruxsat etuvchi hujjatlar mavjud emasligi	15	
2.	Gidrogeologik xulosa mavjud emasligi	15	
3.	Yer osti suvlari quduqlarini burg‘ilash uskunalarining texnik pasportlari mavjud emasligi	15	
4.	Yer osti suv olish inshootlarining suv hisoblash vositalari bilan jihozlanmaganligi	15	
5.	Yer osti suvlarini olish va berishda suv miqdori to‘g‘risida hisobot taqdim etilmaganligi	15	
6.	Suv hisoblash vositasini belgilangan talablar asosida o‘rnatilmaganligi	10	
7.	Yer osti suvlariga quduqlarni burg‘ilash faoliyatiga ruxsatnoma mavjud emasligi	15	
Jami:		**100**	

Yer qa’rini geologik o‘rganishda foydali qazilmalar hamda mineral xomashyoni qazib olish sohasida nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
6-ILOVA

Neft-gaz quduqlarini burg‘ilash (qurish), ularni ta’mirlash, sinash va o‘zlashtirishda qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ko‘rsatkichlarga qo‘yilishi mumkin bo‘lgan ballar (maksimal 100 ball)	O‘tkazilgan tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Tog‘-kon ishlarini yuritish huquqini beruvchi ruxsatnoma mavjud emasligi	20	
2.	Xavfli ishlab chiqarish obyektlaridan foydalanuvchi tashkilotlarning rahbar va muhandis-texnik xodimlarini tayyorlash, qayta tayyorlash, ularning malakasini oshirish hamda attestatsiyadan o‘tkazish amalga oshirilmaganligi	20	
3.	Yashindan himoya qurilmalarini ko‘rikdan o‘tkazish dalolatnomasi mavjud emasligi	20	
4.	Xavfli ishlab chiqarish obyektidagi avariyaning kengayib ketishiga yo‘l qo‘ymaslik va uning oqibatlarini tugatish tadbirlari rejalashtirilmaganligi	20	
5.	Ochiq neft va gaz favvoralarini oldini olish va bartaraf qilish bo‘yicha Harbiylashtirilgan qism tashkil etilmaganligi	20	
Jami:		**100**	

Yer qa’rini geologik o‘rganishda foydali qazilmalar hamda mineral xomashyoni qazib olish sohasida nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
7-ILOVA

Portlatish ishlari va portlovchi materiallarning aylanmasi sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash
KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ko‘rsatkichlarga qo‘yilishi mumkin bo‘lgan ballar (maksimal 100 ball)	O‘tkazilgan tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Portlovchi va zaharli moddalarni, ularni qo‘llagan holda materiallar va mahsulotlarni, shuningdek portlatish vositalarini yaratish, ishlab chiqarish, tashish, saqlash va realizatsiya qilish faoliyati uchun litsenziya mavjud emasligi	15	
2.	Xavfli ishlab chiqarish obyektlaridan foydalanuvchi tashkilotlarning rahbar va muhandis-texnik xodimlarini tayyorlash, qayta tayyorlash, ularning malakasini oshirish hamda attestatsiyadan o‘tkazish amalga oshirilmaganligi	15	
3.	Portlovchi materiallarni ishlab chiqarish, sotib olish, saqlash, tashish, ulardan foydalanish va ularni hisobga olish talablari bajarilmaganligi	15	
4.	Xavfli ishlab chiqarish obyektidagi avariyaning kengayib ketishiga yo‘l qo‘ymaslik va uning oqibatlarini tugatish tadbirlari rejalashtirilmaganligi	15	
5.	Xavfli ishlab chiqarish obyektlarini identifikatsiyalash amalga oshirilmaganligi	10	
6.	Xavfli ishlab chiqarish obyektlari sanoat xavfsizligi ekspertizasidan o‘tkazilmaganligi	10	
7.	Xavfli ishlab chiqarish obyektlarining birinchi tipiga muvofiq bo‘lgan xavfli ishlab chiqarish obyektlarining sanoat xavfsizligi deklaratsiyasi mavjud emasligi	10	
8.	Sanoat xavfsizligi talablariga rioya etilishi ustidan ishlab chiqarish nazoratining tashkil qilinmaganligi	10	
Jami:		**100**	

25 (1253)-сон
636-модда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3863
2026 - yil 26 - Iyun

OʻZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING BUYRUG'I

Arxiv ishi va ish yuritish talablari bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF-184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi Farmoni hamda Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son “Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida davlat nazoratini tashkil etish boʻyicha qoʻshimcha chora-tadbirlar toʻgʻrisida”gi qaroriga asosan **buyuraman**:

1. Arxiv ishi va ish yuritish talablari bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi toʻgʻrisidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish boʻyicha vakil va Oʻzbekiston Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy eʼlon qilingan kundan eʼtiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Vazir
26-Iyun 2026-yil
23-mh- son

TASHKULOV AKBAR
DJURABAYEVICH

Kelishildi:

Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish boʻyicha vakil
22-Iyun 2026-yil

BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH

Rais
12-Iyun 2026-yil

VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH

Oʻzbekiston Respublikasi Adliya vazirining 2026-yil 24-iyundagi
21-mh-son buyrugʻiga
ILOVA

Arxiv ishi va ish yuritish talablari bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi toʻgʻrisidagi NIZOM

Mazkur Nizom Oʻzbekiston Respublikasi Adliya vazirligi huzuridagi “Oʻzarxiv” agentligi (bundan buyon matnda Agentlik deb yuritiladi) vakolatiga kiradigan masalalarga doir nodavlat arxivlari boʻlgan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida arxiv ishi va ish yuritish talablari bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

tadbirkorlik subyekti – belgilangan tartibda davlat roʻyxatidan oʻtgan hamda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirayotgan yuridik va jismoniy shaxslar;

tekshiruv – tadbirkorlik subyekti tomonidan faoliyatini tartibga soluvchi qonunchilikka qay darajada rioya etilayotganligini tekshirish uchun kerakli materiallar, hujjatlar yoki ularning faoliyatiga doir maʼlumotlarni olish hamda muayyan harakatlarni amalga oshirish orqali Agentlik vakolati doirasida oʻtkaziladigan nazorat tadbiri;

“Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi – Agentlik tomonidan tegishli nazorat sohasi boʻyicha aniq mezonlarga asoslanib, tadbirkorlik subyekti tomonidan oʻz faoliyatida qonunchilik buzilish xavfi darajasini aniqlash mexanizmi.

2. Agentlik tomonidan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qoʻyiladigan minimal talablarga muvofiq ishlab chiqilishi lozim.

Minimal talablarga zid boʻlgan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi tadbirkorlik subyektida tekshiruv oʻtkazish tashabbusi bilan chiqishga asos boʻlmaydi.

3. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi asosida aniqlangan huquqbuzarlik xavfi qay darajada boʻlishidan qatʼiy nazar, tadbirkorlik subyektiga nisbatan taʼsir choralarini qoʻllashga asos boʻla olmaydi.

2-bob. Xavf darajasini tahlil qilishga doir umumiy talablar

4. Tadbirkorlik subyektining qonunni buzish xavfi darajasini tahlil qilish jarayoni tadbirkorlik subyekti faoliyatini toʻxtatib turish, unga toʻsqinlik qilish yoki

faoliyatini amalga oshirishga to‘g‘ridan-to‘g‘ri aralashishni nazarda tutuvchi xatti-harakatlarni o‘z ichiga olmasligi zarur.

5. Xavf darajasining tahlili quyidagi ma’lumotlarni o‘rganish asosida amalga oshirilishi mumkin:

ma’muriy ma’lumotlar (litsenziya, ruxsat etuvchi va davlat organlarida mavjud boshqa hujjatlar);

davriy statistika ma’lumotlari, jumladan, avval huquqbuzarlik holatlari aniqlangan tadbirkorlik subyektini umumlashtiruvchi belgilar, xabarlar va boshqa korrelyatsion tahlil natijalari;

jismoniy va yuridik shaxslardan kelib tushgan murojaatlar;

ommaviy axborot vositalaridan yoki boshqa tashqi manbalardan (ijtimoiy tarmoqlar, veb-saytlar) olingan ma’lumotlar;

qonunchilikda taqiqlanmagan boshqa manbalardan va tadbirkorlik subyektining odatiy faoliyatiga bevosita yoki bilvosita ta’sir ko‘rsatmagan holda, davlat organlari va boshqa tashkilotlardan olinishi mumkin bo‘lgan boshqa ma’lumotlar.

6. Xavf darajasi tahlili jarayonida tadbirkorlik subyektidan hujjatlar va axborotlar talab qilinishiga yo‘l qo‘yilmaydi.

7. Nazorat vakolatiga kirmaydigan tadbirkorlik subyektlari faoliyatini tahlil qilish va baholash taqiqlanadi.

3-bob. Xavf darajasi tasnifi va ularni mezonlariga doir talablar

8. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida xavf darajasini baholash o‘rganiladigan ma’lumotlar asosida shakllantirilgan mazkur Nizomning ilovasida ko‘rsatilgan asosiy ko‘rsatkichlarga (sub-ko‘rsatkichlarga) tadbirkorlik subyekti faoliyatining muvofiqligini “ball” tizimi asosida baholash orqali amalga oshiriladi.

Bunda sub-ko‘rsatkichlar mavjud bo‘lganda har bir asosiy ko‘rsatkichning bahosi ushbu ko‘rsatkich ostidagi sub-ko‘rsatkichlar bahosining yig‘indisidan kelib chiqadi.

9. Agentlik tadbirkorlik subyektlarining xavf darajasini baholash uchun mazkur Nizomning ilovasida ko‘rsatilgan asosiy ko‘rsatkichlar va sub-ko‘rsatkichlarni “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimiga kiritadi.

Bunda tadbirkorlik subyektlarining xavf darajasi asosiy ko‘rsatkichlar va sub-ko‘rsatkichlar bo‘yicha mazkur Nizomning 5-bandida ko‘rsatilgan ma’lumotlardan foydalangan holda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida avtomatik ravishda aniqlanadi.

10. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida tadbirkorlik subyektlari faoliyatida huquqbuzarlik sodir etish xavfi past, oʻrta va yuqori darajalarga tasniflanadi.

Bunda baholash natijasida aniqlangan xavf darajasining umumiy ballari asosida tadbirkorlik subyekti tomonidan huquqbuzarlik sodir etish xavfi quyidagi uch xil toifaga tasniflanadi:

xavf darajasi yuqori – baholash natijalari boʻyicha 81 balldan 100 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi oʻrta – baholash natijalari boʻyicha 61 balldan 81 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi past – baholash natijalari boʻyicha 61 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari.

11. Baholash natijalariga muvofiq huquqbuzarlik xavfi yuqori va oʻrta tasnifidagi tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlarni oʻtkazish amaldagi qonunchilik hujjatlari, jumladan Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi Farmoni, 2022-yil 13-sentabrdagi PQ–374-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar va profilaktika tadbirlarini oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi nizom va Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qoʻyiladigan minimal talablar asosida amalga oshiriladi.

12. Xavf darajasi past boʻlgan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar oʻtkazilmaydi.

4-bob. Yakuniy qoida

13. Xavfni tahlil etish natijalaridan norozi boʻlgan shaxslar qonunchilikda belgilangan tartibda yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishga haqli.

14. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor boʻlgan shaxslar belgilangan tartibda javobgar boʻladilar.

QMMB: 10/26/3863/0642-son
29.06.2026-y.

Arxiv ishi va ish yuritish talablari bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi iyundagi nizomga
ILOVA

Tadbirkorlik subyektlari faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KOʻRSATKICHLARI

T/r	Baholash koʻrsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga koʻra qoʻyilgan ballar
1.	**Arxiv faoliyatini tashkil etish**	**10**	
1.1.	Hujjatlarni elektron arxivlash (saqlash) xizmatlarini (maʼlumotlar uzatish tarmoqlari xizmatlari sifatida) koʻrsatish boʻyicha talablarga rioya etilmaganligi	2	
1.2.	Nodavlat arxiv mutaxassisining (xodimi yoki ishchisi) arxiv ishi boʻyicha malakasi oshirilganligi	2	
1.3.	Davlat yongʻin nazorati organlari tomonidan mavjud binolar va xonalarning yongʻin xavfsizligi talablariga muvofiqligi toʻgʻrisidagi xulosaning mavjud emasligi	2	
1.4.	Arxiv mos bino va xonalarda tashkil etilmaganligi	2	
1.5.	Tadbirkorlik subyektlari tomonidan Agentlikning (yoki hududiy boshqarmalarining) arxiv ishini yuritishda aniqlangan kamchiliklarni bartaraf etish boʻyicha koʻrsatmalarini bajarilmaganligi	2	
2.	**Arxiv faoliyatini qayta tashkil etish va tugatish**	**15**	
2.1.	Nodavlat arxivlar qayta tashkil etishda mulkdor (muassis) arxiv hujjatlarining holati (joylashgan joyi, tarkibi, miqdori va taqsimlanishi) toʻgʻrisidagi axborotni Agentlikka qayta tashkil etish boshlanishidan kamida 1 oy oldin yuborilmaganligi	1	
2.2.	Arxiv hujjatlarining but saqlanishini taʼminlash va ularning keyinchalik saqlanish joyi toʻgʻrisidagi masalani hal etish	1	

T/r	Baholash koʻrsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga koʻra qoʻyilgan ballar
	maqsadida yigʻmajildlar va mol-mulkni topshirish uchun tuzilgan tugatish komissiyasi tarkibiga Agentlikning hududiy boshqarmasi vakili kiritilmaganligi		
2.3.	Nodavlat arxivi qayta tashkil etilayotganda ularning arxiv hujjatlari tegishli davlat arxivlari bilan kelishilmagan holda mazkur arxivning huquqiy vorisiga topshirilmaganligi	3	
2.4.	Nodavlat arxiv tugatilayotganda arxivning mulkdorlari (muassislari) mazkur arxivning arxiv fondlarini boshqa arxivlarga belgilangan tartibda oʻz vaqtida topshirish uchun tegishli chora-tadbirlar koʻrilmaganligi	5	
2.5.	Arxiv tugatilayotganda alohida olingan arxiv fondini turli arxivlar, shu jumladan, idoraviy arxivlar oʻrtasida uni boʻlgan holda taqsimlanganligi	5	
3.	**Arxiv xizmatlarini koʻrsatish**	**20**	
3.1.	Arxiv tomonidan pulli asosda koʻrsatiladigan xizmatlar roʻyxati tasdiqlanmaganligi	2	
3.2.	Ijtimoiy-huquqiy mazmundagi soʻrovlarni belgilangan tartibda bajarilmaganligi	3	
3.3.	Kasbiy kompetentlik guvohnomasiga ega boʻlmagan mutaxassislar (xodimlar yoki ishchilar) tomonidan tashkilotlarning hujjatlarini tartibga keltirilganligi	5	
3.4.	Bepul amalga oshiriladigan xizmatlarga pul undirilganligi	5	
3.5.	Hujjatlarning qimmatliligini aniqlash ekspertizasini oʻtkazish tartibiga rioya etmaganligi	5	
4.	**Arxiv hujjatlarining hisobini yuritish**	**25**	
4.1.	Arxiv fondi varagʻi va arxiv fondi yigʻmajildi mavjud emasligi	5	
4.2.	Arxiv roʻyxati mavjud emasligi	5	
4.3.	Arxiv fondlarining roʻyxati mavjud emasligi	5	

T/r	Baholash koʻrsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga koʻra qoʻyilgan ballar
4.4.	Oʻzlarida saqlanayotgan arxiv hujjatlari toʻgʻrisidagi maʼlumotlarni qonunchilikda belgilangan tartibda taqdim etmaganligi	5	
4.5.	Hujjatlarning kelib tushish kitobi mavjud emasligi	5	
5.	**Arxiv hujjatlarini jamlash va but saqlash**	**30**	
5.1.	Qogʻozli manbalardagi arxiv hujjatlari temir stellajlar va shkaflarda gorizontal yoki vertikal shaklda, qutilarda va boshqa turdagi saqlash vositalarida (papka, futlyarlar va shu kabilarda) saqlanmaganligi	2	
5.2.	Arxiv hujjatlarini saqlashning normativ rejimlariga rioya etilmaganligi	3	
5.3.	Arxiv hujjatlarini arxivga tartibga keltirilmagan holda va tegishli ilmiy-maʼlumotnoma apparatisiz qabul qilinganligi	5	
5.4.	Arxiv saqlovxonalarini xavfsizlik va saqlash vositalari bilan jihozlanmaganligi	10	
5.5.	Milliy arxiv fondining davlatga tegishli qismi tarkibiga kiritilgan arxiv hujjatlarini qabul qilinganligi	10	
Jami:		**100**	

25 (1253)-сон
637-модда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3864
2026 - yil 26 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING

BUYRUG‘I

Intellektual mulk sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi va 2026-yil 17-apreldagi PF–63-son “Tadbirkorlik faoliyatiga noqonuniy aralashuvlarni cheklash va nazorat tadbirlarining shaffofligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi famonlari hamda 2018-yil 13-apreldagi PQ–3666-son “O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi faoliyatini yanada takomillashtirishga doir tashkiliy chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori va Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son “Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida davlat nazoratini tashkil etish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. Intellektual mulk sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil hamda O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Vazir
26-Iyun 2026-yil
22-mh son

TASHKULOV AKBAR DJURABAYEVICH

Kelishildi:

Rais
15-Iyun 2026-yil

VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH

Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish bo‘yicha vakil
15-Iyun 2026-yil

BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH

O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2026-yil 26-iyundagi 22-mh-son buyrug‘iga
ILOVA

Intellektual mulk sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi
NIZOM

Mazkur Nizom intellektual mulk sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

tadbirkorlik subyekti – belgilangan tartibda davlat ro‘yxatidan o‘tgan hamda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirayotgan yuridik va jismoniy shaxslar;

“Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi – O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi (bundan buyon matnda Vazirlik deb yuritiladi) tomonidan intellektual mulk sohasini aniq mezonlarga asoslanib, tadbirkorlik subyekti tomonidan o‘z faoliyatida qonunchilik buzilish xavfi darajasini aniqlash mexanizmi;

tekshiruv – tadbirkorlik subyekti tomonidan faoliyatni tartibga soluvchi qonunchilikka qay darajada rioya etilayotganligini kerakli materiallar, hujjatlar yoki ularning faoliyatiga doir ma’lumotlarni olish hamda muayyan harakatlarni amalga oshirish orqali o‘tkaziladigan nazorat qilish tadbiri.

2. Vazirlik tomonidan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qo‘yiladigan minimal talablarga muvofiq ishlab chiqilishi lozim.

Minimal talablarga zid bo‘lgan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi tadbirkorlik subyektida tekshiruv o‘tkazish tashabbusi bilan chiqishga asos bo‘lmaydi.

3. Ishlab chiqilgan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi asosida aniqlangan huquqbuzarlik xavfi qay darajada bo‘lishidan qat’i nazar, tadbirkorlik subyektiga nisbatan ta’sir choralarini qo‘llashga asos bo‘la olmaydi.

2-bob. Xavf darajasini tahlil qilishga doir umumiy talablar

4. Tadbirkorlik subyektining qonunni buzish xavfi darajasini tahlil qilish jarayoni tadbirkorlik subyekti faoliyatini to‘xtatib turish, unga to‘sqinlik qilish yoki faoliyatini amalga oshirishga to‘g‘ridan-to‘g‘ri aralashishni nazarda tutuvchi xatti-harakatlarni o‘z ichiga olmasligi zarur.

5. Xavf darajasining tahlili quyidagi ma’lumotlarni o‘rganish asosida amalga oshirilishi mumkin:

ma’muriy ma’lumotlar (litsenziya, ruxsat etuvchi va davlat organlarida mavjud boshqa hujjatlar);

davriy statistika ma’lumotlari, jumladan, avval huquqbuzarlik holatlari aniqlangan tadbirkorlik subyektini umumlashtiruvchi belgilar, xabarlar va boshqa korrelyatsion tahlil natijalari;

yuridik va jismoniy shaxslardan kelib tushgan murojaatlar;

ommaviy axborot vositalaridan yoki boshqa tashqi manbalardan (ijtimoiy tarmoqlar, veb-saytlar) olingan ma’lumotlar;

nazorat xaridi natijalari asosida aniqlangan kamchiliklarning tahlili;

qonunchilikda taqiqlanmagan boshqa manbalardan va tadbirkorlik subyektining odatiy faoliyatiga bevosita yoki bilvosita ta’sir ko‘rsatmagan holda, davlat organlari va boshqa tashkilotlardan olinishi mumkin bo‘lgan boshqa ma’lumotlar.

6. Xavf darajasi tahlili jarayonida tadbirkorlik subyektidan hujjatlar va axborotlar talab qilinishiga yo‘l qo‘yilmaydi.

7. Nazorat vakolatiga kirmaydigan tadbirkorlik subyektlari faoliyatini tahlil qilish va baholash taqiqlanadi.

3-bob. Xavf darajasi tasnifi va ularning mezonlariga doir talablar

8. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida xavf darajasini baholash o‘rganiladigan ma’lumotlar asosida shakllantirilgan mazkur Nizomning 1-6-ilovalarida ko‘rsatilgan ko‘rsatkichlarga tadbirkorlik subyekti faoliyatining muvofiqligini “ball” tizimi asosida baholash orqali amalga oshiriladi.

9. Vazirlik tadbirkorlik subyektlarining xavf darajasini baholash uchun quyidagi ko‘rsatkichlarni “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimiga kiritadi:

mazkur Nizomning 1-ilovasiga muvofiq Tovar belgilari va xizmat ko‘rsatish belgilari sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash ko‘rsatkichlari;

mazkur Nizomning 2-ilovasiga muvofiq Geografik koʻrsatkich va tovar kelib chiqqan joy nomi sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 3-ilovasiga muvofiq Firma nomlari sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 4-ilovasiga muvofiq Ixtirolar, foydali modellar, sanoat namunalari sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 5-ilovasiga muvofiq Seleksiya yutuqlari sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 6-ilovasiga muvofiq Mualliflik huquqi va turdosh huquqlar sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari.

Bunda tadbirkorlik subyektlarining xavf darajasi mazkur bandning ikkinchi–yettinchi xatboshilarida nazarda tutilgan koʻrsatkichlar boʻyicha “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida avtomatik ravishda alohida aniqlanadi.

10. Amalga oshirilgan baholash natijalariga koʻra aniqlangan xavf darajasining umumiy ballari asosida tadbirkorlik subyektlari huquqbuzarlik sodir etish xavfi boʻyicha quyidagi uch xil toifada tasniflanadi:

xavf darajasi yuqori – baholash natijalari boʻyicha 81 balldan 100 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi oʻrta – baholash natijalari boʻyicha 61 balldan 81 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi past – baholash natijalari boʻyicha 61 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari.

11. Baholash natijalariga muvofiq huquqbuzarlik xavfi yuqori va oʻrta tasnifidagi tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlarni oʻtkazish amaldagi qonunchilik hujjatlari, jumladan Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi Farmoni, 2022-yil 13-sentabrdagi PQ–374-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar va profilaktika tadbirlarini oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi nizom va Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qoʻyiladigan minimal talablar asosida amalga oshiriladi.

Bunda tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlar faqatgina intellektual mulk sohasidagi qonunchilik talablariga rioya etilishini oʻrganish maqsadida oʻtkaziladi.

12. Xavf darajasi past bo‘lgan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar o‘tkazilmaydi.

4-bob. Yakuniy qoidalar

13. Xavfni tahlil etish natijalaridan norozi bo‘lgan tadbirkorlik subyektlari qonunchilikda belgilangan tartibda yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishga haqli.

14. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

Intellektual
mulk sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga
oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi
to‘g‘risidagi nizomga
1-ILOVA

Tovar belgilari va xizmat ko‘rsatish belgilari sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Tovar belgisini yoki shu belgi bilan belgilangan tovarni, shuningdek ular bilan adashtirib yuboradigan darajada aynan o‘xshash bo‘lgan belgilarni ruxsat berilmagan tarzda tayyorlanganligi	**20**	
2.	Tovar belgisini yoki shu belgi bilan belgilangan tovarni, shuningdek ular bilan adashtirib yuboradigan darajada aynan o‘xshash bo‘lgan belgilarni ruxsat berilmagan tarzda sotilganligi	**20**	
3.	Tovar belgisini yoki shu belgi bilan belgilangan tovarni, shuningdek adashtirib yuboradigan darajada aynan o‘xshash bo‘lgan belgilarni ruxsat berilmagan tarzda qo‘llanilganligi	**20**	

4.	Tovar belgisini yoki shu belgi bilan belgilangan tovarni, shuningdek adashtirib yuboradigan darajada aynan o‘xshash bo‘lgan belgilarni ruxsat berilmagan tarzda savdoga taklif etilganligi	**15**	
5.	Tovar belgisini yoki shu belgi bilan belgilangan tovarni, shuningdek adashtirib yuboradigan darajada aynan o‘xshash bo‘lgan belgilarni ruxsat berilmagan tarzda olib kirish, fuqarolik muomalasiga kiritish yoki ularni shu maqsadda saqlanganligi	**15**	
6.	Ro‘yxatdan o‘tkazilmagan tovar belgisiga, xizmat ko‘rsatish belgisiga nisbatan ogohlantiruvchi tamg‘adan qonunga xilof ravishda foydalanilganligi	**10**	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

Intellektual
mulk sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga
oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi
to‘g‘risidagi nizomga
2-ILOVA

Geografik ko‘rsatkich va tovar kelib chiqqan joy nomi sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash
KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Ro‘yxatdan o‘tkazilgan geografik ko‘rsatkichdan ishlab chiqarilayotgan, sotuvga taqdim etilayotgan, sotilayotgan, ko‘rgazmalarda va yarmarkalarda namoyish etilayotgan yoki boshqacha tarzda O‘zbekiston Respublikasi hududida fuqarolik muomalasiga kiritilayotgan yoxud shu maqsadda saqlanayotgan yoki tashilayotgan yoxud O‘zbekiston Respublikasi hududiga olib kirilayotgan tovarlarda,	**15**	

	tovarlarning yorliqlarida, oʻrovlarida qonunga xilof ravishda foydalanilganligi		
2.	Roʻyxatdan oʻtkazilgan geografik koʻrsatkichdan tovarlarni fuqarolik muomalasiga kiritish bilan bogʻliq boʻlgan blankalarda, hisobvaraqlarda, boshqa hujjatlarda va bosma nashrlarda qonunga xilof ravishda foydalanilganligi	**15**	
3.	Tovar kelib chiqqan joy nomini tovarda, uning idishi hamda oʻrovida, peshlavhalarda, rasmiy blankalarda, reklamada, bosma nashrlarda va tovarni fuqarolik muomalasiga kiritish bilan bogʻliq boshqa hujjatlarda qonunga xilof ravishda ishlatilganligi	**15**	
4.	Roʻyxatdan oʻtkazilgan geografik koʻrsatkichdan tovarlarni sotish toʻgʻrisidagi takliflarda, shuningdek e'lonlarda, peshlavhalarda va reklamada qonunga xilof ravishda foydalanilganligi	**15**	
5.	Roʻyxatdan oʻtkazilgan geografik koʻrsatkichdan foydalanish huquqiga ega boʻlmagan shaxslar tomonidan undan foydalanish, hatto bunda, agar tovar ishlab chiqarilgan haqiqiy joy koʻrsatilgan boʻlsa yoki geografik koʻrsatkichdan uni tarjima qilgan holda yoxud "xildagi", "turdagi", "oʻxshatib ishlangan" degan va boshqa shunga oʻxshash soʻzlar bilan qoʻshib foydalanilganligi	**10**	
6.	Roʻyxatdan oʻtkazilgan geografik koʻrsatkichdan undan foydalanish huquqiga ega boʻlgan shaxslarning reyestrda koʻrsatilgan xususiyatlarga ega boʻlmagan yoxud geografik obyekt chegarasidan tashqarida ishlab chiqarilgan tovarga nisbatan foydalanilganligi	**10**	
7.	Roʻyxatdan oʻtkazilgan geografik koʻrsatkichga oʻxshash belgidan tovar ishlab chiqarilgan joy yoki tovarning xususiyatlari	**10**	

	xususida isteʼmolchilarni chalgʻitadigan tarzda har qanday tovarlar uchun foydalanilganligi		
8.	Roʻyxatdan oʻtkazilmagan geografik koʻrsatkichga va tovar kelib chiqqan joy nomiga nisbatan ogohlantiruvchi tamgʻadan qonunga xilof ravishda foydalanilganligi	**10**	
	Jami ballar yigʻindisi	**100**	

Intellektual mulk sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga
3-ILOVA

Firma nomlari sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KOʻRSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash koʻrsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga koʻra qoʻyilgan ballar
1.	Firma nomini rasmiy blankalarda, muhrlarda, shtamplarda va yuridik shaxsning faoliyati bilan bogʻliq boʻlgan boshqa hujjatlarda qonunga xilof ravishda aks ettirilganligi	**20**	
2.	Firma nomini tovarlarda, ularning idishi va oʻrovida qonunga xilof ravishda ishlatilganligi	**20**	
3.	Firma nomini reklamada va peshlavhalarda qonunga xilof ravishda ishlatilganligi	**20**	
4.	Firma nomini bosma maʼlumotnomalarda, hisobvaraqlarda, bosma nashrlarda qonunga xilof ravishda ishlatilganligi	**20**	
5.	Firma nomini tovarlarni Oʻzbekiston Respublikasida oʻtkaziladigan koʻrgazmalar va yarmarkalarda namoyish etish vaqtida qonunga xilof ravishda ishlatilganligi	**20**	
	Jami ballar yigʻindisi	**100**	

QMMB: 10/26/3864/0643-son
29.06.2026-y.

Intellektual
mulk sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga
oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi
to‘g‘risidagi nizomga
4-ILOVA

Ixtirolar, foydali modellar, sanoat namunalari sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Tegishli patentlangan sanoat mulki obyektini o‘z ichiga olgan mahsulot yoki buyumni ruxsatsiz tayyorlaganligi	**20**	
2.	Tegishli patentlangan sanoat mulki obyektini o‘z ichiga olgan mahsulot yoki buyumni ruxsatsiz qo‘llaganlig yoki import qilganligi	**20**	
3.	Tegishli patentlangan sanoat mulki obyektini o‘z ichiga olgan mahsulot yoki buyumni ruxsatsiz sotganligi, sotishga taklif etganligi	**20**	
4.	Tegishli patentlangan sanoat mulki obyektini o‘z ichiga olgan mahsulot yoki buyumni ruxsatsiz fuqarolik muomalasiga boshqa yo‘sinda kiritganligi yoki shu maqsadda saqlab turganligi	**20**	
5.	Ixtiro patenti bilan muhofaza qilinayotgan usulni ruxsatsiz qo‘llash yoxud ixtiro patenti bilan muhofaza qilinayotgan usulda bevosita tayyorlangan mahsulotni fuqarolik muomalasiga kiritganligi yoki shu maqsadda saqlab turganligi	**20**	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

Intellektual
mulk sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga

QMMB: 10/26/3864/0643-son
29.06.2026-y.

oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi
to‘g‘risidagi nizomga
5-ILOVA

Seleksiya yutuqlari sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Seleksiya yutug‘ining urug‘lik, ko‘chat yoki nasl materialini ruxsatsiz yetishtirish va takror yetishtirish (ko‘paytirish)	**20**	
2.	Seleksiya yutug‘ining urug‘lik, ko‘chat yoki nasl materialini ruxsatsiz nav yoki nasllik konditsiyasiga yetkazish	**20**	
3.	Seleksiya yutug‘ining urug‘lik, ko‘chat yoki nasl materialini ruxsatsiz sotish uchun taklif qilish	**20**	
4.	Seleksiya yutug‘ining urug‘lik, ko‘chat yoki nasl materialini ruxsatsiz sotish va boshqa usullarda o‘tkazish	**20**	
5.	Seleksiya yutug‘ining urug‘lik, ko‘chat yoki nasl materialini ruxsatsiz O‘zbekiston Respublikasi hududidan olib chiqish yoki olib kirish	**20**	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

Intellektual mulk sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi
to‘g‘risidagi nizomga
6-ILOVA

Mualliflik huquqi va turdosh huquqlar sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Asarlardan yoki turdosh huquqlar obyektlaridan qonunga xilof ravishda foydalanish	**35**	
2.	Asarlarning yoki turdosh huquqlar obyektlarining kontrafakt nusxalarini takrorlash	**25**	
3.	Asarlarning yoki turdosh huquqlar obyektlarining kontrafakt nusxalarini tarqatish	**15**	
4.	Asarlarning yoki turdosh huquqlar obyektlarining kontrafakt nusxalarini barchaning e’tiboriga yetkazish	**15**	
5.	Asarlarning yoki turdosh huquqlar obyektlarining nusxalarida ularning tayyorlovchilari haqida, ularni ishlab chiqarish joylari to‘g‘risida, shuningdek mualliflik huquqining va turdosh huquqlarning egalari haqida yolg‘on axborotni ko‘rsatish	**10**	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3865
2026 - yil 26 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI AGROSANOAT MAJMUI USTIDAN NAZORAT QILISH INSPEKSIYASI BOSHLIG‘INING

BUYRUG‘I

Qishloq xoʻjaligi sohasidagi qonunchilik talablariga rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi Farmoni hamda 2022-yil 13-sentabrdagi PQ–374-son “Tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar oʻtkazishni muvofiqlashtirish tartibini takomillashtirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi qarori, Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 12-iyuldagi 575-son “Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi faoliyatini tartibga soluvchi normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash toʻgʻrisida”gi va 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son “Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida davlat nazoratini tashkil etish boʻyicha qoʻshimcha chora-tadbirlar toʻgʻrisida”gi qarorlariga muvofiq buyuraman:

1. Qishloq xoʻjaligi sohasidagi qonunchilik talablariga rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi toʻgʻrisidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish boʻyicha vakil hamda Oʻzbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan eʼtiboran uch oy oʻtgach kuchga kiradi.

Inspeksiya boshlig'i
08-Iyun 2026-yil
UM-78-25 son

VAXABOV ABROL
DJABAROVICH

Kelishildi:

Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish boʻyicha vakil
05-Iyun 2026-yil

BURIYEV ABDUMANNOP
ABDURAXMATOVICH

Rais
08-May 2026-yil

VAXABOV DAVRON
ABDUJALALOVICH

Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi
Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish
inspeksiyasi boshligʻining 2026-yil 8-iyundagi
UM-78-25-son buyrugʻiga
ILOVA

Qishloq xoʻjaligi sohasidagi qonunchilik talablariga rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi toʻgʻrisidagi NIZOM

Mazkur Nizom Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi (bundan buyon matnda – “Oʻzagroinspeksiya” deb yuritiladi) vakolatiga kiradigan masalalarga doir qishloq xoʻjaligi sohasidagi qonunchilik talablariga rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalar qoʻllaniladi:

tadbirkorlik subyekti – belgilangan tartibda davlat roʻyxatidan oʻtgan hamda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirayotgan yuridik va jismoniy shaxslar;

tekshiruv – tadbirkorlik subyekti tomonidan faoliyatini tartibga soluvchi qonunchilikka qay darajada rioya etilayotganligini tekshirish uchun kerakli materiallar, hujjatlar yoki ularning faoliyatiga doir maʼlumotlarni olish hamda muayyan harakatlarni amalga oshirish orqali “Oʻzagroinspeksiya” vakolati doirasida oʻtkaziladigan nazorat tadbiri;

“xavfni tahlil etish” elektron tizimi – “Oʻzagroinspeksiya” tomonidan tegishli nazorat sohasi boʻyicha aniq mezonlarga asoslanib, tadbirkorlik subyekti tomonidan oʻz faoliyatida qonunchilik buzilish xavfi darajasini aniqlash mexanizmi.

2. “Oʻzagroinspeksiya” tomonidan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qoʻyiladigan minimal talablarga muvofiq ishlab chiqilishi lozim.

3. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi asosida aniqlangan huquqbuzarlik xavfi qay darajada boʻlishidan qatʼiy nazar, tadbirkorlik subyektiga

nisbatan taʼsir choralarini qoʻllashga asos boʻla olmaydi.

2-bob. Xavf darajasini tahlil qilishga doir umumiy talablar

4. Tadbirkorlik subyektining qonunni buzish xavfi darajasini tahlil qilish jarayoni tadbirkorlik subyekti faoliyatini toʻxtatib turish, unga toʻsqinlik qilish yoki faoliyatini amalga oshirishga toʻgʻridan-toʻgʻri aralashishni nazarda tutuvchi xatti-harakatlarni oʻz ichiga olmasligi zarur.

5. Xavf darajasining tahlili quyidagi maʼlumotlarni oʻrganish asosida amalga oshirilishi mumkin:

maʼmuriy maʼlumotlar (litsenziya, ruxsat etuvchi va davlat organlarida mavjud boshqa hujjatlar);

davriy statistika maʼlumotlari, shu jumladan avval huquqbuzarlik holatlari aniqlangan tadbirkorlik subyektini umumlashtiruvchi belgilar, xabarlar va boshqa korrelyatsion tahlil natijalari;

yuridik va jismoniy shaxslardan kelib tushgan murojaatlar;

ommaviy axborot vositalaridan yoki boshqa tashqi manbalardan (ijtimoiy tarmoqlar, veb-saytlar) olingan maʼlumotlar;

qonunchilikda taqiqlanmagan boshqa manbalardan va tadbirkorlik subyektining odatiy faoliyatiga bevosita yoki bilvosita taʼsir koʻrsatmagan holda, davlat organlari va boshqa tashkilotlardan olinishi mumkin boʻlgan boshqa maʼlumotlar.

6. Xavf darajasi tahlili jarayonida tadbirkorlik subyektidan hujjatlar va axborotlar talab qilinishiga yoʻl qoʻyilmaydi.

7. Nazorat vakolatiga kirmaydigan tadbirkorlik subyektlari faoliyatini tahlil qilish va baholash taqiqlanadi.

3-bob. Xavf darajasi tasnifi va ularni mezonlariga doir talablar

8. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida xavf darajasini baholash oʻrganiladigan maʼlumotlar asosida shakllantirilgan mazkur Nizomning 1–5-ilovalarida koʻrsatilgan asosiy koʻrsatkichlarga tadbirkorlik subyekti faoliyatining muvofiqligini “ball” tizimi asosida baholash orqali amalga oshiriladi.

9. Xavf darajasini baholash uchun quyidagi asosiy koʻrsatkichlar “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimiga kiritadi:

mazkur Nizomning 1-ilovasiga muvofiq Qishloq xoʻjaligi, melioratsiya va yoʻl-qurilish texnikalarini nazorat qilish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 2-ilovasiga muvofiq Qishloq xoʻjaligida agrotexnik tadbirlar tashkil etilishini nazorat qilish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 3-ilovasiga muvofiq Qishloq xoʻjaligi yerlaridan foydalanishni nazorat qilish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 4-ilovasiga muvofiq Qishloq xoʻjaligi ekinlari urugʻliklarini nazorat qilish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 5-ilovasiga muvofiq Paxta, boshoqli don, texnik chigit va ulardan qayta ishlangan mahsulotlarni nazorat qilish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari.

Bunda, tabdirkorlik subyektlarining xavf darajasi mazkur bandning ikkinchi–oltinchi xatboshilarida nazarda tutilgan asosiy koʻrsatkichlar boʻyicha “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida avtomatik ravishda alohida aniqlanadi.

10. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida tadbirkorlik subyektlari faoliyatida huquqbuzarlik sodir etish xavfi past, oʻrta va yuqori darajalarga tasniflanadi.

Bunda, baholash natijasida aniqlangan xavf darajasining umumiy ballari asosida tadbirkorlik subyekti tomonidan huquqbuzarlik sodir etish xavfi quyidagi uch xil toifaga tasniflanadi:

xavf darajasi yuqori – baholash natijalari boʻyicha 81 dan 100 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi oʻrta – baholash natijalari boʻyicha 61 balldan 81 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi past – baholash natijalari boʻyicha 61 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari.

11. Baholash natijalariga muvofiq huquqbuzarlik xavfi yuqori va oʻrta tasnifidagi tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlarni oʻtkazish amaldagi qonunchilik hujjatlari, jumladan Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi Farmoni, 2022-yil 13-sentabrdagi PQ–374-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar va

profilaktika tadbirlarini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizom va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qo‘yiladigan minimal talablar asosida amalga oshiriladi.

12. Xavf darajasi past bo‘lgan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar o‘tkazilmaydi.

4-bob. Yakuniy qoidalar

13. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

14. Xavfni tahlil etish natijalaridan norozi bo‘lgan shaxslar qonunchilikda belgilangan tartibda yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishga haqli.

Qishloq xoʻjaligi sohasidagi qonunchilik talablariga rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga
1-ILOVA

Qishloq xoʻjaligi, melioratsiya va yoʻl-qurilish texnikalarini nazorat qilish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KOʻRSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash koʻrsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga koʻra qoʻyilgan ball
1.	“Oʻzagroinspeksiya”ning ogohnomalarida belgilangan talablarni bajarmaslik yoki oʻz vaqtida yoxud qisman bajarmaslik	10	
2.	Qishloq xoʻjaligi, melioratsiya va yoʻl-qurilish texnikalaridan majburiy texnik koʻrikdan oʻtkazmasdan foydalanish	10	
3.	Traktorlar, kombaynlar, boshqa oʻziyurar qishloq xoʻjaligi, melioratsiya, yoʻl-qurilish mashinalaridan texnik jihatdan foydalanish qoidalari va texnika xavfsizligi qoidalarini buzish	10	
4.	Foydalanish belgilangan tartibda man etilgan transport vositalarini, shuningdek davlat raqam belgisi oʻzboshimchalik bilan yechib olingan transport vositalarini boshqarish	10	
5.	Korxonalar, muassasalar va tashkilotlarga qarashli transport vositalarini ishdan tashqari vaqtda ulardan foydalanish shartlariga muvofiq keladigan tarzda maxsus jihozlanmagan joyda saqlash	10	
6.	Qishloq xoʻjaligi, melioratsiya va yoʻl-qurilish texnikalarini boshqarish huquqi boʻlmagan (toifalari boʻyicha) mexanizatorlarni boshqarish	10	
7.	Qishloq xoʻjaligi, melioratsiya va yoʻl-qurilish texnikalaridan tegishli hujjatlarsiz va belgilangan talablarga zid ravishda foydalanish	10	
8.	Qishloq xoʻjaligi, melioratsiya va yoʻl-qurilish texnikalarini hisobdan chiqarish talablariga rioya etmaslik	10	

9.	Transport vositalaridan foydalanish vaqtida belgilangan tartibda davlat ro‘yxatidan o‘tkazilmagan transport vositalaridan foydalanish	10	
10.	Transport vositalaridan foydalanishda nosozligi bo‘lgan yoki muayyan shartlar tufayli transport vositasidan foydalanish taqiqlangan yoki tegishli ruxsatnomasiz qayta jihozlangan transport vositalaridan foydalanish	10	
Jami ballar yig‘indisi		**100**	

Qishloq xoʻjaligi sohasidagi qonunchilik talablariga rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga
2-ILOVA

Qishloq xoʻjaligida agrotexnik tadbirlar tashkil etilishini nazorat qilish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KOʻRSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash koʻrsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga koʻra qoʻyilgan ball
1.	“Oʻzagroinspeksiya”ning ogohnomalarida belgilangan talablarni bajarmaslik yoki oʻz vaqtida yoxud qisman bajarmaganligi	10	
2.	Qishloq xoʻjaligi mahsulotlarini yetishtirishda agrotexnik tadbirlar oʻtkazish talablarining buzilishi	10	
3.	Qishloq xoʻjaligi ekinlarini joylashtirish talablarining buzilishi	10	
4.	Qishloq xoʻjaligi ekinlarini ekish uchun yer tayyorlash va ekish talablarining buzilishi	10	
5.	Qishloq xoʻjaligi ekinlarini yetishtirishda mineral oʻgʻitlar bilan oziqlantirish talablarining buzilishi	10	
6.	Qishloq xoʻjaligi ekinlarini ekish va ekish bilan bogʻliq hamda oʻsish (vegetatsiya) davrida bajariladigan agrotexnik tadbirlarning oʻz vaqtida va sifatli amalga oshirmaganligi	15	
7.	Shudgorlash ishlarini oʻz vaqtida va sifatli amalga oshirilmaganligi	10	
8.	Qishloq xoʻjaligi ekinlari maydonlarida begona oʻtlar, hasharotlar, zararkunanda va kasalliklariga qarshi biologik va kimyoviy kurash ishlarini sifatsiz yoki kech oʻtkazilgan yoki oʻtkazilmaganligi	15	
9.	Qishloq xoʻjaligi agrotexnik tadbirlarida foydalanish uchun oʻsimliklarni himoya qilish vositalari, ularning oʻsishini tezlashtiruvchi vositalar, mineral oʻgʻitlar hamda boshqa kimyoviy vositalarni tashish, saqlash, ulardan foydalanish qoidalarini buzilishi	10	
Jami ballar yigʻindisi		**100**	

Qishloq xoʻjaligi sohasidagi qonunchilik talablariga rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga
3-ILOVA

Qishloq xoʻjaligi yerlaridan foydalanishni nazorat qilish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KOʻRSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash koʻrsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga koʻra qoʻyilgan ball
1.	“Oʻzagroinspeksiya”ning ogohnomalarida belgilangan talablarni bajarmaslik yoki oʻz vaqtida yoxud qisman bajarmaganligi	10	
2.	Qishloq xoʻjaligi yerlaridan xoʻjasizlarcha foydalanish, obyektlar qurish paytida unumdor qatlamni olmaslik, yer uchastkalaridan ruxsat etilgan foydalanishning asosiy turiga nomuvofiq foydalanishi	15	
3.	Qishloq xoʻjaligi yerlarini foydalanishdan chiqarishga, hosildorlik pasayishiga, tuproqning buzilishi yoki yoʻq boʻlib ketishiga olib keladigan boshqa harakatlarni sodir etishi	15	
4.	Tasdiqlangan yer tuzish loyiha hujjatlaridan tegishli ruxsat boʻlmay turib chetga chiqish, xuddi shuningdek tegishli organlar bilan kelishmay turib obektlarni joylashtirish, loyihalashtirish, qurish va ulardan foydalanishi	10	
5.	Qishloq xoʻjaligi yerlaridan belgilangan maqsadlarda foydalanmaganligi	10	
6.	Sugʻoriladigan qishloq xoʻjaligi yerlariga qishloq xoʻjaligi ekinlarining ekilmasdan qoldirilishi	10	
7.	Qishloq xoʻjaligi yerlaridan foydalanuvchilar tomonidan yer uchastkalarini oʻzboshimchalik bilan egallashga yoʻl qoʻymaslik boʻyicha majburiyatlarining bajarmaganligi	10	
8.	Qishloq xoʻjaligi yerlarini yaxshilash hamda muhofaza qilish, shu jumladan yer uchastkasidan ruxsat etilgan foydalanishning asosiy turiga nomuvofiq foydalanishi	10	

9.	Qishloq xo‘jaligi yerlarini yaroqsiz holga tushirish, ularni ishlab chiqarish chiqitlari va boshqa chiqindilar, kimyoviy va radioaktiv moddalar bilan ifloslantirish qoidalariga amal qilmasligi	10	
Jami ballar yig‘indisi		**100**	

Qishloq xoʻjaligi sohasidagi qonunchilik talablariga rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga
4-ILOVA

Qishloq xoʻjaligi ekinlari urugʻliklarini nazorat qilish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KOʻRSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash koʻrsatkichlari	Ball	
1.	Urugʻlik yetishtirish boʻyicha shartnomaviy majburiyatlarni, shuningdek “Oʻzagroinspeksiya”ning ogohnomalarida belgilangan talablarni bajarmaslik yoki oʻz vaqtida yohud qisman bajarmaslik	10	
2.	Urugʻlik yetishtiruvchi subyektlarning amaldagi tartib va shartlarga koʻra urugʻliklarni yer maydonlariga toʻgʻri hamda hududni tuproq iqlim sharoitiga mos joylashtirish holatiga rioya etmaslik	10	
3.	Qishloq xoʻjaligi ekinlarini yetishtiruvchi subyektlarning yer maydonlarda ekilgan qishloq xoʻjaligi ekinlarining nav va duragaylari urugʻliklarini respublika hududida ekish uchun tavsiya etilgan qishloq xoʻjaligi ekinlari davlat reyestriga kiritish amaldagi tartibga nomuvofiq bajarilganlik	10	
4.	Qishloq xoʻjaligi ekinlarini yetishtiruvchi subyektlarning urugʻlik maqsadlari uchun xorijiy, mahalliy navlar va koʻchatlar qishloq xoʻjaligi ekinlarini yetishtirishda agrotexnik tadbirlar qoidalariga amalga qilmaganligi va urugʻlik yetishtirish yuzasidan mavjud tavsiya va yoʻriqnomalardagi talablarni bajarmaslik	10	
5.	Qishloq xoʻjaligi mahsulotini va urugʻliklarni qabul qilish, saqlash, qayta ishlash hamda ulardan foydalanish, urugʻlik xarid qilish va qabul qilish boʻyicha belgilangan talablarni bajarmaslik	15	
6.	Urugʻlikni tayyorlashda standartlarga amal qilmaslik, shuningdek agrosanoat majmui sohasida texnologik jarayonlar talablarini buzganlik	15	
7.	Qishloq xoʻjaligi ekinlarini ekuvchilar tomonidan import qilinadigan hamda mahalliy qishloq xoʻjaligi ekinlarining barcha turdagi urugʻliklari, koʻchat hamda koʻchat materiallarining raqamli QR kod bilan yorliqlangan holda foydalanish talablarini bajarmaslik	15	

8.	“In-vitro” laboratoriyalarida tayyorlangan ko‘chat va ko‘chat materiallari hamda kartoshkaning mini tuganaklarini belgilangan standart talablariga rioya qilmagan holda yetishtirilishi va raqamli QR kodlanmagan holda realizatsiya qilinganlik	15	
Jami ballar yig‘indisi		**100**	

Qishloq xoʻjaligi iyundagi qonunchilik talablariga rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga
5-ILOVA

Paxta, boshoqli don, texnik chigit va ulardan qayta ishlangan mahsulotlarni nazorat qilish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KOʻRSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash koʻrsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga koʻra qoʻyilgan ball
1.	“Oʻzagroinspeksiya”ning ogohnomalarida belgilangan talablarni bajarmaslik yoki oʻz vaqtida yohud qisman bajarmaslik	10	
2.	Paxta xom ashyosi, don va don mahsulotlari hamda texnik chigitni qabul qilish va saqlash qoidalarini buzilishi hamda qabul qiluvchi, saqlovchi va qayta ishlovchi korxonalarning texnik holati ta’minlash tartibini buzish	15	
3.	Paxta xom ashyosi, don va don mahsulotlari hamda texnik chigitni toʻliq texnologik siklda qayta ishlash tartibini buzish hamda tegishli hujjatlarsiz faoliyat yuritish	15	
4.	Paxta xom ashyosi, don va don mahsulotlari hamda texnik chigitni qayta ishlashda belgilangan talablarga, cheklashlar va shartlarga, shu jumladan mahsulotlarning chiqish miqdorlari hamda tabiiy kamayish me’yorlariga rioya etmaslik	15	
5.	Paxta xom ashyosi, don va don mahsulotlari hamda texnik chigitni qayta ishlashdan olingan mahsulotlarni realizatsiya qilish qoidalarini, shuningdek boshoqli don partiyalari boʻyicha tuziladigan tozalov dalolatnomalarini buzish	10	
6.	Paxta xom-ashyosi, don va don mahsulotlari hamda texnik chigitni qayta ishlashdan olingan mahsulotlardan maqsadli foydalanmaslik va ularni sifatli saqlash, qadoqlash, oʻrab joylash, markalash hamda tashish qoidalarini buzish	15	
7.	Xoʻjalik faoliyatida texnologik reglamentlar va standartlar majburiy talablariga rioya etmaslik	10	

8.	Xo‘jalik faoliyatida metrologiya, sertifikatlashtirish va muvofiqlik to‘g‘risidagi deklaratsiya rasmiylashtirish qoidalarini buzish	10	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

25 (1253)-сон
639-модда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3866
2026 - yil 26 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRINING
BUYRUG‘I

Nodavlat ta’lim xizmatlarini ko‘rsatish sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi va 2026-yil 17-apreldagi PF–63-son “Tadbirkorlik faoliyatiga noqonuniy aralashuvlarni cheklash va nazorat tadbirlarining shaffofligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmonlari hamda Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son “Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida davlat nazoratini tashkil etish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. Nodavlat ta’lim xizmatlarini ko‘rsatish sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil hamda O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 8-iyun
234-son

SHARIPOV KONGRATBAY AVEZIMBETOVICH

Kelishildi:

Rais
2026-yil 8-iyun

VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH

Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish bo‘yicha vakil
2026-yil 26-may

BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH

O‘zbekiston Respublikasi
oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirining
2026-yil 8-iyundagi 234-son buyrug‘iga
ILOVA

Nodavlat ta’lim xizmatlarini ko‘rsatish sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi
NIZOM

Mazkur Nizom nodavlat ta’lim xizmatlarini ko‘rsatish sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

tadbirkorlik subyekti – belgilangan tartibda davlat ro‘yxatidan o‘tgan hamda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirayotgan yuridik shaxslar;

“Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi – O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi (bundan buyon matnda Vazirlik deb yuritiladi) tomonidan nodavlat ta’lim xizmatlarini ko‘rsatish sohasini aniq mezonlarga asoslanib, tadbirkorlik subyekti tomonidan o‘z faoliyatida qonunchilik buzilish xavfi darajasini aniqlash mexanizmi;

tekshiruv – tadbirkorlik subyekti tomonidan faoliyatni tartibga soluvchi qonunchilikka qay darajada rioya etilayotganligini kerakli materiallar, hujjatlar yoki ularning faoliyatiga doir ma’lumotlarni olish hamda muayyan harakatlarni amalga oshirish orqali o‘tkaziladigan nazorat qilish tadbiri.

2. Vazirlik tomonidan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qo‘yiladigan minimal talablarga muvofiq ishlab chiqilishi lozim.

Minimal talablarga zid bo‘lgan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi tadbirkorlik subyektida tekshiruv o‘tkazish tashabbusi bilan chiqishga asos bo‘lmaydi.

3. Ishlab chiqilgan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi asosida aniqlangan huquqbuzarlik xavfi qay darajada bo‘lishidan qat’i nazar, tadbirkorlik subyektiga nisbatan ta’sir choralarini qo‘llashga asos bo‘la olmaydi.

2-bob. Xavf darajasini tahlil qilishga doir umumiy talablar

4. Tadbirkorlik subyektining qonunni buzish xavfi darajasini tahlil qilish jarayoni tadbirkorlik subyekti faoliyatini to‘xtatib turish, unga to‘sqinlik qilish yoki faoliyatini amalga oshirishga to‘g‘ridan-to‘g‘ri aralashishni nazarda tutuvchi xatti-harakatlarni o‘z ichiga olmasligi zarur.

5. Xavf darajasining tahlili quyidagi ma’lumotlarni o‘rganish asosida amalga oshirilishi mumkin:

ma’muriy ma’lumotlar (litsenziya, ruxsat etuvchi va davlat organlarida mavjud boshqa hujjatlar);

davriy statistika ma’lumotlari, jumladan, avval huquqbuzarlik holatlari aniqlangan tadbirkorlik subyektini umumlashtiruvchi belgilar, xabarlar va boshqa korrelyatsion tahlil natijalari;

yuridik va jismoniy shaxslardan kelib tushgan murojaatlar;

ommaviy axborot vositalaridan yoki boshqa tashqi manbalardan (ijtimoiy tarmoqlar, veb-saytlar) olingan ma’lumotlar;

nazorat xaridi natijalari asosida aniqlangan kamchiliklarning tahlili;

qonunchilikda taqiqlanmagan boshqa manbalardan va tadbirkorlik subyektining odatiy faoliyatiga bevosita yoki bilvosita ta’sir ko‘rsatmagan holda, davlat organlari va boshqa tashkilotlardan olinishi mumkin bo‘lgan boshqa ma’lumotlar.

6. Xavf darajasi tahlili jarayonida tadbirkorlik subyektidan hujjatlar va axborotlar talab qilinishiga yo‘l qo‘yilmaydi.

7. Nazorat vakolatiga kirmaydigan tadbirkorlik subyektlari faoliyatini tahlil qilish va baholash taqiqlanadi.

3-bob. Xavf darajasi tasnifi va ularning mezonlariga doir talablar

8. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida xavf darajasini baholash o‘rganiladigan ma’lumotlar asosida shakllantirilgan mazkur Nizomning 1-5-ilovalarida ko‘rsatilgan ko‘rsatkichlarga tadbirkorlik subyekti faoliyatining muvofiqligini “ball” tizimi asosida baholash orqali amalga oshiriladi.

9. Vazirlik tadbirkorlik subyektlarining xavf darajasini baholash uchun quyidagi ko‘rsatkichlarni “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimiga kiritadi:

mazkur Nizomning 1-ilovasiga muvofiq Nodavlat o‘rta maxsus ta’lim xizmatlarini ko‘rsatish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash ko‘rsatkichlari;

mazkur Nizomning 2-ilovasiga muvofiq Nodavlat kasbiy ta’lim xizmatlarini ko‘rsatish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash ko‘rsatkichlari;

mazkur Nizomning 3-ilovasiga muvofiq Nodavlat oliy ta’lim xizmatlarini ko‘rsatish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash ko‘rsatkichlari;

mazkur Nizomning 4-ilovasiga muvofiq Nodavlat oliy ta’limdan keyingi ta’lim xizmatlarini ko‘rsatish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash ko‘rsatkichlari;

mazkur Nizomning 5-ilovasiga muvofiq Nodavlat kadrlar malakasini oshirish va ularni qayta tayyorlash xizmatlarini ko‘rsatish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash ko‘rsatkichlari.

Bunda tadbirkorlik subyektlarining xavf darajasi mazkur bandning ikkinchi–oltinchi xatboshilarida nazarda tutilgan ko‘rsatkichlar bo‘yicha “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida avtomatik ravishda alohida aniqlanadi.

10. Amalga oshirilgan baholash natijalariga ko‘ra aniqlangan xavf darajasining umumiy ballari asosida tadbirkorlik subyektlari huquqbuzarlik sodir etish xavfi bo‘yicha quyidagi uch xil toifada tasniflanadi:

xavf darajasi yuqori – baholash natijalari bo‘yicha 81 balldan 100 ballgacha bo‘lgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi o‘rta – baholash natijalari bo‘yicha 61 balldan 81 ballgacha bo‘lgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi past – baholash natijalari bo‘yicha 61 ballgacha bo‘lgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari.

11. Baholash natijalariga muvofiq huquqbuzarlik xavfi yuqori va o‘rta tasnifidagi tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlarni o‘tkazish amaldagi qonunchilik hujjatlari, jumladan O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni, 2022-yil 13-sentabrdagi PQ–374-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar va profilaktika tadbirlarini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizom va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qo‘yiladigan minimal talablar asosida amalga oshiriladi.

Bunda tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlar faqatgina nodavlat ta’lim sohasidagi qonunchilik talablariga rioya etilishini o‘rganish maqsadida o‘tkaziladi.

12. Xavf darajasi past bo‘lgan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar o‘tkazilmaydi.

4-bob. Yakuniy qoidalar

13. Xavfni tahlil etish natijalaridan norozi bo‘lgan tadbirkorlik subyektlari qonunchilikda belgilangan tartibda yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishga haqli.

14. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

Nodavlat ta’lim xizmatlarini ko‘rsatish sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
1-ILOVA

Nodavlat o‘rta maxsus ta’lim xizmatlarini ko‘rsatish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Ta’lim-tarbiya jarayoni davlat ta’lim standartlariga (davlat ta’lim talablariga), o‘quv reja va dasturlariga (ta’lim dasturlariga), shuningdek, ta’lim tashkilotlari tomonidan mustaqil ishlab chiqilib, litsenziya olish paytida taqdim etilgan o‘quv dasturlariga muvofiq tashkil etilmaganligi	**15**	
2.	Ta’lim tashkiloti, ta’lim oluvchilar va pedagog xodimlar to‘g‘risidagi ma’lumotlarni o‘quv faoliyati boshlangandan so‘ng akademik litseylarda ta’lim jarayonlarini boshqarish – EMIS AL axborot tizimiga kiritmaganligi yoki muntazam ravishda yangilab bormaganligi	**10**	
3.	Ta’lim tashkilotiga o‘qishga qabul qilish, o‘qishni ko‘chirish, qayta tiklash va o‘qishdan chetlashtirish bo‘yicha normativ-huquqiy hujjatlarga amal qilmaganligi	**10**	
4.	Ta’lim-tarbiya jarayoni tashkil etishda tahsil oluvchilar uchun yer, bino va inshootlarda belgilangan maydonning mavjud emasligi	**10**	

5.	Ta’lim tashkilotining tashqi hududida har bir ta’lim oluvchi uchun ajratiladigan umumiy maydon o‘lchamiga qo‘yilgan talablar bajarilmaganligi	**10**	
6.	Ta’limning majburiy ravishda dunyoviy xarakterda bo‘lishi, ta’lim jarayonida urushni, zo‘ravonlikni targ‘ib qilishdan foydalanishga, fuqarolarning konstitutsiyaviy huquqlari va erkinligi kamsitilishiga, ta’lim oluvchilar jinsiga ko‘ra ajratib o‘qitilishiga (qonunchilikda ayrim o‘quv fanlarni ajratib o‘qitish bo‘yicha belgilangan holatlar bundan mustasno), mamlakatdagi xavfsizlik va ijtimoiy-siyosiy barqarorlikka, jamiyatning huquqiy va ma’naviy asoslari, fuqarolar osoyishtaligiga, millatlararo va dinlararo totuvlikka raxna solinishiga, O‘zbekiston Respublikasi to‘g‘risida noto‘g‘ri axborotlar tarqatilishiga hamda uning tarixiy, madaniy va ma’naviy qadriyatlari buzib ko‘rsatilishiga yo‘l qo‘yilganligi	**5**	
7.	Talabgor tomonidan depozit hisobvarag‘ida zaxira qilinishi lozim bo‘lgan mablag‘ning minimal miqdori shakllantirilmaganligi	**5**	
8.	Ta’lim tashkilotlarining nomi, muhrlari, tamg‘alari, lavhalari, e’lonlari, narxnomalari, ish qog‘ozlarining matnlari va boshqa ko‘rgazmali hamda og‘zaki axborot matnlari davlat tilida bo‘lishi ta’minlanmaganligi	**3**	
9.	Ta’lim-tarbiya faoliyati yuritiladigan binoga (xonalarga) mulkiy yoki boshqa ashyoviy huquqning mavjudligi, shaharsozlik norma va qoidalarida belgilangan talablarga muvofiq nogironligi bo‘lgan shaxslar uchun to‘siqlarsiz muhit yaratilganligi talablarining bajarilmaganligi	**3**	
10.	Qonunchilikda belgilangan muddatlarda, o‘rnatilgan tartibga muvofiq davlat akkreditatsiyasidan o‘tmaganligi	**3**	

11.	Davlat akkreditatsiyasidan o‘tish jarayonida aniqlangan kamchiliklar belgilangan muddatlarda bartaraf etmaganligi	**3**	
12.	Ta’lim tashkilotlari bitiruvchilariga beriladigan diplom ma’lumotlari O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining tegishli ma’lumotlar bazasiga kiritilmaganligi	**3**	
13.	Ta’lim jarayonini qonunchilik hujjatlari bilan davlat ta’lim tashkilotlari uchun belgilangan kiyinish talablariga hamda ta’lim tashkilotining ichki tartib-qoidalariga va odob-axloq qoidalariga rioya qilgan holda tashkil qilmaganligi	**2**	
14.	O‘quv va o‘quv-metodik adabiyotlar hamda axborot-resurs bazasi bilan ta’minlanmaganligi	**2**	
15.	Bitta guruh uchun mo‘ljallangan auditoriya xonalarining minimal hajmiga qo‘yilgan talablar bajarilmaganligi	**2**	
16.	Ta’lim tashkilotining hududiga qo‘yiladigan talablar bajarilmaganligi	**2**	
17.	Ta’lim tashkilotidagi xonalar hamda har bir ta’lim oluvchi yoki xodim uchun ajratiladigan maydon o‘lchamiga qo‘yilgan talablar bajarilmaganligi	**2**	
18.	Qonunchilik hujjatlariga qat’iy rioya qilinmaganligi (bundan mazkur Ko‘rsatkichlarning 1–17-pozitsiyalari mustasno)	**10**	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

Nodavlat ta’lim xizmatlarini ko‘rsatish sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
2-ILOVA

Nodavlat kasbiy ta’lim xizmatlarini ko‘rsatish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Ta’lim-tarbiya jarayoni davlat ta’lim standartlariga (davlat ta’lim talablariga), o‘quv reja va dasturlariga (ta’lim dasturlariga), shuningdek, ta’lim tashkilotlari tomonidan mustaqil ishlab chiqilib, litsenziya olish paytida taqdim etilgan o‘quv dasturlariga muvofiq tashkil etilmaganligi	**15**	
2.	Ta’lim tashkiloti, ta’lim oluvchilar va pedagog xodimlar to‘g‘risidagi ma’lumotlarni o‘quv faoliyati boshlangandan so‘ng kasbiy ta’lim jarayonlarini boshqarish – EMIS PT axborot tizimiga kiritmaganligi yoki muntazam ravishda yangilab bormaganligi	**10**	
3.	Ta’lim tashkilotiga o‘qishga qabul qilish, o‘qishni ko‘chirish, qayta tiklash va o‘qishdan chetlashtirish bo‘yicha normativ-huquqiy hujjatlarga amal qilmaganligi	**10**	
4.	Ta’lim-tarbiya jarayoni tashkil etishda tahsil oluvchilar uchun yer, bino va inshootlarda belgilangan maydonning mavjud emasligi	**10**	
5.	Ta’lim tashkilotining tashqi hududida har bir ta’lim oluvchi uchun ajratiladigan umumiy maydon o‘lchamiga qo‘yilgan talablar bajarilmaganligi	**10**	

6.	Ta’limning majburiy ravishda dunyoviy xarakterda bo‘lishi, ta’lim jarayonida urushni, zo‘ravonlikni targ‘ib qilishdan foydalanishga, fuqarolarning konstitutsiyaviy huquqlari va erkinligi kamsitilishiga, ta’lim oluvchilar jinsiga ko‘ra ajratib o‘qitilishiga (qonunchilikda ayrim o‘quv fanlarni ajratib o‘qitish bo‘yicha belgilangan holatlar bundan mustasno), mamlakatdagi xavfsizlik va ijtimoiy-siyosiy barqarorlikka, jamiyatning huquqiy va ma’naviy asoslari, fuqarolar osoyishtaligiga,	**5**	

	millatlararo va dinlararo totuvlikka raxna solinishiga, O‘zbekiston Respublikasi to‘g‘risida noto‘g‘ri axborotlar tarqatilishiga hamda uning tarixiy, madaniy va ma’naviy qadriyatlari buzib ko‘rsatilishiga y o‘l qo‘yilganligi		
7.	Talabgor tomonidan depozit hisobvarag‘ida zaxira qilinishi lozim bo‘lgan mablag‘ning minimal miqdori shakllantirilmaganligi	**5**	
8.	Ta’lim tashkilotlarining nomi, muhrlari, tamg‘alari, lavhalari, e’lonlari, narxnomalari, ish qog‘ozlarining matnlari va boshqa ko‘rgazmali hamda og‘zaki axborot matnlari davlat tilida bo‘lishi ta’minlanmaganligi	**3**	
9.	Ta’lim-tarbiya faoliyati yuritiladigan binoga (xonalarga) mulkiy yoki boshqa ashyoviy huquqning mavjudligi, shaharsozlik norma va qoidalarida belgilangan talablarga muvofiq nogironligi bo‘lgan shaxslar uchun to‘siqlarsiz muhit yaratilganligi talablarining bajarilmaganligi	**3**	
10.	Qonunchilikda belgilangan muddatlarda, o‘rnatilgan tartibga muvofiq davlat akkreditatsiyasidan o‘tmaganligi	**3**	
11.	Davlat akkreditatsiyasidan o‘tish jarayonida aniqlangan kamchiliklarni belgilangan muddatlarda bartaraf etmaganligi	**3**	
12.	Ta’lim tashkilotlari bitiruvchilariga beriladigan diplom ma’lumotlari O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining tegishli ma’lumotlar bazasiga kiritilmaganligi	**3**	
13.	Ta’lim jarayonini qonunchilik hujjatlari bilan davlat ta’lim tashkilotlari uchun belgilangan kiyinish talablariga hamda ta’lim tashkilotining ichki tartib-	**2**	

	qoidalariga va odob-axloq qoidalariga rioya qilgan holda tashkil qilmaganligi		
14.	O‘quv va o‘quv-metodik adabiyotlar hamda axborot-resurs bazasi bilan ta’minlanmaganligi	**2**	
15.	Bitta guruh uchun mo‘ljallangan auditoriya xonalarining minimal hajmiga qo‘yilgan talablar bajarilmaganligi	**2**	
16.	Ta’lim tashkilotining hududiga qo‘yiladigan talablar bajarilmaganligi	**2**	
17.	Ta’lim tashkilotidagi xonalar hamda har bir ta’lim oluvchi yoki xodim uchun ajratiladigan maydon o‘lchamiga qo‘yilgan talablar bajarilmaganligi	**2**	
18.	Qonunchilik hujjatlariga qat’iy rioya qilinmaganligi (bundan mazkur Ko‘rsatkichlarning 1–17-pozitsiyalari mustasno)	**10**	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

Nodavlat ta’lim xizmatlarini ko‘rsatish sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
3-ILOVA

Nodavlat oliy ta’lim xizmatlarini ko‘rsatish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Ta’lim tashkiloti, ta’lim oluvchilar va pedagog xodimlar to‘g‘risidagi ma’lumotlarni o‘quv faoliyati boshlangandan so‘ng oliy ta’lim jarayonlarini boshqarish axborot tizimi – HEMIS axborot tizimiga kiritmaganligi yoki muntazam ravishda yangilab bormaganligi	**15**	

2.	Ta’lim tashkilotiga o‘qishga qabul qilish, o‘qishni ko‘chirish, qayta tiklash va o‘qishdan chetlashtirish bo‘yicha normativ-huquqiy hujjatlarga amal qilmaganligi	**10**	
3.	Ta’lim tashkilotlarining muqobil ta’lim shakllari bo‘yicha umumiy qabul kvotasi kunduzgi ta’lim shakli qabul natijasining 50 foizidan oshmasligi hamda ta’lim yo‘nalishlari va mutaxassisliklariga talabalarni tegishli ta’lim dasturlari belgilangan tartibda maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazilganidan so‘ng navbatdagi (kelayotgan) o‘quv yili uchun belgilangan tartibda qabul qilinishi talablarining buzilishi	**10**	
4.	Ta’lim tashkilotining ta’lim jarayoniga mo‘ljallangan bino va inshootlarining maydoni 5 000 m^2dan kamligi	**8**	
5.	Ta’lim tashkiloti tomonidan depozit hisobvarag‘ida zaxira qilinishi lozim bo‘lgan mablag‘ning minimal miqdori shakllantirilmaganligi	**5**	
6.	Ta’lim tashkilotining dastlabki ustav fondi (ustav jamg‘armasi)ga qo‘yiladigan minimal talablarning bajarilmaganligi	**5**	
7.	Ta’lim-tarbiya jarayoni davlat ta’lim standartlariga (davlat ta’lim talablariga), o‘quv reja va dasturlariga (ta’lim dasturlariga), shuningdek, ta’lim tashkilotlari tomonidan mustaqil ishlab chiqilib, litsenziya olish paytida taqdim etilgan o‘quv dasturlariga muvofiq tashkil etilmaganligi	**5**	
8.	Ta’lim tashkilotlarining nomi, muhrlari, tamg‘alari, lavhalari, e’lonlari, narxnomalari, ish qog‘ozlarining matnlari va boshqa ko‘rgazmali hamda og‘zaki axborot matnlari davlat tilida bo‘lishi ta’minlanmaganligi	**3**	
9.	Ta’lim-tarbiya faoliyati yuritiladigan binoga (xonalarga) mulkiy yoki boshqa ashyoviy huquqning mavjudligi, shaharsozlik norma va qoidalarida	**2**	

	belgilangan talablarga muvofiq nogironligi bo‘lgan shaxslar uchun to‘siqlarsiz muhit yaratilganligi talablarining bajarilmaganligi		
10.	Ta’lim tashkilotining tashqi hududida har bir ta’lim oluvchi uchun ajratiladigan umumiy maydon o‘lchamiga qo‘yilgan talablar bajarilmaganligi	**2**	
11.	Ta’limning majburiy ravishda dunyoviy xarakterda bo‘lishi, ta’lim jarayonida urushni, zo‘ravonlikni targ‘ib qilishdan foydalanishga, fuqarolarning konstitutsiyaviy huquqlari va erkinligi kamsitilishiga, ta’lim oluvchilar jinsiga ko‘ra ajratib o‘qitilishiga (qonunchilikda ayrim o‘quv fanlarni ajratib o‘qitish bo‘yicha belgilangan holatlar bundan mustasno), mamlakatdagi xavfsizlik va ijtimoiy-siyosiy barqarorlikka, jamiyatning huquqiy va ma’naviy asoslari, fuqarolar osoyishtaligiga, millatlararo va dinlararo totuvlikka raxna solinishiga, O‘zbekiston Respublikasi to‘g‘risida noto‘g‘ri axborotlar tarqatilishiga hamda uning tarixiy, madaniy va ma’naviy qadriyatlari buzib ko‘rsatilishiga yo‘l qo‘yilganligi	**2**	
12.	Qonunchilikda belgilangan muddatlarda, o‘rnatilgan tartibga muvofiq davlat akkreditatsiyasidan o‘tmaganligi	**2**	
13.	Davlat akkreditatsiyasidan o‘tish jarayonida aniqlangan kamchiliklarni belgilangan muddatlarda bartaraf etmaganligi	**2**	
14.	Ta’lim tashkiloti dastlabki 5 yil davomida uning yillik sof foydasining kamida 80 foizini, keyingi yillarda esa kamida 50 foizini mazkur ta’lim tashkilotining asosiy faoliyatini rivojlantirishga yo‘naltirish talabi bajarilmaganligi	**2**	
15.	Ta’lim tashkilotlari bitiruvchilariga beriladigan diplom ma’lumotlari O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan	**2**	

	va innovatsiyalar vazirligining tegishli ma’lumotlar bazasiga kiritilmaganligi		
16.	Ta’lim jarayonini qonunchilik hujjatlari bilan davlat ta’lim tashkilotlari uchun belgilangan kiyinish talablariga hamda ta’lim tashkilotining ichki tartib-qoidalariga va odob-axloq qoidalariga rioya qilgan holda tashkil qilmaganligi	**2**	
17.	O‘quv va o‘quv-metodik adabiyotlar hamda axborot-resurs bazasi bilan ta’minlanmaganligi	**2**	
18.	Ta’lim oluvchilar uchun mo‘ljallangan auditoriya xonalarining minimal hajmi bajarilmaganligi	**2**	
19.	Ta’lim tashkilotining hududiga qo‘yiladigan talablar bajarilmaganligi	**2**	
20.	Ta’lim tashkilotidagi xonalar hamda har bir ta’lim oluvchi yoki xodim uchun ajratiladigan maydon o‘lchamiga qo‘yilgan talablar bajarilmaganligi	**2**	
21.	Qonunchilik hujjatlariga qat’iy rioya qilinmaganligi (bundan mazkur Ko‘rsatkichlarning 1–20-pozitsiyalari mustasno)	**15**	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

Nodavlat ta’lim xizmatlarini ko‘rsatish sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
4-ILOVA

Nodavlat oliy ta’limdan keyingi ta’lim xizmatlarini ko‘rsatish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar

1.	Oliy ta’limdan keyingi ta’lim turi bo‘yicha moddiy-texnik bazaning holati talab darajasida emasligi	**15**	
2.	Ta’lim tashkilotiga o‘qishga qabul qilish, o‘qishni ko‘chirish, qayta tiklash va o‘qishdan chetlashtirish bo‘yicha normativ-huquqiy hujjatlarga amal qilmaganligi	**15**	
3.	Ta’lim-tarbiya jarayoni davlat ta’lim standartlariga (davlat ta’lim talablariga), o‘quv reja va dasturlariga (ta’lim dasturlariga), shuningdek, ta’lim tashkilotlari tomonidan mustaqil ishlab chiqilib, litsenziya olish paytida taqdim etilgan o‘quv dasturlariga muvofiq tashkil etilmaganligi	**10**	
4.	Ta’lim tashkiloti, ta’lim oluvchilar va pedagog xodimlar to‘g‘risidagi ma’lumotlarni o‘quv faoliyati boshlangandan so‘ng oliy ta’limdan keyingi ta’limni muvofiqlashtirishning yagona elektron tizimi – Daraja.ilmiy.uz axborot tizimiga kiritmaganligi yoki muntazam ravishda yangilab bormaganligi	**10**	
5.	Ta’lim-tarbiya jarayonini tashkil etishda tahsil oluvchilar uchun yer, bino va inshootlarda belgilangan maydonning mavjud emasligi	**5**	
6.	Ta’lim tashkilotlari bitiruvchilariga beriladigan diplom ma’lumotlari O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining tegishli ma’lumotlar bazasiga kiritilmaganligi	**5**	
7.	O‘quv va o‘quv-metodik adabiyotlar hamda axborot-resurs bazasi bilan ta’minlanmaganligi	**5**	
8.	Ta’lim tashkilotining hududiga qo‘yiladigan talablar bajarilmaganligi	**5**	
9.	Ta’lim tashkilotidagi xonalar hamda har bir ta’lim oluvchi yoki xodim uchun ajratiladigan	**3**	

	maydon o‘lchamiga qo‘yilgan talablar bajarilmaganligi		
10.	Ta’limning majburiy ravishda dunyoviy xarakterda bo‘lishi, ta’lim jarayonida urushni, zo‘ravonlikni targ‘ib qilishdan foydalanishga, fuqarolarning konstitutsiyaviy huquqlari va erkinligi kamsitilishiga, ta’lim oluvchilar jinsiga ko‘ra ajratib o‘qitilishiga (qonunchilikda ayrim o‘quv fanlarni ajratib o‘qitish bo‘yicha belgilangan holatlar bundan mustasno), mamlakatdagi xavfsizlik va ijtimoiy-siyosiy barqarorlikka, jamiyatning huquqiy va ma’naviy asoslari, fuqarolar osoyishtaligiga, millatlararo va dinlararo totuvlikka raxna solinishiga, O‘zbekiston Respublikasi to‘g‘risida noto‘g‘ri axborotlar tarqatilishiga hamda uning tarixiy, madaniy va ma’naviy qadriyatlari buzib ko‘rsatilishiga yo‘l qo‘yilganligi	**2**	
11.	Ta’lim tashkilotlarining nomi, muhrlari, tamg‘alari, lavhalari, e’lonlari, narxnomalari, ish qog‘ozlarining matnlari va boshqa ko‘rgazmali hamda og‘zaki axborot matnlari davlat tilida bo‘lishi ta’minlanmaganligi	**2**	
12.	Ta’lim-tarbiya faoliyati yuritiladigan binoga (xonalarga) mulkiy yoki boshqa ashyoviy huquqning mavjudligi, shaharsozlik norma va qoidalarida belgilangan talablarga muvofiq nogironligi bo‘lgan shaxslar uchun to‘siqlarsiz muhit yaratilganligi talablarining bajarilmaganligi	**2**	
13.	Qonunchilikda belgilangan muddatlarda, o‘rnatilgan tartibga muvofiq davlat akkreditatsiyasidan o‘tmaganligi	**2**	
14.	Davlat akkreditatsiyasidan o‘tish jarayonida aniqlangan kamchiliklarni belgilangan muddatlarda bartaraf etmaganligi	**2**	
15.	Ta’lim jarayonini qonunchilik hujjatlari bilan davlat ta’lim tashkilotlari uchun belgilangan kiyinish	**2**	

	talablariga hamda ta’lim tashkilotining ichki tartib-qoidalariga va odob-axloq qoidalariga rioya qilgan holda tashkil qilmaganligi		
16.	Qonunchilik hujjatlariga qat’iy rioya qilinmaganligi (bundan mazkur Ko‘rsatkichlarning 1–15-pozitsiyalari mustasno)	**15**	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

Nodavlat ta’lim xizmatlarini ko‘rsatish sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
5-ILOVA

Nodavlat kadrlar malakasini oshirish va ularni qayta tayyorlash xizmatlarini ko‘rsatish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Belgilangan tartibda tasdiqlangan o‘quv rejasi va dasturining mavjud emasligi	**20**	
2.	O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qo‘mitasi hududiy organining sanitariya-gigiyena normalariga muvofiqlik to‘g‘risidagi xulosasi mavjud emasligi	**20**	
3.	Davlat yong‘in nazorati organlari tomonidan mavjud binolar va xonalarning yong‘in xavfsizligi talablariga muvofiqligi to‘g‘risidagi xulosa mavjud emasligi	**20**	
4.	Asosiy shtatdagi o‘qituvchilar ulushiga qo‘yilgan talablarning bajarilmaganligi	**15**	
5.	Ta’lim faoliyati yuritiladigan binoga (xonalarga) mulk yoki boshqa ashyoviy huquqning mavjud emasligi	**10**	

6.	Ta’lim oluvchilar bilan o‘zaro munosabatlar shartnoma asosida amalga oshirilishi talabi bajarilmaganligi	**5**	
7.	O‘quv va o‘quv-metodik adabiyotlar hamda axborot-resurs bazasi bilan ta’minlanmaganligi	**2**	
8.	Ta’lim oluvchilarning minimal va maksimal soniga qo‘yilgan talablarning bajarilmaganligi	**2**	
9.	Faoliyat amalga oshiriladigan joyning devor yoki panjara bilan o‘ralganligi, tungi yoritgichlar o‘rnatilganligi, ichimlik suvi va kanalizatsiya bilan ta’minlanganligi talablarining bajarilmaganligi	**2**	
10.	Ta’lim tashkilotidagi xonalar hamda har bir ta’lim oluvchi yoki xodimlar uchun ajratiladigan minimal maydon o‘lchamiga qo‘yilgan talablarning bajarilmaganligi	**2**	
11.	Qayta tayyorlash bo‘yicha ta’lim olganlik to‘g‘risidagi diplom hamda malaka oshirish bo‘yicha ta’lim olganlik to‘g‘risida sertifikat berilishi talabi bajarilmaganligi	**2**	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3867
2026 - yil 26 - Iyun

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MADANIYAT VAZIRINING
BUYRUG'I

Kinematografiya sohasidagi vakolatli davlat organining tadbirkorlik subyektlarida tekshiruvlar o‘tkazish borasidagi faoliyatida “Xavfni tahlil etish” elektron tizimini joriy etish to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi va 2026-yil 17-apreldagi PF–63-son “Tadbirkorlik faoliyatiga noqonuniy aralashuvlarni cheklash va nazorat tadbirlarining shaffofligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmonlari hamda Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son “Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida davlat nazoratini tashkil etish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Kinematografiya sohasidagi vakolatli davlat organining tadbirkorlik subyektlarida tekshiruvlar o‘tkazish borasidagi faoliyatida “Xavfni tahlil etish” elektron tizimini joriy etish to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil hamda O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oy o‘tgach kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 24-iyun
291-son

NAZARBEKOV OZODBEK
AXMADOVICH

Kelishildi:

Rais 2026-yil 15-iyun		VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH
Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish boʻyicha vakil 2026-yil 15-iyun		BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH

O‘zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirining
2026-yil 24-iyundagi 291-son buyrug‘iga
ILOVA

Kinematografiya sohasidagi vakolatli davlat organining tadbirkorlik subyektlarida tekshiruvlar o‘tkazish borasidagi faoliyatida “Xavfni tahlil etish” elektron tizimini joriy etish to‘g‘risidagi NIZOM

Mazkur Nizom O‘zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi huzuridagi Kinematografiya agentligi tomonidan (bundan buyon matnda Agentlik deb yuritiladi) kinematografiya sohasidagi qonunchilik hujjatlariga rioya etilishiga oid huquqbuzarliklarni sodir etish xavfi mavjud bo‘lgan tadbirkorlik subyektlarini aniqlash imkoniyatini beruvchi “Xavfni tahlil etish” elektron tizimini joriy etish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalar qo‘llaniladi:

tadbirkorlik subyektlari – belgilangan tartibda davlat ro‘yxatidan o‘tgan hamda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirayotgan yuridik va jismoniy shaxslar;

tekshiruv – tadbirkorlik subyekti tomonidan faoliyatini tartibga soluvchi qonunchilikka qay darajada rioya etilayotganligini tekshirish uchun kerakli materiallar, hujjatlar yoki ularning faoliyatiga doir ma’lumotlarni olish hamda muayyan harakatlarni amalga oshirish orqali nazorat qiluvchi organlar tomonidan o‘tkaziladigan nazorat tadbiri;

“Xavfni tahlil etish” elektron tizimi – nazorat qiluvchi organlar tomonidan tegishli nazorat sohasi bo‘yicha aniq mezonlarga asoslanib, tadbirkorlik subyekti faoliyatida qonunchilikning buzilish xavfi darajasini aniqlash elektron tizimi.

2. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi Agentlik tomonidan O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “Xavfni tahlil etish” tizimlariga qo‘yiladigan minimal talablarga muvofiq ishlab chiqilishi lozim.

Minimal talablarga zid bo‘lgan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi tadbirkorlik subyektida tekshiruv o‘tkazish tashabbusi bilan chiqishga asos bo‘lmaydi.

3. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi asosida aniqlangan huquqbuzarlik xavfi qay darajada boʻlishidan qatʼi nazar, tadbirkorlik subyektiga nisbatan taʼsir choralarini qoʻllashga asos boʻla olmaydi.

2-bob. Xavf darajasini tahlil qilishga doir umumiy talablar

4. Tadbirkorlik subyektining qonunni buzish xavfi darajasini tahlil qilish jarayoni tadbirkorlik subyekti faoliyatini toʻxtatib turish, unga toʻsqinlik qilish yoki faoliyatini amalga oshirishga toʻgʻridan-toʻgʻri aralashishni nazarda tutuvchi xatti-harakatlarni oʻz ichiga olmasligi zarur.

5. Xavf darajasining tahlili quyidagi maʼlumotlarni oʻrganish asosida amalga oshirilishi mumkin:

maʼmuriy maʼlumotlar (ruxsat etuvchi va davlat organlarida mavjud boshqa hujjatlar);

davriy statistika maʼlumotlari, jumladan, avval huquqbuzarlik holatlari aniqlangan tadbirkorlik subyektini umumlashtiruvchi belgilar, xabarlar va boshqa korrelyatsion tahlil natijalari;

yuridik va jismoniy shaxslardan kelib tushgan murojaatlar;

ommaviy axborot vositalaridan yoki boshqa tashqi manbalardan (ijtimoiy tarmoqlar, veb-saytlar) olingan maʼlumotlar;

davlat organlari va boshqa tashkilotlar axborot tizimlari, dasturiy taʼminotlari va maʼlumotlar bazasi tahlili natijalari;

qonunchilikda taqiqlanmagan boshqa manbalardan va tadbirkorlik subyektining odatiy faoliyatiga bevosita yoki bilvosita taʼsir koʻrsatmagan holda, davlat organlari va boshqa tashkilotlardan olinishi mumkin boʻlgan boshqa maʼlumotlar.

6. Xavf darajasi tahlili jarayonida tadbirkorlik subyektidan hujjatlar va axborotlar talab qilinishiga yoʻl qoʻyilmaydi.

7. Nazorat vakolatiga kirmaydigan tadbirkorlik subyektlari faoliyatini tahlil qilish va baholash taqiqlanadi.

3-bob. Xavf darajasi tasnifi va ularning mezonlariga doir talablar

8. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida xavf darajasini baholash oʻrganiladigan maʼlumotlar asosida shakllantirilgan mazkur Nizomning 1 va 2-ilovalaridagi nazorat sohalarida koʻrsatilgan asosiy koʻrsatkichlarga (sub-

koʻrsatkichlarga) tadbirkorlik subyekti faoliyatining muvofiqligini “ball” tizimi asosida baholash orqali amalga oshiriladi.

Bunda sub-koʻrsatkichlar mavjud boʻlganda har bir asosiy koʻrsatkichning bahosi ushbu koʻrsatkich ostidagi sub-koʻrsatkichlar bahosining yigʻindisidan kelib chiqadi.

9. Agentlik tadbirkorlik subyektlarining xavf darajasini baholash uchun mazkur Nizomning 1 va 2-ilovalaridagi nazorat sohalarida koʻrsatilgan asosiy koʻrsatkichlarni (sub-koʻrsatkichlarni) “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimiga kiritadi.

Bunda tadbirkorlik subyektlarining xavf darajasi mazkur Nizomning 1 va 2-ilovalaridagi nazorat sohalarida koʻrsatilgan asosiy koʻrsatkichlar (sub-koʻrsatkichlar) boʻyicha “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida avtomatik ravishda alohida aniqlanadi.

10. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida tadbirkorlik subyektlari faoliyatida huquqbuzarlik sodir etish xavfi past, oʻrta va yuqori darajalarga tasniflanadi.

Bunda baholash natijasida aniqlangan xavf darajasining umumiy ballari asosida tadbirkorlik subyekti tomonidan huquqbuzarlik sodir etish xavfi quyidagi uch xil toifaga tasniflanadi:

xavf darajasi yuqori – baholash natijalari boʻyicha 81 balldan 100 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi oʻrta – baholash natijalari boʻyicha 61 balldan 81 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi past – baholash natijalari boʻyicha 61 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari.

11. Baholash natijalariga muvofiq huquqbuzarlik xavfi yuqori va oʻrta tasnifidagi tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlarni oʻtkazish amaldagi qonunchilik hujjatlari, shu jumladan Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi Farmoni, 2022-yil 13-sentabrdagi PQ–374-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar va profilaktika tadbirlarini oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi nizom va Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “Xavfni tahlil etish” tizimlariga qoʻyiladigan minimal talablar asosida amalga oshiriladi.

Bunda tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlar faqatgina Agentlikning vakolatiga kiradigan masalalarni oʻrganish maqsadida

oʻtkaziladi.

4-bob. Yakuniy qoidalar

12. Xavfni tahlil etish natijalaridan norozi boʻlgan shaxslar qonunchilikda belgilangan tartibda yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishga haqli.

13. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor boʻlgan shaxslar belgilangan tartibda javobgar boʻladilar.

Kinematografiya sohasidagi vakolatli davlat organining tadbirkorlik subyektlarida tekshiruvlar o‘tkazish borasidagi faoliyatida “Xavfni tahlil etish” elektron tizimini joriy etish to‘g‘risidagi nizomga
1-ILOVA

Filmni ommaviy namoyish etish bo‘yicha qonunchilik hujjatlariga oid huquqbuzarlik sodir etish xavfini baholash jarayonida tadbirkorlik subyekti faoliyatidagi huquqbuzarlik alomatlari ko‘rsatkichlari

T/r	Ko‘rsatkichlar	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ball
1	**Milliy mentalitetga va qonunchilikka zid mazmun (kontent), shuningdek filmlarning g‘oyaviy-badiiy muvofiqlik darajasini buzishga qaratilgan harakatlarni sodir etish**	**20**	
1.1	Zo‘ravonlik va pornografiyani targ‘ib qilish	5	
1.2	Giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va prekursorlarni targ‘ib qilish	5	
1.3	O‘zbekiston Respublikasi haqida noto‘g‘ri axborot tarqatish hamda uning tarixiy, madaniy va ma’naviy qadriyatlari, adabiy til me’yorlari buzib ko‘rsatilishi mumkin bo‘lgan hamda taqiqlangan leksikadan foydalanilganlik	5	
1.4	Mamlakatda xavfsizlik va ijtimoiy-siyosiy barqarorlikka tahdid qiluvchi, fuqarolar tinchligi, millatlararo va dinlararo totuvlikka raxna soluvchi holatlarning mavjudligi	5	
2	**Chiptalar bilan bog‘liq talablarning buzilishi**	**20**	
2.1	Kinoseans o‘tkaziladigan sana, aniq vaqt, tomoshabin uchun zaldagi aniq qator va o‘rindiq joyining belgilanmasligi hamda chiptada aks etmaganligi	5	
2.2	Chiptaning yagona elektron dasturda ro‘yxatdan o‘tkazilmaganligi	5	
2.3	Chiptada kinovideo-tomosha tashkiloti rasmiy nomining mavjud emasligi hamda chiptaning yakuniy narxi qayd etilmaganligi	5	
2.4	Chiptaning elektron shakli QR-kod (identifikatsiyalovchi noyob kod raqam) bilan ta’minlanganligi	5	
3	**Milliy filmlar hajmlari bilan bog‘liq talablarga rioya etmaslik**	**20**	
3.1	To‘liq milliy metrajli filmlar oylik ekran vaqtining 25 foizidan kam bo‘lishi	10	

3.2	Bayram kunlarida to‘liq milliy metrajli filmlar oylik ekran vaqtining 40 foizidan kam bo‘lishi	10	
4	**Filmni ommaviy namoyish etish bilan bog‘liq qonunchilikning buzilishi**	**20**	
4.1	Filmni ommaviy namoyish etish uchun bir martalik ruxsatnomaning mavjud emasligi	5	
4.2	Filmni ommaviy namoyish etish uchun bir martalik ruxsatnoma berilgan filmdagi sahnalarni ruxsatnoma olingandan keyin o‘zgartirish	5	
4.3	Filmni ommaviy namoyish etishda mualliflik huquqi va turdosh huquqlar to‘g‘risidagi qonunchilikning buzilishi	5	
4.4	Filmda qo‘shimcha ruxsatlarning (yosh chegarasining) yo‘qligi	5	
5	**Aholiga kinovideo xizmati ko‘rsatish qoidalari, tomoshabinlarga majburiy ma’lumotlarni taqdim etish va kinozallardagi xavfsizlik talablarining buzilishi**	**20**	
5.1	Kirish chiptalari sotiladigan kassasi va kirish joyida kinoteatr nomi, joylashgan joyi (pochta manzili), telefon raqami, ish vaqti, rahbariyatining familiyasi, ismi va otasining ismining bosh harflari kabi ma’lumotlarni aks ettirmaslik	4	
5.2	Tomoshabinlarni qoidalar bilan tanishtirmaslik	4	
5.3	Namoyish qilinayotgan va namoyishi rejalashtirilayotgan filmlar haqida to‘liq va aniq ma’lumot bermaslik	3	
5.4	Tomoshabinlar uchun hojatxona, ona va bola xonasi, birinchi tez tibbiy yordam ko‘rsatish vositalaridan bepul foydalanishga imkoniyat yaratib bermaslik	3	
5.5	Yong‘in xavfsizligi va sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari talablariga rioya etmaslik	3	
5.6	Kuzatuv kamerasi tizimidan noto‘g‘ri foydalanish	3	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

Kinematografiya iyundagi vakolatli davlat organining tadbirkorlik subyektlarida tekshiruvlar o‘tkazish borasidagi faoliyatida “Xavfni tahlil etish” elektron tizimini joriy etish to‘g‘risidagi nizomga
2-ILOVA

Xorijiy kinokompaniyalar tomonidan O‘zbekiston Respublikasi hududida filmlarni kino va video tasvirga olishga oid huquqbuzarlik sodir etish xavfini baholash jarayonida tadbirkorlik subyekti faoliyatidagi huquqbuzarlik alomatlari ko‘rsatkichlari

T/r	Ko‘rsatkichlar	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ball
1	**Ssenariy mazmuniga qo‘yilgan talablarning buzilishi**	**25**	
1.1	Milliy, irqiy, etnik yoki diniy dushmanlikni targ‘ib etuvchi sahnalarning mavjudligi	5	
1.2	Fuqarolarning milliy mansubligi, diniy e’tiqodlari munosabati bilan ularning qadr-qimmatini kamsituvchi, haqorat qiluvchi yoki axloq normalariga va milliy mentalitetga zid bo‘lgan sahnalarning mavjudligi	5	
1.3	O‘zbekiston Respublikasi xalqlarining tarixi, madaniyati, an’analari va urf-odatlarini nohaqqoniy yoki buzib aks ettiruvchi sahnalarning mavjudligi	5	
1.4	Ekstremizm va terrorizm g‘oyalarini, zo‘ravonlik va shafqatsizlikni targ‘ib qiluvchi sahnalarning mavjudligi	5	
1.5	O‘zbekiston Respublikasi qonunchilik hujjatlariga muvofiq jinoiy yoki boshqa javobgarlikka olib keluvchi pornografik va boshqa xususiyatga ega bo‘lgan sahnalarning mavjudligi	5	
2	**Tasvirga olish muddatlarining buzilishi**	**25**	
2.1	Ishlarning ruxsatnomada ko‘rsatilgan muddatdan kechikib boshlanishi	5	
2.2	Kundalik suratga olish grafigidan orqada qolish va cho‘zilish	5	
2.3	Ishlarning ruxsatnomadagi yakuniy sanadan o‘tib ketish ehtimolining mavjudligi	5	
2.4	Ruxsatnoma muddati tugagandan keyin ham ishlarni davom ettirish	5	
2.5	Ruxsatnoma muddatini uzaytirish bo‘yicha vakolatli organdan ruxsat so‘ralmaganligi	5	

3	**Tasvirga olinayotgan materialning haqiqiy mazmuni bilan ruxsatnoma olish jarayonida koʻrib chiqilgan film ssenariysi oʻrtasida tafovutlarning yuzaga kelishi**	**25**	
3.1	Ruxsatnomasiz yangi va bahsli sahnalarni jarayonga qo‘shish	5	
3.2	Ssenariydagi kadrlar mazmunini real tasvirda butunlay o‘zgartirish	5	
3.3	Filmning epizodlar ketma-ketligi va tuzilmasini o‘zgartirish	5	
3.4	Sahnalashtiruvchi rejissyorning tasdiqlangan loyihadan chiqishi	5	
3.5	Ssenariyning umumiy mazmuniga suratga olingan asl materialning mos kelmasligi	5	
4	**Film turi va texnik parametrlar**	**25**	
4.1	Film turiga (seriyalar soniga) amalda rioya qilmaslik	6	
4.2	Filmni tasvirga olishning ijodiy loyihasi talablarining buzilishi	6	
4.3	Ishlab chiqarish-texnik loyiha talablarining buzilishi	6	
4.4	Ishlab chiqarish-texnik loyiha bo‘yicha tasvirga olishni tashkil etish rejasini o‘zboshimchalik bilan o‘zgartirish yoki tasdiqlangan texnik sahnalarni maydonda boshqacha usulda bajarish	7	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

25 (1253)-son
641-modda

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3868
2026 - yil 27 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ XO‘JALIGI VAZIRINING BUYRUG‘I

Tarkibida giyohvandlik moddasi bo‘lgan o‘simlikni yetishtirish faoliyati ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi va 2026-yil 17-apreldagi PF–63-son “Tadbirkorlik faoliyatiga noqonuniy aralashuvlarni cheklash va nazorat tadbirlarining shaffofligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi famonlari hamda Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son “Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida davlat nazoratini tashkil etish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. Tarkibida giyohvandlik moddasi bo‘lgan o‘simlikni yetishtirish faoliyati ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil hamda O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Vazir
22-Iyun 2026-yil
27 son

ABDURAXMONOV IBROXIM YULCHIYEVICH

Kelishildi:

Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish bo‘yicha vakil
17-Iyun 2026-yil

BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH

Rais
12-Iyun 2026-yil

VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH

O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligi vazirining 2026-yil 22-iyundagi 27-son buyrug‘iga
ILOVA

Tarkibida giyohvandlik moddasi bo‘lgan o‘simlikni yetishtirish faoliyati ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi NIZOM

Mazkur Nizom tarkibida tetragidrokannabinol giyohvandlik moddasining miqdori 0,2 foizgacha bo‘lgan kannabis o‘simligini giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarni ishlab chiqarish yoki tayyorlash bilan bog‘liq bo‘lmagan sanoat maqsadlarida yetishtirish, olib kirish (olib chiqish), qayta ishlash, saqlash, realizatsiya qilish (berish), olish va tashish faoliyati ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

tadbirkorlik subyekti – belgilangan tartibda davlat ro‘yxatidan o‘tgan hamda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirayotgan yuridik va jismoniy shaxslar;

tekshiruv – tadbirkorlik subyekti tomonidan faoliyatini tartibga soluvchi qonunchilikka qay darajada rioya etilayotganligini tekshirish uchun kerakli materiallar, hujjatlar yoki ularning faoliyatiga doir ma’lumotlarni olish hamda muayyan harakatlarni amalga oshirish orqali O‘zbekiston Respublikasi Qishloq xo‘jaligi vazirligi (bundan buyon matnda Vazirlik deb yuritiladi) vakolatlari doirasida o‘tkaziladigan nazorat tadbirlari;

“Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi – Vazirlik tomonidan tegishli nazorat sohasi bo‘yicha aniq mezonlarga asoslanib, tadbirkorlik subyekti faoliyatida qonunchilik buzilish xavfi darajasini aniqlash elektron tizimi.

2. Vazirlik tomonidan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qo‘yiladigan minimal talablarga muvofiq ishlab chiqilishi lozim.

Minimal talablarga zid bo‘lgan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi tadbirkorlik subyektida tekshiruv o‘tkazish tashabbusi bilan chiqishga asos bo‘lmaydi.

3. Ishlab chiqilgan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi asosida aniqlangan huquqbuzarlik xavfi qay darajada boʻlishidan qatʼi nazar, tadbirkorlik subyektiga nisbatan taʼsir choralarini qoʻllashga asos boʻla olmaydi.

2-bob. Xavf darajasini tahlil qilishga doir umumiy talablar

4. Tadbirkorlik subyektining qonunni buzish xavfi darajasini tahlil qilish jarayoni tadbirkorlik subyekti faoliyatini toʻxtatib turish, unga toʻsqinlik qilish yoki faoliyatini amalga oshirishga toʻgʻridan-toʻgʻri aralashishni nazarda tutuvchi xatti-harakatlarni oʻz ichiga olmasligi zarur.

5. Xavf darajasining tahlili quyidagi maʼlumotlarni oʻrganish asosida amalga oshirilishi mumkin:

maʼmuriy maʼlumotlar (litsenziya, ruxsat etuvchi va davlat organlarida mavjud boshqa hujjatlar);

davriy statistika maʼlumotlari, jumladan, avval huquqbuzarlik holatlari aniqlangan tadbirkorlik subyektini umumlashtiruvchi belgilar, xabarlar va boshqa korrelyatsion tahlil natijalari;

yuridik va jismoniy shaxslardan kelib tushgan murojaatlar;

ommaviy axborot vositalaridan yoki boshqa tashqi manbalardan (ijtimoiy tarmoqlar, veb-saytlar) olingan maʼlumotlar;

nazorat xaridi natijalari asosida aniqlangan kamchiliklarning tahlili;

qonunchilikda taqiqlanmagan boshqa manbalardan va tadbirkorlik subyektining odatiy faoliyatiga bevosita yoki bilvosita taʼsir koʻrsatmagan holda, davlat organlari va boshqa tashkilotlardan olinishi mumkin boʻlgan boshqa maʼlumotlar.

6. Xavf darajasi tahlili jarayonida tadbirkorlik subyektidan hujjatlar va axborotlar talab qilinishiga yoʻl qoʻyilmaydi.

7. Nazorat vakolatiga kirmaydigan tadbirkorlik subyektlari faoliyatini tahlil qilish va baholash taqiqlanadi.

3-bob. Xavf darajasi tasnifi va ularning mezonlariga doir talablar

8. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida xavf darajasini baholash oʻrganiladigan maʼlumotlar asosida shakllantirilgan mazkur Nizomning ilovasida koʻrsatilgan

tadbirkorlik subyekti faoliyatining muvofiqligini “ball” tizimi asosida baholash orqali amalga oshiriladi.

9. Vazirlik tadbirkorlik subyektlarining xavf darajasini baholash uchun mazkur Nizomning ilovasida ko‘rsatilgan ko‘rsatkichlarni “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimiga kiritadi.

Bunda tadbirkorlik subyektlarining xavf darajasi ko‘rsatkichlari bo‘yicha mazkur Nizomning 5-bandida ko‘rsatilgan ma’lumotlardan foydalangan holda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida avtomatik ravishda aniqlanadi.

10. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida tadbirkorlik subyektlari faoliyatida huquqbuzarlik sodir etish xavfi past, o‘rta va yuqori darajalarga tasniflanadi.

Bunda baholash natijasida aniqlangan xavf darajasining umumiy ballari asosida tadbirkorlik subyekti tomonidan huquqbuzarlik sodir etish xavfi quyidagi uch xil toifaga tasniflanadi:

xavf darajasi yuqori – baholash natijalari bo‘yicha 81 balldan 100 ballgacha bo‘lgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi o‘rta – baholash natijalari bo‘yicha 61 balldan 81 ballgacha bo‘lgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi past – baholash natijalari bo‘yicha 61 ballgacha bo‘lgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari.

11. Baholash natijalariga muvofiq huquqbuzarlik xavfi yuqori va o‘rta tasnifidagi tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlarni o‘tkazish amaldagi qonunchilik hujjatlari, jumladan O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni, 2022-yil 13-sentabrdagi PQ–374-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar va profilaktika tadbirlarini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizom va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qo‘yiladigan minimal talablar asosida amalga oshiriladi.

Bunda tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlar faqatgina tarkibida tetragidrokannabinol giyohvandlik moddasining miqdori 0,2 foizgacha bo‘lgan kannabis o‘simligini giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarni ishlab chiqarish yoki tayyorlash bilan bog‘liq bo‘lmagan sanoat maqsadlarida yetishtirish, olib kirish (olib chiqish), qayta ishlash, saqlash, realizatsiya qilish (berish), olish va tashish faoliyatidagi qonunchilik talablariga rioya etilishini o‘rganish maqsadida o‘tkaziladi.

12. Xavf darajasi past bo‘lgan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar o‘tkazilmaydi.

4-bob. Yakuniy qoidalar

13. Xavfni tahlil etish natijalaridan norozi bo‘lgan tadbirkorlik subyektlari qonunchilikda belgilangan tartibda yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishga haqli.

14. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

QMMB: 10/26/3868/0647-son
29.06.2026-y.

Tarkibida giyohvandlik moddasi boʻlgan oʻsimlikni yetishtirish faoliyati ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi toʻgʻiyundagi nizomga
ILOVA

Tarkibida tetragidrokannabinol giyohvandlik moddasining miqdori 0,2 foizgacha boʻlgan kannabis oʻsimligini giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarni ishlab chiqarish yoki tayyorlash bilan bogʻliq boʻlmagan sanoat maqsadlarida yetishtirish, olib kirish (olib chiqish), qayta ishlash, saqlash, realizatsiya qilish (berish), olish va tashish faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KOʻRSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash koʻrsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga koʻra qoʻyilgan ballar
1	Tarkibida tetragidrokannabinol giyohvandlik moddasining miqdori 0,2 foizgacha boʻlgan kannabis oʻsimligining ruxsat etilgan navlarini (bundan buyon matnda kannabis oʻsimligi deb yuritiladi) yetishtirish va foydalanish bilan bogʻliq boʻlgan faoliyatni amalga oshirishda qonunchilik va texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlarga rioya qilinmaganligi	20	
2	Kannabis oʻsimligida tetragidrokannabinol giyohvandlik moddasining mavjudligini tarkibiy miqdori jihatdan toʻliq tahlil qilish imkoniga ega boʻlgan zamonaviy laboratoriyaning mavjud emasligi	20	
3	Kannabis oʻsimligini yetishtirish va foydalanishga oid faoliyat turini amalga oshirishda foydalaniladigan yer maydonlari, binolar va inshootlar atrofida kamida toʻqson kunlik videoyozuvni saqlash imkoniyatini beradigan tungi kuzatuv imkoniyatiga ega boʻlgan uzluksiz ishlovchi videokuzatuv tizimining mavjud emasligi	15	
4	Moddiy-texnik baza, uskunalar, boshqa texnik vositalardan foydalanishni qamrab olgan holda kannabis oʻsimligini yetishtirish va foydalanishga oid faoliyat boʻyicha belgilangan talablarga rioya qilinmaganligi	10	

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
5	Ishlab chiqarish xavfsizligi, mehnatni muhofaza qilish va texnika xavfsizligi, yong‘in xavfsizligi, ishlab chiqarish sanitariyasi bo‘yicha talablar va normalarga rioya qilinmaganligi	10	
6	Kannabis o‘simligi tarkibida tetragidrokannabinol giyohvandlik moddasi miqdorini (0,2 foizdan kam bo‘lgan) minimallashtirish choralarining ko‘rilmaganligi	10	
7	Kannabis o‘simligining xavfsizligi va saqlash qoidalariga rioya qilinmaganligi	8	
8	Kannabis oʻsimligi va uni qayta ishlash mahsulotlarini saqlash va realizatsiya qilish talablariga rioya qilinmaganligi	7	
Jami ballar yig‘indisi		**100**	

25 (1253)-son
642-modda

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3869
2026 - yil 27 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI ELEKTR ENERGIYASI, NEFT MAHSULOTLARI VA GAZDAN FOYDALANISHNI NAZORAT QILISH INSPEKSIYASI BOSHLIG‘INING BUYRUG‘I

Yoqilgʻi-energiya resurslarini ishlab chiqarish (qazib olish), qayta ishlash, uzatish (tashish), taqsimlash va isteʼmol qilish sohasidagi talablarga rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi Farmoni hamda Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son “Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida davlat nazoratini tashkil etish boʻyicha qoʻshimcha chora-tadbirlar toʻgʻrisida”gi va 2023-yil 17-noyabrdagi 606-son “Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Elektr energiyasi, neft mahsulotlari va gazdan foydalanishni nazorat qilish inspeksiyasi faoliyatini tashkil qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarorlariga muvofiq buyuraman:

1. Yoqilgʻi-energiya resurslarini ishlab chiqarish (qazib olish), qayta ishlash, uzatish (tashish), taqsimlash va isteʼmol qilish sohasidagi talablarga rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi toʻgʻrisidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish boʻyicha vakil hamda Oʻzbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Inspeksiya boshlig'i
2026-yil 16-iyun
18-son

ISAQULOV DADAJON
AYNAQULOVICH

Kelishildi:

Rais
2026-yil 16-iyun

VAXABOV DAVRON
ABDUJALALOVICH

Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish bo‘yicha vakil
2026-yil 16-iyun

BURIYEV ABDUMANNOP
ABDURAXMATOVICH

ОЖМНВ: 10\52\6986\0642-son
52.06.2026-y.

QMMB: 10/26/3869/0645-son
29.06.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi
Elektr energiyasi, neft mahsulotlari va gazdan foydalanishni
nazorat qilish inspeksiyasi boshlig‘ining
2026-yil 16-iyundagi 18-son buyrug‘iga
ILOVA

Yoqilgʻi-energiya resurslarini ishlab chiqarish (qazib olish), qayta ishlash, uzatish (tashish), taqsimlash va isteʼmol qilish sohasidagi talablarga rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi toʻgʻrisidagi NIZOM

Mazkur Nizom Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Elektr energiyasi, neft mahsulotlari va gazdan foydalanishni nazorat qilish inspeksiyasi (bundan buyon matnda O‘zenergoinspeksiya deb yuritiladi) vakolatiga kiradigan masalalarga doir yoqilgʻi-energiya resurslarini ishlab chiqarish (qazib olish), qayta ishlash, uzatish (tashish), taqsimlash va isteʼmol qilish sohasidagi talablarga rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

tadbirkorlik subyekti – belgilangan tartibda davlat roʻyxatidan oʻtgan hamda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirayotgan yuridik va jismoniy shaxslar;

tekshiruv – tadbirkorlik subyekti tomonidan faoliyatini tartibga soluvchi qonunchilikka qay darajada rioya etilayotganligini tekshirish uchun kerakli materiallar, hujjatlar yoki ularning faoliyatiga doir maʼlumotlarni olish hamda muayyan harakatlarni amalga oshirish orqali O‘zenergoinspeksiya vakolati doirasida oʻtkaziladigan nazorat tadbiri;

“Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi – O‘zenergoinspeksiya tomonidan tegishli nazorat sohasi boʻyicha aniq mezonlarga asoslanib, tadbirkorlik subyekti tomonidan oʻz faoliyatida qonunchilik buzilish xavfi darajasini aniqlash mexanizmi.

2. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi O‘zenergoinspeksiya tomonidan Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qoʻyiladigan minimal talablarga muvofiq ishlab chiqilishi lozim.

Minimal talablarga zid boʻlgan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi tadbirkorlik subyektida tekshiruv oʻtkazish tashabbusi bilan chiqishga asos boʻlmaydi.

3. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi asosida aniqlangan huquqbuzarlik xavfi qay darajada boʻlishidan qatʼi nazar, tadbirkorlik subyektiga nisbatan taʼsir choralarini qoʻllashga asos boʻla olmaydi.

2-bob. Xavf darajasini tahlil qilishga doir umumiy talablar

4. Tadbirkorlik subyektining qonunni buzish xavfi darajasini tahlil qilish jarayoni tadbirkorlik subyekti faoliyatini toʻxtatib turish, unga toʻsqinlik qilish yoki faoliyatini amalga oshirishga toʻgʻridan-toʻgʻri aralashishni nazarda tutuvchi xatti-harakatlarni oʻz ichiga olmasligi zarur.

5. Xavf darajasining tahlili quyidagi maʼlumotlarni oʻrganish asosida amalga oshirilishi mumkin:

maʼmuriy maʼlumotlar (litsenziya, ruxsat etuvchi va davlat organlarida mavjud boshqa hujjatlar);

davriy statistika maʼlumotlari, jumladan, avval huquqbuzarlik holatlari aniqlangan tadbirkorlik subyektini umumlashtiruvchi belgilar, xabarlar va boshqa korrelyatsion tahlil natijalari;

yuridik va jismoniy shaxslardan kelib tushgan murojaatlar;

ommaviy axborot vositalaridan yoki boshqa tashqi manbalardan (ijtimoiy tarmoqlar, veb-saytlar) olingan maʼlumotlar;

qonunchilikda taqiqlanmagan boshqa manbalardan va tadbirkorlik subyektining odatiy faoliyatiga bevosita yoki bilvosita taʼsir koʻrsatmagan holda, davlat organlari va boshqa tashkilotlardan olinishi mumkin boʻlgan boshqa maʼlumotlar.

6. Xavf darajasi tahlili jarayonida tadbirkorlik subyektidan hujjatlar va axborotlar talab qilinishiga yoʻl qoʻyilmaydi.

7. Nazorat vakolatiga kirmaydigan tadbirkorlik subyektlari faoliyatini tahlil qilish va baholash taqiqlanadi.

3-bob. Xavf darajasi tasnifi va ularning mezonlariga doir talablar

8. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida tadbirkorlik subyekti faoliyatining xavf darajasini baholash oʻrganiladigan maʼlumotlar asosida shakllantirilgan mazkur

Nizomning 1–7-ilovalarida koʻrsatilgan baholash koʻrsatkichlariga muvofiq “ball” tizimi asosida baholash orqali amalga oshiriladi.

9. Oʻzenergoinspeksiya tadbirkorlik subyektlarining xavf darajasini baholash uchun quyidagi koʻrsatkichlarni “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimiga kiritadi:

mazkur Nizomning 1-ilovasiga muvofiq Isteʼmolchilar tomonidan elektr energiyasidan foydalanish yoʻnalishi boʻyicha tadbirkorlik subyekti faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 2-ilovasiga muvofiq Elektr energiyasini ishlab chiqarish va saqlash yoʻnalishi boʻyicha tadbirkorlik subyekti faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 3-ilovasiga muvofiq Elektr energiyasini uzatish, taqsimlash va isteʼmolchilarga yetkazib berish (sotish) yoʻnalishi boʻyicha tadbirkorlik subyekti faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 4-ilovasiga muvofiq Issiqlik energiyasi yoʻnalishi boʻyicha tadbirkorlik subyekti faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 5-ilovasiga muvofiq Neft va neft mahsulotlarini ishlab chiqarish (qazib olish), qayta ishlash, uzatish (tashish), realizatsiya qilish, sifat va miqdor jihatdan toʻgʻri saqlash va taqsimlash hamda isteʼmol qilish yoʻnalishi boʻyicha tadbirkorlik subyekti faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 6-ilovasiga muvofiq Tabiiy va suyultirilgan gazni ishlab chiqarish (qazib olish), qayta ishlash, uzatish (tashish), realizatsiya qilish, sifat va miqdor jihatdan toʻgʻri saqlash va taqsimlash hamda isteʼmol qilish yoʻnalishi boʻyicha tadbirkorlik subyekti faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 7-ilovasiga muvofiq Energiya auditidan oʻtkazish yoʻnalishi boʻyicha tadbirkorlik subyekti faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari.

Bunda tadbirkorlik subyektlarining xavf darajasi mazkur bandning ikkinchi – sakkizinchi xatboshilarida nazarda tutilgan koʻrsatkichlar boʻyicha “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida avtomatik ravishda alohida aniqlanadi.

10. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida tadbirkorlik subyektlari faoliyatida huquqbuzarlik sodir etish xavfi past, oʻrta va yuqori darajalarga tasniflanadi.

Bunda baholash natijasida aniqlangan xavf darajasining umumiy ballari asosida tadbirkorlik subyekti tomonidan huquqbuzarlik sodir etish xavfi quyidagi uch

xil toifada tasniflanadi:

xavf darajasi yuqori – baholash natijalari boʻyicha 81 balldan 100 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi oʻrta – baholash natijalari boʻyicha 61 balldan 81 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi past – baholash natijalari boʻyicha 61 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari.

11. Baholash natijalariga muvofiq huquqbuzarlik xavfi yuqori va oʻrta tasnifidagi tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlarni oʻtkazish amaldagi qonunchilik hujjatlari, jumladan Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi Farmoni, 2022-yil 13-sentabrdagi PQ–374-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar va profilaktika tadbirlarini oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi nizom va Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qoʻyiladigan minimal talablar asosida amalga oshiriladi.

Bunda tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlar faqatgina Oʻzenergoinspeksiyaning vakolatiga kiradigan masalalarni oʻrganish maqsadida oʻtkaziladi.

12. Xavf darajasi past boʻlgan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar oʻtkazilmaydi.

4-bob. Yakuniy qoidalar

13. Xavfni tahlil etish natijalaridan norozi boʻlgan shaxslar qonunchilikda belgilangan tartibda yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishga haqli.

14. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor boʻlgan shaxslar belgilangan tartibda javobgar boʻladilar.

QMMB: 10/26/3869/0645-son
29.06.2026-y.

Yoqilg‘i-energiya resurslarini ishlab chiqarish (qazib olish), qayta ishlash, uzatish (tashish), taqsimlash va iste’mol qilish sohasidagi talablarga rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
1-ILOVA

Iste’molchilar tomonidan elektr energiyasidan foydalanish yo‘nalishi bo‘yicha tadbirkorlik subyekti faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ballar	O‘tkazilgan tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Elektr energiyasi uchun hisob-kitoblar belgilangan tartibda amalga oshirilmaganligi yoki elektr hisoblagich yoxud uning ulanish sxemasiga tashqi ta’sir ko‘rsatilganligi yoki elektr qurilma, uskuna va tarmoqlarda qoniqarsiz texnik holatning mavjudligi	**31**	
2.	O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 31-maydagi 319-son qarori bilan tasdiqlangan Elektr energiyasidan foydalanish qoidalariga muvofiq reaktiv quvvat yetarli darajada kompensatsiya qilinmaganligi oqibatida tarmoqlarda hosil bo‘lgan yo‘qotishlarning mavjudligi, texnik shartlarda ruxsat etilgan quvvatdan ortiqcha quvvat ulanganligi va (yoki) elektr energiyasi iste’moli shartnomaviy miqdordan 20 foiz va undan ortishiga yo‘l qo‘yilganligi	**25**	
3.	Elektr xo‘jaligiga javobgar shaxs O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son qarori bilan tasdiqlangan Iste’molchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalarida belgilangan tartibda bilim sinovidan o‘tkazilmaganligi yoki elektr xavfsizligi bo‘yicha tegishli guruhga ega bo‘lmaganligi, shuningdek, elektr tarmog‘i muhofaza zonalarida iste’molchi bino-inshootlarining mavjudligi	**25**	
4.	Elektr energiyasi uchun HETK bilan hisob-kitob qilish maqsadida iste’molchilarda Elektr energiyasini hisobga olish va nazorat qilishning avtomatlashtirilgan tizimi (EHNAT)ga mos keladigan hisoblagichlarning mavjud emasligi va (yoki) elektr hisoblagichlarning EHNAT bilan aloqaga chiqmayotganligi	**16**	
5.	Iste’molchilarning quvvati 20 kVtdan yuqori bo‘lgan elektr qurilmalari yagona elektr energetika tizimi elektr tarmoqlariga ularning ekspluatatsiya qilishga tayyorligi aniqlanmasdan va O‘zenergoinspeksiya tomonidan iste’molchilarning elektr qurilmalarini elektr tarmoqlariga ulash to‘g‘risidagi dalolatnoma imzolanmasdan ulanganligi	**3**	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

QMMB: 10/26/3869/0645-son
29.06.2026-y.

Yoqilg‘i-energiya resurslarini ishlab chiqarish (qazib olish), qayta ishlash, uzatish (tashish), taqsimlash va iste’mol qilish sohasidagi talablarga rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
2-ILOVA

Elektr energiyasini ishlab chiqarish va saqlash yo‘nalishi bo‘yicha tadbirkorlik subyekti faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ballar	O‘tkazilgan tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Elektr qurilma, uskuna va tarmoqlarda qoniqarsiz texnik holatning mavjudligi, shuningdek, elektr energiyasini ishlab chiqarish va saqlashda foydalaniladigan qurilma, uskuna va tarmoqlardan foydalanish vaqtida texnologik nosozliklar, o‘chishlar, avariyalar, yong‘inlar sodir bo‘lganligi va (yoki) sodir bo‘lgan baxtsiz hodisa oqibatida inson(lar)ning tan jarohati olganligi yoki o‘limiga sabab bo‘lganligi	**31**	
2.	Elektr energiyasini ishlab chiqarish va saqlash tizimlarini elektr tarmoqlariga ulash, parallel ishlatish va ekspluatatsiya qilishda texnik shartlar, tarmoq rejimi, chastota va kuchlanish parametrlari talablariga rioya qilinmaganligi yoki dispetcherlik boshqaruvi talablari buzilganligi	**25**	
3.	Elektr energiyasi sifati ko‘rsatkichlari (chastota, kuchlanish, garmonik buzilishlar) bo‘yicha texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlarda belgilangan me’yorlarga rioya qilinmaganligi	**25**	
4.	Yong‘in xavfsizligi, elektr xavfsizligi hamda texnik xizmat ko‘rsatish talablariga rioya qilinmaganligi va (yoki) elektr energetikasi obyektlari xodimlarning O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 18-oktabrdagi 608-son qarori bilan tasdiqlangan Elektr energetikasi obyektlarida xodimlar bilan ishlashni tashkil etish qoidalariga muvofiq malaka va bilim sinovidan o‘tmaganligi	**16**	
5.	Elektr energiyasini hisobga olish va nazorat qilishning avtomatlashtirilgan tizimi (EHNAT) mavjud emasligi, uning ishlamasligi yoki ma’lumotlarni uzatishda tashqi aralashuv va inson omilining mavjudligi	**3**	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

QMMB: 10/26/3869/0645-son
29.06.2026-y.

Yoqilg‘i-energiya resurslarini ishlab chiqarish (qazib olish), qayta ishlash, uzatish (tashish), taqsimlash va iste’mol qilish sohasidagi talablarga rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
3-ILOVA

Elektr energiyasini uzatish, taqsimlash va iste’molchilarga yetkazib berish (sotish) yo‘nalishi bo‘yicha tadbirkorlik subyekti faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ballar	O‘tkazilgan tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Elektr qurilma, uskuna va tarmoqlarda qoniqarsiz texnik holatning mavjudligi, shuningdek, elektr qurilma, uskuna va tarmoqlardan foydalanish vaqtida avariyalar, yong‘inlar sodir bo‘lganligi va (yoki) sodir bo‘lgan baxtsiz hodisa oqibatida inson(lar)ning tan jarohati olganligi yoki o‘limiga sabab bo‘lganligi	**31**	
2.	Elektr energiyasi iste’molchilari bilan hisob-kitoblar noto‘g‘ri amalga oshirilganligi	**25**	
3.	Elektr ta’minotida uzilishlarga yo‘l qo‘yilganligi va sifati past elektr energiyasi yetkazib berilganligi	**25**	
4.	Elektr energiyasi ishlab chiqarish, uzatish va taqsimlash bo‘yicha elektr energiyasi yetkazib berilishida tafovutlarga yo‘l qo‘yilishi va (yoki) texnologik yo‘qotishlar me’yorlariga amal qilinmaganligi	**16**	
5.	Elektr hisoblagichi Elektr energiyasini hisobga olish va nazorat qilishning avtomatlashtirilgan tizimi (EHNAT)ga mos kelmaydigan iste’molchilarga elektr energiyasi yetkazib berilganligi	**3**	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

QMMB: 10/26/3869/0645-son
29.06.2026-y.

Yoqilg‘i-energiya resurslarini ishlab chiqarish (qazib olish), qayta ishlash, uzatish (tashish), taqsimlash va iste’mol qilish sohasidagi talablarga rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
4-ILOVA

Issiqlik energiyasi yo‘nalishi bo‘yicha tadbirkorlik subyekti faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ballar	O‘tkazilgan tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Issiqlikdan foydalanuvchi qurilmalarni va issiqlik tarmoqlarini avariya xavfini tug‘diradigan yoki odamlarning hayotiga xavf soladigan qoniqarsiz texnik holatda, shuningdek, izolyatsiyasiz yoki belgilangan talablarga javob bermaydigan izolyatsiya bilan ekspluatatsiya qilinganligi	**31**	
2.	Issiqlikdan foydalanuvchi qurilmalar va issiqlik tarmoqlarida issiq suv, bug‘ va bug‘ kondensatining sirqib to‘kilishiga yo‘l qo‘yilishi va (yoki) belgilangan sifat ko‘rsatkichlaridan chetga chiqilganligi	**25**	
3.	Issiqlik xo‘jaligiga javobgar shaxs, uning o‘rinbosari va xavfsizlik texnikasi muhandisi Issiqlikdan foydalanuvchi qurilmalar va issiqlik tarmoqlarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalariga (ro‘yxat raqami 3836, 2026-yil 18-may) muvofiq bilim sinovidan o‘tkazilmaganligi yoki bilim sinovining muddati o‘tganligi	**25**	
4.	Issiqlik energiyasidan foydalanish shartnomasida ko‘rsatib o‘tilgan tarmoq suvining bir soatda olinadigan maksimal miqdoridan oshirilishiga va bug‘ kondensatining issiqlik energiyasidan foydalanish shartnomasida belgilangan miqdordan kam qaytarilishiga yo‘l qo‘yilganligi	**15**	
5.	Issiqlik energiyasini hisobga olish priboriga ega bo‘lmagan iste’molchilarga issiqlik energiyasi yetkazib berilganligi	**2**	
6.	Issiqlik energiyasini hisobga olish priborsiz issiqlik energiyasidan foydalanilganligi	**2**	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

QMMB: 10/26/3869/0645-son
29.06.2026-y.

Yoqilg‘i-energiya resurslarini ishlab chiqarish (qazib olish), qayta ishlash, uzatish (tashish), taqsimlash va iste’mol qilish sohasidagi talablarga rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
5-ILOVA

Neft va neft mahsulotlarini ishlab chiqarish (qazib olish), qayta ishlash, uzatish (tashish), realizatsiya qilish, sifat va miqdor jihatdan to‘g‘ri saqlash va taqsimlash hamda iste’mol qilish yo‘nalishi bo‘yicha tadbirkorlik subyekti faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash
KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ballar	O‘tkazilgan tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Litsenziyalash, ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillari sohasidagi hamda neft va neft mahsulotlarini ishlab chiqarish (qazib olish), qayta ishlash, uzatish (tashish), realizatsiya qilish, sifat va miqdor jihatdan to‘g‘ri saqlash va taqsimlash hamda iste’mol qilish bo‘yicha normativ-huquqiy hujjatlar hamda texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar talablariga rioya etilmasligi	**60**	
2.	Neft va neft mahsulotlaridan foydalanishda belgilangan texnologik jarayonlar va texnologik uskunalarning holati texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar talablariga javob bermasligi	**24**	
3.	Neft va neft mahsulotlarini talon-toroj qilish va noqonuniy iste’mol qilishning boshqa holatlari, shuningdek, ularni sodir etishga imkon beruvchi sabab va shart-sharoitlar mavjudligi	**8**	
4.	Ishlab chiqarilayotgan mahsulot birligi uchun sarflanadigan yoqilg‘i-energetika resurslari normalarining belgilanmasligi, shuningdek belgilangan normalarga rioya etilmasligi	**4**	
5.	Neft va neft mahsulotlaridan foydalanishda O‘zenergoinspeksiya tomonidan vakolat doirasida berilgan ko‘rsatmalarning bajarilmasligi	**4**	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

QMMB: 10/26/3869/0645-son
29.06.2026-y.

Yoqilg‘i-energiya resurslarini ishlab chiqarish (qazib olish), qayta ishlash, uzatish (tashish), taqsimlash va iste’mol qilish sohasidagi talablarga rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
6-ILOVA

Tabiiy va suyultirilgan gazni ishlab chiqarish (qazib olish), qayta ishlash, uzatish (tashish), realizatsiya qilish, sifat va miqdor jihatdan to‘g‘ri saqlash va taqsimlash hamda iste’mol qilish yo‘nalishi bo‘yicha tadbirkorlik subyekti faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Balllar	O‘tkazilgan tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Litsenziyalash, ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillari sohasidagi hamda tabiiy va suyultirilgan gazni ishlab chiqarish (qazib olish), qayta ishlash, uzatish (tashish), realizatsiya qilish, sifat va miqdor jihatdan to‘g‘ri saqlash va taqsimlash hamda iste’mol qilish bo‘yicha normativ-huquqiy hujjatlar hamda texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar talablariga rioya etilmasligi	**60**	
2.	Tabiiy va suyultirilgan gazdan foydalanishda belgilangan texnologik jarayonlar va texnologik uskunalarning holati texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar talablariga javob bermasligi	**24**	
3.	Tabiiy va suyultirilgan gazni talon-toroj qilish va noqonuniy iste’mol qilishning boshqa holatlari, shuningdek, ularni sodir etishga imkon beruvchi sabab va shart-sharoitlar mavjudligi	**8**	
4.	Ishlab chiqarilayotgan mahsulot birligi uchun sarflanadigan yoqilg‘i-energetika resurslari normalarining belgilanmasligi, shuningdek belgilangan normalarga rioya etilmasligi	**4**	
5.	Tabiiy va suyultirilgan gazdan foydalanishda O‘zenergoinspeksiya tomonidan vakolat doirasida berilgan ko‘rsatmalarning bajarilmasligi	**4**	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

QMMB: 10/26/3869/0645-son
29.06.2026-y.

Yoqilg‘i-energiya resurslarini ishlab chiqarish (qazib olish), qayta ishlash, uzatish (tashish), taqsimlash va iste’mol qilish sohasidagi talablarga rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
7-ILOVA

Energiya auditidan o‘tkazish yo‘nalishi bo‘yicha tadbirkorlik subyekti faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ball	O‘tkazilgan tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Yoqilg‘i-energetika resurslari iste’molchilari tomonidan majburiy energiya auditidan o‘tkazish uchun energiya auditori bilan shartnoma tuzilmaganligi	**27**	
2.	Yoqilg‘i-energetika resurslari iste’molchilari tomonidan majburiy energiya auditi O‘zbeksiton Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 19-oktabrdagi 690-son qarori bilan tasdiqlangan Yoqilg‘i-energetika resurslari iste’molchilarini majburiy energiya auditidan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomda belgilangan muddatlarda o‘tkazilmaganligi	**27**	
3.	Yoqilg‘i-energetika resurslari iste’molchilari tomonidan tashkiliy-texnik chora-tadbirlar ijrosini belgilangan muddatlarda “Energonazorat” platformasiga kiritmaganligi	**27**	
4.	Mahsulot ishlab chiqarish (xizmat ko‘rsatish) uchun sarflanadigan elektr energiyasi me’yorlari ishlab chiqilmaganligi va belgilangan tartibda tasdiqlanmaganligi, shuningdek, tasdiqlangan me’yorlarga rioya etilmasligi	**7**	
5.	Elektr energiyasini iqtisod qilish bo‘yicha yillik tashkiliy-texnik chora-tadbirlar tasdiqlanmaganligi hamda ularni ijrosi ta’minlanmaganligi	**6**	
6.	O‘zbeksiton Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 31-maydagi 319-son qarori bilan tasdiqlangan Tabiiy gazdan foydalanish qoidalariga muvofiq ekspluatatsiya qilinadigan tabiiy gazdan foydalanish va yordamchi uskunalarda har uch yilda kamida bir marotaba, gazdan energiya sifatida foydalanuvchi tashkilotlarda esa (mukammal va joriy ta’mirlashni o‘tkazish xususiyatini hisobga olgan holda) har to‘rt yilda bir marotaba RSI (rejim-sozlash ishlari) o‘tkazilmaganligi	**6**	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

25 (1253)-son
643-modda

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3870
2026 - yil 27 - Iyun

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI HISOB PALATASI RAISINING BUYRUG'I

Davlat tashqi auditi va moliyaviy nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida

Oʻzbekiston Respublikasining “Oʻzbekiston Respublikasining Hisob palatasi toʻgʻrisida”gi Qonuni, Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF-184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi Farmoni hamda Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son “Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida davlat nazoratini tashkil etish boʻyicha qoʻshimcha chora-tadbirlar toʻgʻrisida”gi qarori ga asosan Oʻzbekiston Respublikasi Hisob palatasi qaror qiladi:

1. Davlat tashqi auditi va moliyaviy nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi toʻgʻrisidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur qaror Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish boʻyicha vakil hamda Oʻzbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Raisning birinchi o‘rinbosari
02-Iyun 2026-yil
101 son

ABDULLAYEV MEHRIDDIN
RAZZOQOVICH

Kelishildi:

Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish boʻyicha vakil 26-May 2026-yil		BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH
Rais 15-May 2026-yil		VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH

Oʻzbekiston Respublikasi Hisob palatasining
2026-yil 2-iyundagi 101-son qaroriga
ILOVA

Davlat tashqi auditi va moliyaviy nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi toʻgʻrisidagi NIZOM

Mazkur Nizom Oʻzbekiston Respublikasi Hisob palatasi (bundan buyon matnda Hisob palatasi deb yuritiladi) vakolatiga kiradigan masalalarga doir tadbirkorlik subyektlarida davlat tashqi auditi va moliyaviy nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

tadbirkorlik subyekti – belgilangan tartibda davlat roʻyxatidan oʻtgan hamda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirayotgan yuridik va jismoniy shaxslar;

tekshiruv – tadbirkorlik subyekti tomonidan faoliyatini tartibga soluvchi qonunchilikka qay darajada rioya etilayotganligini tekshirish uchun kerakli materiallar, hujjatlar yoki ularning faoliyatiga doir maʼlumotlarni olish hamda muayyan harakatlarni amalga oshirish orqali Hisob palatasi vakolati doirasida oʻtkaziladigan nazorat tadbiri;

“Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi – Hisob palatasi tomonidan tegishli nazorat sohasi boʻyicha aniq mezonlarga asoslanib, tadbirkorlik subyekti tomonidan oʻz faoliyatida qonunchilik buzilish xavfi darajasini aniqlash mexanizmi.

2. Hisob palatasi tomonidan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qoʻyiladigan minimal talablarga muvofiq ishlab chiqilishi lozim.

Minimal talablarga zid boʻlgan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi tadbirkorlik subyektida tekshiruv oʻtkazish tashabbusi bilan chiqishga asos boʻlmaydi.

3. Mazkur Nizom talablari Oʻzbekiston Respublikasi Oliy Majlisi, Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti, Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi topshiriqlariga asosan va qonunchilikda nazarda tutilgan boshqa asoslarga koʻra, Hisob palatasi tomonidan tadbirkorlik subyektida oʻtkaziladigan tekshiruvlarga nisbatan tatbiq etilmaydi.

4. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi asosida aniqlangan huquqbuzarlik xavfi qay darajada boʻlishidan qatʼi nazar, tadbirkorlik subyektiga nisbatan taʼsir choralarini qoʻllashga asos boʻla olmaydi.

2-bob. Xavf darajasini tahlil qilishga doir umumiy talablar

5. Tadbirkorlik subyektining qonunni buzish xavfi darajasini tahlil qilish jarayoni tadbirkorlik subyekti faoliyatini toʻxtatib turish, unga toʻsqinlik qilish yoki faoliyatini amalga oshirishga toʻgʻridan-toʻgʻri aralashishni nazarda tutuvchi xatti-harakatlarni oʻz ichiga olmasligi zarur.

6. Xavf darajasining tahlili quyidagi maʼlumotlarni oʻrganish asosida amalga oshirilishi mumkin:

maʼmuriy maʼlumotlar (litsenziya, ruxsat etuvchi va davlat organlarida mavjud boshqa hujjatlar);

davriy statistika maʼlumotlari, jumladan, avval huquqbuzarlik holatlari aniqlangan tadbirkorlik subyektini umumlashtiruvchi belgilar, xabarlar va boshqa korrelyatsion tahlil natijalari;

yuridik va jismoniy shaxslardan kelib tushgan murojaatlar;

ommaviy axborot vositalaridan yoki boshqa tashqi manbalardan (ijtimoiy tarmoqlar, veb-saytlar) olingan maʼlumotlar;

davlat organlari va boshqa tashkilotlar, shu jumladan banklarning axborot tizimlari, dasturiy taʼminotlari va maʼlumotlar bazasi tahlili natijalari;

qonunchilikda taqiqlanmagan boshqa manbalardan va tadbirkorlik subyektining odatiy faoliyatiga bevosita yoki bilvosita taʼsir koʻrsatmagan holda, davlat organlari va boshqa tashkilotlardan olinishi mumkin boʻlgan boshqa maʼlumotlar.

7. Xavf darajasi tahlili jarayonida tadbirkorlik subyektidan hujjatlar va axborotlar talab qilinishiga yoʻl qoʻyilmaydi.

8. Nazorat vakolatiga kirmaydigan tadbirkorlik subyektlari faoliyatini tahlil qilish va baholash taqiqlanadi.

3-bob. Xavf darajasi tasnifi va ularni mezonlariga doir talablar

9. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida xavf darajasini baholash oʻrganiladigan maʼlumotlar asosida shakllantirilgan mazkur Nizomning 1–4-ilovalarida koʻrsatilgan asosiy koʻrsatkichlarga (sub-koʻrsatkichlarga) tadbirkorlik subyekti faoliyatining muvofiqligini “ball” tizimi asosida baholash orqali amalga oshiriladi.

Bunda sub-koʻrsatkichlar mavjud boʻlganda har bir asosiy koʻrsatkichning bahosi ushbu koʻrsatkich ostidagi sub-koʻrsatkichlar bahosining yigʻindisidan kelib chiqadi.

10. Hisob palatasi tadbirkorlik subyektlarining xavf darajasini baholash uchun mazkur Nizomning 1–4-ilovasida koʻrsatilgan asosiy koʻrsatkichlar va sub-koʻrsatkichlarni “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimiga kiritadi.

Bunda tashkilotlarning xavf darajasi asosiy koʻrsatkichlar va sub-koʻrsatkichlar boʻyicha mazkur Nizomning 5-bandida koʻrsatilgan maʼlumotlardan foydalangan holda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida avtomatik ravishda aniqlanadi.

11. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida tadbirkorlik subyektlari faoliyatida huquqbuzarlik sodir etish xavfi past, oʻrta va yuqori darajalarga tasniflanadi.

Bunda baholash natijasida aniqlangan xavf darajasining umumiy ballari asosida tadbirkorlik subyekti tomonidan huquqbuzarlik sodir etish xavfi quyidagi uch xil toifaga tasniflanadi:

xavf darajasi yuqori – baholash natijalari boʻyicha 81 balldan 100 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi oʻrta – baholash natijalari boʻyicha 61 balldan 81 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi past – baholash natijalari boʻyicha 61 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari.

12. Baholash natijalariga muvofiq huquqbuzarlik xavfi yuqori va oʻrta tasnifidagi tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlarni oʻtkazish amaldagi qonunchilik hujjatlari, jumladan Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi Farmoni, 2022-yil 13-sentabrdagi PQ–374-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar va profilaktika tadbirlarini oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi nizom va Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qoʻyiladigan minimal talablar asosida amalga oshiriladi.

Bunda tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlar faqatgina Hisob palatasining vakolatiga kiradigan masalalarni oʻrganish maqsadida oʻtkaziladi.

13. Huquqbuzarlik sodir etish xavfi yuqori tasnifidagi tadbirkorlik subyektida profilaktika tadbirlarini oʻtkazmasdan va ularning natijasini kutmasdan quyidagi holatlar doirasida tadbirkorlik subyektida tekshiruv oʻtkazish tashabbusi bilan chiqish mumkin:

inson hayoti va sogʻligʻiga zarar yetkazilishining yuqori xavfi mavjud boʻlganda;

jamoat xavfsizligiga zarar yetkazish xavfining oldini olish uchun kechiktirib boʻlmaydigan holatlar;

atrof muhitga jiddiy zarar yetkazishi mumkin boʻlgan holatlar aniqlanganda;

jismoniy va yuridik shaxslar, davlat organlari va boshqa tashkilotlarga moddiy zarar yetkazilayotganligi holatlari aniqlanganda;

qonunchilikda nazarda tutilgan boshqa holatlarda.

14. Xavf darajasi past bo‘lgan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar o‘tkazilmaydi.

15. Budjet tizimi budjetlariga va belgilangan tartibda tashkil etilgan boshqa jamg‘armalarga mablag‘lar tushumlarining to‘liqligini ta’minlash va qo‘shimcha daromadlarni jalb qilish doirasida amalga oshirilgan tahlillarda tadbirkorlik subyektlarida aniqlangan soliq xavflari bo‘yicha nazorat tadbirlarini o‘tkazish uchun tahlil materiallari soliq organlariga yuborilishi mumkin.

4-bob. Yakuniy qoidalar

16. Xavfni tahlil etish natijalaridan norozi bo‘lgan shaxslar qonunchilikda belgilangan tartibda yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishga haqli.

17. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

Davlat tashqi auditi va moliyaviy nazoratni amalga oshirishda
“Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi
toʻgʻrisidagi nizomga
1-ILOVA

Davlat ulushi mavjud boʻlgan korxonalar faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KOʻRSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash koʻrsatkichlari	Koʻrsatkichlarga qoʻyilishi mumkin boʻlgan ballar (maksimal 100 ball)	Oʻtkazilgan tahlil yakuniga koʻra qoʻyilgan ballar
1	**Moliyaviy barqarorlik koʻrsatkichlari**	**25**	
1.1	Aktivlar rentabelligi koeffitsiyenti (salbiy)	5	
1.2	Xarajatlar rentabelligi koeffitsiyenti (salbiy)	5	
1.3	Bank kreditlarini EBITDA koʻrsatkichiga nisbati (salbiy)	5	
1.4	Toʻlov qobiliyati (qoplash) koeffitsiyenti (salbiy)	5	
1.5	Xarajatlarning daromadga nisbatan oʻsish koeffitsiyenti	5	
2	**Qarzdorlik va moliyaviy majburiyatlar**	**20**	
2.1	Budjet va budjetdan tashqari jamgʻarmalar oldida qarzdorligi mavjudligi	5	
2.2	Debitorlik qarzlarning oʻsishi	4	
2.3	Davlat ulushi boʻyicha dividend toʻlovidan qarzdorlik yoki dividend toʻlovining kamayishi	4	
2.4	Soliq qarzining oʻsishi	4	
2.5	Sud qarorlari va boshqa hujjatlarga asosan qoʻllanilgan moliyaviy jarima va penyalar	3	
3	**Soliq va moliyaviy hisobot intizomi**	**20**	
3.1	Soliqlarning kam hisoblanishi	5	

3.2	Soliq va moliyaviy hisobotlarning oʻz vaqtida taqdim etilmasligi	5	
3.3	Ilgari taqdim etilgan soliq hisobotlariga bir necha bor oʻzgartirish va qoʻshimchalar kiritilishi	4	
3.4	Audit xulosasining oʻz vaqtida taqdim etilmasligi	3	
3.5	Korxona haqidagi ma’lumotlarning hisobotlarda notoʻgʻri aks ettirilganligi	3	
4	**Nazorat tadbirlarining natijalari**	**20**	
4.1	Oxirgi uch yilda oʻtkazilgan nazorat tadbirlari va tahlillarda aniqlangan kamchiliklar	8	
4.2	Masofaviy nazorat markazi tomonidan risklarning aniqlanishi va tasdigʻini topishi	5	
4.3	Yuridik va jismoniy shaxslardan kelib tushgan murojaatlar (salbiy)	3	
4.4	Ommaviy axborot vositalari yoki boshqa tashqi manbalardan olingan ma’lumotlar (salbiy)	2	
4.5	Davlat organlari va boshqa tashkilotlar axborot tizimlarining tahlili natijalari (salbiy)	2	
5	**Mansabdor shaxslar javobgarligi va korporativ boshqaruv**	**15**	
5.1	Mansabdor shaxslarning jinoiy javobgarlikka tortilganligi (korxona rahbarlari, muassislari, ijrochi direktor, bosh buxgalter va boshqalar)	5	
5.2	Mansabdor shaxslarga nisbatan ma’muriy javobgarlik choralari qoʻllanilishi	4	
5.3	Biznes reja koʻrsatkichlarining bajarilmasligi	3	
5.4	Korporativ boshqaruv organlari tomonidan qonunchilikda nazarda tutilgan masalalar boʻyicha tegishli qarorlarning belgilangan muddatlarda qabul qilinishi va tashkil etilishi ta’minlanmasligi	2	
5.5	Oshkoralik va hisobdorlik talablarining buzilishi (yillik hisobot, ochiq ma’lumotlar)	1	

Davlat tashqi auditi va moliyaviy nazoratni amalga oshirishda
“Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi
toʻgʻrisidagi nizomga
2-ILOVA

Davlat kafolati ostida xalqaro moliya institutlaridan jalb qilingan tashqi qarz mablagʻlarini oʻzlashtirishda qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash
KOʻRSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash koʻrsatkichlari	Koʻrsatkichlarga qoʻyilishi mumkin boʻlgan ballar (maksimal 100 ball)	Oʻtkazilgan tahlil yakuniga koʻra qoʻyilgan ballar
1	Oxirgi uch yilda oʻtkazilgan nazorat tadbirlari va tahlillarda aniqlangan kamchiliklar	10	
2	Tashqi qarz mablagʻlarining jalb qilinishi	10	
3	Tashqi qarz mablagʻlarining oʻzlashtirilishi	10	
4	Davlat kafolati ostida jalb qilingan tashqi qarz mablagʻlarining qaytarilishi	5	
5	Tashqi qarz mablagʻlaridan maqsadli foydalanilishi	10	
6	Toʻlov qobiliyati (qoplash) koeffitsiyenti (salbiy)	10	
7	Loyihalarning belgilangan muddatlarda topshirilishi	10	
8	Loyihaning tasdiqlangan texnik-iqtisodiy asoslarga muvofiqligi	5	
9	Dastlabki tasdiqlangan texnik-iqtisodiy asoslarga loyiha doirasida kiritilgan qoʻshimcha va oʻzgartirishlar (salbiy)	10	
10	Qarz bitimlarining Hukumat qarorlari qabul qilingunga qadar imzolanishi (salbiy)	10	
11	Mansabdor shaxslarning jinoiy javobgarlikka tortilganligi (korxona rahbarlari, muassislari, ijrochi direktor, bosh buxgalter va boshqalar)	5	

12	Sud qarorlari va boshqa hujjatlarga asosan moliyaviy jarima va penyalar qoʻllanilganligi	5	

Davlat tashqi auditi va moliyaviy nazoratni amalga oshirishda
“Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi
toʻgʻrisidagi nizomga
3-ILOVA

Bank tizimida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash
KOʻRSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash koʻrsatkichlari	Koʻrsatkichlarga qoʻyilishi mumkin boʻlgan ballar (maksimal 100 ball)	Oʻtkazilgan tahlil yakuniga koʻra qoʻyilgan ballar
1	**Kapital monandligi va yetarliligi**	**16**	
1.1	Regulyativ kapitalning monandlik koeffitsiyenti	4	
1.2	I darajali kapitalning monandlik koeffitsiyenti	4	
1.3	I darajali asosiy kapitalning monandlik koeffitsiyenti	4	
1.4	Leveraj	4	
2	**Likvidlik va mablagʻlar bilan taʼminlanganlik**	**12**	
2.1	Yuqori likvidli aktivlarning jami aktivlardagi ulushi	4	
2.2	Likvidlikni qoplash meʼyori koeffitsiyenti	4	
2.3	Sof barqaror moliyalashtirish meʼyori koeffitsiyenti	4	
3	**Kredit tavakkalchiligi va aktivlar sifati**	**36**	
3.1	Bankning bir qarz oluvchi yoki oʻzaro aloqador qarz oluvchilar guruhi uchun tavakkalchilikning eng koʻp miqdori	4	
3.2	Banklararo operatsiyalar uchun bir bankka yoki oʻzaro aloqador banklar guruhiga toʻgʻri keluvchi maksimal tavakkalchilik	4	
3.3	Bankning bir qarzdor yoki oʻzaro aloqador qarzdorlar guruhiga toʻgʻri keluvchi taʼminotsiz (ishonchga	4	

	asoslangan) kredit, shuningdek faktoring xizmatlari uchun tavakkalchilikning eng koʻp miqdori		
3.4	Bankning barcha yirik tavakkalchiliklarining umumiy miqdori	4	
3.5	Muammoli kreditlar boʻyicha yaratilgan ehtimoliy yoʻqotishlarga qarshi yaratilgan zaxiralar	10	
3.6	Muammoli kreditlarning jami kreditlardagi ulushi (foizda)	10	
4	**Daromadlilik va rentabellik**	**12**	
4.1	Aktivlar rentabelligi (ROA)	6	
4.2	Kapital rentabelligi (ROE)	6	
5	**Bozor va konsentratsiya tavakkalchiliklari**	**24**	
5.1	Bir yuridik shaxsning ustav fondidagi (ustav kapitalidagi) ulushlarini yoki aksiyalarini sotib olishning maksimal qiymati	4	
5.2	Qimmatli qogʻozlar bilan bitimlarni amalga oshirish, yuridik shaxslarning ustav fondidagi (ustav kapitalidagi) ulushlarini yoki aksiyalarini sotib olish yigʻindisi	4	
5.3	Bankka aloqador bitta shaxsga toʻgʻri keluvchi tavakkalchilikning eng koʻp miqdori	4	
5.4	Bankka aloqador boʻlgan barcha shaxslarga toʻgʻri keluvchi tavakkalchilikning eng koʻp miqdori	4	
5.5	Koʻchmas mulk va boshqa mol-mulklarning jami qiymatining I darajali kapitaldagi ulushi	4	
5.6	Ochiq valyuta pozitsiyasi, sof / Jami regulyativ kapital	4	

Davlat tashqi auditi va moliyaviy nazoratni amalga oshirishda
“Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi
toʻgʻrisidagi nizomga
4-ILOVA

Budjetdan mablagʻ oluvchi tadbirkorlik subyektlari faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KOʻRSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash koʻrsatkichlari	Koʻrsatkichlarga qoʻyilishi mumkin boʻlgan ballar (maksimal 100 ball)	Oʻtkazilgan tahlil yakuniga koʻra qoʻyilgan ballar
1	Budjet mablagʻlarini olish shartlariga mos kelmasligi	25	
2	Budjet mablagʻlari hisobiga amalga oshiriladigan loyihalarning (majburiyatlarning) bajarilmasligi	25	
3	Budjet mablagʻlari belgilangan yoʻnalishlarda sarflanmasligi	25	
4	Ishchi sonining kamayganligi	10	
5	Korxona mansabdor shaxslarining ma’muriy yoki jinoiy javobgarlikka tortilganligi	10	
6	Mablagʻ oluvchi tadbirkorlik subyekti ustidan shikoyat ariza kelib tushganligi	5	